


ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

2



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

**II – жилд
(XIX аср II ярми – 1991 йил август)**

**(Олий ўқув юртлари талабалари
учун дарслик)**

Тошкент-2015

Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ушбу “Ўзбекистон тарихи” дарслиги тарихимизнинг XIX аср II ярмидан 1990 йилгача бўлган даврини ўз ичига қамраб олган. Мазкур дарслик мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларнинг умумэътироф этилган натижалари билан бойитилганлиги, фан бўйича инновацияларни ўқув жараёнига жорий этилганлиги билан илгариги ўқув адабиётларидан фарқ қилади.

Ушбу дарслик бакалавр талабаларга мўлжалланган бўлишига қарамасдан, ундан магистрлар, ёш тадқиқотчилар, тарихчи-олимлар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ЎзМУнинг “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида қабул қилинади.

Масъул муҳаррир ва ижодий гуруҳ раҳбари:

Тарих фанлари доктори, профессор Р.Х.Муртазаева

Такризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор Н.У.Мусаев

тарих фанлари доктори, профессор Д.Б.Бобожонова

Муаллифлар жамоаси:

Тарих фанлари доктори, профессор Б.Ж.Эшов

Тарих фанлари доктори Х.Э.Юнусова

Тарих фанлари доктори Р.Э.Холиқова

Тарих фанлари номзоди, доцент А.А.Одилов

Тарих фанлари номзоди, доцент М.М.Хайдаров

Тарих фанлари номзоди К.Д.Саипова

Тарих фанлари номзоди А.Р.Абдуқаюмов

Катта ўқитувчи А.А.Инсопов

“Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизимида тадбиқ этиш” мавзусидаги грант режасига биноан грант маблағларига чоп этилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган (баённома № 2).

Кириш

XIX – аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ҳукмронлик қилган Россия империяси мустамлакачилиги даврида Ўрта Осиёда мавжуд мустақил ўзбек давлатчилиги асосларига чек қўйилди, хонликлар империя вассалларига айлантирилди, “ҳарбий-халқ бошқаруви” деб номланмиш мустамлака зўравонлик тартиботи ўрнатилди, меҳнаткаш аҳоли икки томонлама жабр-зулм гирдобига тортилди. Бунинг ҳосиласи натижасида ўлка кенг қамровли озодлик ҳаракатлари домига тушди. Ўрта Осиёнинг хом ашё базасига айлантириш Россия империясининг устувор давлат сиёсати сифатида белгиланди.

Туркистон иқтисодий ҳаёти ҳам айнан шу мақсадга тобе ҳолда ҳаёт кечира бошлади. Ўлка халқларининг эрк ва ҳуррият учун кураши миллий-озодлик ҳаракатлари мазмун-моҳиятида ўз аксини топган бўлса, миллий тараққийпарвар кучларининг маърифатчилик ҳаракати жадиदчиликда намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Россия империя мустамлакачилиги сиёсати маълум даражада ўзгача қолип ва андозаларда совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида ҳам намоён бўлди. Зиддиятли ва мураккаб жараёнларга бой бўлмиш совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври Ўзбекистонда ҳам ўзининг асоратли оқибатларини қолдирди. Мазкур даврда Ўзбекистон марказнинг хом ашё базаси ва маҳсулот бозорига айлантирилди, қишлоқ ҳўжалигида пахта яккахокимлиги қарор топди, маданий-маърифий ҳаёт буткул коммунистик мафкура измига солинди, ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятлари, диний эътиқоди оёқ ости қилинди, ижтимоий ҳаётда қатағон-зўравонлик, маъмурий буйруқбозлик сиёсати натижасида кишилар онгига кўрқув руҳи сингдирилиб, манқуртлик, лоқайдлик ва бошқа салбий иллатлар юзага келди, халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди. Қулоқлаштириш, жамоалаштириш сиёсати эса бемисл кулфатларни халқимиз бошига солди ва ҳоказо.

Юқорида таъкидланган тарихий жараёнлар мустақиллик йилларида тарихчи олимлар, тадқиқотчилар томонидан илмий ва ҳолисона тарзда ўрганилди, бу борада кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, эътиборга молик қатор монография, қўлланма, дарсликлар чоп этилди.

Эътиборга ҳавола қилинаётган ушбу дарслик мазкур жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган бўлсада, бир қатор жиҳатлари билан улардан фарқланишини қайд этиш лозим.

Ушбу дарслик 2012-2015 йилларга мўлжалланган Ф-1-32 “Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш”¹ мавзусидаги грант ижроси бўйича ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг янги янги дарслик яратиш тўғрисидаги кўрсатмасига мувофиқ тарзда тайёрланди. Ушбу дарсликда Россия империяси ҳукмронлиги ҳамда совет даври тарихига оид мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ҳулосалари, инновациялар, кенг қамровли замонавий ўзбек ҳамда чет эл тарихий адабиётлари, архив ҳужжатлари маълумотларидан унумли равишда фойдаланилган. Шу боис китобда қуйида қайд қилинаётган жиҳатлар эътиборга сазовордир;

- Ҳар бир мавзу бўйича масаланинг тарихшунослиги асосли тарзда ёритиб берилди;

- Россия империяси босқини, ўлка ҳалқларининг озодлик ҳаракатлари, мустамлака Туркистонидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари замонавий талқинда янгича назарий-методологик йўналишда кўрсатилди;

- Совет ҳокимиятинининг мамлакатимизда олиб борган ижтимоий-иқтисодий маданий сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти таҳлил этилди;

- Пахта яккаҳокимлиги экологик таҳдид, Ўзбекистоннинг марказ хом ашё базасига айоанишининг асоратли оқибатлари янги материаллар орқали ёритиб берилди;

- Мустақиллик йилларида амалга оширилган мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари, хусусан номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳулосаларидан атрофлича фойдаланилди.

Китобдаги фарқли жиҳатлардан яна бири - бу фан ва таълим уйғунлиги нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда замонавий адабиётларга қўйиладиган барча талабларни ўзида жам эта олганлиги ҳисобланади.

¹ Грант лойиҳаси асносида режалаштирилган Ўзбекистон тарихининг I-жилди 2014 йил нашр юзини кўриб, ўз ичига энг қадимги даврдан то XIX асрнинг II-ярмигача бўлган тарихий жараёнларни қамраб олган. (Б.ЖЗ.Эшов, А.А.Одилов Ўзбекистон тарихи I-жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Тошкент: янги аср авлоди 2014. 39,25 б.т).

Бу эса мазкур давр бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун ҳам кўл келиб, китоб ўз тарихшунослиги, инновациялардан кенг фойдаланилганлиги зарур қўлланма ролини ҳам ўташи мумкин.

Муаллифлар жамоаси дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

12-мавзу. Ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари. Жадидчилик.

Режа:

- 1. Мавзу тарихшунослиги. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий аҳвол. Россия империясининг хонликлар ҳудудларига дастлабки ҳарбий ҳаракатлари.**
- 2. Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олишининг сиёсий ва иқтисодий сабаблари.**
- 3. Хонликларни босиб олиш амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар. Туркистон генерал-губернаторлиги.**
- 4. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Фарғона вилояти.**
- 5. XIX аср II –ярмида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол.**
- 6. Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Абдулмалик тўра (Катта тўра) бошчилигидаги озодлик ҳаракати.**
- 7. Хива хонлигининг тугатилиши.**
- 8. Россия империясининг мустамлака бошқарув усули. Туркистонни Россиянинг саноат ўлкасига айлантирилиши. Ҳунармандчилик. Темир йўллар. Аграр сиёсат.**
- 9. Россия империясининг Туркистондаги кўчириш сиёсати Мустамлака Туркистонидаги маданий-маърифий сиёсат.**
- 10. Миллий-озодлик ҳаракатлари. Жадидчилик.**
- 11. Россия империясининг Туркистон бойликларини талаш сиёсати.**

1. Мавзу тарихшунослиги. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларида ижтимоий-сиёсий аҳвол. Россия империясининг хонликлар ҳудудларига дастлабки ҳарбий ҳаракатлар.

Нега бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чокқача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қоқоқликдан чикмай қоқди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Россия империясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Ислон Каримов

Мавзу тарихшунослиги. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган Россия империянинг Туркистон ўлкасига уюштирган босқинчилик юришлари, мустамлақачилик сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, миллий-озодлик ҳаракатлари, умуман, империя босқинининг мақсад-моҳияти ва оқибатлари ҳақидаги манбалар – кўлёзма асарлар, эсдаликлар, хотиралар, ҳужжатлар ва архив маълумотлари мажмуи катта кўпчиликни ташкил этади. Афсуски, совет даврида уларнинг барчаси бир ёқлама тадқиқ этилиб, масаланинг моҳиятига холисона баҳо берилмади.

Мавзу бўйича кўплаб тарихий асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир: Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотин манғития», Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои», Ибратнинг «Фарғона тарихи», Юсуф Баёнийнинг «Шажари Хоразмшоҳий», Ҳаким Маъсумхоннинг «Мунтахиб ут-таворих», Муҳаммад Содик Муншийнинг «Қўқон хонлиги тарихи», «Тарихи Манзум», Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Аҳмад Донишнинг «Манғит

амирлари тарихи», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммали тарихи Фарғона» асарлари ва ҳоказо.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти жамғармасида ҳам мавзунинг у ёки бу томонларини ёритувчи манбалар туркуми сақланади. Ундан ташқари, архивда сақланаётган турли ҳужжатлар, XIX асрнинг иккинчи ярмидан фаолият кўрсатган матбуот кўплаб нашрлари мавзу ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Г.И.Сафаров, П.Г.Галузо, А.З.Валидий ва бошқа каби муаллифларнинг тадқиқотларида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти ўз аксини топди.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этиш, ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлишига қарамай, мустақиллик йилларида Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олиши ҳамда бу ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсат илмий ва ҳаққоний тарзда ёритилмоқда. Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича Ҳ.Зиёев, Н.Абдурахимова, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Содиқов, Ф.Эргашев, Р.Шамсуддинов, Д.Зиёева, Ж.Исмоилова, Х.Юнусова, П.Равшанов, Қ.Усмонов, З.Чориев, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев, Р.Холиқова, А.Одилов каби кўплаб олимларимизнинг хизматлари каттадир.

XIX асрнинг ярмига келиб Ўрта Осиёда уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишмовчилик ва низолар, турли норозилик ҳаракатлари хонликлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятни оғирлаштириб юборган эди. Бухоро амирлигида Амир Шохмурод 1800 йилда вафот этгач, унинг ўғли Амир Ҳайдар (1800-1826йй.) тахтга ўтирди. Отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилган Амир Ҳайдар Бухоро амирлигининг бутунлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори ҳудудлари, Шахрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун урушлар олиб борди. Ўратепани эса вақтинча бўйсундиришга эришди.

Амир Ҳайдар даврида Хива хонлари амирлик ҳудудларига тез-тез ҳужум қилиб турганликлари боис, Амир Ҳайдар 1806 йилда бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива хони Элтузарга қарши курашга чақириб, хиваликларни мағлубиятга учратди.

Бу урушлардан сўнг Бухоро билан Қўқон хонлиги ўртасида урушлар бошланиб кетди. Қўқон хони Олимхон 1807, 1810 йилларда Ўратепага ҳужум қилиб, катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетди. Бундай ҳужумлар Жиззах ва Зоминга ҳам уюштирилди.


Доимий урушлар катта ҳаражатларни талаб этгани боис, Амир Ҳайдар кўшимча солиқлар йиғиш ҳақида фармон берди. Бу эса, шусиз ҳам ночор бўлган меҳнаткаш аҳоли аҳволининг янада оғирлашувига ва Амир Ҳайдар олиб бораётган сиёсатга қарши норозилик ҳаракатларига сабаб бўлди. Шундай халқ кўзғолонлари 1831-1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтди. Амир Ҳайдар Шахрисабз ва Марв воҳасида ҳам урушлар олиб боришга мажбур бўлди.



Ташқи сиёсат борасида Амир Ҳайдар кўшни Афғонистон билан дўстлик алоқаларини ўрнатди. Аммо, Бухоро амирлигининг Қўқон ва Хива давлатлари билан ўзаро муносабатлари эса кескин ҳолатда эди. Манбаларга кўра, айнан мана шундай кескин сиёсий вазият тақозоси билан Амир Ҳайдар турк султони Маҳмуд 11 га ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлган ҳамда унинг иттифоқига ўтишга тайёр эканлигини маълум қилган. 1826 йилда Амир Ҳайдар вафот этганидан сўнг унинг иккита катта ўғиллари Амир Хусайн (икки ярим ой) ва Амир Умар (тўрт ой) қисқа муддат тахтга ўтириб, ўз укалари Насрулло томонидан ўлдирилдилар. Амир Насруллонинг ҳукмронлиги даври (1826-1860 йй.) аввало, Бухоро давлатидаги сиёсий

тарқоқлик, зодагонларнинг ўзбошимлигига қисман барҳам берилиши билан изоҳланса-да, амирликдаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи деярли ўзгармади. Амир Насрулло ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда қаттиқ қўл бўлиб, кўплаб урушлар олиб борди.

Бухоро арки



Амир Насрулло даврида Шахрисабз беклиги Бухорога бўйсунмай, йирик мустақил вилоятлардан бири ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Насрулло сиёсатидан норози бўлган кўплаб амалдорлар Шахрисабзга қочиб паноҳ топганлар. Амир Насрулло 20 йил давомида. Шахрисабзга 32 марта ҳужум қилиб, 1852 йилда Шахрисабз ва Китобни бўйсундирди. У Қўқон ва Хива хонлари билан ҳам урушлар олиб борди.

Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга юриш қилиб уни эгаллади. Бу ерда кўплаб қирғинлар ўтказди. Аммо, бу пайтда Хива хони Оллокулихоннинг Бухоро чегараларига ҳужум қилганини эшитгач, Қўқонда ўз ноибини қолдириб, орқага қайтишга мажбур бўлди. У ўз қўшинлари билан хиваликлар устига юриш қилиб Ҳазораспни қамал қилди. Аммо, мағлубиятга учраб яна Бухорога қайтишга мажбур бўлди.

Амир Насруллонинг ҳукмронлиги даврида Ўратепа ва Хўжанд учун тўхтовсиз қонли урушлар бўлиб, бунинг

натижасида бу шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турди, кўпгина вайронагарчиликлар келиб чиқиб, талон-тарож авж олди. Оддий меҳнаткаш аҳолининг аҳволи эса тобора оғирлашиб борди. Россия империяси босқини арафасидаги Бухоро амирлигидаги бундай ҳолат мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан янада заифлаштириб, империя ўлка ҳудудларини вассалликка айлантириш жараёнини янада тезлаштирган омиллардан бири эди.



Манбаларга кўра, Бухоро амирлигининг аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тез кўпая бошлайди. XIX асрнинг бошларида бир томондан Эрон ва Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги билан чегарадош

бўлган Бухоро амирлигининг аҳолиси тахминан 2 млн., шу асрнинг 50-йилларида 2,5 млн.дан ортиқ кишини ташкил этган. Йирик шаҳарлар бўлган Бухорода 60 мингдан кўпроқ, Самарқандда тахминан 50 мингдан зиёдроқ, Марвда 40 минг, Термизда 15, Шаҳрисабзда 10 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаган.



Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил этган бўлиб, кўплаб ўзбек уруғлари амирликнинг деярли

барча вилоятларида яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб шаҳарларида, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қободиён, Яккабоғ бекларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини туркманлар ташкил этганлар. Улар амирликнинг жанубий ва ғарбий қисмида, аҳолининг кам сонли қисми бўлган араблар эса, Қарши ва Шеробод бекликларларида яшаганлар. Шунингдек, амирлик худудида ҳиндлар, эронийлар, яхудийлар, лўлилар, афғонлар, руслар, қорақалпоқлар, қозоқлар, қалмоқлар каби кам сонли халқлар ҳам яшаганлар.

1690-1707 йилларда Хива хони бўлган Шохниёз амалда Бухоро хонлигининг вассали эди. Шохниёзхон Бухоро хони Субхонқулихон таъсиридан қутулиш ҳамда марказий ҳокимиятни мустақамлаш мақсадида 1703 йилда Россия ҳукмдори Пётр I га мактуб йўллаб Хива хонлигини Россияга қўшиб олишини сўрайди. Пётр I нинг Хивани Россияга қўшилганлиги ҳақидаги ёрлиғи 1707 йилда Хивага етиб келган бўлса-да, хонликда сиёсий курашлар авж олиб турган бир шароитда бу ёрлиқ ҳеч кимнинг эътиборини тортмади.

Бутун XVIII аср ва XIX асрнинг бошлари Хива хонлигида кўплаб ҳукмдорларнинг алмашинуви хонликдан ўзаро ички курашлар билан изоҳланади. 1806-1825 йилларда Хива тахтини бошқарган Муҳаммад Раҳимхон I марказлаштириш сиёсати олиб бориб, хонликни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг қатъиятлилик билан юритган сиёсати натижасида хонликда маъмурий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ислохотлар ўтказилди.

Муҳаммад Раҳимхон I душманларига, марказдан қолгувчи кучларга ниҳоятда бешафқат бўлиб, у ўз атрофига ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқларнинг нуфузли вакилларини тўплаб, уларга амаллар ва унвонлар берди. Бу хон ҳукмронлиги даврида Хива хонлигининг иқтисодий ҳаёти бироз жонланганлиги ҳақида маълумотлар берилса-да, у мамлакат худудларини янада кенгайтириш, буйсунмас қабилаларни итоат эттириш мақсадида доимо ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Муҳаммад Раҳимхон I 1811 йилда Орол-қўнғирот уруғларини, 1812-1813 йилларда Сирдарё бўйидаги қозоқ ва қорақалпоқ овуллари хонликка тобе этди. Шундан сўнг Жанубий

Туркменистон ва Хуросон ҳудудларига ҳарбий ҳаракатлар уюштирилиб, бу ҳудудлар учун Хива билан Бухоро ўртасида урушлар бошланиб кетди. 1817 йилда Чоржўй яқинида Хива кўшинлари бухороликлардан мағлубиятга учраган бўлса-да, Муҳаммад Раҳимхон I Бухоро амирлиги ҳудудларига 1820, 1823. 1824 йилларда талончилик урушлари қилиб турди.

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) даврига қадар (1864-1910 йй.) Раҳимхон I дан кейин Хива тахтига олтига ҳукмдор алмашиб, ўтган давр мобайнида ўзаро урушлар тўхтамади. Хусусан, Оллоқулихон 1842 йилда Чоржўйини қамал қилиб унинг атрофидаги қишлоқларни талон-тарож қилди. Узоқ давом этган урушлар ва талончиликлар халқ норозилигини келтириб чиқарди. Айниқса. Жанубий Туркменистон ва Хуросонда тинчлик ҳукм сурмай, хон ҳокимиятига қарши исёнлар кўпайиб кетди. 1850 - йилларда Марв ва Сарахс шаҳарларида кўтарилган кўзғолонлар кенг кўламли бўлди. Бу кўзғолонлар 1854-1855 йилларда қийинчилик билан бостирилди.

Хива хонлиги тахтини 1856-1864 йилларда Сайид Муҳаммадхон бошқарди. Бу хон ҳокимиятга келган вақтда хонликдаги сиёсий вазият кескинлашган, доимий урушлар натижасида иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, кўпчилик вилоятларда очарчилик ҳукм сурган, юқумли касалликлар тарқалган эди. Ушбу вазиятда Сайид Муҳаммадхон юз бераётган норозилик ва исёнларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликни қарор топшириш, иқтисодиётни кўтариш чораларини кўриб, авваламбор, Бухоро ва Россия давлатлари билан савдо алоқаларини яхшилади. Қишлоқ хўжалигини тиклаш чораларини кўрди.

Аммо, унинг бу ҳаракатлари етарлича самара бермади. Хонликдаги фақат ўзбек уруғлари эмас балки, ярим кўчманчи ва чорвадор аҳоли бўлган туркман, қозоқ, қорақолпоқ ва бошқа халқлар оғир солиқлар ва турли тўлов ҳамда мажбуриятларга тортилганликлари боис хонликнинг турли шаҳар ва вилоятларида норозиликлар ва исёнлар давом этди. Россия империяси босқини арафасидаги бу ҳолат қатор салбий оқибатларга олиб келди.

XIX аср ўрталарида Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон ва Туркменистон Республикаларининг бир қисмини ўз ичига олган давлат эди. Хонликнинг ўтроқ деҳқончилик

воҳаларида асосан ўзбеклар яшаб, улар давлатдаги аҳолининг катта кўпчилигини ташкил этганлар. Ундан ташшқари хонлик ҳудудларида туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, кам миқдорда тожиклар, яҳудийлар, ҳиндлар, эронийлар, руслар, арманлар, немислар ҳам яшаганлар.

Хонликда қанча аҳоли яшаганлиги ҳақидаги маълумотлар турлича. Бу маълумотларга кўра, XIX асрнинг биринчи чорагида хонлик аҳолиси 300 минг, шу асрнинг 40-йилларида 300мингга яқин, сўнгги чорагида 700 минг ёки 800 минг бўлган. XIX асрнинг ўрталарига келиб хонликда шаҳар ҳаётининг ривожланиши натижасида Хива, Хазорасп. Хонқа, Урганч, Қўнғирот, Қўхна Урганч каби шаҳарларда 2 мингдан 5 минггача хонадон яшаган.

XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида минг уруғи асос солган Қўқон хонлиги ташкил топиб, бутун аср давомида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксала борди. 1801-1810 йилларда Қўқон хонлиги тахтини бошқарган Олимхон хонлиқнинг сиёсий қудратини мустаҳкамлаш, мамалакат ҳудудларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берганлиги боис, Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи ошиб борди. Ўз даврида Олимхон ҳарбий юришлар қилиб, Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент, Туркистонни бўйсундиришга эришди. У қисқа муддат Ўратепани ҳам эгаллаб, Жиззах ва Зоминга юришлар қилиб турди. Аммо, ҳарбий ислохотлар ўтказиб. Марказлашган ва кучли давлат тузишга ҳаракат қилаётган Олимхоннинг сиёсатидан норози бўлган айрим зодагонлар унинг укаси Умарбек бошчилигида фитна уюштирдилар. Натижада Олимхон отиб ўлдирилди.

1810-1822 йилги Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигидаги йирик ер эгалари, ҳарбий саркардалар ва рухонийларнинг мавқеи янада ошди. Маълумотларга кўра, Қўқон хонлигининг Ўрта Осиёдаги ҳамда халқаро сиёсий жараёнлар ва ўзаро муносабатларга фаол аралашуви Умархон давридан бошланган. Умархоннинг элчилари Хива, Хитой ва Туркия давлатларига жўнатилгани маълум.

1822 йилда тахтга ўтирган Муҳаммадаминхон (Мадалихон, 1822-1842 йй.) ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигининг ҳудуди анча кенгайиб, қирғизларнинг баъзи туманлари хонликка қўшиб олинди ҳамда Қўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ каби

вилоятлар Муҳаммадалихон ҳукмронлигини тан олдилар. Муҳаммадалихон 1826-1831 йилларда Қашғарга юришлар қилиб, бу ердаги мусулмонларни хитойликлар зулмидан озод қилди ва 70 минг уйғурларни Андижон вилоятига кўчиртирди. Аммо, ҳукмронлигининг сўнгги йилларида у давлат ишларига лоқайд бўлиб қолганлиги боис, бир гуруҳ сарой амалдорлари Бухоро амири Насруллодан ёрдам сўрадилар. Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонни босиб олди. Муҳаммадалихон оиласининг бир қисми билан қатл эттирилди. Насрулло Қўқон хонлигини Бухорога кўшиб олинганлигини эълон қиллиб, Қўқонга ўз ноиби Иброҳим додхоҳни қолдирди. Аммо, орадан икки ой ўтиб қипчоқлар ёрдамида Бухоро ноиби тахтдан ағдарилди.

1842-1845 йилларда Шералихон тахтни бошқарди. Қўқон хонлигининг нисбатан заифлашуви Худоёрхон (1845-1853, 1863, 1865-1875 йй.) даврига тўғри келиб, унинг сўнгги ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги давлат мустақиллигини деярли йўқотиб бўлган эди.

Умуман олганда, XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигида сиёсий жараёнлар ҳамда ички аҳвол янада оғирлашган эди. Унинг сабаби **биринчидан**, ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлган қипчоқлар ҳокимиятини тан олмаганлар. **Иккинчидан**, ҳокимиятда юқори мавқени эгаллаш ҳамда хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ҳам ўзаро курашлар борарди. Бу курашларда қипчоқларнинг қипчоқ уруғидан бўлган Мусулмонқули ҳам фаол иштирок этган. **Учинчи** сабаб эса, қипчоқларнинг ўтроқ аҳолига нисбатан юритган сиёсати бўлган. Қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан беписандлик назари билан қараб, бошқа элат ва этник гуруҳларни камситганлар. **Тўртинчидан** эса, ташқи омил - Россия империясининг аста-секинлик билан хонлик ҳудудларни бостириб кириши сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлган эди.

XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқон хонлиги шимолда Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива ва Бухоро амирлиги билан, жанубда Қоратегин, Дарвоз, Кўлоб билан, шарқда Қашғар билан чегараланган. XIX асрда хонликда Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта шаҳарлар мавжуд эди. Бу даврда Қўқон хонлигининг чегара

худудларини Оқмасжид, Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ, Ниёзбек, Маҳрам каби қалъа ва истехкомлар муҳофаза қилган.

Қўқон хонлигидаги аҳоли сони ҳақида манбалар турлича маълумотлар беради. Бу маълумотларга кўра, XIX аср бошларида хонликда аҳоли сони 1 млн., XIX асрнинг ўрталарида 1,5-2 млн., XIX асрнинг иккинчи ярмида 3 млн. киши яшаганлиги тахмин қилинади. XIX асрнинг бошларида аҳолисининг 40 фоизи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, шу асрнинг охирида улар 15 фоизни ташкил этган.

Хонлик аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар бўлиб, шаҳар ва қишлоқларда тожиклар ҳам яшаганлар. Шунингдек, Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Тошкент атрофларида қозоқлар, Қўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турувчи чўлларда кўчманчи қозоқлар яшаб, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ, қозоқ ва қипчоқлар Шарқий Туркистондан кўплаб кўчиб келганлар. Хонликнинг айрим шаҳарларида лўлилар, ҳиндлар, афғонлар, араблар ва бошқа халқлар истиқомат қилганлар. Хуллас, XIX асрнинг ўрталарида ўзбек хонликларидаги қоқоқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг сабаблари янги тадқиқотларда қуйидагича изоҳланади:

Биринчидан, асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг учга бўлиниб кетиши, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, ҳар бир хонлик ичидаги бошбошдоқдик ва ҳокимият учун ўзаро тинимсиз давом этган ички низо ва урушлар бутун мамлакатни ҳонавайрон қилди. Бу жараён гуруҳбозликни келтириб чиқарди, қабилаларнинг этник аралашувига, бир халқ, бўлиб ковушишига, жипслашишига ҳалақит берди. Давлат даражасида ҳам, вилоятлар даражасида ҳам ягона халқ, ягона Ватан тушунчасининг қадри англаб олинмади.

Иккинчидан, аҳоли хон ва бекларнинг, турли лавозимдаги мансабдорларнинг зўравонлигидан, ўзбошимчалигидан, мансабини суистеъмол қилишидан, ғайриқонуний солиқ ва жарималардан ҳимоя қилинмади.

Учинчидан, асосий бойлик бўлган ерга мулкчиликнинг эски усули бир неча асрлардан бери ўзгармади, Хонликларда олий ҳукмдор ернинг бирдан-бир эгаси бўлиб, ер ишловчиларга - деҳқонларга ижара тарзида хатлаб бириктирилган эди. Деҳқон ер

эгаси эмас, ердан олинадиган ҳосилнинг эгаси эди, холос. Шу боис дехқон ерни асраб - авайлашга, унинг унумдорлигини оширишга интилмади.

Тўртинчидан, хонликларда саноат ривожига эътибор кучаймади. Олтингугурт, рангли металллар, мрамар, тошкўмир, нефть каби табиий бойликларга сероб конлар бўлса-да, уларни қазиб олиш, тоғ-кон ишларини ривожлантириш, кemasозликни йўлга қўйиш масалалари ҳал қилинмади.

Бешинчидан, товар-пул муносабатлари ривожлантирилмади. Даромад истеъмол ва қўшин харажатларини зўрга қоплар, капиталга айланмасди. Пул, олтин-кумуш хон ва амалдорларнинг хазина тўплаш манбаи бўлиб қолган эди.

Олтинчидан, хонликларнинг савдо муносабатларида ҳамон айирбошлаш усули давом этарди. Ўрта Осиё жаҳон бозоридан ажралиб қолгани устига бу ерда ягона ички бозор ҳам ташкил топмади.

Еттинчидан ва энг муҳими, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ҳудудидаги хонликларда ўз миллати, халқи ва Ватани истиқболи учун қайғурадиган, кишилар ягона ғоя ва эзгу мақсад йўлида бирлаштира оладиган ҳамда ортидан эргаштира оладиган йўлбошчи — сардор бўлмади. Бухоро амирлигида ҳам, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам шундай арбоб тарих сахнасига чиқмади. Босқинчиларга кўксини қалқон қилиб кўҳна Туроннинг жанговар шавкатини намойиш қила оладиган ва Туркистонни бир умумий уй деб билган юртбоши топилмади.

Россиянинг хонликлар ҳудудларига дастлабки ҳаракатлари масаласига келсак, XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб Россия подшолиги ўз ҳудудларини кенгайтира бориб Қозон, Аштархон (Астрахан) ва Сибир хонликларини босиб олди. Шундан сўнг рус подшоларининг Ўрта Осиё ҳудудларига қизиқиши янада кучая бошлади. Подшо ҳукумати бу ҳудудлар ҳақида маълумот тўплаш учун 1558 йил апрелида “Москва савдо компанияси” вакили Антони Женкинсонни Ричард ва Роберт Жонсонлар билан биргаликда 1589 йил сентябригача, 1620 йилда Иван Хохловни, 1669 йилда Б.А. Пазухин ва С.И. Пазухинларни, 1675 йилда В.А. Даудов бошчилигидаги элчиларни Бухоро, Хива, Самарқанд, Урганч ва Балхга жўнатган эди. Бу элчиларнинг асосий мақсадлари Ўрта Осиё хонликлари ва унга қўшни бўлган

худудларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий аҳволи, халқаро алоқалари ҳақида маълумотлар тўплашдан иборат эди.

Аммо, Ўрта Осиё худудларини босиб олиш учун тўғридан тўғри амалий ҳаракатлар XVIII аср бошларида, яъни, Пётр I ҳукмронлиги даврида бошланди. Манғишлоқлик туркман савдогари Хўжа Нафас орқали Амударё соҳили олтин қумларига бойлиги ҳақида хабарни эшитган Пётр I 1717 йилда князь Бекович-Черкасский экспедициясини 3000 дан ортиқ кўшин билан Хива хонлигига жўнатди. Бу экспедиция муваффақиятли чиқмай, унинг кўшинлари Хива хони Шерғозихон томонидан қириб ташланади.

Шундан сўнг Пётр I 1721 йилда Флорио Беневени бошчилигидаги элчиларни Бухорога жўнатади. Италиялик Россия жосуси Ф.Беневенига элчилик никобидаги ўз сафари чоғида иқтисодий ва географик аҳамиятга молик ерларни бухороликларга сездирмасдан эслаб қолиш, Каспийга қуйиладиган дарёлар ва мавжуд кемалар, шаҳарлар ва истехкомлар ҳақида маълумотлар тўплаш топширилган эди. Бундан ташқари Ф.Беневени Бухоро хонлиги қалъалари ва кўшинларининг умумий сони, армиясининг тузилиши ва аҳволи, бошқариш усули, Бухоронинг Эрон, Хива ва Туркия билан муносабатлари ҳақида тўла маълумот тўплаши ҳамда Россия билан Бухоро давлати ўртасида савдо-сотикни ривожлантиришда мавжуд имкониятларни аниқлаш билан бирга, Ўрта Осиё дарёларидаги олтин захиралари ҳақида маълумот тўплаши ҳам лозим эди. Ф.Беневени Бухорода уч йилдан ортиқ яшаб Бухоро ва Хива хонлигининг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёт, табиий бойликлари ҳақида маълумотлар тўплаб 1725 йилда Россияга қайтади.

XVIII асрнинг биринчи чорагида кўчманчи қозоқлар Урал дарёси ва Каспий денгизидан Хива хонлиги чегарасигача бўлган худудда Катта, Ўрта ва Кичик жузга бўлинган ҳолда яшар эдилар. Қозоқ султонлари ўртасидаги урушлар устига, қалмоқларнинг ҳужумлари қўшилиб, ўзаро қонли тўқнашувлар бўлиб турган. Ундан ташқари 1723 йилги очарчилик қозоқларни қийин аҳволга солиб қўйди. Ўзаро урушлардан чарчаган қозоқ султони Абулхайрхон 1730 йилда Россияга муроҷжат қилиб, қозоқларни Россия ҳимоясига олишини сўради. XVIII асрнинг биринчи ярмида шимолдаги кўчманчи қозоқлар Россия империяси

тобелигига олинди. Россия хукумати ўзбек хонликларини босиб олиш мақсадида бутун XVIII аср мобайнида қозоқ жузлари яшаб турган ҳудудларда 150 га яқин катта ва кичик қалъалар қурдириб, плацдарм сифатидаги янги шаҳарларга (Омск, Семипалатинск, Уст-Каменогорск, Оренбург ва бошқ.) асос солдилар.

XIX аср бошларига келиб Европанинг баъзи давлатлари ўртасида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашиб кетганлиги боис, 1806-1812 йилларда рус-турк, 1808-1809 йилларда рус –швед, 1805-1813 йилларда рус –форс, 1805-1812 рус-француз урушлари бўлиб ўтди. Бунинг натижасида Россия хукуматининг ўзбек хонликларига бўлган эътибори камайди. Николай I (1825-1855 йй.) рус тахтига ўтиргач вазият яна ўзгарди. Қозоқ даштларидаги ҳарбий истехкомлар воситасида Россия империяси Хива хонлиги ҳудудларига яқинлашиб кела бошлади.

Россиянинг ўзбек хонликларига нисбатан сиёсатини изчил амалга ошириш тарафдорларидан бири бўлган Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский подшо Николай I фармонида кўра 1839 йилда 5 мингдан зиёд қуролланган кўшин билан Хива хонлиги устига юриш бошлади. Аммо, йўлдаги оғир шарт-шароитлар рус кўшинларининг аҳволини қийинлаштирди. 1840 йилнинг бошларида Хива чегараларига етиб келган Перовский кўшинлари Хива хони Оллоқулихоннинг ўзбек, қозоқ ва туркманлардан иборат бирлашган кўшинлари томонидан тор – мор этилди.

1853-1856 йилги Қрим урушида Россия империяси муваффақиятсизликка учради. Европанинг етакчи давлатлари Англия ва Франция Россияни Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларидан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлдилар. XIX асрнинг ўрталарида жаҳоннинг йирик давлатлари ўртасида янги мустамлакалар учун кураш қизиқ кетган бир шароитда Россия империяси ҳам бу курашлардан четда қолмади. Шу жиҳатдан бу даврда Англия ва Россия манфаатлари Ўрта Осиёда тўқнашди. Россия империяси хукумати Англиянинг Туркистон ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан хавфсираётган эдилар. Чунки Англия Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотик ва дипломатик алоқалар олиб борар эди. Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга уринаётган Россияга қарши бирлаштириш ҳамда Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш эди.

Англия ўз мақсадини амалга оширишни тезлатиш учун турли йилларда Стоддарт, Конолли, Бёрн, Арчи Годд, Аббот, Шекспир, Иосиф Вольф каби кўплаб форс ва турк тилларини яхши билган жосусларни ўзбек хонликларига жўнатди. Шунингдек, Англия ҳукумати Туркия билан ҳамкорликда Ўрта Осиё давлатларини бирлаштиришга кўп ҳаракат қилди. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Англиянинг ҳудудий жиҳатдан узоқлиги, Афғонистондаги ҳарбий ва сиёсий муваффақиятсизликлар, мустамлака Ҳиндистондаги норозилик ва ғалаёнлар Буюк Британиянинг Ўрта Осиё масаласидаги ҳаракатларига ғов бўлиб хизмат қилди. Ундан ташқари Россиянинг ҳудудидаги кучайиб бораётган савдо-иқтисодий таъсири унга халақит берар эди.

2. Россия империясининг Туркистон ўлкасини босиб олишининг сиёсий ва иқтисодий сабаблари.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг ўрталарига келиб Россиядаги иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгариб, бу давлат аста-секинлик билан капиталистик тараққиёт йўлига ўта бошлади. Лекин у Европадаги капиталистик тараққиёт йўлига ўтиб олган бошқа давлатларга нисбатан анча секин суръатлар билан ривожлана бошлади. Россия ўз тараққиётида Англия, Франция, Германия каби мамлакатлардан анча орқада қолиб кетгани айниқса, 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши даврида яққол сезилиб қолди.

Ўқувчи алоҳида эътибор бериши лозим бўлган ҳолат борки, у ҳам бўлса Қрим урушидаги мағлубиятнинг сабабларини Россиядаги ҳукмрон доиралар яхши англаб етган эдилар. Россия империясининг қудратини янада кучайтириш учун кенг кўламдаги иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказиш зарурияти аён бўлиб қолган эди. Бу ислохотлар Европадаги ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш, иқтисодий қолоқликка катта таъсир этиб келаётган крепостнойлик тузумини бекор қилиш, саноатни ривожлантириб, уни хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар излаш зарурияти билан боғланиб кетди.

Ғарб давлатларининг тажрибасини ўрганиш саноатнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни

келтириб чиқарди. Маълумки, Россиядаги крепостнойлик тузуми деҳқонларни бутунлай помещчикларга боғлаб қўйган эди. Саноат ривожланган тақдирда ҳам деҳқонлар бирор бир корхонага бориб, ёлланма ишчи сифатида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Россия аҳолиси асосан крепостной деҳқонлардан иборат бўлиб, уларнинг қашшоқлиги сабабли саноат маҳсулотини ҳатто, мамлакат ичкарасида сотиш учун ҳам имконият йўқ эди.

Бундай шароитда Россия учун ҳам хом ашё манбалари ҳамда рақобатсиз янги бозорлар ниҳоятда зарур эди. Ўша даврда Россия саноатининг энг ривожланган соҳаси тўқимачилик бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳани хом ашё билан таъминлаш учун Россиянинг ўзида ҳеч қандай шароит ёки имконият бўлмаган. Ундан ташқари, нисбатан ривожланаётган тўқимачилик саноатини Америкадан сотиб олинаётган қиммат пахта билан таъминлаш мумкин эмас эди. Ўзининг мустақил хом ашё базасига эга бўлиш Россия учун асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

Россия ўзида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг сифати ва тури жиҳатидан ҳам жаҳон бозорида Европа саноат маҳсулотлари билан рақобат қила олмас эди. Бу ҳақда М.А.Терентьев шундай ёзган эди: “Бизнинг тўқимачилик саноатимиз маҳсулоти, агар айрим маҳсулотларни ҳисобга олмаганда Европа бозорларида харидор топа олмайди... Биз Ғарбий Европадаги фабрикаларга нисбатан қандай ҳолатда бўлсак, Ўрта Осиё ҳам биз учун шундай ҳолатда. Ўрта Осиё бизнинг саноатимиз маҳсулоти учун ўзининг бозорларини тўла очиб қўйди ва олинган маҳсулот ҳисобига хом ашё, қўй ва танга бермоқда”. Аммо, Туркистондаги мураккаб сиёсий вазият, бу ўлкага Ҳиндистон ва Эрон орқали кўплаб миқдорда Англия саноати маҳсулотларининг келтирилиши Россия саноати маҳсулотлари сотиш имкониятларини чеклаб қўйган эди.

Шу ва бошқа сабабларга кўра, Россия Қрим урушидаги мағлубиятдан кейин Яқин Шарқ, Болқонга нисбатан бўлган ўз режаларидан воз кечди. Ундан ташқари, Россияга бўйсундирилган бошқа ҳудудларда эса пахтачилик ва ипакчиликни ривожлантириш мумкин эмас эди. Россия мустамлакасига айланган барча ҳудудлар унинг рақобатсиз бозорига айланиб бўлган эди. Ана шундай вазиятда янги хом ашё

базасини яратиш учун Россия империяси сиёсий доиралари ўзларининг бутун диққат-эътиборларини Туркистонга қаратдилар. Натижада Россия Туркистонни хом ашё манбаси, рақобатсиз бозорга айлантиришни XIX асрнинг ўрталаридаёқ ўзининг асосий стратегик мақсадига айлантирган эди.

Бу ўринда, Россия армияси Бош штаби бошлиғи генерал-майор Бларамбергнинг куйидаги сўзларини келтириш мумкин: “Россиянинг келажаги Европа билан боғланган эмас. У асосий эътиборини Осиёга қаратмоғи керак. Йил сайин тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ўсиб бориши маҳсулот сотиш учун янги бозорлар очишни кун тартибига қўймоқда. Кучли рақобат туфайли Европа бозорлари Россия учун берк бўлганлиги сабабли у ўзининг тўқимачилик саноати маҳсулотини улкан Осиё китъасидаги бозорларда сотмоғи керак”.

Россия империяси босқини арафасида рус иқтисодчилари тўплаган маълумотларга кўра, ўша пайтда Бухоро, Хива, Қўқон давлатлари ҳудудида тахминан 10 млн. аҳоли яшаган бўлиб, уларнинг чит газламага бўлган эҳтиёжи 1.750 минг пудни ташкил этган. Россиянинг 1856-1864 йилларда Туркистонга қилган экспортида ип-газлама умумий маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил этган эди. М.Терентьевнинг ёзишича, “ҳеч шубҳа йўқки, яна шундай бозорларга эга бўлишимиз тўқимачилик саноатимиз учун яна миллионлаб даромадлар келтирувчи янги манбалар яратилишига олиб келади”.

Ўша даврларда Россиянинг таниқли иқтисодчилардан бири бўлган Ю.Гетельмейстер ҳам Европа ва Россиянинг ривожланиш имкониятларини таққослаб чиқиб, Россия ўз эътиборини асосан Осиё бозорларига қаратиши керак, деган хулосага келган эди. Ю.Гетельмейстер Осиёнинг иқтисодий имкониятларини ўрганар экан, ўз эътиборини асосан Туркистонга қаратди. У ҳатто Сирдарёда кемачиликни йўлга қўйиш орқали Тошкент ва Қўқонга маҳсулот олиб бориб сотиш режаларини ҳам ишлаб чиққан. Россия манфаатлари учун тинимсиз тадқиқот олиб борган бу иқтисодчи, Туркистонни йирик бозорга айлантириш учун уни ҳарбий куч ишлатиб босиб олиш керак, деган хулосага келди.

Эътиборга молик яна бир масала - бу савдо муносабатлари масаласидир. Чунончи, туркистонлик савдогарлар Россиянинг ички бозорларида катта мавқега эга эдилар. Туркистонлик

савдогарлардан камроқ бож олиниши ва бошқа тўсиқлар бўлмаганлиги сабабли Россияга бу ўлкадан мол олиб келувчилар ҳам бу ердан маҳсулот олиб кетувчилар ҳам асосан Бухоро, Қўқон, Хива давлатларининг савдогарлари бўлган. Мусулмон давлатларида “ғайридин” деб аталувчи кишилар билан савдо алоқаларини ривожлантириш анча чекланганлиги сабабли рус савдогарлари Туркистонда кенг кўламли фаолият кўрсата олмас эдилар. Ундан ташқари ўша даврларда хонликлар бозорлари учун рус савдогарларида бой тажриба ва тижорат маҳорати ҳам етишмас эди.

Рус олими В.В.Григорьев Россия билан Туркистон ўртасидаги савдо муносабатларини солиштириб чиқиб, асосий даромад туркистонликлар кўлида қолаётганлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, “Россия ички Осиё билан савдо қилаётган йўқ, балки ички Осиё Россия билан савдо қилмоқда. Одатда Осиёда ҳам, Россия империясида ҳам мол сотувчилар ва харид қилувчилар асосан осийлик савдогарлардир. Бунинг натижасидан савдодан тушадиган барча даромадлар тўлалигича уларнинг кўлида қолиб кетмоқда”.

В.Григорьев Туркистон билан савдо муносабатларини ривожланишининг асосий йўли - бу ўлкани ҳамма жойда тартиб ўрнатишга қодир бўлган бирорта христиан давлати томонидан босиб олинишидир, деган фикрни илгари сурган. Унинг қатъий хулосасига кўра, Туркистонни босиб олмасдан туриб бу ўлка билан савдо муносабатларини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди.

Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий жиҳатдан заифлигини билган, ўзларининг ҳарбий жиҳатдан устунлигига тўла ишонган Россия империяси маъмурлари бу ҳудудни босиб олмасдан анча олдинроқ пахта етиштиришни ривожлантириш, пахтанинг серҳосил навларини яратиш билан боғлиқ кўплаб режаларни ишлаб чиққан эдилар. Чунки, Туркистон пахтаси Америкадан келтириладиган пахтага нисбатан арзон эди. Айнан шунинг учун ҳам Россиядаги тўқимачилик саноатининг энг йирик вакиллари бири А.Шипов Туркистон пахтасининг Россия учун бўлган иқтисодий аҳамияти масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Ўрта Осиё саноатининг кўплаб тармоқлари учун ҳам муҳим ва бой хом ашё базаси бўлиши мумкинлигини исботлаб берган эди. Бинобарин, Россия бу даврда иқтисодий

жиҳатдан анча қолоқ бўлиб, бу давлат учун тўқимачилик саноатининг ривожланиш улкан аҳамият касб этарди.

Россия империясининг Туркистонга бўлган қизиқиши бу ўлкадаги кўплаб ер ости бойликларини ўзлаштиришга интилиш билан ҳам боғлиқ эди. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёнинг бой олтин конлари ҳақидаги хабарлар Россияга XVI асрдаёқ маълум эди. Бу масалада Пётр I ҳам тегишли ҳаракатларни амалга ошириш эди. Россия империяси босқинидан олдин Ўрта Осиёга келган барча рус маъмурлари табиий бойликларни ўрганиш, ер ости захираларини аниқлашга доимий қизиқиб келганлар.

Қатор архив маълумотларидаги материалларга кўра, Россияда Ўрта Осиёнинг олтин конлари ҳақидаги хабарлар шунчалик кўп тарқалган эдики, рус босқини даврида Россия армияси кўшинлари билан бирга ер ости бойликларини ўзлаштирувчи кўплаб мутахассислар ҳам бу ўлкага кириб келдилар. Улар орасида Хлудов, Первушин каби йирик саноатчилар ҳам бор эдики, дастлабки кириб келган давридаёқ улар олтин конларини излаш учун кўп харажат сарфлаганлар. Таъкидлаш жоизки, бой ер ости ва ер устидаги бойликлари ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида Туркистонни босиб олиш режасини амалга оширишни янада тезлаштирган эди.

Подшо Россияси босқинининг дастлабки давридаёқ, хусусан, Кўкон хонлигида нефть конлари рус саноатчилари ихтиёрига берилган эди. Кауфман билан Худоёрхон ўртасидаги битимга асосан рус зобитлари ва сайёҳлари савдогар ниқоби остида Фарғона водийсига кириб кела бошладилар. Маълумотларга кўра, Кауфман Худоёрхондан хонлик ҳудудларида рус “саноатчи ва тадбиркорларига тоғ-кончилик ишлари билан шуғулланишга рухсат беришини сўраган”. 1868 йилда савдогар Фёдоров ҳам Мойбулоқ нефть конларидан фойдаланиш учун Худоёрхондан рухсат олган.

Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг кончилик саноати ишларини илмий асосда ўрганиш бўйича жиддий ҳаракатлар бошланди. Хусусан, 1869 йил 19 декабрда Кауфманнинг топшириғи билан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги кончилик ишлари раҳбари А.С.Татаринов кимё лабораториясини ташкил қилди. Лаборатория ишида Мушкетов, Романовский, Северцов, Миддендорф каби олимлар, Мишенков, Давидов, Мейер, Иванов,

Лопушинский каби тоғ-кон инженерлари иштирок этканлар. Ушбу лаборатория олимлари ўлканинг табиий бойликлари – олтин, кумуш, мис рудаси, қўрғошин, темир ва тошқўмир конларини, кейинчалик туз, нефть, гранит ҳамда қурилиш материаллари, шунингдек, қимматбаҳо тошларни излаб топиш ва ўзлаштиришга жалб этилган эди.

Россия империяси табиийки Туркистондаги хом ашё ва бойликларни ташиб кетиши учун йўллар қуриши зарур эди. Туркистон ўлкаси Россиянинг марказий районларидан анча узоқда жойлашганлиги, дастлабки даврларда сув ва темир йўллар йўқлиги, қуруқлик йўлларида эса хавфсизликнинг таъминланмаганлиги бу режани амалга оширишни анчагина қийинлаштириб қўйган эди.

Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўллар қуриш масаласи империя босқини бошланмасидан олдинроқ кўриб чиқилди. Россиядаги машхур жамоат арбоби Р.Черновитов ҳам рус маъмурларига Туркистонни Россия билан боғловчи, кемалар қатнай оладиган сув йўлларини ўрганиш тўғрисидаги таклифни киритган. Унинг фикрича, бу йўллар Каспий денгизини Орол денгизи билан боғлаши, Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Туркистонга олиб киришга имконият яратиши зарур эди.

Шунингдек, 1856 йилда Кавказдаги Россия империяси армиясининг бош қўмондони А.И.Барягинский Устюрт орқали Каспий денгизини Орол денгизи билан боғлайдиган темир йўл қуриш ҳақида таклиф киритди. Барягинскийнинг фикрича, бу йўл Россия учун ниҳоятда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, рус маҳсулотларини Осиёга чиқариш учун улкан имкониятлар яратиш лозим эди. Ушбу режа бўйича Орол денгизигача темир йўл орқали олиб келинган юкларни кемаларга ортиб, Сирдарё ва Амударё орқали Ўрта Осиё хонликларининг энг йирик савдо марказларига етказиш мўлжалланди.

Англиянинг Шарққа тез суръатлар билан кириб келиши, Россия билан Англия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви темир йўл қуриш режасини анча жанубга қўчириш, яъни, Красноводскдан бошлаш режасини кун тартибига қўйди. Темир йўл қурилиши муносабати билан Красноводск қалъаси кенгайтирилди. Бу ерга ҳарбийлардан ташқари турли амалдорлар, савдогарлар, саноатчилар, ўлкани ўрганиш орзусида

юрган саёҳатчилар, врачлар ва ўқитувчилар кела бошладилар. Красноводск қалъаси ва унинг атрофларида русларнинг кўпайишига қарамасдан, туркманларнинг доимий ҳужумлари туфайли улар доимий хавф-хатарда эдилар. Шунинг учун ҳам 1880 йилнинг феврал ойидаги Россия ҳукумати кенгашида Каспий денгизининг Михайловский қўлтиғида жойлашган Узун Ота деган жойдан Қизил Арватгача тор изли темир йўл қуришга келишиб олинди. Россия ҳарбий вазирлиги зиммасига юклатилган бу йўл қурилишининг биринчи навбати 1881 йил 1 январда, иккинчи навбати эса, ўша йили 1 сентябрда ишга туширилди.

Россия империянинг Туркистондаги сиёсатида тадқиқотчилар эндигина эътибор бера бошлаган масалалардан бири бу – ислом динига бўлган муносабат масаласидир. Империя маъмурлари ислом динининг шимолга тарқалиб боришидан чўчиб, бу йўллари тўсиш, маҳаллий халқларни руслаштириш, муқаддас ислом динининг обрўйини тушириш, аҳолини христиан эътиқодига ўтказишни мақсад қилиб қўйдилар. Россия маъмурлари бу йўналишдаги фаолиятларини ислом динини қоралаш орқали амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Айнан шунинг учун ҳам империя амалдорлари маҳаллий руҳонийлар фаолиятини чеклаш сиёсатини олиб бордилар.

Россия империясининг Туркистонни босиб олишини тезлаштиришга олиб келган сабаблардан яна бири – Россия билан Англия ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар бўлди. XIX аср иккинчи ярмининг бошларида Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш мақсадида Россия томонидан олиб борилаётган сиёсат Англиянинг бу борада узоқни кўзлаб тузган режаларига жиддий хавф солар эди. Англия ва Россия муносабатлари алоҳида мавзу бўлса-да, бу масалага қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.



Россия империяси ҳукмрон доиралари Англиянинг Шарққа нисбатан олиб бораётган сиёсатининг моҳиятини яхши англаганлар. Хусусан, 1875 йилнинг январ ойида подшо ҳукумати кенгашида Англиянинг Осиёдаги сиёсати

масаласи муҳокама қилинди.

Ушбу муҳокамада иштирок этган кўпгина Россия империяси давлат арбоблари Англиянинг Осиёдаги мустамлакачилик фаолиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлдилар. Лондондан олинган маълумотлар асосида Англия Россияга икки томондан - жанубдан Форс кўрфазидан, шарқда Афғонистондан ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги хабарни 1857 йил 18 февралда етказди.

Россия ҳарбий вазирлиги вазиятни зудлик билан ўрганиш учун “Россия билан Англиянинг Ўрта Осиёда тўқнашуви бўлиши эҳтимоли” масаласида маълумотлар тўплади. Ушбу маълумотларда келтирилишича, Англия Россияга қарши кураш йўлида фақат ўз ҳарбий кучларидангина эмас балки, мусулмон халқларидан ҳам фойдаланиши мумкин эди. Айнан шунинг учун ҳам подшо Россия маъмурлари Ўрта Осиё хонликларини босиб олишни янада тезлаштирган эдилар.

3.Хонликларни босиб олиш учун амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар. Туркистон генерал-губернаторлиги.

Юқорида таъкидланганидек, Пётр I давридаёқ Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларини забт этиш ғоялари пайдо бўлган эди. XIX асрнинг бошларидан бошлаб империя маъмурлари бу ғояни амалга ошириш борасида дастлабки ҳаракатларини бошлаган эдилар. Чунончи, хонликлар ҳудудига элчилар кўринишидаги жосуслар, экспедициялар, сайёҳлар, зобитлар, олимлар жўнатилиб, улар Туркистон ўлкасининг бойликлари, аҳолисининг турмуш тарзи, хонликларнинг ҳарбий кучлари, ўлкадаги стратегик вазият ҳақида турли туман маълумотларни тўплаб, марказга етказиб турдилар. Бу маълумотларнинг натижаси ўлароқ, 1860 йилдан бошлаб Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олиш учун жиддий ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Ундан ташқари Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олишни тезлаштирган бир нечта сабаблар бор эдики, улар қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Россия енгил саноатини доимий равишда таъминлаб турувчи арзон хом ашё базасининг Ўрта Осиёда мавжудлиги;

2. Қрим уруши (1853-1856 йй.) туфайли Қора денгиз портларининг Россия қўлидан кетиши ҳамда унинг ўрнини Ўрта

Осиё хонликларини эгаллаш ҳисобига тўлдириш, Ўрта Осиё орқали Эрон, Афғонситон, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда Англиянинг таъсирини йўқотиб, бу давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатиш.

3. Россия Европа бозорлари билан рақобат қила олмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун Ўрта Осиё бозорларини эгаллаши лозим эди.

4. Россияда ўтказилган ер ислоҳотлари туфайли қашшоқлашиб қолган аҳолини кўчириб келтириш ва уларни ер билан таъминлаш керак эди.

Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш масаласи подшо Александр II (1855-1881 йй.) томонидан 1859 ва 1861 йилларда ўтказилган империя сиёсий доиралари кенгашларида муҳокама қилинди. Бу пайтга келиб Россия империяси ҳарбий вазирлигида Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳволига оид жосуслик маълумотлари етарли даражада тўпланиб бўлган эди. Империя бош штаби бошлиғи, генерал унвонига кўтарилган граф Н.Игнатъевнинг ўзбек хонликларининг ҳақиқий аҳволи ва уларни Россия назоратига олишни қандай амалга ошириш ҳақидаги ахборотлари бу маълумотлар ичида айниқса ажралиб турарди. Граф Игнатъевнинг таклифига кўра, аввало, Қўқон хонлигига ҳарбий ҳаракатлар бошланди.

Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари арафасида Қўқон хонлигида ижтимоий-сиёсий ҳолат мураккаб аҳволда эди. Бу ҳолатга шундай изоҳ бериш мумкинки, биринчидан, хонликдаги кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли қипчоқлар ҳокимиятини тан олмаганлар. Иккинчидан, хонлик ҳокимиятида юқори мавқени эгаллаш ва хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ўзаро кураш борар эди. Учинчидан эса, қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан зўравонлик қилиб, шаҳарларга кириб келганлар ва аҳолининг уй-жойлари тортиб олганлар. Ушбу сабаблар туфайли Қўқон хонлиги аҳолиси рус босқинига қарши курашда етарли даражада бирлаша олмадилар.

Россия босқини эса, шусиз ҳам қалтис бўлган сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлди. Ҳарбий доиралар шундай маълумот берган эди: "...орқадан янги, ҳали номаълум кучлар яқинлашиб келарди. Булар Сирдарёнинг пастки оқимини аста-секин, лекин мустаҳкам эгаллаб келаётган руслар

эди. Бу ҳаракатнинг муҳимлигини ва аҳамиятини Худоёрхон албатта тушунмади, оқибатини эса у тасаввур ҳам қилмаган эди”.

Шунга қарамасдан, Қўқон хони Султон Сайидхон (1863-1865 йй.) ва Амирилашкар Алимқули хонликдаги барқарорликни сақлаш учун айрим чоралар кўришга ҳаракат қилдилар. Хусусан, хон қозоқ бийларига мурожаатнома йўллаб, уларни иттифоққа чақирган бўлса, Алимқулининг буйруғига кўра, Нурмуҳаммад кушбеги Авлиёотага бориб Талас дарёсининг юқори оқимида истиқомат қилувчи қирғиз сардорларини ташқи душманга қарши курашда ҳамкорлик қилишга чақирди. Аммо, бу ҳаракатларнинг барчаси зое кетди.

1860 йилнинг ёзида Россия империясининг Қўқон хонлигига ҳарбий ҳаракатлари жонланиб кетди. Полковник Циммерман бошчилигидаги рус кўшинлари аввал Тўқмоқ, сўнгра эса Пишпак (Бишкек) қалъаларини куч билан эгалладилар. 1864 йил май ойида Қўқон хонлиги ҳудудларига шарқ томондан полковник Черняев, ғарб томонидан полковник Верёвкин бошчилигидаги империя кўшинлари бостириб кирдилар. Черняев кўшинлари Авлиёота шаҳрини қамал қилдилар. Шаҳар ҳокими Ниёз Али шаҳарни ташлаб Туркистон томонга қочиб кетган бўлишига қарамай, Авлиёота аҳолиси ўз ташаббуси билан душманга қарши мардонавор курашди. Аммо, ҳарбий техника ва кучлар тенг эмас эди. Шаҳар эгаллангач, Черняев уни талон-тарож қилишга буйруқ берди ва генерал-майор даражасига кўтарилди. Верёвкин кўшинлари эса Туркистон шаҳрини эгаллаб, муқаддас Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутдилар.

Туркистон ва Авлиёота шаҳарлари босиб олингач, Қўқон хони Султон Сайидхон ва Амирилашкар Алимқули Тошкентнинг Мингўрик мавзесида катта кучларни тўплаб, машқлар ўтказдилар. Бу орада рус кўшинлари Чимкентга юриш бошладилар. Хонлик сарбозлари ва рус кўшинлари билан Чимкент учун бўлган жанг 1864 йил 14 июль тонг саҳарда бошланди. Бу жанг ҳақида тарихчи Муҳаммад Солиҳ қуйидаги маълумотларни беради. Уч кун давом этган ушбу жангни Мингбой қипчоқ бошчилигидаги сарбозлар бошлаб бердилар. Ундан кейин Мирзо Давлат бошчилигидаги тошкентликлар, Хўжанд ҳокими Мирзо Аҳмад кушбегининг йигитлари жангга кирдилар. Шундан сўнг Марғилон, Қўқон, Андижон, Ўш, Наманган гуруҳлари жангга қўшилдилар.

Манбаларга кўра, шафқатсиз бўлган ушбу жангда 12 мингга яқин киши ҳалок бўлиб, штабс-капитан Мейер ва полковник Лерх бошчилигидаги рус кўшинларининг омон қолганлари Авлиёота ва Туркистон томон чекинишади. Ғалаба қозонган Амирилашкар Алимқулига рус кўшинлари томонидан сулҳ тузиш таклифи киритилади. Лашкарбошилар кенгашида эса тошкентликлар руслар билан музокара юритишга қарши чиқдилар ва бу фикр кўпчилик томонидан қувватланди.

Чимкент мағлубиятидан кўрқиб кетган рус маъмурлари, хусусан, генерал Черняев, полковник Лерх ва капитан Мейерлар барча кучларни Чимкент яқинидаги Оқбулоқда тўплаб, бу ерда икки ой давомида ҳал қилувчи жангда тайёргарлик кўрдилар. Амирилашкар Алимқули ҳам Чимкентдаги ғалабасидан рухланиб, кўлдан кетган шаҳарларни қайтариб олиш чоратадбирларини кўрди. Аммо, Қўқон хонлиги ҳудудларига рус босқини хавфи кучайиб бораётган бир шароитда Бухоро амири Музаффар кўшинлари хонлик ерларига бостириб кирганлиги ҳақида хабар олинди. Ушбу вазиятда Алимқули асосий кўшинни Қўқонни Бухоро амирлиги кўшинларидан ҳимоя қилишга ташлашга мажбур бўлиб, Англиянинг Ҳиндистондаги ваколатхонасидан Туркиядан ёрдам сўраб мурожат қилди. Афсуски, улардан ҳеч қандай ёрдамни ололмади.

Бундай шароитдан генерал Черняев унумли фойдаланди. Урал ва Оренбург казаклари ҳамда тўпчилари билан Сайрамда бирлашган Черняев кўшинлари 1864 йилнинг 14 сентябрида Чимкентга иккинчи марта юриш бошлади. Бу пайтда Амирилашкар Алимқули Хўжанд ва Ўратепада Бухоро амири кўшинларига қарши жанг қилаётган эди. Черняев эса, бу сафарги юриши яъни 22 сентябрда Чимкент шаҳрини эгаллади.

Шундан кейин Черняев Тошкент юришини бошлаб, 1864 йил 1 октябрда шаҳарнинг шарқий томонидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. Бу пайтда Тошкент шаҳри 4та (Шайхонтохур, Себзор, Бешёғоч ва Кўкча) катта даҳага бўлинган бўлиб, 25 чақирим қалин девор билан ўраб олинган эди. Девор атрофида зовурлар бўлиб, уларга сув тўлдирилган. Шаҳар аҳолиси душман босқинидан бохабар бўлиб, мудофаага тайёргарлик кўрган эдилар.

Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, 1864 йилининг 2 октябрида эрталабдан бошлаб ҳар иккала томонидан тўплардан

ўқлар узилиб, отишмалар бошланди. Тошкент девори тўплардан ўққа тутилганидан кейин подполковник Обух 2 рота аскарлари ва 4 та тўпи билан ҳужумга ўтиб, деворнинг бир қисмини тешишга эришди. Рус аскарлари подполковниклар Обух ва Лерх бошчилигида шу жойдан шаҳарга кириш учун зовурни кечиб ўтишга ҳаракат қилганлар. Аммо, Тошкент мудофаачиларининг мардонавор қаршилиги туфайли рус аскарларининг бу ҳаракати синдирилди. Рус қўшинлари 72та зобит ва аскарларидан айрилиб, Чимкентга чекишга мажбур бўлдилар. Подполковник Обух ҳам оғир яраланди.

Бу ғалабадан руҳланган Қўқон хонлиги лашкарлари Амирилашкар Алимқули бошчилигида 1864 йилнинг ноябрь ойида рус аскарларига қарши ҳужум қилдилар. Тошкент атрофидаги Иқон қишлоғи ёнида майор Серов бошчилигидаги рус қўшинлари билан Алимқули қўшинлари тўқнашди. Бу жангда рус қўшинлари мағлубиятга учраб, улардан 57 нафари ўлдирилди ва 43 нафари ярадор қилинди.

Бу мағлубиятлар рус мустамлакачи маъмурларини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Шунинг учун ҳам генерал Черняев 1864 - 1865 йилнинг қиш мавсумини қаттиқ ҳарбий тайёргарлик билан ўтказди. Унинг қўшинлари Сибир ва Оренбургдан етиб келган ҳарбий кучлар - қурол-яроғ, янги батальонлар, сапёрлар роталари билан тўлдирилди.

1865 йилининг баҳорида Тошкентга рус қўшинларининг Черняев бошчилигидаги иккинчи ҳужуми бошланди. Черняев 28 апрелда Чирчиқ дарёси бўйидаги Ниёзбек қалъасини эгаллади. Шундан сўнг, хоинларнинг маслаҳати билан Тошкент шаҳрини сув билан таъминлаб турувчи Бўзсув тўғони бузиб ташланиб, Чирчиқ дарёсига буриб юборилди. Айни экин-тикин палласида шаҳар аҳолиси сувсиз қолди.

Эътибор бериш лозимки, бу пайтга келиб рус босқинчиларига хайрихоҳ бўлган хоин ва сотқинлар ҳам пайдо бўлди. Улардан бири Абдурахмонбек Шодмон ўғли бўлиб, у Черняевга Бўзсув тўғонини бузишни маслаҳат берган ва кўнгилли равишда Россия империяси хизматига ўтган. Тошкент шаҳрининг энг катта бойларидан бири Муҳаммад Соатбой ҳам унга қўшилган. У машҳур савдогар бўлиб, Петропавловск, Троицк, Оренбург каби шаҳарнинг савдо-сотик доиралари билан яқин алоқада бўлган, Тошкентдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий

вазият ҳақида Черняевга маълумотлар бериб турган. Хоинлардан яна бири Россия империяси фахрий фуқароси, “Авлиё Анна” олтин нишони соҳиби Саидазимбой Муҳаммад ўғли эди.

Шунга қарамасдан, хонлик қўшинлари кўтаринки руҳ билан хужумга тайёргарлик кўрдилар. Алимқули катта қўшин билан Қўқондан Тошкентга етиб келди. Мингўрикда анжуман ўтказилиб, жанг режаси ишлаб чиқилди. Май ойининг бошларида Тошкент учун шиддатли жанглар бўлиб, дастлаб хонлик қўшинларининг қўли баланд келди. Аммо, шундай кейин қўшин орасида парокандалик бошланди. 9 май куни Салор ариғи бўйида бўлган жангда Алимқули оғир ярадор бўлиб, “Тошкент фуқаролари аста-секин орқага қайтиб, ўзларини шаҳар ичига олсинлар, бошқа сарбозлар ва мужоҳидлар эса урушни давом эттирсинлар”, дея фармон берди.

Амирилашкар Алимқулининг ярадор бўлиб сафдан чиққани мудофаачиларга қаттиқ таъсир қилди. Душман билан мардонавор жанг қилган хонлик қўшинлари тартиб билан Салор ариғи томон чекиндилар. Аммо, мудофаачиларнинг айрим гуруҳлари, хусусан, Алимқулига хусумати бўлган кипчоқлар, қирғизлар ва андижонликлар умуман жанг майдонини тарк этиб, Қўқонга кетиб қолдилар.

Яраланган Алимқулининг вафот этиши туфайли ҳам мудофаачилар орасида саросималик бошланди. Бунинг натижасида шаҳар ҳимоячиларининг қаршилиги синдирилиб, 15 июнь куни Тошкент шаҳри Черняев қўшинлари томонидан забт этилди. Муҳаммад Солиххўжа ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент 40 кундан зиёд камал қилинганлиги, шаҳар аҳолиси она шаҳарларини мардонавор мудофаа қилганлигини таъкидлаган. 1865 йил 17 июнда эса, яна қон тўкилишини олдини олиш мақсадида икки томонлама музокаралар бошланди. Черняев Тошкент шаҳрининг Ҳакимхўжа қозикалон, Абдурахмон эшон, домла Солихбек Охун сингари нуфузли ва обрўли кишилари билан музокара ўтказиб, “Тошкент шаҳри аҳолиси ўз ихтиёри билан Россия империяси таркибига қўшилди”, деган сохта аҳдномани тўлдиришга мажбур қилди. Улар бунга рози бўлмаганликлари туфайли жазоландилар.

Сохта аҳдномани тўлдириш эса, Абдусаттор Қорабоши ўғлига топширилди. Беш нусхада тузилган аҳдномага шаҳар “катта”ларининг барчасига мажбурий равишда қўл қўйдирилиб,


муҳр бостирилди ҳамда бир нусхани Черняевга, тўрт нусхаси эса тўрт даҳа бошлиқларига берилди. Бу аҳднома туфайли босқинчилик сиёсати юргизиб Англия каби кучли давлат билан уруш олиб боришга мажбур бўлиб қолишдан чўчиган Россия империяси ҳукумати халқаро жамоатчилик назарида ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлашга уринди. Чунончи, аҳдномадан нусхалар кўчирилиб, 1865 йилда Россиянинг Туркиядаги элчиси қилиб тайинланган Н.Игнатъев орқали Истамбулга жўнатилди ва шаҳар кўчаларига ёпиштириб чиқилди. Хулоса қилиб айтганда, Тошкент босиб олингач, бу шаҳар Россия империясининг Туркистон масаласига дахлдор барча сиёсий масалаларни ҳал қиладиган империя қароргоҳига айланиб борди. Тошкент шаҳри босиб олинганидан сўнг, 1865 йилда босиб олинган ҳудудларда маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон вилояти ташкил қилинди.

Мулла Олим Махдум ҳожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида Тошкент шаҳрининг босиб олинишини Ўрта Осиёдаги иккита – Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги қарама-қаршилик ва ички низолар билан боғлайди: “... Россиялар Тошкандни муҳосара қилиб турғон вақтда икки ҳамсоя мусулмония мамлакатларининг подшолари русияларнинг тўп овози етадурғон яқин масофада мамлакатлариға истило қилиб келиб, уруш қилиб турғон ҳолда, анча аҳамият бермай, бир-бирлари билан уруш - талаш қилишиб, вилоятни барбод бердилар, яъни, русиялар ҳимоясиз қолғон Тошканд шаҳрини бир неча кун қамаб, охири 1865 йил 15 июнда субҳ вақтида Камолон дарвозасидин кириб фатҳ қилдилар”.

1866 йили подшо Александр II томонидан Тошкентнинг Россия тасарруфига олинганлиги расман эълон қилинди. Россия империясига бундан ташқари, кейинчалик ҳам ўз манфаатларини амалга ошириш учун мустаҳкам маъмурий тузум зарур эди. Айнан шунинг учун ҳам бу масалани зудлик билан ҳал этиш борасида империя ҳарбий вазири Милютин бошчилигида комиссия ташкил этилади. Мазкур комиссияга Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановский томонидан Тошкентни Оренбургга бўйсундириш ҳақидаги таклифи киритилган эди. Аммо, Ўрта Осиёни ўзининг хом-ашё базасига айлантиришни режалаштирган Россия империя ҳукмрон доиралари учун бу таклиф тўғри келмас, Тошкент мустамлакачиларнинг бу борадаги марказига

айланиши лозим эди. Айнан шунинг учун ҳам Н.Крижаносвкийнинг бу таклифи рад этилиб, 1867 йил 14 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Биринчи генерал-губернатор этиб К.П.фон Кауфман тайинланди. Маркази Тошкент бўлган Сирдарё вилояти, маркази Верний (Алмати) бўлган Еттисув вилоятлари мазкур генерал-губернаторлик таркибига киритилди.

Туркистон ўлкасининг марказий бошқарув тизим



4. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Фарғона вилояти.

Россия империянинг Туркистон, Чимкент, Тошкент каби шаҳарларни босиб олиши бусиз ҳам ички зиддиятларга тўла бўлган Қўқон хонлигига ниҳоятда қаттиқ зарба бўлди. Чунки Қўқон хонлигининг ҳудуди асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб қолган эди. Чегаралар қисқарилганлиги туфайли хазинага тушадиган даромад камайиб кетди. Қўқон хони Худоёрхон хазинани тўлдириш учун солиқларни кескин ошириб юборди. Бундан ташқари, у рус маъмуриятига хайрихоҳ ҳукмдор эди.

Бунинг натижаси ўлароқ, 1868 йил 13 февралда Худоёрхон Туркистон генерал-губернаторлиги билан хонлик ўртасида тузилган шармандали шартномани имзолади. Империя ҳукуматининг тазйиқлари билан асосан рус савдогарларининг

манфаатларини кўзлаб тузилган бу шартнома хонлик аҳолисида норозилик уйғотди. Чунки бу келишувга кўра, рус савдогарлари Қўқон хонлигидаги барча шаҳарлар ва қишлоқларда истаган карвонсаройга эга бўлиш ҳамда савдо агентликлари тузиш ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда Қўқон хонлиги савдогарлари фақат Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда, яъни ўз юртларида шундай имтиёзларга эга бўлдилар.

Мазкур шартнома амалда Қўқон хонлигини Россияга қарам қилиб кўйди. Худоёрхон эса бу ҳолатга эътибор ҳам бермади. Империя ҳукумати Худоёрхоннинг бу итоаткорлигини “муносиб” тақдирлади. Чунончи Худоёрхон Россия империясининг ордени билан мукофотланиб, унга “Аслзода” деган фахрий унвон берилди.

Бу орада империя маъмурлари Қўқон хонлигини бутунлай Россия таркибига қўшиб олиш учун жиддий ҳаракатларни бошлаб юборган эдилар. Хусусан, Қўқон хонлигини атрофлича ўрганиш учун жосуслик кучайтирилди. Қўқонга элчи қилиб жўнатилган полковник Шауфус фаоллик билан жосуслик ишларини ҳам олиб борди. Унинг Худоёрхонни рус мустамлакачиларига хайрихоҳ эканлиги ҳақидаги хабари империя маъмурларини қувонтиргани шубҳасиздир.

Манбаларга асосланган замонавий адабиётларда ҳам Худоёрхоннинг рус мустамлакачи маъмурларига хайрихоҳ бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Ушбу маълумотлардан баъзиларини қуйида келтириб ўтамиз:

Исҳоқхон Ибратнинг Худоёрхон ҳақида ёзишича, “Россиядан хотиржам бўлиб, вақтини ўйин-кулги билан ўтказиб, ...уламо ва фузало насихатларига амал қилмай, жабру-зулм тарафига ўтиб турганида, раияту халқ [ундан] юз ўгирди”. “Яна тахтга ўтирсам ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарқ этмайман” деб парвардигорга шарт ва ваъда қилган экан”, деб ёзади Азиз Марғилоний, “Урусия билан урушмайман. Божи хирож бериб туришни хоҳлайман. Пулни кўпайтирсам бўлар экан. Бошқа томондан келадиган ёв йўқ. Бохузур айшу-ишларт қилиб ётаман” деб муқаррар қилибди”.

Аҳмад Заки Валидий ўзининг “Худоёрхоннинг сўнгги кунлари” асарида шундай ёзади: “Худоёрхон кўп бадавлат бўлиб, хотинларни кўпайтиришга ҳирс қўйган. Кайфу сафони, роҳатни

ва тинчликни яхши кўрган. Халқнинг фойдасига иш юритмаган... масхарабозлар ва ҳофизлар ҳамда маъносиз ўйинлар билан умр ўтказган”. Аммо, шунга қарамадан Худоёрхоннинг ижобий томонлари ҳамда бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Нима бўлганда ҳам, маълумотларга кўра Худоёрхон 1868-1873 йиллар оралиғида Россия империяси билан муносабатларини яхшилаш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази Тошкентга кўплаб совға-саломлар юбориб турди. Шунингдек, хонликда фаолият кўрсатиб турган рус савдогарлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Худоёрхон рус босқинчиларига ўзини яқин тутиб, Қўқон билан Россияни бир давлат деб ҳисобларди. Бундай ҳолатда Фарғона водийсида Худоёрхонга қарши чиқишлар кучайиб кетди.

1873-1876 йилларда Қўқон хонлигидаги ички зиддиятларга барҳам бериш, кўтарилган қўзғолонларни бостириш баҳонасида Россия ҳарбий қўшинлари хонлик ҳудудларига киритилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Қўқон ички сиёсий адоватлар, халқ исёнлари ва қўзғолонлари билан ларзага келган бўлиб, империя қўшинларининг кириб келиши натижасида амалда ўз сиёсий мақомидан маҳрум этилди”.



Маълумки, 1873-1876 йилларда Қўқон хонлиги Пўлатхон (Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли) бошчилигидаги қўзғолонлар гирдобида қолган эди. Бундай вазиятда хонликдаги нуфузли амалдорлардан бири бўлган Абдурахмон офтобачи Худоёрхонни

тахтдан ағдариш ва унинг ўғли Сайид Насриддинбекни хон тахтига ўтказиш мақсадида Пўлатхон билан тил бириктиради ва хон ўртасида иссён кўтаради. Вазиятдан кўрқиб кетган Худоёрхон Хўжандга қочди ва Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечди.

Манбаларда маълумки, Худоёрхон Қўқондан 22 арава бойлик, қимматбаҳо металллардан ясалган идишлар, гиламлар, илмий, диний китоблар, 150 та тўп ва замбараклар ҳамда милтиқларни ўзи билан олиб кетди ва уларни Тошкентга олиб бориб, империя маъмуриятига топширмоқчи бўлди. Аммо, хон олиб кетаётган хазинанинг бир қисми йўлда аскарлар ва аҳоли томонидан мусодара қилинди. Худоёрхоннинг қўриқчиси бўлган Махмудхонтўра эса икки арава бойлик, учта замбарак ва отликларни Қўқонга қайтарди.

Худоёрхон 1875 йил июль ойининг охирларида Хўжандга келиб, бу ерда 10 кун истиқомат қилгач, август ойининг бошларида уни Туркистон генерал-губернатори Тошкентга чақирди. Бу ҳақда “Туркестанские ведомости”да берилган хабар шундай яқунланади: “...Собиқ Қўқон хонига Хўжанддан Тошкентга кўчиб келиш таклиф этилди”. Генерал-губернатор Кауфман эса унинг бойликларини мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилади. Кейинчалик Худоёрхон сургунликдан қочиб Маккага ҳаж сафари қилади.

Қўқоннинг янги хони Насриддинхон тахтга ўтирган кунлариёқ Туркистон генерал-губернаторлиги билан гўё яхши алоқаларни ўрнатиш мақсадида фон Куфман номига хат йўллади. Бу хатда рус ҳукумати билан дўстона муносабат ўрнатиш айтилган бўлса-да, Насриддинхон амалда Россия ҳукуматининг босқинига қарши куч тўплай бошлаган эди. Шунингдек, янги хон Бухоро амирлиги, Тошкентдаги нуфузли кишиларга, хусусан, Сайидазимбойга ҳам мактуб йўллаб рус босқинчиларига қарши курашда бирлашишга чақирди. Аммо, Бухоро амири ҳам, Сайидазимбой ҳам Насриддинхондан олган мактубларини Кауфманга топшириб, ўзларининг рус мустамлакачиларига содиқликларини кўрсатдилар.



Ўз навбатида генерал-губернатор фон Кауфман ҳам Насриддинхонга мактуб йўллаб (1875 йил 4 август), унинг хонлигини тан олиш учун оғир шартлар (1868 йили битимни тан олиш, рус савдогарлари кредитларини тиклаш, элчилардан тортиб олинган мулкларни қидириб топиш, товон пули, Худоёрхон учун нафақа ва бошқ.) қўйди. Кауфман ушбу йўлланган мактубига жавобини кутиб ўтирмасдан Россия империясининг ҳарбий вазирига 1875 йилнинг 6 августида хабар бериб, ундан агар Қўқон хонлиги ҳукумати Россия билан дўстлик алоқаларини ўрната олмаса, хонликни босиб олиб империя таркибига қўшиб олишга рухсат сўрайди.

Насриддинхоннинг тахтга ўтириши хонликдаги сиёсий вазиятнинг кескинлигини бартараф эта олмади. Буни тушуниб етган Абдурахмон офтобачи вужудга келган вазиятни юмшатиш учун хонлик аҳолисини рус босқинчиларига қарши сафарбар қилишга ҳаракат қилди. Аммо, фон Кауфман ҳам 1875 йил 18 август куни Тошкентдан Хўжандга етиб келиб, рус қўшинларини шу ерда бирлаштира бошлади. Замонавий адабиётларда берилишича, “Кауфман ва Скобелев 16 рота пиёда аскар, битта сапёр ротаси, 20та тўп, 900 отлик аскар билан жангга шай бўлиб турдилар”.

1875 йилнинг 22 августида Хўжанддан Қўқон йўли бўйлаб жойлашган Маҳрам қалъаси (Сирдарё бўйида) ёнида рус қўшинлари билан Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги хонлик қўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлди. Ҳар иккала томондан

ҳам кўплаб қурбонлар берилган ушбу жангда Абдурахмон офтобачининг қўшинлари тор-мор этилиб, унинг ўзи Марғилон яқинидаги Карпил мавзесига қочиб кетди.

Насриддинхон Россия империяси қўшинлари ва бошлиқларини Қўқонда кутиб олиб, Россия империяси ҳукуматини тан олди. Насриддинхон Марғилон ҳокими Султон Муродбек зиммасига руслар билан бўлган уруш жаримаси – 40 минг тилла товон пулини йиғиб бериш вазифасини юклади. Султон Муродбек Андижон ва Ўш аҳолисидан ҳам жарима ундира бошлади. Натижада хонликнинг шарқий ҳудудларида яшайдиган аҳоли Россия империяси ҳукуматининг ушбу сиёсати қарши исён кўтарди.

Бу орада яъни, 1875 йил 26 августда фон Кауфман рус қўшинлари билан Маҳрамдан чиқиб, Қўқон томонга юрди, йўлда уларни Насриддинхоннинг элчилари мактуб ва совғалар билан кутиб олдилар. Кауфман Қўқон атрофида ҳарбий лагерь қуриб, шу ердан Қўқон шаҳар бўйлаб рус қўшинларини намойишкорона дағдаға билан олиб ўтгач, ҳарбий лагерга қайтишида Насриддинхоннинг ўзи унга ҳамроҳ бўлди.

Пўлатхон ҳам империя босқинчиларига қарши курашиш мақсадида катта куч тўплаб, Қўқонга ҳужум қилмоқчи бўлиб турган пайтда, яъни, 1875 йил 25 сентябрда Насриддинхон Россия империяси ҳукумати билан битим тузди. Бу хабар тезда бутун Қўқонга ёйилиб, аҳоли яна исён кўтарди ва хон ўрдасига ҳужум қилди. Натижада чорасиз қолган Насриддинхон Хўжандга қочди.

Ҳ.Бобобековнинг архив манбалари орқали маълумот беришича, бу битимга кўра, Қўқон хони ўзини Россия империясининг “хизматкори” деб тан олади, қўшни хонликлар билан ҳеч қандай алоқалар ва муносабатлар ўрнатмасликка ваъда беради. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги барча ерлар Россия салтанати ихтиёрига ўтади. Қўқон хонлигига қарши олиб борилган урушда рус армияси кўрган олти юз минг рубл ҳажмдаги зарарни тўлаш Қўқон хонлиги зиммасига юклатилади. Шунингдек, битимда 1875 йил 1 ноябрдан бошлаб Қўқон хонлиги Россия хазинасига ҳар йили 500 минг рубл, Абдурахмон Офтобачини қўллаб-қувватлаганлари учун марғилонликларга 125 минг тилло ҳажмида товон тўлаш мажбурияти белгиланиб, 60

минг тиллони 1875 йил 21 октябргача, қолган 65 мингини эса, 1876 йил 21 октябргача тўлашга ижозат берилди.

1875 йил 26 сентябрда Наманганга келган Кауфманга Андижон шаҳрида ва унга яқин бўлган жойларда Пўлатхон ва Абдурахмон Офтобачи бошчилигида катта қўшин тўпланганлиги ҳақида хабар етиб борди. Тайёрланаётган кўзғолондан хавфсираган Кауфман зудлик билан генерал Троцкий бошчилигидаги 1400 кишилиқ қўшинни 4та ракета отиш мосламаси ва 8та замбарак билан Андижонга жўнатди. 1 октябрда генерал Троцкий Андижонга ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берди. Ҳар икки ўртада кучли жанглар бўлиб, 2 соат давом этган бу жанглардан сўнг рус қўшинлари шаҳар марказига жойлашган ўрдани қуршовга олиб, ҳоким саройини босиб олди.

Абдурахмон Офтобачи ва Пўлатхон бу орада шаҳар ва қишлоқларга ўз одамларини номалар билан жўнатиб, аҳолини рус босқинчиларига қарши кураш учун бирлашишга, Насриддинхонни тахтдан ағдаришга чақирдилар. 9 октябрда Қўқонда кўзғолонлар бошланиб кетганлиги туфайли Насриддинхон пойтахтдан қочиб кетди.

Генерал Скобелев бошчилигидаги қўшинлар 1875 йил 23 октябрда Балиқчи ва Тўрақўрғонни эгаллаб, 27 октябрда Наманганни 26 та тўп билан ўққа тутадилар. Қўзғолончилар тор-мор этилиб, кўплаб аҳоли ҳалок бўлди.

1876 йилнинг бошларида Россия императори Александр II нинг махсус буйруғи асосида генерал Скобелев Қўқон хонлигини бутунлай босиб олишга киришди. Империя босқинчилари хонлик шаҳар ва қишлоқларига етиб келдилар. Насриддинхон қаршилиқ кўрсата олмай таслим бўлди. 8 февралда рус қўшинлари Қўқон шаҳрига кирдилар.

Скобелевнинг ҳийласи ва хоинлар ёрдами билан Абдурахмон Офтобачи ҳамда Пўлатхон Асака ва Андижон оралиғида қўлга олиндилар. Пўлатхонни қўлга олишда ёрдам берган хоинлар империя томонидан мукофотландилар. Пўлатхон эса, 1876 йил 1 мартада Марғилонда дорга осилди.

Шу тариқа, қаттиқ қаршилиқлар ва оғир жанглардан сўнг 1876 йил 19 февралда 150 йилдан зиёдроқ ҳукм сурган Қўқон хонлиги бутунлай босиб олиниб, тугатилди. Унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилиб, Скобелев янги вилоятга ҳарбий

губернатор этиб тайинланди.

Қўқон хонлигига қарашли ерлар Фарғона вилояти таркибига киритилиб, фақат унинг бир қисми Хўжанд уезди бўлиб Самарқанд вилоятига қўшилди.

Рус босқинчиларига қарши мардонавор курашда иштирок этган Абдурахмон Офтобачи Россиянинг Екатеринбург, империяга хайрихоҳ бўлган Насриддинхон эса Владимир губерниясига сургун қилинди. Қўқон шаҳрида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар давомида хонликнинг шайхулислом ва қозикалони Скобелев томонидан асир олинди. Кауфманнинг муваққат генерал-губернатор Т.Колпаковскийга юборган телеграммасида, “уларни ҳеч қандай лавозимга қўймасдан йўқ қилиб юборилса, яхши бўлади”, деган таклиф киритгани туфайли уларнинг иккаласи ҳам Вологодск губерниясига сургун қилинди.

Тарихий манбалар тадқиқотлари маълумотларига кўра, Россия мустамлакачилари Қўқон хонлигини босиб олишда аёвсиз чораларни қўллаганлар. Хусусан, қаршилик кўрсатган қишлоқлар ёндирилган, босқинчиларга қарши кураш олиб бораётганларга қўшиб кўплаб тинч аҳоли ҳам бир бошдан жазоланган.

Босиб олиш пайтида қаршилик кўрсатган шахсларга ёрдам берган, уларни яширган, уйига киритганлар ҳам жазодан четда қолмаган. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўз уйи, мол-мулкини ташлаб бошқа жойларга кетиб қолганлар белгиланган муддатда қайтиб келмаса, уларнинг уй-жойи ва мол-мулки мусодара қилинган. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида кўрилган чоралар империя босқинчиларининг Қўқон хонлиги ҳукумати билан эмас, балки халқ билан уруш олиб борганлигини исботлайди.

Кўплаб жазо чоралари кўрилган бўлишига қарамай, Фарғона вилояти ташкил топганидан кейин ҳам рус босқинчиларига қарши халқ ҳаракати давом этди. Хусусан, Олой ўлкасининг ҳукмдори, “Олой маликаси” номи билан шуҳрат қозониб, додхоҳ унвонига сазовор бўлган Қурбонжон Мамат қизи ва унинг тарафдорлари 1876 йилнинг охирига қадар курашли давом эттирдилар. Ҳарбий губернатор генерал Скобелевнинг шахсан ўзи Қурбонжон додхоҳ билан учрашиб, музокаралар олиб боришга мажбур бўлган эди.

5. XIX аср II – ярмида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Бухоро амирлиги ўз мавқеи жиҳатидан бошқа хонликлардан ажралиб турар эди. Шу даврга келиб унинг худуди деярли 200.000 кв. км.ни ташкил этди. Зарафшон водийси Самарқанд шаҳри билан бирга, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Вахш, Кофирнихон, Панж дарёлари водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар, Мурғоб воҳасигача бўлган ерлар Бухоро амирлигига қарашли эди. Бухоро амирлиги Хива хонлиги, Эрон, Афғонистон, Қўқон хонлиги, қозоқ жузлари билан чегарадош бўлиб, XIX аср давомида ўзининг қатор ерларидан маҳрум бўлган эди. Қатор жангларга қарамай Жиззах, Ўратепа, Хўжанд асосан Қукон хонлиги, Мурғоб воҳаси эса Хива хонлигига охир-оқибатда қарам бўлиб қолди. XIX аср ўрталарига келиб амирликнинг аҳолиси тахминан 2-2,5 млн. киши атрофида бўлган деб ҳисобланади. Пойтахт Бухорода эса аҳоли - 60.000 атрофида, амирликнинг иккинчи йирик шаҳри Самарқандда эса 50.000 яқин киши истиқомат қилган дейилади. Агар XVIII аср I ярмидаги Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида 23 та шаҳар бўлганлиги қайд этилган бўлса, XIX аср 2-ярмига келиб йирик шаҳарларнинг сони 10тадан зиёд ҳисобланиб, улар қуйидагилар эди: Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Термиз, Шеробод, Ҳисор, Душанбе, Кўлоб ва бошқалар. Бухоро амирлигида турли халқлар, элатлар истиқомат қилиб, улар ичида ўзбеклар аҳолининг катта қисмини (57%) ташкил этар эди. Ўзбеклар бир неча уруғлардан ташкил топиб, улар ичида сарой, кўнғирот, манғит, жабғу, қарлуқ, қаллиқ, найман, хитой, қипчоқ, қирқ, минг, кенегас, керайит ва бошқалар аҳамиятли ҳисобланар эди. XVIII аср сўнггида Мирзо Бади девонининг маълумотиغا кўра амирликда 50 тага яқин ўзбек уруғлари яшаганлар. Ҳар бир уруғнинг ўзи ҳам қисмларга бўлинган (тақсим). Масалан, манғитлар тўқ, оч, оқ, қора, кўк қисмларга бўлинганлар. Ўз вақтида ҳар бир қисм бошқа гуруҳларга ҳам бўлинган. Масалан, қора манғитлар - жўки, ғалабаҳодир, кўса ва бошқаларга ажратилинган. Улар аксарият Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида яшар эдилар. Бухоро амирлигининг алоҳида олинган шаҳар ва қишлоқларида, амирликнинг тоғли шарқий қисмида тожиклар,

амирликнинг жанубий ва ғарбий районларида кўчманчи туркман қабилалари яшар эдилар. Қашқадарёнинг баъзи бир жойларида халифалик (VII-IX асрлар) даврида келган арабларнинг авлодари яшаб, уларнинг алоҳида гуруҳлари сайидлар (яъни пайғамбар авлодлари) деб ном олган. Шунингдек, амирликдаги қорақалпоқлар асосан Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқими атрофларида ҳамда Зарафшон воҳасида яшаганлар. Кўчманчи козоқ қабилалари эса (улар асосан кичик ва ўрта жуз аҳлидан эдилар) Бухоро амирлигининг шимолий шарқида, кўпроқ Конимехда кун кечирганлар. Яна амирликда маълум миқдорда эроний форслар, ҳиндлар, яҳудийлар, афғонлар, бир неча юз қалмиқлар, уч мингга яқин рус фуқаролари, татарлар, лўлилар ва бошқа халқлар вакиллари ҳам истиқомат қилганлар. Аҳолининг катта қисми ўтроқ ҳолатда кун кечирган. Ўзбеклар ичида ярим кўчманчилик билан кун кечирувчи уруғ қабилалар Қашқадарё ва Зарафшон воҳасидагина мавжуд бўлиб улар сирасига хитой, қипчоқ, манғитлар кирганлар. Аҳолининг баъзи гуруҳлари, масалан бухоролик яҳудийлар ҳуқуқлари анча чекланган эди. Бошқа диндагиларга одми кийиниб, белга маҳсус билдиргич арқон-зуннор тақиб юриш буюрилган. Аҳолининг аксарият қисми суғориладиган ерлар, водий ва воҳаларда истиқомат қилганлар. Амирлик ҳудудининг катта қисмини эса дашт, чўл ва тоғлар ташкил этган бўлиб, у ерларда кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар мол боқиш учун фойдаланганлар. XIX асрнинг бошларига келиб кўчманчи аҳолининг сони қисқара борди. Кўчманчи аҳолининг кўпчилиги ўтроқ ҳаётга ўта бошладилар. Мамлакат пойтахти шарққа донғи кетган ва "Бухоройи-шариф" (Муқаддас Бухоро) номини олган машҳур Бухоро шаҳри эди. XVIII аср бошида амирликда бўлган Петр I вакили Флорио Беневени пойтахтда 12та дарвоза ва 15000та хўжалик бўлган деб ҳисоблайди. Шаҳарни эса пахса ва қисман пишиқ ғиштдан барпо этилган левор билан уралган дейди. Орадан бир аср вақт ўтгач Бухорода "Мирза Жаъфар" деган мулла номи остида бўлган рус вакили П.И.Демезон 1833-1834 йилларга оид ёзишмаларида Бухорога оид қизиқ маълумотларни келтиради.

Поручик И.В.Виткевич маълумотларига кўра бир пайтлар мавжуд бўлган 12-дарвоза девор босиб, умуман беркитиб ташланганлигини қайд этади.

П.И.Демезоннинг маълумотларига кўра шаҳарда 366та квартал (маҳалла) мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири қошида кичик масжид бўлганлиги қайд этилди. Жумладан, у маҳалла оқсоқоллари шахсларини алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтади. Бухоронинг бош майдони ўша даврда - Регистон майдони ҳисобланган. Маълумотларга кўра Бухоро шаҳрида ўша вақтда 300тага яқин масжид, 79тача мадраса, "атиғи 2та қамокхона", 7та усти ёпиқ бозор (Чорсуи-Калон, Чорсуи-Заргарон, Чорсуи-Саррофон, Чорсуи-Биринч, Тўқумдўзи, Тими-Адрас (асосан, бухоролик шойи ғазламалар сотилган), Тими-Сафид (асосан, рус, инглиз матолари сотилган), 25та карвонсарой, 50тача ҳаммом ва бошқалар мавжуд бўлган. 1841 йили Бухоро амирлигида К.Бутенев миссияси таркибида бўлган Н.Хаников эса жами Бухорода 38та карвонсарой (24та тошдан ва 14таси ёғочдан) мавжуд бўлганини таъкидлайди. Ҳар бир маҳсулотнинг ўз бозори бўлиб, ҳафтанинг турли кунларида Бухоро шаҳри ён-атрофида 22та бозор бўлганлиги хусусида алоҳида тўхтаб ўтади. Унинг бошқа бир маълумотида XIX аср 40-йилларида, жами Бухорода 100та мадраса бўлиб, ундан "60таси амир рўйхатида" қайд этилган дейилади. Шаҳарда, шунингдек яҳудий, шиа-мусулмонларининг ҳам ибодат уйлари мавжуд бўлган. Бухороликлар ва умуман барча Ўрта Осиё мусулмонлари учун айниқса Баҳовуддин Нақшбанд, Сайфиддин Боҳарзий, Чор-Бакр мақбаралари азиз қадамжолар бўлиб саналган.

Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисми деҳқончилик билан машғул бўлган. XVIII-XIX аср I ярмида Бухоро амирлигида бошқа хонликлар сингари хўжаликнинг асосини суғорма ва ҳайдама деҳқончилик ташкил этган. Экинлар ичида дон экинлари олдинги ўринда турган. Суғорма ерларга буғдой, шоли, арпа ва сули экилган. Мол учун пояси озуқа ҳисобланган ва дони қамбағал аҳоли учун асосий овқатлардан бири бўлган жўхори, ёғ олишга мўлжалланган кунжут ҳам кўп ерларга экилган. Саноат экинларидан пахта ўз эҳтиёжи учун деярли ҳар бир хўжаликда етиштирилган. Асосий пахтачилик районлари эса - Бухоро, Шаҳрисабз ва Каттакўрғон бўлган. Шунингдек, тамаки ва бошқа турли экинлар ҳам етиштирилган. Амирлик аҳолиси ичида боғдорчилик, узум-мева, полиз экинларини етиштириш ҳам кенг тарқалган. Бухоро мевалари, узумлари, қуруқ мевалари ҳар вақт маълум ва машҳур бўлган. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида

ўзига хос меҳнат тақсимоти бўлган. Ўтроқ аҳоли улар учун керакли маҳсулотлар (нон, мева - сабзавот маҳсулотлари, ип-газлама моллари ва бошқалар) бериб, ўрнига чорвадор аҳолидан мол, қўй -қўзи, тери, жун, гўшт ва сут маҳсулотлари олганлар. Дехқончилик Ўрта Осиёнинг бошқа ерлари сингари сунъий суғоришга асосланган бўлган. XIX аср бошига келиб кўпгина суғориш иншоотлари қурилди ва қайта тикланди. Зарафшон воҳасида амир Шохмурод давридаёқ (1785-1800). Жўйи-саразм каналлари қурилди. Дарғом канали тўғони, Панжикент яқинидаги, Ургут, Окдарё, бўйларидаги каналлар қайта тикланди. Давлат каналлар ким томонидан қурилса, ёки қайта тикланса ундан суғориладиган атроф ерларни ўша шахслар ихтиёрига топшира бошлади. Суғориш иншоотларининг кенгайиши дехқончилик соҳасининг ривожланишига, XVIII аср охиридан бошлаб кўчманчиларнинг катта қисмини ўтроқлашувига сабаб бўлди. Манғитлар сулоласи шубҳасиз бу ҳолатдан манфаатдор эдилар ва бу соҳага кўпроқ эътибор бера бошлаган эдилар. Ерларнинг бўлиниши ҳам албатта, суғориш иншоотлари билан боғлиқ бўлган. Масалан, битта катта сув тармоғи канал (арик) орқали суғориладиган 100 000 таноб ер туман дейилган (1 таноб ер 600 кв. сажин ёки 2730 квм тенг) 50 000 танобли ер-ҳазора, унинг ярми-ним ҳазора дейилган. 10 000-15 000 танобли ер-"фалон дарё абхори" деб юритилган. 400 танобли ернинг ҳаммаси аҳоли билан банд бўлса у ҳолда у ер - қоря дейилган. 300 танобли ер эса одам яшаши, яшамаслигидан қатъий назар - мазрао деб ажратилган. Аҳоли яшайдиган пункт эса балад дейилган.

Таъкидлаш жоизки, ер ва ерга эгалик ҳусусидаги аниқ масалаларни ечишда нафақат мусулмон ҳуқуқий адабиётига, балки аксарият ҳолатларда ўрнатилинган қоида (таомили қадим), ҳақ-ҳуқуқ (одат)га мурожаат этишган. Ханафия мазҳабидаги суннийлар амирлигида таомил, одатларга мурожаат этмоқ қабул қилинган қоида тусини олган эди. Одатда Бухоро амирлигидаги ер эгалиги ва унинг тоифаларга бўлинишида юқорида қайд этилган ҳолатлар деярли ҳисобга олинмаган эди. Ерларни одатда асосан 3 ёки 4 қисмга: давлат (амлоқ), ҳирож ерлари (замини ҳирожий), мулк (хусусий ерлар), вакф (мулки вакф)га бўлиб кўрилар эди. Бухоро амирлигидаги ерларни М.А.Абдураимов асарида чуқур илмий-тадқиқот ишлари ва манбаларга таяниб қуйидаги тарзда гуруҳларга ажратилади.

1. Давлат ерлари (амлок, мамлака, аразий подшоҳий, мулки девон ва ҳоказо).

2. Хусусий ерлар (мулк, мулки ҳури-холис, ёрлик мулклари).

3. Имтиёзли солиқ (10/1 миқдорда) олинадиган - мулки ушр ва даҳяк ерлари.

4. Вакф ерлари.

5. Кўчманчи қабилалар ерлари - юртлар.

6. Шартли топшириладиган ерлар - дарбост (дарубост).

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, XIX асрга келиб амлок ерларининг ўзи кўп ҳолларда ҳар хил сабабларга кўра хусусий шахслар кўлига ўтиб бора бошлаган эди. Кўп ҳолатларда амир ернинг расмий даражадаги олий эгаси дебгина ҳисобланар эди. Амлок ерлари ижарага берилиб, ижарага берилган ерлардан ҳирожи солиғи ҳам олинар эди. Ҳури-холис ерларидан солиқ олинмаган. Шариат изн берган солиқлар (ҳирожи, ушр, даҳяк, закот)дан ташқари солиқлар амалда кўпайиб кетган эди. Бухоро амирлигида жами 50га яқин пул ва натурал ҳисобда турли солиқлар мавжуд бўлган.

Одатда ҳирожи солиғининг 2 тури шу даврда қўлланилган деб ҳисобланади. Булар ҳирожи муаззафа (ёки ҳирожи вазифа) ва ҳирожи муқасама эди. Ҳирожи вазифа ердан олинадиган солиқ бўлиб, бу ерга экин экиш, экмасликдан қатъий назар ушбу солиқ маҳсулот ва пул тарзида йилда 2 маротаба, баҳорда ва кузда олиниб, бир маротаба ва доимий тарзда белгиланар эди. Ҳирожи муқасама ердаги ҳосилдан олинадиган солиқ бўлиб, ерларнинг тури, вилоятларга қараб турлича тарзда белгиланар эди. Бу солиқ ҳам маҳсулот ва пул ҳисобида тўланар эди. (Одатда солиқ белгиланишида ноннинг бозор нархи ҳисобга олинар эди). XIX асрдаги ҳирожининг миқдори умумий ҳосилнинг 40% га қадар ўсиб кетган ва деҳқонларнинг аҳволини анча оғирлаштирган. Амирнинг амлоқдор фойдасига барча донли экинлар ва пахтадан натура ҳолила олинадиган- кафсан солиғи, боғ ва томорқадан олинадиган таноб пули, яйловлардан олинадиган алаф пули, моллардан олинадиган кўш пули (бу солиқ тури амир Насрулло даврида жорий этилган эди), 1/40 миқдорда олинадиган закот солиғи асосий солиқлар ҳисобланар эди. Ундан ташқари амир Шохмурод даврида жорий этилган уруш бошланган тақдирда олинадиган фавқулодда жўл солиғи, савдо молларидан

олинадиган бож, дарёдан, анҳорлардан ўтган савдо молларидан олинадиган сув пули, бозор ўрни учун пули тахтажой, ишчи молдан олинадиган яқсара (бир жуфт учун), нимсара (1 мол учун), сув тегирмони учун тўлана -диган солиқ, ҳашар ишларига қатнашмаганлардан солиқ пули, сомон пули, доруғайи (маҳаллий ҳоким учун тўланадиган солиқ), мушрифона, мадади лашкар, амин ва оқсоқоллар фойдасига олинадиган муштак солиғи ва бошқа солиқ турлари мавжуд бўлган эди.

XVIII аср сўнггида ёзилган "Мажма ал-аркам" асарида ҳисоб- китоб, солиқлар учун 2та махсус аварижа ва тавжиҳа қайд дафтарлари бўлганлиги таъкидланади. Шунингдек, бу асарда бошқа қайд дафтарлари (таҳвил, муқосала, муаззаф, заргархона, танобона, девони саркор дафтари, билғу ва бошқалар) ҳам бўлган дейилади. Барча маблағлар, ушбу манбанинг таъкидлашича, 4та хазинада жам бўлганлиги қайд этилади. Лекин, амир Шоҳмурод (1785—1800) даврида жорий этилган юқоридаги қатъий солиқ, хазина тизими кейинчалик бошқа манбаларда ўз аксини топмайди. Ҳар ҳолда унинг баъзи жиҳатлари кейинчалик ҳам сақланиб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Амир Музаффар (1860—1885) даврида уруш учун сарф-ҳаражатлар баҳонаси билан янги "аминона" деган солиқ жорий этилди. Бу солиқ бадавлат шаҳарликларнинг ва савдо молларининг 1,5% қиймати ҳисобида тўланар эди. Кейинчалик эса бу солиқ доимийга айланиб қолди. Ундан ташқари ҳар вақт ариқ ва каналларни барпо этиш, тозалаш ишлари, йўллар, кўприклар қуриш, ободончилик ва бошқа жамоат ишлари ҳашар тарзида аҳолининг текинга ишлаши оқибатидагина бажарилар эди.

Оғир солиқлар, ўзаро ички низолар ва ташқи урушлар, табиий офатлар, аҳолининг бошига кўплаб қийинчиликларни солар ва кўплаб ғалаён, исёнларни ҳам келтириб чиқарар эди. XIX асрда энг йирик ғалаёнларга мисол учун 1810 йилдаги Бухородаги қўзғолонни, 1821-1825 йилларда хитой-қипчоқларнинг Миёнқолдаги исёнини кўрсатиш мумкин.

Амирликда аҳолининг табиий ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи юқори даражада бўлиб, унинг доимий етишмовчилиги бўлар эди. Айниқса, сув етишмаслигидан Бухоро шаҳри аҳолиси анча қийналар, ойда 2 маротаба тўлдириладиган ҳовузлар аҳолининг эҳтиёжини қондира олмас эди. Туриб қолган ҳовуз

сувининг истеъмоли эса кўп ҳолла юқумли касалликларнинг, айниқса ришта касаллигининг тарқалишига сабаб бўлар эди. Бухоро шаҳри ён-атрофидаги ботқоқликларидан безгак касали келиб чиқар, аҳолининг кўпчилиги бу юқумли касаллик билан оғриб турар эди.

Бухоро шаҳри ва ён атрофидаги зиёратгоҳлар ҳаминша зиёратчиларни ўзига жалб этар эди. Бухорода ҳунармандчилик саноати айниқса ривожланган бўлиб, қозоқ чўлларида кўчманчи чорвадор аҳоли билан савдо алоқалари, Россия ва ён атрофидаги мамлакатлар билан савдо муносабатлари айниқса унинг ривожини учун катта туртки бўлган бўлди. Ҳунармандчиликнинг кўпроқ ип газлама соҳаси ривожланган эди. Кўпчилик ип йигириш, тўқиш, матоларни бўйлаб, газлама ишлаб чиқариш соҳасида банд эди. Ранг-баранг Бухоро матолари Волга бўйи ва Сибирь ўлкаларида ҳам маълум ва машҳур эди. Шойи матолар ишлаб чиқариш ҳам ривожланган эди. Пилла қурти амирликнинг деярли кўпчилик ерларида етиштирилган эди. Соф шойи ва ярим шойи матолар атлас, адрас, парча, беқасам, шоҳи матолар Бухоронинг энг машҳур матолари ҳисобланар эди. Шунингдек, жун мато тўқиш соҳаси, қорақул етиштириб, ундан маҳсулот тикиш, тери ошлаш, мўйна моллари соҳаси ҳам анча ривожланган эди. Бухорода оддий тўқув дастгоҳлари кенг тарқалган эди. Бухоро амирлигидаги заргарлик билан асосан ҳиндлар ва қисман маҳаллий лўлилар шуғулланишса, қимматбаҳо тошларга ишлов бериш билан кўпроқ маҳаллий ҳунармандлар машғул эдилар. Бухоронинг машҳур ганч, ёғоч, ўймакорлиги, наққошлик, дурадгорчилик, кулолчилик соҳаларида ҳам асосан маҳаллий ҳунармандлар банд эдилар. Бутун Ўрта Осиёда эса Самарқанд ва Бухорода ишлаб чиқарилган қоғоз машҳур бўлган. Зардўзлик, гиламдўзлик ҳам бошқа хонликларга нисбатан анча тараққий этган соҳа ҳисобланар эди. Шу билан бирга ҳунармандларнинг меҳнати оғир, қарийб ҳамма ишлар қўл меҳнатига асосланган эди. Уларнинг даромади паст, кўпчилик қашшоқ ҳолда кун кечирар эди.

XVIII аср охиридан бошлаб, ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдо иқтисодий муносабатларнинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Ички савдо ривожланди. Ички савдода кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, ип, газлама моллари, қорақул, пахта асосий ўрин эгаллар эди. Амирлик пойтахтидан ташқари

Самарқанд ва Қарши ҳам ички савдонинг йирик марказлари эди. Январь ойидан май ойига қадар савдо энг қизғин бўлган палла эди. Таъкидлаш жоизки, жанубдан келадиган кўпчилик савдогарлар Бухоро тилла тангаларини кўп ҳолда сотиб олиб, амирликдан бошқа маҳсулот олишга интилишмас, сотиб олинган қиймати юқори тилла тангаларни ўз юртларида сотиб, ундан катта фойда кўрар эдилар. П.Демезоннинг ёзишича, амир Насруллога бу ҳолат тўғрисида хабар бериб, тангаларни четга чиқиб кетмасликка йўл қўймасликни таклиф қилдилар. Бу таклифни амир рад этган эди.

XIX асрда Бухоро амирлигидаги молиявий аҳвол ва пул муомаласи борасидаги ҳукуматнинг сиёсати тўлақонли бўлмай ҳунармандчилик ва савдо учун ноқулай ҳисобланар эди. Амирликда олтин, кумуш ва мис чака пуллар муомалада бўлиб, улар фақатгина сарой яқинидаги зарбхонада зарб этилар эди.. Маълумотларга кўра 1 Бухоро олтин тангаси -6 рус рубли, 1 кумуш Бухоро тангаси - 34 рус копейкаси, 1 Бухоро мис чақаси - 1,5 рус копейкасига тенг бўлган. Тилла танга 22 кумуш тангадан, 1 кумуш танга 50 кумуш пулдан (чақа) иборат бўлган. Юқорида таъкидланганидек амирликнинг қиймати юқори пуллари, жумладан тилла тангалари хорижий савдо аҳли томонидан юқори даражада кадрланган. Пул билан боғлиқ масалалар, савдо операциялари учун пул бериш, судхўрлик, фоиз ва қарз бериш ишлари билан асосан ҳиндлар машғул бўлганлар.

Бухоро амирлигидаги алоҳида ижтимоий гуруҳни - қуллар ташкил этган. 1836 йили шахсан Бухорода бўлган прапорщик И.Виткевич амирликда рус қуллари жами 75тага яқин, уларнинг 25 тачаси пойтахтда бўлган деб хабар беради. Шунингдек эроний, қалмиқ қуллари ҳам кўп бўлган. Асосий қулчилик бозорлари эса Бухоро, Самарқанд, Қорақул, Қарши ва Чоржуйда бўлган. XIX аср 60-йилларида Бухородаги қулларнинг нархи қуйидагича бўлган: 10- 15 ёшли ўғил болалар - 35 тиллогача, 16-25 ёшдаги ўспирин йигитлар – 45-50 тилло атрофида, 26-40 ёшдаги эркаклар нархи- 80 тиллогача борган. Қуллик домига тушган 10-15 ёшли қизларнинг нархи - 70 тиллогача, 16-25 ёшдаги аёллар - 50- 60 тилло атрофида, 26-40 ёшдаги аёллар нархи- 40 тиллога қадар бўлган. Қуллар турли меҳнат ишларида, уй юмушлари, дала ишлари, қурилиш, ободончилик ишларида фойдаланилар эди.

Россия империяси босқини арафасида Бухоро амирлигидаги ижтимоий- сиёсий ҳаёт борасида яна икки муҳим масала бевосита катта ўрин тутди. Бу амирликдаги давлат бошқаруви, унинг сиёсий тизими ҳамда ҳарбий қўшин масаласидир. XVIII аср сўнггида, 1798 йилда ёзилган Мирзо Бади девоннинг "Мажма ал—арқам" асарида берилган иловани ҳисобга олмаганда, шу вақтга оид махсус манбалар ҳали топилгани йўқ. Бу ҳол ўз вақтида ушбу масала юзасидан тегишли ҳулоса чиқаришни мушкул аҳволга солиб қўяди. Қолган манбаларнинг аксариятида давлат бошқаруви, амалу-унвонлар, лавозимлар хусусида умумий жиҳатдан сўз юритилинади. Ундан ташқари "Мажма ал-арқам" асарида қайд этилган ҳолатлар, асосан XVIII аср охиридаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда қайд этилган бўлиб, XIX аср давомида кўп ҳолда ўзгармаган ҳам дейиш мумкин.

Ўрта аср мусулмон шарқи бошқарув тизимиغا хос бўлган даргоҳ (қонун чиқарувчи) ва девонлар (ижроия этувчи) тизими Аштархонийлар давридаёқ емирилиб бўлган эди.

Марказий бошқарув тизими XIX асрга келиб асосан тўлиқ даргоҳда ўз аксини топди. Ижроия вазифалари эса тўғридан-тўғри саройдаги у ёки бу лавозимда ёки бирон-бир йирик арбоб фаолиятида мужассамлаша борган. Бухоро давлатидаги буткул ҳокимият мутлақо амир қўлида мужассам эди. Амир унвонини ўзига қабул этилган манғит ҳукмдорлари - шу унвон билан ўзларини мусулмон ерларининг бир бўлагини тақдир тақозоси билан қўлга олганликлари ва ислом мамлакатларининг бир қисми эканликларини намоён этишлари билдирилган эди. Амирнинг ҳуқуқи ҳеч бир нарса билан чекланмаган, "Оллоҳнинг хоҳиши билангина у давлатни бошқарар эди", деб ҳисобланар эди.

Амир давлат ва мулкнинг бош эгаси, амир хазинаси билан давлат хазинаси эса бир деб ҳисобланган. Бу хазинани амир ўз ихтиёрича ишлатиши мумкин бўлган. А.Семенов ҳақли тарзда Бухородаги ҳукмдор синфларни 2 қисмга бўлган: амалдорлар (дунёвий даражадаги зодагонлар, ҳарбий бошлиқлар, уруғ раҳбарлари ва бошқалар) ҳамда уламолар (диний даражадаги арбоблар — шайхулислом, қози-қалон, мухтасиб, раис, аълам ва бошқалар).

XIX асрда Бухоро амирлигидаги марказий маъмурий бошқарув девонида қўшбеги лавозимидаги шахс амирдан сўнг

биринчи ўринда турган. Лекин, XVI-XVII асрларда аввало оталиқ ва нақиб лавозимини шахс бошқарувда асосий ўринни эгаллаган эди. Оталиқ (туркийча - ота ўрнини босувчи) ҳукмдорнинг энг яқин кишиси бўлиб, асосан унга шахзодаларни таълим-тарбия билан вояга етказиш, уларни ҳимоя қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва бошқа вазифалар топширилган. Оталиққа шунингдек Самарқанддан Қорақулгача бўлган ерлардаги сув тақсимооти ҳукми, пойтахт Бухоронинг кечки ички муҳофазаси маъсулияти юклатилинган эди.

Нақиб (арабча — йўлбошчи, жамоа бошлиғи) лавозимини фақат келиб чиқиши пайғамбар авлоди - сайидлардан бўлган шахсина эгаллаши мумкин бўлган. Лавозим меросий бўлиб, унинг ҳурмат-эътибори юксак даражада бўлган. Нақиб орқали амир сайидлар жамоаси билан алоқа боғлаб турган. Нақиб гарчи диний даражадаги шахс ҳисобланса-да, XVIII аср сўнгги - XIX аср бошида унга ҳарбий юриш вақтидаги қўшиннинг тузилиши, қурол-яроғ билан таъминланиши, унинг ҳаракатланиши доираси, ҳарбий ҳаракат вақтидаги масъул ҳарбий лавозимларга шахсларни тўғри тақсимлаш вазифалари топширилган.

Қушбеги (туркийча- ов қушлари, ов-шикор вазифалари, хон ов маросими бошлиғи). Уни қушчи-боши, мири-шикор ва бошқа номлар билан ҳам аташган. Ундан ташқари алоҳида олинган қушбеги унвонидаги лавозимлар - қушбеғийи қулли мамалики маҳруса (бутун мамлакат қушбеғиси), қушбеғийи баҳри аз мамалики маҳруса (маълум қисм қушбеғиси), қушбеғийи хоси (хон қушбеғиси) лавозимлари ҳам мавжуд бўлган. XVII асрда ва XVIII аср илк бошида ҳам қушбеги лавозими оталиқ ва нақибдан паст даражада бўлганлиги шубҳасиздир. "Мажма ал—аркам" асарида эса қушбеги кукалдош лавозимидан сўнг қайд этилади.

Қўшбеги (қўш - туркийча, яъни қароргоҳ (ҳарбий қароргоҳ маъносида) хон қароргоҳи ва ундаги қўшин бошлиғи бўлиб, Аштархонийлардан Убайдуллахон (1702-1711) ва айниқса заиф ҳукмдор Абдулфайзхонлар (1711-1747) даврида давлатдаги "иккинчи шахс" даражасига эриша бошлаган. 1709 йили 18 апрелда Аштархонийлардан бўлмиш Убайдуллахон ўзининг шаҳардан ташқаридаги Хонобод боғида янги олий қўшбеги-қушбеғийи- қулли лавозимини жорий этиб, ушбу лавозимни иноқ Тўрақулбийга (собиқ қуллардан бўлган шахс) тақдим этади.

Абулфайзхон давридаги Жавшан қалмиқ (унга ҳам қушбегийи-қулли лавозими берилган эди) ўз қулида жуда кўплаб ваколатларни жам этиб, ундан ташқари Бухоро, Самарқанд, Кеш, Ҳисор, Термиз ва Тошкент вилоятларининг ҳокими ҳам ҳисобланар эди.

Кейинчалик қўшбегилар ўз фаолиятлари давомида ҳукмдорлар ҳуқуқларини ҳам чеклай бошлаб, турли фитна ва "қора" ишларда фаол иштирок эта бошладилар. Масалан, мағитларнинг иккинчи ҳукмдори Дониёлбий оталиқ (1758-1785) даврида асли эроний қуллардан чиққан Давлат қўшбеги буткул ҳокимиятни ўз қўлида жамлаб олиб, ҳатто молиявий ишларни ҳам ўз назоратига олди.

Қўшбеги ва қўшбеги лавозимлари кейинчалик ҳам алоҳида-алоҳида тарзда мавжуд бўлганлиги тарихдан маълумдир. Қўшбеги ва қўшбеги лавозимлари XVII асрда ҳам мавжуд бўлган. Амир Шохмурод (1785-1800) ва амир Насрулло (1826-1860)лар даврида қўшбегининг ҳуқуқлари чекланиб, амир ҳокимиятининг таъсири ва роли ошиб борди. Амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлиги даврида эса қушбеги лавозимида бўлган Ўткирбийнинг ҳокимияти яна кучая борди. Бу вақтга келиб яна буткул ҳокимият қўшбегининг қўлида жам бўла бошлади.

Амир Насрулло давридаги қўшбеги Абдулазизбий ҳукмдорга садоқатли, лаёқатли шахс бўлган деган фикр тарихий манбаларда таъкидланган.



**Бухоро амири Музаффархон
(1860-1885 йй.)**

Амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлиги даврида қўшбеги лавозими Муҳаммадшобийга (1860-1882) тақдим этилади.

XIX аср давомида ва XX аср бошида дарҳақиқат қўшбеги қўлида барча ҳукм чиқарувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият мужассам бўлган.

Қўшбеги амир йўқ вақтида пойтахтда унинг ўринбосари ҳисобланар, барча уруш ва сулҳ, молиявий аҳвол, хазина ҳаражатлари ва даромадлари, дунёвий амалдорларни тайин этиш ва бўшатиш, танҳо ва унвонлар бериш, сарой хавфсизлиги ва бошқа масалалар ҳам унга боғлиқ эди. Унга кечки пайт Бухоронинг 11 та дарвозаси калити келиб топширилар, унинг ўзи

Бухоро вилояти (9 та туман) ҳокими ҳисобланар эди. Шунингдек барча вилоятлар, бекликлар ҳам унга бўйсунган. Унинг девонхонасидан барча фармон ва қарорлар чиқар, у ҳар куни амирга оғзаки ёки ёзма тарзда ҳисобот берар эди. Давлат муҳри ҳам унда сақланиб, хазина муҳофазаси ҳам унга топширилган эди.

XIX аср 2-ярмидан бошлаб қўшбеги лавозимида шахслар ҳеч ҳам амирнинг рухсатисиз бирон бир ишга қўл урмас, энг кичик масалаларда ҳам унга бевосита мурожаат этишар, ҳақиқатда амирнинг садоқатли хизматкори сифатида тура бошлашган. Фақатгина давлат турли маҳкама ва вазирликларга бўлинмаганлигидан қўшбегига кўплаб давлат функциялари топширилиб қўйилган эди. Империя босқинига қадар қўшбегининг фаолияти кўпроқ ҳарбий ишларга бош бўлиш ҳисобланар эди. Лашкарбоши ва тўпчибошилар қўшбегининг энг яқин ёрдамчилари ҳисобланган. Агарда амир ҳам, қўшбеги ҳам пойтахтда бўлмай қолса тўпчибоши ўринбосар сифатида арқда қолган.

Кейинги лавозим- девонбеги бўлган. Девонбеги (форсча- ҳукумат девонхонаси бошлиғи) ўрта асрларда аввал солиқ йиғувчи маҳкама бошлиғи ҳисобланган. Унинг ваколати тўлиқ солиқ ҳисоботи ҳамда унинг Қоракўлдаги сув тақсимооти назорати ҳам топширилган. Мирзо Бади-девон унга "буюк девонбеги" деб таъриф беради. Гоҳида олий (буюк) девонбегини вазир (молия вазири) деб ҳам аташган.

XIX аср 2-ярмидан унинг идорасида 100 тача амалдор машғул бўлганлиги маълум. У асосан молия ишлари билан машғул бўлиб, амирликдаги барча закот йиғувчиларнинг ҳам бошлиғи ҳисобланар эди. Шунингдек у барча вилоятлардаги девонбегиларнинг ҳам бошлиғи эди. Олий қўшбеги йўқлиги вақтида, қуйи-қўшбеги, яъни девонбеги унинг ваколатларини ўз зиммасига олар, ҳукмдор йўқлиги вақтида кўп холда қўшбегийи- боло билан биргаликда ҳокимиятни бошқарар эди.

Парвоначи (форсча — хон буйругини етказувчи (приказчик) лавозими одатда девонбегидан сўнг турган бўлса-да (XVIII аср сўнгги - XIX аср бошлари), кейинчалик у фахрий мансаблардан бирига айланиб қолади. Парвоначининг асосий вазифаси амир чиқарган фармон ва ёрликларини, мансабдор, зодагон ва бошқаларга яъни, эгаларига топшириши эди. У ёки бу мансабга

эришганлар, парвоначидан ёрлик ва сарполар олгач, ўз саллаларида ушбу ёрликни намоёишкорона 3 кунга қадар тиқиб юрганлар.

Додхоҳ (форсча - талаб этувчи, адолат қидирувчи, даъвогар) амали XVII-XVIII асрлардаги муҳим лавозимлардан бири бўлиб, амир ҳузурига шикоят, арзлар билан келувчиларни қабул этар, уларни оғзаки ёки ёзма тарзда ҳукмдорга тақдим этар, шикоятчиларга гоҳида амир номидан жавоб берар эди. Додхоҳ амали кейинчалик ўз аҳамиятини анча йўқотиб, мингбошиларга бериладиган унвон даражасига тушиб қолган. Додхоҳ ҳарбий шахс сифатида саройда ўз ўрнини сақлаб қолган.

Кўкалдош (туркийча- эмикдоши) мамлакат миқёсидаги хавфсизлик хизматининг бошлиғи бўлиб, бу лавозимга ўта ишончли киши тайин этилган.

Иноқ (туркийча-ишончли вакил, садоқатли, дўстона одам) мансаби иккига катта ва кичик иноқларга бўлинган. Катта иноқ (иноқи калон) ҳукмдор иши, амру-фармонларини ва буйруқларини тегишли киши ва маҳкамаларга етказувчи, амир қабулига муяссар бўлганларни унинг ҳузурига киритувчи мансабдор шахс бўлса, кичик иноқ (иноқи хурд) амир қутисига масъул, унинг номига келган хат ва номаларни олиб, уни ҳукмдор рухсати билан овоз чиқариб ўқиш учун муншийга топширувчи шахс бўлган.

XIX аср 2-ярмига келиб муҳим мансаблардан бири тўпчибошийи-лашкар бўлиб қолди. У олий ҳарбий унвонлардан бири ҳисобланиб, XVII-XVIII асрлардан бошлаб унинг аҳамияти ўсиб борди. XVIII аср сўнггида у ишончли вакил сифатида "баъзида ҳукмдор суҳбатида ўтириш шарафига муяссар бўлади", дейилади. Тўпчибошийи-лашкар Бухоро шаҳри гарнизонининг, хонликдаги артиллериянинг ҳамда ҳарбий қисмлардаги кўшин бошлиқларининг раҳбари ҳам эди. Уни кўп ҳолла ҳарбий вазир (вазири -харб) деб аташар эди. Тўпчибошийи арки-олий-қалъа артиллериясининг бошлиғи пойтахт қалъасининг коменданнти ҳисобланган.

Шунингдек, амирликда ундан ташқари, бош ҳожа (ҳарам ходимлари бошлиғи), меҳтар (закот ва бошқа ишларга масъул), юртчи (ободончилик ва кўчалар орасталлигига масъул), эшик оғабоши, мирохур (ҳукмдор отхонаси бошлиғи), шиғовул (чет эллик меҳмон, элчилар қабулини уюштирувчи), мирзабоши, хазиначи,

кўрчибоши, чухра оғабоши (хон шахсий соқчилари бошлиғи), жарчи, тавочи (ҳарбий хабардор), баковулбоши, қоровулбеги, дастурхончи, жевачи (ҳарбий қурол-аслаха омбори бошлиғи), тўқсоба (ўз байроғига эга бўлган ҳарбий бўлинма бошлиғи) баҳодир ва бошқа унвону-мансаблар, лавозимлар ҳам бўлган. "Мажма ал-арқам" асарида жами 30 тадан зиёд унвон, лавозимлар номи санаб келтирилади. Лекин, XIX аср 2-ярмига келиб юқорида таъкидланганидек, уларнинг кўпчилиги ўз аҳамиятини йўқотади, расмий даражадаги лавозимларга ёки фахрий унвонларга айланиб боради. Диний уламолар, рухонийлар амирликда алоҳида тоифа бўлиб, амир хузурида тўн устидан белбоғ тақмайдиган ягона шахслар ҳисобланар эдилар.

Диний уламолар ичида энг катта ва обрўли шахс-шайхулислом ҳисобланар эди. Шайхулислом (арабча — мусулмон, ислом жамоасининг бошлиғи) маросим, тантана ва қабулларда амирнинг ўнг тарафида биринчи бўлиб ўтирар, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнар эди. Шайхулислом лавозимига келиб чиқиши сайидлардан бўлган, тафсир, фикҳ, ҳадис ва бошқа диний илмларни мукаммал биладиган киши тайин этилган. Амирликда Хожа Аҳрор валий авлодидан бўлган шахслар асосан шайхулислом лавозимига ўтирар ва XVIII аср охиригача қадар бу ҳолат давом этган. Шайхулисломдан кейинги даража - қозикалон лавозими ҳисобланган. Қозикалон (арабча-форсча-қози ул-қурот, олий қози) - амирликнинг олий судьяси (ҳаками) - умумий суд, ижтимоий адолат билан боғлиқ масалалар, мусулмонлар, биринчи навбатда мискинларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, мадрасалардаги вақф ишлари, карвонсаройлардаги тартиб ва бошқалар унинг ваколатига кирган. Унга ҳарбий ишлар қозиси-қози аскар ҳам бўйсунган. XIX аср 2-ярмидан қозикалон лавозими амалда энг катта диний лавозимга айланиб бориб, шайхулислом даражаси эса расмий унвонга айланиб қолди.

Муфтий (диний унвонлардан бири, асосан ривоят ва фатволар билан таъминловчи)лар ичида аълам (арабча - энг ўқимишли, энг кўп билувчи) лавозими алоҳида аҳамиятга эга бўлиб муфтийларнинг бошлиғи, у ёки бу масала юзасидан чиқарилган фатво аълам муҳридан сўнггина кучга кирар эди. Аъламлик лавозимига диний ва дунёвий билимларни пухта билган мударрислар асосан тайин этилар эдилар. Аълами-муфтий

қозикалоннинг маслахатчиси ҳисобланар эди. Бухорода одатда қозикалон ҳузурида 14 та муфтий фаолият кўрсатган.

Раис (мухтасиб, арабча- бошлиқ) -лавозимига ҳам асосан сайидлардан бўлган шахслар тайин этилар эди. Раислар ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқларда ҳам мавжуд эдилар. Уларнинг ваколатларига: шариат, ахлоқ-одоб қоидаларига аҳолининг, лавозимдаги шахсларнинг қатъий амал қилишини, бозор, савдосотиқ ишларида ҳалоллик, тўғрилиққа эътибор қилиш, тарозидан уриб қолиш, тоат-ибодатларни вақтида адо этиш, ташқи кийимни назорат этиш, мактаблар ишини олиб бориш вазифалари кирар эди. Бош раис-эшон раис ёки раис- ум-шариат деб номланган. Раис пойтахт Бухорода эрталаб ва кечки пайт одатда назорат билан юрган. Унинг жойда жазолаши 39 даррадан ошмаслиги қоида ҳам қилиб қўйилган эди.

Вақф ишларига масъул эса садр лавозимидаги шахс бўлган. Ҳар бир лавозимдаги кишининг ўринбосари (ноиб) ва ўз маҳкамаси бўлган. Диний даражадаги шахслар, руҳонийларнинг таъсири амирликда катта бўлган.

Ўз вақтида Самарқанд ва Бухоро вилоятлари туманликларга бўлинган. Туман раҳбари- доруға деб юритилган. Бекнинг ўз ноиби (ўринбосари) бўлган. Узоқроқ ерлардаги ишлар назорати одатда унга топширилган. Бекни, албатта, амир ўз фармони билан тайин этар эди. Одатда беклар қўпол хато, фитнага аралашмасалар, умрларининг охиригача фаолият кўрсатаверганлар. Беклик одатда бир неча амлоқдорликларга бўлинган. Бекларнинг ўз маҳкамалари мавжуд бўлиб, у ва унинг кул остидаги амалдорлари давлат хазинасидан маош олмас эдилар. Одатда, улар маҳаллий аҳолидан олинадиган турли солиқ ва тўловлар эвазига кун кечирар эдилар. Бек солиқларни бир меъёردа, тўлиқ йиғиб олинишига, амир ҳузурида ўзи масъул ва жавобгар эди. Бек ҳузурида маҳалла бошлиғи - шогирдпеша ва диний уламолар бўйича масъул-мулозимлар хизмати ҳам мавжуд эди. Бекликдаги раис лавозимидаги шахс одатда бош раисга бўйсунган. Миршаблар ҳам одатда раис хизматида бўлганлар. Бекнинг кичик отряди- навкарлари одатда 10-12 киши атрофида бўлиб, уларнинг бошлиғи ясовулбоши ҳисобланар эди. Одатда бек қароргоҳи ёнида зиндон ва кичик қамоқхона ҳам мавжуд бўлган. Уруғларнинг бошлиқлари эса бий (бек) ёки элбоши деб юритилган. Уруғ-қабилла мулкини тақсимловчилар ҳам одатда

бойлар бўлган. Уларнинг таъсири ва бошлиғи ўз уруғлари ичида баланд бўлиб, марказий ҳокимият заифлашиши пайтида айниқса улар мустақил ҳаракат қилишар эди.

Юқорида қайд этилганидек, Бухоро амирлигидаги яна бир эътиборга молик муҳим масала - бу ҳарбий кўшин масаласидир.

Кўшин одатда 2 қисм: амир ҳузуридаги отлик гвардия-навкарлар ва уруш бошлангудек бўлса халқдан йиғиладиган ёлланма кўшиндан иборат бўлган (қорачерик, қорақозон, қилқўйрук). Қорачерик — оддий халқдан тўпланган ёлланма пиёда кўшин, унинг устига ўз меҳнат қуролилари, баъзан камон-ўқ, найза билан қуролланган бўлар эдилар. Навкарлар эса отли бўлиб, уларнинг қурол-яроғлари қорачерикдан кескин фарқ қилар, моддий таъминотлари ҳам амир томонидан кафолатланар эди. Баъзи маълумотларга кўра XIX аср бошидаги навкарларнинг сони 3600 тача бўлган.

Амир Насрулло (1826 — 1860) ҳукмронлиги даврида мунтазам кўшин юзага келган. 1834 йили Бухорода бўлган П.Демезон амирликда 19.000 ёлланма аскар мавжуд бўлган деб, ёлланма аскар берувчи ҳудудларни санаб ўтади. Жумладан, Бухоро вилояти -12.000, Самарқанд - 2500, Қарши - 2500, Маймана - 1000, Қоракўл - 1000та аскар бериши лозим бўлган. Бу ҳарбий кучлар чегара кўрғонлари ва асосий шаҳарларда жойлаштирилган. Ундан ташқари туркманлар кўшимча равишда 18.000 ўз ҳисобларидан ҳарбий аскарлар тайёрлаб туришлари керак бўлган. П.Демезон Насруллонинг 1833 йили Шаҳрисабзга юришини таъкидлаб, амир фақатгина 5.000 киши йиға олганлиги ва шунча туркманлардан аскар олинганлигига тўхталиб, озиқ-овқат тақчиллиги сабаб бу юриш уч ҳафтада тугаганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Оддий аскарлар йилига тахминан 150 рус рубли (тахминан 187,5 Бухоро тангасига тенг) ҳисобида маош олган. Унинг бир қисми пул, бир қисми маҳсулот ҳолатида берилган. Пилта милтиққа эга бўлганлар тўфангчи ва ботирлар деб юритилган. П.Демезоннинг маълумотиغا кўра пойтахтда 8-10 та замбарак мавжуд бўлган. Йилда бир маротаба амир кўшиннинг умумий кўригини ўтказган. Кўрик вақтида ҳамма ҳарбийлар мукофотланган, оддий аскарларга эса 10 тангадан мукофот берилган.

Маълумотларга кўра, доимий кўшин-сарбозлар 1837 йили рус асирлари ва форс қуллари иштирокида ташкил этилган.

Аввал бошида сарбозлар батальони 800 кишидан иборат бўлиб, қўшимча 250 чоғли кишилардан тўпчилар гуруҳи-артиллерия ташкил этилди. Сарбоз ва тўпчилар мовутдан қизил, қора, сарик рангдаги формалар, эчки юнғидан қилинган шалвар ва чарм пойафзал, бош кийим билан таъминланадиган бўлдилар. Сарбозлар батальони- Ўрта Осиёдаги I-доимий кўшин эди. Улар жойлашган казарма Бухоронинг Ўғлон ва Талпоч дарвозалари оралиғида эди. Ҳар бир сарбозга амир томонидан уй-жой қуриб берилиб, тез орада "Сарбозхона" деган янги мавзе ташкил топди. Сарбозлар сонининг ўсиши билан ҳар бир батальон 700 кишидан иборат бўлиб, улар ўз навбатида 7 та рота (даста)га бўлинар эдилар. Ҳар бир рота 2 қисмга ажралган (ним даста), улар эса 4 та взвод (расад) ва 8 та ярим взвод (бара)лардан иборат бўлган. Одатда ротага-юзбоши, унинг ёрдамчиси қоровулбеги, взводларга-панжагбоши бош бўлиб, унинг ёрдамчиси панжагбоши ҳур бўлган.

1856 йилдан бошлаб эса сарбоз ва тўпчиларга 3 ойда бир маротаба тўланадиган ойлик маош миқдори: оддий сарбозга - 1 тиллодан бир ойига, даҳбошларга - 1,5 тиллодан пул берилган. 2 та туман даромади бевосита сарбозлар эҳтиёжига кетган. Бу даромадларни сарбозлар бошлиғи тақсимлаган. Зобитлар ойлиги қуйидагича бўлган:

Ойига: юзбоши - 6 тилло (24 с. кумуш пул)

Қоровулбеги-4 тилло (18 с. кумуш пул)

Панжагбоши -85 танга (17 с. кумуш пул)

Панжагбоши ҳур - 50 танга (10 с. кумуш пул)

Бош лашқарбоши йилига 2000 тилло танга ойлик даромад олган. Унга Бўстон қишлоғи ва Қалъаи-сиёҳ қишлоғида жойлашган 20 та тегирмон фойдаси ҳам келиб тушган.

Жами амир ихтиёрида шу вақтда 50 та замбарак бўлган. Қурол-яроғ тайёрлаш учун кўрғошин эса асосан Ғузордан олинган. Қуролларнинг аксарият кўпчилиги Самарқандда ишланган, Қаршида эса кўплаб хусусий қурол-аслаҳа омборлари мавжуд бўлган. Юришлар вақтида сарбоз, тўпчи ва зобитларга алоҳида озиқ-овқат пули ҳам берилган. Махсус артиллерия парки мавжуд бўлиб - у корхона номи билан юритилган. Сарбозлар одатда санчиқли, пилта милтиқлар билан, тўпчилар-тўппонча ва рус кавалерия қиличлари билан қуролланганлар. Шунингдек, зобитларда санчиқсиз қуроллар, юзбошиларда икки ўқли

милтиқлар, тўппонча, кумуш ҳалли бухороча қиличлар ҳам мавжуд бўлган эди. Сарбозларнинг асосий фаолияти тўпчиларни ҳимоя қилиш, жангга олдинги сафларда кириш билан характерланар эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик юришларда сарбозларнинг маълум қисми кирилиб кетар эди. Масалан, 1842 йилги Қўқон, 1855 йилги Шаҳрисабз юришларида сарбозларнинг деярли ярми кирилиб кетади.

Армияда тартиб-интизом анча заиф бўлган. Қўшин, жумладан сарбозлар ҳам юришларда ўзларининг эътиборларини талончилик, бойишга қаратганлар. Мисол учун, 1842 йилги амирнинг Қўқон юриши вақтида Абдусамадхон бошчилигидаги сарбозлар Қўқон хони Муҳаммад Али саройини шафқатсиз тарзда талон-тарож қилдилар.

XIX аср I-ярмида амирликда уруш пайтида сунъий тарзда барпо этилган, душман кириб келишига қарши окоплар, сув тўлдирилган хандақлар ҳам барпо этила бошлаган. Масалан, Шаҳрисабз беги Хўжакул 1845 йили амирнинг Шаҳрисабзга юришида Шаҳрисабз, Ўртақўрғон, Шаматон, Китоб атрофлари бўйлаб шундай хандақларни барпо этган. Шу вақтда шаҳарларда мустаҳкам мудофаа истехкомларини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Айниқса Ўратепа мудофаа истехкомлари анча машҳур бўлган.

Амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлигининг бошланиши қўшин таркиби, унинг сифат даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Насрулло даврида барпо этилган озми-кўпми қўшин янада кўпроқ заифлашиб, ўткинчи лашкарбошилар (Шохрух, Усмонбек) қўлига тушиб қолади. Гарчи ўзига хос ривожланиш тарзи давом этаётган бўлса-да, ўзаро ички низолар, сиёсий парокандалик, бидъат-хурофот ҳукмининг ўсиши, замонавий тараққиётнинг инкор этилиши, жаҳон цивилизациясидан узоқлашиш, ҳукмдорларнинг эса шу йўл сиёсати томон юз тутишлари, мамлакат, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўя билмасликлари туфайли ҳам Бухоро амирлиги бошқа ўзбек хонликлари сингари Россия империяси мустамлакаси домига тушиб қолди.

6. Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Абдулмалик тўра (Катта тўра) бошчилигидаги озодлик ҳаракати.

Тошкент истилосидан сўнг тез орада Бухоро-Россия ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. 1865 йил августида Бухоро амир Нажмиддинхўжа бошчилигидаги ўз элчиларини Санкт-Петербургга юборади. Уни йўлда ушлаб қолинганлигини билгач, амир яширин равишда Мулла Фахриддинни ҳам пойтахтга элчи қилиб жўнатади. Лекин, бу элчилик гуруҳлари жойларга етиб боролмадилар. Дипломатик амалдор Струве 1865 йил октябрда Бухорога Черняев номидан элчи қилиб жўнатилди. Амир билан Черняев ўртасидаги ёзишмаларда Тошкентни империя кўшини бўшатишини ва асл мақсадларини баён қилишни талаб қилади.

1865 йил сентябр ойининг бошларида рус кўшинлари Пистолькорс бошчилигидаги 4 та рота пиёда, 100 та казак ва 4 та енгил замбараклар билан Чирчиқ дарёсидан ўтиб, муҳим аҳоли пунктлари бўлмиш Пискент ва Тўйтепа ҳамда унинг атрофидаги ерларни эгаллайди. Чирчиқ орти ерларидаги янги тайинланган амир ноиб Рустамбек эса тўқнашувдан сўнг чекинишга мажбур бўлди.

1865 йил сентябрда Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановский шаҳарни “мустақил мулк” деб эълон қилади ва бу билан на Қўқон хонлиги ва на Бухоро амирлигига Тошкентга тегишли даввоси бўлиши мумкин эмаслигини намойиш этмоқчи бўлади.

Черняев Тошкент олинганидан сўнг 9 кун ўтгач, ўлкасидаги барча бухоролик савдогарларни ҳибсга олган эди. Июль ойида эса Черняевнинг талабига кўра Н.Крижановский Оренбург ва бошқа шаҳарларда бухоролик савдогарларни ҳибсга олдилар. Санкт-Петербург йўлидаги бухоролик элчилар эса Н.Крижановский буйруғига кўра Казалинскда тўхтатилди.

Амир эса бу воқеликлардан беҳабар бўлиб, Худоёрхонни қайта Қўқон хонлиги тахтига ўтказди. Йўл-йўлакай Хўжандни эгаллаб, империя кўшини Чирчиқортига ўтмаслигини генерал Черняевдан сўради. Амир Музаффар билан Черняев ёзишмаларида амир империя генерали билан тўғрима-тўғри

ҳаққини талаб қилиб, ўз элчиларининг ушлаб қолинишига нисбатан норозилигини билдиради. Ўз навбатида Бухоро амири унинг давлатига келган рус элчиларини жавоб тариқасида ушлаб қолишга буйруқ берди. Ушбу элчилик аъзоларини орқасига қайтариш тўғрисидаги Черняев таклифи ҳам зое кетди. Россия империяси ўзининг ҳатти-ҳаракатлари орқасидан Бухоро амирлиги билан муносабатларни атайлаб кескинлаштириб, уни ҳарбий можарога жалб қилмоқчи бўлди. Аслида эса 1865 йилдаёқ Бухорога қарши ҳарбий ҳаракатлар жараёни бошланган эди.

Амирнинг империя босқинига қарши, давлат мустақиллиги учун тегишли тарзда кураш олиб бормаётганлиги ҳамда иккиёқлама сиёсати ҳақли равишда Бухоро аҳлининг норозилигига сабаб бўла бошлади. Пойтахтда йиғилган халқ оммаси амир саройини куршаб олиб, уни тошбўрон қилди. Ҳукмдор фаолиятдан норозилик шу қадар кучайиб кетдики, ҳатто қўшбеги амирнинг Бухорода вақтинча пайдо бўлмаслигини ҳам сўрашга мажбур бўлди. Амир халқ оммаси норозилиги ҳукми остида бир қатор истехкомлар, калъаларни мустаҳкамлашга киришди. Жумладан, амир Музаффар Бухоро амирлиги сарҳадларидаги муҳим қалъа ҳисобланган Жиззах истехкомини мустаҳкамлаш учун 100 минг тангадан зиёд пул ажратишга мажбур бўлди. Жиззах ҳарбий истехкомининг баландлиги 11 газ ва эни 8 газ келадиган девори барпо этилди ҳамда қалъа атрофи хандак сув билан тўлдирилди.

Қалъа гарнизони бошлиғи этиб ҳарбий лаёқатга эга бўлмаган Муҳаммад Ёқуб қўшбеги тайинланди. Жиззахга ёрдам бериш мақсадида Ўратепадан Оллоёр девонбеги, Зоминдан Жиянхўжа тўқсоба бошчилигидаги аскарлар ҳам келиб қўшилдилар. Жиззах мудофааси юқорида қўрилган чоратадбирлар натижасида анча мустаҳкамланди.

1866 йил 21 январда Черняев Чинозда ҳарбий куч тўплаб, Жиззах устига юриш қилишга тайёргарликни бошлади. Подполковник Пистолькорс бошчилигидаги 14 рота, 600 нафар казак ва 16 та тўпдан иборат империя кўшини Сирдарёдан ўтиб, Жиззах йўлидаги Учтепа деган жойга чиқди. 1866 йил 1 февралда Жиззах томон йўл олинди. Қаттиқ совуқ, озиқ-овқат ва ем-хашакнинг етишмаслиги империя кўшинларини оғир аҳволга солиб қўйди. Жиззах бегидан империя кўшинларига озиқ-овқат ва ем-хашак сотиш хусусидаги Черняевнинг талаби зое кетади.

Жиззах беги ўз ҳолича амирдан берухсат бу ишни қилмаслигини билдиради. Шаҳар ҳимоячилари қаттиқ туриб империя кўшинларига қаршилик кўрсатдилар. Империя кўшинлари Чордара томон чекинишга мажбур бўлганлар. 8-10 минг чоғли ватан мудофаачилари империя кўшинларини ўраб олиб, уларга зарба бердилар. Айниқса, Жиянхўжа тўқсоба бошчилигидаги Жиззах мудофаачилари зўр бериб курашдилар.

Озодлик ҳаракатининг таниқли намоёндаси, биргина Сиддиқ тўранинг ўзи 60 кишилик отряди билан юзлаб империя казакларини Чордарагача таъқиб этиб, кўп ҳолда уларнинг қурол-аслаҳа ва отларини ҳам тортиб олди. Империя отрядининг Жиззах юриши мағлубиятга учради. Черняев урушни давом эттириш бефойда эканлигини англаб, 1866 йил 11 февралда Тошкентга чекинишга мажбур бўлади. Черняевнинг мағлубиятли ҳарбий юриши олий даражадаги империя маъмурларини ҳам ташвишга солиб қўйди. Шу боис 1866 йил 27 мартда унинг ўрнига ҳарбий губернатор этиб "Русский инвалид" журналининг муҳаррири генерал Д.Романовский тайинланди.

Генерал Д.Романовский Черняевдан фарқли равишда Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановский кўрсатмаларига қатъий амал қилар эди. Империя ҳукумати Д.Романовскийдан вазиятни қатъий кескинлаштирмасдан мўътадил ҳаракатланиш, савдо муносабатларини жой-жойига қўйиш кўрсатилган эди. Шу билан бирга Н.Крижановский Романовскийга ёзган хатида: "Амирдан ҳамма нарсани талаб қилиб, унга ҳеч бир нарсада ён бермаслик керак", - дея таъкидлаган эди. Империя шу тарика ҳар томонлама амирликни урушга тортишга ҳаракат қилар, Бухорога нисбатан сиёсатида тайзиқ ва зўравонлик устунлик қилар эди.

Пойтахт Бухорода ҳам бу вақтга келиб ижтимоий-сиёсий вазият кескинлаша борди. Амирнинг сусткашлиги, ватанпарвар кучларни ўз атрофига жалб қила олмаётганлиги биринчи навбатда зиёлилар, рухонийлар, мадраса уламо, толиблари норозилигига сабаб бўла бошлади.

Халқ оммасининг кучли норозилик оқими амирни саросимага солиб қўйди. Унинг буйруғи билан тез орада мамлакат бўйлаб, умумий сафарбарлик эълон қилинди. Натижада тахминан 60.000 дан зиёд бўлмиш озодлик кураши тарафдорлари йиғилдилар. Таъкидлаш жоизки, йиғилган аскар ва кўнгиллиларнинг аксарияти яхши қуролланмаган бўлиб,

кўпчиликда 3 газ (тахм.- 1 газ 50 см) келадиган қўллариди содда пилта милтиқ, найзалар бор эди. Шунингдек, амир қўлида 36 та тўп ҳам бўлган. Аҳмад Дониш бу йиғилиш хусусида сўз юритганда уни қаттиқ танқид остига олади: "...умрида замбарак ва ўқ товушларини эшитмаган ҳамда жанг майдонини тасаввур этолмаган кишилар уни яккама-якка кураш майдони деб тушунар эдилар... Уламолар урушга чорлаганликлари билан, душман ўзи қандай, қурол-яроғи қанака эканлиги хусусида тушунчага ҳам эга эмас эдилар..."

Амир империя кўшинлари билан урушга тайёрланаётган бир пайтда, яъни 1866 йил феврал-март ойларида Чордара бўйларида Сиддиқ тўра Кенесарин, Тошкент атрофлари, Чирчиқ бўйларига амирнинг вакили ҳисобланган Рустамбек, Ботирбек курама, Фармон дохдох ўғли ва бошқаларнинг ҳаракатлари кучайди. Амир ўз вакили деб ҳисоблаган Рустамбекка нома юбориб, уни урушга чорлаган. Рустамбек эса амир номидан варақалар тарқатиб империя кўшинларига қарши курашга халқни чорлаган. Жумладан, Чирчиқ орти ўлкаси аҳли номидан оқсоқол Муллаёр амирнинг озодлик курашига ўз хайрихоҳлигини билдириб, уни Россия империяси истилосидан озод қилишини сўраган. Капитан Абрамов Чордарани бухороликлар қўлидан тортиб олиб, катта ўлжага эга бўлди.

Асосий жанг учун империя кўшинлари асосан Чинозга йиғила бошлади. Ҳарбий губернатор Д.Романовскийнинг бу пайтда аҳволи анча танг бўлиб, у молиявий ва ҳарбий ёрдам хусусида Оренбургга мурожаат этишга тўғри келди. Амир ва Романовский ўртасидаги ўзаро дипломатик ёзишмалар эса самарасиз яқунланди. Империя маъмурияти амирга Россия империяси томонидан бир неча даъволар билан чиқиб, жумладан империя элчиларини ушлаб турганлиги айбларини ҳам қўйди.

Иккала томон учун ҳам яқин орада уруш бошланиши аён бўлиб қолган эди. Амирликда ватанпарвар, озодлик кучлари ҳаракати авж ола бошлади. Ниҳоят, амир томонидан йиғилган кўшин 1866 йил май ойи бошида Чиноз ва Хўжанд оралиғидаги Оқжар (уни Сассиққўл деб ҳам номлашар эди) мавзеидаги Эржарга етиб келади. Маҳаллий муаллифлар Эржар буйидаги жангни "Мајдалулғун" ёки "Мајдаюлғун" жанги деб ҳам номлашган эди. Амир Музаффар бўлгуси жанг майдонидан 1 фарсах (6-8 км) наридаги қароргоҳига келиб жойлашди.

Эржар Хўжанддан 40 верст узоқликда жойлашган эди. Тарихчи Мирза Абдулазим Сомий Эржардаги жангни "Майдаюлғун воқеалари" деб номлаган бўлса, Муҳаммад Аттор Хўқандий бу жангни "Майдалулғун мавзеидаги жанг" деб атаган. Аҳмад Донишда "Сассиққўл жанги" деб бу жанг бошқача ном билан аталади.

Амирлик кўшинидаги ички парокандалик, жанг қилиш услубининг қолоқлиги, қурол-яроғ билан ёмон таъминлашганлик, бу борада империя кўшинининг устунлиги ва бошқалар жанг натижасини ҳал қилди. Эржар жанги Россия империяси фойдасига ҳал бўлди.

Эржар мағлубиятидан сўнг Романовский кўлига 22 турли калибрдаги тўп, 670 пуддан зиёд порох, 220 мингта патрон ва бошқа қурол-аслаҳалар ўлжа сифатида ўтди. Эржар жанги амирлик ҳарбий аҳволининг ночорлиги, парокандалиги, замондан қанчалик орқада қолганини, амир ҳукумати ҳарбий ҳаракатларни замон талаби асосида ташқил эта олмаслиги, саркардаларнинг ўзбошимчалиги, қурол-аслаҳанинг замонавий жанг қилиш усулларига жавоб бера олмаслиги амирнинг заиф ва тадбирсиз саркарда эканлигини намоён этди. Эржар жанги бундан аввал Жиззах остонасида зарбага учраган Россия империяси кўшинининг руҳини кўтариб юборди. Империя ҳукумати бу жангдан ўз ризолигини билдириб, ҳатто императорнинг ўзи бу хусусда махсус табрик телеграммасини жўнатди.

Романовский амир орқасидан таъкиб этиш фикридан воз кечиб, ўз диққат-эътиборини Сирдарё бўйидаги муҳим аҳоли пункти ҳисобланган, қадимий Хўжанд шаҳрини эгаллашга қарор қилди. Хўжандни 1866 йил 19 майдан бошлаб қамал қилиш бошланди. Қаттиқ жанглардан сўнг 1866 йил 24 майда расман Хўжанд империя томонидан истило этилганлиги эълон қилинди. 1866 йил 28 майда эса Хўжанддан жанубда жойлашган Бухорога қарашли Нов кўрғони ҳам забт этилди.

Шундай қилиб, Хўжанд ва Новнинг эгалланиши Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигини бир-биридан ажратиб ташлади. Амир Музаффар Эржар жангидан сўнг гаровда турган империя элчилари ва савдогарларини озод қилиб, улар 1866 йил 2 июнда Абдулғаффорбек кузатуви остида Тошкентга етиб келдилар. Бунга жавобан империя ҳукумати ҳам Казалинскда гаровда

турган Нажмиддинхўжа бошчилигидаги бухоролик элчиларни ҳам ватанларига қайтардилар.

Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановскийнинг ҳам ўзи товон пулини дархол тўлаш мумкин эмаслигини яхши тушунар эди. "Бухорога қарши ҳарбий юришни давом эттириш лозим" деб ҳисоблаган Н.Крижановскийга товон пулининг тўлаш муддати кечиктирилиши ва амирнинг жавоб бермаслиги уруш бошланишига баҳона бўлди, холос. Товон пули вақтида тўланмаганлиги баҳона қилиниб, шу баҳона Россия империясининг навбатдаги истилоси учун ниқоб қилинган ҳолда 1866 йил 23 сентябрда полковник Воронцов—Дашков бошчилигидаги ҳарбий қисм амирлик ҳудудига бостириб кирди. Генерал Д.Романовский 20 пиёдалар ротаси, 600 та казак, 28 та тўп билан ҳамда Н.Крижановский ҳамроҳлигида шу вақтда Бухорога қарши юришга отланган эди. У Ўратепа атрофларига қарши юришга отланган, Ўратепа атрофларини текшириб, унинг икки қатор баланд девори ва миноралари борлигини аниқлаган эди.

Деярли тўрт минг кишилик мудофаачиларга эга бўлган Ўратепа 1866 йил 2 октябрда забт қилиниб, шаҳар талон-талож этилди ва катта ўлжалар қўлга олинади. Империя қўшинларининг ҳарбий жиҳатдан устунлиги, бухоролик қўшиннинг заиф ташкил этилганлиги ва ҳарбий жиҳатдан қолоқлиги, Қўқон ва Бухоро ҳукмдорларининг бефарқлиги, аҳолини тақдир тақозосига ташлаб қўйганликлари, ўзаро парокандалик мустаҳкам қалъа ҳисобланган Ўратепанинг империя томонидан босиб олинишига имкон яратган эди. Ўратепадан Жиззахга йўл олган Крижановский ва Романовский бошчилигида империя қўшини йўл-йўлакай Зоминни эгаллаб, Жиззах истилоси учун йўл олди. Империя қўшини Жиззах томон йўл олганлигини эшитган амир Музаффар ўз ҳарбий лагерини Самарқанд яқинига кўчирган эди.

Бу пайтда генерал Н.Крижановский бошчилигида империя ҳарбий қўшини Жиззахга қараб яқинлашиб келаётган эди. Жиззах қалъаси Ўрта Осиёнинг энг муҳим ҳарбий қалъаларидан бири, Самарқандга боришдаги асосий таянч нуқтаси эди. Маълумотларга кўра Жиззах мустаҳкам икки қатор деворлар ва чуқур хандаклар билан ўралган деворларнинг баландлиги 4 метр, эни 3 метргача бўлган. Жиззахга катта қўшин йиғилиб, манғитлардан бўлмиш Оллоёр девонбеги шаҳарга ҳоким этиб

тайинланди. Оллоёр девонбегининг хизматида шунингдек 19 нафар таниқли беклар ҳам бор эди. Жиззахда бўлган амир шахсан мудофаа истехкомларини мустахкамлаш, гарнизон сонини кўпайтиришни буюради.

1866 йил 11 октябрда генерал Н.Крижановский бошчилигидаги кўшин Жиззах қамалига киришди. Шаҳарга борадиган сув йўллари беркитилиб, империя кўшини Самарқанд ва Ўратепа дарвозаларидан ҳужумга киришди. Капитан Михайловский 4 та пиёда рота ва 4 та тўп, подполковник Григорьев 4 рота ва 4 та тўп билан ушбу дарвозалар остонасидан жой олдилар. Кейинчалик полковник Воронцов — Дашков қўмондонлигидаги 2 рота, 200 казак ва 4та тўп шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмига жойлашди. Жиззах қамали бир ҳафта давом этди. Шаҳар мудофаачилари, ватанпарвар кучлар шаҳарни астойдил ҳимоя қилдилар.

Тарихчи Мирзо Абдулазим Сомий Жиззах жангидан аввалги йигилишда бирон бир фикрга келинмаганлиги хусусида ёзиб, қамалнинг иккинчи куниданок, шаҳар тинимсиз ўққа тутила бошлаганлигини қайд этади. Дарҳақиқат амир бу қалъа мудофаа иншоотига катта ҳарбий куч юбориб, қалъа империя кўшинлари томонидан забт этилиши мумкин эмас деб ўйлар эди.

Шаҳар мудофаачиларининг сабр-қаноати, жасоратига империя ҳарбийлари ҳам тан берганлар. Шаҳар талон-тарож қилиниб, катта миқдордаги бойлик қўлга олинди. Оренбург генерал-губернатори Н.Крижановский ҳарбий вазир Милютинга телеграмма юбориб, Жиззах 18 октябр соат 12 ларда эгалланганлигини қайд этади. Шубҳасиз, Жиззах мағлубияти амирга ҳам қаттиқ таъсир этди. Бу хусусда муаррих Мирзо Абдулазим Сомий шундай деб ёзган эди: "Ҳукмдор муттасил кайғуриб, ички заифликни тушунган ҳолда чора-тадбирлар кўра бошлади. Амир Жиззах жангидан қочиб келган ҳар бир кишини сийлаб, нимадир бўлса ҳам инъом қилди... омон етиб келган кам сонли кишиларнинг кўпчилиги ярадор ва ҳатто, отсиз, қуролсиз эди... Жиззах воқеасидан сўнг ҳукмдор Самарқанддан Кармана томон йўл олди. Самарқандда эса у Ғуздор ҳокими бўлмиш ўғли - Абдулмалик тўрани, Ҳисор ҳокими Раҳмонқул парвоначини, Миёнкол кўшинини, бухоролик навкарларни, озодлик уруши тарафдорларини қолдирди. Ўзи эса кўприкни мустахкамлаб, у ерда кўшин қолдирди". Жиззах жангидан сўнг Бухорода амир

қўшини мағлубиятидан норози уламо ва зиёлиларнинг ҳаракати кескин тус олди. Бир вақтнинг ўзида Шерали иноқ ҳоким бўлиб турган Самарқандда ҳам аҳвол кескинлашди, шаҳарда зўравонлик авжига чиқиб, айирмачи мазҳабчилик ҳаракати кучайди.

Шу билан бирга Россия империяси ўз олдида амирликни буткул босиб олиш режасини ҳам қўймаган, бунинг учун на халқаро аҳвол, на ички иқтисодий ҳолат, ҳарбий заҳиралар бунга йўл бермас, ундан ташқари амирликда тобора кучаётган қаршилик ҳаракати Россия империясини ҳам тинчлик сулҳини тезроқ имзолашни тақозо этар эди. Оғир иқтисодий ва сиёсий аҳволда қолган ҳамда ҳарбий жихатдан қолоқ, халқ ичида ўзининг калтабин сиёсати туфайли обрўси тобора тушиб бораётган амир ҳукумати ҳам сулҳга муҳтож эди.

Россия империяси маъмурияти томонидан биринчи сулҳ таклифлари 1866 йил 12 сентябрда Оренбург генерал-губернатори Н.А.Крижановский томонидан тақдим этилган эди. 1867 йил баҳорида Н.А.Крижановскийнинг таклифига кўра амир ўз вакили Мусабек мирохур Ҳакимовни Оренбургга элчи қилиб жўнатган эди. 1867 йилнинг май ойида элчи Оренбургга етиб келади. Элчи истило этилган Ўратепа ва Жиззах ерларини амирга қайтариш, Сирдарёни чап чегара этиб белгилаш хусусидаги амир таклифларини баён қилди. Н.А.Крижановский ва элчи Мусабек мирохур ўртасида музокаралар ўтказилиб, Бухоро амирлиги билан тинчлик сулҳи имзоланди. Унда чегара ўтказилиш ерлари, чегараларнинг дахлсизлиги ва уларни қаттиқ назорат остига олиниши, империя фуқароларига хонлик ҳудудида бемалол савдо қилиш, кўчмас мулкка эга бўлиш имкониятининг берилиши, бож солиқларининг бухоролик савдогарларга тенглаштирилиши, Бухоро амирлиги ташқи сиёсати Россия империя манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши баён этилган эди. Лекин, Туркистон генерал-губернаторлиги барпо этилиши билан бу сулҳнинг тадбиқ этилиши узил-кесил тўхтатилди.

1867 йил 1 сентябрда Туркистон генерал-губернатор К.П.фон Кауфман таклиф этган 12 та моддадан иборат тинчлик сулҳи имзоланиб, элчи Мусабек мирохур орқали амир хузурига тасдикланиш учун юборилди. Унда Россия империяси эгаллаган ерлар деярли буткул уларнинг қўлларида қолиши, амирликнинг барча шаҳарларига империя савдогарлари бемалол кириш ҳуқуқига эга бўлиши, бож солиқлари бухоролик савдогарлар

билан тенглаштирилиши, империя фуқаролари хоҳлаган жойларида карвонсаройлар куриши ва хоҳлаган шаҳарларга бориши мумкинлиги, кўчмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, империя фуқаролари ўз жиноятлари учун Туркистон генерал-губернатори ҳузурида жавоб беришлари лозимлиги ва бошқалар хусусида сўз борган эди. Кауфман амирга сулҳ матни билан биргаликда мактуб ҳам ёзиб, Россия билан муносабатларни кескинлаштирмасликни, акс ҳолда тегишли жавоб муқаррар эканлигини ҳам таҳдид қилиб қўяди.

Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг ўзи ҳам сулҳ шартномаси аслида катта давлатнинг тазйиқи ва зўравонлиги эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам "уни ультиматум деб номлаш тўғрироқ бўлур эди", - деган эди. Бу нотенг ва таҳқирли шартномаларни амир тасдиқлашига ишонқирамай, 1867 йил 13 ноябрда ҳарбий вазирга ёзган хатида "Оренбург шартлари" кутилган натижани бермаслигини ҳам алоҳида таъкидлаган эди.

Элчи Мусабек мирохур фақатгина 1867 йил декабридагина Тошкентга қайтиб келди. Кауфман шартларига амир рози эканлигини элчи баён қилсада, бироқ буни тасдиқловчи бирорта ҳужжатни ўзи билан бирга олиб келмайди. 1867 йил 19 декабрда Кауфман амирга қайта мактуб ёзиб, шартномани дарҳол имзолаш, амирлик томонидан қўлга олинган поручик Служенко ва 3 нафар империя аскарларини дарҳол орқага қайтаришни айтади. Амир Кауфман шартларини қабул қилмагудек бўлса, ўртада уруш бошланиши ҳам элчига баён этилади. Аслида сулҳга мойил бўлган амир, ватанпарвар кучлар тазизғи, ўсиб бораётган амирликдаги халқ норозилигидан ҳайиқиб, уни имзолашни кейинга сураб эди. Шунингдек, элчининг маълумотига кўра кейинчалик товон пули ҳам тўланиши лозим эди. Амир товон пулини тўлашдан халқ норозилиги янада кучайишини англаб қўрқиши, сулҳ шартномасини имзоламасликка яна бир сабаб бўлади. Шу боис ҳам сулҳ шартномасини имзолаш вақти чўзилиб, бу пайтда иккала томон ҳам ўз ҳарбий кучларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

1867 йилнинг кузидан то 1868 йилнинг баҳорига қадар Бухоро-Россия муносабатларида кескинлик сакланиб турган бўлса-да, лекин сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ. Империя маъмурияти бу пайтда асосан генерал-губернаторлик фаолиятини

ташкил этиш билан машгул бўлиб, хонликка қарши ҳарбий юриш на иқтисодий, на ҳарбий захираларсиз бўлмаслигини тушунган эди. Ундан ташқари амирлик Россия империясига қарши курашда маълум ҳарбий кучларга эга бўлиб, Бухорода Россия империяси босқинига қарши кайфият умумхалқ норозилигига айланган эди. Ўрта Осиёнинг об-хавоси, иқлими империя ҳарбийларини толиқтирган, аскарлар ичида турли касалликлар кўпайган эди.

Генерал-губернатор К.П.фон Кауфман 1867 йил 13 ноябрда вазиятни таҳлил этган ҳолда ҳарбий вазир Милютинга ёзган хатида империя ҳокимиятига мавжуд хурматсизлик, "кулай вақтда уни ағдариб ташлаш хавфи" баланд эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бухорога ҳарбий юриш қилиш олдидан, унинг фикрича ўлкада мустаҳкам империя ҳокимиятига эга бўлиш зарур эди. Бухоро империя ҳукумати учун хом ашё базаси, Амударё ҳавзасига олиб чиқувчи "калит" ҳам эди. Бу хусусда Осиё департаментининг бошлиғи Стремоухов ҳам ўз фикрини баён этади. Унинг фикрига кўра "Бухоро бозори империя маҳсулотисиз ҳам яшаши мумкин эди". Бухорога қаттиқ қизиқаётган инглизларнинг Амударё бўйларига чиқиши эса унинг фикрича "Империя ҳокимиятининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигининг барҳам топиши муқаддимаси бўлур эди". Ҳарбий вазирликнинг империя ҳокимияти таъсирини мустаҳкамлаш, ҳарбий захира кучларига эга бўлгандан сўнггина ҳарбий юриш қилиш режасини император Александр II ўзининг "буткул маъқуллайман" деган ёзуви билан тасдиқлайди.

Бу вақтда амир 1867 йил охири - 1868 йиллар бошида Россия империяси босқинига қарши кураш олиб бориш мақсадида икки мартаба савдогарлардан пул йиғиб олади. Шунингдек хазинани бойитиш мақсадида молиявий тадбир ҳам ўтказди.

Бир вақтнинг ўзида амирнинг ташқи ва ички сиёсатидан халқ норозилиги ҳам кучая борди. Бутун амирликда Россия империяси истилосига қарши мамлакатни чет эл босқинчиларидан озод қилиш истагидаги ватанпарвар кучлар ҳаракати таъсири ошиб борди. Бундай вазиятда амир ўз эмиссарлари (вақиллари)ни ҳарбий кўмак сўраб ҳамда Россия империясига қарши иттифоқ тўзиш мақсадида Қўқон, Хива, Афғонистон, Туркия ва Ҳиндистонга жўнатади. Афсуски, кўмак ҳақидаги кўплаб мурожаатлар ҳам жавобсиз қолди.

Генерал-губернатор Кауфман "Бухоро масаласини" тезроқ ҳал қилишни лозим деб топиб, 1868 йил 28 февралда амирга қайта мактуб йўллайди. Унда Кауфман амир томонидан озод қилинган подпоручик Служенко ва 3 нафар империя аскарлари учун амирга миннатдорчилик билдириб, тезроқ қайта юборилаётган сулҳ матнини имзолашни сўрайди. "Акс ҳолда, - деб ёзади Кауфман, ўз ҳолича иш тутишим, бунинг учун император томонидан берилган кенг ваколатлар менда мавжудлигини эслатиб қўймоқчиман", - дея дағдаға ҳам қилади.

Шунингдек, дипломатик вакил бўлган, маслаҳатчи Струве ҳам қўшбегига хат ёзиб, амирни тезроқ сулҳ имзолашга кўндиришни сўрайди. Кауфман Бухоро амирлиги савдо шартномасини имзолаб, тезда Россия империяси вассалига айланади деган фикрда эди. Шу сабабли ҳам у тезроқ нотенг сулҳ шартномасини имзолашни талаб этаётган эди. 1868 йил 2 мартда қўшбегидан, 15 мартда эса сулҳ масаласи бўйича амирдан мактублар келади. Амир сулҳ матни масалалари бўйича ўз вакили Мирза Шамсиддинни генерал-губернатор хузурига йўллаётганлигини баён этади. Гарчи амир ўз фикрларини дипломатик тарзда равон ёзда, сулҳ матнидан унинг норозилиги яққол сезилиб турар эди. Амир вақтни тобора чўзаётганлиги, бу эса ўз-ўзидан бўлмаётганлиги ва у сулҳни имзоламаслигини Кауфман ҳам тушуниб етган эди. Генерал-губернатор Кауфман амир мактубини олмасданок 1868 йил 14 мартдаги ҳарбий вазир Милютинга ёзган мактубида, турли баҳоналар билан сулҳ имзоланмаётганлигини уқтириб ўтади ҳамда кейинги мактубида (1868 йил 22 мартда) амирликка қарши ҳарбий юриш муқаррар бўлишини таъкидлаб ўтади.

Оғир аҳволга тушиб қолган, "амирликка қарши юришга вақт етиб келди" деб ҳисоблаган Кауфман 1868 йил 18 апрелда Тошкентдан Жиззах томонга йўлга чиқиб, 19 апрел куни Сирдарёнинг чап қирғоғига ўтди. Хоинлик йўлига ўтган афғон Искандархон ҳам шу ерда империя аскарларига келиб қўшилади. Жиззахда 25 рота, 700 нафар казак, 16 тўп, жами 3500 кишилик империя қўшинига эга бўлган генерал-губернатор К.П.фон Кауфман шу ердан туриб Самарқанд аҳлига мурожаат билан чиқади. Ушбу мурожаатда (у 1868 йил 22 апрелда баён этилган эди) амир "яхши ниятдаги" империя ҳарбий маъмуриятини тушунмасликда ва колаверса барча "гуноҳ"ларда уни айблаб,

Бухорога қарши ҳарбий юриш қилаётганлигини очикдан-очик айтади.

Амир Самарқандга бормаи, у ерга ўз вақили Мирза Шамсиддинни юборади. Бир вақтнинг ўзида Самарқанд ёнидаги Чўпонота тепаликларига кўнгиллилар ва амир сарбозлари билан кела бошлайди. 1868 йил 1 майда Мирза Шамсиддин Кауфмандан бир кундан сўнг янги элчи келишини, империя кўшинлари Янгиқўрғонга қайтиши хусусидаги амир сўровини топширади. Амир томонидан унинг ўзи тузган тинчлик битимини Низомиддин хожа судур Кауфманга топширганида, генерал-губернатор бу олдинги сулҳ матни эмаслигини баҳона қилиб, уни рад этади. Кауфманга эса аслида ҳеч қандай сулҳнинг ҳам кераги йўқ бўлиб, унинг мақсади аслида амирликни Россия империясига тобе қилиш эди.

1868 йил 1 майда Самарқанд ёнидаги Чўпонота тепаликларида бухоролик аскарлар, халқ кўнгиллилари ҳамда империя кўшинлари ўртасида жанг бошланди. Империя томонидан бу жангга Кауфман назорати остида генерал Головачев асосий ҳаракатларни олиб боради. Чўпонотадаги ватанпарвар кучлар сони маълумотларга кўра 12.000 пиёда аскар, 3.000 отлик, 1500 тўпчи. Жами 40 та тўп тепаликнинг икки томонига қўйилган эди. Муаррих Аваз Муҳаммад хабарига кўра ҳимоячилар орасида "сулҳ тузилар эмиш" деган гапларнинг тарқалиши, ҳимоячиларнинг бир қисмини иккилантиришга ҳам солиб қўйган эди. Аҳмад Донишнинг ёзишича, Чўпонота жангидаги бухоролик тўпларнинг кўпи яроқсиз бўлган. Жанг кескин равишда бўлди. Гарчи бухоролик кўшин қулай ерда жойлашган бўлса-да, саркардаларнинг нўноқлиги ва парокандалиги, ҳарбий техниканинг қолоқлиги, аскарларнинг замонавий жанг хусусидаги тушунчаларининг йўқлиги, ўзаро ички низолар, буларнинг ҳаммаси жангни истилочи кўшин фойдасига ҳал бўлишига олиб келди. Кауфман бу жангнинг аҳамиятини пасайиб кўрсатишга уринса-да, кўплаб империя манбалари бухоролик аскарларнинг қаҳрамонлиги, юрт ҳимояси учун қаҳрамонона кураш олиб борганликларини қайд этиб ўтишади. Чўпонотадаги амирлик мағлубияти аслида Самарқанд тақдирини ҳал этган эди. Амирнинг калтабин сиёсатидан, шаҳар ҳокими Шерали-иноқнинг зулмидан чарчаган аҳли Самарқанд 1868 йил 2 майда қозикалон бошчилигидаги вакиллар томонидан

мажбуран Кауфманга таслим бўлади. Шарқнинг қадимий ва гўзал шаҳри, соҳибкирон пойтахти империя кўшини кўлига ўтганлиги хусусида генерал-губернатор дарҳол императорга телеграмма юборади.

Самарқанднинг истило этилиши Бухородаги ватанпарварлар кучлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатди. Амир ҳам бу қадимий ва нуфузи баланд шаҳарнинг кўлдан кетганлигига каттиқ азият чекди. 1868 йил 11 майда, яъни Самарқанд олинганидан сўнг генерал-губернатор уни рўкач қилиб, амирга мактуб ёзади. Муносабатлар кескинлашувида амирни буткул "айбдор" деб ҳисоблаб, янги сулҳ шартларини имзолашни сўрайди. Сулҳ асосан илгариги моддалардан иборат бўлиб, А.Донишнинг ёзишига кўра амир яна душманга 170.000 олтин танга миқдорида ўлпон ҳам тўлаши зарур бўлган. Кауфман амирликнинг муҳим стратегик бўғинларини кўлга олган бўлиб, амир шу боис сулҳни сўзсиз қабул қилади деган фикрда эди.

Самарқанд олинганидан сўнг, гарчи Россия ташқи ишлар вазирлиги ва ҳарбий вазирлик иштирокида "Осиёнинг ичкарасига кириб боришни тўхтатиш ва кўшинларни ўз жойларига қайтариш" хусусида телеграф хабарномаси Туркистон генерал-губернаторига юборилган бўлса-да, Кауфман ўзгача йўлни тутишни маъкул деб топди. Чунки, империя ҳукуматининг тавсияси аслида бир ниқоб бўлиб, уларнинг асл ниятларини яширар эди. Бу йуриқномалар хусусида Кауфманга хабар берган ҳарбий вазир Д.Милютин юқоридаги фикрларни таъкидлаб, бу йуриқнома "умумий кўрсатма" эканлигини, вазиятга қараб иш тутиш лозимлигини уқтириб ўтади. Самарқанд ишғол этилганидан сўнг чақирилган ҳарбий кенгаш, Бухорога қарши ҳарбий ҳаракатлар, хонликнинг "сиёсий жихатдан" тугатилгунга қадар бўлишини маълум қилди. Барча босиб олинган ерлар, жумладан Самарқанд ҳам Россия империяси таркибида сўзсиз қолиши кенгаш қарорига киритилди. Лекин, бу ҳол ҳалқаро муносабатларда кескинликни кучайтирар, биринчи навбатда Англия бу воқеликни хотиржам қабул қила олмас эди. Ундан ташқари С.Петербургдаги баъзи сиёсий маҳкамалар ҳам ошқора босқин бўлганлигини тан олишни ҳоҳлашмас эди.

Юқоридаги мулоҳазалар ва тегишли сиёсий маҳкамалар таклифи билан Кауфман "то тинчлик сулҳи тузилгунча Самарқанд империя кўлида гаров сифатида ушлаб турилади"

деган сохта баҳона билан чиқади. Кауфман Самарқандни империяга бўйсунувчи алоҳида маъмурий бирлик ёки хонлик қилиниши масаласида, ҳатто амирнинг жияни Сайид Абдулла билан ҳам ўзаро муносабатларни ўрнатмоқчи бўлди. Лекин Сайид Абдулланинг ватанпарвар кучлар томонига ўтиб кетиши бу ҳаракат бефойда бўлганлигини аён қилди.

Самарқанд нафақат тарихий-маънавий аҳамиятга эга, балки унинг эгалланиши амирликдаги ҳаётий зарур сув масаласида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Зарафшон воҳасининг империя маъмурияти кўлига ўтиши, амирликни сувсиз қолдириш, уни қурғоқчилик ва очарчиликка ҳам маҳкум этиш мумкинлигидан далолат берар эди. Империя ҳарбийлари бу пайтда музокаралар олиб бориши ёки тинчлик сулҳи тузилишидан қатъий назар истилочилик ҳаракатларини давом эттираверди. 1868 йил 6 майда майор Штемпел Челакка юриш қилиб, уни босиб олади. Империя ҳарбийлари бухороликларнинг кўрғон ва ҳарбий казармаларини бузиб ташлайдилар. 1868 йил 11 майда полковник Абрамов бошчилигидаги 6 пиёда рота, 200 нафар казакдан иборат ҳарбий қисм Ургутга йўл олади.

Ургутни топшириш юзасидан Ургут беги Ҳусайнбек билан музокаралар олиб бориш ҳаракати пучга чиқди. Ургут ёнидаги қаттиқ жанг 12 май куни тўхтовсиз давом этгач, шаҳар деворларини бузиш эвазига империя кўшини шаҳарга бостириб кирди. Шаҳарда кўча жанглари яна 3 соат давом этади. Ҳарбий жиҳатдан устунликка эга бўлган империя кўшини 6.000 кишилик шаҳар ҳимоячиларини мағлубиятга учратиб, шаҳарни ишғол этдилар.

Империя кўшинлари амирни сулҳ имзолатишга мажбур қилиш мақсадида ҳарбий юришларни янада жадаллаштиришади. 1868 йил 18 майда Сирдарё вилояти кўшинлари бошлиғи генерал-майор Головачев Каттакўрғонни эгаллайди. Каттакўрғон ҳокими Умарбек Шаҳрисабзга чекинади. Генерал-губернатор Каттакўрғонга етиб келган куни (21 май) унинг хузурига Бухородан 2 та вакил элчи бўлиб келиб, унга тинчлик сулҳи тўзиш хусусида амир фикрини баён этишади. Кауфман эндиликда олдинги сулҳ матнини ўзгартириш пайига тушади. Чунки, унинг фикрича "вазият ўзгарган", эндиликда сулҳга бошқача тартибда ёндошув лозим деб ҳисоблайди. Сулҳга 2 та ҳужжат қўшилади. Уларга кўра амир империя босиб олган барча ерларни, жумладан

Каттакўрғонни ҳам унинг ихтиёрида деб тан олиши, амирлик ҳарбий товон пули сифатида 125.000 тилла танга (500.000 империя рублига тенг) тўлаши лозим эди. Товон пулининг 10.000 тангаси зудлик билан тўланиши, 90.000 танга 30 кун ичида, 25.000 танга 1 йил мобайнида тўланиши шарт эди.

Генерал-губернатор Кауфман 1868 йил 23 май сулҳ шартларига қўшимча равишда амирга мактуб ёзиб, агар амир бу шартларни қабул қилмаса "Унинг устига барча кулфатлар ёғилиши, кейинги сулҳ шартлари эса бундан баттар оғир бўлишини" ҳам пўписа қилди. Табиyki, Кауфман Бухородаги оғир ижтимоий-сиёсий аҳволни билган ҳолда ушбу шартларни олдинга суриб, амирликни буткул парокандага учратмоқчи эди. Амир эса оғир ички сиёсий аҳвол юкоридаги сулҳ шартларини бажаришга имкон бермаслигини тушуниб, уни имзоламади.

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1868 йил 1 июнда Зирабулоқда бўлиб ўтди. Амир томонига ўтган Сиддиқ тўра, амирнинг таклифи билан Хўжақўрғонда туриб ҳаракат қилиш керак эди. Амир жангдан аввал ўз аскарлари, қўшинига карата уларни руҳлантириш мақсадида мурожаат билан чиқади. Бу мурожаат тўп замбараклари садоси остида қўшинга етказилди. Империя қўшинига Писталькорс, Абрамов бош бўлиб, умумий раҳбарлик генерал Головачев зиммасига юклатилди. Жанг нихоятда кескин бўлиб, бухоролик қўшиндан 1000 нафари ҳалок бўлганлигини маҳаллий муаррихлардан бири ҳам эслатиб ўтади. Амир қўшинларига Усмонбек тўқсоба билан, Ҳожи Румийлар бошчилик қилишади. Аввал бошда бухороликларнинг қўли устун келади. Бухоролик навкарлар қаҳромонлик билан курашадилар. Жанг авжига чиққан вақтида Усмонбек тўқсоба негадир карнай чалиб, ўз қисмини орқага чақириб чекинган эди. Кейинчалик Ҳожи Румий ҳам чекинади. Писталькорс, Головачев қўшинлари қолган душманларни таъқиб этишни бошлайди.

Амир Зирабулоқдаги мағлубиятдан сўнг, халқ норозилиги янада авж олинишидан чўчиб, Қизилқум томонга йўл олади. Амир мағлубиятидан норози омма Дарвозмозор ёнига тўпландилар. Бир вақтнинг ўзида 1868 йил 2 июнда Абдулмалик тўра бошчилигидаги ватанпарвар кучлар ҳамда Самарқанд аҳли бирликда истилочилигига қарши бош кутарадилар. Деярли бир ҳафта давом этган кўзғолон, 8 июнда генерал-губернатор

К.Кауфман томонидан шафқатсиз тарзда бостирилиб, кўзғолончилар қаттиқ жазоланади. Шаҳар эса империя кўшинларига талончилик учун берилади.

Самарқанд кўзғолонининг шафқатсиз бостирилиши эса, амирни кейинги ҳарбий ҳаракатлар бефойда, сулҳдан бошқа Бухоро ҳукмдорининг иложи йўқлигини яна бир карра тасдиқлаган эди. Шу боис Карманада чакирилган кенгаш урушни тўхтатиш хусусидаги амир фикрини маъқуллайди. Амир барча кўшинни ва қурол-яроғларни "оқ подшоҳга топширишни ва ундан Маккага хажга кетишга руҳсат беришни" сўрайди. Шунингдек у "ўлимим яқин ва тақдирим халқ кўлида", - деб тақдирга тан берган эди. 1868 йил 12 июнда амир вақиллари Мирохур Мусабеков ва Турсунҳожилар амирнинг таслим бўлганлиги ҳамда сулҳ тузишга тайёр эканлигини билдириши учун генерал - губернатор Кауфман хузурига келдилар.

Генерал-губернатор амир элчиларига амирликни тугатиш унинг режаларига кирмаслигини, Бухоро билан "дўстона муносабатлар"ни ўрнатиш ниятида эканлигини ҳамда ўзи олиб борган курашлари амирнинг "айби" туфайли бўлиб, у "тинчлик учун"гина кураш олиб борганлиги тўғрисидаги сохта, баландпарвоз гапларни айтади. Кауфманнинг таҳқирли сулҳ шартномаси хусусидаги талабига жавобан амир 1868 йил 20 июнда империя маъмурияти юборган сулҳ матнини имзолаши, ўз сўзларини исботи сифатида талаб қилинган 125.000 тилланинг бир қисми - 10.000 тиллани ўз элчилари Мулла Яхёхўжа, Мирохур Мусабеков ва Фозил муфтийлар орқали жўнатаётганлигини ёзиб юборади. 1868 йил 23 июнда амир сулҳ шартномасига имзо чекди. Унга кўра амирлик ўз мустақиллигини йўқотиб, Россия империяси вассалигини тан олди. Империя томонидан эгаллаган ерлар - Ўратепа, Хўжанд, Жиззах, Каттакўрғон ва Самарқанд Россия империяси таркибига кирганлиги тан олинди. Сулҳ шартига кўра амир 500.000 империя рубли (125.000 Бухоро тилласи) миқдорида товон пулини тўлашга рози бўлди. Шартларга кўра амир империя фуқароларига эркин савдо қилиш, савдо агентликларини ташкил этиш, бож солиқларини камайтириш, империя фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда мол-мулклари хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятларни ўз бўйнига олди. Чегара масалалари бўйича эса подполковник Шауфс бошчилигидаги комиссия унга

аниқлик киритадиган бўлди. Сулҳ натижасида Бухоро амирлиги Зарафшон воҳасининг асосий қисми ва стратегик муҳим ҳисобланган ерларидан маҳрум бўлди. Асосий ирригация шахобчалари, ҳосилдор ерлар империя ихтиёрига ўтиб кетди. Амирликни сувсиз колдириш, қурғоқчиликка маҳкум этиш эҳтимоли мустамлакачи ҳарбий маъмурият қўлига ўтди.

1868 йил 24 июнда расман Бухоро амирлиги билан уруш тугаганлиги эълон қилинди. Босиб олинган ерлардан генерал-майор Абрамов бошчилигида Зарафшон округи ташқил этилди. У ўз навбатида 2 қисмга: Каттакўрғон ва Самарқанд бўлимларига бўлиниб, уларга подполковник Карганов ва старшина Серовлар бошлиқ этиб тайинландилар.

Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман уруш тугаганлиги хусусида 1868 йил 24 ва 25 июнь кунлари ҳарбий вазир Д.Милютин ва канцлер А.Горчаковга ёзган рапортларида, Зарафшон воҳаси муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлигини, уни тортиб олиш амирликни заифлаштириб, Россия империясига қарамлигини кучайтиришини баён қилди. Жумладан, генерал-губернатор шундай деб ёзган эди: "Ўз тажрибамга таяниб шуни айтишим лозимки, Бухоро хонлигини келгусида янада заифлаштириб, амир обрўсини Ўрта Осиёда янада пасайтириш керак... Амир қўлида маблағлар бўлар экан, у бизга қарши кураш олиб бораверади. Шу боис ундан ушбу маблағларни тортиб олиш керак. Унинг асосий манбаи Зарафшон воҳаси эди, эндиликда бу воҳа бизнинг ҳудудга қўшиб олинди". Туркистондаги империя ҳарбий маъмуриятининг амирликка нисбатан сиёсати моҳияти шу тарзда баён этилган эди. Амирликни буткул тугатиш айтиш воқелик баён этилаётган пайтда Россия империяси сиёсий-стратегик мақсадларига кирмас эди. Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар деярли икки йил мобайнида давом этиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан империя мақсадларига тўла мос келмаган эди. Бухоро амирлигига нисбатан қилинган ҳарбий юришлар ўз навбатида бошқа истилочилик юришларига нисбатан анча оғир кечиб, умумхалқ озодлик ҳаракатининг қаттиқ қаршилигига дуч келади.

Абдулмалик тўра (Катта тўра) бошчилигидаги озодлик ҳаракати.

Бухоро амирлигидаги биринчи халқ-озодлик кураши раҳбари, Россия империяси истилосига қарши туриб, Бухоро халқи озодлик кураши йўлбошчисига айланган Абдулмалик (Катта-тўра) амир Сайид Музаффариднинг (1823-1885) тўнғич ўғли, тахт валиаҳди бўлиб, 1848 йили Бухорода таваллуд топган эди.



**Абдулмалик тўра
(1848-1909)**

Тахт ворисларини меросхўр унвонига тенг бўлган Катта тўра фахрий номи билан номлаш одат бўлган. Одатда «тўра» сўзини хон ўғиллари номига, шахзодалар исмига қўшиб айтиш ҳурмат даражаси ҳисобланган. Шу боис ҳам Абдулмалик тўра «Катта тўра» номи билан ҳам (яъни катта ўғил, меросхўр маъносида) тарихда из қолдирган.

Абдулмалик (Катта тўра) ни Бухоро-Россия муносабатлари кескинлашган бир вақтда, отаси томонидан аввал Кармана, сўнгра Ғузорга (тахм.-1864 йили) ҳоким (бек) этиб тайинланади. Эржар бўйидаги жангдан (1866 йил 8 май) ва айниқса Жиззах рус қўшини томонидан (1866 йил, 19 октябрь) истило этилганидан кейин амир Музаффар ўзининг Самарқанддаги қароргоҳидан чиқиб Карманага келди.

Тез орада нафақат бекликларда, балки пойтахт Бухорода ҳам урушлар натижасида иқтисодий аҳвол анча мушкуллашди. Амир Музаффар шундай бир мураккаб ички сиёсий вазиятда, рус қўшинлари кетма-кет Бухоро ерларини забт этаётган бир пайтда, ўзининг биринчи даражали шахри, кадимий Самарқанд мудофаасини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга катта эътибор бера бошлади.

Чунки, Жиззахдан кейинги марра босқинчилар учун Самарқанд эканлиги барча учун аён эди. Шунинг учун ҳам амир

Самарқандда тахт вориси бўлишини маъкул деб топди. Тахт вориси – Ғузур беги бўлмиш Абдулмалик тўра, Ҳисор ҳокими Раҳмонқул парвоначи, Миёнкол қўшини, бухоролик навкарлар билан биргаликда Самарқанд мудофаасини ташкил этиш учун қолдирилди.

Бу воқеа тахминан 1866 йил октябрь ойи охирларига тўғри келди. Самарқандда Абдулмалик тўра 1867 йилнинг ўрталарига (ёки охирларига) қадар бўлган. Абдулмалик тўра Самарқандда узоқ тура олгани йўқ. Ҳолбуки у шахзода ҳамда катта ўғил сифатида амирликнинг фахри ҳисобланмиш бу шаҳарда қолиши, истилочиларга қарши мудофаани ҳам ташкил этишга ҳисса қўшиши мумкин эди. Амирликка қарашли Самарқандда бу вақтда Шерали иноқ номли шахс ҳоким эди. Шерали иноқнинг мазҳабпарастлиги, халққа зулми-зўравонлиги ошиб кетганлигидан безган шаҳар аҳли, унинг устидан шикоят билан амирга мурожаат этади.

Амир шикоятга қулоқ ҳам тутмай, аксинча самарқандлик шикоятчиларни ўзларини жазолайди. Амир томонидан қўллаб-қувватланган Шерали иноқ шикоятчилардан аёвсиз қасос ола бошлайди.

Шерали иноқ тўрани шаҳардан жўнатиб юборганидан кейингина ўз ҳолича иш тутиши мумкинлигини яхши билар эди. Шу тарика, Шерали иноқ шаҳар аҳлига хайрихоҳлик кайфиятида бўлган, Россия империяси босқини ва мустамлакачилигига қарши фаол кураш тарафдори бўлмиш Абдулмалик тўранинг ватанпарварлик ҳис – туйғуларини "фитначи" ва "исёнчи" деган тамғалар билан изоҳлаб амирга чақув хатлари юбора бошлади.

Самарқанд ҳокимига катта умид боғлаган амир бу ҳолатни англамай, ғазаб устида ўғлини Самарқанддан чақиртириб олиб, қайта Ғузур беклигига жўнатиб юборди. Чунки, амирнинг ўзи ҳам Катта тўра Самарқандни марказ қилиб олиб ҳукмдорга қарши кураш олиб бориши мумкин деб, хавотирга тушган эди. Ўз ўғлининг мустақиллик ва озодлик кайфиятини тожу-тахт учун кураш учун деб йўйганлиги, катта тўранинг нафсониятига қаттиқ тегди ва кейинги фаолиятида ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Зулм-зўравонлик ва ҳақсизликдан безган Самарқанд аҳли ичида норозилик кайфиятлари, эндиликда очикдан-очик

қаршилик чиқишларига олиб келди. Ватанпарвар кучлар ҳамда озодлик ҳаракати тарафдорларининг тарғиботи кучайди. Шаҳарда Россия империяси истилоси ва ҳоким зўравонлигига қарши чиқишлар бошланиб кетди. Аксарият ҳолларда бу чиқишларга ўз даврининг зиёлилари ҳисобланмиш мулла ва талабалар бош бўлдилар. Ғалаёнларни бостириш учун ҳоким ва Самарқанд қозиси Домулло Маҳмудлар томонидан исёнчилар ҳузурига юборилган уламо Авлиёхўжа ўроқ Ахрорий, оқсоқоллардан Мўминбек тўқсоба, Раҳматуллоҳ ҳожиларнинг панду-насиҳатларини эшитишни ҳам ҳеч ким ҳоҳламади. Аксинча, ўртадаги тўқнашув натижасида оқсоқоллардан бири Мўминбек тўқсоба ўлдирилиб, Авлиёхўжа ўроқ эса оғир яраланди. Самарқанд ҳокими Шерали иноқ, ғалаёнларни бостириш учун амир томонидан юборилган Муҳаммадибий ва Зайналбий бошчилигидаги сарбозларни ғалаён маркази Тиллақори мадрасасига юборди. Мадраса ўраб олиниб, сарбозлар зўравонлик билан мадраса эшикларини бузиб, ичкарига бостириб кирдилар тўс-тўполон натижасида кўплаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлдилар.

Ҳукмдордан нажот топмаган, маҳаллий ҳокимнинг зўравонлигидан эзилган Самарқанд аҳли номидан бир гуруҳ оқсоқоллар Кауфманга мактуб ёзиб, шаҳарни унга топширишга кўнганликларини билдирдилар.

Амирнинг олиб бораётган нобоп ички ва ташқи сиёсати, Россия империяси кўшинининг тобора давлат ичига кириб бораётганлиги, кетма-кет муваффақиятсизликлар давлат инкирозини янада чуқурлаштириб юборди. Бундай бир сиёсий вазиятда юрт мустақиллиги ва озодлиги кайфиятидаги ватанпарвар кучлар эса эндиликда ёш бўлсада, обрўли ва тадбирли шахзода Абдулмалик (Катта тўра) тўра атрофида жипслашишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблай бошладилар.

Абдулмалик (Катта-тўра) тўра Ғузорга қайтиб келганидан сўнг ўз атрофида ватанпарвар кучларни жамлай бошлайди. Таниқли уруғ бошлиқлари Худоёр тўқсоба қора манғит, Ибодуллобек тўқсоба оқ манғит, Иброҳим тўқсоба тўқ манғит ва бошқалар ҳам бу вақтда тўра ҳузурда бўлиб, унинг дадил ва фаол ҳаракат ила империя босқинининг илгарилаб кетишига йўл қўймаслик фикрини қўллаб-қувватлар эдилар. Ғузордаги вазият амир Музаффарни ташвишлантирмай қўймас эди. Бу хусусда

амир саройдаги машварат (маслахат)дан сўнг, ғалаён учкунларини бостириш учун Ғузорга таниқли амалдор Абдулкарим девонбегини юборади. Абдулкарим девонбеги саройдаги обрў-эътиборли амалдорлардан бири эди.

Абдулкарим девонбегининг Ғузорга келганини эшитган уруғ бошлиқлари, жумладан Худоёр тўқсоба, аввало у билан ўзи учрашишга қарор қилди. Уруғ бошлиқлари амир фармонидаги мазмунни фахмлаб, уни бутун арқда ҳамманинг олдида ўқиб, унга изоҳ беришни девонбегидан талабгор эдилар. Шунинг учун ҳам улар девонбеги билан биргаликда Катта тўра хузурига арқка йўл олдилар. Девонбеги вазият унинг фойдасига ҳал бўлмаётганлигини англаб, Катта тўра билан учрашувда бир неча сўз айта олди, холос. Уруғ бошлиқлари, ҳарбий зодагонлар девонбеги сўзларига ишончсизлик билдириб, амирнинг кейинги вақтдаги ноўрин ички ва ташқи сиёсати, ватанпарвар кайфиятидаги кишиларга ишончсизлик, тўра ва унинг атрофидаги кучларни суриштирмай, тухматга ишониб, Самарқанддан кетказиб юборилиши тагидаги мақсад моҳияти хусусида ўз фикрларини билдирдилар.

Албатта Бухоро амирининг Россия империяси истилочилигига қарши етарли даражада кураш олиб бормаётганлиги, унинг ички ва ташқи сиёсат борасидаги қатор салбий хатти-ҳаракатлари, ўз атрофида Ватан озодлиги учун кураш тарафдорларини жипслаштира олмаётганлиги, лоқайд ҳамда заифлиги Катта тўра ва ватанпарвар кучларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлар эди. Озодлик ва мустақиллик тарафдорларининг ўз атрофида жипслашиб бораётганлигини тўра ҳам яхши англади ва албатта бу курашга унинг ўзи тахт вориси сифатида раҳбарлик қилиши лозимлигини тушунаётган эди. Лекин, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тожу-тахт учун кураш, бу ҳаракатнинг аввал бошидаги мақсадига кирмаган, албатта амирдан норозилик кайфиятлари кучли бўлса-да, ундан тахтни тортиб олиш, ҳокимият учун курашиш Абдулмалик тўра мақсадларига мувофиқ эмас эди.

Ғузорда ўқ-дори тайёрлаш ва озодлик курашига ҳарбий тайёргарлик бошланиб кетди. Турли табақа вакиллари ҳар томондан Ғузор марказига йўл ола бошладилар. Ён-атрофдаги вилоят ва бекликлар, Шерободдаги кўнғиротларга, Қарши вилояти аҳлига, туркманларнинг эрсари қабиласи ҳамда бошқа

атрофдаги аҳолига хитобномалар йўллаб, уларни Абдулмалик тўрага буйсунишга, у бошчилигидаги озодлик кураши олиб боришга чақира бошладилар. Қисқа муддат ичида ён-атрофдан барча озодлик ва мустақиллик учун курашувчи ватанпарвар кайфиятидаги тўра тарафдорлари Ғузорга йиғила бошлайдилар. Ҳисор, Шеробод, Денов, Кулобдаги ҳокимларга халқ буйсунмай қўйди. Шерободда эса амир томонидан қўйилган иноқ Каримқулбийни қўнғиротлар лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига Останақулбийни тайин этдилар. Амирлик жанубининг ҳамма ерларида ғалаёнли вазият кучая бошлайди.

Амирликнинг катта таъсирга эга бўлган бекликлари Шаҳрисабз ҳокими Ҳакимбий ва Китоб ҳокими Жўрабеклар ҳам амир фаолиятидан норози бўлган ҳолда Катта тўрага элчи юбордилар. Улар эндиликда тўрага умид боғлаб, Ватан озодлиги йўлида иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишга аҳд қилган эдилар. Ниҳоят қўшин билан Самарқандни босқинчилар қўлидан озод қилиш ва мамлакат ҳудудий яхлитлигини тиклаш мақсадида Катта тўра Самарқанд томон йўл олади. Уларга Шаҳрисабз йўлида унинг ҳокими Ҳакимбий, Китоб ҳокими Жўрабек бошчилигидаги кўпчилигини кенегас уруғи вақиллари ташкил этувчи қўшин келиб қўшилди.

Абдулмалик тўра бошчилигидаги бирлашган қўшин Тахтиқорача доводидан ўтиб, Самарқанд йўлига тушганларида хитой, қипчоқ уруғи, қорақалпоқлар, Самарқанд тожикларидан кўплаб вақиллар келиб, тўра билан иттифоқликда ҳаракат қилиш хусусида бир битимга келдилар.

Абдулмалик тўра қўшинида шунингдек, қозоқ озодлик ҳаракатининг таниқли намоёндаси Кенесари Қосимовнинг ўғли Сиддиқ тўра, собиқ Ургут беги Ҳусайнбек, собиқ Ўратепа беги Абдулғаффорбек ва бошқа кўплаб обрў-эътиборли шахслар ҳам бор эди.

Самарқанд аҳли ўз эрки ва озодлигини барча ватанпарвар кучлар кўмаги ёрдамида ҳимоя қилишга қарор қилди. Абдулмалик тўра асосан хонликнинг шарқий ва жанубий қисмларини ўз атрофида иттифоқ қилиб бирлаштиришга муваффақ бўлди ва Самарқандни Россия империяси домидан тортиб олиш ҳаракатига раҳбарлик қилди. Бухоро амирлиги билан Россия ҳарбий қўшинлари ўртасидаги хал қилувчи Зирабулоқ жанги арафасида келишувга мувофиқ, 1868 йил 1

июнда тарихга "Самарқанд кўзғолони" номи билан кирган тўра кўшини ҳамкорлигида шаҳар аҳлининг Россия империясига қарши бир ҳафталик озодлик кўзғолони бўлиб ўтди. Амирнинг ўз шахсий манфаати, тожу-тахтни Ватан тақдири, халқ манфаатидан устун қўйиши натижасида давлат келажаги учун олиб борилган озодлик кураши парокандага учрайди. 3 июнда маълум сабабга кўра шахрисабзликлар жўнаб кетган бўлишса-да, тўра озчилик кўшин билан ҳужумга ўтди. Лекин, энди бу кўшин олдингидек кучли ва уюшган кўшин эмас эди. 4 июндан Кауфман то - 8 июнга келгунга қадар асосан самарқандлик аҳолининг ўзи бу озодлик кўзғолонида иштирок этди.

Ҳарбий устунликка эга рус гарнизони қўрғондан туриб шаҳарни ўққа тутиши натижасида кўп иморат ва турар жой биноларига захмат етди. Кўзғолоннинг охири вақтларида империя ҳарбийлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида бир неча маротаба қуролли тўқнашувлар ҳам содир бўлди. Шаҳрисабзлик кўшиннинг кетиши, қамалнинг деярли тўхтатилиши, маҳаллий аҳоли кайфиятига салбий таъсир этса-да, лекин халқ ўз озодлик курашини давом эттираверди. 1868 йил 8 июн куни соат 12ларда шаҳар гарнизонига ҳарбий ёрдам ва кўзғолонни бостириш учун генерал К.П.Кауфман бошчилигидаги ҳарбий кўшин етиб келди, озчилик ҳарбий куч ва қурол яроққа эга бўлган Абдулмалик тўра Кауфман ташрифи билан орқага чекинишга мажбур бўлди. У рус отряди билан тўқнашганидан сўнг эшон Умархон отряди билан биргаликда Дарғом канали орқасига чекинишга мажбур бўлди.

Шаҳарга катта ҳарбий куч билан кириб келган генерал Кауфман бирваракайига шаҳарни ўққа тутишга буюрди. Шаҳар бозори ва дўконлар ёқиб юборилди. Кўзғолонда фаол иштирок этганлар қаттиқ жазоландилар. Уларнинг бир қисми ўлимга, қолгани сургунга ҳукм қилинди.

Шаҳар аҳли ва тўра кўшини орасидаги бирликнинг йўқолиши, омманинг асосий қисми қуролсиз бўлиб, қурол-яроғнинг етишмаслиги, шахрисабзлик кўшиннинг орқага чекиниши, ўзаро пароканда тарзда иш тутиш - буларнинг ҳаммаси кўзғолоннинг муваффақиятсиз тугашига сабаб бўлган эди.

Бу вақтда Абдулмалик тўра Дарғом бўйида рус кўшини билан бир неча маротаба тўқнашиб, мардонавор жанг қилди.

Ҳарбий жиҳатдан устун бўлган истилочилар отрядлари билан нотенг жангларда қолган, одамларининг ҳам бир қисмидан айрилгач тўра Тахтиқорача довонидан ўтиб, Шаҳрисабз томон чекинишга мажбур бўлди. Рус отрядлари уни тоғликларга қадар таъкиб этиб бордилар. Шаҳрисабзда тўра иззат-икром билан кутиб олинди. Шаҳрисабз ва Китоб беклари Бобобек ва Жўрабеклар бундан кейин ҳам Катта-тўрага тобе бўлишларини ҳамда у билан иттифоқликка, ўзаро битимга ўз садоқатларини билдирдилар. Шундан сўнг, Шаҳрисабзда бир оз бўлгач, Катта тўра яна ўзининг эски қароргоҳи Ғузур беклигига қараб жўнаб кетди.

Абдулмалик тўра бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати аввал бошда шу тарзда бошланиб амирнинг подшо Россияси билан сулҳ тузгунга қадар шу тариқа давом этган эди. Ушбу ҳаракат натижасида амирликнинг жануби ва шарқида, сўнгра ҳамма ерида халқ, ўз эрки ва озодлигини ҳимоя этиш учун ўрнидан кўзғалди. Россия империяси истилоси ва мустамлакачилигига, амирнинг лоқайд ва таслимчилик сиёсати, зўравонлиги ва зулмига, маҳаллий ҳокимларнинг ўзбошимчалигига, парокандаликка қарши барча табақа, қабила - уруғ, элат ва халқлар вакиллари биргаликда бу озодлик ҳаракатида иштирок этдилар. Уруғ бошлиқлари, ҳарбий саркардалар, зодагонлар, нуфузли зотларнинг кўпчилиги ўзаро гина-қудратни унутиб, тўра билан ҳамжиҳат тарзда ҳаракат қилдилар. Ватан такдири ва озодлиги барчани иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишга ундар эди. Катта тўра Бухоро амирлиги тарихида илк бор Россия империяси истилосига қарши, ўрта асрчилик бидъати ва парокандалигига қарши умумхалқ озодлик курашини бошлади ҳамда унга ўзи раҳбарлик қилди.

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасида тузилган сулҳдан (1868 й. 23 июнь) кейинги ички сиёсий аҳвол хусусида манба ва адабиётларда, афсуски жуда кам ва умумий тарзда ёндошилади. Шу давр тарихий манбалари ичида шубҳасиз асосий маълумотни бухоролик муаррих Мирзо Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстоний (Мирзо Абдулазим Сомий 1838/39—1914) беради. Воқеалар жараёни деярли муфассал тарзда, фақат икки ҳил ёндошув асосида унинг 2 та, расмий "Тухфайи шоҳий" ва норасмий "Тарихи салотин манғития" асарларида ўз аксини намоён қилади. Россия империяси даври қатор муаллифлари бу

даврга умумий ва юзаки тарзда ёндошиб, уни аҳамиятсиз тарзда, ҳаракатни "тахт учун кураш" ҳолатида кўрсатишига ҳаракат қилишган. Аксарият ҳолатларда озодлик ҳаракати бостирилган санагина берилиб, ҳаракатга табиийки, тамомила салбий муносабат билдирилар эди.

Собиқ совет ҳукмронлиги даврида сулҳдан кейинги давр ва озодлик ҳаракатининг маҳв этилиши хусусида ҳам юқоридагидек салбий ва умумий муносабат билдириб, воқеалар жараёни деярли ёритилмаган.

Россия империяси билан тўзилган нотенг ва ноҳақ сулҳ шартномаси, Бухоро давлати ҳудудларининг асосий ва муҳим қисмлари (Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон)нинг Россия империяси ихтиёрига берилиши, катта товон пули, амирнинг таслимчилик ва риёкор сиёсати, Ватан, халқ тақдирига лоқайдлиги, Бухоро амирлигида амир ҳукуматига бўлган ишонч ва умидни тамомила йўққа чиқарди. Эндиликда озодлик ҳаракати икки томонга - амир ҳокимияти ва Россия империяси босқинига қарши қаратилганлиги учун ҳам ушбу даврдаги ҳаракатни том маънода халқ озодлик ҳаракати деб аташ тарихий воқелик мазмун ва моҳиятига тўлиқ мос келган бўлур эди.

Ватанпарвар кучлар, озодлик курашчилари тобора дадил ва мустаҳкам сиёсий позицияни эгаллаган Абдулмалик (Катта тўра) тўра ҳузури - Ғузорга йиғила бошлайдилар. Чет эл босқинчилари кириб келаётган, давлатнинг маълум қисми забт этилган мураккаб аҳволда, ички зиддиятларга, ўзаро низо ва парокандаликка тўла юртда Абдулмалик тўра ўз сиёсий позициясини аниқ белгилаб олди. Бу аввало давлат мустақиллиги учун кураш, тортиб олинган ерларни қайтариб олиш, мамлакатда ўзаро низоларга чек қўйиш, амирлик сиёсий нуфузини кўтаришдан иборат эди.

Амир Музаффар Россия империяси билан сулҳ матнини имзолагач, ўзини "ташки душмандан халос бўлдим" кабилида иш тўтиб, эндиликда ички муҳолиф кучларни бартараф этишни ўзига мақсад қилиб олди. Шу боис ҳам сулҳдан кейин Абдулмалик тўра ва уни қўллаб-қувватлаётган жанубдаги Ғузор, Қарши ва бошқа ҳудудлар аҳолисини жазолаш учун ҳарбий юришга отланди. Бу юриш тахминан 1868 йил июнь ойи охири ва июль ойининг бошларида руй берган. Қўшин билан Хўжа Муборак деган жойга келиб тушгач, ўзининг нуфузли манғит саркардаларидан Йўлдош

эшик – оғобоши ва Тўғаймурод эшикбошиларга тўрани қўлга туширишни, Қарши ҳокими Нуриддинхон тўрага хат ёзиб, тезда Ғузорга ҳарбий юриш қилиб, исёнкорларни жазолашни буюрди. Абдулмалик тўра икки томонлама ҳарбий кучлар келаётганлигини яхши англаб, уларга қарши жанг қилишга қарор қилди. У ўз ҳарбий кучлари билан Ғузордан бир фарсах (тахминан 6-8 км - муаллиф) узоқликдаги Фонийтепа деган жойга келди.

Тўрага хайрихоҳлик билдирган Шаҳрисабз ва Китоб бекларининг амирга ёрдам хусусидаги мурожаатига рад жавоби ҳукмдорни қаттиқ газаблантирди ва у тезлик билан Шаҳрисабз устига ҳарбий юриш қилишга буйруқ берди. Шаҳрисабзликлар билан олиб борилган жанг амир учун натижа бергани йўқ. Аксинча, пойтахт ва унинг атрофидаги сиёсий вазият уни камални тўхтатиб, орқага қайтишга мажбур қилган эди. Бухоролик қўшинни эса Абдулмалик тўра таъқиб этиб, унинг ортидан Қаршига қадар юриш қилди.

Абдулмалик тўранинг Қарши шаҳрига келаётганлигини билган Нуриддинхон тўра (амирнинг бошқа бир ўғли, Қарши ҳокими) Бухорога қараб қочишдан ўзга иложи қолмади. Қарши эса монеликсиз тўрага ўз дарвозаларини очиб берди. Қарши ва унинг ён-атрофидаги оқсоқоллар тўрага иззат-икром кўрсатиб, бу ҳудудлар унга тобелик ва итоаткорликда бўлишини билдирдилар.

Бу вақтга келиб Нурота, Кармана ва пойтахт Бухоро яқинида ҳам ғалаёнли вазият юзага келиб, унинг тепасида таниқли қозоқ озодлик ҳаракатининг намоёндаси Кенесари Косимовнинг ўғли Сиддиқ тўра (кўп холла Соддиқ тўра деб ҳам берилади) турар эди. Сиддиқ тўра Қўқон хонлигида хизматда бўлиб, Тошкент мудофаасида ҳам қатнашган, кейинчалик амирлик хизматига ўтган эди. Шунингдек, бу пайтда тарихчи Сомийнинг ёзишига қўра, Арслон тўра, Саданбий, Абулхайр эшикбоши сингари бошқа қозоқ саркардалари ҳам амир хузурида хизматда бўлганлар.

Сиддиқ тўра Нуротадан чиқиб, Ғиждувонга юриш қилди. 1868 йил 16 августда эса Кармана ёнида амирнинг 13.000 кишилиқ қўшинини зарбага учратиб, Карманани ишғол этди. Кармана амирнинг Бухородан кейинги иккинчи даражали қароргоҳи ҳисобланиб, унинг эгалланиши озодлик ҳаракати учун катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, Сиддиқ тўра Карманада озодлик

ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида Абдулмалик тўрани тан олишни ва ўзи унинг тарафдори эканлигини эътироф этади.

Абдулмалик тўра ва Сиддиқ тўраларнинг Ватан, халқ озодлик йўлида, мамлакат, давлат мустақиллигини сақлаш борасида биргаликда, ҳамжиҳат ҳамда иттифоқликда иш юритишлари халқларимизнинг асрий дўстлигининг яна бир тарихий исботи ҳисобланади.

Абдулмалик тўранинг Қаршини эгаллаши ва Сиддиқ тўранинг Карманадаги ҳаракатларидан аввал ҳам сулҳдан норози бўлган аҳолининг қаршилигига кучайиб кетганлигини шу даврдаги Россия ҳарбий маъмурлари ҳам ўз хабарларида тасдиқлаб ўтганлар.

Қаршида мустақиллик ва озодлик байроғини баланд кўтарган Абдулмалик тўранинг 1868 йил июл-август ойларида обрў-эътибори ва шон-шухрати халқ орасида жуда кўтарилиб кетди. У тезда амирдан норози кучларнинг ягона йўлбошчисига айланди. Чор-атрофдан унга тобелик билдириб, тўра ҳокимиятини тан олиш хусусида иноятномалар кела бошлайди. Амир тайин этган бир қатор ҳоким ва амалдорлар, жумладан Абдулҳалилбий, Мирқосим парвоначи, Абдурахмонхожи садр, Каримқулбий иноқ, Абдулазизбий ва бошқалар тўрага асир тушдилар. Яна шу ҳол ҳам эътиборга сазоворки, пойтахт Бухородаги нуфузли амалдорлар ва саркардалардан ҳам тўра фаолиятини қўллаб-қувватлаш хусусида хат-хабарлар кела бошлайди. Амирнинг энг ишонган бекларидан бири, ҳукмдорга яқин кишилардан ҳисобланувчи Баҳодирбек парвоначи ҳам пойтахтни тарк этиб, тўра хузурига кочиб ўтади. Ҳатто тўрани жазолаш учун юборилган таниқли саркарда Йўлдош эшикбоши манғит ҳам, Бухоро бош мир оби бўлган мулла Холмуродлар ҳам тўра томонига ўтиб кетадилар. Амир жуда оғир вазиятга тушиб қолганлигини капитан Гребенкиннинг Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор А.К.Абрамовга ёзган хабари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин: "Амир ҳар томонлама сиқувга олинган. Бир томондан у Нурота, Пайшанба ва Хатирчини эгаллаган Содик (яъни Сиддиқ тўра- муаллиф) билан кураш олиб бораётган бўлса, иккинчи томондан Жўрабек ва тўра томонидан сиқиб қўйилган...", - деб ёзган эди Гребенкин. Бухородаги ички сиёсий аҳволни жиддий кузатиб турган Каттакўрғон бўлимининг бошлиғи подполковник Карганов генерал Абрамовга йўллаган

маълумотида рус ҳарбий маъмуриятини бу ҳолат жиддий ташвишга солаётганлигини билдиради: "Амирнинг бир қатор беклари ундан ажралиб чиқиб, катта ўғилга қўшилиш учун кетдилар. Ўзбекларнинг обрўли ва кучли уруғлари- қипчоқлар, найманлар ва Бухородаги умуман барча халқлар катта ўғилнинг томонидалар... Хабарларга кўра Катта ўғил Бухорони эгаллаб, ўзини амир деб эълон қилгудек бўлса, янги амир албатта Каттақўрғон устига юриш қилиши турган гап. Амирнинг тахтдан ағдарилиши, катта ўғилнинг тахтга чиқиши эҳтимоли жуда баланд, унинг атрофида эса ўз навбатида амирнинг аёвсиз душманлари - Жўрабек ва Содик (Сиддик) йиғилиб олишди".

Абдулмалик тўра маълум бир вақтда отаси билан ихтилофни унутиб, истилочиларга қарши биргаликда кураш олиб бормоқчи, ҳарбий кучларнинг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик учун музокаралар орқали ҳаракат ҳам қилмоқчи бўлган кўринади. Амир эса халқ ичида обрў-эътибори пасайиб, ундан норозилик ўсиб бораётганлигидан хавотирга тушган ҳолда озодлик кураши бошланганлигиданоқ (1868 йил баҳори) ватанпарвар кучларни гарчи тан олишни хоҳламасада, улар билан музокаралар юритишга мажбур бўлган эди. Шу йўл орқали у ўз ҳокимиятини хавфсизлантирмоқчи, иттифоқчи кучларни пароканда қилиб, улардан ўз мақсадида фойдаланмоқчи ҳам эди.

Лекин юкоридагилардан яхши маълумки, амир аксинча иттифоқчилар ўртасига парокандалик ва хиёнат уруғини сочган, тожу-тахтини давлат келажаги, халқ, юрт манфаатидан юкори қўйган эди. Музокараларнинг бесамар чўзилиши амир Музаффарнинг вақтдан ютишига ҳамда бир оз "қаддини ростлаб" олишга имкон берган эди. Амир музокаралар олиб боришига карамай, озроқ куч тўплаб олиб, Қарши ва Яккабоғга ҳужум уюштирди. Яккабоғ тўпга тутилиб, амир Қарши ва Чироқчини қўлга киритишга муваффақ ҳам бўлди. Амир Музаффар тўра тарафдорларини жазолашга киришди, жумладан тўранинг сафдоши Усмонбек, тўранинг онаси ва бошқалар ўлдирилиб, 30 минг тилло баҳосидаги мол-мулки мусодара этилади.

Туркистондаги мустамлака ҳукумати бошлиғи К.П. фон Кауфман амир Музаффар ҳукуматига ён босиб "туқнашувлар содир бўлиши эҳтимоли бор вақтида, амир фойдасига диверсия уюштириб, Қоратепа ёки Ургут, ёки Жом, ёки Жом ортига ўз

вақтида ҳаракат қилишни, лекин ҳарбий тўқнашувлардан ўзини тийиб туриш", лозимлигини буюради.

Шундай қилиб, жойларда мустамлакачилар томонидан босиб олинган ерларни қайтариб олиш, истилочиларни мамлакатдан хайдаб чиқариш, сулҳни бекор этиш, амирни ҳокимиятдан олиб ташлашга доир норозилик ҳаракатлари авж олиб, бутун амирлик озодлик кураши домига тортилади. Амирнинг аҳволи ниҳоятда танг, тўра тарафдорлари ҳар соатда пойтахтга кириб, ҳокимиятни қўлга олишлари мумкин эди. Абдулмалик тўра бошчилигидаги иттифоқчи ватанпарвар кучлар амирликдаги барча табақа ва халқ, элатлар қўллаб-қувватлаши натижасида ўлкада сиёсий вазиятни ўзгартириб юбориш арафасида эдилар. Содик (Сиддик тўра) Кармана ва Ғиждувонда туриб бу ерларни бошқариш учун тўрадан беклик ёрлиғини олган, амирга шимолдан туриб хавф солар, жанубда Абдулмалик тўранинг 14 минг сонли қўшини Чироқчини эгаллаб, бутун амирлик жанубини ўз ихтиёрига олган эди. Амир иттифоқчи кучлар қуршовида қолган, империя қўшинидан очиқ-ойдин ёрдам сўраш учун халқ норозилигининг янада ўсиб кетишидан хавфсирар эди. Агарда рус қўшини аралашмаса, пойтахтни кийинчиликсиз эгаллаш юқорида қайд этилганидек, иттифоқчи кучлар учун бемалол бўлиб қолган эди. Россия мустамлакачи ҳарбий маъмурияти ўзлари учун вазиятни бундай тарзда ўзгараётганлиги натижасида дарҳол иккита муҳим аҳамият касб этувчи карорга келдилар.

Биринчидан, амир Музаффарни Бухоро тахтида сақлаб қолиш ва унинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш Россия мустамлакачи маъмурияти сиёсатининг муҳим стратегик вазифаси деб топилди. Иккинчидан эса Абдулмалик тўра бошчилигидаги иттифоқчи ватанпарвар кучларни ҳарбий аралашув йўли билан буткул тор-мор келтириш лозим деб ҳисобланди. Генерал Абрамовнинг амир ҳукуматини ҳар қандай йўл билан сақлаб қолишга қаратилган ҳаракати унинг 3 сентябрда амирга ёзган мактубида ҳам Россия империяси сиёсатининг моҳиятини кўрсатади. "Сизнинг оқ подшоҳга дўстлигингиз туфайли ҳам, мен сизга қўлдан келгунча ёрдам беришим керак ҳамда ишончингиз комил бўлсинки Бухорода ҳеч қандай тўнтаришлар бўлишига, сизнинг ҳокимиятингизга зарар етишига мутлақо йўл қўймайман. Шунинг учун ҳам мен Жомда катта

отряд тўплаб, ўғлингиз ва Жўрабекнинг Бухоро юриши йўлига тўсиқ қўяман”.

Бундай вазиятда Абрамов Шаҳрисабз йўлига рекогносцировка қилиш мақсадида 10 сентябрь куни 2 рота пиёда, 250 нафар казаклар ва 4 та тўпга бош бўлиб шахсан ўзи йўлга чиқади. Абрамов отряди 40 верст йўлни босиб Китобга қадар кириб борди. Рус қўшини Шаҳрисабз ва Китобни эгаллаши мумкин деган фикр билан ташвишли тарзда Жўрабек ва Бобобеклар халқни қўлга қурол олишга чақирдилар. Уларнинг чақириғи билан ҳарбий навкар ва кўнгилдилар, тоғ мерганлари йиғила бошладилар. Анча танг аҳволга тушиб қолган Жўрабек ва Бобобек, ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ёрдам сўраб Катта тўрага мурожаат қиладилар. Иттифоққа ҳамиша содиқ бўлган Абдулмалик тўра ўз аҳволи жуда қониқарли бўлмасида, ёрдам учун 4.000 нафар қўшинни бир неча тўп билан Шаҳрисабзга юборади. Генерал Абрамовга воқеалар жараёнининг худди шундай хулосаси керак эди, чунки Қаршидан бир қисм қўшинни жўнатган Катта тўра анча заифлашган, шаҳрисабзликлар эса ўзларининг аҳволлари қийинлашиб тўра билан ҳамкорликда ҳарбий юриш қилишга қурбилари етмас эди. Бу хусусда генерал Абрамов 12 сентябрь куни амирга ёзган хатида "эндиликда Жўрабек ва Бобобеклар ўз шаҳарларида, ўғлингиз эса бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз туфайли улардан ҳеч қандай ёрдам ололмайди. Чунки, мен унинг йўлини тўсиб турибман", -деб Бухоро амирлиги ички ишларига аралашувини очик-ойдин эътироф этади.

Генерал Абрамов бу вақтга келиб ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракатини сиқиб қуйишга, аҳолининг унга бўлган ишончини сўндиришга, Катта тўрани боши берк кучага киритиб қуйишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. "Буткул анархия" қолатига келиб қолган пойтахтдаги амир Музаффар ҳукумати генерал Абрамовнинг саъй ҳаракати туфайлигина ўз позициясини мустаҳкамлай бошлади. Хонлик шимолида ҳали ҳам амир ҳокимияти учун тахликали вазият сакланиб турар, айниқса, Хатирчи, Кармана, Ёждувон, Нуротада вазият кескин тарзда эди. Бу ерларда аксарият халқ тўра томонида бўлиб, норозиликлар амир пойтахтга келгандан сўнг яна ҳам авж ола бошлаган эди. Бир қатор ерларда тўра тайин этган беклар ҳокимиятни бошқарар,

улар ичида айниқса Нурота ва Карманани бошқараётган Сиддик тўранинг нуфузи баланд эди. Сиддик тўра пойтахтнинг ўзига ҳам хавф солар, ўз отряди билан Бухородан 1 тош (тахм -8 верст) яқинликдаги ерларга қадар кириб борган эди. Генерал Абрамовнинг ҳам маънавий, ҳам сиёсий ва ҳарбий жихатдан амир ҳукуматини ошқора қўллаб-қувватлаши ҳамда Жомдаги Россия ҳарбийларининг иттифоқчи кучларни Бухоро юришини тўхтатиб туришга муваффақ бўлиши амир ҳукумати учун ижобий ҳолатни юзага келтирди. Амирга яқин кишилар Худойкулбек, Мухаммад Зоирбек, Раҳмон парвоначи ҳар бирлари амирга 300 тадан 500 нафаргача навкар етказиб беришди. Зиёвуддин беги Раҳматбий ҳам амир ҳузурига етиб келди. Амир Музаффар 1868 йилнинг 13 сентябрида исёнкор ерларга қўшинини бўлиб жўнатиб, Сиддик тўра турган Карманага хужум уюштирди. Қаттиқ жангдан сўнг, Сиддик тўра қўлидан яраланиб, Томди томонига чекинишга мажбур бўлди. Амир Абдулмалик тўра ва Сиддик тўраларнинг тарафдорларини катл эттириб, Карманада ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлган бўлсада, лекин бу ҳол мамлакатда унинг обрўсини кўтармаган эди.

1868 йил сентябрь ойининг охирларига келиб хонлик ичида ва унинг чегарадош ҳудудларида вазият огир ҳолда сақланиб турар эди. Очикдан-очик Бухоро амирлиги ҳудудига бостириб киришга ҳатто пойтахтдаги Россия империяси расмий маъмурларининг кўпчилиги ҳам қарши бўлиб, бу ҳол халқаро майдонда рус ташқи сиёсати нуфузига путур етказар, Англия билан шундай ҳам таранг бўлган муносабатларни янада кескинлаштирар эди.

Генерал Абрамов амирнинг тезлик билан ҳарбий юриш қилишига амин бўлиб, бу ҳарбий операция "муваффақиятли туталланади" деган фикрда эди. Лекин, Абрамов хонликдаги вазиятдан буткул хабардор эмас, вазият эса кундан-кунга ўзгариб борар эди. Генерал Абрамовнинг ҳисоб-китоби ўзини оқламади. Хонлик шимолида озодлик ҳаракатлари бартараф этилган деб ҳисобланган бир пайтда, октябр ойининг бошига келиб, Катта тўра сафдошларидан бири Назар Нуротадан туриб хонлик шимоли ва Каттакўрғон бўлимида ўз ҳаракатларини кучайтириб юборди. Уни Нурота, Ухум, Окдарё атрофларида яшовчи маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлаб турар эди. 4 октябрь куниёк Назар бошчилигидаги отряд чегарадан ўтиб, русларга қарашли

худудларга бостириб кирдилар. Бу отряд Россия империясига хизматга ўтган амалдорларни ҳайдаб юбориб, омборхоналардаги солиқлардан йиғилган мол-мулкни ўз ихтиёрларига олади. Каттакўрғон бўлиmidан юборилган штабс-капитан Борзенковнинг отряди махаллий аҳолининг қаршилигига дуч келиб, қийин вазиятга тушиб қолди. Назарнинг 10.000 кишилиқ кўшини эса Октепа деган жойда рус отрядини қуршовга олишга муваффақ бўлди. Катта тўра томонидан юборилган тахминан 3.000 кишидан иборат Оллоёр қоровулбеги, Ражаббек Мирохур, Абдулғаффорбеклар бошчилигида отряд эса Хатирчини қамал қилишни бошлайди. Тез орада Хатирчи эгалланиб, амир беги Бухорога қараб қочади. Назарнинг ўзи эса Пайшанба ва Митонга хавф сола бошлайди. Амир ҳокимияти ва Россия мустамлакачилигига қарши хонлик шимоли ҳамда Россия империяси ихтиёридаги чегарадош худудларда яна ғалаёнли вазият бошланади. Россия истилосидаги ерлар ва амир ҳокимияти учун ниҳоятда оғир сиёсий аҳвол юзага келди. Бутун амирлик шимоли яна бир катта қўзғолон арафасида турар эди. Агарда Назар кўшини тўра билан бир фронтга бирлашса, бунинг ўзи бутун Бухорони иттифоқдош озодлик курашчилари қўлига ўтишидан дарак берар эди. Каттакўрғон бўлими бошлиғининг хабарига кўра "туркманлар, хитой, қипчоқ уруғлари ва бошқа аҳоли"нинг барчаси бош кўтаришга шай турганлиги қайд этилади.

Туркманларнинг эрсари ва бошқа қабилалари фаол тарзда ҳаракат қилиб, ҳатто пойтахт Бухородан 8 верст яқингача бемалол кириб боришар, амирлик ҳарбий кучларига тез-тез зарба бериб туришар эди. Катта тўранинг ўзи эса биринчи навбатда хавф қаердан келишини англаган ҳолда, Бухородан Қаршига боровчи асосий йўл устидан ўз назоратини урнатади. Мустамлакачилар хатти-ҳаракатлари бу сафар ҳам деярли натижасиз тугаган эди. Чунки, тўрани сиқувга солиб қўйиш режаси аксил натижа билан тугаб, амирнинг ўзи пойтахт Бухорода сиёсий қамалда қолган эди. Ўтаётган вақт фақат Катта тўра фойдасига хизмат қилаётганлигини нафақат рус кўмондонлиги, балки буткул аҳоли учун ҳам сир бўлмай қолди. Рус кўмондонлиги олдида бундай бир таҳдидли вазиятда фақат икки йўлгина мавжуд эди. Биринчи йўл Жомдаги отрядни олиб, Самарқандга жўнаб кетиш ва хонликдаги ишларга аралашмаслик;

иккинчи йўл эса, амирнинг ҳеч бир иштирокисиз хонлик ичига бостириб кириш, рус қуроли орқали тўра озодлик ҳаракатига чек қўйиб, Россия империяси учун мақбул амир ҳокимиятини сақлаб қолиш. Биринчи йўлни рус кўмондонлиги дарҳол инкор этади. Бу йўл рус мустамлакачилиги истикболи учун хавфли, унинг оқибатлари "жуда ёмон бўлиши турган гап эди". Генерал Абрамов Жомдан кетишни, бу Катта тўра хузурида рус қуролнинг ночорлигини кўрсатар эди. Катта тўранинг юриши эса, унинг фикрича, шубҳасиз буткул ғалаба билан тугалланар эди. Чунки, фақат Россия империясининг аралашуви туфайлигина вазиятни бартараф этиш мумкинлигини рус кўмондонлиги яхши тушунар эди. Подшо Россияси озодлик ҳаракатини бостиришга ўзи бош бўлмаса, у ҳолда Катта тўранинг ғалаба қозониши аниқ эди.

1868 йил 19 октябрь куни генерал Абрамов 8 рота, 6 та замбарак, 250 нафар казак, бир неча ракета қурилмаси билан Қарши томонга, Абдулмалик тўра бошчилигидаги халқ-озодлик курашини бостириш учун ҳарбий юришни бошлайди. Гарчи Жомдан Қаршигача 2 та ўтиш йўли бўлса-да, рус қўшини секинлик билан ҳаракат қилар эди. Бунинг боиси эса, амир юборган отряд вақтида рус қўшинига келиб қўшилишига имкон берилишида эди. Озодлик ва эрк курашчиларининг йўлбошчиси Абдулмалик тўра илгаридек ўзини мустақил ва мағрур тутар, хал қилувчи жангга у ҳам жиддий тайёргарлик кўрар эди.

Тўранинг Ватан шарафи ва озодлигини ҳимоя қилишга қаратилган чақирғига мувофиқ қўшин ва кўнгиллилар Қашқадарё бўйидаги Чортоқ деган ерга йиғила бошладилар. Шу ерда истехком қурилиб, жангга тайёргарлик қурила бошланди. Катта тўранинг қаршилиқ саркардаларидан бири Йўлдош эшикбоши 2.000 нафар аскарга бош бўлиб, империя қўшинига қарши биринчи ҳужумга ўтди.

Тўранинг тахминан 40.000 нафар қўшини ва кўнгиллилар, Қаршидан 10 верст наридаги Чортоқда йиғилиб, жангга шай бўлиб турган эди. Бу ерда кўплаб таниқли зотлар - Содик тўра, Худоёр тўқсоба, Умарбек додҳох, Ўлмасбий, Абдулғаффорбек, Назар ва бошқалар ҳам тўра қўшинида хизматда турар эдилар. Рус қўшинининг майор Нольтце ва ясовул Принц бошчилигида 3 рота, 250 нафар казак ва 2 та тўпдан иборат отряди Чортоқ атрофига етиб келдилар. Катта тўра қўшини билан даштдаги

тўқнашувлар 21 октябрь куни кеч соат 9 ларга қадар давом этган эди. Империя кўшининг ҳарбий жиҳатдан устунлиги боис ғалаба улар томонида бўлди. Тўра аввал Ёртепага, сўнгра Тошқўрғон қалъасига чекинди.

22 октябрь куни Қаршида озодлик ҳаракати бошланди. Шаҳар ва унинг атрофида табиийки тўра тарафдорлари кўпчиликни ташкил этар, уларнинг чақиригига кўра бутун Қарши аҳли бош кўтарган эди. Ватанпарвар кучлар шаҳар ва унинг атрофидаги боғларга қурол билан яшириндилар. Тез орада кўнгиллилар ҳам шаҳар атрофига йиғала бошладилар. Бундай қаттиқ қаршиликка дуч келишини кутмаган Абрамов шахсан ўзи 4 рота ва 4 тўп билан Қаршига етиб келди. Тезлик билан 2 рота шаҳар боғларига ҳужумни бошлади. Ўзаро қаттиқ тўқнашувлар 2 соатга яқин давом этиб, кучли ва уюшган тажрибали рус кўшини фойдасига ҳал бўлди. Афсуски, тажрибасиз, қурол яроқсиз, йўлбошчиларсиз қолган ватанпарвар кучлар чекинишдан бошқа иложлари қолмади. Шаҳар талон-тарож қилинди, сўнгра амир томонидан юборилган вакилларга топширилди. Қаршида тўра тарафдорларини қаттиқ жазоланиши бошланди. Қарши аркида жон сақлаб қолган унинг оиласи эса асирга олиниб, Бухорога жўнатилди.

Кейинчалик Туркистон генерал-губернатори ҳарбий вазир ва императорга йўллаган рапортида Қаршига амалга оширилган ҳарбий юришни тамомила оклаб кўрсатади ва бу империя мустамлака манфаатларига тўлиқ мос келишини исботламоқчи бўлди.

Бу вақтга келиб Абдулмалик тўра Шаҳрисабздан 80 верст жанубда жойлашган тоғли Лангар маконида паноҳ топган эди. Абдулмалик тўра хузурида эса унта садоқатли 200 нафар киши ҳам ҳизматга шай бўлиб туришар, улар эндиликда тўрадан ажралмасликка қасамёд қилган эдилар. Оғир аҳволда қолган Абдулмалик тўра ушбу вазиятдан чиқиш йўлларини кидирди.

Абдулмалик тўра кейинчалик Хива хонлигига жўнаб кетди. Муҳаммад Раҳимхон II унга хонликда қолишни тавсия қилди. Абдулмалик тўра бир мунча вақт хонликда бўлиб, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетди. Сўнгра бир неча вақт шарқ мамлакатларида бўлди. Шарқий Туркистонда юзага келган Еттишаҳар давлати ҳукмдори Ёкуббек уни хизматга чақирди. Катта тўра 1877 йилгача бу давлатда бош лашкарбоши

лавозимида фаолият кўрсатди. Ушбу давлат хитойликлар томонидан тор-мор этилгач, тўра Ҳиндистонга кетди. Абдулмалик тўра 1909 йил 61 ёшида Ҳиндистонда Пешавор шаҳрида вафот этди.

Мураккаб ва зиддиятли давр фарзанди бўлган Абдулмалик тўра фаолияти табиийки, хато ва камчиликлардан холи бўлмаган. Амирликдаги сиёсий танглик, амирнинг ҳарбий ва сиёсий калтабинлиги, амир кўшинларининг ҳарбий лаёқатсизлиги, рус армиясининг ҳарбий даражада юқори турганлиги, Абдулмалик тўранинг сиёсий тажрибасизлиги, унинг уруғ бошлиқлари ва ҳарбий саркардалар таъсир доирасидан кўп ҳам чика олмаслиги, ўзбошимчалик ҳолатларига вақтида чек қўймаслик, қурол-яроғнинг етишмаслиги, ҳарбий тайёргарлик даражасининг пастлиги- халқ озодлик курашининг биринчи даври муваффақиятсизлигига олиб келди. Албатта, турли сиёсий кучлар гоҳида бу ҳаракатдан турли мақсадларда, жумладан кейинчалик ҳокимият масаласида ўз манфаатларидан келиб чиккан ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилган эдилар.

7. Хива хонлигининг тугатилиши.

Бекович-Черкасский экспедициясининг ҳалокати ва 1839 йилда Перовский юришининг барбоди ҳали рус генераллари ёдидан чикмаган эди. Ўзбек хонликларининг учинчиси-Хива ўз мустақиллиги билан мустамлакачилар учун жиддий хавф солиб турар эди. 1872 йил охирларида ҳарбий вазир бошчилигида Петербургда Туркистон, Оренбург генерал-губернаторлари ва Кавказдаги подшо ноиби иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга узил-кесил қарор қилинди.

Хива хони масалани тинч йўл билан ҳал қилишга уринишлари беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузади ва душман истилочиларига қарши ўзининг лашкарбошиларини сафарбар қилади. Матмурод девонбеги, Маҳмуд ясовулбоши, Ёқуббек қалмоқ, Элтузар инок ва Бобо Меҳтар раҳбарлигидаги ўзбек ва туркман йигитлари рус кўшинлари ҳужумини қайтариш учун икки гуруҳга бўлиниб йўлга тушадилар. Генерал Верёвкин кўнғиротга юриш қилиб, талофатлар бериб бўлсада Хўжайли ва Манғит қалъаларини ишғол қилди. Кейинчалик Хоразмнинг кўҳна қалъаси Хазорасп

эгалланди. Бу қалъани бош кўмондон фон Кауфман ўзига қароргоҳ қилиб, ичкари силжиш учун таянч пунктига айлантирди. 1873 йил 29 май куни русларнинг асосий кучлари Хива остоналарида пайдо бўлдилар. Муҳаммад Раҳимхон II Хивани ўз ихтиёридаги кучлар билан мудофаа қилиб бўлмаслигига кўзи етиб, Измиқшўр тарафидаги туркман овулига кетишга мажбур бўлди.

Муҳаммад Раҳимхон Хивага қайтиб келгунча босқинчилар саройни талаб, барча қимматбаҳо буюмларни, 300 та қўлэзма асарни Петербургга жўнатдилар.

1873 йил 12 августда Гандимиён қишлоғида фон Кауфман сулҳ шартномаларини Муҳаммад Раҳимхон диққатига ҳавола қилди. Бунга кўра Амударёнинг ўнг қирғоқлари Россия ихтиёрига ўтди, рус кемаларини Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилди. Рус савдогарлари хонлик ҳудудида эркин савдо қилиш, Амударёнинг чап қирғоғидаги савдо омборлари қуриш ҳуқуқини олдилар. Хива хонлиги Россия вассалига айланиб, хонлик зиммасига 2.000.000 сўмлик товон тўлаш мажбурияти юкланди. Россия фуқароларига хонликда кўчмас мулк сотиб олишга рухсат берилди.

Россия империяси Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари кўкон хонлигида чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда эди.

1875 йилда атрофига 200 дан зиёд кишини тўплаган Пўлатхон Ўзганга келиб, хонга қарши катта хавф туғдирди. Уларга қарши Хон Исо Авлиё, Абдурахмон Офтобачи ва Саримсоқ Эшикоғаси бошчилигида 4000 кишилик аскар юборди. Бироқ 1875 йил 28 июлда йирик амалдорлар ўз кўшини билан, Худоёрхоннинг ўғли Андижон ҳокими Насриддинбек 5000 кишилик кўшини билан қўзғолончилар томонга ўтиб, бирлашди.

Аслида эса у империянинг тажовузига қарши кучларни тўплашга уринди ва шу ўринда ўз ҳаракатини сўраб Бухоро амири ва Тошкентнинг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган Саидазимбойларга хат жўнатди. кўкон хонлигидаги халқ ҳаракатлари ва Худоёрхоннинг қочиши орқасида юзага келган оғир вазият рус ҳукуматида кўл келди. 1875 йил 20 августда Кауфман бошчилигидаги кўшинлар томонидан Маҳрам қаъласининг эгалланиши хонлик тақдирини узил-кесил ҳал қилди. Насриддинхоннинг Кауфман билан келишуви халқнинг

қаҳр-ғазабини уйғотди. Пўлатхон атрофида тўпланган хоннинг атоқли амалдорлари Андижоннинг Бўтақора қишлоғида уни хон деб эълон қилдилар. Кауфман Андижонга Троцкий ва Скобелев бошчилигида катта қуролли кучларни юборди. Октябр ойи бошларида Андижон руслар томонидан оёқ-ости қилинди. Айрим маълумотларга қараганда, Андижонда шахсан Скобелев бошчилигида 20 минг киши ўлдирилган.

Пўлатхон Наманганда мағлубиятга учрагач Асакада ўрнашиб, курашни давом эттиради ва Ўш, Андижон, Марғилонни эгаллайди. Шунингдек, Абдурахмон Офтобачи ҳам душманга таслим бўлди. 1876 йил 28 январида Учкўрғонда мағлубиятга учраган Пўлатхон Олой водийсида сўнгги кучлари билан тор-мор этилди. 1876 йил феврал ойида кўкон қамал қилинган Насриддинхон таслим бўлди ва Абдурахмон Офтобачи билан Тошкентга жўнатилди. кўкон хонлиги тугатилиб, ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилиб, унга генерал Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланди.

8. Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати. Мустамлака бошқарув усули. Туркистонни Россиянинг саноат ўлкасига айлантирилиши. Хунармандчилик. Темир йўллар. Аграр сиёсат.

Россия империяси босиб олинган худудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқариш ҳамда мустамлакачиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий этиш учун барча чоратadbирларни кўрдилар. Чунки бошқарув тизими Россия империя ҳукумати учун муҳим аҳамият касб этиб, босиб олинган жойларда мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган.

Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб турган. Россия ҳукуматининг Туркистон ўлкаси учун 1865-1916 йиллар оралиғида ишлаб чиққан ҳамда амалга тадбиқ этилган ўнта қонун лойиҳалари (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар) да ва уларнинг моддаларидаги адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа

вазирликлар киритган ўзгаришларда ана шу ҳолат ўз аксини топган.

Тошкент шаҳри босиб олинганидан сўнг 1864-1865 йилларда босиб олинган ҳудудларда Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида (1865 й.) ҳарбийлашган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган Туркистон вилояти ташкил этилиб, унга генерал-майор М.Г.Черняев губернатор этиб тайинланади. Туркистон вилоятини бошқариш учун 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Муваққат Низом” қабул қилиниб, унга мувофиқ ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳарбий губернатор қўлида бўлимларга бўлиниб, уларни бўлим бошлиқлари бошқарган. Бўлим бошлиғи бир вақтнинг ўзида бўлим ҳарбий коменданти ҳам ҳисобланган. Бўлим бошлиқларига маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчи ва рус амалдорларидан тайинланадиган бошқарувчилар бўйсунган. Шунингдек, бу “Низом” га кўра, Туркистон вилояти губернатори, “бий, оқсақол, раис ва қози лавозимидаги туб жой аҳоли вакилларини эгаллаб турган лавозимида тасдиқлаш, бўшатиш, алмаштириш ваколатига эга бўлган”.

Маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчи бошқарувчиларнинг вазифалари жойларда тинчликни сақлаш, қарвонлар хавфсизлигини таъминлаш, ўрмон, сув иншоотларини кўриқлаш, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги жанжалларни ҳал қилиш, аҳолига солиқ ва мажбуриятларни белгилаш, уларни ўз вақтида ва ўз миқдорида тўлашни назорат қилиш, назорат натижаларини бўлим бошлиғига етказишдан иборат бўлган. Маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмида суд ишлари бўйича қозилар чиқарган ҳукмлар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланиши лозим бўлиб, қозиларнинг чиқарган ҳукмларини ҳарбий губернатор ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган. Кўчманчи аҳолининг бий судлари маҳаллий аҳоли бошқарувчиларининг рухсати билан ўтказилган. Бий судларида ишлар одат қоидалари асосида кўрилган.

1865 йилдаёқ Россия императори Александр II нинг фармони билан Оренбург ва Ғарбий Сибир генерал-губернаторликлари ҳамда Туркистон вилояти турмуш тарзи ва умумий аҳволини ўрганиш учун “Дашт комиссияси” тузилиб, Ўрта Осиёга жўнатилади. Ушбу комиссиянинг вазифаси босиб олинган ҳудудлардаги шароитни ўрганиш ҳамда уларни қандай

бошқариш ҳақида низом тузиш учун маълумотлар тўплашдан иборат эди. Комиссия ўз иш жараёнида босиб олинган ерлардан қуйидаги қоидаларга асосланган ҳолда фойдаланишни белгилаб берган эди:

1. Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бир қўлда тўплаган ҳолда ўлкани бошқариш.

2. Сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган барча ички ишларни бошқаришни ерли аҳолининг хулқ-атвори ва урф-одатларини ҳисобга олиб, маҳаллий аҳоли қўлига топшириш.

3. Маҳаллий бошқармада, унинг қонун ва урф-одатларида мавжуд бўлган давлат манфаатларига зиён етказувчи барча нарсаларни бутунлай тугатиш.

4. Имконияти борича судни маъмуриятдан батамом ажратиб қўйиш.

Кўриниб турибдики, “Дашт комиссияси” нинг асосий вазифаси мустамлакачиликка асосланган ўлка бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди. Бу “Комиссия” томонидан ишлаб чиқилган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси” бўйича Министрлар Кенгаши қабул қилган қарорда қуйидагилар қайд этилган эди:

1. Лойиҳада кўрсатилган ҳудудларда Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилсин.

2. Генерал-губернаторга ўлкани бошқариш учун лойиҳада назарда тутилган штатлардан келиб чиққан ҳолда, бошқариш учун амалдорлар олишга имконият берилсин.

3. Генерал-губернаторга лойиҳада кўрсатилган ерларда, ўлкадаги маҳаллий шароит, тузем (маҳаллий) халқларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сўнгги марта қонуний тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун унинг қисмлари бўйича ва яхлит ҳолда ўзининг хулосасини бериш топширилсин. Унгача лойиҳада кўрсатилган ҳолатларни асос сифатида қабул қилиб, ўлка тузилиши учун фавқулодда муҳим ва фойдали деб ҳисобланган ҳамма чораларни кўриш топширилсин.

Туркистон вилоятининг Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида бўлиши вақт ўтиши билан турли муаммоларни келтириб чиқарган эди. Шунинг учун ҳам Туркистон вилоятининг узоқда жойлашганлиги, вилоят маъмурияти вакиллари сонининг камчилиги генерал-губернаторлик билан

боғланишга, унинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатаётганлиги империя ҳукмрон доиралари ўртасида Туркистон вилоятини Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида ажратиш масаласини кун тартибига қўйган эди. 1867 йилда Петербургда Туркистон бошқаруви бўйича тайёрланган “Низом” лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокама қилиниб, унда Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. 1867 йил 11 апрелда Александр II томонидан комиссия таклифи маъқулланиб, 11 июлда Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганлиги тўғрисида фармон эълон қилинади. 14 июлда биринчи генерал-губернатор қилиб К.П.фон Кауфман тайинланади.

Янги ташкил этилган ушбу маъмурий бирлик даставвал 2 та – Сирдарё ва Еттисув вилоятларини ўз ичига олган эди. Империя ҳукуматининг 1867 йилги манифестига кўра, Кауфманга “ўлкани бошқариш учун керакли ва зарур деб ҳисобланган барча тадбирларни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқи берилиб, сиёсий, чегаравий ва савдо ишларини ҳал қилиш, қўшни мамлакатларга уларнинг Россия билан ўзаро алоқаларига тегишли музокаралар олиб бориш ва битимлар имзолаш, ўзаро келишувга эришиш ва қарорлар қабул қилиш учун ишончли вакилларни жўнатишда чекланмаган ваколатлар берилди”.

1867 йилги “Низом” лойиҳасида Туркистон ўлкасининг Россия ҳарбий вазирлиги таркибида бўлиши, ўлка ҳарбий ҳокимият орқали бошқарилиши, генерал-губернатор ўлкада жойлашган қўшинга қўмондонлик қилиши, бошқарувнинг қуйи бўғинига ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши, ўлка бошқарувини Россия империясидаги мавжуд бошқарув тизимига яқинлаштириб, кейинчалик ўлкани империянинг ажралмас бир қисмига айлантириш, ўлканинг маъмурий – ҳудудий бўлинишида эса империянинг сиёсий, иқтисодий ва стратегик мақсадларидан келиб чиқиб иш тутилиши кўрсатиб ўтилган.

Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашни биринчи даражали вазифа ҳисоблангани учун

ҳам бошқарув соҳасида дастлаб катта ўзгаришларни амалга оширмаган. Юқори органлар назоратида бўлган қуйи бошқарув органлари, солиқ тизими сақлаб қолинган. Қуйи бошқарувнинг дастлаб сақланиб қолинишига асосий сабаб маҳаллий аҳолининг ички ҳаётига дастлабки даврда кескин аралашуш ва аҳолининг турмуш тарзига катта ўзгаришлар киритиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. Ундан ташқари, янги босиб олинган ерларда ҳали қаршилик ва норозилик ҳаракатлари давом этаётганлиги, бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган ўз одамлари бўлмаганлиги, маҳаллий шароитни тўлиқ билмаслик кабилар ҳам анъанавий бошқарув тизимини маълум муддат сақлаб қолишга мажбур қилган.

1868 йилда империя Министрлар Кенгаши томонидан Туркистон генерал-губернаторига икки йил ичида янги “Низом” лойиҳасини тайёрлаб тақдим қилиниши тўғрисида кўрсатма берилади. 1871 йилда фон Кауфман раҳбарлигида Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида “Низом” лойиҳаси тайёрланиб тақдим этилсада, муҳокамада тасдиқланмай қайтарилади. Ушбу лойиҳа 1873 йилда қайта ишланиб, иккинчи маротаба Министрлар кенгашига жўнатилади. Аммо, бу сафар ҳам “Низом” лойиҳасида камчиликлар мавжуд бўлиб, “қоникарсиз, ер масаласи тартиблари эса сиёсий жиҳатдан хавфли” бўлганлиги туфайли 1874 йилда тасдиқланмай, қайтарилади. Аммо, шунга қарамадан ушбу “Низом” лойиҳасидаги тартиблар 1876 йилда янги ташкил этилган Фарғона вилоятига жорий этилади.

1882 йил 8 майда императорнинг Туркистон генерал-губернаторлигини тафтиш қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинади. Тафтиш ишларига раис қилиб “Дашт комиссияси”нинг собиқ раиси, махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс тайинланди. 1883 йилда Гирс тафтиш ишларини тугаллаб, императорга генерал-губернаторлик ва унга қарашли ташкилотларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, “Ўлкани бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси”ни қўшиб тақдим этди.

1884 йил 21 январда император Александр III нинг кўрсатмаси билан Давлат Кенгаши аъзоси, генерал-адъютант, граф Н.Игнатъев раислигида “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомнинг қайта ишланган сўнгги лойиҳасини ишлаб чиқиш” бўйича комиссия ташкил қилинади. Империянинг олий сиёсий доиралари томонидан тузилган ушбу комиссиянинг

асосий вазифаси – “Ўлкани Россияга қатъий қарам қилиб қўйиш мақсадлари ва уни бошқаришда харажатларни камайтириш, даромадларни эса оширишга, шунинг билан бирга, фуқароларни бошқариш талабларига ва жойларнинг шарт-шароитларига тўғри келадиган Низом” тузилишини амалга оширишдан иборат эди.

Россия императори томонидан “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” 1886 йил 12 июнда тасдиқланган бўлсада, маъмурий тизим бўйича эътирозлар давом этди. Аммо, император Туркистон ўлкасида собиқ генерал-губернаторлик бошқарувининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда унга баъзи ўзгаришлар киритди. Умуман олганда, Туркистон ўлкасида Россия империяси ҳукмронлик қилган йилларда қонун лойиҳалари доимо тўлдирилиб, ўзгартирилиб турилди. Чунки подшо Россиясининг қонун лойиҳалари Туркистонни Россия империясининг марказлашган бошқарув тизимига киритиб, уни рус буржуазияси ва дворян-помешчиклар мулкига айлантиришга қаратилган эди.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш бўйича дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқишда “ҳарбий вазият” омили ҳал қилувчи бўлган. Бундай ҳужжатлар империянинг Ўрта Осиё хонликларининг янгидан-янги ҳудудларини босиб олиши муносабати билан вужудга келган ва айнан шунинг учун ҳам доимо “муваққат” ёки “вақтинчалик” характерга эга бўлган. Мисол учун, “Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом” (1867 й.) “тажриба тариқасида” уч йил муддатга жорий қилинган бўлиб, 20 йил давомида амал қилган. “Зарафшон округини бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари” (1868 й.), “Амударё бўлимини бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари” (1874 й.) ва “Фарғона вилоятини бошқариш бўйича вақтинчалик Низом” (1876 й.) тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Туркистон ўлкасининг маъмурий-ҳудудий бошқаруви. Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг бу ҳудудларда кўп асрлардан буён шаклланиб, мавжуд бўлиб келган, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг диний ҳамда маҳаллий хусусиятларини ўзида акс эттирган бошқарув тизими ўрнига империя манфаатларига хизмат қилувчи бошқарув тартиблари ўрнатилди. Маълумки, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, унинг генерал-

губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган. Генерал-губернатор бир вақтнинг ўзида подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари атамани, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ҳам ўтаган. Генерал-губернатор император томонидан тайинланган ва вазифасидан озод этилган бўлиб, у ҳарбий вазирга бўйсунган.


Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизими марказий, вилоят, уезд (туман), участка (волост), шаҳар, қишлоқ ва овул бошқаруви шаклларидан иборат эди. Генерал-губернаторлик дастлабки ташкил этилган пайтда иккита – маркази Тошкент бўлган Сирдарё ва маркази Верний (Олмаота) бўлган Еттисув вилоятларидан иборат бўлган. Сирдарё вилояти ҳудудига аосан илгари Туркистон вилоятига тегишли бўлган ерлар ва Қўқон хонлигининг босиб олинган шимолий ҳудудлари кирган. Еттисув вилояти эса Семипалатинск вилоятининг Сергиопол, Копал ва Алатавск округи ҳудудлари ҳамда Туркистон вилоятининг бир қисмидан иборат ҳудудларда ташкил этилган.

Сирдарё вилояти маъмурий жиҳатдан Казалинск, Перовск, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Тошкент, Хўжанд, Жиззах уездларига бўлинган бўлса, Еттисув вилояти Сергиопол, Копаль, Верний, Иссиққўл ва Тўқмоқ уездларига бўлинган. Россия ҳукумати янгидан босиб олинган ерлар ҳисобига Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қўшимча маъмурий – ҳудудий бирлик ташкил этиб борган. Жумладан, 1868 йилда Бухоро амирлигига қарашли босиб олинган ерларда маркази Самарқанд бўлган Зарафшон округи, Хива хонлигига қарашли ерларни босиб олиш ҳисобига 1874 йилда маркази Петро-Александровск (Тўрткўл) бўлган Амударё бўлими, 1876 йилда Қўқон хонлиги ҳудудларида маркази Янги Марғилон (Скобелев, Фарғона) бўлган Фарғона вилояти ташкил этилган эди.


XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти (Закаспий) вилоятлари ҳамда Амударё бўлиmidан иборат эди. Вилоятлар уездларга бўлинган бўлиб, улар қуйидагилар эди: **Сирдарё вилояти** – Авлиёота, Казалинск, Қурама, Перовск, Туркистон, Чимкент; Тошкент шаҳри марказ сифатида генерал-губернаторга бўйсунган;

Амударё бўлими ҳам Сирдарё таркибида бўлган; **Еттисув вилояти** – Верний, Копал, Жаркент, Лепсин, Пишпек, Пржевалск, Тўқмоқ; **Фарғона вилояти** – Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш, Чуст ва Чимён; **Самарқанд вилояти** – Самарқанд, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах; **Каспийорти (Закаспий) вилояти** – Манғишлоқ, Красноводск, Ашхобод, Тажан ва Марв уездлари.

1. Вилоят бошқаруви




2. Туман бошқаруви





4. Шаҳар бошқаруви


а) туман шаҳарлари идораси



б) Тошкент шаҳри идораси



5. Қишлоқ бошқаруви



Вилоятлар бошқаруви¹ ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси томонидан амалга ошириб борилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳарбий губернатор ҳарбий ва ҳарбий фуқаролик хусусиятига эга бўлган. Ҳарбий губернатор қошида амалдорлар ва вилоят бошқармаси мавжуд бўлиб, вилоят **бошқармасига** ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси раислик қилган. Бу ёрдамчи ҳарбий губернатор билан келишилган ҳолда император ёрлиғи билан вазифасига тайинланган ва озод этилган. Ҳарбий губернатор бўлмаган пайтларда унинг вазифасини ёрдамчиси бажарган.

Вилоят бошқармаси учта бўлим – фармон берувчи, хўжалик ва суд бўлимларидан иборат бўлган. Бўлим бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган ҳамда вазифасидан озод этилган. Уездларни **уезд бошлиқлари** идора қилган. Улар генерал-губернатор тавсиясига биноан олий ёрлиқ билан вазифасига тайинланган ва озод этилган. Уезд бошлиқлари маъмурий ва полиция вазифасини бажарган ҳамда қонунлар ижроси устидан назорат қилган.

Маҳаллий бошқарув **кўчманчи аҳолини бошқариш** ва **ўтроқ аҳолини бошқаришга** бўлинган. Ҳар бир уезддаги кўчманчи аҳоли **волостларга, волостлар** эса **овулларга**

¹ Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи..., 196-199 бб.

бўлинган. Волост (бўлис)лар – волост бошқарув-чилари, овуллар эса **оқсоқоллар** томонидан бошқарилган. Вилоят бошқарувчилари ва унга номзодлар ҳарбий губернатор томонидан, овул оқсоқоли ва унга номзодлар уезд бошлиғи томонидан тайинланган. Волост бошлиғи полиция ва маъмурий ҳокимиятни амалга оширган. Ўтроқ аҳолини бошқариш қишлоқларда маъмурий ва полиция ваколатларига эга бўлган оқсоқоллар томонидан амалга оширилган. Ўтроқ аҳоли уездларда волостларга, волостлар эса қишлоқ жамоалари (оқсоқолликлар)га бўлинган.

1886 йилги “Низом” га кўра, Туркистон ўлкасини бошқариш қуйидагича бўлинган:

1. Бош бошқарма.
2. Турли тармоқларнинг алоҳида қисмларини бошқариш.
3. Маҳаллий маъмурий бошқарув: вилоят – уезд – волост – қишлоқ.
4. Суд бошқаруви.

Туркистон генерал-губернатори ҳузурида Кенгаш, махсус топшириқларни бажариш учун амалдорлар, таржимон ва девонхона мавжуд бўлган. Кенгаш ваколатларига барча қонунчилик масалалари, генерал-губернатор топширган вазифаларни кўриб чиқиш кирган. Аммо у, ўлкани умумий бошқариш бўйича маслаҳат овозига эга бўлган.

Уезд бошқаруви бўйича **Амударё бўлими** алоҳида мақомга эга бўлган. Амударё бўлими бошлиғи уезд бошлиғи мақомига эга бўлиб, маъмурий ва полиция бошқаруви унинг ихтиёрида бўлган. Бўлим бошлиғи ҳузурида ёрдамчи ва девонхона мавжуд бўлган.

Волост бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари аҳоли томонидан уч йилга сайланган ҳамда ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Волост бошқарувчилари суд ҳукмларини ижро этган, аҳолининг келиб-кетишини назорат қилган ҳамда солиқларнинг ўз вақтида йиғилишини таъминлаган.

1867 йилги “Муваққат Низом” га кўра, Туркистон ўлкасининг суд ва полиция тизими – **ҳарбий суд, империянинг умумий қонунлари асосида суд ва халқ судидан** иборат бўлган бўлса, 1886 йилги “Низом” га кўра, уларга ўзгартиришлар киритилиб, қуйидагича бўлган: судлов палатаси, округ судлари, қўшимча мировой (сулҳпарвар) судьялар, фахрий мировой судьялар.

Маҳаллий аҳолининг судлари алоҳида тартибга асосан тузилиб, **халқ судлари** деб номланган. Халқ судлари алоҳида рус судларига тегишли ишлардан ташқари содир этилган ишларни, бирор халқ судига тегишли бўлган ҳамда рус ҳужжатлари асосида бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб чиққан. Халқ судлари – халқ томонидан сайланиб кўйилган **бийлар** томонидан амалга оширилган. Улар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Ўтроқ аҳоли учун **қози судлари** амал қилган бўлиб, улар аҳоли томонидан сайланган ҳамда ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган.

Туркистон ўлкасида вилоят ва уезд (туман) бошқармалари шаҳарларда жойлашган. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Ашхобод, Чимкент, Жиззах, Каттакўрғон кабилар катта мавқега эга бўлган асосий шаҳарлар эди. Шаҳарлар ичида генерал-губернаторликнинг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази бўлган Тошкент шаҳрига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, 1865 йилда генерал – майор Романовский рус зобитлари ва амалдорлари учун шаҳарнинг шарқий қисмидан жойни танлади ва қисқа муддат (1866-1868 йй.) рус аҳолиси яшайдиган “Янги шаҳар” барпо этилди.

1868 йил 27 февралда Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмида ҳарбий-халқ бошқармаси тузилиб, статистик маслаҳатчи Россицкий унинг бошлиғи этиб тайинланди. Ушбу бошқарманинг дастлабки қарорига кўра Тошкентнинг “Янги” қисмида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилди:

1. Режа тузиш, уй қуришга ер ажратиш, кўча ва майдонлар барпо этиш.

2. Солиқлар ва турли тушумларни тартибга келтириш ҳамда ундириш, шунингдек, шаҳарнинг даромад ва харажатлар сметасини тузиш.

3. Шаҳар ирригация тизими ва ободончилигини бошқариш.

Маълумки, 1870 йилда Россиянинг ички губернияларида “Шаҳар низоми” қўлланила бошланган эди. Сирдарё вилояти бошқармасининг умумий раёсати 1872 йилда Тошкентда ҳам ушбу низомни қўллаш масаласини кўтариб чиқди. Шунга кўра, “Шаҳар низоми” ни мустамлака бошқарув маъмурияти манфаатларига мос равишда ўзгартириш, қўшимчалар киритиш асосида Тошкентда жорий этиш учун лойиҳа тайёрланди. Ушбу лойиҳа махсус комиссия томонидан атрофлича муҳокама этилган

бўлса-да, бу масала 1877 йилдагина ҳал бўлди. Таъкидлаш лозимки, Россия империясида шаҳарга оид иккита низом (1870, 1892 йй.) қабул қилинган бўлиб, улар Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Верний (Алмати) шаҳарларидагина қўлланилиб, бошқа шаҳарларга жорий этилмаган.

1877 йилда **Тошкент шаҳар Думаси** ташкил этилиб, Сирдарё ҳарбий губернатори бошчилигида махсус ҳайъат тузилади. Ҳаёбат сайловчилар рўйхатини тузиш, шаҳар жамоатчилик бошқарувига сайлов ўтказиш бўйича иш олиб борди. Сайловда 25 ёшга тўлган, шаҳарда кўчмас мулки бўлган рус фуқаролари, савдо ва косибчилик гувоҳномалари бўйича шаҳар солиғини тўлайдиган, қарзлари бўлмаган ва судланмаган шахслар иштирок этишлари мумкин бўлган. Думада овоз берувчилар сони 72 кишидан ошмаслиги керак эди. Уларнинг учдан бир қисми маҳаллий аҳоли, қолгани эса “Янги шаҳар”да истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари бўлиши шарт эди.

Сайловлар тўрт йилда бир марта бўлиб ўтган ва унда асосан савдогарлар, йирик саноат корхоналари ҳамда уй эгалари иштирок этган. Янги ташкил этилган Дума биринчидан, шаҳарни мустамлакачилар қўлида сақлаб туришни, иккинчидан, Думага сайланган маҳаллий аҳоли вакилларини ҳокимият таянчига айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Генерал – губернатор томонидан тайинланган Тошкент шаҳри бошлиғи бир вақтнинг ўзида Дума раиси ва шаҳар ҳокими (ҳоким тўра) вазифаларини ҳам бажарган. Шаҳар ҳокими вазифасини турли йилларда қуйидаги шаҳар бошлиқлари бажарганлар:

1. В.Ю.Мединский – 1874-1877 йй.
2. Е.Т.Пукалов – 1877-1883 йй.
3. С.Р.Путинцев – 1884-1890 йй.
4. А.Т.Тверитинов – 1891-1898 йй.
5. И.А.Ладиженский – 1898-1901 йй.
6. В.Ф.Киселёв – 1901-1904 йй.
7. В.Н.Рибушин – 1904-1905 йй.
8. С.Р.Путинцев – 1905-1907 йй.
9. Н.Г.Маллицкий – 1907-1917 йй.

Туркистондаги мустамлака бошқаруви 1898 йилгача “ҳарбий-ҳалқ бошқаруви”, ундан кейин эса “маъмурий полиция

бошқаруви” деб аталган бўлса ҳам унинг моҳияти мазмунан ўзгармаган. Барча ваколатлар аввало, генерал-губернатор, қолаверса, у бошчилигидаги рус маъмурияти кўлида тўпланган бўлиб, Россия империяси Ўрта Осиёда ўзбек давлатчилиги ва бошқарувининг барча кўринишларини бутунлай йўқотиш ва русча идора усулини қатъий жорий этиш бўйича изчил фаолият олиб борди. Маъмурий бошқарув тизими ана шу мақсадга қаратилиб, бунинг учун барча чоралар кўрилган эди.

Туркистон ўлкасида 1867 йилдан 1917 йилгача ўн бешта генерал – губернатор ҳукмронлик қилган бўлиб, улар қуйидагилар эди:

1. К.П.Кауфман – 1867-1882 йй.
2. М.Г. Черняев – 1882-1884 йй.
3. Н.О. Розенбах – 1884-1888 йй.
4. А.Б.Вревский – 1889-1898 йй.
5. С.М. Духовский – 1898-1901 йй.
6. Н.А. Иванов – 1901-1904 йй.
7. П.Н. Тевяшов – 1904-1905 йй.
8. Д.И. Суботич – 1906 йй.
9. Н.И. Гродеков – 1907-1908 йй.
10. П.И. Мищенко – 1909 йй.
11. А.Б. Самсонов – 1909 -1913 йй.
12. Флуг, Мартсон ва Ерофеевлар – 1913-1916 йй.
13. А.Н. Куропаткин – 1916-1917 йй.

Россия империяси маъмурлари ўзларининг Туркистондаги мустамлакачиликка асосланган мақсадларини кенг кўламда амалга ошириш учун ўлкани руслаштириш сиёсатига алоҳида эътибор берганлар. Маълумотларга кўра, Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилган. Маҳаллий аҳоли (асосан бойлар, савдогарлар, қозилар ва оқсоқоллар)нинг болаларини рус тилига ўргатиш учун рус–тузем мактаблари очилган. Бундан кўзланган асосий мақсад империя маъмуриятига садоқатли амалдорларни тайёрлаш ва келажакда “сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган бошқарув ишларигагина маҳаллий аҳолини жалб қилишдан ” иборат эди.

XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони 1.738.918 кв.км.ни ташкил

этган. 1897 йилги биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, Туркистон генерал-губернаторлигининг бешта вилояти аҳолиси қуйидагича эди:

1. Каспий бўйи вилояти – 383 минг киши.
 2. Самарқанд вилояти – 860 минг киши.
 3. Сирдарё вилояти – 1.478 минг киши.
 4. Фарғона вилояти – 1.572 минг киши.
 5. Еттисув вилояти – 988 минг киши.
- Жами – 5.281 минг киши.

Россия империяси статистика бошқармасининг 1914 йилда тўплаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6.492.604 кишидан иборат бўлган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркистон генерал-губернаторлигининг учта вилояти (Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона) да аҳоли зич яшаган.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдориди ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва қорақалпоқлар кўпчиликини ташкил этган. Фоиз ҳисобида улар қуйидагича бўлган:

Ўзбеклар	35,7
қозоқлар ва қирғизлар	44,66
Туркманлар	4,98
Тожиклар	6,73
Қорақалпоқлар	2,26
Руслар	3,75
бошқа халқлар	2,15

Ўлкадаги рус, украин ва белорус аҳолисининг сони 1897 йилда 197.240 киши бўлган бўлса, 1911 йилда уларнинг сони 406.607 кишига етган. Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркибини татарлар, бошқирлар, грузинлар, арманлар, латишлар, литваликлар, поляклар, қошғарликлар, уйғурлар, таранчилар, форслар, ҳиндлар, курдлар, афғонлар қабилар ҳам тўлдирганлар.

Туркистон генерал-губернаторлигининг қишлоқ жойларида маҳаллий аҳолининг 86 фоизи, маҳаллий бўлмаган аҳолининг 17 фоизи яшаган бўлса, шаҳарларда маҳаллий аҳолининг 14 фоизи маҳаллий бўлмаган аҳолининг эса 83 фоизи яшаган. Шаҳар аҳолисининг улуши Тошкент, Қўқон, Верний, Андижон,

Самарқанд, Марғилон каби йирик савдо-саноат ва маъмурий-сиёсий марказларда нисбатан юқори бўлган.

Туркистон ўлкасида русийзабон аҳолига кўплаб имтиёзлар берилган бўлиб, бундай имтиёзлар маҳаллий аҳолига тегишли бўлмаган. Рус мустамлакачилик тартиблари, идора услуби ва руслаштириш сиёсатидан норозилик куйи маъмурият сайловларида очикдан-очик сиёсий чиқишлар шаклида намоён бўлди. Мустамлака шароитидаги миллий ва синфий тенгсизлик ҳамда рус ишчиларининг имтиёзлари ва уларнинг маҳаллий ишчилардан кескин фарқланувчи ҳукмрон мавқеи, империянинг руслаштириш сиёсати, кўчириб келтирилган рус аҳолисига маҳаллий аҳоли ерларининг бўлиб берилиши миллий-озодлик ҳаракатларига сабаб бўлган эди.

Туркистонни Россиянинг саноат ўлкасига айлантирилиши.

Россия империянинг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати асосан ўлкани империянинг тобора ривожланиб бораётган саноати хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларни сотиш бозорига айлантиришга қаратилган бўлиб, мақсад эса, Туркистонни саноат ўлкасига айлантириш эди. Бу ҳолатни империядаги буржуа иқтисодчилари ҳам тан олганлар. Хусусан, ўша даврда П.П.Румянцев шундай ёзган эди: “Осиё Россияси мустамлака сифатида ўзининг метрополияси – Европа Россиясига фақат хом-ашё етказиб беради, айти вақтда, унинг қайта ишлаш саноати учун бозор бўлиб хизмат қилади”. Айнан шунинг учун ҳам чор маъмурлари ўлка саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарадилар.

Россия империяси Туркистон ўлкасида мустамлака бошқарув усуллари жорий этгач, ўлкада бир қатор иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Бу ҳолат биринчи навбатда ўлка халқ хўжалигининг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашган тармоқларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Хусусан, рус саноати маҳсулотларининг кўплаб кириб келиши ўлкадаги ярим натурал хўжалик юритишга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларига зарба берди. Аммо, империя маъмурлари олиб бораётган мустамлакачилик сиёсати Туркистонда тўлақонли капиталистик

саноат ишлаб чиқариш вужудга келтиришга имконият бермасди. Шунга қарамасдан ўлкада дастлабки завод ва фабрикалар фаолият юрита бошлади.

Н.Мусаев тадқиқотларига кўра, Туркистон ўлкасида саноат корхоналари вужудга келиши ва тадрижий ривожланиш тарихини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр – XIX асрнинг 60-90 йилларини ўз ичига олиб, бу даврда дастлабки капиталистик корхоналар вужудга келди. Иккинчи давр – XX асрнинг бошларини ўз ичига олиб, бу даврда саноат ишлаб чиқариши бирмунча ривожланди. Биринчи даврда саноат корхоналари озчиликни ташкил қилиб, улар майда ва кам қувватли бўлса, иккинчи даврда корхоналар кўпайиб ва йириклашиб борган бўлиб, уларнинг йирик ва қувватлироқ бўлганлари рус буржуазиясига тегишли бўлган.

Туркистонда харбийлар, амалдорлар, инженерлар, савдогарлар 1865 йилда Тошкент босиб олинганидан кейин бу ерда саноат корхоналарини очиш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Хусусан, савдогарлар И.Первушин ва А.Хренниковлар 1867 йили 16 мартда Оренбург генерал-губернаторидан Тошкентда ароқ ва вино заводи очишга рухсат сўрашган бўлса, барнауллик амалдор В.Спиридов, савдогар В.Кузнецов ва орёллик деҳқон З.Богданниковлар ўша йили ёз ойида Хўжанд шаҳрида вино ва ароқ заводи очишга рухсат сўраб мурожаат қилганлар. 1870 йилда савдогар Д.Филатов Самарқандда катта токзор майдонларни сотиб олиб бу ерда ароқ заводи қуришга киришди.

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган 1867 йилда инженер-технологлар Н.Ульянов, Д.Касьянов, И.Яблонский, Н.Писаревский, О.Плавицкийлардан иборат ширкат томонидан Тошкентда Европа типдаги биринчи су тегирмони ишга туширилди. 1868 йилда штабс капитан Какурин иккинчи сув тегирмонини ишга туширган бўлса, ўша йили саноатчи М.Хлудов Салор ароғи бўйича Европа типдаги терини қайта ишлайдиган биринчи кўнчилик заводини ишга туширди.

Туркистон ўлкасида кундалик эҳтиёж моллари бўлган гугурт, совун, шам каби маҳсулотларга талаб катта бўлганлиги боис, уларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратила бошланди. 1870 йилда савдогар Е.Чупин Салор айриғи бўйидаги бир бинода совун ва шам заводи қурди. Савдогар И.Первушин ароқ заводи

билан чекланиб қолмасдан 1871 йилда Тошкентда пиллакашлик фабрикасини ҳам курди. Шунингдек, бу савдогар Қоратов тоғларида кўрғошин конлари ва Оҳангаронда тошкўмир конларини ишга туширди.

Туркистон шаҳарларида руслар яшайдиган “янги қисм”ларнинг пайдо бўлиши билан ғишт заводлари маҳсулотларига бўлган талаб ошиб борди. Натижада ғишт заводларига эга бўлган маҳаллий бойлар европача усулда пишиқ ғишт тайёрлаб, янги шаҳарларнинг ғиштга бўлган эҳтиёжини қондира бошладилар. Меҳнати оғир, даромади кам, технологияси содда бўлган ғишт заводлари асосан маҳаллий бойларга тегишли эди.

Империя мустамлакачилари Туркистон ўлкасини босиб олаётган даврда бу ерда хавфли вазиятлар бўлиб туришига қарамасдан завод ва фабрикалар қуриш ҳаракати тўхтамади.

Хусусан, 1867-1872 йилларда Туркистонда еттита ипак калавалаш фабрикаси ишга туширилган. Шулардан бири 1867 йилда Хўжандда ишга туширилган Хлудов фабрикаси бўлиб, унда дастлаб 23 та ипак ўрайдиган дастгоҳ (станок) ўрнатилган бўлса, 1869 йилда уларнинг сони 53 та эди. Бу дастгоҳларда усталар назорати остида 200 та маҳаллий ўсмирлар меҳнат қилишиб, кунига 33 тийиндан иш ҳақи олишган.

1868 йилда Тошкентда ишга туширилган И.Первушиннинг ипак калавалаш фабрикаси нисбатан мукамал бўлиб 4 йилга яқин ишлаган. У фабрикасида ишлатиш учун маҳаллий ёшлардан ташқари Оренбургдан ҳам 40 та ўсмирни Тошкентга олиб келган. Н.Мусаев маълумотларига кўра, 1873 йилда француз ишбилармони Гурде Тошкентда тўқимачилик фабрикасини ишга туширди. Бу фабрикада 144 та ишчи, жумладан, битта назоратчи (рус), битта дурадгор, битта чилангар-механик, ўнга яқин қора ишчи ва учта қоровул бўлган. Европалик саноатчилар қурган йирик корхоналарда меҳнатнинг ташкил этилиши кўплаб ёлланма ишчиларнинг ишчи кучидан фойдаланишга асосланган бўлиб, уларда катталар ва ўсмирлар меҳнатидан мунтазам равишда фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Дастлабки ташкил этилган корхоналарнинг кўпчилиги қўл меҳнатига асосланган. Мануфактура шаклида ташкил этилган корхоналарда ишчилар ўз мустақилликларини йўқотиб, капиталга қарам бўлиб бордилар. Ишчилар ўзлари ишлаб чиқарган

маҳсулотлар сотилишидан тушган фойданинг бир қисмини иш ҳақи сифатида олишган. Кўпчилик фабрикалар ўзини сифатли хом ашё билан таъминлай олмаганлиги ҳамда йирик фабрикалар рақобатига бардош бера олмаганлиги туфайли тезда ёпилган. Мисол учун, 1871 йилда Раевский корхонаси 3 ой, Андреев-Фаденчев фабрикаси 5 ой ишлаб ёпилган бўлса, 1874 йил охирида Гурде фабрикасида ҳам иш тўхтатилди.

Бундай корхоналарнинг узоқ муддат ишлай олмай қисқа муддатларда ёпилишининг асосий сабаблари, биринчидан ўша даврда ипак маҳсулотларининг керагидан ортиқча ишлаб чиқарилганлиги бўлса, иккинчидан, фабрика эгаларининг бир неча соҳага кўл уриб, улардан кўпроқ даромад келтирадиганларига асосий эътиборни кучайтирганликларида эди. Саноатнинг шойи тўқишдан бошқа соҳаларида маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари билан саноат усулида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўртасида рақобат кучайди. Мисол учун, 1872 йилда Тошкентда рус саноатчилари томонидан қурилиб, бир кеча-кундузда 100 пуддан 150 пудгача ёғ ишлаб чиқарадиган корхоналар олдида, бир кеча-кундузда аранг 5 қадоқ ёғ ишлаб чиқарадиган жувозларнинг инқирози муқаррар эди. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг инқирози ип йигириш, тўқимачилик ва металл буюмлар ишлаб чиқариш соҳаларида жиддий сезила бошланди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятдан чиқиш зурурияти маҳаллий ҳунармандларни бозор эҳтиёжларини ўрганиш ва зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашишга мажбур қилди. Бунинг натижасида Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарларида маҳаллий кийимлар тикиш, гилам, шолча тўқиш, эгар-жабдуклар яшашга эътибор кучайди. Россия империяси Туркистонни босиб олганидан сўнг ўтган 10 йил мобайнида, вазиятга мослашган маҳаллий бойлар ҳам турли корхоналар қура бошладилар. Аммо, улар ҳали завод ва фабрикалар даражасига кўтарилмаган эди. Чимкенг уездида 6та ғишт, 4та кўн ва 5та ёғ заводлари ҳамда 13та кулолчилик корхоналари бўлган. Тошкент шаҳрида 17та совун, 35та ғишт, 6та ароқ, 1та пиво, 90та кўнчилик заводлари, 730та тўқимачилик, 14та бўёқчилик, 3та калава ўраш фабрикалари, маҳаллий ҳунармандларга тегишли 124та темирчилик, 33та дурадгорлик, 33та этикдўзлик, 62та ширинлик тайёрловчи устахоналар мавжуд эди.

Туркистон ўлкасига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши – саноат ишлаб чиқаришининг янги турлари яратилишини тезлаштирди. Маҳаллий ва европалик саноатчиларга тегишли кўпгина корхоналарнинг йириклашуви ва хусусий капиталдан самарали фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Ўша даврда саноат корхоналари нисбатан кўпроқ ривожланган Сирдарё вилояти завод-фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, дастлаб фақат вилоят миқёсида истеъмолда бўлган бўлса, пахта тозалаш, ёғ-ёрма тортиш, картон ва ипак тайёрлаш заводлари ишга туширилганидан кейин уларда тайёрланган маҳсулотлар чет бозорларга ҳам чиқарила бошланди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 1881 йилда Тошкент пахта тозалаш заводларида бта пахта тозалаш дастгоҳи ўрнатилди. Пахта заводлари қурилишига Самарқанд вилоятида ҳам эътибор кучайди. Вилоят ҳудудидан темир йўл ўтказилиши вилоятда саноат корхоналари қуриш имкониятларини кенгайтди. 1886 йилда Каттақўрғон уездининг Митан қишлоғида княз Тинхачев томонидан биринчи пахта заводи қурилди. 1889 йилда Каттақўрғон шаҳрида инженер Л.Югович 4та пахта тозалаш дастгоҳи ва буғ билан ишлайдиган пахта тозалаш заводини ишга туширди.

Ўлкада кўплаб пахта заводлари қурилиши натижасида толаси олинган чигит кўпайиб кетди. Натижада чигитдан саноат усулида ёғ олишга киришилди. Бундай биринчи ёғ заводи 1890 йилда К.Држевский томонидан Янги Бухоро (Когон)да қурилди. Аммо, маҳаллий аҳолининг рус корхонасида саноат усулда ишлаб чиқарилган ёғни истеъмол қилмаслиги туфайли ёғ сотилмай, завод тўхтаб қолди. Самарқанд вилоятининг Челак қишлоғидаги, Каттақўрғон шаҳридаги, шунингдек, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги, Марвдаги ёғ заводлари ҳам зарар кўриб ишлаган. Шундан сўнг ёғ заводларининг маҳсулотлари Россиянинг марказий районларига сотила бошланди.

Туркистон ўлкасида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан мураккаброқ эди. Шунга қарамасдан, савдо-саноат буржуазияси ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўлкада саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маълум шароитлар яратди. Аммо, ўлкада саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши нисбатан суст бўлиб, бунинг асосий сабаблари ўлканинг иқтисодий шароити ва

имкониятлари яхши ўрганилмаганлиги, маҳаллий ишбилармонлар йирик саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун етарли маблағларга эга бўлмаганликлари, ер эгалиги масаласи тўла ҳал қилинмаганлиги, ўлка бойликларини қайта ишлаш учун малакали кадрлар, тажриба ва технологиянинг етишмаслиги кабилар эди.

Энг асосийси эса, Россия империяси маъмурларининг иқтисодий сиёсати ўлкада йирик саноат корхоналари қуришга қарши қаратилган эди. Чунки, ўлкада маҳаллий ишчиларнинг кўпайиши империянинг мустамлакачилик сиёсати учун жуда хавфли эди. Россия империяси атайлаб ўлкада саноатнинг, биринчи навбатда оғир саноатнинг ривожланишига йўл бермади. Ўрта Осиё рус капиталистларининг завод ва фабрикаларининг хом ашё базаси сифатида куч билан ушлаб турилди.

1909 йилда Туркистон генерал-губернатори лавозимида бўлган А.Самсонов Россия империясининг Туркистонда саноат ишлаб чиқариш борасидаги мустамлакачилик сиёсатини шундай изоҳлайди: “Пахтани қайта ишлаш бўйича янги Туркистон фабрика-заводчилик районини вужудга келтириш, биринчидан, ҳар йили 11000000 пуд Туркистон пахтасини Россиянинг Европа қисмига етказиб бераётган ва у ёқдан Туркистонга мануфактура маҳсулотларини ташиб келтираётган ҳар иккала темир йўлга катта зарар келтиради. Иккинчидан, энг асосийси, Москва фабрика заводчилик районида қайта ишланиши лозим бўлган пахтани Туркистон ҳудудида қолдирилиши, уларга Ўрта Осиё ва Форс бозорларида ўзларининг анча арзон маҳаллий маҳсулотларини сотишга имкон бериб, Москва мануфактура фирмалари савдосини барбод қилиши мумкин”.

Россия империясининг мустамлакачи ҳукумати саноат ривожига тўсқинлик қилишга қанчалик уринмасин, ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бутунлай тўхтата олмади. Аксинча, XIX аср охири - XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкаси ишлаб турган ва янги қурилаётган завод-фабрикалар, ҳунармандчилик корхоналарининг сони жиҳатидан Россиянинг айрим марказий районларидан илгарилаб кетди.

Туркистон ўлкасини босиб олиш учун олиб борилган босқинчилик урушлари туфайли ўлкада пахта етиштириш кескин камайиб кетган эди. Туркистон пахтасининг Россия тўқимачилик

саноати учун катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунган фон Кауфман 1868 йилда Америка пахта навларини етиштиришга кўрсатма берди. Бу пахта навларини иққимлаштириш самарали натижалар бериб, ундан маҳаллий ғузага нисбатан сифатли ва узун тола олина бошланди.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Туркистонда пахта экиладиган ерлар кенгайиб борди. Аммо, ўлкада етиштирилаётган пахта миқдорининг кўпайтирилишига қарамасдан, у Россия тўқимачилик саноатининг 1/5 қисми эҳтиёжларини ҳам қондира олмас эди.

Пахтага бўлган талабнинг тобора ортиб бориши маҳаллий бойлардан ташқари йирик рус саноатчиларини ҳам ўзига жалб қилди. XIX асрнинг охирларига келиб йирик рус саноатчилари ўлкада пахтага ихтисослашган хўжаликлар туза бошладилар. Аммо, капиталистик кўринишидаги бундай пахтакор хўжаликлар ўз ераларидан самарали фойдалана олмаган бўлсалар-да, айрим капиталистик фирмалар ўз хўжаликларида янги технология ва тажрибаларни қўллашиб, пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар.

Россиянинг савдо-саноат буржуазияси ўлкада пахтачиликни мунтазам ривожлантириб боришга ҳаракат қилди. Шунингдек, Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахта етиштиришга эътибор кучайди. Маълумотларга кўра, хонликларда етиштирилган пахта толасининг сифати Фарғона ва Сирдарё вилоятлариникига нисбатан анча яхши бўлган. “Фарғона вилоятида пахта, шולי етиштириш анча ривожланган бўлса-да, бироқ, сифати жиҳатидан Бухоро, айниқса, Хива маҳсулотларига нисбатан кейинда туради”. Айни пайтда, Бухоро амирлиги учун Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши, Хива хонлиги учун Амударё – Орол денгизи сув йўлининг очилиши пахтани четга сотиш имкониятларини янада кенгайтирган эди.

Пахтачилик саноати қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан кўп меҳнат ва харажат талаб қилса-да, ундан келадиган фойда нисбатан юқори эди. Айнан шунинг учун ҳам империя маъмурлари пахта етиштиришга эътиборни кучайтирганликлари қуйидаги жадвалда ҳам кўринади:

Йиллар	Пахта майдон (десятина хисобида)	Олинган ҳосил (пуд хисобида)
1887	61 300	10 000
1893	136 300	-
1895	-	3 273 300
1899	300 000	5 757 900
1903	-	7 000 000
1907	-	8 227 000
1908	-	10 870 000
1910	380 000	13 588 000
1911	425 200	12 997 000
1912	430 000	14 000 000

Россия империясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди. Ўлканинг рус савдо-саноат буржуазияси хом-ашё базасига айлантирилиши натижасида қуйидаги жараёнлар содир бўлди:

1. Жаҳон бозорида пахта нархининг ошиб бориши натижасида Туркистонда пахта етиштириш ва уни четга ташиб кетиш кучайди.

2. Пахтачиликнинг нисбатан сердаромад соҳага айлантирилиши, унинг ўлка қишлоқ хўжалигидан бошқа экинларни (айниқса Фарғона водийсида) сиқиб чиқарилишига сабаб бўлди. Оқибатда, пахта яккаҳокимлиги учун замин яратилиб, ўлка аҳолисининг дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжини кучайтирди.

3. Етиштирилаётган пахтанинг миқдори ва сифатига эътибор кучайиб, маҳаллий навлар ўрнига Америка пахтаси навлари кўплаб экила бошланди.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига капиталистик бозор муносабатларининг кириб келиши қишлоқ аҳолиси ўртасида ижтимоий табақаланишни тезлаштирди. Ерлар бир гуруҳ мулкдорлар қўлида тўпланиб, ўз ерларидан ажратилган деҳқонларнинг катта қисми ёлланма ишчиларга айландилар.

5. Қишлоқ хўжалигига товар – пул муносабатларининг кириб келиши туфайли маҳсулот етиштирувчиларнинг катта қисми бозор муносабатларига тортилдилар.

Россия империяси маъмурлари Туркистонни босиб олган дастлабки даврлардан бошлаб ўлка иқтисодиётининг бошқа тармоқлари қатори фойдали қазилмаларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш ишларига, яъни, тоғ-кон саноатига ҳам эътиборни кучайтирган эдилар. Бу сиёсатининг моҳияти асосан иккита мақсадни кўзлаган бўлиб, биринчиси, Туркистоннинг геологик тузилишини аниқлаш ва фойдали қазилмаларнинг жойларини белгилаш бўлса, иккинчиси, мустамлака ҳукумат учун ниҳоятда зарур бўлган тош-кўмир, нефть, қимматбаҳо металлар конларини қидириб топиш ва ишга туширишдан иборат эди.

Туркистонда қазилма бойликлари кўплигини яхши билган Россия империяси маъмурлари ўлкага геолог олимларни жалб қилдилар. Хусусан, И.В.Мушкетов бошчилигидаги геологлар гуруҳи 1874-1880 йиллар давомида ўлканинг деярли барча вилоятларида тадқиқот ишлари олиб бориб, зарур маъулмотлар тўпладилар. Бу тадқиқотлар натижасида 1881 йилда ўлканинг геологик харитаси яратилди. Геологлар гуруҳи империя маъмурларига Фарғона водийсида кўрғошин кўплиги, кўрғошин билан бутун Россияни таъминлаш мумкинлигини маълум қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия нефть саноати ўзига чет эл капиталини жалб қилуви асосий тармоқларидан бирига айланганлиги боис, рус ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилган чет эл капиталлари Туркистонга ҳам кириб келди. Нефтнинг асосий қисми Каспий бўйи вилоятининг Небитдаг, Челекен ороли, Қизил Арват, Бола Эшим деган жойларидан, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон ва Наманган уездларидан жадал қазиб олина бошланди.

Фарғона вилояти ҳудудларида катта нефт конлари бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 9 та фирма нефт саноати билан шуғулланган. Улар орасида “Чимён”, “Селроха” ва Мойлисой фирмалари энг йириклари бўлган.

Туркистоннинг подшо Россияси ҳукмронлиги ўрнатилган бошланган ҳудудларида тошкўмирни ҳам саноат усулида қазиб олишга эътибор қаратила бошланди. Хусусан, ишбилармон А.С.Татаринов 1865 йилда Чимкентдан 90 чақирим узоқликда

жойлашган Катта Бўғон дарёси яқинида йирик тошкўмир конини топди. Шунингдек, савдогар Первушин Тошкентдан 80 чақирим масофадаги Хўжанд қишлоғи яқинида, полковник Фавицкий Хўжанд шаҳридан 35 чақирим узоқликдаги Қўқимсой яқинида тошкўмир конларини очдилар. 1873 йилда Первушин Угом дарёсининг юқори оқимида яна битта тошкўмир конини ишга туширди. Бу конлар ароқ-вино заводлари, ипак ўраш фабрикалари, ҳарбий буюртмалар, мансабдор шахслар ва мулкдорлар учун тошкўмир етказиб берган.

Эътибор бериш лозимки, Туркистон ўлкасининг қазилма бойликлари кўп бўлишига қарамасдан бу соҳа насбатан секин ривожланди. Империя маъмурлари ўлкадаги кончилик саноатида капиталистик ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўя олмадилар. Россия капиталистларининг иқтисодий ночорлиги туфайли ўлка кончилик саноатининг йирик ширкатлари чет эл (немис, инглиз ва бошқ.) йирик фирмалари ихиёрига ўтиб кетди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, рус савдо-саноат буржуазияси билан бир қаторда маҳаллий ишбилармонлар, уддабирон ҳунармандлар ҳам саноатга кириб келдилар. Айниқса, пахта тозалаш, кўнчилик, ипак йигириш, ароқ-вино заводлари тез кўпайиб борди. Саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланишига шаҳарларнинг кенгайиши, ижтимоий табақаланишнинг кенгайиб, арзон ишчи кучининг кўпайиши катта таъсир кўрсатди. Аммо, ўлкадаги саноат ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари рус ва чет эл буржуазияси вакиллари қўлида эди.

Ҳунармандчилик. Темир йўллар. Аграр сиёсат.

Маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида Туркистон ўлкасида урбанизация жараёнлари бирмунча тезлашган бўлиб, бу ҳолат ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жонланишига таъсир кўрсатган эди. Аммо, империя босқини ва мустамлакачи маъмурлар олиб борган иқтисодий сиёсат бу жонланишни буғиб қўйди. Зеро, мустамлакачи маъмурларининг асосий мақсадларидан бири ҳам Туркистонда Россияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларини сотиш учун кенг бозорлар яратиш, маҳаллий ҳунармандчиликнинг тўқимачилик саноати билан рақобат қиладиган соҳаларини тугатишдан иборат эди.

Шунга қарамасдан ҳунармандчилик ишлаб чиқариш бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Ҳунармандчилик ва соҳани таъминловчи хом ашё манбаларига тўхталадиган бўлсак, маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида Тошкент ва Туркистонга қарашли ерларда темир кўп бўлиб, уни тоғлардан, кўпинча Чирчиқ дарёсидан қазиб олишган. Мис Самарқанд атрофларида кўп бўлган. Аммо, ўлкада металл жуда машаққатли меҳнат талаб қилиб, ибтидоий усулда ажратиб олинадиган бўлганлиги боис, аҳолининг эҳтиёжини қондира олмас эди. Натижада металл кўпроқ четдан, асосан, Россиядан келтирилган. Ўлкага келтириладиган металллар орасида мисга эҳтиёж катта бўлиб, ундан асосан уй-рўзғор буюмлари, айрим ҳолларда тақинчоқлар ишлаб чиқарилган. Манбаларга кўра, “Қизил ва сариқ мисдан тайёрланган буюмлар, агар уларга ўзига хос расмлар, нақшлар туширилган бўлса, харидорларда катта қизиқиш уйғотган. Мисдан ясалган баркаш, қумғон, обдаста, чилим, сиёҳдон ва бошқа буюмларга талаб айниқса катта бўлган”.

Туркистон ўлкасининг ички эҳтиёжлари учун айниқса уй-рўзғор ҳамда хўжалик буюмларига бўлган талабнинг йил сайин ортиб бориши маҳаллий ҳунармандчилик ривожига туртки берди. Империя босқинидан сўнг Тошкентга келган В.Кузнецов шахарда кўнчилик, совунгарлик, кулолчилик, буюмлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилганлиги, темирчилар, мисгарлар, эгарчилар, тўқувчилар, этикдўзлар, буюкчилар ва тикувчилар кўп бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Туркистонга келган ҳарбийлар, савдогарлар, сайёҳлар ва олимлар бу ерда тайёрланган ҳунармандчилик буюмларига катта қизиқиш билан қараганлар. 1870 йилда Тошкент, Ўратепа ва Хўжанд усталари тайёрлаган пичоқлар, сопол идишлар, ўйма нақшлар билан безатилган эшиклар, жами 2000 га яқин буюмлар Санкт-Петербургда ўтказилган кўрғазмада намоёиш қилинади. Бу кўрғазмада ўзининг ҳунармандчилик маҳсулотлари билан қатнашган 42 та туркистонлик уста мукофотланиб, 9 таси бронза медали билан тақдирланган.

Ўлкадаги ҳунармандларнинг катта қисми маҳсулот тайёрлаш жараёнида хом-ашё ҳисобидан савдогар судхўрлар ёки усталардан кўп ҳолларда қарз олиб, уларга қарам бўлиб қолганлар. Шу тариқа савдогарлар ва қарам ҳунарманлар ўртасида дастлабки капиталистик бозор муносабатлари мануфактураларнинг илк

кўринишлари юзага кела бошлайди. Ҳунармандлар мунтазам даромад олиб туриш учун бир неча касб тури билан шуғуланишга мажбур бўлганлар. Мисол учун, 1872 йил Тошкентда ўтказилган аҳоли рўйхатида кўпчилик аҳолининг касби икки хил: деҳқон ва мойфуруш, чўпонфуруш ва сарроч, тикувчи ва савдогар, мардикор ва бедафуруш деб кўрсатилган.

Фарғона водийсида пахтачилик ва пиллачиликнинг кенг ривожланиши туфайли тўқимачилик саноатининг бирмунча жонланишига имкон пайдо бўлди. Бу ерда Марғилон ва Хўжанд шаҳарлари йирик шойи тўқиш марказларига айланиб борди. Қўқон матоларининг сифати анча паст эди. Андижон ва Ўшда, Самарқанд ва Бухорога нисбатан ҳунармандчилик анча паст ривожланган. Марғилонда тайёрланган шойи газламалар, кўрпачалар, кўйлақлар Қашғар, Бухоро, Туркияга, Хўжандда тайёрланган матолар ва буюмлар Сибир, Россиянинг Европа қисмига Кавказ, Эрон ва Афғонистонга олиб кетилган. Наманганда тўқилган бўз газламаларга қирғизлар ўртасида талаб катта бўлган. Водийда тўқимачилик ва косибчилик билан бир қаторда темирчиликка ҳам катта эътибор берилган. Деярли барча шаҳарлар ва йирик қишлоқларда чўян эритиш ва темирчилик устахоналари мавжуд бўлган.

Россия империя Туркистонни босиб олганидан сўнг ҳунармандчилик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳам ўзгаришлар бўлди. Энди ёлланиб ишловчи ҳунармандлар бой усталардан олган хом-ашёларини ўз уйларидаги асбоб-ускуналари билан маҳсулотга айлантириб, уни устага қайтаришган. Меҳнатлари эвазига эса, ишбай ҳақ олишган. Ёлланиб ишловчилар 12-14 соат ишлашса-да, иш ҳақлари бир неча тангани ташкил этган.

Зарафшон воҳасида энг кўп тарқалган ва ривожланган ҳунармандчилик соҳаси тўқимачилик эди. Бу ерда пахта ва пилла толасидан чит, дока, рўмол, атлас, беқасам, шойи, хонатлас каби матолар тўқилиб, уларнинг бир қисми четга ҳам чиқарилган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро ва унинг атрофлари, Гиждувон, Карманада 10-12 мингта тўқув дастгоҳлари бўлган. XIX асрнинг охирларига келиб Зарафшон воҳасида йирик тўқимачилик мануфактураларининг кўпайиб бориши натижасида якка-якка ишлайдиган усталар инқирозга учраганлар. XX аср бошларида Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатган барча тўқимачилар тўртта

касаба (цех)га бўлинган бўлиб, ҳар бир цехга оқсоқол (бобо) бошчилик қилган. Тўқимачилик цехларига бу даврда Уста Мўминжон, Уста Ғуломқори, Усто Жўрабой, Уста Олимлар оқсоқоллик қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида хунармандлар вилоятларнинг табиий жойлашуви, хомашё етиштириш имкониятларидан келиб чиқиб турли соҳаларга ихтисослашганлар. Мисол учун, Бухоро ва Қўқон атрофларида ип-газлама маҳсулотлари, Самарқандда қоғоз, Тошкент ва Каттакўрғонда пойафзал, Чуст, Шаҳрихонда пичоқ, Чуст ва Шаҳрисабзда дўппи, Наманган ва Ҳисорда металлдан турли буюмлар, Термиз, Денов, Қарши в Ғузорда кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Шаҳарлар ва йирик қишлоқлардаги хунармандлар “бир томондан йирик устахоналар эгаларига ва ишбилармон усталарга, иккинчи томондан, барча ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум этилган ёлланиб ишловчи усталарга ажралганлар. Усталар ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари сотиш имкониятга эга эмас эдилар. Бундай ҳуқуқни йирик устахоналари бўлган савдогарлар қўлга киритдилар”.

Маҳалий устахоналар эгалари кўпроқ бойлик ортириш мақсадида қўл остидаги ишчилардан иложи борица кўпроқ фойдаланганлар. Ишчилар эса асосан усталарнинг ёрдамчилари - халфалар ва шогирдларидан иборат бўлган. Устахоналардаги ишчиларнинг сони одатда 4-5 кишидан ошмаган бўлиб, айрим ҳоллардагина 9-10 кишига етган. Ёлланиб ишловчилар ойига 5-6 рубл, уста ёрдамчилари 10 рублгача ҳақ олишган. Шогирдлар фақат хунар ўрганиш билан кифояланиб, меҳнатлари учун ҳақ олмаганлар.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўша даврга хос характерли хусусиятларидан бири шунда эдики, ҳали бу ерда савдонинг саноатидан ажралиб чиқиш жараёни тугалланмаган. Барча шаҳарларда “дўкон” деганда маҳсулот тайёрланадиган ва сотиладиган жой тушунилган. Устахоналарда тайёрланадиган турли газламалар, металл ва ёғочдан ишланган буюмлар, мис ва сопол идишлар, металлдан ясалган маҳсулотлар, от ва чорвачилик анжомлари, турли безаклар ва тақинчоқлар шу ернинг ўзида сотилган. Бу давр хунармандчилигининг ўзига хос икки жиҳати бўлиб, биринчиси, хунармандчилик корхоналари шаҳар ва

қишлоқларда саноатнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланган. Аҳолининг эҳтиёжлари асосан маҳаллий ҳунармандчилик саноати ҳисобига қондирилган. Иккинчиси, айнан маҳаллий ҳунармандчилик саноатида кўплаб ишчилар, камбағал ва ўртаҳол касиблар ишлар эдилар.

Ўлкадаги кўчманчи аҳоли орасидаги ҳунармандчиликда кигиз тайёрлаш, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш, оила эҳтиёжлари учун тери ва мўйна ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган эди. Кўчманчилар орасида кигиз (намат) тайёрлаш анча ривожланган. Чунки бу маҳсулотга ҳамма вақт талаб катта бўлган. Ўлкада бўз, атлас, шойи тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик каби ҳунармандчилик турлари ривож топган бўлиб, қандолатчилик, ширмонпазлик, новвойлик ҳам тараққий этган. Уй-рўзғор учун ишлатиладиган кундалик эҳтиёж моллари, хўжаликда ишлатиладиган барча маҳсулотлар – эгар-жабдук, сандиқ, шам, мис идишлар, халатлар, чарм буюмлар, сопол, ёғоч, кумуш, олтин буюмлар, кетмон, пичоқ, маҳси, калиш, дўппи, тақинчоқлар кўплаб ишлаб чиқарилган.

Маълумотларга кўра, минтақа иқтисодиётини ўрганиш учун 1886 йилда Тошкентда очилган биринчи ва 1890 йилдаги иккинчи Туркистон кўрғазмаларида маҳаллий ҳунарманд усталар ҳамда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш қилинади. Бу ерда намойиш қилинган гилам тўқувчилар, қуролсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган маҳсулотлари кўрғазма иштиркочиларида яхши таасурот қолдирлган эди. Аммо, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиядан саноат маҳсулотлари келтиришни кўпая бошлагани туфайли маҳаллий ҳунармандчилик инқирозга учрай бошлади.

Туркистон ўлкасида маҳаллий ҳунармандчилик корхоналари турли-туман бўлиб, улар ўзларининг характериға кўра қуйидаги тўртта гуруҳга бўлинган:

1. Қазилма маҳсулотларни қайта ишловчи (кулолчилик, чўян қуйиш, темирчилик, тунукасозлик, чилангарлик) корхоналари.

2. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи (кўнчилик, гилам ва олача тўқиш, мой-шам, шойи, кигиз тўқиш, пиллачилик, этикдўзлик ва бошқ.) корхоналар.

3. Ўсимлик маҳсулотларини қайта ишловчи (мойжувоз, ип-газлама, дурадгорлик, эгар -жабдуқ ва бошқ.) корхоналар.

4. Аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи (заргарлик, соатсозлик, китоб муқовалаш, дўппидўзлик ва бошқ.) корхоналар.

Темир йўллар.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Россиянинг босқинчилик сиёсатини давом эттириш, Ўрта Осиёда ҳарбий-стратегик жиғхатдан мустаҳкам ўрнашиб олиш, ўлканинг ер усти ва ер ости бойликларини мумкин қадар кўпроқ ўзлаштириш заруриятлари империя ҳукуматини Туркистонни Россиянинг марказий районлари билан боғловчи темир йўллар қуришни тезлатишга мажбур қилган эди. Империя ҳукумати томондан ушбу масалага жиддий эътибор берилиб, бу йўналишда қисқа муддат ичида 40 га яқин лойиҳалар ишлаб чиқилди ҳамда Ўрта Осиё темир йўл қурилишини Красноводскдан бошлаш лойиҳаси мақсадга мувофиқ деб топилди. Биринчидан, Каспий денгизи бўйида бунёд этилган (1869 й.) бу қалъа, Волга дарёси орқали ташиб келинган қурилиш материалларини жойлаштириш учун қулай бўлса, иккинчидан, темир йўл қурилишининг бу йўналиши ўша пайтдаги жанговар туркман қабилаларини бўйсундириш ҳамда чегараларни мустаҳкамлаб олиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Қорақум чўлининг оғир ва мураккаб табиий шароитида темир йўл қурилиши Ҳарбий вазирлик зиммасига юклатилиб, 1880 йил 26 августда Михайловский кўрфазидан Қизил Арвотгача бўлган 217 чақирим масофада қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, мустамлакачи империянинг зўр бериб қилган ҳаракатлари туфайли, 1 январ 1881 йилда 60 чақирим йўл қурилган бўлса, 1 сентябрда Қизил Арвотгача етиб бориб, ишга туширилди. Юк кам бўлганлиги учун поездлар дастлаб ҳафтасига икки марта қатнаб, асосан, ҳарбийлар, почта ва ҳар хил юкларни ташиб турган.

1884 йил 30 июнда империя Давлат кенгаши темир йўлни Ашхабодгача етказиш ҳақидаги таклифни тасдиқлаб, зарур маблағни ажратди. Марв шаҳрида эса, темир йўл қурилишини бошқарувчи идора ташкил этилди. 1885 йил июн ойида темир

йўлни Чоржўйгача етказиш ҳақида Бухоро амири Абдулаҳадхондан рухсат олинди. 1886 йил 4 февралда империя ҳукумати Марв-Чоржўй темир йўли қурилишини тасдиқлади. Дастлабки пайтларда темир йўллар қурилишига “ортиқча нарса талаб қилмайдиган ва ўлканинг жазирама иссиқларига кўникиб кетган” маҳаллий аҳоли ҳам жалб этилди.

Темир йўл қурилиши катта қийинчиликлар билан кечган бўлиб, бу ҳақда П.П.Семёнов-Тяньшанский шундай ёзган эди: “Шубҳасиз, дунёнинг бирор ерида Каспий орти вилоятидаги каби кумли чўлдан катта масофадаги темир йўл ўтказилмаган. Темир йўл қурувчиларининг Янги Калифорния ва Жазоирда кум билан кураши Каспий бўйлари, айниқса, Марв воҳаси ва Амударё оралиғидаги каби катта ҳажмда эмас эди”. Шунга қарамасдан темир йўллар қурилиши кенгайиб борди. Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, 1886 йилдан бошлаб муҳандис К.Толпиго Самарқандда, техник Р.Палмигрэн Каттакўрғонда, техник В.Лепинский Зиёвиддинда, муҳандис С.Иванов Бухорода, муҳандислар Д.Семагин ва Л.Дараганлар Қоракўл ҳамда Амударёда темир йўл қурилиши бўйича ишларни бошлаб юбордилар. Катта қийинчиликлар ва асбоб-ускуналар етишмаслиги шароитида бўлсада, 1888 йил февралда Амударё-Самарқанд йўли қуриб битказилди.

Темир йўллар ўлканинг ичкарасига тобора кириб борган сари унда ишлаётган маҳаллий аҳоли сони ҳам кўпайиб борди ва тадқиқотларга кўра, қарийб 70-80 фоизни ташкил қилди. Қурилиш ишларига ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ишлаган бўлиб, улардан дастлабки қурувчи ишчилар етишиб чиқдилар. Маҳаллий аҳоли оғир шароитларга қарамасдан, русийзабон ишчиларга қараганда анча кам иш ҳақи олганлар. Шунга қарамасдан, XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб мустамлака маъмурияти ўлкадаги темир йўл ишчилари орасида маҳаллий аҳолини камайтириб, русийзабон ишчиларни кўпайтириш чоратадбирларини кўрди.

XIX аср охирида Ўрта Осиё темир йўл ишчиларининг миллий таркиби қуйидагича бўлган:

Ишчиларнинг миллий таркиби жиҳатидан тоифаланиши	1890 й.	1894 й.	1898 й.
Руслар	1760	2359	4100
Маҳаллий миллат вакиллари	1028	860	948

Мустамлака маъмурияти томонидан 1895 йил 21 сентябрда Самарқанд-Андижон темир йўлининг Тошкент шахобчасини қуриш ҳақида кўрсатма берилиб, ишлар жадал суръатларда олиб борилди. Натижада биринчи поезд 1897 йил 27 ноябрда Қўқонга, 1899 йил Тошкентга, 1900 йилда Андижонга кириб келди. Ушбу магистрал йўлга “Ўрта Осиё темир йўли” деб ном берилди.

Таъкидлаш лозимки, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда темир йўллар қурилиши жараёнида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва манфаатлари умуман ҳисобга олинмади. Хусусий уйлар бузилиб, ерлар темир йўл ихтиёрига ўтганда ерлар учун товон пули ҳамиша ҳам берилмаган ёки сарсонгарчилик бўлган. Биргина Самарқанд-Андижон темир йўли қурилишида 5,5 минг деҳқон жабр кўрган. Шунга қарамасдан империя ҳукумати темир йўллар қурилишини давом эттирди.

1900 йилда Тошкент – Оренбург йўналиши бўйича темир йўл қурилиши ҳаракатлари бошланиб, бу йўлнинг жанубий қисмини қуриш Тошкентдан, шимолий қисмини эса Оренбургдан қуриш ва ҳар иккала қисмини Казалинскда бирлаштириш режалаштирилди. Маълумотларга кўра, бу йўл қурилишида мустамлака маъмурияти жиддий эътибор қаратган бўлиб, темир йўл қурилиши материалларини етказиб беришда Брянск, Новороссийск, Таганрог, Днепровск, Донск, Сармово, Воткинск, Путиловск, Коломенск, Николаев каби шаҳарлардаги йирик заводлар иштирок этганлар. 1906 йил 1 январда бу йўл тўла фойдаланишга топширилган.

1908 йилдан бошлаб ўлканинг темир йўл қурилиши тарихида янги босқич бошланди. Шу пайтга қадар темир йўллар қурилиши фақат давлат сармоялари ҳисобига амалга оширилган бўлса, бундан кейин бу иш хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширила бошланди. Темир йўллар жуда катта даромад келтираётганига эътибор қаратган катта капитал эгалари бу иш учун катта – катта сармоялар сарф қила бошладилар. Хусусий

темир йўл қурилишига эътиборнинг кучайиши натижасида 1912-1915 йилларда Ўрта Осиёда қуйидаги темир йўл шахобчалари қурилган:

Шаҳобчанинг номи	Узунлиги (чақирим)	Қурилиш йили
Горчаково-Скобелев	8	1912
Қўқон-Наманган	84	1912
Когон- Бухоро	12	1912
Андижон-Гуручмозор	27	1914
I-Андижон – II-Андижон	83	1914
Гуручмозор-Жалолобод	46,3	1915
Когон-Қарши	147,4	1915
Қарши-Амиробод	144,2	1915
Қарши-Самсонов	109,2	1915
Қарши-Ғузор-Китоб	114	1915

Таъкидлаш лозимки, Россияни Ўрта Осиё билан боғлайдиган темир йўллар ишга туширилгач, рус ва чет эл капиталининг ўлкага кириб келиши учун катта имкониятлар очилди. Темир йўлларнинг қурилиши, ҳаракат йўналишларининг ўсиб бориши темир йўл таъмирлаш базасини яратиш заруриятини тақозо этганлиги боис, темир йўллар ёқасида уларга хизмат кўрсатадиган станциялар, устахоналар ва деполар қурила бошланди. Дастлаб 1882 йилда Қизил Арвотда вагон-таъмирлаш, 1900 йилда эса Тошкент ва Красноводскда темир йўл устахоналари ишга туширилди.

Темир йўллар ишга туширилиши натижасида ўлкадан пахта, жун, қуруқ мевалар ташиб кетиш, Россиядан эса, мануфактура маҳсулотлари билан бир қаторда, қанд, темир, пўлат, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва дон маҳсулотлари келтириш авж олди. Бу ҳолатни қуйидаги жадвалда ҳам кузатиш мумкин:

1885 йилдан 1900 йилга қадар Туркистондан олиб кетилган ва Россиядан келтирилган маҳсулотлар

Туркистондан олиб кетилган	Пуд ҳисобида	Россиядан олиб келинган	Пуд ҳисобида

Пахта	49 546 152	Мануфактура маҳсулотлари	9 208 745
Жун	5 002 152	Қанд	8 137 042
Ипак	113 959	Қишлоқ хўжалик ускунлари	39 521 дона
Қуруқ мева	7 496 883	Саноат асбоб- ускуналари	16 929 дона
Шоли	6 689 702	Темир	1 905 132

Россиянинг марказий районларида пахтага бўлган талабнинг тобора ортиб бориш туфайли темир йўллар орқали ташиладиган асосий юк пахта ва ундан олинadиган маҳсулотлар бўлиб қолди. Темир йўллар орқали турли асбоб-ускуналар, меҳнат қуролларининг келтирилиши натижасида қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга асосий эътибор қаратилиб, ўлкада пахта яккахокимлигига замин тайёрланди. Тадқиқотларга кўра 1880 йилда Ўрта Осиёдан Россияга 300 минг пуд пахта олиб кетилган бўлса, биргина 1900 йилда темир йўллар орқали қарайиб 6 млн.пуд пахта ташиб кетилган бўлиб, ташиб кетилган пахтанинг асосий қисми Фарғона вилоятига тўғри келган.

Замонавий тадқиқотчилар темир йўллар қурилиши ўлкада ижтимоий –иқтисодий ўзгаришлар қилганлигини эътироф этган ҳолда, бу жараён пахтачиликнинг ривожланиши, пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати тармоқларини ривожлантиришдан ташқари, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшилашда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда ҳам алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлайдилар. Темир йўлларнинг ишга туширилиши ўлканинг муҳим иқтисодий ва маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Андижон, Каттақўрғон. Қарши, Чоржўй ва бошқа шаҳарларнинг янада кенгайишига, бир қатор янги шаҳарлар (Скобелев, Когон, Красноводск. Ховос ва бошқ.) вужудга келишига шароит яратиб, ўлка аҳолисининг маънавий ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Темир йўлларнинг қурилиши ўлка халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида қуйидаги муҳим ўзгаришларни амалга оширди:

1. Ўлка халқларини хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланишига ёрдам берди.

2. Ўлка вилоятлари аҳолиси ўртасида ўзаро савдо-сотик ҳамда тадбиркорлик алоқаларини кучайтирди.

3. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши ҳар иккала хўжалик тури вакилларининг ишбилармонлик ҳамда тадбиркорлик интилишларини жонлантирди.

4. Ўлка қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришида бозор муносабатларининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди.

5. Темир йўл ўтган ҳудудларда станцияларнинг қурилиши – янги аҳоли пунктларининг бунёд этилишига, бу пунктларда турли миллат вакилларининг яқин қўшничиликда яшаб, бир – бирларини яқиндан билишларига, ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилишларига ёрдам берди.

Аграр сиёсат. Маълумки, XIX асрнинг ўрталарида Россия тўқимачилик саноати учун келтираётган Америка пахтаси эвазига империя ҳукумати йилига 30-40 млн. рубл бож тўлаб келган. Айнан шунинг учун ҳам Туркистонни пахта хом ашёси етиштирадиган мустамлакага айлантириш, Туркистон ҳисобига пахта мустақилигига эришиш Россия аграр сиёсатининг бош мақсади қилиб белгиланган эди. Туркистон босиб олинган дастлабки даврдаёқ хонликлар даврида давлат мулки ҳисобланган катта – катта ер майдонлари Россия мулки деб эълон қилинди. Аста-секинлик билан вақф ерлари ҳам давлат тасарруфига олинди. Хусусий мулк ҳисобланган ерлар ҳам давлат мулкига айлантирилиб, уларни илгариги эгаларига меросий равишда фойдаланишга берилди ҳамда солиқ солинди. Империя ҳукумати олиб борган аграр сиёсат туфайли, тез орада ўлканинг барча ҳосилдор ерлари Россия империясининг улкан даромад манбаига айланди.

Россия империясининг Туркистонда юритган аграр сиёсатида Россиядаги “ортиқча аҳолини кўчириш” сиёсатида алоҳида эътибор қаратилди. Империядаги олий лавозимлардан бирида фаолият кўрсатган М.Бродовский бу борада шундай хулосага келган: “Истило этилган бу ерлардаги бўш ерларга ҳукумат хўжайин эканлигини ҳисобга олсак, Ўрта Осиёдаги мулкларимиз ички губернялардаги ортиқча аҳолини кўчириб келтиришга имкон берувчи мустамлака аҳамиятини касб этади”. Империянинг Давлат мулклари ва зироатчилик вазири

А.В.Кривошеин империя маъмурлари аграр сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини жуда ихчам тарзда қуйидаги учта сўзда ифодалайди: пахта – суғориш – русларни кўчириб келтириш.

Маълумотларга кўра, 1886 йилги “Низом”да ўлкага кўчиб келувчиларга 10 танобдан кам бўлмаган ер ажратиш белгиланган бўлиб, “бўш давлат ерларига” биринчи навбатда хизматдан бўшаган заҳирадаги зобитлар, қуйи унвондаги ҳарбий хизматчилар жойлаштирилиши алоҳида кўрсатилган. Замонавий адабиётларда берилишича, Россия империяси Туркистонда олиб борган аграр муносабатларда қуйидаги сиёсатни юритди:

1. Ўлкадаги барча ерлар давлат хазинасига тегишли деб эълон қилинди. Ўтроқ маҳаллий аҳолига ер меросий якка жамоа эгаллиги тарикасида, кўчманчи аҳолига эса муддати чекланмаган тарзда жамоа бўлиб фойдаланиш учун топширилди.

2. Ўтроқ ҳудудларда ер ундан амалда фойдаланаётганларга бириктирилди. Бу тартибга биноан суд органларига ер-сувга оид муназорали масалаларни ҳал этишда қозилар томонидан берилган ерга эгалик қилиш ҳақидаги ҳужжатларига – васиқаларига таянмай, аксинча, ердан амалда ким фойдаланаётганига қараб иш тутиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берилди.

3. Кўп ҳолларда вақф ерлари аввалги тарзида қолдирилди. Аммо, айрим ҳолларда вақф ерларини давлат ўз ихтиёрига олиши ҳам мумкинлиги белгиланди.

4. Илгари имтиёзга эга бўлган шахсий мулк ерларига бошқалар қатори солиқ солинди. Улар энди хусусий мулк эмас, балки давлат ерлари деб аталди ва деҳқонларга меросий равишда эгалик қилиш ва фойдланишга топширилгани маълум қилинди.

5. Шаҳар ташқарисида рус аҳолисига ер ажратиш тақиқланди.

6. Европаликлар, хусусан, руслар томонидан маҳаллий аҳолига қарашли ерларни сотиб олиш ман этилди. Бу таъқиқ 90-йиллар охирига қадар ўз кучини сақлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда қайд этиш керакки империя ҳукумати ер масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб, маҳаллий аҳолининг ерга бўлган ҳуқуқлари қайта кўриб чиққан ҳамда у Россия ҳукумати манфаатларига мослаштирилган. Ўрта Осиёда яшаётган кўчманчи халқлар ихтиёридаги ерлар

давлат мулки деб эълон қилинди ва яна ўз эгаларига чекланмаган муддатга ижарага берилди.

1873 йилда К.П.Кауфман бошчилигида ишлаб чиқилган “Ер ҳақидаги Низом”да фақат қонуний ҳужжатлари бўлган кишиларгина ўзларига тегишли ерларни хусусий мулк қилиб олишлари кўзда тутилган эди. Аммо, маҳаллий аҳолининг катта қисмида бундай ҳужжатлар йўқ бўлиб, уларни бериш ёки борларини тасдиқлаш империя маъмурларининг хоҳишларига боғлиқ эди. Бу ҳолат эса, мустамлакачи маъмуриятга ҳужжатлари бўлмаган деҳқонларнинг ерларини осонгина тортиб олиш учун қулай имконият берар эди. Мисол учун, 70-йилларда очик бозорлар қуриш баҳонасида тошкентлик деҳқонлардан 300 десятина, Тошкентда Константиновский заводи ширкатини жойлаштириш учун 23 минг десятина ер тортиб олинган. Мустамлакачи маъмурларининг бундай сиёсати аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлганлиги боис, маъмурлар 2 минг десятина ерни ширкат ихтиёрига қолдириб, қолганини эгаларига қайтарганлар.

Бошқа вилоятларда ҳам шундай вазиятни кузатиш мумкин. Биргина Қўқон шаҳрини кенгайтириш баҳонасида маҳаллий аҳолидан юз минг кв.саржин ер тортиб олинган. 1877 йилда Янги Марғилон (Фарғона) шаҳрини қуриш учун деҳқонлардан бир неча минг десятина ер тортиб олинган ва маҳаллий аҳолининг бу шаҳарга кўчаб келиши таъқиқлаб қўйилган. Бошқа шаҳарларда ҳам ерлар мустамлакачи маъмурлари томонидан талон-тарож қилиниб, деҳқонлардан тортиб олинган ерларда юзлаб корхоналар, дала ховлилари, черковлар ва саноат корхоналари қурилган. Бу ҳолатни ўша вақтдаги тафтиш комиссиясининг аъзоси Добромилов “фақат ишёқмасларгина ишсиз қолдилар, ишбилармонлар катта – катта ерларни эгаллаб олдилар”, деган фикрлари билан русларнинг маҳаллий аҳолига тегишли ерларини тортиб олишларини оқлашга ҳаракат қилган.

Россия империянинг 1867-1916 йиллар давомида ер-сувга эгалик масалаларига доир ҳужжатларни ўрганиш асосида хулоса чиқарган тадқиқотчиларнинг фикрича, рус амалдорлари ўртасида Туркистондаги ерларга эгаллик қилиш масаласида икки хил нуқтаи назар ҳукмронлик қилган. Биринчиси, Туркистон ўлкасини ўзлаштиришда дворян-помешчикларнинг фикри бўлиб, улар Туркистон деҳқонларини 1861 йилга қадар Россияда

бўлгани каби ҳуқуқсиз деҳқонлар аҳволига тушишини истаганлар. Иккинчиси, Россия буржуазиясининг фикри бўлиб, улар Туркистон деҳқонларини эркин ер эгалари деб эълон қилишни, уларнинг ўз ерларидан шахсий мулк сифатида фойдаланишларини истаганлар ҳамда шу йўл билан ўлка қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларга кенг йўл очишни кўзлаганлар.

Фикримизча, бу масалага учинчи ҳолатни ҳам қўшиш мумкин. У ҳам бўлса, империя ҳукмрон доираларининг рус “мужик”ларини ёки Россиянинг марказий районларидаги “ортиқча” аҳолини кўчириш сийёсатининг моҳиятида кузатилади. Мустамлака амалдорлари кўчиб келган русийзабон аҳоли учун махсус комиссиялар тузиб, қулай шарт- шароит яратиб бердилар. Кўчиб келган аҳолига энг ҳосилдор ерлар, ўтлоқ ва яйловлар, сувдан фойдаланишга имтиёзлар берилган. Уларга берилган ерлар кўп ҳолларда маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ёки сотишга мажбур қилинган.

Тадқиқотларга кўра, 1889 йил 13 июлдаги Қонун кўчиб келган русларга имтиёзлар ва моддий ёрдам беришни белгилаб берди. 1892 йилдан бошлаб эса, Россиядан ўзбошимча кўчиб келган минглаб “келгиндилар”га маъмурият назорати билан келганлар қатори уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлиги жорий қилинди. Натижада русийзабон аҳолининг кўчиб келиши оммавий тус олиб, XX аср бошида рус келгиндиларининг сони 175 мингдан ошиб кетди. Туркистон аҳолисининг атиги 5 фоизини ташкил этувчи рус мустамлакачилари кўлига эса, экин экиладиган ҳосилдор ерларнинг 60 фоизи бериб қўйилган эди.

Маҳаллий аҳоли ерларининг тортиб олинishi, ерларнинг мулкдорлар қўлида тўпланиши шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг ижтимоий қатлам ва табақаларга ажралиб кетишига олиб келди. Улар йирик ер эгалари, шаклланиб келаётган қишлоқ буржуазияси, ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар, чорикорлар ва мардикорларга бўлина бошладилар.

9. Россия империясининг Туркистондаги кўчириш сиёсати. Мустамлака Туркистонидаги маданий-маърифий сиёсат.

Маълумки, босиб олинган ҳудудларни империя мафкурасига мослаштириш, маҳаллий аҳолини имкон қадар руслаштириш, шу аснода миллий-маданий қадриятларни йўқотиш Россия империяси мустамлака сиёсатининг асосини ташкил этар эди. Айнан шунинг учун ҳам Россия ҳудудларида яшаётган аҳолини доимий равишда Туркистон ўлкасига кўчириш мустамлака маъмурларининг диққат марказида бўлди. Шунингдек, империя ҳукумати “Туркистон Россия тожидаги бебаҳо жавоҳир” эканлигини таркор эътироф этган ҳолда Россиядаги ишсизлик, аҳоли нотинчлиги муаммоларини ҳам “ортиқча аҳолини” кўчириш орқали ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Ундан ташқари, империянинг Туркистонда кўраётган чора-тадбирлари, ўлкада бутунлай мустаҳкамланиб олиш учун етарли эмас эди.

Таъкидлаш жоизки, Россиянинг ўзида, унинг марказий районларида ижтимоий-иқтисодий аҳвол яхши эмас эди. Бу ҳолат ҳам чор маъмурларини кўчириш сиёсати олиб боришга мажбур қилган бўлиб, унинг ўзига хос сабаблари бор эди. Тарихдан маълумки, 1861 йилда Россияда аграр ислоҳот ўтказилиб, бу ислоҳотдан сўнг қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг катта қисми ерлардан бўшаб шаҳарларга келиб жойлаша бошладилар. Россия шаҳарларида мавжуд бўлган саноат корхоналари эса, қисқа муддат ичида янги ишчиларни иш билан таъминлашга қодир эмас эди. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан Россия шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Шунингдек, илгари қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланган, саноат ишлаб чиқаришда малака ва тажрибага эга бўлмаган “собик деҳқонлар” ишсизлар сонини тўлдиришга ёки бўлмаса, бошқа ўлкаларга кўчиб кетишга мажбур эдилар.

Юқоридаги сабаблар ва ҳолатларни империя маъмурларининг ўзлари ҳам эътироф этганлар. Хусусан, Туркистон ўлкасида махсус кўрсатма билан тафтиш ишлари олиб борган К.К.Пален Россия империясининг Туркистонда бу йўналишдаги кўзлаган манфаатларини қуйидагича ифодалайди:

“Бу ўлка Россияга қўшилган кундан бошлаб рус ҳукуматини икки томонлама:

1. Молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлатнинг даромад манбаи ва маҳсулотлар учун янги бозор сифатида;

2. Мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради”;

Юқоридагилардан ташқари, Туркистон ўлкасига “ортиқча аҳолини” кўчиришдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири, бу ерда мустамлакачи ҳукумат олиб бораётган сиёсатни русийзабон аҳоли ёрдамида янада изчилроқ амалга ошириш ва жорий этишдан иборат эди. Империя маъмурлари учун Туркистон ўлкасига “ортиқча” аҳолини кўчириш мақсадининг моҳияти - бу ерда стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш, мустамлакачилик тартибларини изчиллик билан ўрнатиш, ўлкани хом ашё базасига айлантириш, ўлкада империянинг таянч пунктларини мумкин қадар кўпайтириш зарурияти билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, ундан ташқари подшо ҳукумати саноат ишлаб чиқариши малакасини яхши эгаллаган тажрибали ишчиларни ҳам мустамлака ўлкаларда иш бошлаган ўз корхоналарига жалб қилишдан кучли манфаатдор эди. Айнан юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, Туркистон ўлкасига русийзабон аҳолини кўчириш сиёсати йилдан йилга жиддий тус олиб, жонланиб борди. Бу борадаги чора-тадбирлар империя мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эди. Аммо, империя маъмурлари ўзларининг кўчириш сиёсатини турли йўллар билан хаспўшлашга ҳаракат қилдилар. Мисол учун, “Туркестанские ведомости” газетасининг 1888 йил 15 март сонидида чиққан бир мақолада ёзилишича, “Россиядан кўчиб келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, боғ-роғлар барпо этишга, маҳаллий аҳоли хавфсизлигини таъминлашга катта ёрдам беради”. Аслини олганда эса, қашшоқлашиб қолган юз минглаб аҳолининг Туркистонга кўчириб келтирилиши Россия империясида тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишнинг мустамлака қиёфасидаги йўли эди. Иккинчи томондан эса, мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг доимий яшаши мустамлакачи маъмурлар учун иқтисодий, сиёсий ва албатта ҳарбий таянч бўлиб хизмат қиларди.

Рус аҳолисини Туркистон ўлкасига кўчириш сиёсати Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан бошланди. Хусусан, 1875 йилда Авлиёота туманида Россиядан кўчириб келтирилганлар ҳисобига биринчи рус қишлоғи пайдо бўлган бўлса, ўша йилиёқ Авлиёотада уларнинг сони 8тага етди. 1886 йилда қабул қилинган “Низом”га мувофиқ рус деҳқонларини кўчириб келтириш ва жойлаштириш ҳаракатлари кучайиб кетди. Бинобарин, кўчириб келтирилганларнинг оғирини енгил қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш учун Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан махсус комиссия тузилди. Бу комиссияга генерал-майор Матвеев раис этиб сайланиб, аъзолигига полковник Путинцев, генерал-губернатор маслаҳатчиси Иванов, Россиянинг Бухоро амирлигидаги агенти Чериковлар тайинландилар.

Ушбу комиссия тузилиб, фаоллик билан иш олиб боришининг сабаблари бор эди. Хусусан, рус аҳолисини Туркистон ўлкасига кўчириш дастлабки пайтларда мажбурий амалга оширилган бўлса, кейинчалик, ихтиёрий кўчиб келувчиларнинг сони кўпайиб борган. Чунки, кўчириб келтирилган рус аҳолиси катта имтиёз ва имкониятларга эга бўлганлар. Маҳаллий аҳоли ота-боболари минглаб йиллар давомида яшаб келган ерларидан зўрлик билан кўчириб юборилиб, уларга тегишли бўлган барча унумдор ерлар кўчиб келган рус аҳолисига текинга олиб берилган. Кўчманчи аҳоли минглаб гектар майдонларидаги яйловлардан, пичанзорлардан маҳрум бўлдилар. Катта сиёсий имтиёзларга эга бўлган кўчиб келган рус аҳолиси маҳаллий аҳолининг мустамлакачилик тузумига қарши олиб борган ҳаракатларини буғиб турувчи катта кучга айланди. Чунончи, маҳаллий аҳолининг кўплаб кўзғолонларини бостиришда ҳарбий кучлардан ташқари кўчиб келган рус аҳолиси ҳам иштирок этганлиги манбалардан маълум.

Кўчиб келганларга берилган имтиёзлар шундан маълум бўладики, расмий маълумотларга кўра, кўчиб келганларнинг 43,1 фоизи мол-мулксиз, 37,8 фоизи пулсиз эдилар. Кўчиб келган рус аҳолисига (мужикларга) ўртача 38,8 рублдан пул берилган. Уларнинг 17,4 фоизи - 1 десятина, 53,8 фоизи - 1,3 десятина, 14 фоизи-3-5 десятина, 14,8 фоизи- 5-10 десятина ер олишган. Кам ер олганлар бошқаларнинг ерларида ёлланиб ишлаганлар ёки шаҳардаги корхоналарда, темир йўлларда ишга жойлашганлар.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 1875 йилдан 1890 йилга қадар Туркистон ўлкасига 1300та оила кўчирилиб, 19та рус қишлоғи пайдо бўлди. 1891 -1892 йилларда Россияда очарчилик кучайган даврда бу қишлоқлар сони 25тага етди. Биринчи рус инқилоби даврида (1905-1907 йй.) ижтимоий аҳволи оғирлашган рус деҳқонлари Туркистон ўлкасида ҳосилдор ерларга эга бўлиш имконияти борлиги учун оммавий равишда кўчиб кела бошладилар. Мисол учун 1906 йилда биргина Еттисув вилоятида руҳсатсиз кўчиб келганлар 16 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1907 йилда уларнинг сони 33 минг кишини ташкил этган. 1910 йилга келиб, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 124та рус қишлоғи мавжуд бўлиб, уларда 70 мингга яқин аҳоли яшарди. Умуман, XX асрнинг бошларига келиб Туркистон ўлкасидаги рус аҳолисининг сони 197420 кишига етиб, уларнинг аксарияти ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида жойлашган эди.

Кўчириб келтирилган рус аҳолиси катта имтиёзларга, маҳаллий аҳолига нисбатан кўпроқ ерларга эга бўлиб, улардан маълум муддат солиқлар ҳам олинмаган. Империя маъмурияти ҳар қандай қилиб бўлса ҳам унумдор ерларни рус деҳқонларига ажратиб беришга ҳаракат қилди. Шунингдек, ер солиқлари оширилиб, маҳаллий аҳоли ўз ерларини сотишга мажбур этилди. Бундай ерлар ҳам кўчиб келган рус аҳолисига берилди. Буларнинг натижасида кўчиб келган рус деҳқонлари кўп даромад олиб, ишлаб чиқаришнинг техникавий воситаларини ҳам анча яхшилаб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу масалада В.Юферов 1914 йилда шундай маълумотлар беради: “сарт хўжаликларининг хўжалик қуроли ер ҳайдаш, ҳосил йиғиш ва юк ташиш воситаларидан иборат бўлиб, улар ооч, мола, кетмон, ўроқ, от билан арава холос. Мирзачўлда яшовчи 910 та рус хўжаликларида 973 та бир тишлик, 219та 2 ишлик плуг, 819та ёғоч мола, 309 та темир тишлик мола, 59 та француз моласи, 129 та дон янгиич машинаси, 38 та пичан ўргич мослама, 19 та ер текисловчи асбоб, 426 та ер юмшатувчи мослама, 136 та пахта экадиган ва 17та ғалла экадиган мослама (сеялка) 18та отга кўшиладиган хашак тўплагич мавжуд”. Бу маълумотлар маҳаллий деҳқонлар билан кўчиб келган рус деҳқонларнинг имкониятлари ҳамда аҳволдан яққол далолат беради.

Қуйидаги жадвалда Туркистон ўлкасига кўчиб келган хўжаликларда 1916 йилда мавжуд бўлган чорва моллари миқдори берилган. Бу кўрсаткичлар ҳам кўчиб келганларнинг хўжилик аҳволи ва имкониятларини яққол намоён қилади.

Вилоятлар	Отлар	Йирик қора– моллар	қўй–эчкилар
Еттисув	128045	273120	330867
Сирдарё	35743	82810	93755
Самарқанд	3711	8155	2630
Фарғона	7914	11652	299
Каспийорти	1692	6816	19862
Жами	1771	38255	74611

Бу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Империя ҳукумати Россиядан “ортиқча” аҳолини кўчириб келтириш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашни Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишдаги асосий вазифалардан бири деб билди. Мустамлакачи маъмурларининг бу борадаги қарашларига эътибор берадиган бўлсак, империянинг деҳқончилик ва ер тузилиши ишлари бошқармаси бошлиғи А.Кривошеин Россиянинг марказий губерния (вилоят)ларидан “ортиқча” аҳолини кўчириш, биринчидан, янги ташкил этилган рус қишлоқларида тинчлик ва тартиб ўрнатишга ёрдам берса, иккинчидан, Туркистонда бўш ётган ерларни ўзлаштириш имкониятини беради, деган ғояни илгари сурган эди.

Бунинг учун А.Кривошеин Мирзачўлдаги бир неча юз минг десятина ерларни ўзлаштириш орқали бу ерларга “мустаҳкам рус элементларини” кўчириш ҳамда уларга энг яхши ерларни бериб жойлаштиришни таклиф қилди. Унинг фикрича, “бадавлат мусулмон аҳолиси орасида кўчиб келган руслар камбағал, абгор ва камситилган хўжайин бўлиши мумкин эмас. Русларнинг Туркистондаги сиёсий устунлиги уларнинг хўжалик юритиш имконияти билан мустаҳкамланиши лозим. Кўчиб келган рус-хўжайин ерида сарт деҳқонини кўриш, сартнинг ерида рус батрагини кўришдан кўра ёқимлироқдир”. Бу фикрнинг ўзиёқ империянинг мустамлакачи ҳукумат раҳбарлари Туркистон

аҳолисига нисбатан қай даражада буюк миллатчилик кайфиятида бўлганлигини аниқ-равшан кўрсатади.

Кўчиб келганларнинг салмоғи айниқса Еттисув ва Сирдарё вилоятларида кучли бўлганлиги қуйидаги жадвалда кўринади:

Йиллар	Еттисув	Сирдарё	Ҳаммаси
1896-1909	17911	9824	27735
1910	6575	1559	8134
1911	4842	7995	5837
1912	11298	1166	12464
1913	14321	2454	16775
1914	10574	1345	11919
Жами	65521	17343	82864

Россиядан кўчиб келтирилган аҳолининг жойлашиши, ерга ишлов бериши ва экин экиши учун империя ҳукумати катта миқдордаги маблағлар ажратди. Аммо, унумли ерлари тортиб олиниб, қашшоқлашиб қолган деҳқонлар, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг аҳволи тобора оғирлашиб борди. Кўчириб келинган аҳоли эса доимий равишда озиқ-овқат, хўжалик техникаси ва боша маҳсулотлар билан таъминлаб турилди, қишлоқлар барпо этилди. Мисол учун, биргина Чимкент уездининг ўзида кўчириб келтирилган рус аҳолиси учун 11 та қишлоқ қуришга 16 минг 300 рубл ажратилди. Айнан шунинг учун ҳам давлат рағбати муносабати билан Туркистон ўлкасидаги рус мужикларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб борди.

Мустамлака маъмурияти турли йўллар ва воситалар билан маҳаллий аҳолига тегишли бўлган ерларни рус мужиклари, казак кўшинлари ва давлат ихтиёрига мусодара қилишга уринди. Ерга ва деҳқончилик маҳсулотларига солиқларнинг оширилиши ана шундай воситаларидан бири бўлди. Бунинг оқибатида маҳаллий аҳоли ўз ерларини сотишга мажбур бўлди.

Туркистонга кўчиб келувчилар йилдан йилга кўпайиб борганлиги сабабли, уларни уй-жой, ер, деҳқончилик воситалари билан таъминлаш мақсадида ўлкада Ер фонди бошқармаси ташкил этилди. Ушбу бошқарма асосан суғориладиган ерларни кенгайтириш ҳамда маҳаллий аҳоли ихтиёрида бўлган ерларни турли сабабларни баҳона қилиб тортиб олиш ва мусодара қилиш билан машғул бўлди. Мисол учун, Марғилон туманида шу бошқарма томонидан маҳаллий аҳолисининг 11,5 минг таноб ери

мусодара қилинган. Жалолқудуқ волостининг эса солиғини тўлолмай еридан воз кечган маҳаллий деҳқонларнинг ерлари ҳисобга 3 та рус посёлкаси, Андижон туманида 2 та, Ўш туманида эса 1 та посёлка барпо этилди. Шу тариқа фақат 1906-1913 йиллар мобайнида Туркистон ўлкасида 116 та рус посёлкаси барпо этилди. 1916 йилги миллий-озодлик кўзғолонидан сўнг генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг буйруғи билан фақатгина Жиззах туманидаги маҳаллий деҳқонлардан 1810 таноб ер рус мужиклари фойдасига тортиб олинди.

Рус муаллифларининг берган маълумотларига кўра, маҳаллий аҳолидан тортиб олиниб, кўп ҳолларда кўчиб келган рус мужикларига берилган ерлар майдони қуйидагича бўлган:

- Сирдарё вилоятида 476000 таноб
- Еттисув вилоятида 780000 таноб
- Фарғона вилоятида 75000 таноб
- Самарқанд вилоятида 3000 таноб
- Каспийорти вилоятида 7000 таноб.

Таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкасига империянинг кўчириш сиёсати бошланмасдан олдин ҳам ўлкадаги барча суғориладиган ерлар банд эди. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, чор ҳукумати маҳаллий аҳоли эгаллаб турган ерларга рус аҳолисини жойлаштириш учун турли сабабларни топди. Мисол учун, 1898 йилги Дукчи Эшон кўзғолони баҳонасида манбаларга кўра, “Мингтепа, Қашғар, Тожик қишлоқларининг туғилиб ўсган ерларидан қувғин қилинган аҳолисининг бир қисми Аравон уезди томонига кўчиб кетди. 780та хонадон эса, Мингтепадан 2 чақирим жанубдаги адирликка кўчадиган бўлди. Уч қишлоқ аҳолисига 1899 йил 1 мартгача уй-жойларини бузиб, кўчиш буюрилди ва бу буйруқ ўз вақтида бажарилди. 1899 йил 4 мартда эса, уйлари бузилиб, текисланган учта қишлоқ ўрнига янги эгалари кўчиб кела бошлади”.

Ўлканинг барча ҳудудларида янги кўчиб келганларни маҳаллий аҳолининг қаршилигидан муҳофаза қилиш, уларнинг ўлкада ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида қуроллантириш бошланди. Айниқса, 1898 йилги Андижон кўзғолонидан ниҳоятда саросимага тушган империя маъумрияти янги ташкил этилган рус посёлкаларини қуроллантиришга киришдилар. Чор маъмурлари ўлкада кўтарилиши мумкин бўлган исёнларга қарши тайёргарлик кўрдилар. Маълумотларга кўра,

1898 йилда Еттисув вилоятидаги мингта казак ва икки мингта рус деҳқонига 3000та милтиқ тарқатилган. 1898-99 йилларда Фарғонага 348та милтиқ ва 22452 та ўқ-дори жўнатилган. 1900 йилда ўлкадаги рус деҳқонларига 131 та милтиқ ва шунга яраша ўқ-дори тарқатилган.

“Ҳар бир рус посёлкаси, - дея ғурурланиб ёзган эди Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.Гродеков, - рус кўшинларининг бир батальонига тенг ҳарбий салоҳиятга эгадир”. 1912 йилга келиб Туркистон ўлкасида ташкил этилган рус посёлкалари икки кун давомида рус кўшинлари сафига 31 минг қуролли аскар етказиб бериш салоҳиятига эга эди.

Яна бир масалага эътибор бериш лозим бўладики, у ҳам бўлса аҳолини кўчириш сиёсатидаги зўравонликнинг кучайиб кетганлигидир. Архив маълумотларига кўра, 1906 йилда Ўш уезди Покровский қишлоғида ўзига тўқ рус аҳолиси яйлов ва жамоа ихтиёридаги ўтлоқни маҳаллий аҳолидан тортиб олган. Андижон тумани Кўгарт волостида эса кўчиб келганлар маҳаллий аҳолининг ортиқча ерларини зўрлик билан эгаллаганлар. Маҳаллий аҳоли улар устилан шикоят қилганида эса, кўчириш бошқармаси маъмурлари рус деҳқонлари томонидан туриб, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишади. Кўчиб келганнинг зўравонлиги шу қадар кучайиб кетган эдики, ҳатто Туркистон генерал-губернатори Гродеков, унинг ёрамчиси генерал Кондратович, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Ионовлар Кўчириш бошқармаси бошлиғи Велецкийнинг ўзбошимча ҳаракатларига чек қўйилишини талаб қилиб, Петербургга телеграмма юборишади. Аммо, марказ уларнинг барчасини ишдан четлатиб зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, империянинг олий доирасидаги маъмурлари изчил кўчириш сиёсати олиб бориш жараёнида ўзларининг нуфузли генералларини ҳам аяшмаган.

Ўқувчилар яна шунга эътибор бериши лозимки, яхши таъминланган бўлишига қарамасдан, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг оғир меҳнатларига чидай олмаган рус деҳқонлари ўзлари учун ажратилган ерларни ташлаб, шаҳарларга, темир йўл станцияларига, маълум қисми эса ўз юртларига кетиб қола бошладилар. Биринчи жаҳон уруши арафасидаги иқтисодий қийинчиликлар туфайли бу жараён янада кучайди. Мисол учун,

ўша йилларда (1910-1914 йй.) Етгисув вилоятдан 5275 нафар, Сирдарё вилоятдан эса, 1841 нафар кўчиб келганлар Россияга қайтиб кетганлар.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, Россия империяси маъмурлари Туркистон ўлкасида русларнинг нуфузини кўтариш мақсадида маданий қолоқликни чуқурлаштириш, маҳаллий аҳолини ўз қадриятлари ва миллий анъаналаридан бебаҳра қилишга қаратилган эътибори ҳам асосан кўчириб келтирилган аҳоли сонининг ортиб бориши билан узвий боғлиқ эди. Кўчириш сиёсатининг асосий мақсади – миллий давлатчилик анъаналарини кўпориб ташлаш, миллий маданият ва маҳаллий тилларни камситиш, халқ оммасини маънавий, ижтимоий-сиёсий қолоқликка маҳкум этиб, охир-оқибатда руслаштиришдан иборат эди.

Мустамлака Туркистондаги маданий ва маърифий сиёсат. Туркистон ўлкасининг маҳаллий халқлари рус мустамлакачилигининг дастлабки пайтидаёқ ҳар томонлама жабр-зулмига маҳкум этилдилар. Рус маъмурлари олиб борган энг аянчли мустамлакачилик сиёсатининг бир жабҳаси – маданий ва маърифий сиёсат эди. И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “... биз мустақиллигимизнинг йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салтанати Туркистон халқларининг тараққиёт этишини ҳеч қачон хоҳлаган эмас”.

Айнан шунинг учун ҳам империя маъмурлари маҳаллий аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш масаласида ҳам мустамлакачилик сиёсатига тўла амал қилган эдилар. Ўша даврда бу борада олиб борилган сиёсатни маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик сиёсати, деб кўрсатилган бўлса-да, моҳиятан олганда бу сиёсат – рус аҳолисини ўлкага кўчириш, маҳаллий аҳолини руслаштириш, давлат идораларида рус тилини тикиштириш, миллий маданият ривожланишини турли йўллар билан бўғишдан иборат эди. Мустамлакачилар олиб борган маданий ва маърифий сиёсатининг моҳияти яна шунда кўринадикки, чор ҳукумати маҳаллий аҳоли учун замонавий билимлар билан таништирувчи мактаблар очишга, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга, маданий оқартув муассасалари очишга, санитария-гигиена ишларини яхшилашга, маданий алоқалар олиб бориш ишларига деярли эътибор бермаган эдилар.

Мустамлака маъмурият руслаштириш сиёсатини маорифдан бошлашга қарор қилдилар. Хусусан, 1880 йилда, Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини рус аҳолиси болалари билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилиб, генерал-губернатор фон Кауфман томонидан “руслар ва туземецларнинг болаларини биргаликда тарбиялаш” таклифи киритилди. Генерал-лейтенант Н.О.Розенбах эса ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар бўлган “рус-тузем” мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди.

Россия империяси босқинидан кейин Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотлар фақат рус тилида иш юритаётган бир шароитда маҳаллий аҳоли (асосан бойлар, савдогарлар, қозилар ва оқсоқоллар)нинг болаларини рус тилига ўргатиш учун рус-тузем мактаблари очила бошланди. Бундай мактаб илк бора 1884 йилда Тошкентда очилди. Рус маъмурларининг маориф соҳасидаги бу сиёсатдан кўзланган асосий мақсади – мустамлака рус маъмуриятига садоқатли амалдорларни тайёрлаш ва келажакда сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган бошқарув ишларига маҳаллий аҳолини жалб қилишдан иборат эди.

XIX асрнинг охирларида рус-тузем мактабларининг сони юздан ошиб кетди. Бундай мактабларда ўқув куни икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида икки соатлик машғулоти рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб бўйича), иккинчи қисмида дасрни маҳаллий ўқитувчи олиб борган.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.И.Корольков 1898 йилда императорга йўлаган ҳисоботида подшо маъмуриятнинг Туркистон ўлкасини руслаштириш сиёсатидаги дастурини баён этиб, “туземецларнинг” ўз болаларини ихтиёрий равишда рус-тузем мактабларига беришига эришиш муҳимлигига эътибор қаратган. Бунинг учун у маҳаллий маъмурият амалдорларига яқин беш йил ичида иш юритишни рус тилига кўчиртириш лозимлигини уқтирган.

Шунингдек, Корольковнинг ушбу ҳисоботида маҳаллий аҳолининг турмушига маънавий-руҳий таъсир ўтказиш, ўлка хотин-қизларини ва болаларини европача ҳаёт тарзига ўтказиш, рус ва мусулмон аёлларининг яқин мулоқотда бўлиши орқали мусулмон аёлларига христиан

тасаввурларини сингдириш ғояси ҳам алоҳида ўрин эгаллаган эди.

Тошкентдаги биринчи рус-тузем мактабининг раҳбари бўлган В.П.Наливкин, “Рус тилини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқатиш билан бирга руслар, айниқса, хизматдаги амалдорларга маҳаллий оғзаки нутқини ўргатиш керак”, деган ғояни илгари сурди. Наливкин ўзбек тилини ўрганишга оид қўлланмалар, луғатлар ва бошқа асарларини ёзиб, нашр эттирган. Оддий зобитликдан вилоят ҳарбий губернатори даражасига кўтарилган И.С.Ликошин ҳам ана шу ғоя тарафдорларидан бири эди.

Генерал Н.Корольковнинг Туркистон ўлкасини руслаштириш ҳақидаги лойиҳасини генерал-губернатор С.М.Духовский тўлдиришлар киритиб, 1898 йил 6 сентябрда империя ҳукумати ҳарбий вазирига жўнатади. Бу ахборотда қуйидагилар бор эди:

1. Халқнинг маънавий-руҳий ҳолатига кучли таъсир ўтказувчи барча мусулмон муассасалари, айниқса мадрасалар ички ишларига фаол даражада аралашшиш.

2. Барча маҳаллий мусулмонларни бирлаштиришга қодир орган сифатида мусулмон диний бошқаруви идорасига йўл қўймаслик.

3. Барча ерли мактабларни маъмурият ихтиёрига ўтказиш ва барча маҳаллий мусулмон ўқув юртлари ва диний муассасаларни тўла рўйхатдан ўтказиш.

4. Туркистондаги барча мусулмонларга яҳудийларга нисбатан ўрнатилганига ўхшаш муносабатларни жорий этиш, шунинг учун барча ерли мусулмон мактабларига 1893 йил 1 март қонунини қўллаш, бу қонунга кўра мусулмон мактаблари ўқувчилари ҳар йили алоҳида гувоҳнома олишлари ва улар учун ҳақ тўлашлари лозим.

5. Сиёсий жихатдан зарарли деб топилган маҳаллий мусулмон муассасаларини ёпиш ҳуқуқини генерал-губернаторга бериш, оила ва никоҳ ишларини ҳал қилиш ҳуқуқини рус маъмуриятига қайтариб бериш.

Шуни қайд этиш лозимки, Туркистон ўлкасини руслаштириш ғоялари империя босқинининг дастлабки йилларидаёқ кун тартибига қўйилган эди. Хусусан, М.А.Терентьев 1865 йилда бу ҳақда шундай фикрларни билдирган: “Катта олим бўлган мусулмон етти қават осмон

ҳақидаги ўз фикрларини қуръондан олинган маълумотлардан бошқа бирор далил билан исботлаб бера олмайди. Одамларни исломнинг соғлом фикрларни ўйғотувчи таъсирига ташлаганимиздан кўра, уларни ибтидоий ҳолатда сақлаганимиз тўғрироқдир. Биз Ўрта Осиёга Ғарбдан келдик. Биз билан бирга “буюк ҳақиқат” келди. Бу ҳақиқат – христиан динидир. Христиан динига ўтишни рус мактаби орқали амалга оширмасдан, биринчи навбатда биз маҳаллий аҳоли учун бўлган мактаблар ҳақида ўйламоғимиз керак. Бу мактабларда биз рус тилини ўргатмоғимиз, уларга рус алифбосини ҳам киритмоғимиз зарур”. Ушбу фикрлар мустамлакачи маъмурларининг асл мақсадларини, улар олиб борган маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатни яққол ифодалайди.

Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирларида Туркистон ўлкасида 5281 минг киши, Бухоро амирлигида тахминан 3 млн., Хива хонлигида 500 минг киши яшаган. Бундай сондаги аҳолини ўз эътиқоди ва мафкурасинидан қайтариш, бегона мафкурага, бўйсундириш жиддий чора-тадбирларни талаб этишини чор маъмурлари яхши англаган эдилар. Қолаверса туб жой аҳолисининг шонли тарихи, бой маданияти ва маънавияти мавжуд эди. Айнан шунинг учун ҳам мустамлакачи маъмурлари Туркистон ўлкаси аҳолисини руслаштириш сиёсатига эҳтиёткорлик билан ёндошдилар. Ундан ташқари Туркистон ўлкаси аҳолисининг асосий қисмини, яъни, 95,6 фоизини мусулмонлар, фақат 3,5 фоизини христианлар, 1 фоизини эса бошқа диндагилар ташкил этган. Ўлкада ислом дининг мавқеи юқори эканлиги, бу соҳадаги ишларга аралашувда ўта эҳтиёткорликни талаб этарди.

Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлигида яшовчи аҳолининг 35,7 фоизини ўзбеклар; 44,66 фоизини қozoқлар ва қирғизлар; 4,98 фоизини туркманлар; 6,73 фоизини тожиклар; 2,26 фоизини қорақалпоқлар; 3,75 фоизини руслар; 2,15 фоизини бошқа халқлар ташкил этар эди. Россия империяси маъмурлари ўлка халқларининг бой тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналари, диний бўлса-да, таълим тизимининг маълум даражада йўлга қўйилганлиги билан ҳисоблашишга мажбур эдилар.

Аммо, диний (эски) мактабларда 5-10 йиллаб ўқиган болалар фақат араб алифбосини ўқиш ва ёзишни ўрганиш,

Қуръонни ёдлаш билан чегараланиб, фаннинг бошқа соҳаларидан юзаки билим олиш билан чекланар эдилар. Бу ҳолат ҳақида К.К.Пален шундай ёзган эди: “Туркистон генерал-губернаторларининг барчаси маҳаллий аҳолининг диний сиёсатига аралашмаслик сиёсатини олиб бордилар. Шу сабабли ҳам мактаб воситаси билан бирор бир маърифий тадбирни ўтказмадилар. Ўлкадаги мактаблар Туркистон Россияга қўшиб олинишидан (яъни, босиб олинишидан) олдин қандай ҳолда бўлган бўлса, ўша ҳолатда қолиб кетаверди”.

Мустамлакачи маъмурлари маҳаллий аҳолини дунёвий таълимга кенг жалб қилишни истамаганликлари туфайли Туркистон ўлкасида дунёвий таълим тизимини шакллантиришга деярли эътибор бермай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Чунки дунёвий таълим аста-секинлик билан ўлкадаги маҳаллий аҳолини ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун сиёсий кураш майдонига олиб чиқиши муқаррар эди.

Шунинг учун ҳам мустамлака тузумининг кейинги даврида ташкил этилган рус-тузем мактаблари кенг авж олмай, уларнинг сони кўпайтирилмади. Мисол учун, расмий маълумотларга кўра, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида бор-йўғи 143 та рус – тузем мактаби бўлиб, уларда 8961 нафар ўқувчи таълим олган. Бу ўша даврдаги ўлка аҳолиси умумий сонинг 0,17 фоизга яқинини ташкил этган. Туркистоннинг собиқ генерал-губернаторларидан бири А.Н.Куропаткин бу ҳақиқатни тан олиб, “биз 50 йил давомида туб жой аҳолисини тараққиётдан жиловлдик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик”, деб бежиз айтмаган эди.

Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган маданий ва маърифий сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – Ўрта Осиёда маданий қолоқликни янада чуқурлаштириб, маҳаллий аҳолини ўз тарихи, маънавияти, қадриятлари ва миллий урф-одатларидан бегона бўлган манқуртларга айлантириш, шу йўл билан руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун объектив ва субъектив имкониятлар яратиш эди.

10. Миллий-озодлик ҳаракатлари. Жадиличлик.

Миллий-озодлик ҳаракатлари. Туркистон ўлкасида империя маъмурларининг мустамлака сиёсатига қарши ҳаракатлар (турли кўриниш ва миқёсларда) Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олаётган пайтлардаёқ бошланган бўлса-да, улар шафқатсизларча бостирилиб борилди. 1873-1876 йиллар Қўқон хонлигидаги Пўлатхон бошчилигидаги кўзғолондан сўнг ўлканинг бир қанча худудларида халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди.

Россия империяси босқинига қарши ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларининг тоғли худудларида “Олой маликаси” номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхох 1876 йилнинг охирига қадар босқинчиларга қарши курашиб келган. Унинг қўшинларига қарши юборилган генерал Скобелев бошлиқ рус қўшинлари кўзғолончиларга қарши ҳаракатларда енгилганлиги боис, мустамлакачи маъмурлар Қурбонжон додхох билан сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ана шундай ҳаракатлардан яна бири 1878 йилда Мингтепа (Андижон) да Етимхон бошчилигида бўлиб ўтган исёндир. Бу исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал-губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан ғайриқонуний солиқ ундирувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлган. 1885-90 йилларда Андижоннинг Қўрғонтепа уездида Дарвешхон тўра бошчилигидаги халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Аммо, бу ҳаракатлар рус маъмурлари томонидан шафқатсизларча бостирилди.

“Вабо исёни” номини олган 1892 йилги Тошкент кўзғолони XIX аср охиридаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлди. Бу кўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда ўлкада вабо касали тарқалиши олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий озодлик курашининг бир босқичи эди.

1898 йил май ойида Андижонда мустамлакачи маъмурларнинг зулмига қарши яна бир озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Андижоннинг Мингтепа қишлоғида бошланган бу кўзғолон тарихда “Андижон кўзғолони” деб ном олган бўлиб, унга Муҳаммадали Эшон – “Дукчи Эшон” бошчилик қилди. Мустамлакачилар кўзғолонни шафқатсизларча бостириб, унинг раҳбарини дорга осган бўлсаларда, Фарғона водийсининг Асака,

Қува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳар ва қишлоқларида норозилик ҳаракатлари кенг ёйилди. Аммо, рус қўшинлари барча ҳаракатларни ваҳшийларча бостирдилар.

XX асрнинг бошларига келиб ўлкадаги халқ ҳаракатлари янги босқичга кўтарилди. Айниқса, 1900-1903 йилдаги иқтисодий инкирозлар ўлкадаги маҳаллий аҳолининг аҳволига салбий таъсир этиши деҳқонларнинг оммавий норозиликларига сабаб бўлди. Ана шундай норозилик ҳаракатларидан бири 1904-1907 йилларда Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди. Бу ҳаракатга рус мустамлакачилари орасида “Намоз ўғри”, халқ орасида “Намоз ботир” деб ном олган Намоз Пиримқулов бошчилик қилган. Бу ҳаракат Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ва Хўжанд уездларида кенг тарқалиб, генерал-губернатор маҳкамаси Намоз ботир операцияси учун махсус қўшимча маблағ ажратганлиги бу ҳаракат рус маъмурларини анча ташвишга солганлигидан далолат беради.

Биринчи жаҳон урушининг иқтисодий асоратлари меҳнаткаш аҳоли бўйнида оғир юк бўлиб турган вақтда 1916 йил 25 июнда Николай II нинг “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районларида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари куриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” фармони (мардикорликка олиш) эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказорти халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши сафарбар қилиниши режалаштирилган эди.

Туркистон генерал-губернаторига ушбу фармонни зудлик билан амалга оширилиш буюрилиб, эркак аҳолини йиғиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Натижада 1916 йилнинг 4 июлида савдо ва хунармандчилик маркази бўлган Хўжанд шаҳрида, ундан кейин Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон, Тошкент, Қўқон, Андижон уездларида норозилик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатларнинг энг йириги Жиззахда бўлиб ўтди. Тарихда “Жиззах кўзғолони” деб ном олган бу ҳаракатга Назирхўжа Эшон бошчилик қилган. Даҳшатли тус олган ушбу кўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал-губернатори Жиззахга икки ярим минг кишилик жазо отрядини юборди. Аёвсиз қирғинлар эвазига кўзғолон шафқатсизларча бостирилди.

Хуллас, Россия империяси мустамлакачилари Ўрта Осиё худудларини босиб олганларидан сўнг улар зулмига қарши норозилик ҳаракатлари доимий давом этиб турди. Миллий озодлик ҳаракатлари даставвал маҳаллий халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши стихияли норозилиги сифатида шаклланиб борди. Кейинроқ эса, бундай ҳаракатлар империя мустамлакачилигига бутунлай барҳам бериш, янги мустақил Туркистон давлатини барпо этиш ғоялари билан боғланди-ки, бундай ғояларнинг шаклланиши ва ёйилишида жаҳидлар алоҳида жонбозлик кўрсатган эдилар.

Россия империяси мустамлакачилиги даври Ўрта Осиё давлатларининг ҳаёти, сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий тузуми ва давлатчилигидаги муайян ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Россия империясининг ҳарбий истилоси оқибатида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари забт этилди.

2. Ҳокимиятнинг мустамлакачиликка асосланган тузилмасини ўрнатилиши оқибатида Қўқон хонлиги бутунлай тугатилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлакага айланди.

3. Империянинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчилик ташкилотлари пайдо бўлиб, Россия савдо, саноат ва молия капитали ҳукмронлиги ўрнатилди.

4. Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги маҳсулот айирбошлашни кенгайтириш, мустамлакачилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда минтақанинг иқтисодий тузилмасида аниқ ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган янги иқтисодий шароитларнинг яратилиши оқибатида ўлка Россиянинг арзон хом ашё базасига айлантирилди.

5. Минтақа халқларининг миллий-маънавий манфаатлари ҳамда қадриятлари поймол этилди, уларнинг ҳатто, энг оддий ҳақ-ҳуқуқларига ҳам менсимаслик кайфияти билан қаралиб, улар оммавий равишда асоратга солинди.

**Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига салбий таъсири.
1916 йилги халқ кўзғолони.**

XIX аснинг охири ва XX асрнинг бошларида империя маъмурлари Туркистондаги маҳаллий аҳолининг миллий-озодлик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостириб турган бўлса-да ўлкадаги норозилик ҳаракатларини ва қўзғолонлар тўхтамади. Чунки, 1910-1914 йилларда Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасида миллий ўзликни англаш жараёни кучая бошлаган эди. Ундан ташқари, 1914 йилда Россиянинг биринчи жаҳон урушига қўшилиши, шу йилнинг 26 июлида Туркистон ўлкаси “фавқулудда муҳофаза ҳолатида” деб эълон қилиниши вазиятни янада кескинлаштирди. Бу эълонга кўра, ҳар қандай ташвиқот ва тарғибот таъқиқланиб, тартибини бузганларга Махсус қўмита томонидан 500 рублгача жарима ёки ўн ой муддатга қамоқ ҳуқуқи белгиланди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ўлкадаги мавжуд мустамлака тузумидан норозилик маҳаллий ишчилар ва ҳунармандлар орасида ҳам кучайиб борди. Хусусан, архив ҳужжатлари ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган 425 та саноат корхонасидан 220 таси пахта тозалаш, 76 таси кўн-тери ишлаб чиқриш, 32 таси пилла қуритиш заводлари бўлиб, уларда жами 18 минг нафар ишчи ишлаган. Ишчилар жуда оғир шароитларда кунига 12-14 соатдан меҳнат қилганлар.

Темир йўл ишчилари орасида маҳаллий миллат вакиллари 4,5-5 минг ишчини ташкил этган. Айнан темир йўл соҳасидаги қора ишлардаги, қурилишлардаги ва малакали ишлардаги маҳаллий ишчилар инқилобий ва тузумдан норози кайфиятдаги, турли ислохотлар тарафдорлари бўлган ҳаракатлар таъсири остида ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, миллий ўзлигини англай бошлаган эдилар. Тошкент Бош темир йўл устахонасидаги гоҳ яширин, гоҳ ошқора кураш жараёнидаги тажрибага эга бўлган ўзбек ишчилари уларнинг йўлбошчилари бўлганлиги ҳақида кўплаб архив манбалари маълумот беради.

Тошкент XX аср бошлари. “Россия” меҳмонхонаси



Биринчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ўлкасидаги ҳунармадларнинг сони 100 мингдан ошиқ бўлиб, уларнинг ҳам аҳволи анча оғир эди. Хусусан, ўлкада тўхтовсиз кириб келаётган рус саноати маҳсулотларининг рақобати кўпчилик ҳунармандларни хонавайрон қилиб, бошқа касб-ҳунарга ўтишга мажбур қилар эди. Ундан ташқари, ҳунармандчилик саноати маҳсулотларининг қиймати эса, Туркистон ўлкаси фабрика ва заводлари маҳсулотлари қийматининг 22 фоизи ташкил қилган холос.


Биринчи жаҳон уруши Туркистон ўлкасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига асосланган иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида уруш даврида ўлка аҳолисининг 90 фоизини (XIX аср охирида 80 фоиз бўлган) ташкил этган деҳқонлар ва чорвадорларнинг аҳволи янада оғирлашди. Хусусан, 1916 йилдан бошлаб илгариги йилларга нисбатан чорва моллари сонининг камайиб кетиши, ўлканинг асосий экинни бўлган пахтанинг экин майдони ҳам, ҳосилдорлиги ҳам камайиб кетиши оддий халқ аҳволини янада мушкуллаштирди.

Ундан ташқари, бу даврда деҳқонлардан олинадиган солиқларнинг ҳажми ҳам тобора ортиб борди. Маълумотларга кўра, Туркистонда ер солиғи 1914 йилда 6 859 021 рубл бўлган бўлса, 1916 йилга келиб бу рақам 14 311 771 рублни, яъни, икки баробар кўп миқдорни ташкил этган эди. Архив маълумотларига

асосланган янги адабиётларда берилишича, 1915 йилда ўлка аҳолисидан махсус ҳарбий солиқ олиниб, бу солиқ пахтакорлар учун ҳар пуд пахтадан 2 рубл 50 коп.ни ташкил этган. Ҳисоб-китобларга кўра 1915 йилги бу солиқларнинг умумий миқдори 38 329 000 рублдан иборат бўлган.

Тошкентнинг Анҳор канали – эски ва янги шаҳар ўртасидаги чегара

XIX аср охири – XX аср бошлари



Эътибор бериш лозимки, уруш йилларида мустамлакачилар Россия тўқимачилик саноати манфаатларини ҳимоя қилиб, бозор иқтисодиёти қонунларига хилоф равишда пахтанинг ҳар бир пудига қатъий нарх – 24 рубл белгилаган эди. Натижада пахтакор деҳқонлар бир йил ичида 60 млн рубл зарар кўрдилар. Маълумотларга кўра, 1915 йилда пахтанинг нархи 50 фоизга оширилган бўлса, бошқа зарур маҳсулотлар нархи 400-500 фоизга, ноннинг нархи эса 6 бараварга кўтарилиб кетди. Натижада чайқовчилик ва судхўрлик авж олиб, оддий меҳнаткаш аҳолининг норозилиги кучайиб борди.

Замонавий адабиётларда берилишича, империя мустамлакачилари биринчи жаҳон уруши йиллари Туркистондан 59 млн.пуд пахта, 8,5 млн.пуд пахта ёғи, 950 минг пуд пилла, 2.925 минг пуд тери, 300 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ олиб кетишган. Ундан ташқари фронтга ёрдам учун аҳолидан 70 минг от, 12 мингта туя, 38 минг квадрат метр гилам-наматлар, 2400 минг нақд пул йиғиб олинган.

Бунинг устига кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг нархи ниҳоятда ошиб кетган бир шароитда рус императорининг

мардикорлик тўғрисидаги фармони меҳнаткаш халқ бўйнидаги иқтисодий асоратлар устига оғир юк бўлиб тушди.

Биринчи жаҳон уруши иштирокидаги тобора кўплаб қурбонлар ҳамда йўқотишлар Россия империясини тобора ҳолдан тойдириб борди. Империя маъмурлари қандай қилиб бўлса-да, вазиятни енгиллаштириш чораларини излай бошладилар. Россия Олий Бош қўмондонлик штаби ҳарбий вазирликдан “армия эҳтиёжлари учун салмоқли миқдорда куч ажратишни” зудлик билан талаб қилди. Ҳарбий вазирлик эса бу масалани мустамлакалар ҳисобидан ҳал қилишга қарор қилди. Натижада 1916 йил 25 июнь кунини император Николай II нинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун қилиш зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар қилиш ҳақидаги» фармони эълон қилинди.

Ушбу фармонга кўра, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ орти халқлари аҳолисидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг эркак фронт ишларига, яъни, мардикорликка сафарбар қилиниши лозим эди. Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга зудлик билан фармонни амалга оширилиш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғона вилояти зиммасига 50 минг киши юбориш мажбурияти юкланди.

Тошкент эски шаҳри кўринишидан лавҳа

XIX аср охирлари – XX аср бошлари



1916 йил 2 июлда Тошкентда, генерал-губернаторлик қошида кенгаш чақирилиб, олий амалдорлар доирасида подшо фармонининг ижроси муҳокама қилинди. Ушбу кенгашда Фарғона вилоятининг пахта етиштиришга мўлжалланган туманлари кўп бўлганлиги боис, бу вилоятдан мардикорликка ўлканинг бошқа вилоятларига нисбатан олти баравар кам олишга келишиб олинди. Фарғона вилоятининг ўша пайтдаги ҳарбий губернатори А.Гиппиус вазиятни тўғри англаб, турли йўллар билан халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борди, исёнлар ва ғалаёнларни олдини олишга ҳаракат қилди. У хаттоки, подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонни Фарғона вилоятида вақтинча тўхтатиб туришга кўрсатма берди. Аммо, империя маъмурлари вазиятга тўғри баҳо бера олмадилар. А.Гиппиус зудлик билан вазифасидан озод этилиб, ўрнига ўта кетган шовинист П.Иванов тайинланди. Подшо фармонининг ижроси бошланиши биланоқ ноҳақликлар ва адолатсизликлар, қуйи маъмуриятнинг ўзбошимчалиги ва юқори маъмуриятнинг зўравонликлари юзага чиқди. Самарқанд ҳарбий губернатори Н.С.Ликошин рус ҳокимияти вакилларининг ноқобиллигини шундай таърифлаган эди: “Норозилик ҳаракати кўтарила борди, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ур-йикитлар ҳамда ўлдиришлар содир бўлди. Маҳаллий амалдорларнинг тушунтиришлари ва

огоҳлантиришлари халққа таъсир қилмади. Маъмуриятларнинг сўзларига халқнинг мутлақо ишончи қолмади”.

“Халқ ишончини қозониш” ҳамда “подшо фармони тинч йўл билан бажариш” учун ҳаракат қилган А.Гиппиус адашмаган эди. Мардикорликка олишга қарши исёнлар даставвал Фарғона вилоятида бошланди. 1916 йилнинг 4 июлида Хўжандда кўзғолон кўтарилиб, 7 минг кишилик оломон полиция маҳкамасига ҳужум қилган бўлса, 9 июлга келиб Қўқон мадрасаси талабалри миршаблар билан тўқнашдилар. Маълумотларга кўра, 1916 йилнинг 10 июлидан 15 июлига қадар Фарғона вилоятининг Эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Чуст уездларида катта ғалаёнлар бўлиб ўтиб, сафарбарликка қарши ошкора чиқишлар бошланиб кетди. 12-15 июл кунлари Файзобод, Ҳазратшо, Риштон, Яйпан, Бачқир қишлоқларида аҳолининг катта-катта ғалаёнлари бўлиб ўтди. Хуллас, 1916 йилнинг июлида кўзғолонлар бутун Фарғона водийсига ёйилди. Маълумотларга кўра, водийнинг 17 та жойида маҳаллий аҳолининг ҳарбий қисмлар билан қуролли тўқнашувлари бўлиб ўтган. Бу тўқнашувлар натижасида юзлаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлиб, минглаб кишилар жароҳатланди.

Мардикорликка қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракатлари ўлканинг маркази бўлган Тошкентда ҳам бўлиб ўтди. Қўзғолончилар 11 июлда Бешёғоч полиция идорасига ҳужум қилдилар. Тўпланган халқ ёрдамга етиб келган подполковник Савицкий бошлиқ прапорщиклар ротасидан ҳам ҳайиқмай, уларга қарши жанг қилдилар. Ёвузлиги ва разиллиги билан ном қозонган пристав Мочалов кўзғолоннинг фаол иштирокчиси, ўзбек аёли Рўзвонбиби Аҳмаджовани ўз кўли билан отиб ташлади. 13 июлда Тўйтепа бўлисида мингга яқин аҳоли мардикорлик мажбуриятини бажаришдан бош тортдилар. Тошкент туманига юборган полковник Афанаевнинг жазо отряди исёнчиларни шафқатсизларча жазога тортди.

Қўзғолоннинг кўлами тобора кенгайиб бораётганидан хавотирга тушган мустамлакачи маъмурлар бу вазиятдан чиқиш йўллари излай бошладилар. Натижада, подшо Николай IIнинг фармони билан 1916 йил 17 июлда Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат жорий этилиб, бошқарув тўла равишда ҳарбий кўмондонлик ихтиёрига топширилди. Жазо отрядлари тузилиб, ҳарбий дала судлари ташкил этилди.

Шунга қарамасдан кўзғолонларнинг кўлами ва таъсир доираси пасаймасдан, аксинча, кенгайиб борди. Бу кўзғолоннинг энг кучли маркази Жиззах эди. Миллий озодлик ҳаракати Жиззахда шунчалик кучли бўлган эди-ки, ҳозир ҳам адабиётларда бу курашни “Жиззах кўзғолони” ёки “Жиззахдаги мардокорликка қарши кўзғолон” деб номлаш учраб туради.

Жиззах шаҳридаги меҳнаткаш аҳоли 1916 йил 13 июлда подшо фармонида кўра тузилган сафарбарликка чақирилганларнинг рўйхатини талаб қилиб шаҳардаги оқсоқол ва мингбошининг маҳкамасига тўпландилар. Бу тўқнашувда туманбоши подполковник Рунин, бош оқсоқол Йўлдошев, пристав ва тилмочлар ўлдирилди. Мингбоши маҳкамаси вайрон қилиниб, мардикорлар рўйхати топиб олиниб, ёқиб юборилди. Кўзғолонни бостириш учун юборилган жазо отряди каттик зарбага учради.

18 июлга келиб ушбу миллий-озодлик ҳаракатининг кўлами янада кенгайиб кетди. Шу куни курашчилар Назирхўжа эшон бошчилигида янги шаҳарга томон юрдилар. Жазо отряди билан кўзғолончилар ўртасидаги тўқнашувлар натижасида ҳар иккала томондан ҳам кўплаб қурбонлар берилди. Ғазабланган кўзғолончилар темир йўл станцияларидаги нефть захираларини ёқиб юбордилар. Алоқа симлари узиб ташланиб, Обручева, Куропаткино, Ростовцево станциялари, 6-темир йўл кўприги бузиб ташланди. Бир пайтнинг ўзида Абдурахмон Жевачи бошчилигида Бағдод волостида ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтди. Подполковник Афанасьевнинг жазо отряди Жиззахдаги кўзғолонларни бостира олмади.

Вазиятдан ташвишга тушган Туркистон генерал-губернатори 21 июл куни Жиззахга полковник И.Иванов бошчилигидаги катта жазо отрядини юборди. Унинг таркибига 13 рота аскар, 3 рота казаклар, 3 рота сапёрлар, 6 та тўпли батарея - жами бўлиб 2,5 минг кишилик жазо қўшинлари бор эди. Бу жазо отряди Жиззахдаги кўзғолонни шафқатсизларча бостирди. Эски Жиззах аёвсиз тўпга тутилиб, ёндириб юборилди. Маҳаллий аҳолидан 1810 десятина ҳосилдор ерлар тортиб олиниб, уларнинг эгалари чўлга қувғин қилинди. Мингдан ортиқ киши қамоққа олиниб уларнинг кўпчилиги қатл этилди ва сургун қилинди.

Генерал-губернаторнинг императорга йўлланган махфий ахборотида Жиззахдаги кўзғолон пайтида 97 та рус аскарлари

ўлдирилиб, 86 таси ярадор бўлгани, 76 та аскар бедарак йўқолгани, 7 та рус амалдори, рус аҳолисидан 2326 киши ўлдирилиб, 1384 киши йўқолгани ҳақида маълумот берди. Аммо, генерал-губернатор ўн минглаб қурбон бўлган маҳаллий аҳоли ҳисоби ҳақида ҳеч гап айтмаган.

1916 йилги мардикорликка қарши олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатларига қорақалпоқлар ҳам фаол иштирок этган эдилар. Хусусан, 24 июлда Шўрахон волостининг Тўрткўл бўлимида қорақалпоқ аёллари волост бошқарувчиси Қозоқбой Абдукаримбоевдан мардикорликка олинганлар рўйхатини ва ўз эрлари ҳамда ўғиларини сафарбарликдан озод қилишни талаб қилганлар. Бундай ҳаракатлар 26 июлда Хўжаев жамоасида, 27 июлда Эшим волостида, 29 июлда Сарибий волостида, Тўрткўл волостида, Чимбой шаҳрида, 4 август куни Мўйноқда ҳам бўлиб ўтди.

Қорақалпоқ кўзғолончиларига қарши Каспий орти вилоятининг 4-Сибирь ўқчи полки жўнатилди. Мустамлака маъмурлари уларнинг чиқишларини қурол кучи билангина бостиришга эришдилар. Натижада кўзғолонларда иштирок этганлардан 103 нафари, жумладан 18 та аёл қамоққа олинди. Кўзғолон раҳбарларининг бир қисми осиб ўлдирилди, бир қисми эса турли муддатлар билан Сибирга сургун қилинди. Бўрибой Салманов, Оллониёз Худойназаров, Давлат Эшимбетов, Жаббор Қўшиқ, Султон Жабборберганов, Аваз Тўти Оразбейгамова, Ойгул Мамбетова, Гулзода Тангриберганова, Салима мулло Шалимова, Жумон Маметқулов кабилар кўзғолоннинг фаоллари эдилар.

Умуман олганда, мустамлака маъмурлари Туркистондаги 1916 йилги кўзғолонни бостириш учун катта кучларни сафарбар этган эдилар. Маълумотларга кўра, бунинг учун ўлка бўйлаб халққа қарши уруш тажрибасини оттирган малакали ҳарбийлардан жами 15 та батальон, 42 та тўп, 69 та пулемётга эга 32 та ротаси жангга ташланган эди. Шунинг учун ҳам 1916 йил 13 декабрда IV Давлат Думасида сўзга чиққан ноиб А.Ф.Керенский “Уруш фронтларига янги бир фронт – Туркистон fronti кўшилди”, деб вазиятга жиддий ва холисона баҳо берган эди.

1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати ниҳоятда оғир қурбонлар билан кечди. Маълумотларга кўра, 1 млн. кишининг

мол-мулки талон–тарож қилинган. Аҳоли хўжалигидаги отларнинг 50 фоизи, сигирларнинг 39 фоизи, туяларнинг 55 фоизи, қўй-эчкиларнинг 50 фоизи ўлган ёки мусодара қилинган. Бу ҳолат оддий меҳнаткаш аҳоли аҳволининг янада оғирлашувига олиб келди.

Жадидчилик ҳаракати ва миллий уйғониш.

Жадидчилик ҳаракати масалалари бўйича турли йилларда Ҳ.Зиёев, Д.Аминова, Б.Қосимов, Д.Зиёева, С.Холбоев, Ш.Ризаев, У.Долимов каби олимлар тадқиқот олиб борганлар. “Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам янгилик ва ислохотчиликка интилувчи, тараққийпарвар миллий зиёлилар тарихда “жадид” деган номга мушарраф бўлдилар. Жадидчилик деб номланган бу ҳаракатнинг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички муҳит ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий ва демократик янгиланишлар билан боғлиқ бўлди.

Жадидчилик ҳаракати баъзи-бир тарихга оид адабиётларда айтилганидек, “олдин маданий-маърифий ҳаракат бўлиб, кейин ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ўсиб ўгани” йўқ. У ўз табиати мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки кунданок, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ислохотчилик ҳаракати бўлган.

Хулоса шуки, биринчидан, жадидчилик Исломдаги тараққиётпарварлик, илм-фанга рағбат ва дунёвийликнинг янги даврдаги кўриниши сифатида пайдо бўлди. Жадидлар Исломни ҳар хил мутассиблик бидатлардан асраб ривожлантирди. Иккинчидан, жадидчиликни пайдо бўлиши ва ривожланишига Шарқ ва ғарб мамлакатларида ривожланган қуйидаги демократик, миллий-озодлик, ислохотчилик ҳаракатларининг таъсири ҳам кучли бўлди:

1. Жамолиддин Афғоний (1839-1897) ва Муҳаммад Абдолар (1848-1903) асос солган мусулмон дунёсидаги ислохотчилик ва “наҳда” (уйғониш) ҳаракатлари.

2. XIX асрнинг 90-йилларидан бошланиб, 1905-1907 ва 1917 йилларда катта ғалабаларга эришган рус социал демократик ва инқилобий ҳаракатлари.

3. Туркиядаги аксилмонархистик, конституцион демократик, ижтимоий-миллий уйғониш ҳаракатлари: Танзимат

(1840-1860), Ёш усмонлилар (1865-йилдан 80-йилларгача), Ёш Турклар (1889-1918) ва 1908-1909 йиллардаги демократик-инқилобий ҳаракатлар.

4. Жаидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиб, ривожланишида кримлик Исмоилбек Гаспиралининг (1851-1914) ҳиссаси беҳад катта бўлди. У Қримда XIX асрнинг 80-йиллардаёқ, Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчи бўлиб жаидчиликка асос солди. Унинг рус ва туркий тилларда чоп этилган “Таржимон” (1883-1914) газетаси, “Россия мусулмонлиги” (1881), “Оврупа маданиятига бир назар мувозини» “ (1885) ва бошқа асарлари ҳамда жаид мактаби учун ёзган дарслик ва қўлланмалари Туркистонга тез кириб келди.

Исмоилбек Гаспирали 1893 йилда Тошкентга келади ва зиёли уламолар билан учрашади. Самарқандда бўлади. У ердан Бухорога бориб, амир Абдулаҳадни жаид мактаби очишга кўндиради ва бу мактабга “Музаффария” деган номни беради.

Жаидчилик ғояси Туркистонда XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб тарқалиб, шу асрнинг 90- XX асрнинг 5-йили оралиғида мунтазам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракат сифатида шаклланди.

Жаидчилик ҳаракати асосан икки даврга бўлинади: 1) XIX асрнинг 90-йилларидан-1917 йил февралгача; 2) 1917 йил февралдан-1929 йилгача. Биринчи даврнинг ўзи уч босқичга бўлинади: 1) Жаидчилик ғоясининг пайдо бўлиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари-1905 йил); 2) Жаидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар); 3) Жаидчиликнинг чоризм томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган даврдаги ривожланиши (1909-1916 йиллар). Иккинчи давр ҳам воқеалар ривожланишига қараб уч босқичга бўлинади: 1) 1917 йил феврал-октябр; 2) 1917 йил ноябр-1924 йил; 3) 1925-1929 йиллар.

Жаидчилик ҳаракати, шу вақтгача Ислом дунёсида сира ҳам кўринмаган илғор ва тезкор ўқитиш “Савтия” (товуш) усулига асосланган жаид мактаблари ташкил топишидан бошланди. Бу мактабларда болалар бир йилда савод чиқариб, мукамал ўқиш ва ёзишни ўзлаштиради.

Жаид мактабида диний ва дунёвий таълим-тарбия ҳамда илм ўзаро уйғунлаштирилди. Болалар қулай парталарда ўтириб,

харита ва расмлар ёрдамида тез савод чиқарди ва диний – дунёвий илмиларни ўрганди. Жаид мактабларида Қуръони-карим, математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Жаид мактаблари тўрт (бошланғич) ва етти йиллик эди. Масалан Мунавварқори Абдурашидхоновнинг етти йиллик мактабини битирган ёшлар дунёвий илмларни, рус тилини яхши ўзлаштирган ҳолда жаид мактабида ўқитувчи, масчитларда имом бўлиш, мадраса ва ҳатто, хориждаги дунёвий олий ўқув юртларида ўқиш, савдо ва бошқа корхоналарда котиб бўлиб ишлаш малакасига эга бўлганлар. Бундай етти йиллик мактаблар Тошкентдан ташқари, Қўқон, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ҳам очилади.

Жаид мактаблари пуллик эди. Ҳар ойига ота-оналар баҳоли қудрат, эллик тийиндан бир ярим сўмгача пул тўлади. Бу ўринда ҳар ота-она ўзларининг бойлик ва камбағаллик даражаларини шариат асосида белгилаб пул берадилар. 35 фоизгача камбағал ва ночорларнинг болалари текин ўқитилди. Ўзига тўқ оилалар эса ўз хоҳиши билан уч сўмдан ва ундан ҳам кўп пул берган. Булардан ташқари жаидларнинг ўзлари ташкил этган хайрия жамиятлари ҳам жаид мактабларини маблағ билан таъминлаб турган.

Жаид мактабларининг очилишига рус амалдорлари, мусулмон мутаассиблари қаршилиқ қиладилар. Жаидлар катта матонат ва фидойилик билан эски мактабларга тегмай намуна сифатида жаид мактабларини ташкил этиб, омма орасида катта обрў қозондилар. Жаид мактаблари қатъий низом ва дастур ва дарсликларга асосланди. Тарихда биринчи бўлиб, жаидлар ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйишни жорий этдилар. Ўқувчилар синфдан-синфга ўтиш ва битириш учун жамоатчилик олдида очик чорак, йиллик ва битирув имтиҳонларини топширганлар.

Мактаб очган жаидлар дастур, қўлланма ва дарсликларни ҳам ўзлари яратдилар. Саидрасул Саидазизовнинг “Устоиди аввал”, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Тажвид” (Қуръонни қироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), “Ҳавойижи диния” (Шариат қонунлари тўплами), “Ёр юзи”, “Усули ҳисоб”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи ислом”, Абдулла Авланийнинг “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Маҳмудхўжа

Бехбудийнинг “Қисқача умумий география”, “Болалар мактуби”, “Ислоннинг қисқача тарихи”, “Амалиёти ислом”, “Аҳоли географиясига кириш”, “Россиянинг қисқача географияси” ва бошқалар шулар жумласидандир.



Абдулла Авлоний

Жадидлар олий таълимнинг асоси-университет ташкил этиш учун Тошкент шаҳар Думасидан ҳам фойдаландилар. Мунавварқори, Фитрат, М. Бехбудий, У.Асадуллахўжаев ва бошқа жадидлар миллий дунёвий олий таълим ғоясини ўз асар ва мақолаларида кенг тарғибот-ташвиқот қиладилар.

Олий таълимга замин яратиш учун, жадид мактабларида дунёвий илмлар ўқитилди, хорижга ёшлар ўқишга юборилди. Дунёвий ҳозирги замон олий ўқув юрти – университетга асос солишга жадидлар фақат 1918 йилда Мусулмон халқ дорулфунунини ташкил этиш билан муваффақ бўлдилар.

Умуман, жадидлар жуда қисқа вақт ичида бутунлай янги яъни жадид халқ маорифи тизими яъни, ҳозирги замон халқ маорифи тизимига асос солдилар.

Жадидчилик ҳаракатининг иккинчи бир муҳим фаолияти миллий матбуот ва журналистикасига асос солиш бўлди.

Тошкентда Исмоил Обидий “Тараққий” (1906), Мунавварқори Абдурашидхонов “Хуршид” (1906), Абдулла Авлоний “Шухрат” (1907), Саидкарим Саидазимбоев “Тужжор” (1907), Аҳмаджон Бектемиров “Осиё” (1908), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев “Садои Туркистон” (1914-1915) газеталари, шунингдек, Абдурахмон Содик ўғли (Сайёх) “Ал-Ислох” (1915) журналинини нашр этишга муваффақ бўлдилар. Самарқандда эса Мухмудхўжа Бехбудий “Самарқанд” русча (1913) газетаси ва “Ойна” (1913-1915) журналинини, Қўқонда Обиджон Маҳмудов “Садои Фарғона” (1914) газеталаринини чиқарди. Бу газета ва журналлар доимо маҳфий полиция “охранка”нинг айғоқчилари кузатуви, таъқиби остида бўлдилар.

Жадид матбуоти 1917 йил февралда рус подшоси тахтдан ағдарилгач, янада ривожланди. Жуда қисқа вақт оралиғида февралдан октябргача Тошкентда Мунавварқори

Абдурашидхонов “Нажот” (1917 й. март), А. Баттол “Шўрои ислом” (1917 й. май), Абдулла Авлоний “Турон” (1917 й.), Аҳмад Заки Валидий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Кенгаш” (1917 йил июн), “Улуғ Туркистон” (1917 й.), Қўқонда Бўлат Солиев “Эл байроғи” (1917 й. сентябр) газеталарини, Ҳ.Ҳ. Ниёзий “Кенгаш”, Ашурали Зоҳирий “Юрт” (1917 йил июн) журналларини, Самарқандда эса Шохмуҳаммадзода “Хуррият” (1917 йил апрел) газеталарини чоп этдилар.

Буюк миллатпарвар жадидлар, жадид матбуоти орқали миллатни ўз маданий-иқтисодий аҳволи, сиёсий қарам ва ҳуқуқсизлигини англантишга, унда босқинчиларга қарши нафрат, миллий истиклолга ишонч руҳини тарбиялашга муваффақ бўлдилар. Шунинг билан бирга улар миллий мухторият ва жумҳурият ғоясини, миллатлараро тенглик ва қон-қариндошликни тарғибот қилишни тўғри йўлга қўядилар.



Абдулла Қодирий – ўзбек адабиётида роман жанрининг асосчиси

Жадидчилик ҳаракати жадид адабиётининг асосчилари бўлган йирик истеъдод эгалари-жадид адиби, шоири, драматурги ва санъати арбобларини ҳам тарбиялади. Жадидшунос таниқли олим профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, уларнинг 1905-1917 йилларда адабий-маданий ҳаракатчиликда қизғин фаолият кўрсатганлари саксондан ортиқ бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад

Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров-Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мутахассисларнинг аниқлашича, 1917 йил октябр тўнтарилишигача драматургия соҳасида ўттиздан ортиқ драма, трагедия, комедия асарлари ёзилган ва уларнинг кўпчилиги театрларда сахналаштирилган. Ўзбек жаҳид драматургияси ва театрига илк бор асос солган Маҳмудхўжа Бехбудий бўлди. Унинг “Падаркуш” драмаси биринчи бор 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Колизей” театрида қўйилиши жуда катта маданий-маърифий воқеа бўлди. Бу кун ўзбек театрига асос солинган сана сифатида тарихга кирди.

Ҳар қандай ҳаракатда бўлгани каби бу ҳаракат ҳам ўз иқтисодий асосига эга. Унинг иқтисодий таъминот манбаини маданий-маърифий хайрия жамиятлари, бой-бадавлат кишилар томонидан савоб олиш ва миллат нуфузини кўтариш учун берилган беминнат эҳсонлар ташкил этди. Жаҳидчилик ва жаҳидлар асосан ўрта ҳол мусулмон зиёлилари ҳамда дунё кўрган илғор руҳдаги савдогардан иборат бўлди. Тошкентлик Саидкарим Саидазимбой ўғли, туркистонлик Саидносир Миржалилов (таниқли ёзувчи Ойбекнинг қайнотаси), андижонлик Миркомил Мирмўминбоев ва бошқа бойлар жаҳидчилик ҳаракати ривожланишига катта иқтисодий ҳисса қўшдилар.

Тошкентда 1909 йилда “Кўмак”, 1913 йилда «Дорилу ожизин», Бухорода 1910 йилда “Тарбияи атфол” хайрия жамиятлари ташкил этилади. Уларнинг олдига қўйилган асосий мақсад сармоя топиб, жаҳид мактабларига ёрдам бериш ва иқтидорли ёшларни Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга ўқишга юборишдан иборат бўлди.

“Кўмак”нинг таъсисчилари Мунавварқори Абдурашидхонов, Низомқори Ҳасанов, Абдулла Авлоний, Башарулла Асадуллахўжаев ва Тошхўжа Туёқбоевлар бўлди. Бу ва “Тарбияи атфол”нинг ёрдамида 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та туркистонлик иқтидорлик ёшлар Истанбулда ўқиганлиги ҳақида маълумот бор.

Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва бошқалар 1911 йилда ташкил этган кўп тармоқли “Турон” номли жамият совет ҳокимиятининг дастлабки йилларигача самарали фаолият юритади. Унинг қошида театр труппаси (1913 й.), “Турон” номли кутубхона ва нашриёт (1913 й.) ҳам ташкил этилади. Булар бутун Туркистон бўйлаб маърифат ва зиё, илм-фан тарқалиши, китоб

чоп этиш ва босмахона ишлари ривожланишига катта ҳисса кўшдилар.

Қўқонда “Ғайрат” (1913 й.), Самарқандда “Зарафшон”, Тўрақўрғонда (Наманган вилояти) “Кутубхонаи Исҳоқия” (1908 й.) номли кутубхоналар ташкил топади. Шунингдек, жадид босмахонаси ва китоб дўконлари анча кенг тармоқ отди.

11. Россия империясининг Туркистон бойликларини талаш сиёсати.

Россия империяси Туркистонни босиб олганидан сўнг, аввало ўлкада ҳарбий – маъмурий бошқарув тизими жорий этилиб, бу бошқарув ўлканинг катта имкониятлари, ер ости ва ер усти, моддий ва маънавий бойликларини Россия манфаатлари учун талон-тарож қилиш ҳамда ўзлаштиришга мослашган эди. Ўлка бойликларини талаш сиёсати ягона тизим ва узоқни кўзлаган режа асосида бир қанча босқичлар ва йўналишларда мунтазам равишда амалга ошириб борилди.

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидан сўнг фон Кауфман асосий эътиборни ўлкага келган рус ва чет эл саноатчилари, савдогарлар, тадбиркорлар, иш юритувчиларга қулай шароит яратиб беришга қаратди. Натижада ўлкада дастлабки саноат корхоналари – сув тегирмони, кўн заводи, пиллачилик фабрикалари, ёғ заводи кабилар очилиб, уларнинг маҳсулотлари ташиб кетила бошланди. Аммо, дастлабки пайтларда Туркистон бойликларини ташиб кетишда катта қийинчиликлар пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам энг аввало, Туркистонни Россиянинг марказий районлари билан боғлайдиган темир йўллар қуришга киришилиб бу иш жадаллик билан олиб борилди.

Россияда пахтага бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида ўлкада пахтани дастлабки пахтани қайта ишлайдиган саноат корхоналари қуриш авж олди. Натижада пахта етиштиришга эътибор кучайиб, бошқа экинлар, хусусан дон етиштириш йилдан йилга камайиб борди. Пахта етиштиришнинг ортиб бориши натижасида пахта тозалаш ва ёғ заводларининг ҳам сони кўпайиб борди. Янги тадқиқотларда берилишича, Туркистондан Оренбург темир йўли орқали ташиб кетилган товарлар йилдан йилга қуйидаги миқдорла ошиб борган:

Товарлар	1880-1882 йй. пуд ҳисобида	1889 й. пуд ҳисобида	1894 й. пуд ҳисобида
Олиб кетилган	158 750	1 641 029	2 144 772
Келтирилган	203 300	657 909	1 717 039

Олиб кетилган товарларнинг 80 фоизидан кўпроғини пахта толаси ташкил этган. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, биргина 1908 йилнинг ўзида ўлкадан 3 744 309 пуд пахта толаси, 104 107 пуд пахта ёғи, 1 341 281 пуд чигит, 84 516 пуд ипак, 14 584 пуд жун, 134 170 дона қоракўл тери ташиб кетилган.

Маълумотларга кўра, пахта тозалаш заводларининг асосий кўпчилиги Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, водийда 1893 йилда 309 та корхона ишлаб турган бўлса, Сирдарё вилоятида 183 та, Самарқанд вилоятида 117 та, Еттисув вилоятида 90 та корхона ишлаган. XX асрнинг бошларига келиб пахтачилик хом ашёларининг тайёр маҳсулотга айлантира бошланиши натижасида Туркистондан Россияга тола ташиб кетиш кучайди. Ҳисоб-китобларга кўра, агар 1908-1909 йиллар мавсумида ўлкадан Россияга 8,8 млн.пуд тола, ёки тўқимачилик фабрикалари эҳтиёжининг 44 фоизи ташиб кетилган бўлса, 1913-1914 йиллар мавсумида 14,8 млн.пуд тола, ёки пахта толасига бўлган эҳтиёжнинг 51 фоизи ташиб кетилган. Бу ҳолат Россия империясининг Туркистондан олган даромадларининг асосий қисмини пахта ва ундан олинган маҳсулотлар ташкил этганлигини яна бир бора исботлайди.

Империя маъмурлари ўлкадаги бошқа бойликларга ҳам бефарқ бўлмадилар. Чунончи, қуруқ ва хўл мевалар, дон маҳсулотлари, жун, ипак, темир, пўлат, гуруч, ёғ каби маҳсулотлар ҳар йили ўнлаб вагонларда Россияга ташиб кетилган.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, XX асрнинг бошларида ўлкадан фақатгина қуруқ ва хўл мевалар темир йўл орқали қуйидаги миқдорда олиб кетилган (минг пуд ҳисобида):

Мевалар	Катта тезлик Кичик тезлик	1902 йил	1903 йил	1904 йил	1905 йил
Олма	Катта тезлик	3595	3578	3126	3193
	Кичик тезлик	2383	1971	1971	2221
Узум	Кичик тезлик	2779	2975	2833	2089
Олхўри	Кичик тезлик	1501	1626	1159	1404
Қуруқ мева	Кичик тезлик	941	1267	1327	1039
Ўрик	Катта тезлик	18	14	12	12
	Кичик тезлик	312	403	334	442
Ёнғоқ	Катта тезлик	1782	1719	1686	1678
	Кичик тезлик	28	14	27	20
Ер ёнғоқ ва хандон писта	Катта тезлик	104	97	124	117
	Кичик тезлик	2	2	1	0,6
Нок	Катта тезлик	36	53	57	38
	Кичик тезлик	341	527	397	529

Россия империяси маъмурлари метрополиянинг ички муаммолари – бозорларни ғишт маҳсулотлари, саноатни эса жун ва тери билан арзон нархларда таъминлаш масалаларини ҳам мустамлака Туркистон ҳисобидан ҳал қилиш сиёсатини олиб борди. Маълумотларга кўра, 1889 йилда 5 379 дона қорамол териси ва 16 569 пуд чорва маҳсулотлари олиб кетилган бўлса, 1893 йилда бу кўрсаткич 148141 пудни ташкил этиб, йилдан йилга ўсиб борган.

Чорва гўшти аввалига тузланган ҳолда Москва, Санкт-Петербург, Владивосток, Сибирга олиб кетилган бўлса, кейинчалик темир йўл орқали салқинлаштирилган вагонларда Россиянинг саноати ривожланган қисмига олиб кетилган. Биринчи жаҳон уруши даврида чорва маҳсулотларини Россияга олиб кетиш авжига чиқди. Чунки фронтда отлар ҳамда чорва гўштига талаб катта эди.

Россия империясининг Туркистондан ташиб кетган жун ва тери маҳсулотлари ҳам метрополия саноатини арзон маҳсулот билан таъминлаган. Айниқса, жун ташиб кетиш йилдан йилга кўпайиб, маълумотларга кўра, 1910 йилда 563000 пудни ташкил

этган. Россия бозорларида Бухоро қорақўл териси ниҳоятда қадрланиб, жаҳон бозорида ундан катта даромад олинган. Нижний Новгород ва Москва бозорларида қорақўл тери айниқса қиммат бўлган. Маълумотларга кўра, биргина 1914 йилда ўлкадан Россияга 22 654 пуд қорақўл териси олиб кетилган.

Ўлкадаги ипакчилик саноатини ҳам тўла метрополия манфаатларига бўйсундириш империя маъмурларининг асосий мақсадларидан бири эди. Аввалига, от ва туя карвонлари орқали, кейинроқ эса, Ўрта Осиё темир йўллари қурилгач бу соҳага рус саноатчиларининг кириб келиши авж олди. Маълумотларга кўра, Шарқ ва Ғарб бозорларида донғи кетган юқори сифатли тола ва ипак матолар 1889 йилда 7619 пуд олиб кетилган бўлса, Ўрта Осиё темир йўллари орқали 1907 йилнинг ўзида Туркистондан 100 149 пуд ипак ташиб кетилган.

Мустамлака йилларида Туркистонда тайёрланган пахта ёғига жаҳон бозорида талаб катта эди. Айниқса, темир йўллар ишга туширилган рус сармоядорлари Туркистоннинг барча вилоятларида ёғ-мой заводларини ишга тушириб, ўлкадан йирик миқдордаги ёғ маҳсулотларини арзон нархларда ташиб кетиб, ўз бозорларида юқори нархларда сотганлар. Биргина 1911 йилда Туркистондан Россияга 1 772 186 пуд пахта ёғи олиб кетилган.

Юқоридаги бойликларнинг асосий турларидан ташқари ўлкадан ҳар йили арзон нархларда катта миқдордаги ёввойи ва доривор ўсимликлар, ош тузи, алебастер каби тоғ жинслари, нефть маҳсулотлари, рўзғор буюмлари, матолар, гиламлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар Россияга ташиб кетилган. Ташиб кетилган Туркистон бойликлари империя маъмурлари ва хазинанинг улкан даромад манбаи эди. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб – китобларига кўра, 1868-1879 йиллар давомида метрополиядан Туркистондан олган даромади 32 413 291 рублни ташкил этган. Ўша давр нуқтаи назаридан бу улкан даромад эди.

Тарихдан маълумки, бирон-бир юртни босиб олган истилочилар босиб олинган халқнинг маънавий бойлигидан жуда кўрққанлар. Чунки, маънавий-маданий бойлик миллий ўзликни англашнинг асоси эканлиги барчага маълум. Айнан шунинг учун ҳар Россия империяси маъмурлари Туркистон ўлкасининг миллий маданиятини йўқ қилиш, миллий-маданий бойликларни ташиб кетиш сиёсатини олиб бордилар. Бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг миллий-маданий бойликлари – ноёб

қўлёзмалар, археологик топилмалар, қадимий тангалар, архивлар каби кўплаб қимматбаҳо ашёлар мақсадли равишда ташиб кетилди.

Бу йўналишда тадқиқотлар олиб борган айрим олимларнинг (Д.Алимова, Н.Содиқова, И.Алимов) ишларидан фойдаланиб миллий- маданий бойликларни талон-тарож қилиниши ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Кауфманнинг Хивага юришида ҳамкорлик қилган шарқшунос А.Л.Кун ва унинг гуруҳи хонликдаги шарқ қўлёзмалари ва ҳужжатлардан иборат 300 та ноёб коллекцияни тўплаган ва уни 1873 йилда император кутубхонасига топширган. Шунингдек, улар Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200та штамп, муҳрлар боғлами, хон тахти, 172та қадимги танга, кўплаб этнографик ашёларни ҳам олиб кетганлар. Бундан илгарироқ Қўқон хонлигидан йиғилган 130 нусха, Шахрисабздан йиғилган 100 нусха ноёб қўлёзма асарлар ҳам император кутубхонасига жўнатилган.

Ўлкадаги Шарқ қўлёзмаларини тўплашда турли йилларда Н.В.Хаников, П.И.Лерх, В.В.Григорьев, В.В.Веляминов-Зернов, К.Г.Залеман, В.В.Радлов, В.Р. Розен, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, А.П.Кун, Е.Ф.Каль ва бошқа кўплаб шарқшунослар иштирок этганлар. Улар кўплаб маълум ва номаълум қўлёзмалари тартибга солиб, таржима қилиш, тавсифлаш, нашр этиш ишларини амалга ошириб шарқшунослик фани ривожига катта ҳисса қўшганлар. Аммо, бу олимларнинг кўпчилиги ўз давлати манфаатлари йўлида хизмат қилиб, Император кутубхонасини бойитиб борганлар.

Маълумотларга кўра, 1865 йилдан 1917 йилга қадар Россия хазиналарига Ўрта Осиёдан 3 мингта Шарқ қўлёзмаси тушган. Россиянинг биргина Осиё музейига 1874-1816 йиллар давомида В.А.Иванов томонидан 605 та, К.Г.Залеман 105 та, А.Л.Кун 85 та, В.В.Бартольд 20 та, В.В.Веляминов-Зернов 19 та, К.П.Кауфман 18 та, П.И.Лерх 32 та нодир қўлёзмаларни топширганлар. 1915 йилда В.А.Иванов ўлка мадрасалари вақф кутубхоналаридан 1057 та қўлёзмани сотиб олган. XX аср бошларида Ўрта Осиёга келган К.Г.Залеман Андижон, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Ўшда бўлиб маҳаллий халқлар турмуш тарзига оид этнографик буюмларни Осиё музейи учун олиб кетган.

Қимматли қўлёзмалар ёки нодир қўлёзмаларни зўравонлик билан тортиб олишга VII асрга оид Усмон Қуръони мисол бўла

олади. Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжиди уламолари рус ҳарбийларидан кўрқиб бу муқаддас китобни Самарқанддаги чор маъмурларига “ўз ихтиёрлари билан” топширишга мажбур бўлдилар. Туркистон генерал-губернаторининг 1869 йил 24 октябрдаги хати билан Усмон Қуръони Самарқанддан Петербургга олиб кетилган ва император халқ кутубхонасига топширилган.² Шукурлар бўлсинки, мустақиллик йилларида бу муқаддас китоб Тошкентга қайтарилди.

Мустамлака йилларида рус олимлари, ҳарбийлар, сайёҳатчилар, амалдорлар, савдогарлар Ўрта Осиё халқларининг миллий-маданий бойликлари ҳисобланган кўплаб ноёб буюмлар – мис, кумуш, олтин тангалар, турли ҳайкалчалар, кўплаб нодир қурол-яроғлар, сопол ва металлдан ишланган хўжалик ашёлари, иморатларнинг нақшинкор безаклари, катта миқдордаги этнографик буюмлар, Аҳмад Яссавий мақбарасидаги 2 тонналик дошқозон (1989 йилда Туркистонга қайтарилган) Россияга олиб кетилган ёки империя маъмурларининг шахсий коллекцияларини безаб турган.

Империя ҳукуматининг кўрсатмаси билан Туркистон ўлкасидаги империя маъмурлари Россияга, унинг машҳур музейлари – Эрмитаж, Фанлар Академиясининг Осиё музейи ва бошқа илмий марказларига турли-туман маданият, санъат асарларини, тарихий-археологик, этнографик, нумизматик ёдгорликларни доимий равишда йиғиб, тўплаб, жўнатиб туришган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Туркистон генерал-губернаторининг топшириғи билан рус шарқшунос олимлари нодир қўлёмаларни, Ўрта Осиё халқларининг дунёга машҳур ёдгорликларидан энг қимматли, сирли, нафис, гўзал қилиб ишланган кошинларини кўпориб олиб Санкт-Петербургга, Эрмитаж ва бошқа музейларга, кутубхоналарга жўнатганлар.

2. Империя маъмурларини янада кўпроқ қизиқтирадиган нарса – археологик топилмалар, ер остидан топилган хазиналар, сопол ва металл буюмлар бўлган. Туркистон шаҳар ва қишлоқларида турли қурилишлар вақтида тасодифан топилган қадимий олтин, мис танга ва бошқа буюмлар давлат қонун-қоидаларига асосан Петербургдаги Археология хайъатига

² Китоб – 1923 йили Тошкентга қайтарилган, кейинчалик музейда сақланган. Фақатгина истиқлол йилларида у Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қайтарилди.

юборилган. Ҳайъат уларни илмий-тарихий аҳамиятини аниқлаб, нодир танга ва буюмларни Санкт-Петербургда олиб қолар ҳамда тегишли музейларга тарқатар эди.

3. Маҳаллий аҳоли оилаларида қадимдан, авлоддан-авлодга ўтиб келган, оилавий ёдгорликлар ҳисобланган, халқ усталари мис ва бошқа рангдор металллардан безаб ишлаган санъати асарлари бўлган офтоба, чилончин, қумғон, қозон, баркаш, жом ва бошқа буюмларни ҳам ташиб кетганлар.

4. Маҳаллий аҳоли орасидаги коллекциялар, қадимги буюмлар ҳаваскорлари йиққан коллекциялардан ҳам энг ноёбларини рус шарқшунослари, Археология ҳайъати, арзимаган мукофот эвазига Санкт-Петербургда ташиб кетишган.

5. Россия империяси босқини жараёнида хон ва бекларнинг саройлари босиб олиниб, талон-тарож қилинганда ҳам олтин, қимматбаҳо тошлар, бойликлардан ташқари музейлар учун қимматли ашёлар сарой аёлларининг зеб-зийнатлари, безаклари, хонлар тахти ва бошқа нарсаларни олиб кетилган.

6. Россия музейлари учун олиб кетилган яна бир қимматбаҳо ашёлар бу – этнографик материаллар эди. Рус шарқшунослари музейлар учун муҳим безак ҳисобланган шарқ халқлари кийимлари – эркаклар, аёллар халатларини, эркаклар ва аёллар бош кийимларини, нимча, кўйлак, оёқ кийимлар ва бошқаларни Петербург музейларига олиб кетганлар.

Таянч сўзлар.

Туркистон, россия империяси, Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, мустамлака, генерал-губернаторлик, озодлик ҳаракати, бошқарув, ҳарбий, саноат, аграр, қўчириш сиёсати, миллий-озодлик, жадиличлик, уезд, волость, темир йўл, давлат, подшо, дума, кўзғолон, бек.

Савол ва топшириқлар.

1. XIX асрга оид қандай тарихий манбаларни биласиз?
2. Мустамлака даври бўйича тарихчи мутахассисларни қайси асарларни биласиз?

3. XIX аср биринчи ярмидаги ўзбек хонликлари хусусида нималарни биласиз?
4. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини истило этилишининг сабаблари?
5. Тошкент мудофааси ҳақида сўзлаб беринг.
6. Бухоро-Россия ўртасидаги асосий ҳарбий урушлар ҳақида маълумот беринг.
7. Абдулмалик тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракатининг моҳияти қандай бўлган?
8. Қўқон хонлиги тақдири қандай кечди?
9. Хива хонлигининг вассалликка айланиши сабаблари нимада эди?
10. Мустамлака “ҳарбий-ҳалқ бошқаруви” нимани англатади?
11. Россия империяси иқтисодий сиёсатининг моҳиятини изоҳлаб беринг.
12. XIX аср охирлари - XX аср бошларидаги асосий миллий-озодлик ҳаракатлари, уларнинг мақсади ва оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
13. Кўчириш сиёсати нима?
14. Мустамлака Туркистондаги маданий-маърифий ҳаёт хусусида қандай маълумотларга эгасиз?
15. Жадинчилик ҳаракати ва унинг мақсад-моҳияти ҳақида нима дея оласиз?

12-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. И.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I қисм. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
4. Тиллабоев С. Туркистон ўлкасининг бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида). – Тошкент: Фан, 2008.

5. Юнусова Х. Тошкентда 1892 йилги халқ кўзғолони. Сариоғоч, 1998.
6. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
7. Shamsutdinov R., Karimov Sh., Ubaydullaev U. Vatan tarixi. (XVI-XX asr boshlari). Ikkinchi kitob. – Toshkent: Sharq, 2010.
8. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
9. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Академия, 2010.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000.
11. Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари). – Тошкент: Иқтисод-молия, 2011.
12. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: Фан ва технология. 2004.
13. А.Одилов. Абдулмалик тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракати тарихи. – Тошкент, 2006.

13-Мавзу. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат.

Режа:

- 1. Мавзу тарихшунослиги. 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобининг Туркистонга таъсири.**
- 2. Октябрь тўнтарилиши. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.**
- 3. Туркистон мухторияти ва унинг фаолияти.**
- 4. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши. “Ҳарбий коммунизм сиёсати ва унинг моҳияти”.**
- 5. Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат.**

6. Хива хонлигининг тугатилиши. Хоразм халқ Совет Республикасининг тузилиши.

7. Бухоро амирлигининг ағдарилиши. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши.

1. Мавзу тарихшунослиги.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобининг Туркистонга таъсири.

Мавзу тарихшунослиги. XX аср тарихи совет давлати бошқарувининг қатъий назорат, зиддиятли ва мураккаблилиги билан тарихда ўзига хос ўрин эгаллади. Айни пайтда совет давлати тарихи масаласини тадқиқ этишни ҳам кун тартибига қўйди. Мустақиллик йилларида совет давлати ва унинг фожеали саҳифаларини ўрганиш борасида муайян ижобий силжишлар юз берди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ илгари сохталаштириб келинган муҳим тарихий воқеалар қаторида совет ҳокимиятининг кулоқлаштириш, колхозлаштириш, қатағон сиёсати, большевикларга қарши қаратилган курашлар тарихи, XX аср 20-30 йилларида советларнинг Туркистонни миллий жиҳатдан парчаланиб ташлаш, ўлканинг миллий давлатчилик йўлидаги ҳаракатларни йўқ қилиш Ўзбекистонни марказнинг хом ашё етказиб берувчи базасига айлантириш, ўлкадаги марказлаштириш сиёсати, мутабид тузумнинг шаклланиш босқичлари ҳамда унга қарши истиқлолчилик ҳаракатларини миллий истиқлол мафкураси руҳида холисона ўрганилиб, илмий монографиялар, мақола, қўлланма ва дарсликлар нашр этилди. XX аср бошлари тарихи тадқиқотчилардан С.Аъзамхўжаев, Р.Шамсутдинов, Р.Абдуллаев, Қ.Ражабов, Н.Норжигитова, М.Ҳайдаров, Д.Зиёева, С.Шодмонова, З.Эшонхўжаева, Н.Полвонов, ёш тадқиқотчилардан А.Тойиров, А.Пардаев, Г.Хусаинбекова, И.Ҳайдаров, К.Саиповаларнинг асарлари ва илмий тадқиқотларида ўз аксини топди.

XX аср бошлари тарихи Қ.Ражабовнинг “Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш” номли рисоласида қизил армия қўшинларига қарши Бухорода 1920-1924 йилларда олиб борилган кураш, унинг ташкилотчилари, бу ҳаракатнинг ғалаба ва мағлубиятлари ҳужжатлар асосида таҳлил қилинди. Қ.Ражабов

ва М.Хайдаровларнинг “Туркистон тарихи” китобида эса архив ҳужжатлари, ўша давр миллий матбуоти материаллари ва адабиётлар таҳлил асосида Туркистонда Мухторият учун ҳаракат, жаҳидларнинг серқирра фаолияти ва қисмати, Туркистон Мухторияти ва унинг фаолияти, Туркистонда мустабид совет режимининг марказлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари ёритилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг зиддиятли ривожланиши, ўлка иқтисодиётининг марказ манфаатларига бўйсундирилиши ва минтақадан хом ашё бойликларининг ташиб кетилиши, Туркистондаги даҳшатли очарчилик, миллий зиёлиларнинг совет режимига қарши кураши, минтақада амалга оширилган миллий – ҳудудий чегараланиш ишончли маълумотлар асосида кўрсатилди. Р.Абдуллаев ҳам ўзининг тадқиқотларида совет давлатининг пахта якка ҳокимлигини янада кучайтириш сиёсати, унинг салбий оқибатлари ўрганилган. С.Аъзамхўжаев эса ўзининг илмий монографиясида Туркистон Мухторияти тарихини ўрганди. Китобда XX аср бошларида Туркистон Мухторияти деб аталган миллий - демократик республикасининг ташкил этилишида фидойилик кўрсатган тараққийпарварлар фаолияти, уларнинг маърифий ва ижтимоий – сиёсий қарашлари тарихий жараёнлари ёритилди. М.Хайдаров совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати ва унинг салбий оқибатларини тадқиқ этиб, миллий раҳбарларнинг бу жараёнга муносабатларини ёритишга ҳаракат қилган.

И.Хайдаров 1920-1930 йилларда Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР ижтимоий – иқтисодий ҳаётида муҳим ва ҳал қилувчи рол ўйнаган ТАССР ва ЎзССРнинг иқтисодиётни бошқарув структурасига махсус киритилган, мавқеи жиҳатидан Халқ Комиссалари Кенгашидан кейин иккинчи ўринда турган Ўрта Осиёни СССРнинг хом ашё базасига айлантиришда муҳим рол ўйнаган Иқтисодий Кенгашлар фаолияти тарихини замонавий талаблардан келиб чиқиб, миллий ғоя ва янгича қарашлар асосида ўрганган. Э.Эркаев тадқиқотларида 1917-1940 йилларда Ўзбекистоннинг метрополия хом ашё базасига айлантириш ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири таҳлил қилиб ўрганилган.

Совет давлатининг инсоният тарихида машъум из қолдирган кулоқлаштириш сиёсатини проф. Р.Шамсутдинов батафсил ўрганган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат

Архиви, Украина, Шимолий Кавказ, Россия Федерацияси архивларида сақланаётган маълумотлар асосида совет давлатининг кулоқлаштириш сиёсатини батафсил ёритишга ҳаракат қилган, коллективлаштириш ва совет давлатининг кулоқ қилиш сиёсатини кенг ва чуқур таҳлил этиб берган.

Тарихчилар томонидан чуқур ва кенг ўрганилган мавзулардан яна бири совет давлатининг қатағон сиёсати тарихи бўлиб, бу мавзуни бар қатор тадқиқотчилар таҳлили қилиб келдилар. Маълумки, сиёсий қатағонлар ўз ижтимоий табиатига кўра бутун совет жамиятига қарши йўналтирилди, кучли босим ўтказиш орқали ижтимоий кўрқув, мажбурий итоаткорлик, юзага келтирилди, барча меҳнатга мажбур қилинди. Хусусан, Ж.Абдурахмонова, А.Тойиров, З.Ишанходжаева, Х.Юнусова ва бошқаларнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш мумкин. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг таълим, маданий оқартув муассасалари, илм – фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги ўтказган қатағонлик сиёсати ва унинг жамиятни маданий ҳаётига кўрсатган салбий таъсири таҳлил қилинган. Х.Юнусова эса XX аср 80 - йилларида совет давлатининг “пахта иши” қатағонларини, унинг оқибатларини ва И.Каримов бошчилигида Ўзбекистон раҳбариятининг бу қатағонларга барҳам бериш сиёсатини таҳлил қилади.

XX асрнинг 50-80 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий тарихини бир гуруҳ тарихчилар тадқиқ этдилар. Хусусан, Д.Бобожонова Ўзбекистоннинг 1970-1980 йиллардаги тарихини ўрганиб, совет давлатининг бошқарув сиёсатида иқтисодий районларнинг, унда районларнинг пахта хом ашёсига бўйсундирилши, унинг оқибатлари, республикада демографик ҳолат, унинг сабаблари ва оқибатлари турли архив маълумотлари ва манбалар асосида таҳлил ва тадқиқ қилиб берилади. Ўзбекистоннинг 1980-йиллардаги ижтимоий - иқтисодий жараёнлари тарихи эса Х.Юнусованинг илмий монографиясида ўз аксини топган. Муаллиф, иқтисодий районларга бўлиб бошқаришнинг оқибатларини турли манбалар ва архив маълумотлари асосида таҳлил қилган. XX асрдан кейинги бошқарув тадқиқотчи Ф.Очилов, У.Худойкулов, Н.Қувватова, Д.Ийманова ва бошқа ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кўриш мумкин.

Шунингдек, совет давлатининг маданий сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи ҳам бир қатор тадқиқотчиларининг асарларида, хусусан, А. Маврулов, Х.Хамидов, М.Хамзаева, Р.Сиддиқов, З.Сафарова, Г.Хусаинбекова, М.Соҳабова ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Бу ишларда Ўзбекистон маданияти тарихи мустақиллик давр талабларига мувофиқ яратилди. Х.Хамидов эса маданият йўналишининг етакчи тармоқларидан бири мусиқа санъати, хусусан кўшиқчилик санъати кенг ўрганилди.

Мазкур мавзу юзасидан мустақиллик йилларида Д.Алимова, С.Агзамхўжаев, Р.Шамсутдинов, Р.Абдуллаев, И.Алимов, Қ.Ражабов, М.Ҳайдаров ва бошқаларнинг қатор илмий-тадқиқот ишларида даврнинг турли қирралари таҳлил этилган. XX асрнинг бошларига келиб Россиянинг рус-япон урушида мағлубиятга учраши, ундан кейин бўлиб ўтган биринчи рус инқилоби халқаро майдонда подшо империясининг обрў-эътибори пасайишига, Россиянинг иқтисодий жиҳатдан заифлашувига сабаб бўлиши билан бир қаторда, мустамлака халқлар орасида миллий ўзликни англаш, миллий озодликка интилиш жараёнларига сезиларли таъсир ўтказди. Мазлум халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таний бошлаган бир шароитда Россиянинг биринчи жаҳон урушига кўшилиб кетиши вазиятни янада кескинлаштирди.

Бундай вазият ўша пайтда Россия ҳукмрон доиралари билан муҳолифатда бўлган ва либерал-демократик ўзгаришлар ҳаракатида бўлган кучларнинг янада фаоллашувига имконият яратди. Қарам ўлкалардаги ночор вазият, уруш майдонларидаги улкан йўқотишлар, Россиянинг марказий районларидаги иқтисодий танглик 1917 йилга келиб бутун Россия империясини инқилобий-сиёсий жараёнлар домига тортилишига сабаб бўлган эди. Энг муҳими эса, инқилобий ўзгаришларни аҳолининг деярли барча ижтимоий қатламлари қўллаб-қувватлар эдилар. Натижада 1917 йил 28 февралда инқилобий кучларнинг кураши натижаси ўлароқ Россиядаги мутлақ монархия ҳукмронлиги афдариб ташланди.

28 февраль империя пойтахти Петрограддаги воқеалар инқилобий Петропавловск қалъаси ва Қишки саройни босиб олиш ва империя ҳукумати вазирларини қамоққа олиш билан якун топди. Ишчиларнинг иш ташлашлари ва умумшаҳар намоишлар уюштиришлар, солдатларнинг кўзғолон кўтарган

аҳоли билан бирлашуви натижасида миршаблар билан қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ағдариб ташланган ҳукумат ўрнига кўппартиявийлик асосидаги икки ҳокимиятчилик-демократик диктатура ва советлар диктатурасининг қўшилиши туфайли юзага келган Муваққат ҳукумат тузилди.

Янги ҳукуматнинг 1917 йил 3 мартда эълон қилинган баённомаси ва 6 мартда эълон қилинган “Россия фуқароларига мурожаатнома”да бундан кейинги бўладиган демократик ўзгаришларнинг дастури баён этилди. Бунда Муваққат ҳукумат томонидан амалга ошириладиган сиёсий эркинликлар – сўз, матбуот, уюшмалар ташкил этиш; йиғилишлар ўтказиш эркинлигини киритиш, халққа ўз сиёсий иродасини ифодалаш ҳуқуқини бериш; барча табақавий, диний ва миллий чекланишларни ман этиш; бошқарув шакли ва мамлакат Конституциясини қабул қилиши лозим бўлган Таъсис мажлисини умумий, тенг, тўғридан тўғри ва яширин овоз бериш асосларида чақиришга дарҳол тайёргарлик кўриш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларига сайловлар ўтказиш; полицияни халқ милицияси билан алмаштириш; тўлиқ сиёсий амнистия (умумий авф этиш) ҳақида тантанали баён этилди. Таъкидлаш лозимки, Муваққат ҳукуматнинг ташқи сиёсатида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган. Бу ҳукумат урушни “ғалабагача” олиб боришни эълон қилди. Аввалги ҳукуматнинг иттифоқдош давлатлар билан тузган шартнома ва битимларини сўзсиз бажаришни зиммасига олди.

Замонавий адабиётларда таъкидланишича, воқеаларнинг кейинги ривожини февраль инқилобининг демократик имкониятлари тўлиқ амалга оширилмаганлигини кўрсатди. Кўпгина ваъдалар қуруқ баёнот даражасида қолиб кетди. Туб ўзгаришларга чақириқлар амалий ўзгаришларда ўз аксини топмади. Муваққат ҳукумати Туркистондаги ижтимоий ҳаракатларни қўллаган бўлса-да, айти пайтда “Россия империяси давридаги бутунликни сақлаш” сиёсатини олиб борди. Чунончи, генерал-губернатор подшо ағдарилганидан кейин ҳам, анча вақт ўлкани бошқариб турди.

Туркистон маҳаллий халқларининг инқилобий ўзгаришларга қўшилиши бир хил кечмаган, ўлканинг ҳозирги куни ва келажагига турлича қарайдиган ҳилма-ҳил кучлар мавжуд бўлиб, улар икки муқобил оқим - ўнг ва сўлларга ажратилган. Феодал-диний мафкура вакиллари бўлган ўнглар маҳаллий маъмуриятда

мансабга эга бўлган ҳамда тегишли имтиёзлардан фойдаланган амалдорлар, феодаллар ва руҳонийлар йирик мулкдорларнинг манфаатларини ифода этардилар. Ўнглав империя ҳокимияти даврида мустамлакачи маъмурият сиёсатини тўла-туқис қувватлаганликлари боис, муваққат ҳукуматнинг империя институтларини сақлашга қаратилган тадбирларини қўллаб-қувватлаш тарафдорлари бўлганлар.

Сўл оқим эса, ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгаришидан, мустамлака сиёсий ва иқтисодий тузилмаларни тугатишдан ўта манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ўзида акс эттирган эди. Сўл оқим сиёсий жиҳатдан анча табақалашган бўлиб, аввало, ҳокимиятдан четлатилган, империянинг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатидан норозилигини очик айтадиган феодал-диний қатламларни ўз ичига олган. Улар феврал инқилобига бўлган даврда қуролли қўзғолон йўли билан озодлик ва мамлакат мустақиллигига эришиш, хон ҳокимияти ва шароит қонунлари, мулкдорлар ва мусулмон руҳонийларининг йўқотилган имтиёзларини тиклаш, ўлка халқ оммасини европача маданият ва ахлоқ таъсиридан сақлаш ғоясини илгари сурдилар. Сўллар ҳаракатидаги бошқа йўналишда радикал кайфиятдаги миллий ишчи, деҳқон, хунарманд ва бошқа меҳнаткашлар ҳам бор эди.

Империя марказидаги воқеалар, Ф.Керенский бошчилигидаги янги ҳокимият тузумини барпо этиш, дастлабки эълон қилинган қонун ҳужжатларини Россия мустабид тузумининг кўп асрлик ҳукмронлиги билан алоқани узиб, демократия, ижтимоий адолат йўлига қираётганини бутун дунёга маълум қилди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, унинг мустамлакаларидаги жуда кўп халқлари, турли синфлари, қатламлари, ижтимоий ҳаракатлари инқилобни қўллаб-қувватладилар. Ўз турмушини демократик асосда қайта қуриш, ўз давлатини идора қилишда бевосита иштирок этиш истаги уларнинг ижтимоий ижодкорлигини фаоллаштирди. Аммо, Туркистондаги ижтимоий- сиёсий вазият бошқача эди.

Дастлабки пайтлардаёқ ўлка халқининг кенг қатлами фаоллиги, сиёсий онги ва дунёқараши ўсиб, улар янги инқилобий ғоялар атрофида бирлаша бошладилар. Россиядаги сиёсий кучлар, ўлкадаги европалик ишчилар ҳамда 1917 йилнинг баҳор ойларида мардикорликдан қайтганлар бу жараёнга катта таъсир

кўрсатдилар. Аммо, шу билан биргаликда ўлкадаги мавжуд сиёсий кучлар ўртасида зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кучайиб борди.

Февраль инқилобидан кейинги даврда “Шўрои Исломия”, “Турк адами марказият” партияси, “Алаш ўрда” кабилар мусулмонларнинг энг кўзга кўринган ташкилотлари бўлиб, “Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи” – “Иттифоқ” маҳаллий аҳоли сиёсий кучларнинг жойлашувида алоҳида ўрин тутган эди. Асосан хизматдан бўшатишган фронт орти ишчиларидан иборат бўлган бу ташкилот европалашган Советлар таъсирида бўлиб, ўзининг мустақил сиёсий дастурини илгари сурмади.

Юқорида кўрсатилган сиёсий ташкилотлар етук тузилма ва ғоявий бирлашмалар эмас эди. Уларнинг ҳар бирида изчил табақаланиш жараёни рўй берар, янги йўналишлар ажралиб чиқарди. Ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида уларнинг қайсидир қисми курашнинг кескинроқ йўлини танлар, бошқаси эса, аксинча, анча мўтадил, консерватив, қоқоқ муносабатларга ўтарди. Аммо, февраль инқилобининг дастлабки пайтларидан бошлаб, ғоявий келишмовчиликларга қарамасдан, ўша даврдаги янгиланишлардан манфаатдор бўлган барча сиёсий гуруҳ ва мусулмон ташкилотлари қатламлари орасида империя мустамлака маъмуриятини тугатишга интилишда бирдамлик пайдо бўлди.

Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ ишчи ва солдат депутатларининг Петроград совети ташаббуси билан ишчи депутатлари Советлари билан солдат депутатлари Советлари тузила бошланди. Чунончи, 1917 йил 2 март куни Ўрта Осиё Бош темир йўл устахонаси ишчиларининг намоёишида Туркистонда биринчи ишчи депутатлари Совети тузилди. 3 мартда ишчи депутатларининг Тошкент совети, 4 мартда эса солдат депутатлари Совети ташкил этилди. Март ойининг охирида бу иккала Совет бирлаштирилди. Шундан сўнг деҳқон депутатлари Советлари ҳам ташкил этила бошланди. Советларнинг сайланган вакиллари асосан европалик миллатлар вакилларидан иборат бўлиб, уларнинг манфаатлари кўп жиҳатдан маҳаллий туркистонликлар манфаатларига мос келмас эди. Улар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги зиддиятлар янги ҳокимият тузилмаларини, вакиллар тузилмаларини ташкил қилиш масаласида яққол кўзга ташланди.

Миллий демократия вакиллари тузилаётган ташкилотлар ва ижроия кўмиталарида маҳаллий аҳоли вакилларининг бўлишини таъминлашга эришиш мақсадида март ойининг бошидан бошлаб кураш олиб бордилар. Бу ҳолат ўлкадаги жадиждлар фаолиятида айниқса тўла намоён бўлди.

1917 йилнинг баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг сиёсий жиҳатдан уйғонишда, авж олаётган демократик жараёнларга бошчилик қилиш истаги бўлган янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишида бурилиш нуқтаси бўлган. Бу жараёнда жадиждлар асосий ташаббусни ўз қўлларига олиб, пайдо бўлаётган миллий-демократик кучларнинг ўзаги бўлдилар. Жадиждлар бу вазифани бажаришга ўзларининг илгариги фаолиятлари давомидаёқ тайёргарлик кўрган эдилар.

Февраль интиқобидан кейин жадиждларнинг фаоллашуви авж олиб, улар ўлка туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ғояларини ўлкадаги демократик инқилоб билан боғлаб, ўзлари эълон қилган принципларни амалга оширишга фаол киришдилар. Ўлкада авж олиб бораётган демократик жараёнларда маҳаллий халқлар сиёсий манфаатларининг устуворлигини ҳимоя қилиш интиқобнинг дастлабки кунлариданоқ сиёсий майдонда жадиждлар фаолиятининг асосий йўналишларини блгилаб берди. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимият тузилмаларини шакллантириш чоғида анча тўлиқ намоён бўлди.

Бу ўринда жадиждларнинг миллий давлатчилик ҳақидаги ғояларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш лозимки, жадиждлар орасидан етук олимлар, ҳуқуқшунослар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, улар Туркистонни обод ва мустақил кўринишни орзу қилдилар ҳамда шу йўлда фидойиларча курашдилар. Маҳаллий халқларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий – демократик давлат барпо этиш жадиждларнинг асосий устувор ғояларидан бири эди.

1917 йилнинг бошларига келган даврда жадиждлар ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадларини умумлаштирган ҳолда куйидагича таърифлаш мумкин:

1. Туркистон ўлкасини ўрта асрларга хос қоқоқлик ва диний хурофотдан озод этиш;
2. Шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш;

3. Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш;
4. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида, конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш;
5. Барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш.

Туркистонда миллий давлатчиликни тиклаш ва уни амалга оширишда йирик тараққийпарварлар Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Мунаввар Қорилар айниқса муҳим роль ўйнаганлар. Аслини олганда, Бехбудий ва бошқа тараққийпарвар жадидлар томонидан илгари сурилган миллий мухторият ғояси Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига интилиш эди. Айнан шунинг учун ҳам 1917 йил баҳори ва кузида (кейинчалик ҳам) демократик Россия маъмурлари миллий мухторият ғоясига қарши жон-жаҳдлари билан курашган эдилар.

Д.Алимованинг ёзишича, “Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партияларининг дастурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан маъмуриятни ўз мақсадлари йўлида ён беришига эришишга ҳаракат қилган эдилар”.

Жадидлар ўзларининг келажакдаги давлат тузумини барча миллат ва элатларнинг бирлиги асосида тасаввур этганлар. Бу ҳақда Бехбудийнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз: “Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз Туркистон мусулмонлари биргаликда ислоҳотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак...”.

Февраль инқилоби арафасида Туркистон жадидлари етук сиёсий ҳаракатга айланган бўлса, инқилобдан кейин жадидларнинг “тараққийпарварлар” оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий-демократик талабларни илгари суриб нисбатан фаоллашган эди. Улар илгари

сурган талаблар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш, ўлкани бошқариш борасида асосли ислоҳотлар ўтказиш, ўлкадаги аҳоли сонига қараб Давлат Думасидан ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, империяни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар киради.

Жадидлар ўз фаолиятлари давомида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалага эътибор қаратганлар. Жадидларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида қуйидаги иккита масала: ўзбек халқини дунёнинг маърифатли миллатлари даражасига кўтариш ҳамда Туркистоннинг ўз мустақиллигига эришуви каби масалалар муҳим ўрин тутди. Эътибор бериш лозимки, жадидлар, бир томондан Туркистон мутсақиллиги учун кураш олиб борган бўлсалар, иккинчи томондан, улар Туркистонда демократик ҳуқуқий давлат тизимига интилдилар. Бу кураш жадидчилик мафкурасининг аосини ташкил қилади. Туркистонга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси, унинг келажаги ҳақида ташвишли ўйлар, Ватаннинг тараққиёт йўллари режасини тузиш, Шарқ ва Ғарб анъаналарини бирлаштириш жадидларни курашга ундаган муҳим омил ҳисобланади.

Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Мунаввар Қори каби кўплаб тараққийпарвар жадидларнинг асарларида улар миллий ғоясининг асоси – Туркистондаги барча маҳаллий халқларни бирлаштириш ғояси эди. Аммо, уларга муҳолиф кучлар ҳам бор эдики, февраль инқибидан кейин кучлар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндалари ўзларининг муҳолифлари саналган айрим жоҳил уламоларнинг нотўғри қарашларини асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар.

“Қадимчилар” деб ном олган руҳонийларнинг консерватив гуруҳи жадидларни “кофирлик”да, ислом динидан қайтганликда айблар эдилар. Ваҳоланки, жадид тараққийпарварларининг аксарияти кечаги ислом уламолари бўлиб, улар ислом динини бузиш учун эмас, балки унга кириб қолган айрим бидъат ва хурофотлардан ислом динини тозалаш учун, ислоҳотларни тадрижий равишда амалга ошириш учун курашга аҳд қилган эдилар.

Ёш хиваликлар, Ёш бухороликлар, Тараққийпарварлар (улар архив хужжатларида ёш сартлар деб ҳам аталган) партиялари, Турк Адами Марказият (Федералист) фирқаси, “Шўрои Исломия”, “Шўрои уламо”, “Турон”, “Иттифоқи муслимин” ва бошқа ташкилотларнинг дастурларида мустақил давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор берилган эди. Бу ҳолат жадидчиликнинг маърифатдан сиёсатга томон йўл тутганлигини билдирибгина қолмасдан, билки жамиятни тубдан ўзгартириш, юрт мустақиллигини қўлга киритиш учун кураш бошланганлигини ҳам англатар эди.

Жадидларнинг Туркистондаги бошқарув тизимини ўзгартириш ҳақидаги ғоялари ҳамда уларнинг амалий фаолияти Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварлари мавжуд тузумни ислоҳ қилиш, халқимизни ривожланган миллатлар даражасига кўтариш учун муҳим ишларни амалга оширдилар. Атоқли жадид арбоблари Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги истибдод ва зулмига қарамай ўзларининг ислоҳотларини амалга ошириш учун курашдилар. Туркистоннинг идора усули қандай бўлиши керак, деган саволга жадидлар ўша давр шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий-миллий мухторият идора усулини маъқул топдилар.

Февраль инқилобидан кейин ўлкадаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти кучайиб кетди. Хусусан, 1917 йилнинг 6, 9, 13 март кунлари Тошкентнинг эски шаҳар аҳолисининг кўп минг кишилик намойишлари натижасида Тошшаҳарижроқўм органи тузилди. 13 март куни Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлиб ўтган мажлисда Тошшаҳарижроқўм аъзолигига Шайхонтохурдан Убайдулла Хўжаев, Кўкчадан Тошпўлатбек Норбўтабеков, Себзордан Зайнутдинхўжа Саримсоқхўжаев ва Бешоғочдан Абдусафихон Ғанихон ўғлини сайлади. Ушбу мажлиснинг полиция тизимини тугатиш ва унинг ўрнига маҳаллий аҳолидан муҳофизларни сайлаш ҳақидаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, 13 март мажлиси иштирокчилари Тошкент жамоатчилик ташкилотлари ижроия қўмитасига ҳам делегатлар сайлашди ҳамда эски шаҳарнинг барча қисмларидан кенгайтирилган ваколатли орган сайлашди. Энг муҳими бу орган 14 март куни тузилган янги ташкилотнинг ўзаги бўлди. Шу куни

Тошкентдаги Абдували хожи хонадониди халқ сайлаган вакилларнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиб, унинг таркиби аҳолининг татар ва қозоқ қисми вакиллари ҳисобига кўпайганидан сўнг 61 кишидан иборат бўлди. Бу ташкилотга “Шўрои Ислон”, “Шўрои Ислония” (“Ислон совети” деб ном берилди).

Дастлабки пайтда бу ташкилот ҳам европалик, ҳам мусулмон аҳоли томонидан самимий ижобий кутиб олинган. “Шўрои Ислония” чинакам халқчил, империя бошқаруви тизимларига муқобил бўлган демократик ҳокимият органи бўлганлиги боис ўлка аҳолиси ташкилотнинг ижроия кўмиталарига турли илтимос ва шикоятлар билан муурожаат қила бошладилар. Бу янги ташкилот европалашган Советлардан фарқ қилган ҳолда, февраль инқилобидан кейин ҳам давом этаётган ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш, мусулмон аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида тузилган бўлиб, ислон динига эътиқод қилувчи маҳаллай аҳолидан сайланган депутатлар шўроси эди.

Янги ташкилотнинг 14 март куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида уни 15 кишидан иборат бошқарув ҳайъатини тузилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бошқарув таркибига Абдувоҳид Қори, Мунаввар Қори, Каттахўжа Бобохўжа ўғли, Мулла Ризо Охунд, Абдусами Қори, Убайдулла Хўжаев кабилар кирдилар. 15 март куни Мунаввар Қори хонадониди бўлиб ўтган йиғилишда “Шўрои Ислония”нинг муваққат Низоми қабул қилиниб, унда ташкилотнинг қуйидаги асосий мақсад ва вазифалари белгиланди:

1. Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ижтимоий ислонотчилик ғояларини тарқатиш;
2. Ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини жипслаштириш бўйича ишларни кучайтириш;
3. Хорижий юртлардаги давлат ҳокимияти тизими ҳақида ахборот йиғиш ва таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш;
4. Тарғибот мақсадларида шаҳар, қишлоқ ва овулларда мунтазам намойишлар ўтказиш;
5. Эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини тушунтириш;
6. Ўлкадаги турли миллий кўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш;

7. Мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали маълумотлар етказиш ва зарурият туғилганда улардан ёрдам сўраш.

Янги ташкилот тузилган дастлабки кунлардан бошлаб ташкилот бошқарувининг махсус қарорига мувофиқ ўлканинг барча вилоят ва туманларига тарғиботчилар юборилди. Улар ўлканинг маҳаллий аҳолисига февраль инқилоби эълон қилган озодликнинг моҳиятини тушунтириш, сиёсий, диний, маданий ва ижтимоий ислохотлар ўтказиш учун “Шўрои Исломия” ташкилотига бирлашиш каби тарғибот ишларини олиб бордилар. Шунингдек, “Шўрои Ислам”, “Нажот” ва “Кенгаш” газеталари янги ташкилотнинг органлари сифатида чоп этилиб, тарғибот-ташвиқотдан ташқари уларнинг саҳифаларида маърифий хусусиятдаги материаллар, маҳаллий аҳолининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини уйғотишга даъват этадиган мақолалар ҳам чоп этиб турилди.

Буларнинг натижаси ўлароқ, “Шўрои Исломия” ташкилотининг фаолияти ўлкада кенг миқёсда кўллаб-қувватланди. Ушбу ташкилотнинг 8 апрелда бўлиб ўтган мажлисида Ўшда, Андижонда, Скобелевда, Туркистонда, Марида унинг кичик бўлимлари очилганлиги таъкидланди. Шунингдек, апрель ойида маҳаллий жадидларнинг ташаббуси билан Наманганда, Самарқандда, Қўқонда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам “Шўрои Исломия” ташкилотлари ташкил қилинди.

“Шўрои Исломия” жамиятининг ташкил қилиниши Туркистоннинг сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, бу ташкилот ўлкада сиёсий кучларни жойлаштиришга, ҳокимият тузилмалари барпо этишга жиддий тузатишлар киритди. “Шўрои Исломия” ташкилотининг халқ оммаси орасида таъсирини кучайиб бориши Россиядаги каби иккиҳокимиятликни эмас, балки Туркистон сиёсий майдонида қуйидаги учта ҳокимиятни юзага келтирган эди:

1. Туркистон советлари – улар инқилобий демократиянинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи европалик ишчи ва солдатларнинг органлари бўлиб, жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эдилар. Шунинг учун ҳам улар Муваққат ҳукуматининг давлат муассасалари ҳуқуқига эга бўлиш учун даъво қилардилар.

2. Ижроия қўмиталар - Советларга нисбатан аҳолининг анча кенг ижтимоий қатламлари вакиллари бўлиб, улар таркибига

турли партиялар – меньшевиклар, эсерлар, советлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий ташкилотлар ҳам ўз вакилларини делегат қилиб юборган эдилар. Улар барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилари сифатида иш кўрдилар ва ҳудудларда Муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга даъво қилдилар.

3. “Шўрои Исломия” ташкилоти – бу орган ташкилий жиҳатдан шаклланиши пайтидаёқ мусулмон аҳолисининг ваколатли органлари сифатида тезда расмийлашиб, шу аҳолининг хошиш-иродасини ифода этди ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилди.

Таъкидлаш лозимки, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси (Советлар) ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга, ўлкани бошқариш масаласида маҳаллий аҳолига мухторият бериш ҳақидаги хошиш-истакларга мустамлакачилик муносабатини сақлаб қолди. Шунга қарамадан февраль инқилобидан кейинги ўлка халқларининг асосий муаммоси – ўлка мухторияти масаласига муносабат мусулмон съездлари кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолган эди. Фикрлар хилма-хиллигига қарамадан бу масала бошқа йиғинларда ҳам кўтарилиб турди.

Воқеалар ривожланиши жараёнида ўлкадаги маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бориб, шундай бир шароитда “Шўрои Исломия” ташкилоти ташаббуси билан 1917 йил 17 апрелда Тошкентда I Умумтуркистон мусулмонлари съезди очилди. Бу съездда ўлканинг барча маҳаллий халқларидан ваколатга эга бўлган 150 делегат қатнашди. Съезд хайъатига Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Шерали Лапин, Тошпўлат Норбўтабеков, Заки Валидий, Содик Сатторов, Ислом Шоаҳмедов, Абдурахмон Ўразбаев, Абдулмажид Маҳмудов, Серикбой Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Собиржон Юсуповлар кирдилар. Шунингдек съезд ишида Туркқўмита аъзолари А.Давлетшин, С.Мақсудий, М.Тинишбоевлар иштирок этдилар.

Съезднинг кун тартибига қуйидаги масалалар:

1. Муваққат ҳукуматга муносабат билдириш тўғрисида;
2. Россияда давлатни ирода қилиш шакли ҳақида;
3. Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш тўғрисида;
4. Туркистондаги маҳаллий аҳолининг муассасалари тўғрисида;

5. Туркистондаги диний-шариат муассасалари ҳақида;
6. Мактаблар, мадрасалар ва вакфлар масалалари;
7. Молиявий ишлар тўғрисида;
8. Аввалги замонлардан қолган муассасаларни янгилаш ҳақида;
9. Туркистондаги барча мусулмонларга раҳбарлик қилувчи ислом диний бошқарувини тузиш тўғрисида;
10. Озиқ-овқат масаласи;
11. Урушга муносабат ва фронт ортида (мамлакат ичкарасида) хизмат қилувчилар ҳақида масалалар;
12. “Шўрои Исломия”ни ўлка миқёсида бирлаштириш ва унинг ижроия қўмиталарга муносабати масалалари;
13. Россия Умуммусулмонлар съездида делегатлар сайлаш ҳақида;
14. Ер-сув тўғрисидаги каби кўплаб масалалар киритилган эди.

Россиядаги бошқарувнинг бўлажакдаги шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий жиҳатдан бирлашуви масаласи диққат марказида турган ушбу съездда рус делегатлари ҳам иштирок этганлар. Хусусан, Андижонда чиқадиган “Туркестанский голос” газетаси муҳаррири Вадим Чайкин нутқ сўзлаб, “...Мен ҳар бир халққа федерация, кичик миллатларга эса миллий-маданий мухторият берилиши тарафдориман”, дея таъкидлади.

Ушбу съезд 1917 йил март-апрель ойлари учун ниҳоятда долзарб бўлган қарорни қабул қилиб, демократик ва федератив тамойилларга асосланган, мусулмонларга тенг ҳуқуқлар берувчи Россия конституциясини қайта ишлашни, Россиядаги барча вилоятларга, жумладан, Туркистонга ҳам миллий-маданий мухторият берилиши кўзда тутилган Федератив Демократик Республикани тасдиқлаш ғояларини қўллаб-қувватлади.

Съезднинг сўнгги мажлисида миллий ҳаракатларга уюшмаган, барча тарқоқ, бир-бири билан узоқ боғланмаган мусулмон жамиятлари, қўмиталари ва иттифоқларни бирлаштириш мақсадида Туркистон ўлка мусулмонлари шўроси (Ўлкамусшўро)ни тузишга қарор қилинди. Ўлкамусшўронинг 1917 йил 12 июнда бўлиб ўтган мажлисида унинг Низоми қабул қилиниб, унда бу ташкилот бирор-бир синф, партия ёки қабиланинг органи бўлмасдан, билки қонун чиқарувчи

ҳоқимиятни амалга оширувчи ваколатли умуммусулмон раҳбарлик органи сифатида тузилганлигига изоҳ берилган эди.

1917 йилнинг кўкламида Туркистон халқларини бирлаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Умумминтақавий кўламда мусулмонлар съездининг чақирилиши улкан воқеа бўлиб, бу съездда Туркистон халқлари мухторият сари, ўз урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзини ҳимоя қилиши ошқора айтилди. Халқнинг ана шу манфаатларини ифода этувчи Ўлкамусшўро ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. Аммо, воқеаларнинг кейинги ривожини кутилган натижаларни бермади.

1917 йилнинг 1-11 майида Москвада Бутунроссия мусулмонларининг I –съезди бўлиб ўтди. Унда Туркистон, Бухоро ва Хивадан ҳам делегатлар иштирок этдилар. Съезд мусулмон аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ кўплаб масалаларни муҳокама қилди. Съездда Бутунроссия мусулмонлари Шўроси сайланиб, унинг ижроия қўмитасига Туркистондан Убайдулла Хўжаев ва Ислон Шоаҳмедовлар киритилди.

Съездда ижроқўм раиси Аҳмад Солиҳов (Цаликов) илгари сурган: “Тафовутлар сиёсий ҳаётни ўта таранглаштириб юборади, бу эса миллатнинг кучларини бўлиб ташлайди. Шу боис, мусулмонлар бирлашингиз, демократия байроғи остида бирлашиб, биз ўзимиз учун миллий ва маданий мухториятни таъминлай оламиз”, деган ғоялари катта аҳамиятга эга бўлди. Шунга қарамасдан, съездда қабул қилинган қарорлар мусулмон аҳолиси орасида турли-туман ижтимоий-сиёсий оқимлар, ғоявий қарашларнинг кўпайиб бораётганлигини кўрсатди. Айниқса, миллий давлатчилик қуриш ҳақида ўткир бахслар бўлиб ўтиши натижасида съездда иккита катта гуруҳ пайдо бўлди. Улардан биринчиси Россия Демократик Республикаси таркибида мусулмонларнинг ҳудудий-маданий мухторияти тарафдорлари (“унитаристлар”) бўлса, иккинчиси, Россия Федерацияси таркибида мусулмон халқлари учун ҳудудий мухторият берилиши тарафдорлари (“федералистлар”) бўлдилар. Узок тортишувлар натижасида “федералистлар”нинг қарори қабул қилинишига муваффақ бўлинди. Съездда Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузилиб, унга Туркистон ўлкасидан Убайдулла Хўжаев аъзо бўлиб кирди.

1917 йил 17 июлда Қозон шаҳрида II Бутунроссия мусулмонлари съезди иш бошлади. Барча мусулмон халқларидан 260та делегат иштирок этган ушбу съезд, узоқ тортишувлардан сўнг мусулмон халқларининг миллий тақдирини ўзи белгилаш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, мазкур қарорни амалий жиҳатдан дарҳол бажаришга, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар бўйича маҳаллий халқларининг аҳволи ҳақида Убайдулла Хўжаев маъруза қилиб, у ўлкадаги мавжуд аҳволни, амалда ўлка халқлари манфаатларини инкор этувчи эски сиёсатни давом эттираётган ишчи ва солдат депутатлари Советини фаолиятини кескин танқид қилди.

1917 йилнинг 12-14 июлида Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида Фарғона вилояти мусулмон ташкилотларининг қурултойи бўлиб ўтди. Демократик кайфиятда бўлган турли мусулмон ташкилотларидан 137 киши қатнашган бу қурултойда дастурий ҳужжат қабул қилиниб, унда Туркистон, Қозоғистон, Кавказ ва Бошқирдистон учун миллий-ҳудудий мухторият, Волгабўйи, Қрим татарлари ва бошқа туркий халқлар учун миллий-маданий мухторият талаб қилинди. Шунингдек, ушбу дастурда сайлов ҳуқуқи масалалари ҳам аксини топди.

Февраль инқилобидан кейин Туркистонда ошқора иш олиб борган турли сиёсий ташкилотлар ҳамда уларнинг йўлбошчилари бўлган миллий зиёлилар Туркистон бирлиги, миллат равнақи, эрк ва озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, биродарлик, миллат ва Ватан манфаатлари йўлида бирлашиш ғояларини зўр бериб илгари сурдилар. Аммо, афсуски ғоявий келишувга эришиш мумкин бўлмади, бутунроссия миқёсида ҳам, Туркистонда ҳам турли мусулмон сиёсий оқимлари ўртасида зиддиятлар сақланиб қолди. Шунингдек, Туркистондаги мавжуд сиёсий кучларни ажратиб ташлаган зиддиятлар миллий ғояни амалга ошириш ғояларини қабул қилишдаги турли фикрликда, ўз тақдирини ўзи белгилашнинг шакли, йўллари ва усулларига бўлган турли ёндашувларда ўз аксини топди.

Мавжуд келишмовчиликлар ва зиддиятлар натижасида Туркистондаги йирик сиёсий ташкилот бўлган “Шўрои Исломия” иккига бўлиниб кетди. 1917 йил июнь ойининг ўрталарида бу ташкилотдан “Шўрои Уламо” ташкилоти ажралиб чиқди. Шўроисломчилар каби туркистонлик уламочилар ҳам ислом анъаналарига таяниб, ундан Россия мустамлакачилигига қарши

фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, “Шўрои Уламо” сиёсий бирлашмаси ўз фаолиятида кўпроқ феодал-диний қарашларни акс эттириб, маиший ва ижтимоий ҳаётда илгари мавжуд бўлган патриархал-феодал негизларни сақлаб қолиш, шариат қонунлари тамойилларига таянувчи ислом давлатини барпо этиш тарафдори бўлиб чиқди.

“Шўрои Уламо” ташкилоти аъзолари ислом дини номидан сўзлаб, жамиятда демократик ислохотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларга кескин қарши чиқдилар. Улар европача маданият кириб келишини мутлақо рад этишиб, барча масалаларда аввало, шариат қонун-қоидалари устунлиги ғоясини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дин арбоблари ва руҳонийлар ўша даврдаги Туркистон жамиятида алоҳида мавқега эга эдилар. Бинобарин, дин пешволари ўлкадаги мусулмон аҳолининг дунёқараши, маънавий ва ахлоқий қадриятларини шакллантиришга, ўлка аҳолисининг сиёсий эҳтирослари ва манфаатларига кучли таъсир кўрсатганлар. Аммо, мусулмон уламоларининг сиёсий қарашлари ва сиёсатга муносабати бир хил эмас эди.

Шунга қарамасдан, ғоявий қарашлар бир хил бўлмаса-да, “Шўрои Уламо” ташкилоти аъзолари ўлка маҳаллий аҳолисининг мустақилликка интилиш учун қилган ҳаракатларини маълум даражада фаоллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар озод ва мустақил мусулмон давлатни таркиб топтириш зарурияти ҳақидаги фикр ва ғояларни жамоатчилик онгига сингдирдилар. Қўқонда ташкил этилган “Шўрои Уламо” жамияти Низомида жамият олдига қўйилган қуйидаги мақсадлар келтирилади:

1. Мусулмонларни ягона ташкилотга бирлаштириш учун мутараққий-маърифий асосларда миллий-диний тафаккурни оммалаштириш ва сиёсий ҳаракатни шакллантириш.

2. Миллатлар ҳамда мусулмонларнинг ахлоқий асосларини вақтли нашрлар ҳамда доимий босма органлар йўли билан муҳофаза қилиш.

3. Мусулмон фуқаролари орасида диний заминда юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил шикоят ва англашилмовчиликларни ҳал этиш ва тушунтириш.

4. Мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва тарбиға солиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни муҳофаза қилиш, уларнинг

тараққий этиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ва муҳтожларга ёрдам кўрсатиш.

5. Илмий-маърифий фаолиятида ўзини кўрсатган муносиб кишилардан ўқитувчилар танлаш ва тайёрлаш.

Миллий тараққийпарварлар ва мусулмон уламолар ўртасида ажралиш юз бериб, ғоявий қарашлар тўқнашуви шароитида демократик руҳдаги ислохотлар тарафдори бўлган миллий зиёлилар бутун мусулмонларнинг бирлашуви шиори билан чиқдилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий дин ва миллатни иттифоқ этишга, ислохотлар ўтказишга, зиёли ва тараққийпарварлар, бойлар ва уламоларни бирлаштиришга чақирган бўлса, Фитрат, “Ҳақ йўлида, дин йўлида, Ватан йўлида, миллат йўлида, жадидмиз, қадиммиз, мулломиз, боймиз бир ерда тўпланайлик”, дея даъват этди.

1917 йил 17-20 сентябрь кунлари Тошкентда “Шўрои Уламо” ва “Халойиқ” жамиятлари ташаббуси билан туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг съезди бўлиб ўтди. Туркистон, Урал ва Тўрғай вилоятларидан 500дан зиёд обрўли делегатлар иштирок этган ушбу съезднинг бутун иши ўлкадаги тарқоқ жамиятлар, ташкилотлар ва партияларни бирлаштириш, ўлка миқёсида бирлик ўрнатишга эришиш. Таъсис мажлисига сайловлар ўтказиш, унга ғоявий қарашларидан қатъий назар, россиялик мусулмонлардан муносиб номзодлар кўрсатиш кайфиятида ўтди.

Съезд “Шўрои Исломия” ва “Турон” жамиятларини тугатиб, улар ўрнига ягона “Иттифоқи муслимин” сиёсий партиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда “Шўрои Исломия”, “Турон”, “Шўрои Уламо” – барчаси халқ жамиятлари бўлиб, биргаликда ягона куч сифатида иш кўриш вақти келгани алоҳида таъкидланди. Аммо, энг муҳими шунда эдики, бу съездда қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларга кўра, ўлкада яшовчи барча халқларнинг миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаши асосларида ташкил этилган, демократик Россия республикаси таркибида Туркистон ҳудудий мухтор федерациясини ташкил этиш дастури илгари сурилди. “Улуғ Туркистон” газетаси хабарига таяниб қайд этиш лозимки, съезд “Мулла Муҳаммадхўжа эшон ва мулла Сиддикхўжа эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги нутқларини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм

қилди. Бу эса Туркистон ўлкасининг маҳаллий ва миллий мухторияти бўлиб, ўз ички ишларини мустақил ҳал этажagini”, билдирар эди.

Хуллас, октябрь тўнтаришига қадар Туркистон жамиятининг сиёсий майдонида иккита муқобил куч ва уларнинг намоёндалари шаклланиб бўлган эди. Улардан биринчиси ўлкада демократик руҳдаги Туркистон мухториятини ташкил этиш тарафдорлари бўлган ўлканинг илғор зиёлилари ва демократик кайфиятдаги уламолари бўлса, иккинчиси, биринчи кучлар ғояларини бутунлай инкор этиб, “Бутун ҳокимият советларга!” шиорини илгари сурган ҳамда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиб, унга мутлақ ҳукмронлик қилмоқчи бўлган большевиклар эди.

2. Октябрь тўнтарилиши. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1917 йилнинг кузига келиб Туркистонда ҳокимиятни советлар қўлига ўтиши учун (Тошкент шаҳридан ташқари) амалда шарт-шароитлар йўқ эди. Бу борада ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездларида аҳолини ҳокимиятни советларга ўтишини талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аммо, Тошкентда аҳвол бошқача эди.

Маълумки, 1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) В.И.Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни зўравонлик билан эгалладилар. Бу воқеадан беҳабар ҳолатда ўша кун кечки соат бешда Тошсовет ижроқўмининг яширин мажлисида ўлкада муваққат ҳукуматга қарши қуролли тўнтариш режаси муҳокама этилган эди. 27 октябрда Тошкентга Петрограддан Октябрь тўнтариси ҳақида, Муваққат ҳукуматнинг ағдариб ташлангани ва советларнинг II Бутунроссия съездида большевиклар етакчиси В.И.Ленин бошчилигида Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) сайланганлиги ҳақида хабар берилиши режалаштирилган қуролли тўнтаришни амалга ошириш учун тўртки бўлди.

28 октябрь эрталаб соат олтида Тошкент Бош темир йўл устахоналарининг кучлик гудоги билан бу ерда октябрь тўнтариси бошланди. Тўрт кун давом этган қуролли ҳаракатга

асосан европалик қуролланган ишчилардан иборат бир неча минг киши иштирок этган эди. Қуролли тўнтариш натижасида 1 ноябрда бутун ҳокимият Тошсовет қўлига ўтди. Шу куниёқ Тошсовет Тошкент темир йўл линияси орқали ўлкадаги барча советларга қуйидаги телеграммани юборди: “Совет бутун ҳокимиятни қабул қилди. Ҳокимиятни ўз қўлингизга олингиз!”.

Петроградда большевистик тўнтаришнинг ғалабаси ва совет ҳокимиятининг дастлабки ҳужжат ва декретлари Туркистон сиёсий ҳаётида мураккаб жараёнларга сабаб бўлди. Бу пайтга келиб ўлкада уч сиёсий йўл ажралиб чиқди. Биринчиси, маҳаллий аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ўз ичига олган бўлиб, миллий ўз тақдирини ўзи белгилашга оид ҳуқуқни таъминлашда ўз ифодасини топди. Рус эсерлари ва меньшевиклари манфаатларини ифодаловчи иккинчи сиёсий йўл Россия таркибида чекланган мухтор ҳуқуқларни берувчи демократик жараёнларни кенгайтиришга қаратилган эди. Учинчиси эса, ленинча йўл бўлиб, ягона совет империяси маконида ҳаёлий коммунистик жамиятни барпо этишга йўналтирилган эди.

Петроград ва Тошкентда большевикларнинг ҳокимиятни эгаллагани ҳақидаги хабар ҳудудларда турлича қабул қилинди. Хусусан, қирғиз депутатлари ўлка кенгаши, мусулмон депутатлари Фарғона вилоят кенгаши, туб аҳолисининг бошқа кўпгина ташкилотлари ҳокимиятнинг советларга ўтишига қарши бўлдилар. Таниқли мусулмон жамоат арбоблари У.Хўжаев, С.Хўжанов, М.Чўқаев, И.Шағиаҳмедов кабилар ҳам советларга қарши бўлсалар, А.Фитрат ўша даврда чиқадиган “Хуррият” газетасида “Сиёсий ғоялар” номли мақоласи билан чиқиб, маҳаллий аҳолини советларга нисбатан бетараф бўлишга чақирди.

2 ноябрь куни Тошкентда ўлка демократик ташкилотларнинг Муваққат Ўлка ҳукуматини ташкил этишга бағишланган бирлашган мажлиси ўтказилди. Мажлис зудлик билан 9 кишидан иборат Туркистон ўлка ижроия қўмитасини ташкил этиш ҳақида қарор чиқарди. Қўмигада 21 кишидан иборат кенгайтирилган демократик кенгаш ташкил этилиб, ундан бор-йўғи 2та ўрин ўлка мусулмонлари шўросига ажратилди.

1917 йил 13-17 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди қатнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар

қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатди. Ушбу съезд ҳокимият масаласига оид қўйидаги резолюцияни қабул қилди: Туркистонда ҳокимиятни ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари қўлига ўтиши билан ҳокимият масаласидаги мунозара шундай хулосага келди:

1. Россия инқилоби кўтарган халқнинг озодлиги, тенглиги, дўстлиги шиорлари остида Туркистон аҳолисининг 98 фоизини ташкил этувчи, 10 млн. сонли мусулмон аҳолиси миллий-маданий ўз-ўзини бошқаришнинг барча ҳуқуқларига эга.

2. Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва умуминсоний тараққиётига бўлган қизиқиши Қуръон ва Шариат қонунларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Мусулмонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ҳуқуқларини амалга оширар экан, Россиядаги сиёсий партияларнинг биронтаси таркибида фаолият кўрсатиши ва уларнинг партиявий курашларида қатнашиши мумкин эмас. Лекин, Россия фуқаролари билан умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиб, мамлакатни Таъсис мажлисига олиб борувчи ҳокимиятни қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқдир;

3. Бутун Россия доирасида ҳокимият қандай тузилишидан қатъий назар, мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини маҳаллий шароитни яхши билган, халқнинг хоҳиш иродасига кўра, янгича ҳаёт тартибларини жорий қила оладиган кишилардан иборат маҳаллий ҳокимият орқали амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда, мусулмон вакилларидан, маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотларда фаолият кўрсатувчи, лекин, мусулмонларга хайрихоҳ бўлган вакиллардан ташкил топиши керак.

4. Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодиқий ва бегона бўлган ҳарбийлар, ишчилар ва деҳқон (крестьян)ларнинг майда гуруҳлари қўлидагина тўпланиб қолиши демократик принципларга мос эмас ва маҳаллий аҳолини ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди.

15-22 ноябрь кунлари Тошкентда Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съезди бўлиб ўтди. Туркистонда давлат ҳокимияти тузилиши ҳақидаги масала унинг диққат марказида турди. Ушбу съезднинг қарорларида европалик

жамоалар, айниқса, большевиклашган ишчи ва солдат депутатлари орасида ҳукм сурган улуғ давлатчилик – шовинистик ғоялар кўп акс этган.

Бу съездда 15 кишидан иборат ҳукумат – Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) тузилди. Унда 8та ўрин сўл эсерларга, 7та ўрин большевиклар билан максималистларга берилиб, ҳукумат таркибига маҳаллий аҳоли орасидан бирорта ҳам вакил киритилмади. Туркистондаги совет ҳукуматининг биринчи бошлиғи (раиси) лавозимини Ф.Колесов эгаллади.

Замонавий адабиётларда берилишича, “маҳаллий инқилобий ҳокимиятнинг ташкилий тамойилларини тасдиқлаган Советларнинг III съезди Декларацияси большевистик ҳукмдорларнинг сиёсий башарасини ёрқин кўрсатиб берди”. Бу Декларациянинг моддаларидан бирида қуйидаги таъкидланади: “Ҳозирги пайтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятининг юқори органларига жалб этиш маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари ҳокимиятига муносабатининг ноаниқлиги сабабли ҳам, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари йўқлиги учун ҳам ножоиздир”.

Аслини олганда, маҳаллий аҳоли асосий оммасининг орзу-умидлари Россия империясининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш, миллий асослардаги мустақил демократик давлат тузиш, бу борадаги миллий зиёлиларнинг ғоявий қарашларини ҳаётга жорий этиш, асрий урф-одатлар, анъаналар ва бутун мусулмон турмуш тарзини сақланиб қолишидан иборат эди. Аммо, ўша суронли йиллардаги “тўнтариш” тўғрисида ҳокимият тепасига келган большевиклар ва уларнинг вақтинчалик иттифокчилари бўлган сўл эсерлар Туркистон халқларининг орзу-умидлари, хоҳин-иродаси, азалий анъаналари билан мутлақо ҳисоблашмадилар. Ленин ҳукумати ва ўлкада унинг сиёсатини изчил амалга оширувчи Туркистон большевиклари ўлканинг мустамлака ҳолатини ўзгартиришни, унинг халқларига озодлик беришни мутлақо хоҳламас эдилар. Бошқа партиялардан фарқ қилган ҳолда, Туркистон большевиклари ҳокимиятни маҳаллий аҳолига беришни, ҳатто улар билан бўлишишни ҳам истамадилар. Воқеаларнинг кейинги ривожини шуни кўрсатдики, большевиклар турли ваъдалар, найранглар, қоғозлардаги “ён беришлар” ва албатта, зўравонлик йўллари билан миллий

зиёлиларни ҳам ўз томонларига оғдириб олишга ҳаракат қилдилар.

Туркистонда ҳокимият большевиклар қўлига ўтиши билан ўлкада Муваққат ҳукуматининг барча бўғинлари тугатилиб, уларнинг ўрнига аввало, жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада кизил гвардия бўлимларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу янги бўлимлар совет тузуми ва большевикларга қарши кўтарилган дастлабки онгли чиқишларни бостиришда фаол интирок этдилар.

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз қарори билан “Шўрои Исломия” ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Тарқатиб юборилган ташкилотларнинг етакчилари кейинчалик Туркистон мухторияти ҳукуматига қўшилдилар, айримлари истиқлолчилик ҳаракатларига ғоявий раҳнамолик қилдилар. “Шўрои Уламо”нинг Тошкент шўъбаси фақат 1918 йил 13 майда ёпилди.

Туркистон ўлкаси ХКС ўзининг тузилиши ва бошқарув аппаратлари жиҳатидан тубдан фарқланувчи ҳукумат эди. Туркистон ХКС тақибига кирувчи 15та комиссарлик ўлкадаги бошқарув ишларини бутунлай қамраб олган бўлиб, бошқарув тизимининг фарқли томони шунда эдики, Туркистон ХКС ташкил топган пайтдаёқ Россиядаги Марказий ҳукуматни тан олди. Чунончи, Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов Петрограддаги ХКС номига юборган телеграммада қуйидагича таъкидланган эди: “Комиссарлар Совети ўз олдида сизнинг ҳамма декретларигизни амалга ошириш вазифасини қўйди... Бизнинг тўла-тўқис қўллаб-қувватлашимизни ҳисобга олишингизни сўраймиз”.

Туркистон ўлкаси янги ҳукумати 1917 йилнинг 23 ноябридаёқ аҳолига қилган мурожаатида ҳам ўзининг асл мақсадларини яшириб ўтирмади. Ушбу мурожаатда ҳам юқорида эслатилган телеграммада бўлгани каби қуйидагиларга алоҳида урғу берилган эди: “Халқ комиссарлари совети марказий ҳокимиятнинг барча декретларини оғишмай амалга оширади ва ўз фаолиятида съезднинг... қарорларига амал қилади. Бу топшириқларни бажариш йўлидаги ҳар қандай қаршилиқ советлар томонидан кескин чоралар кўриш йўли билан кутиб олинади”.

Туркистон ХКС ўз фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб совет сиёсатини амалга оширишга, Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаттиқ ва астойдил киришди. Барча маҳаллий советларга зудлик билан қизил гвардия тузишга киришиш таклиф қилинди. Ўлка комиссарлиги такибида бўлган ва бошқарувда асосий рол ўйнайдиган ҳарбий, ташқи савдо, шунингдек, почта, телеграф ва темир йўллар бошқаруви масалалари бутунлай Россиядаги тегишли идораларга бериб қўйилиши оқибатида Туркистон ХКС ижрочи органга айланиб қолди. Марказдан юборилган барча маъсул ходимлар, турли комиссия ва ташкилотлар ўз сиёсатларини кўғирчоқ органга айлантирилган ўлка ХКС орқали юритдилар.

3. Туркистон Мухторияти ва унинг фаолияти.

Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг кулоч ёйганидан далолат берарди. Бироқ, юқорида кўрсатиб ўтилганидек октябрь тўнтариши оқибатида 1917 йил октябрь-ноябрь ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий озодлик ҳаракатини кучайиб кетишга мажбур қилди.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишининг бутун тафсилотларини жаҳидлар ўша давр газеталарида тарих учун муҳраб қўйдилар.

Мустафо Чўқай қурултойни очар экан, Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи хусусида қисқача маълумот беради. Унинг айтишича, «Марказда юз бераётган воқеалар, чекка ўлкаларда ҳокимият масаласини мустақил муҳокама этувини тақозо қилур. Октябр хунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида ўзлари мулоҳаза юритмоқлари лозим».

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар ўн йиллар давомида миллатчилар гуруҳининг йиғинидан эълон қилинган “буржуа мухторияти” деб нотўғри талқин қилиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг акси бўлганлигини исботлайди. Масалан, Туркистон

жадидларининг таниқли намоёндаси Бехбудий ўз маърузасида қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканлигини таъкидлаб, “Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар”, дейди. Бехбудий ва Обиджон Маҳмудов қурултой ҳайъатида мусулмонлар билан бир қаторда бошқа миллий гуруҳларнинг ҳам вакиллари бўлишини йўқлаб чиқдилар.

Туркистонни бошқариш шакли уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилиниши ўлка аҳолисининг ижтимоий мақсадларидан келиб чиққан ва унга мос тушишини уқтирдилар. Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватладилар.

Қурултойда 1917 йил 27 ноябрь куни қабул қилинган қарорда шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади. Шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис Мажлисига ҳавола этади”. Қурултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

28 ноябрь (янги ҳисоб билан 11 декабр)да таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, Туркистон мухторияти деб аталадиган бўлди. Қурултой ўша куни йиғилишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилади.

Қурултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб Муҳаммаджон Тинишбоев сайланди. Ислон Султон ўғли Шоаҳмедов-Бош вазир ўринбосари, Мустафо Чўқай-ташқи ишлар вазири, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев (Убайдулла Хўжаев) - ҳарбий вазир, Ҳидоятбек Юрғули Агаев-ер ва сув бойликлари

вазири, Обиджон Маҳмудов-озик-овқат вазири, Абдурахмон Ўрозаев-ички ишлар вазирининг ўринбосари, Соломон Абрамович Герцфелд-молия вазири лавозимларини эгаллашди. Ҳукумат таркибида кейинчалик айрим ўзгаришлар юз берди. Муҳаммаджон Тинишбоев истеъфога чиққач, Мустафо Чўқай Бош вазир лавозимини бажаришга киришади. Вазирлардан уч киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, икки киши ўртача малакали ҳуқуқшунос эканлиги мухторият ҳукумати аъзолари билим даражасининг нақадар юқори эканидан далолат беради.

Қурултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб қурултой қарорига биноан “36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар ғайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятдан бўлиб: Фарғона-10 нафар, Самарқанд-5 нафар, Сирдарё-9 нафар, Еттисув-6 нафар, Закаспий-2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлурлар”. 18 нафар ўрин эса ўлканинг европалик ташкилот ва фуқароларига, жумладан, темир йўлчилар иттифоқи, ишчи ва содат депутатлари совети, социал демократлар, дашноқтсутюн, ерлик жухудлар, яҳудийлар, эсерлар, украинлар, полякларнинг вакиллари ва бошқаларга берилиши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гуруҳлар вакилларининг катнашуви кўзда тутилди. Демократик руҳдаги миллий зиёлилар қурултойда қабул қилинган дастурий ҳужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халқчил ва демократик ғояларни киритишди.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. “Шўрои Уламо”нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига, унинг раиси сифатида киритилган бўлса ҳам, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этди.

Қурултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, улар яқдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди.

Орадан кўп ўтмай Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таниқли ҳуқуқшуносларни жалб қилди. “Эл байроғи”, “Бирлик туғи”, “Свободный Туркестан”, “Известия Временного Правительства Автономного Туркестана” каби ҳукумат гезаталари ўзбек, қозок ва рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал чиқаётган “Улуғ Туркистон” газетаси ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин берди. Нашр ишларини яхшилаш учун О.Маҳмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди.

Мухторият ҳукумати миллий кўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 йил бошида бу кўшин сафларида бир мингдан ортиқ аскар бўлган. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташқари Қўқонда тахминан шунча миршаблар ҳам бор эди. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорида ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият кўшинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик чангалида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Унинг фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза мухторият ҳукуматини алқаб, ўтли шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган 27 ноябрь тунини “Миллий Лайлатулқадримиз” деб атади.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожеали воқеалар муҳим ўрин тутди. Ўша куни Тошкентда эски шаҳар аҳолиси “Мухтор Туркистон учун!” шиори остида тинч байрам намойишини ўтказдилар. Аммо, Тошкент советидаги большевиклар шаҳарда қуролли куч билан «тартиб» ўрнатишга буйруқ берадилар. Оқибатда тинч намойиш қатнашчилари пулемётдан ўққа тутилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди.

Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19-26 январ (янги ҳисоб билан 1-8 феврал)да Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг фавкулотда IV-съездида мухторият масаласи асосий ўринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди. Большевиклар ўзларининг бу қабих ва мудҳиш “ҳукми”ни амалга оширишга зудлик билан киришдилар.

30 январь (янги ҳисоб билан 12 феврал)да Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг “Дашноқцутюн” партияси аъзоларидан тузилган қуролли тўдалардан ҳам фойдаланди. Уларга қарши дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шаҳар устига уч кун давомида тўплардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият қўшинининг тирик қолган қисми Кичик Эргаш кўрбоши бошчилигида шаҳардан чиқиб кетди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва дашноқларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Аммо Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, ўлдириш авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10000 киши ўлдирилди. Шаҳар буткул вайронага айлантирилди.

Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқай шаҳарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари ҳалок бўлди. Баъзиларини большевиклар қўлга олишди.

“Улуғ Туркистон” газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, “20 (эски ҳисоб билан 7) февраль Хўқанд (Қўқон) тарихининг энг даҳшатли куни эди. Арманилар айрича фаолият кўрсатганлар ...” Газетадаги ушбу мақола “Хўқанд ҳозир ўликлар шаҳри” деган даҳшатли ибора билан тугайди.

Ниҳоят, 1918 йил 22 (эски ҳисоб билан 9) февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан

тайёрланган “тинчлик шарнома”си Қўқон аҳли вакиллари билан имзоланди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда қуроли қаршилик ҳаракати бошланди. Аммо, бу даврга келиб Туркистон Мухториятини тор-мор этиб, ўлкада яққа ҳукмрон бўлган, қуроли ва зўравонликка таянган большевиклар Тошкентда советча андозадаги автономия (мухторият)ни ташкил этишга киришган эдилар.

1918 йил январь ойидаёқ большевиклар Туркистон Мухториятига қарши Туркистон автономиясини тузиш масаласини кўтаришган эди. Бу муаммо фақат Туркистон советларининг V-съездида (1918 йил 20 апрель - 1 май) ҳал қилинди. Съезд Россия Совет Социалистик Федерацияси таркибида Туркистон республикаси (тарихий адабиётларда Туркистон автоном республикаси)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Улар таркибига илк марта туб миллатларнинг вакиллари киритилди. Шунингдек, съездда sanoat корхоналарини мусодара (национализация) қилиш ва бошқа айрим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шундай қилиб, совет Россияси таркибида кўғирчоқ, марказга тобе Туркистон автоном республикаси ташкил қилинди.

Туркистон республикаси ХКС ва МИК ичида ҳокимият учун ўзаро курашлар, можаролар ва жанжаллар авжига чиқди. Октябрь ойида Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов ва бошқа айрим амалдорлар эгаллаган лавозимидан бўшатилади.

1919 йил 19 январда ҳарбий комиссар К.Осипов бошчилигида Тошкентда исён кўтарилди. К.Осиповнинг буйруғи билан 14 нафар совет комиссарлари отиб ташланди. Исёнчилар томонидан совет ҳокимияти ағдарилди, ҳокимият масаласи Таъсис Мажлисида ҳал қилинади, деб эълон қилинди. Бироқ исён Тошкент темир йўли устахоналари ишчилари ва бошқа ҳарбий қисмлар томонидан тезда бостирилди. К.Осипов аввал Фарғона водийсига, сўнгра Бухоро амирлигига қочиб кетди. Бу исён баҳонасида большевиклар 1919 йил март ойи бошида сўл

эсерларни ҳукуматдан сиқиб чиқариб, якка ўзлари ҳукмрон бўлиб олдилар.

1919 йил 8 октябрда Москвада Турккомиссия (Россиянинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси) ташкил қилиниб, у Тошкентга жўнатилди. Турккомиссия, кейинчалик Туркбюро ва Ўрта Осиё бюроси каби турли хил комиссия ва бюролар мунтазам равишда Россия марказидан Туркистонга жўнатиб турилди. Марказ ўзининг бу фавқулодда органлари орқали Туркистон минтақасини бошқаришга, маҳаллий халқларни мустамлакачилик асоратида ушлаб туришга интилди.

Бу пайтда бутун Россияда бўлгани сингари Туркистон республикасида ҳам “ҳарбий коммунизм” сиёсати жорий қилинди. Бу сиёсат ўз моҳиятига кўра халққа қарши қаратилган эди. У хусусан ҳарбий йўл билан деҳқонларга катта зарба берди. Туркистонда ҳам совет тузуми бир қатор декретлар чиқариб, озиқ-овқат развёрсткаси (таксимоти)ни жорий қилди. Аслини олганда, деҳқондан у етиштирган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси тортиб олинди. Бозорлар ёпилди, савдо-сотик таъқиқланди. 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёллар учун мажбурий меҳнат мажбурияти жорий қилинди. Совет тузумининг бундай мустамлакачилик сиёсати оқибатида миллий-озодлик ҳаракати минтақада кучайиб, авж олиб кетди.

4. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати ва унинг моҳияти.

Октябрь тўнтаришдан сўнг, Россияда бутун ҳокимият пролетариат диктатураси кўлига ўтди. Жамият турли-туман гуруҳларга парчалаб ташланди. Бошқача қилиб айтганда, давлат қурилишининг ҳар қандай шакли ва демократиядан воз кечилиб, зўравонларча бошқарув услуби ўрнатилди. Оқибатда жамиятда алдов, куч, қўрқинч руҳи устун бўлиб қолди. Туркистонда ҳам ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этган туб аҳоли русийзабон миллатлар ўрнатган пролетариат диктатурасининг қақшатқич ҳукмига бўйсундирилди.

Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган совет ҳукмронлиги подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатидан

хам ошиб тушди. Туркистон ўлкасининг совет Россиясига сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тобелиги янада кучая бошлади.

1918 йил 20 апрель-1майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, мусулмон ва деҳқон депутатларининг V ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатлари совет Россияси ҳукумати раҳбарлари В.И.Ленин ва И.В.Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрелда “Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом” ни қабул қилди. Ушбу Низомнинг дастлабки икки моддаси қуйидагича кўринишда эди:

1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади. Туркистон Республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бухородан ташқари, ҳозирги географик чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуди киради.

2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади ва Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ҳамда ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради”.

Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда V съездида (1918 йил 5-14 октябрь) да РСФСР Конституцияси андозасидаги Туркистон Совет Республикаси (ТСР) Конституцияси қабул қилинди. Туркистон Советларининг IX съездида (1920 йил 19-25 сентябрь) ТСР нинг номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди.

Туркистон ўлкасида совет автономияси эълон қилинган (1918 йил 30 апрель), минтақани советлаштиришнинг янги даври бошланди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, мана шундай шароитда давлат органлари ва ҳукумат таркиби большевиклар ва сўл эсерлардан иборат бўлиши расмий тарзда тантанали равишда эълон қилинди.

Бироқ Туркистон АССР МИК ва ХКС таркибини ҳар икки партия аъзоларидан пропорционал ҳолатда тузилганлиги, большевикларнинг сўл эсерлар билан ҳукмронлиги узоқ вақт давом этмади. Сиёсий эътиқоднинг ўзгачалиги, сўл эсерларнинг ижтимоий келиб чиқиши (уларнинг кўпчилиги мулкдорлар синфига тааллуқли эди) большевикларнинг жазо органлари томонидан уларни жазолашга асос бўлди.

Фарғона области махсус бўлимига 1919 йил 24 сентябрда юборилган “мутлақо махфий” телеграммада кўрсатилишича, Қўқонда махсус бўлимнинг фронт шўъбаси томонидан оммавий

равишда тинтув қилиш ва қамоққа олишлар амалга оширилган. Қўқонда қамоққа олинган 64 нафар кишига “совет тузумига қарши тарғибот олиб борди”, “сиёсий жиҳатдан ишончсиз”, “жосус”, “Эргаш қўрбошининг гуруҳида бўлган ва қурол сотиш билан шуғулланган”, “буржуй бўлган”, “офицер бўлган”, “эсерлар партиясининг аъзоси”, “турли сиёсий партияларнинг аъзоси” каби турли сиёсий айблар қўйилиб, қатағон қилинган. Большевиклар томонидан жазоланган ушбу жабрдийдалар орасида Низомиддин Тошмухамедов, Охунжон Турсунмухамедов, Муҳаммад Мурод Олим, Охун Муҳаммад Бобоев, Мулла Абдул, Эшон Зокирбоев, Охунжон хожи Дадажон Каримқулов, Содик Хожи Аминбоев каби маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда Буров, Черкашев, Эдвард Новицкий, Николай Минин, Константин Медведев, Мединский, Прокофьев сингари европалик аҳоли вакиллари ҳам бўлган.

1918 йил 17-25 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон большевиклар (Коммунистлар) партиясининг I съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гуруҳлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Туркистон Коммунистик партияси - ТКП га (РКП(б) таркибида) асос солинди. Съездда И.Тоболин раислигида 7 кишидан иборат Марказий Комитет сайланди. ТКП МК таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди. Республика сиёсий ҳаётида Туркистон Коммунистик партияси етакчилик мавқеини эгаллади.

1918 йил 5-14 октябрда бўлган Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда VI съездида янги таркибдаги Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (раиси – В.Вотинцев) ва Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (раиси – В.Д.Фигельский) сайланди. Туркистонда Совет ҳукумати илк бор фақат коммунистлардан иборат равишда тузилди. Ҳолбуки, Туркистондаги аввалги совет ҳукумати таркибида большевиклардан ташқари сўл эсерлар, меньшевиклар, максималистлар, интернационалистлар каби сиёсий партияларининг вакиллари ҳам бор эди. Бу ҳолат Туркистон Республикасидаги сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Чунки бу пайтда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ўта қалтис

даражада эди. Шундай аҳволда низо армия қисмларига ҳам ўтиб кетди.

Назарий ва сиёсий жиҳатдан етилмаган, чаласавод бўлган компартия етакчилари ва комиссарлар ҳокимият учун бўлаётган курашда ўзларининг шовинистик кайфияти ва манманлик даражаларини яққол намоён этдилар. Советларнинг V съездида етакчи лавозимлардан четлатилган И.Тоболин (Туркистон МИК раиси) ва Ф.Колесов (Туркистон ХКС раиси) – “эски коммунистлар” гуруҳи билан Марказдан келган ходимлар – “янги коммунистлар” гуруҳи ўртасида қаттиқ кураш авж олиб кетди. Улуғ давлатчилик сиёсати ва шовинизмнинг ашаддий тарафдори бўлган И.Тоболин съездда аламзадалик билан шундай деган эди: “Туркистонда инқилобни мен амалга оширдим. Сизларни большевик қилган ҳам мен. Сизларга бўйсунитишни истамайман”.

Туркистон Республикасининг Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги 3 млн аҳолининг аксарият қисми деҳқонлар эди. Дастлабки йилларда совет ҳокимиятининг бошқаруви ўлканинг чекка жойларига етиб бормади. Асосан, шаҳарлар ва улар атрофидаги аҳоли сиёсий воқеалар гирдобига тортилган. Сиёсий зиддиятлар кескинлашган ва ҳарбий ҳаракатлар кучайган жойларда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳокимиятни фавқулодда органлар – инқилобий кўмиталар (ревкомлар) ҳарбий шароит қоидалари бўйича бошқарди. 1920 йилда ҳам совет қурилиши аҳолининг арзимас қисмини қамраб олган эди.

Туркистонда совет ҳокимияти қурила бориши билан ижтимоий муносабатдаги зиддиятлар кучайди. Туркистон Республикаси “халқ” комиссарликларида кучли бюрократия авж олиб кетди. Совет бюрократиясининг табиатини атоқли рус файласуфи Н.А.Бердяев шундай изоҳлайди: “Пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятини кучайтирар экан, бутун мамлакатни ўргимчак тўри сингари босиб кетган хаддан ташқари улкан бюрократияни вужудга келтирди. Бу янги совет бюрократияси империя бюрократиясидан кучли бўлиб, янги имтиёзли кишилар табақасини етиштирдик, улар халқ оммасини шафқатсиз эзиши мумкин”.

Амалдорларнинг саботажларини қийинчилик билан енгган большевиклар қайтадан уларни давлат бошқарувига оммавий жалб этишга мажбур бўлишди. Натижада, В.Д. Бонч-Бруевич

ёзганидек, «Янги ҳаётнинг бошланганига бир неча ой бўлмайд туриб, Москва ва Петроград сўнгра унинг орқасидан барча шаҳарлар ва бепоён Россия янги амалдорлар қатлами билан тўлиб тошди. Худди дунё яралгандан бери бизнинг кунларимизгача, яъни Октябрь революциясидан кейинги кунлардагидек қуёш нурлари тараладиган бирор ерда биздагидек қудратли, тўлиб тошган амалдорлар оқими бўлмагандек». Ушбу бюрократия Россия империяси генерал-губернаторлиги аппаратида ҳажми ва савод даражаси билан ажралиб турар эди.

Хуллас, Туркистонда диктатурани ўз қўлида мустаҳкам тутиб туриши мумкин бўлган пролетариат қатлами маҳаллий аҳоли орасида шаклланмади. Европали миллатларига мансуб ишчилар аввалги ҳукуматнинг империяча сиёсатидан заҳарланганлиги боис сиёсий элита учун даъвогарлик қила олмади. Большевикларнинг фикрича, Туркистонда совет ҳокимияти қурилишида Россия пролетариати ва унинг асосий кучи Россия Коммунистик партиясига таяниш зарур эди.

1920 йил 5 майда Туркистон Компартияси МК ва Бутунроссия МИК ҳамда РСФСР ХКС ҳузуридаги Туркистон комиссияси (Турккомиссия)нинг қабул қилинган “мутлақо махфий” резолюцияларининг бирида Туркистондаги партия ва совет органларига қуйидагича кўрсатма берилган:

1) Туркистонда алоҳида гуруҳларнинг РКП (б) асосий йўналишига қарши чиқувчи ҳар қандай уринишларининг илдизини қуритиш; хусусан совет ҳокимиятининг тадбирларига қаршилик қилувчи турли ҳил ташкилотларнинг партиясиз ва партиявий унсурлари: империя амалдорлари, қишлоқ қулоқлари, сўл эсерлар, бойлар, руҳонийларга қарши кураш олиб бориш; бундан ташқари европали аҳоли қатламларидан мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш ҳамда Ўлка комитетининг Ёттисув бўйича қабул қилган қарорларини амалга ошириш;

2) Туркистон Коммунистик партияси сафларида синчиклаб тозалаш ўтказиш керак. Бунда уларнинг орасидан антикоммунистик унсурлар, асосан сўл эсерларни юлқиб ташлаш лозим;

4) қизил армия сафларини мустамлакачилик оғусига чалинган қатламдан тозалаш лозим. Ҳозиргача қоғозда қолиб келаётган мусулмон аҳолисини мунтазам армияга олиш ҳақидага қарорларни амалга ошириш керак;

5) кенг тарқалган порахўрлик ва бюрократизмга қарши курашиш учун ижроия қўмита, инқилобий қўмиталар ва Туркистондаги бошқа ташкилотлар штатини имконият даражасигача қисқартириш керак;

6) Ўлка Комитети ва РКП (б) комитетлари амалдорлар қатламига айланиб улгурган ва маҳаллий аҳоли билан ишлашни истамайдиган Туркистон Компартияси аъзоларининг европали қисмини туб аҳолининг (урф-одатлари, тил ва ҳақ-хуқуқларни билмайдиган) эзилган маҳаллий аҳоли билан оммавий фаолиятни ташкил этишга мажбур этиш; барча коммунистларга маҳаллий тиллардан бирини ўргатишни шарт қилиб қўйиш.

Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси сингари назорат органларининг 1917-1924 йиллардаги фаолияти синчиклаб таҳлил қилинса, партия ташкилотларида мавжуд бўлган кўплаб иллатлар уларда ҳам борлигини кўриш мумкин.

Совет режими 1920 йили Туркистон ўлкасини советлаштириш жараёнидаги янги босқични бошлади. 1920 йил февралда Хива хонлиги, 1920 йил сентябрда Бухоро амирлиги қизил армиянинг ҳарбий қисмлари томонидан ағдариб ташланди. 1919 йил 8 октябрда Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) ҳамда 1920 йил июнда РКП (б) МК Туркистон бюроси (Туркбюро) тузилиб, Туркистонга жўнатилди. Туркбюро Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида большевиклар партияси сафларини мунтазам равишда “ёт унсурлар” дан тозалаб турди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистон минтақасига доимий равишда “тажрибали партия ва совет ходимлари” ни, яъни ўз вакилларини жўнатиб турди. Кейинчалик РКП (б) МК Туркистон бюроси ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) га айлантилди.

Шу даврдан эътиборан Туркистонда большевиклар партиясининг якка ҳукмронлиги бошланди. Совет ҳокимиятининг сўнгги 70 йиллик тарихи давомида “партия” сўзи тилга олинганда фақат Коммунистик партия кўзда тутилди. Коммунистлар бутун совет жамиятида ҳал қилувчи сиёсий кучга, давлат ичидаги давлатга айландилар. Коммунистларнинг ҳукмронлик мавқеига ҳатто совет Конституциясида махсус модда билан ҳуқуқий жиҳатдан қонуний тус берилди. Бу ҳолат совет

жамиятида, бир томондан, коммунистларнинг мавқеини оширишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, халқ ўртасида “коммунистик элита” – бошқарув тизимининг обрўсизланишига, коммунистларнинг халқ нафратига учрашига олиб келди. Совет жамиятида коммунистларга нисбатан нафрат аста-секин, бироқ муттасил равишда кучайиб борди.

Туркистон Советларининг V ўлка съезди (1918 йил 20 апрель - 1 май) Совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи - 36 кишидан иборат (18 тадан большевиклар ва сўл эсерлар кирган) – Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитети (ТСР МИК) ни сайлади.

Туркистон МИК раиси қилиб Марказдаги ҳукуматнинг фавқулодда комиссари П.А.Кобозев (ҳамраис қилиб А.Солькин) сайланган. Шунингдек, Туркистон Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (ТСР ХКС) таркибига 16 киши (9 та большевик ва 7 та сўл эсер) киритилди. Ф.Колесов Туркистон ХКС раиси қилиб сайланди. Биринчи марта маҳаллий миллат вакилларидан 4 киши С.Жўрабоев, С.Юсупов, Ш.Остонбоев, С.Азимбоевлар Туркистон МИК аъзолигига сайланди. Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (ТСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари), Тошхўжа Ашурхўжаев (ТСР Миллатлар ишлари халқ комиссари) - туб халқларнинг дастлабки вакиллари сифатида совет ҳукумати таркибига киритилди. Шунингдек, татарлардан Исмоил Обидий ТСР Ички ишлар халқ комиссари ва Ҳ.Иброҳимов Адлия халқ комиссари қилиб сайланди.

Марказ Туркистон ўлкасини советлаштириш жараёнини амалга ошириш учун барча воситаларини ишга солди. Биринчидан, совет Россиясининг Туркистондаги сиёсий ҳукмронлиги ўлкада совет асосидаги автономиянинг ўрнатилиши (1918 йил апрель) билан йўлга қўйилган бўлса, бу жараённинг иккинчи босқичи, давлат бошқаруви асосий функцияларининг федерал “қонуний” ҳукуматга топширилишини конституция йўли билан расмийлаштирилиши (1918 йил октябрь) бўлди.

Совет Россияси Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий қарамлигини ҳуқуқий йўл билан “қонуний” жиҳатдан мустаҳкамлагач, ўлкани бошқариш учун Марказ манфаатларининг сўзсиз ижрочиси бўлган ўз эмиссарларини жўната бошлади. Туркистон минтақаси Марказ билан вақтинчалик боғланиб турган қисқа муддат ичида (1919 йил

январ-апрель) совет ҳукумати бу ерга “тажрибали партия ва совет ходимлари” дан иборат ана шундай эмиссарлар юборишни мунтазам йўлга қўйди.

1919 йил 12 февралда РКП(б) МК ва РСФСР ХКС нинг Туркистон ишлари билан шуғулланувчи Алоҳида муваққат комиссияси тузилди. Ш.З.Элиава раислик қилган бу комиссияга А.С.Киселёв ва П.А.Кобозев киритилган эди.

Муваққат Туркистон комиссиясининг вазифалари РКП (б) МК кўрсатмаси билан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссари И.В.Сталин томонидан 1919 йил 12 февралда ёзилган “Туркистондаги советлар ва партия ташкилотларига” махсус хат ва “Правда” газетасида 2 мартда босилган “Бизнинг Шарқдаги вазифаларимиз” номли мақолада батафсил баён қилинди. 1919 йил 17 мартда бўлган РКП (б) МК пленумида муваққат Туркистон комиссияси таркибига қўшимча равишда Ф.И.Голошчекин ва Г.И.Бокийлар киритилди. Лекин, комиссия аъзоларидан фақат П.Кобозев бошчилигидаги бир гуруҳ ходимлар 4 март куни Тошкентга етиб келишди, холос. Комиссия Тошкентда 1919 йил январь ойида бўлган Осипов исёни натижасида деярли раҳбариятсиз қолган Туркистон республикасида бутун бошқарувни ўз қўлига олиши, ўлкада Россия ҳукуматининг декрет ва қарорлари сўзсиз бажарилишини қатъий назорат қилиши керак эди.

Туркистон ўт-олов ичида ёнаётган бир пайтда – 1919 йил 8 октябрда В.И.Ленин Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКС нинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия)ни Ш.З.Элиава (раис), В.В.Куйбишев (раис муовини), М.В.Фрунзе, Г.И.Бокий, Ф.И.Голошчекин, Р.Э.Рудзутакдан иборат таркибда тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Туркистон комиссиясининг асосий таркиби 1919 йил 4 ноябрда Тошкентга етиб келди. М.В.Фрунзе ва Г.И.Бокий бирмунча вақт Самарада ушланиб қолиб, сўнгра Тошкентга келишди. Туркистон комиссияси амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, Марказдаги большевистик сиёсатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. Туркистон комиссияси ўлка тарихида ўта машъум роль ўйнади.

Тарихий тадқиқотларда келтирилишича, вазифалар Туркистон комиссияси аъзолари ўртасида қуйидагича

тақсимланган: Ш.З.Элиава – комиссия раиси, шунингдек, унга Туркистон совет ва маъмурий муассасаларига раҳбарлик қилиш ҳам топширилган; В.В.Куйбишев ҳарбий сиёсат масалалари билан шуғулланди (у 1920 йил майдан бошлаб Турккомиссияга раислик қилди) ва Ф.И.Голошчекин билан бирга партиявий ишларга раҳбарлик қилди; Я.Э.Рудзутак эса иқтисодий сиёсат ва озиқ-овқат органларига раҳбарлик қилиш билан шуғулланди. Шунингдек, М.В.Фрунзе ҳарбий ҳаракатлар билан бевосита шуғулланса, Г.И.Бокий республикадаги ЧК (Фавқулодда комиссия) органлари ва Туркистон фронтининг махсус бўлим ишларини назорат қилиши лозим эди.

Совет ҳокимияти ўз кўрсатмалари бажарилишини осонлаштириш, туб халқларни янги ҳокимиятдаги бошқарув ишларига жалб қилиб, туркистонликларни ўз томонларига оғдириш учун кейинчалик Туркистон комиссияси фаолиятига маҳаллий халқ вакилларида иборат “миллий коммунистлар” ни ҳам жалб қилди. Абдулла Раҳимбоев ва Собир Юсупов (иккаласи ҳам ўзбек), Назир Тўрақулов ва Султонбек Хўжанов (иккаласи ҳам қозоқ), Қайғусиз Отабоев(туркман), шунингдек, В.П.Ногин (рус), Д.Ю.Гопнер (яхудий) 1920 йил январда Туркистон комиссиясининг аъзолари бўлдилар. Бундан ташқари Турор Рискулов ва Юсуф Ибрагимовлар Турккомиссия таркибига киритилди.

Туркистон ўлкасида совет режимига қарши бошланиб кетган қуролли ҳаракат Марказий ҳукуматнинг маҳаллий аҳолига нисбатан олиб бораётган сиёсатини бир оз юмшатишга мажбур қилди. РКП (б) МК нинг 1919 йил 12 июлда Туркистон Компартияси (ТКП) Ўлка комитети ҳамда Туркистон МИК номига йўллаган радиограммасида маҳаллий аҳолини давлат фаолиятига иштирок этишга кенг жалб қилиш зарурлиги қуйидагича кўрсатиб ўтилган эди: “...ишчи-деҳқон ҳукуматининг Шарқдаги сиёсати манфаатларини кўзлаб, Туркистоннинг ерли аҳолисини, партияга мансубликни шарт қилиб қўймай, номзодларнинг мусулмон ишчи ташкилотлари томонидан кўрсатилганлиги билан кифояланиб, давлат ишларига кенг пропорционал тарзда жалб этиш лозим”.

Буюк давлатчилик шовинизми билан заҳарланган бир гуруҳ масъул партия ва совет ходимлари бу радиограммага қарши чиқишди. “Актив группа” деб номланган бу гуруҳга Туркистон

МИК раиси А.А.Казаков, унинг ўринбосари К.Успенский, Туркистон ХКС раиси К.Е. Сорокин ва уларнинг тарафдорлари кирган эди. Улар РКП (б) МК номига йўллаган телеграммада ўлкани бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш ҳақидаги директивани тезлик билан бажариш мазкур минтақада совет ҳокимиятининг ҳалокатига олиб келиши мумкинлигини исботлаб кўришга уриндилар.

Марказ Туркистон Комиссияси (Турккомиссия) фаолиятини янада кучайтириш, партиявий раҳбарликни амалга ошириш учун янги ташкилот тузди. 1920 йил июлда РКП (б) МКнинг Туркистон бюроси (Туркбюро) ташкил қилинди ва у Москвадан Туркистонга жўнатилди. Туркбюро ҳам Турккомиссия сингари Тошкентда фаолият кўрсатди.

Туркистон бюроси партия ташкилотларини назорат қилиши, республика коммунистларининг “ғоявий штаби” бўлиши керак эди. Туркистон бюросининг дастлабки таркиби РКП (б) МК Ташкилий бюроси томонидан 1920 йил 29 июлда қуйидагича тасдиқланди: Г.Я.Сокольников (раис), Л.М.Каганович, Я.Х.Петерс, Г.И. Сафаров, Я.З.Суриц. Туркистон бюроси Туркистон Комиссиясининг издоши ва партиявий раҳбари сифатида минтақада Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини ўтказишга интилди. Шунингдек, 1920 йил 29 июлда Туркистон Комиссиясининг янги таркиби Г.Я.Сокольников бошчилигида Москвада тасдиқланган эди.

Туркистон бюроси фаолиятини 1920-1922 йилларда Г.Я.Сокольников, Я.Э.Рудзутак, А.А.Иоффе ва С.И.Гусев бошқарди. Туркистон бюроси таркибига 1921 йил декабрдан бошлаб маҳаллий раҳбарлардан Қайғусиз Отабоев (туркман), Абдулла Раҳимбоев (ўзбек), Назир Тўрақулов (қозоқ), Файзулла Хўжаев (ўзбек) киритилди.

Туркистон бюроси Марказнинг Туркистон минтақасидаги ишончли мафкуравий идораси эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида большевиклар ташкил қилган коммунистик партияларга бюро “ғоявий - ташкилий” жиҳатдан “ёрдам бериши ва мустаҳкамлаши” лозим эди. Аслида Туркистон бюросининг ташкил қилинишига Бухоро амирлигини босиб олиниши, Ўрта Осиё республикаларида совет режимиға қарши қуролли ҳаракатнинг кучайиши, кейинчалик Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР даги бир қатор раҳбар кадрларнинг миллий манфаатларни

қатъийлик билан ҳимоя қилиши, миллий республикаларда “советлаштириш” жараёнининг жадаллик билан амалга ошмаётганлиги, энг асосийси, Марказнинг Ўрта Осиё республикаларидаги маҳаллий раҳбар кадрларга ишонмаслиги сабаб бўлган эди.

Туркистон бюроси Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда “ёт унсурлар” дан тозалаб турди. Миллий раҳбар ходимларнинг “ғоявий софлиги” ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга мунтазам равишда “тажрибали большевиклар” ни юбориб турди. Фақат 1921 йилда РКП (б) МК Туркистон бюроси ихтиёрига Марказдан 354 нафар коммунистларни эмиссарлар сифатида юборди. Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар. Марказ амалдорлари Туркистон халқларининг шарт-шароитлари, урф-одатлари ва хусусиятларини билмаган ҳолда зўравонлик билан ҳокимият органларида ҳукмронлик қилдилар. Улар маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқини менсимай, уларнинг манфаатларига қарши сиёсат юритдилар.

Туркистон комиссиясига эса Марказнинг бошқа ташкилотларига нисбатан амалда улкан ҳуқуқлар берилган эди. Уларнинг асосий вазифаси қандай қилиб бўлса ҳам Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эди. Туркистон Комиссияси бу вазифани амалга оширишда зўравонлик усулидан асосий восита сифатида фойдаланди. У ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилди. Марказдан келган комиссия аъзолари худди Туркбюро аъзолар каби Туркистондаги миллий раҳбар ходимлар (миллий коммунистлар) ни ўлка ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишларига, Марказ сиёсатига қарши чиқишларнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашдилар. Айниқса, Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатини тугатиш учун комиссия барча имкониятларини ишга солди. Туркистон комиссиясини тугатиш учун интилган Турор Рисқулов ва унинг тарафдорлари маъсул лавозимлардан олиб ташланди ва ўлкадан бадарға қилинди. Миллий раҳбар ходимларга нисбатан таъқиб ва катағон сиёсати қўлланилди. Совет ҳокимиятига ҳайрихоҳ бўлмаган маҳаллий аҳоли вакиллари “босмачилар” га шерик сифатида ёки бошқа антисовет ҳаракатларда айбланиб,

қамоқхоналарга ташлашди. Ўша давр учун оммавий бўлган суд ва сўроқсиз уларнинг кўпчилиги отиб ташланди. XX аср 20-йилларида ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари совети аъзоларидан жазо экспедициялари тузиш ва режа асосида фаолият кўрсатиш талаб этилган.

Туркистон АССР да аслида Туркистон МИК ёки Туркистон ХКС эмас, балки Туркистон Комиссияси ва Туркистон бюроси ҳукмрон эди. Минтақада амалга оширилиши зарур бўлган барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар фақат Туркистон Комиссияси рухсати ва кўрсатмаси билан қилинди.

Ўрта Осиёдаги охириги миллий давлатлар бўлган Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатилишида Туркистон Комиссияси асосий ролни ўйнади. Бу мустақил давлатларга нисбатан босқинчилик режалари Туркистон комиссияси аъзолари М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Ф.Голошчекин ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилди ҳамда Марказнинг рухсати билан амалга оширилди. Бухоро ва Хоразмда совет республикалари (БХСР, ХХСР; кейинчалик БССР, ХССР) ташкил қилиниши ҳам Туркистон Комиссияси “сценарийси” асосида қилинди. Туркистон комиссияси минтақада мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бойликларининг, минтақадаги хом ашё ресурсларининг мунтазам равишда Марказга олиб кетилишига раҳбарлик қилди.

Хуллас, Туркистон комиссияси ва Туркистон бюроси минтақадаги барча ҳукумат органларидан устун туриб, республикадаги юқори партия ва давлат назоратини амалга оширдилар. Сиёсий назорат сифатида эса халқнинг барча қатламлари кайфиятидан туну-кун бохабар бўлиб боришди. Бунда нафақат “антисовет элементлар”, балки ишчи, деҳқон ва айниқса зиёлилар доимий назоратда бўлишди. Бундан ташқари Марказ Туркистон ўлкасига партия, совет ва хўжалик ходимларининг кўп сонли “десантлар” ини мунтазам равишда юбориб турди. Фақат 1920 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда Туркистон АССРга 1396 нафар Марказ вакили жўнатилди. Улар орасида С.М.Будённий, Г.И.Бройдо, Г.Бокий, С.Гусев, В.В.Куйбишев, С.С.Каменев, Л.М.Каганович, Ф.Голошчекин, А.Иоффе, В.Новин, Я.Э.Рудзутак, Я.Х.Петерс, Г.Сокольников, Г.Сафаров, С.Оржоникидзе, М.Томский, Л.Д.Троцкий, М.В.Фрунзе, Ш.Элиава ва бошқа таниқли совет намояндалари

бор эди. Совет ҳокимияти йилларида бу “тажриба” муттасил равишда амалга ошириб турилди.

1922 йил майда РКП (Б) МК Туркистон бюроси партиянинг Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди. РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросига Туркбюро зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга унинг ғоявий ва сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР да советлаштириш жараёнининг сўнгги босқичи, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш, коллективлаштириш ва кулоқлаштириш сиёсати, индустрлаштириш, Ўзбекистон ССРни хом ашё базасига айлантириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда амалга оширилган репрессия бевосита РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг ғоявий раҳномолиги ва қатъий назорати остида амалга оширилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тадбирлар ва ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркистон бюроси ва Ўрта Осиё бюроси Марказнинг ушбу минтақа устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарияти бу ташкилотга сўзсиз бўйсунушга мажбур эдилар.

Хуллас, Туркистон комиссияси, Туркистон бюроси, Ўрта Осиё бюроси сингари Марказнинг ваколатли органлари Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ турмушига ёт бўлган коммунистик ғояни сингдириш билан бир қаторда миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларга нисбатан кўплаб қувғин ва қатағонларни уюштирдилар. Маҳаллий аҳолининг миллий маданияти, ислом дини ва қадриятлари топталишига раҳбарлик қилди. Марказнинг ваколатли органлари, айниқса, Ўрта Осиё бюроси бошқарувнинг шундай шаклини ишлаб чиқдики Ўзбекистондаги барча ташкилотлар пировардида бу механизмнинг бир қисмини ташкил этди.

Туркистон АССР МИК раиси Т.Рисқуловнинг Москвага жўнаб кетишидан сал олдин, 1920 йил 8 мартда РКП (б) МК Туркистон автономияси ва партия қурилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди, натижада “Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси ва Турк Республикаси тузиш” ҳақидаги қарор РКП (б) МК томонидан ноқонуний равишда рад қилинади.

“Туркистон автономияси тўғрисидаги Низом” деб номланган РКП (б) МК нинг ушбу қарорида федерал ҳукумат органлари бўлган мудофаа, ташқи алоқалар, темир йўл, почта ва телеграф алоқаси, молия ишларини Бутунроссия миқёсида марказлаштириш уқтирилди.

Т.Рисқулов бошчилигидаги Туркистон делегацияси РКП (б) МКнинг бу қарорига норозилик билдириб, “Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом” лойиҳасини ҳимоя қилиш учун 1920 йил 17 майда Москвага етиб борди. Туркистон АССР МИК раиси Т.Рисқулов ўша кунгек партия МКга ушбу ҳужжат матнини топширади. Мазкур Низом лойиҳасида қуйидаги талаблар битилган эди:

а) Туркистонда кучли мусулмон армиясини ташкил этиш ва руслардан тузилган қизил армия қисмларини тугатиш;

б) Туркистон республикасида ҳарбий комиссариатни тиклаш, унга қизил армия тузиш ва тарбиялашни топшириш, Туркистонда ҳарбий қисмларни фақат маҳаллий аҳолидан тузиш;

в) Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар съездига, Туркистон МИК ва ХКС га топшириш;

г) Турккомиссияни тугатиш;

д) Туркистонга мусулмон ҳарбий ва сиёсий ходимларни жўнатиш.

Шунингдек, ушбу Низом лойиҳасида Туркистон fronti Ҳарбий инқилобий кенгаши (Туркфронт Революцион ҳарбий совети) ҳуқуқларини чеклаш; ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР ваколатидан чиқариб, Туркистон МИК ихтиёрига бериш талаб қилинган эди.

Туркистон делегацияси Марказга ўз талабларини топширар экан, Туркистон комиссияси фаолиятига алоҳида тўхталди. Делегация аъзолари Т.Рисқулов ва Н.Хўжаев Туркистон Комиссияси ўлкада мустамлакачилик сиёсатини давом эттирмоқда ва мусулмон аҳолисидан қизил армия тузишга қарши чиқмоқда, деб маълум қилдилар.

Т.Рисқулов Москвада бўлган чоғида Туркистонни Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон қилиб бўлиб ташлашга қарши чиқди ва ўзбек, туркман, қозок, қирғизларни ягона туркий халқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилди.

Т.Рисқуловнинг фикрича, “Турк Совет Республикаси” Туркистон, Татаристон, Бошқирдистондаги барча халқларни ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида монархия тузуми ағдарилгач, келажакда у ердаги халқларни ҳам бирлаштириши керак эди.

В.И.Ленин мазкур ҳужжат билан 25 майда танишиб чиқади ва унга “Архивга, Туркистон тўғрисидаги” деб ёзиб қўяди. У туркистонликларнинг ушбу Низом лойиҳаси билан синчиклаб танишиб чиққач, бу ҳужжатни партиянинг миллий сиёсатига зид деб қатъиян рад қилади. В.И.Лениннинг мулоҳазалари ва махсус тузилган комиссиянинг лойиҳаси Марказий Комитет Сиёсий бюросининг 1920 йил 29 июнда “РКП(б) МК нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида” деган умумий ном билан қабул қилган тўртта қарорига асос қилиб олинди. РКП(б) МК қарориди ташқи савдо, ташқи алоқа, ҳарбий масалалар РСФСР тасарруфидаги соҳалар эканлиги таъкидланди.

Т.Рисқулов ва унинг тарафдорлари 1920 йил 18 июлда Туркистон Компартияси Ўлка Комитети ва Туркистон МИК таркибидан чиққанликларини эълон қилишди. Т.Рисқулов Туркистон АССР МИК раиси лавозимидан истеъфога чиқди. Бу ҳодиса Туркистоннинг, ҳатто Ўзбекистон ССРнинг совет давридаги тарихида республика раҳбарининг ягона истеъфоси сифатида тарихга кирган.

1920 йил бошларида Туркистон комиссияси Туркистон АССРни миллий тил белгисига қараб бўлиб ташлаш масаласини қўйган эди. Туркистон Комиссиясининг бу тезисларига қарши чиққан Т. Рисқулов, Н. Хўжаев ва бошқа миллий етакчилар “пантуркизм”, “панисломизм”, “буржуа миллатчилиги” ва “ўнг оғмачилик”да айбланди.

В.И.Ленин 1920 йил май ойида Туркистонни Ўзбекия, Киргизия, Туркменияга бўлинган харитасини (этнографик ва ҳоказо харитасини) тузишни мутасадди шахсларга топширган. Шунинг учун 1920 йил августда Туркистон АССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган РСФСР таркибидаги Қирғизистон АССР (аслида Қозоғистон АССР) ихтиёрига берилган. 1920-1924 йилларда мустақил Бухоро ва Хоразм республикаларини мавжуд бўлиб туриши Марказнинг вақтинчалик мураса йўлини танлаганлигидан бошқа нарса эмас эди. Аслини олганда Совет

хукуматининг раҳбари В.И.Ленин совет республикалари асосида СССРни ташкил қилиш принциплари тўғрисида 1922 йил кузида тўхталар экан, “қўшилишдан олдин ажралиш керак”, деб масалани аниқ қўйган эди.

Хуллас, Туркистон минтақасини миллий-худудий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда у ўзининг сўнгги босқичига кирди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати ва унинг моҳияти.

Маълумки, 1917 йилнинг октябрида Советларнинг Бутунроссия II съездида Ер ҳақида декрет қабул қилинган эди. Бу декретга кўра ер эгаларининг хусусий ерлари давлат мулкига айлантирила бошланди. Шу билан бирга хусусий мулкларнинг тортиб олиниши Туркистон ўлкаси аҳолисининг оммавий норозиликларига сабаб бўлди. Ундан ташқари, ўлкада авж олиб кетган истиқлолчилик ҳаракати, Дутов бошчилигидаги Урал казакларининг Оренбургни босиб олиши вазиятни янада мураккаблаштирди. Бунинг устига 1917-1918 йилларда ўлкада ҳосилсизлик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб, қашшоқлик ва очлик миллионлаб аҳолининг ўлимига сабаб бўлди.

Ўша пайтдаги оғир аҳвол Туркистон саноатини ҳам четлаб ўтмади. Чунки, саноат ишлаб чиқаришининг камайиб кетиши ҳамда Россиянинг марказий районларидан саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишнинг деярли тўхтаб қолиши оқибатида нарх-наво ниҳоятда ошиб кетиб, чайқовчилик авж олди. Тадқиқотларга кўра, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган 1 пуд буғдой уни 1916 йилда 5 рубль бўлса, 1917 йилда унинг нархи 45 рубль бўлган. Унга мос равишда бошқа турдаги маҳсулотларнинг ҳам нархлари ошиб кетди.

Совет ҳукумати эса, хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигини ҳарбий зўравонлик асосида марказлаштиришга, шу билан бирга, айнан зўравонликка асосланган ҳарбийлашган иқтисодий сиёсат юрғизишга қаттиқ киришди. Оқибатда дастлаб Фарғона

водийсида, кейин эса, ўлканинг бошқа чекка ҳудудларида совет режимига қарши қуролли ҳаракатлар бошланиб кетди.

Бундай ҳолатда шундай ғоят мураккаб вазият юзага келдики, ундан чиқиб кетиш мақсадида совет ҳукумати ҳарбий чоратадбирлар билан биргаликда фавқулодда иқтисодий чоратадбирларни белгилади ва уларни амалга оширишда ўта марказлашган йўлни танлади. Улар танланган бу йўл Лениннинг ташаббуси билан “Ҳарбий коммунизм” сиёсати номи остида тарихга кирди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати ўз моҳиятига кўра, халққа қарши қаратилган бўлиб, бу сиёсат фақат йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва ҳатто майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумийлаштиришни тақозо этарди. Аслини олганда бу даврдаги хўжалик сиёсати ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган сиёсат бўла олмас эди. Моҳиятан бу вазифа совет ҳокимиятини сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, бундай ҳолатда халқ хўжалигига нисбатан асосий шиор уни мустаҳкам тарзда тиклаш эмас, балки “ишлаб чиқарувчи кучларни қўпориб бўлса-да, тезда маҳсулот олиш”дан иборат бўлган.

Ўз моҳиятига кўра, Туркистон халқлари учун мутлақо ёт бўлган “ҳарбий коммунизм” сиёсати ўлкада мавжуд бўлган маълум тарихий ва маҳаллий шарт-шароит ҳамда имкониятларни, вазиятни ҳисобга олмасдан амалга оширила бошланди. Туркистон большевиклари бу сиёсатни амалга ошириш борасида Россиядаги нисбатан тараққий этган минтақалардан ҳам узиб кетдилар. Мисол учун, 1918 йилнинг ўрталарига қадар большевиклар Россияда барча корхоналарнинг 11 фоизини давлат мулкига айлантирган бўлса, Туркистонда бу кўрсаткич 45 фоизни ташкил этган эди.

Ўлкада “ҳарбий коммунизм” сиёсатини амалга оширишда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 28 июндаги йирик саноат ва транспортни ялписига давлат мулкига айлантириш (национализация қилиш) тўғрисидаги Декрети Туркистон большевиклари учун дастури амал бўлиб хизмат қилди. Айнан мана шу декрет асосида фабрика ва завод типидagi барча йирик ва ўрта корхоналар, хунармандчилик ва ярим хунармандчилик типидagi майда корхоналарнинг бир қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига олинди. Большевикларнинг “ҳарбий коммунизм” сиёсати натижасида

ўлка деҳқонлари оғир аҳволда қолиб, озиқ-овқат танқислиги юзага келди.

Бу пайтга келиб озиқ-овқат муаммоси Туркистон республикасининг энг муҳим муаммосига айланган эди. Совет ҳукумати эса, маҳаллий аҳолида мавжуд бўлган ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун қатъий чоратадбирлар белгилади. 1918 йил 15 июнда Туркистонда ўлка озиқ-овқат Директорияси ташкил этилган бўлса, “Ғалла монополияси тўғрисида”, “Синфий нон паёғи тўғрисида”, “Туркистон республикасида озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида” деган декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда озиқ-овқат диктатураси жорий этилди.

Туркистон ўлкасида ғалла монополияси ўтказиш мумкин эмаслиги ҳақидаги далиллар большевистик ҳукумат раҳбарларини умуман қизиқтирмади. Туркистон МИҚнинг 1919 йил 4 июнда бўлиб ўтган мажлисида темир йўллар комиссарининг қуйидаги сўзлари бунга яққол мисол бўлади: “Ғалла монополияси ўтказилар экан, қурол кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 млн. киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилига ўрта ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисоблаганда ҳам 75 млн. пуд ғалла керак. Амалда 35 млн. пуд ғалла йиғилди. Озиқ-овқат директорияси ундан 15 млн. пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 млн. мусулмон аҳолиси очарчилик гирдобидида қолди”.

Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, Фарғона советларининг XIII вилоят съездида вилоят инқилобий кўмитаси раиси водийдаги очарчилик тўғрисида тўхталиб шундай деган эди: “1917-1918 йиллардаги очарчилик Фарғона вилояти хўжалигининг вайрон бўлишида кучли таъсир кўрсатди. Фақат Қўқон ва Марғилон уездларида очарчилик оқибатида ярим миллион аҳоли ўлди”. Туркистон республикасидаги даҳшатли очарчилик унинг бошқа вилоятларига ҳам кенг ёйилди. Мисол учун, олимларнинг архив манбаларидаги маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолиси, Самарқанд уездининг ўзида эса 70 000 аҳоли қирилиб кетди.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати шусиз ҳам Туркистоннинг ўта мураккаб иқтисодий аҳолини оғирлаштириб юборди. Бу сиёсат

натижасида қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кескин камайди. Мисол учун, экин ерлари 1915 йилдаги 3 млн. 300 минг десятинадан, 1920 йилда 1 млн.200 минг десятига қисқарди. Ўртача пахта толасини етиштириш эса, 1915 йилдагига нисбатан 1921 йилда 5 фоизга камайган. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик ҳамда боғдорчилик соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш камайиб кетган эди.

1918 йил 20 ноябрда Туркистон республикасида «Очарчиликка қарши кураш Марказий комиссия»си тузилиб, кейинроқ, оч қолганларга ёрдам учун турли кўмиталар ташкил этилиб, съезд, қурултой ва бошқа йиғилишларда кўп марта кўриб чиқилган ва қарорлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ, бу ҳаракатлар кутилган натижаларни бермади.

Большевиклар “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида умумий меҳнат мажбуриятини жорий қилдилар. Туркистон республикаси ХКС 1918 йил 9 сентябрда “Умумий меҳнат мажбуриятини ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Янги адабиётларда берилишича, ана шу қарорга мувофиқ “меҳнат билан шуғулланмайдиганлар”ни зўрлик билан жамоат ишларига жалб этиш бошланди. 1919 йил мартидаги советларнинг VII съездида “умумий меҳнат мажбуриятини ўрнатиш” мақсадида республиканинг 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча эркак ва аёл аҳолисини ҳисобга олишга қарор қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад, келгусида уларни саноатнинг ишчи кучи етишмаётган тармоқларига ишга юбориш эди. Умумий меҳнат мажбурияти маҳаллий хотин-қизлар учун ҳам мажбурий эди. Аҳоли бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга мажбурий тарзда меҳнатга сафарбар этилди.

1920 йилнинг бошларига келиб ғалла монополияси сиёсати бир қадар юмшатилди. Озиқ-овқат тақсимоти кўринишидаги монополияни фақат кўчириб келтирилган рус деҳқонлари районларида ўтказишга қарор қилинди. Мусулмонлар яшайдиган ҳудудларда маҳсулот (натура) солиғи жорий этилди. Аммо, озиқ-овқат тақсимотидаги ушбу табақалаштирилган ёндашув узоқ вақт сақланиб қолмади.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири озиқ-овқат тақсимоти (развёрстка) ни ўтказишдан иборат эди. Турккомиссия аъзолари В.В.Куйбишев ва

Ф.И.Голошчекинларнинг тазйиқи билан 1920 йилнинг августида бутун Туркистон республикаси ҳудудида озиқ-овқат тақсимоти жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Иш шу даражага бориб етдики, большевиклар озиқ-овқат тақсимотини маҳсулотларни зўрлаб давлат ихтиёрига ўтказиш сиёсатига айлантириб қўйдилар. Бунинг оқибатида деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан манфаатдор бўлмай қолдилар. Чунки, деҳқон онгида “барибир тортиб олишади”, деган фикр ҳақли тарзда ўрнашиб қолган эди.

Озиқ-овқат тақсимоти ўлка аҳолисини очикдан-очик талашга айланиб, ижтимоий кескинликни янада кучайтириб юборди. Маълумотларга кўра, 1920 йилнинг охирида фақат ишчилардан иборат озиқ-овқат тўпловчи отрядлар тузилди. Ўлкадаги бу отрядлар фақатгина 1920-1921 хўжалик йилининг ўзида маҳаллий аҳолидан 9.708.703 пуд ғалла 6.358.144 пуд ем-хашак, 1.606.210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни зўрлик билан тортиб олди.

Озиқ-овқат тўпловчи отрядларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги ҳатто, большевикларнинг ўзларини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ишчи-деҳқон инспекцияси бу отрядларнинг 1920 йил сентябр - 1921 йил августдаги фаолиятини текшириб, қуйидагиларни қайд этган:

“Озиқ-овқат комиссарлиги Туркистонда ғалла тайёрлаш ва тақсимотни ўз ичига олган озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириши лозим эди. Лекин тақсимот суст олиб борилди. Белгиланган топшириқлар қоғозда қолиб кетди. Карточка системаси амалга оширилди. Озиқ-овқат комиссарлиги республикада ўз соҳасини бирмунча вақт бошқара олмай қолди. Комиссарлик томонидан раҳбарликнинг йўқлиги ва инструкциялар тўлиқ ишлаб чиқарилмаганлиги учун озиқ-овқат тўпловчи отрядлар, нотўғри ва ёмон ишладилар. Улар нафақат ишни барбод қилдилар, балки мустамлакачилик сиёсатининг энг хунук кўринишларини намоён қилиш билан совет ҳокимиятини обрўсизлантirdилар. Комиссарликда ғалла тайёрлаш борасида жинояткорона хўжасизлик ва бошбошдоқлик кўзга ташланади. Бундай аянчли аҳволнинг сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, кўпчилик ходимлар ўз ўрнига нолайик, иккинчидан, мусулмон аҳолисига эътиборсизлик ва уларнинг

кўрқувда эканлиги, учинчидан, мусулмон аҳолисини озиқ-овқат тўпловчи отрядларга ёмон жалб этилганлигидир”.

Хулоса тарзда таъкидлаш лозимки, совет ҳокимиятининг “ҳарбий коммунизм” сиёсати ўзбек халқига нисбатан ғайриинсоний сиёсат эканлигини кўрсатди. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳақиқатда большевиклар тасаввуридаги ҳарбийлашган вазият вужудга келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, бозор қитисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик қадриятларини марксча синфий ғоялар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат эди. Большевикларнинг ана шу сиёсати ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инкирози, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаши гумон бўлиб қолди. Юзага келган бу жиддий вазият совет давлати раҳбариятини бу иқтисодий сиёсатининг мазмун ва моҳиятини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилган эди.

5. Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат.

Туркистонда октябрь тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, большевиклар ўрнатган совет тузуми ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухториятни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши қуролли ҳаракат бошлаб юбордилар. Бироқ совет тузуми ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида, уларга “босмачи” деб ноҳақ тамға босилди.

Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилганда таъкидлаш лозимки, 1918-1919 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам “босмачи” сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда “қароқчи” (разбойник), “шайка”, жуда бўлмаса “босқинчи” (бандит) иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал айрим расмий ҳужжатларда, кейинчалик эса совет вақтли матбуотида “босмачи” иборасини қўллаш бошланган.

“Босмачи” ва “босмачилик” иборалари озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва “бандитлик”, “қароқчилик” сўзлари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, “босмачи” ёрлиғи ёпиштирилган ота-боболаримизнинг муборак номлари қайта тикланди ва уларнинг ҳақиқий қиёфалари истиқлолчилар сифатида намоён бўлди. Бу борадаги илк тадқиқотни Қ.Ражабов амалга оширган.

Советларга қарши ҳаракат “Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор қилиниши билан бошланганлиги” деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам бу ҳаракатининг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият совет ҳокимиятига қарши истиқлол курашининг бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябр тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданок ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки даврда ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган совет тузуми Россия империяси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданок ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган илк кунларданок маҳаллий халқнинг асрлар давомда шаклланган урф-одатлари, миллий қадриятлари топталди. Шариат асослари ва қозихоналар бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши бу ҳаракатнинг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Россия

империясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирида бошланган эди.

Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар бўлган. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, унга асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Ҳаракат қатнашчилари сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар—зиёлилар ҳам кўпчиликини ташкил қилар эди ва улар жаидлар орасидан ажралиб чиққан. Бир сўз билан айтганда, улар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

Дастанбаки миллий ҳарбий ҳаракатнинг ташкил топиши Кичик Эргаш (тахминан 1885-1918 йй.) ва Катта Эргаш (тахминан 1880-1921 йй.)нинг номлари билан боғлиқдир. 1918 йил 27 февралда Қўқон атрофидаги Бачқирда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш (уни Мулла Эргаш ҳам дейишган) Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши озодлик байроғини кўтарди. Қўқон уездидаги ҳаракатнинг дастанбаки таянч нуқтаси Бачқир эди. 1918 йил март ойининг охирига келиб Катта Эргашнинг номи Фарғона водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди.

Марғилонда эса милициянинг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли-Мадаминбек (1892-1920) кураш бошлади. “Ўз олдида совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона мухториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек устумон сиёсатчи ва удабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди”,-деб тан олинади 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида. Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга яқин кўрбошилар ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар. Бу гуруҳларда 15000 йигит бор эди.

Туркистондаги бу ҳаракатнинг ўзига хос миллий кўриниши ва хусусиятлари мавжуд бўлган. Бу хусусиятлар ҳаракатдаги кўрбошилар дасталари ва гуруҳлари фаолиятида, уларнинг мақсад ва истакларида ўз ифодасини топган бўлиб, унда ислом шариати қонун-қоидалари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, то миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузишгача каби ғоялар мужассамлашган эди.

Туркистон минтақасидаги мазкур ҳаракатнинг муҳим хусусияти шундаки, бу ҳаракатда мақсадлар ва вазифалар қандай бўлишидан қатъий назар бошдан охиригача бир устувор ғоя-Туркистоннинг миллий мустақиллиги ётади. Бу ҳаракат гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туришига қарамай, унда иштирок этувчиларнинг таркиби ўзгариб туриши ва иккиламчи манфаатлар ўртада турганлиги ҳамда объектив ва субектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверди.

Туркистондаги бу ҳаракатнинг уюшган бир шаклда намоён бўлишида кўрбошилар кўрсатган ғайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Кўрбошилар ҳаракатнинг ҳарбий раҳбарлари бўлиб, улар ўз жанговарликлари билан машҳур эдилар. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Муҳиддинбек, Ислом Полвон, Ёрмат Махсум, Самарқанд вилоятида Очилбек, Баҳромбек, Бухорода Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Анвар Пошо, Салим Пошо, Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Хоразмда Жунаидхон каби кўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсалар-да, лекин Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ уюша олмади. Туркистон фидойиларининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун изчил курашаётган Мадаминбек билан Анвар Пошонинг тақдирлари эса фожиали тугади.

Фарғона водийсидаги бу ҳаракат 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг энг юқори чўққисига чикди. Мадаминбек бошчилигидаги истиқлолчилар сафига Жалолободда турган рус крестьянлари армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрь ойининг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод ва Ўш

шаҳарларини эгаллашди. Улар 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини советлардан озод қилдилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришдилар. Мадаминбек бошчилигидаги қўшиннинг ҳужуми Фарғона водийсини ларзага келтирди. 1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида бўлган анжуманда Мадаминбек бошчилигида Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 туб аҳоли ва 8 европалик киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиш билан бир қаторда Фарғона водийсидаги бу ҳаракатнинг олий бош қўмондони ҳам этиб сайланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30000га яқин йигит қизил армияга қарши жанглари олиб бордилар. Бу пайтда Шермуҳаммадбек қўл остида 20000, Катта Эргаш қўрбошида 8000 аскар бўлган. Ана шу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турди.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар уйғунлашган эди. У водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. “У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг бошқарув аппарати, ўзининг трибунали ва генштаби бўлган; у қонунлар чиқарган”, - деб эътироф этади Мадаминбекка қарши курашганлардан бири бўлган қизил комиссар Граматович.

Туркистондаги бу ҳаракат 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир қаторда эндиликда Хоразм ва Бухоро республикаларидаги истиқлолчилар ҳам босқинчи қизил армия жангчиларига қарши курашга отландилар. Кураш байроғини водийда Мадаминбек ўрнига энди Шермуҳаммадбек кўтарди. Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Ғойибота қишлоғида ўзларининг навбатдаги қурултойларига тўпландилар. Қурултой 1920 йил 3 майда Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ёки қисқача қилиб айтганда Туркистон муваққат ҳукуматини тузди.

Шермухаммадбек Фарғона водийсидаги курашчиларнинг олий бош кўмондони ҳам қилиб сайланди. Шу давр хужжатларнинг бирининг эътирофича, “Мадаминбек кўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермухаммадбек шубҳасиз энг хавфлиси эди”.

Туркистон МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг кейинчалик ёзишига қараганда, “1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди”.

Қуролли ҳаракатни ташкилий жиҳатдан уюштиришда Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразмдаги кўрбошиларнинг мазкур даврда бўлиб ўтган ўттиздан ортиқ қурултойларининг аҳамияти катта бўлган. Бу қурултойларда ҳаракат раҳбарлари сайланган, кўрбошилар ягона кўмондонлик остига бирлаштирилган. Аммо бунга доимо ҳам амал қилинмас эди. Шунингдек, қурултойларда кўрбошилар гуруҳлари ҳаракат қиладиган жойлар ва уларнинг таъсир доираси белгилаб олинган. Баъзи кўрбошилар олий бош кўмондонга бўйсунмай, ўзларича мустақил ҳаракат қилганлар. Таъкидлаш жоизки, ҳаракат ичида Холхўжа Эшон каби маишатпараст кимсалар ҳам бўлган.

Туркистонда ўша пайтдаги беқарор вазиятдан фойдаланган баъзи кимсалар талончилик гуруҳларини тузиб, халқни талаганлар. Уларни Туркистон мустақиллиги учун қизил армияга қарши ҳаёт-мамот жанглари олиб борган ватанпарварлар билан чалкаштирмаслик лозим. Бироқ коммунистик мафкура ҳар икки тоифага бир хил “босмачилар” тамғасини ёпиштирган.

Туркистондаги бу қуролли ҳаракатнинг ғоявий раҳнамолари етарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жадиждлар ва ислом уламолари эди. Ҳаракатга ғоявий раҳбарлик қилиш учун жадиждлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд бўлган.

Наманганлик Носирхон тўра Сайид Камолхон тўра ўғли, тошкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа қози ўғли, Туркистон МИК раисининг собиқ ўринбосари Тўракул Жонузоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий ва бошқалар бу ҳаракатнинг ғоявий мафкурачилари эдилар. Ҳаракатга раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги жадиждларнинг бир қисми бу пайтда совет ташкилотларида

фаолият кўрсатишса-да, миллий мустақиллик тўғрисидаги ўзгояларидан воз кечишмаган эди. 1921 йил августда Бухоро шаҳрида Валидий бошчилигида тузилган Туркистон миллий бирлиги ташкилоти бутун Туркистон минтақасидаги бу гуруҳларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи марказ вазифасини бажарди. Бу даврда Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида Тошкентда “Миллий Иттиҳод” ва “Миллий Истиқлол” ташкилотлари маҳфий ташкил этилган бўлиб, улар ҳаракатнинг кейинги ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Маълумки, Туркистон аёллари учун Ватан озодлиги ва унинг тинчлиги муқаддас ҳисобланган. Олис ва яқин тарихда босқинчиларга қарши хотин-қизлар ҳам неча бор жанг майдонларида от сурган, ватанпарвар кучларга бошчилик қилган. Ҳатто аёллардан махсус бўлинмалар ҳам тузилган. Истиқлолчилар сафида аёллар нафақат оддий жангчи, балки айрим ҳолларда кўрбоши сифатида жанг қилишган. Фарғона водийсида Шакархон ва Муҳиддинбекнинг онаси сингари ўзбек ва қирғиз аёлларидан етишиб чиққан кўрбошилар миллий истиқлол кураши тарихига шонли саҳифалар кўшдилар. Карманалик Нодира қиз эса Иброҳимбек кўшинида махсус аёллар гуруҳига бошчилик қилиб, Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши мардонавор курашган.

Фарғона водийсидаги ватанпарварлар кўшинига 1923-1924 йилларда олдин Ислом Полвон (тахминан 1882-1923), сўнг Ёрмат Махсум (1929 йил ҳалок бўлган) каби кўрбошилар раҳбарлик қилдилар. Бу пайтда кўрбошиларнинг кичик-кичик гуруҳлари жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Фарғонада уларнинг сони 1923 йилда 350-400 атрофида эди. Лекин кўрбошилар курашнинг мазкур босқичида турли сабаб ва маҳаллий шарт-шароитлар натижасида доим ҳам бир-бирлари билан келишиб иш кўрмадилар.

1920-1924 йилларда бу ҳаракат Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро ва Хоразмдаги миллий муҳолифатнинг озодлик курашлари алоҳида ўзига хос йўналиш ва хусусиятга эга бўлиб, ўта мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан Туркистон республикасидаги қуроли ҳаракатдан ажралиб туради. Большевиклар қизил армия ёрдамида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини куч билан ағдариб, ҳокимиятни Бухорода асосан

ёш бухороликлардан, Хоразмда эса ёш Хиваликлардан иборат демократик кучлар кўлига берди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида юзага келган қуролли муҳолифат шу боисдан ҳам бир йўла икки кучга қарши: биринчидан, бу давлатлар ҳудудида жойлашиб олган қизил армия қисмларига қарши, иккинчидан эса большевиклар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олган жадинларга қарши муҳолифлик урушини олиб бордилар. Бу урушнинг Туркистондаги, хусусан, Фарғона водийсидаги ҳаракатдан фарқи ҳам ана шунда намоён бўлади.

Бироқ, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги бу курашга унинг моҳияти ва йўналиши нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, у ҳам умумий советларга қарши ҳаракатнинг ўзига хос кўриниши эди. Бухородаги қуролли ҳаракатнинг ўзига хос хусусияти бир гуруҳ кўрбошиларнинг Бухоро республикаси ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактубида аниқ ифодасини топган эди. Мактубда ватанпарварлар Бухоронинг мустақиллиги, эркин ва ҳур Ватан куриш учун курашаётганликлари, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлиги, “Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки тортиб олинган”лиги, “большевиклар жабр ва зулмни авж олдириб юборган”ликлари ва “Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолган”лиги, “ҳақиқатда ундан дарак йўқ”лиги таъкидланади.

Шунинг учун ҳам Бухородаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олиб ҳатто, Фарғона водийсидаги ҳаракатга нисбатан ҳам кучайиб борди. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, “Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатидан қараганда Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқ эди”.

Бухородаги кўрбошилар ўртасида Иброҳимбек (1889-1932) алоҳида салмоққа эга. У амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги кўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши мустақиллик курашини бошлади.



**Бухоро амирлигининг
сўнги ҳукмдори – Саид
Олимхон
(1910-1920 йй.)**

У ўз олдида Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаб, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ амир Сайид Олимхон (1881-1944) қўлига олиб беришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданок собиқ Бухоро амири томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Иброҳимбек 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро кўрбошиларининг курултойида “Ислом лашкарбошиси” унвонига сазовор бўлди ва Бухородаги барча истиқлолчиларнинг олий бош қўмондони қилиб сайланди. У қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, Қоратегин ва Дарвоз вилоятларини қизил аскарлар қўлидан озод қилишга муваффақ бўлди.

Иброҳимбек қўл остидаги Шарқий Бухоро ҳудудида ўзининг бошқарув усулини амалга оширди. Жойлардаги янги тузум тугатилиб, унинг ўрнига амирлик давридаги бошқарув усули жорий қилинди. Иброҳимбекни бу ердаги маҳаллий аҳоли, хусусан, лақайлар қўллаб-қувватлашарди. Бундан Туркистонда иш олиб бораётган марказий ҳукумат вакиллари қаттиқ ташвишга тушдилар. “Иброҳимбек-бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо”, деб тан олинади улар тайёрлаган ҳужжатларнинг бирида.

1921 йил октябрда Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар Пошо (1881-1922) Бухоро шахрига келиб, бироз муддатдан сўнг мамлакатнинг шарқий қисмига жўнайди ва советларга қарши кучларга қўшилади. У тез орада Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг тан олинган йўлбошчисига айланди. Анвар Пошонинг саъйи-ҳаракатлари билан Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этилди ва у турк зобитлари билан мустаҳкамланди, ғарбча қўмондонлик услуби жорий қилинди. 1922 йил март ойида Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм ва Шарқий Бухорогача бўлган улкан ҳудудда Анвар Пошо бошчилигида истиқлолчи кучларнинг умумий

фронти тузилди. Бутун Туркистон худудида большевикларга қарши курашаётган кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Боймирза Ҳайитнинг таъкидлашича, Анвар Пошо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм кўрбошиларининг учрашувлари мунтазам ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди. Анвар Пошо билан Шермуҳаммадбек ва Жунаидхон ўртасида доимий равишда ўзаро алоқалар бўлиб турган. 1922 йил 15 апрелда Бойсун атрофидаги Кофирун қишлоғида бўлган Туркистон кўрбошиларининг курултойида Анвар Пошо истиклолчиларнинг Олий бош кўмондони ва сиёсий раҳбари қилиб сайланди. “Улар ўша пайтда миллатпарварлик ҳаракатининг энг қудратли, эҳтимол энг оммавий қисмини ташкил қила олдилар”, - деб ёзган эди хорижлик тадқиқотчи Гленда Фрезер.

1922 йил 4 августда Анвар Пошо Балжувон яқинида бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлди. Анвар Пошонинг ўлими ҳақидаги хабар бутун Туркистонга яшин тезлигида тарқалди. Унга атаб мотам марсиялари тўқилди. Ана шундай мотам марсияларидан энг машҳури Чўлпон қаламига мансуб “Балжувон” марсиясидир. Бу марсия 1922 йил август ойида битилган.

Бухоронинг марказий ва ғарбий вилоятларида ҳам кураш шиддатли тус олди. Қисқа муддат давомида Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) бошчилигида пойтахт Бухоро туманларида лашкар тўпланди ва жанговар ҳаракатлар олиб борилди. Шунингдек, Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида Бухоро, Кармана ва Нуротада ўнлаб кўрбоши гуруҳлари фаолият кўрсатди. Бир хужжатда ёзилишича, Ғарбий Бухорода унинг қўл остида 20 та кўрбоши бирлашган. Ўрмон Полвон, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги, Ҳамро Полвон, Азимхўжа, Метан Полвон унинг энг нуфузли кўрбошилари саналган. Улар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан туманлари ва Нуротада ўз фаолиятларини кучайтирдилар.

Уларнинг катта армияси 1922 йил март ойининг бошида пойтахт Бухоро шахрига юриш қилди. Улар қизил аскарлар билан шахар атрофида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шахрининг катта бир қисмини эгалладилар ва бир неча соат мобайнида ўз қўлларида тутиб турдилар. Сўнгра шахар

атрофидаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини босқинчилардан тозаладилар.

Бухородаги ватанпарварларга қарши кураш қизил армия ва унинг қўмондонлигидан катта куч-ғайрат талаб қилди. Москва, Тошкент, Бухорода 1923 йил май-июнь ойларида ўтказилган олий даражадаги бир қатор расмий анжуманларда бу масала энг долзарб муаммо сифатида кун тартибида турди.

Мулла Абдулқаҳҳор йигитлари билан қизил аскарлар ўртасида 1924 йил ёзи ва кузида Ғиждувон туманининг Ғишти ва Катта Ғамхўр қишлоқларида, Нурота тоғларида, Шофиркон туманига туташ Қизилқумнинг Жилвон қумликларида, Боғиафзал ва Вардонзе қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлди. Кучлар тенг бўлмаган ушбу жангларда Ғарбий Бухоро ватанпарварларининг етакчиси мағлубиятга учради. Ғарбий Бухородаги кўрбошилар гуруҳларига сезиларли зарба берилди Мулла Абдулқаҳҳор кўрбоши Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида, 1924 йилнинг охирида ҳалок бўлди.

Бухородаги бу ҳаракат қизил армия ва большевикларнинг тажовузкорлиги, зўравонлиги ва талончиликка қарши қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мужоҳидларнинг асосий мақсади қизил кўшинни ҳайдаб юбориш, миллий кадриятлар, асрий эътиқод ва урф-одатларнинг поймол қилиниши, хўрланишига барҳам бериш эди. Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ватанпарвар кучлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган истиқлолчилар (улар ўзларини мужоҳидлар деб аташган) жаидлардан иборат ёш Бухоро ҳукумати ва шунингдек, қизил армия кўшинларига қарши кураш олиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва б.). Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган истиқлолчилар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан босқинчи қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек ва б.). Айнан улар сафига кейинчалик Бухоро республикасининг жуда кўпчилик раҳбарлари (Бухоро МИКнинг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, ҳарбий ишлар ноziри

Абдулхамид Орипов, республика милицияси ва Чека бошлиғи Али Ризо Афанди ва б.) қўшилдиларки, бу арбобларнинг аксарияти кечаги жаидлар ва ёш бухороликлар эди. Афсуски, Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар билан муҳолифатдаги қуролли истиқлол гуруҳларининг йўлбошчилари ўртасидаги очик келишув амалга ошмади.

Хоразм республикасида ҳам 1920 йил баҳоридан бошлаб қизил аскарларнинг талончилик ва зўравонликларига қарши ҳаракат бошланди. Қуролли курашни туркманларнинг ёвмут уруғи бошлиғи Қурбон Мамед Сардор-Жунаидхон (1857-1938) бошчилигидаги гуруҳлар кўп йиллар давомида олиб борди. Унинг қўшини сафларида ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлар ҳам кўпчилик эди. Қисқа муддатда Жунаидхон ўз қўшинини 20000 кишига етказди.

Ўзбек деҳқонлари ва хунармандларидан иборат гуруҳларга Мадрайимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Хусусан Кўҳна Урганч, Илонли, Тошҳовуз, Манғит, Қўшқўпир, Чимбой, Қўнғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб сардорларнинг гуруҳлари қизил аскарларга жиддий зарбалар берди. Жунаидхон бошчилигидаги армия ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Кўҳна Урганч, Хўжайли, Илонли ва Тахтани қайта эгаллади, кўплаб қизил аскарларни асир олди. Жунаидхон совет қўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар қизил армия Хоразмдан чиқиб кетмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди.

1921 йил ёзида Қўнғиротда кўзғолон кўтарилди. Бундай оммавий кўтарилишлар тез-тез такрорланиб турди. Қишлоқ ва шаҳарлар аҳолиси истиқлолчиларга хайрихоҳлик билдиришди. 1922-1923 йилларда Хоразмда олиб борилган жанговар ҳаракатлар қизил армия қўмондонлигини танг аҳволга солибгина қолмай, балки республикадаги сиёсий муҳитга ҳам жиддий таъсир қилди.

Совет ҳокимияти 1923 йил охирида Жунаидхон билан сулҳ музокараларини бошлашга уриниб кўрди. Бироқ Жунаидхон ўзининг олдинги талабини, яъни: 1) совет қўшинларини Хоразмдан дарҳол олиб чиқиб кетиш; 2) шариатга тўла эркинлик бериш; 3) барча собиқ ҳокимлар ва оқсоқолларни яна ўз лавозимларига тиклаш; 4) солиқлар ва патентларни бекор

қилишни қатъий талаб қилди. Бироқ бу талабларни совет ҳукумати рад қилгач, музокаралар ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Жунаидхон қўлида бў пайтда катта миқдорда ҳарбий куч тўпланган эди. Шу билан бирга 1923 йилнинг декабрида Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунаидхон қўшини ҳам ғарб томондан, бир вақтнинг ўзида шаҳарга қараб ҳаракат бошлади.

1924 йил 10 январдан бошлаб Жунаидхоннинг 15000 кишилиқ пиёда ва отлиқлардан иборат қўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди. 16 январда Хоразм республикасида ҳарбий ҳолат жорий қилинди.

Хоразм республикасида содир бўлаётган воқеаларнинг бундай жиддий тус олишидан ташвишга тушган РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси 1924 йил 6 январда бу масалани махсус муҳокама қилди. Жунаидхон бошчилигидаги истиқлолчиларга қарши курашиш учун Э.Берзин (раис), Городецкий, Адинаев ва Хидиралиевдан иборат фавқулодда комиссия ташкил қилинди ва у Хоразм республикасига жўнатилди. Хоразмга зудлик билан Россиядан қўшимча ҳарбий қисмлар келтирилди. Натижада Жунаидхон қўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Катта ҳарбий кучни тўплаган кизил армия қисмлари Жунаидхон ва бошқа ватанпарвар кучларга қарши ҳужумга ўтди. Март-апрел ойларида бўлган жангларда Жунаидхоннинг пири бўлган Оғажон Эшон ва бошқа катор сардорлар асир олинди.

Хоразм воҳасида истиқлолчилик ҳаракати айрим гуруҳлар томонидан 1935 йилгача давом этди. Ҳаракат Шарқий Бухоро ва Фарғона водийсида ҳам баъзи узилишлар билан юқоридаги давргача мавжуд бўлди. Туркистон минтақасидаги қуролли ҳаракат тарихига яқун ясаб, бу ҳаракатни кенг халқ оммаси, биринчи навбатда деҳқонлар ва ҳунармандлар қаҳр-ғазаби ҳамда норозилигининг юксак даражага кўтарилганлиги ифодаси деб эътироф этишига тўғри келади.

Ўзбекистон ХКС раиси Файзулла Хўжаев 1927 йилда юқоридаги ҳаракатга унга баҳо бериб, қуйидагиларни ёзган эди: “Босмачилик ҳаракати шиддатли сиёсий, аксилсовет хусусият

касб этди ва бутун Ўрта Осиёнинг мавжуд уч республикаси-Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг қарийб оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг дохийлари фақатгина... Кўршермат (Шермуҳаммадбек), Иброҳимбек кабилар... бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошладилар...”

Бу ҳаракатга алоқадор бўлган умумий хусусият босқинчи қизил армияни, большевикларни Ватанимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетиш талаби эди. Бу талаб бутун ҳаракат давомида илгари сурилди.

Шундай қилиб, қизил армия босқини ва мустабид совет режимига қарши кўтарилган қуроли ҳаракат 1935 йилга келиб бутун Туркистон минтақасида мағлубиятга учради.

Бироқ ватанпарвар боболаримиз тўккан қутлуғ қон беҳуда кетмади. Туркистон минтақасидаги бу ҳаракат Ўзбекистонни мустақилликка эришиши учун бўлган курашлари босқинчида муҳим роль ўйнаб, XX асрдаги Ватанимиз тарихининг шонли саҳифаларини ташкил қилади. Зеро, она-Ватан мустақиллиги учун бўлган жангларда шаҳид кетган ота-боболаримизнинг хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

6. Хива хонлигининг тугатилиши. Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши.

XX аср бошларида ҳам Россия империясининг ярим мустамлакаси ҳисобланган Хива хонлигида хон бошлиқ амалдорлар, руҳонийлар мамлакат бошқарувида чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, иқтисодий ҳаётда эса ерга эгалик муносабатлари ҳам аввалги ҳолатдагидек сақланиб қолган эди. Империя ҳукмронлиги таъсирида кўпгина юқори мансаблар (иноқ, оталиқ, бий) олдингидек иқтисодий асосини йўқотган бўлса ҳам лекин, юқори унвон сифатида мамлакат сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга эди.

Хива хонлигидаги асосий шаҳарларга Хива, Урганч, Тошҳовуз, Ҳазорасп, Питнак ва бошқалар кирган. Хонлик ҳудуди Россия босқинидан кейин 62.236 кв.км бўлиб, у 20 та беклик ва 2 та ноибликдан иборат эди. Аҳоли аниқ рўйхатга олинмаган бўлиб, бу даврга оид манбаларда, у 600 мингдан 900 мингга қадар кўрсатилади. Уларнинг 60 фоиздан кўпроғини ўзбеклар, 28

фоизини туркманлар, қолганларини қозоқ, қорақалпоқ, форс (эроний), араб, рус ва бошқа халқ вакиллари ташкил этган.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётдан анча орқада қолган Хива хонлигида саноат ишлаб чиқариши йўқ даражада бўлиб, бу ерда ўндан ортиқ пахта, ёғ заводларигина бор эди. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, қосибчилик ва бошқалар билан шуғулланган. Халқ оммасининг турмуш шароити анча оғир бўлиб, улар ҳосилдор ерлар, суғориш манбаларини ўз қўлида тўплаб олган амалдорлар ва руҳонийларга кўплаб солиқлар тўлаб турганлар. Ўша давр манбаларида қайд қилинишича, Хива хонлигида 20 дан ортиқ солиқ тўловлари ва мажбуриятлар бўлган. Айниқса, биринчи жаҳон уруши йилларида солиқ ва тўловларнинг миқдори ҳамда тури янада ошган.

XX аср биринчи чорагида бутун Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги каби Хива хонлигида ҳам халқ ҳаракатининг мафкуравий асосини жади́дчилик ҳаракати, жади́дчилик ғоялари ташкил этди. Туркистон ва Бухородан фарқли ўлароқ Хива хонлигидаги жади́дчилик ҳаракатининг шаклланишида, ҳаракатнинг асосий йўналиши ҳисобланган мактаб, маориф



**Хива хони Муҳаммад
Раҳимхон II (Феруз)
(1864-1910 йй.)**

ишининг тараққиётида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), қозикалон Салим Охун ва унинг ўғли Бобо Охун, вазир Исломхўжа, мирзабоши ва девонбеги лавозимида ишлаган Паҳлавонниёз Комил Хоразмий, Хонқа ҳокими Муҳаммад ва бошқалар катта роль ўйнадилар.

Улар ўз ҳисобларидан бир қанча мактаблар очишди. Бобо Охун Салимов дўсти Бекжон Раҳмонов билан бу мактаблар учун дарслик китобларини ҳам ёзишган. Хонликда жади́дчилик ҳаракатининг шаклланишида Мунис, Огаҳийлар асос солган ва кейинчалик Баёний бошчилигида давом эттирилган тарихчилик ва таржимонлик мактабининг мавжудлиги, тарих ва ўтмишга эътиборнинг кучлилиги ҳам катта роль ўйнаган. Шунингдек, Туркистон ва Бухородаги каби Хива хонлигида жади́дчилик ҳаракатининг шаклланишида ташқи омил, яъни Россиядан келган

илғор фикрли зиёлилар, инқилобий руҳдаги сургун қилинган ёшлар ва Россиядаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жадидчиликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган матбуот Хива хонлиги ҳудудида мавжуд бўлмаса ҳам хонликдаги илғор зиёлилар Туркия, Эрон, Россия, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода чиқадиган жадид газеталари ва журналлари билан танишиб борганлар.

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатидан 1914 йил август ойида ёш хиваликлар ташкилоти тузилди, унга раис қилиб Полвонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) сайланган. Ёш хиваликлар ҳаракатида бу даврда қозикалон Бобо Охун Салимов (1874-1929)нинг ҳам ўрни бўлакча эди. Ёш хиваликлар дастурининг асосини мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказиш, мактаб-маориф ишини яхшилаш, хон ҳокимиятини чеклаш каби масалалар ташкил қилар эди.

Иқтисодий қийин шароитда яшаётган хонлик аҳолисининг аҳволи бошланиб кетган биринчи жаҳон уруши боис янада оғирлашди. Хонлик истибдодига қарши 1915-1916 йилларда туркманлар Жунаидхон бошчилигида кўзғолон кўтардилар. Туркман, ўзбек, қозоқ аҳолисининг мавжуд тузумга қарши курашини ёш хиваликлар партияси раҳбарлари фаол қўллаб-қувватлашди.

1917 йил февраль инқилоби пайтида Хива хони Асфандиёрхон Қримда дам олаётган эди. Шунинг учун ҳам у Россия императорининг тахтдан воз кечганини эшитган заҳоти хонликка шошилди. Асфандиёрхонни кутиб олишга чиққан давлат арбоблари орасида Ҳусайнбек Матмуродов, Полвонниёз Ҳожи Юсуповлар ҳам бор эдилар. Хива гарнизонидаги солдатлар ҳам худди Россиядаги каби ўз советларини ташкил қилишган эдилар. Ана шу советларнинг фаолларидан Латипов, Тиниев ва бошқаларнинг ташвиқотлари билан Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ёш хиваликлар 4 апрелда солдатларнинг Муваққат ҳукуматга қасамёд қилиши учун тупланган тантанага кишиларни йиғиб бориб, солдатлардан Хива хонини ағдариб ташлашни сўрашди. Гарнизон бошлиғи хонни тахтдан олиб ташламаслик талаби билан ёш хиваликларга ёрдам беришга рухсат берди. 5 апрель куни Асфандиёрхон рус солдатлари ҳимоясида саройга келиб, халқ номидан қўйиладиган талаб (манифест)ни имзолашга мажбур бўлди.

Манифестга асосан хон ҳокимияти қошида қонун чиқарувчи орган — мажлис ва нозирлар кенгаши ташкил этилди. Мажлиснинг биринчи йиғини 1917 йил 26 апрелда бўлиб ўтди. Унда мажлис раиси этиб Бобо Охун Салимов, нозирлар кенгашининг раиси этиб Ҳусайнбек Матмуродов сайландилар. Бу ташкил қилинган давлат органлари таркибида ёш хиваликларнинг аъзолари кўпчиликни ташкил қилар эди. Лекин, кейинчалик Асфандиёрхон Хива гарнизони бошлиғи генерал Мирбадалов ва Зайцевларнинг ёрдами билан мажлисдан ёш хиваликларнинг аъзоларини сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Турли баҳоналар билан Ҳусайнбек Матмуродов ва бир қанча Ёш Хиваликларни зиндонга ташлади. Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Бобо Охун Салимов, Жуманиёз Султонмуродов, Бобожон Якубов ва бошқалар хоннинг таъқибидан қутулиш учун Тўрткўл, Чоржўй, Тошкент каби шаҳарларга қочиб кетишди.

Бу пайтда Тўрткўл ва Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилган эди. Совет ҳукумати орқали ёш хиваликларнинг Асфандиёрхон, Зайцев, Жунаидхонларга ўз ҳамфикрларини зиндондан озод қилишни талаб қилиб, юборган бир қанча телеграммалари ҳеч қандай натижа бергани йўқ. Аксинча, октябрь тўнтаришидан кейин Хива шаҳридан рус аскарлари олиб чиқиб кетилди ва Асфандиёрхон ўзининг ҳарбий таянчидан маҳрум бўлди. Бу 1916 йил қўзғолонидан кейин Эронга қочиб кетган Жунаидхоннинг Хива хонлигига қайтиб келиши ва бу ерда катта мавқега эга бўлишига сабаб бўлди. Чунки, мингдан ортиқ қуролланган сарбозларга эга бўлган Жунаидхон билан мураса қилмасдан Асфандиёрхон ва унинг атрофидаги аъёнлар бундан кейин ҳокимиятни сақлаб қолишга таянчлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам Асфандиёрхон Жунаидхонни “сардори карим”, яъни хоннинг лашкарбошиси қилиб тайинлади. Шу билан ўзи Жунаидхон қўлидаги кўғирчоқ хонга айланиб қолди. Хонликдаги ҳокимият эса тўла равишда Жунаидхон қўлига ўтди. Тошкентга этиб келган Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ёш хиваликлар 1918 йил баҳорида совет ҳокимиятининг фаолларидан бири бўлган Юсуф Ибрагимовнинг маслаҳати билан ўзлари тўрт киши бўлишига қарамасдан ёш хиваликлар партиясининг марказий қўмитасини ташкил қилдилар.

1918 йил октябр ойларига келганда ёш хиваликлар таъсири билан Жунаидхон ва Асфандиёрхон ўртасига низо солинди ва бунинг натижаси ўлароқ Жунаидхоннинг ўғли Эшши томонидан Асфандиёрхон қатл қилинди. Унинг ўрнига акаси Сайид Абдуллахон хон деб эълон қилинди. Жунаидхон Хива хонлиги ҳудудида большевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. 1918 йил ноябрь ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил қилинган совет ҳукуматига қарши Жунаидхон бир неча маротаба муваффақиятсиз уруш олиб борди. 1919 йил апрель ойида совет ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида Тахта шартномаси тузилди. Унга совет ҳукумати томонидан Христофоров, Хива хонлиги томонидан Жунаидхон имзо чекдилар. Бу вақтинчалик келишув бўлиб, унга иккала томон ҳам амал қилмади.

Бу пайтда Тўрткўлда мулла Жуманиёз Султонмуродов бошлиқ ёш хиваликлар партиясининг кўмитаси тузилган бўлиб, уларнинг сони Хива хонлиги ҳудудидан қочиб ўтганлар ҳисобига кундан-кунга кўпаётган эди. Уларни совет ҳукумати хивалик инқилобчилар деб, большевиклар партияси сафига қайд қилишган. Мана шу ёш хиваликларнинг талаблари ва туркман уруғлари орасида Қўшмамедхон, Ғуломалихон каби уруғ сардорларининг Жунаидхон билан келишмай қолганлиги ҳақидаги хабарни ҳисобга олган большевиклар Скалов раҳбарлигида 1919 йил 22 декабрда мустақил давлат-Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирдилар. 1920 йил 1 февралда Жунаидхон кўшинларини тор-мор қилган қизил армия Хива шаҳрига кириб борди. 2 февраль куни сўнгги Хива хони Сайид Абдуллахон тахтдан воз кечди.

Хивада Жуманиёз Султонмуродов раислигида Муваққат инқилобий кўмита ташкил этилди. 1920 йил 26-30 апрель кунлари Хоразм меҳнаткашларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтиб, унда Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди ва Полвонниёз Ҳожи Юсупов раислигида Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Бу ҳукумат таркибига асосан ёш хиваликлар партиясининг аъзолари кирган бўлиб, улар мамлакатда демократик тузумни ўрнатиш, мустақил давлатни барқарорлаштириш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Ана шундай ишларнинг биттаси сифатида Бобо Охун Салимов раислигидаги делегациянинг уч ой давомида

Москва ва Петроград шаҳарларида бўлиб, 1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан ХХСР ўртасидаги иқтисодий-сиёсий шартноманинг имзоланиши уни ниҳояси бўлди. Бу ҳужжатга кўра, ХХСР мустақил давлат ҳисобланиб, совет Россияси билан ўзаро тенг ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка келишиб олинди. Лекин, ХХСР ҳукумати раҳбарлари олиб борган мустақил сиёсат совет тузуми ва унинг республика ҳудудидаги вакилларига ёқмади. Чунки, Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат хусусий мулк, вақф ерларини, диний муассасаларни тарқатиб юбориш ўрнига уларни сақлаб қолиш ва мустақамлашга ҳаракат қилаётган эди.

ХХСРнинг Конституциясида ҳам хусусий мулк эътироф этилган эди. Бу нарса ўша пайтдаги совет ҳукуматининг Хоразмдаги вакиллари Скалов, Иоффе, Дубянский, Шокиров ва бошқаларга ёқмади. Дубянский ва Шокировлар 1920 йил август ойида Қўшмамедхон ва Ғуломалихонларни Хивага чақириб, уларни йигитлари билан қатл қилишга, бу билан маҳаллий ўтроқ аҳоли ва туркман чорвадорлари ўртасида низо туғдиришга ҳаракат қилишди. Ғуломалихон қочиб қутулган бўлса ҳам Қўшмамедхон ва унинг йигитлари қатл этилди. Бироқ бу ҳолатларнинг ҳаммаси ёш хиваликлар ҳукумати зиммасига юклатилди. Натижада, 1921 йил 6 мартда Хива шаҳрида қизил аскарлар томонидан намойиш уюштирилиб, инқилобий кўмита тузилди ва Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат аъзолари камокқа олинди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоровлар қочиб яширинишга улгуришди.

ХХСРда коммунистлар олиб борган сиёсат маҳаллий кадрлар, зиёлилар, умуман мустақил фикрга эга бўлган инсонларни йўқотишга қаратилган эди. Хоразм республикаси мавжуд бўлган атиги 5 йилга яқин муддат ичида республика ҳукумати — Халқ Нозирлар Шўроси ва Хоразм МИК раислари ўн мартадан ўзгартирилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

1920-1921 йилларда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, 10000 десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари, уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5000 чорва мол сотилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш билан бирга янгилари ҳам қурилди. Масалан, 1922 йил охиригача Хоразм деҳқонлари Ҳазораспдан Хўжайлигача бўлган ҳудудда 12

та сув тўғони курдилар. 1922 йилда чоракор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фонди тузишга ҳамда деҳқонларга узок муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкени таъсис этишга қарор қилинди. Банкка 3 млрд. сўм маблағ ажратилган. Хуллас, 1921-1922 йилларда 400000 танобдан ортиқроқ ер камбағал деҳқонларга бўлиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, ХХСРда иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислохотлар зиддиятли тарзда кечди. Хоразм Республикасидаги солиқ сиёсатида совет Россиясининг таъсири кучлироқ бўлганлиги учун синфий ёндошув яққол намоён бўлди. Солиқнинг оғир юки савдогарлар, судхўрлар ва йирик ер эгалари зиммасига тўғри келди. Қишлоқ хўжалигида ягона солиқ тизими (1922 й. декабрь) жорий қилинди. Солиқ тўлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида давлат банки ва солиқ палатаси ташкил қилинди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг эълон қилиниши билан карвонсаройлар, корхоналар, кўллар ва тўқайлар ижарага берилди бошланди. Симлари тортилиб, дарё кемачилигини тиклашга киришилди. Бир қанча йирик кўприклар қурилди. Пахта майдонларининг ҳудуди 1921 йилдаги 10000 танобдан 1924 йилда 85000 танобга, ҳосилдорлик 100000 пуддан 800000 пудга кўтарилди. Умумий экин майдонлари 1913 йилдаги даражанинг 62 %ни, ҳосилдорлик 70-75 %ни ташкил қилди. 1924 йилга келиб 6 та пахта тозалаш заводи, 10 та ғишт заводи, ёғ заводи, босмахона, электростанция тикланди. Қоғоз ва шиша заводлари қурилди. Саноатда давлат сектори устувор мавқени эгаллади.

Ҳукумат маданий-маърифий ва соғлиқни сақлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратди. 1920 йил баҳорида республикада янги типдаги мактаблар ташкил қилина бошланди. 1921 йил сентябрида Хивада очилган халқ дорулфунуни республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Хоразм республикаси тузилган дастлабки ойлардан бошлаб ғоявий-сиёсий вазият кескинлашиб борди. Ёш хиваликлар ҳукумати, демократик кучлар маҳаллий шароитни тушунган ҳолда аҳолининг урф-одатлари ва қадриятларини эъзозлаб иш олиб борди. Аммо Хивани босиб олиш жараёнида кириб келган қизил армия, унинг кўмондонлари, большевиклар республикадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга салбий таъсир

кўрсатдилар. Улар маҳаллий шароитни, халқ оммаси кайфияти ва қарашларини назар-писанд қилмай тезкорлик билан инқилобий чора-тадбирларни амалга оширишга киришдилар. Бу ишларни амалга оширишда Хоразм компартияси (1921 йил декабрда тузилган) уларнинг яқин ёрдамчисига айланди.

Хоразм республикасида кейинги йилларда ҳам ғоявий-сиёсий кураш давом этди. 1923 йил баҳорида савдо-саноат нозири Нуруллаев Москвада РСФСР билан бўлаётган музокараларда қатъийлик кўрсатгани учун Хоразмга чақирилиб, қамоққа олинди. Совет Россиясининг кўрсатмалари асосида 1923 йил ёз-кузида Хоразм республикасида туб сиёсий тўнтариш амалга оширилди. 1923 йил октябрда ХХСР Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантирилди. ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституция мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади.

Хулоса қилиб айтганда, 1923 йил кузидан бошлаб Хоразм республикасидаги демократик ўзгаришларга бутунлай чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Бу ҳолат 1924 йилнинг охиригача давом этди.

7. Бухоро амирлигининг ағдалиши. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши.

1917 йил Бухоро амирлиги ҳам муҳим ўзгаришлар арафасида турарди. Бу даврда Бухорода жадиличлик ҳаракати ва ундан ўсиб чиққан ёш бухороликлар партиясининг фаолияти кучайди. Ёш бухороликлар 1910 йилдаёқ ўзларини алоҳида ташкилот сифатида эълон қилган эди. Улар даставвал мавжуд монархия тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституцион монархияни ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлишган.

1917 йил 7 апрелда Бухоро амири Сайид Олимхон мамлакатда ислохотлар ўтказиш тўғрисида фармон чиқарса ҳам амалда уни жорий қилмади. Жадиждлар Бухоро шахрида намойиш уюштирганларидан сўнг мамлакатда уларни ёппасига таъқиб этиш бошланди.

Бухородаги апрел воқеаларининг якуни шу бўлдики, ҳукуматда консерватив кучлар яна устунликка эришдилар. Сайид Олимхон қозикалон Шарифжон Махдумни лавозимидан бўшатди, ғазабланган мутаассиблар раис Абдусамадхўжани оломон қилиб ўлдирдилар. Насруллобек кўшбегининг буйруғи билан ёш бухоролик жадиждларнинг машҳур намояндаси Садриддин Айний ва бошқалар 75 таёқ уриб жазоландилар. Ислохотчилик ҳаракатининг бу босқичи мана шундай салбий натижа билан якунланди.

Октябр тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Туркистон республикасининг большевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро амирлигининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олишига қарамай, амалда унинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди.

Ёш бухороликлар амирлик истибдодига қарши курашни давом эттирди. Партия ичида турли гуруҳларнинг борлиги, қарашларнинг хилма-хиллиги туфайли ягона дастур тузишга эҳтиёж туғилди. Марказий қўмита бу вазифани 1917 йил ноябрда Фитратга топширди. Фитрат томонидан 1918 йил январда ёзилган ёш бухороликлар партиясининг дастури Марказий қўмита томонидан тасдиқланди ва ислохот лойиҳаси сифатида эълон қилинди. Унда Бухорода конституциявий монархия ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, маданий тараққиётга эришиш лозимлиги, деҳқончилик ва солиқ тизимига алоҳида эътибор берилди. Бухорода замонавий армияни ташкил этиш, 2 йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, давлат ҳисобидан мактаблар ва олий ўқув юртлири очиш зарурлиги таъкидланди. Лойиҳада Бухорода 10 та нозирликдан иборат Нозирлар Шўроси тузиш таклиф этилди. Кейинчалик Файзулла Хўжаев Фитрат лойиҳасининг анча чекланганлигини танқид қилиб, унда бошқарувнинг республика усулини жорий этиш талаб қилинмаганлигини кўрсатган эди.

Туркистон ХКС Бухоро давлатига ғанимлик қилиб, амир ҳукумати куч билан ағдаришга уринди. Большевиклар шу мақсадда ёш бухоролик жадиждларни қўллаб-қувватлашди. 1918 йил март ойида Туркистон ўлкаси ХКС раиси Ф. Колесов қўмондонлигидаги қизил аскарлар мамлакат пойтахти Бухоро

шаҳрига ҳужум уюштирдилар. Уларнинг ҳужуми муваффақиятсиз тугаган бўлса ҳам, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун уриниш тўхтамади. Афсуски, амир Олимхон мамлакат тақдири ҳал қилинаётган ушбу фурсатда муҳолифатдаги ёш бухороликлар партияси арбоблари билан тил топиша олмади. У мамлакатла конституцион монархия ва демократик тартиботларни ўрнатмоқчи бўлган жадинлар - ёш бухороликларни йўқотиш йўлини тутди. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, Колесов воқеасидан кейин амир мамлакатда 3000 кишини қатл қилган. Садриддин Айнийнинг ёзишича фақат пойтахт-Эски Бухоро эмас, балки Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қоракўл, Чоржўй, Хатирчи, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз бекликларида ҳам минглаб кишилар жадинликда айбланиб, ноҳақ ўлдирилди. Бухоролик жадинларнинг тирик қолган вакиллари Самарқанд, Тошкент ва Москвага жўнаб кетишга мажбур бўлишди.

Ёш бухороликларнинг бир қисми 1918 йилнинг ёзида Тошкентда Бухоро компартиясини тузишди. Файзулла Хўжаев Москвадаги муҳожирлик даврида, 1918 йил октябрда Туркистон республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонаси қошида ёш бухороликлар партияси бўлимини ташкил қилди. 1920 йил январда Тошкентда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги инқилобчи ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси тузилди. Большевиклар ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевикларга яқинлашишди.

Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси 1920 йил 13-14 июнда бўлган бирлашган конференциясида Файзулла Хўжаев тузган дастурни қабул қилди. Дастур “Зулмга қарши бирлашингиз!” деган шиор ва кириш қисми билан бошланади. Бу қисмда Бухоронинг умумий аҳволи ва ёш бухороликларнинг асосий мақсадлари, иккинчи қисмида эса ёш бухороликларнинг амалий таклифлари, ислоҳот ва мамлакатнинг идора қилишни ташкил қилиш режаси баён этилди. Шариат-адлия ишларини олиб боришнинг негизи, деб қуйидагича эътироф қилинди: “Шариат-адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчидир”. Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони демократик халқ

республикаси деб эълон қилиш талаби кўйилди. Ёш бухороликлар катта бойлар кўлидаги ерларни мусодара қилиш, бепул бошланғич таълим жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик саноати, ички ва ташқи савдонинг аҳволини яхшилаш йўлида амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлашди.

1920 йил 25 августда Туркистон fronti кўмондони М.В.Фрунзе қизил аскарларга Бухорони босиб олиш учун буйруқ берди. Кескин жанглардан сўнг, 2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олиниб, Сайид Олимхон ҳокимиятдан ағдариб ташланди. Қизил аскарлар Шарқнинг энг қадимги шаҳарларидан бири, “Ислом динининг гумбази” ва “шариф шаҳар” ҳисобланган муқаддас Бухорони вайрон қилдилар. Қадимий Бухоро ўт ва ҳаробалар ичида қолди.

Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган. Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи Нофеий” (“Фойдали тарих”) асарида қизил аскарлар томонидан қилинган Бухоро босқини оқибатларини куйидагича тасвирлайди: “Бухорони босиб олиш натижасида 34 гузар, 3000 дан ортиқ дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Минораи Калонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан Тўқимдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гул бозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди... Шаҳарда 3000га яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди”. Бухороликлар бу кунларни “кичик қиёмат” деб аташган.

Шаҳарга кирган қизил аскарлар арқдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, кўшбеги ва бошқа амалдорларнинг бойлигини мусодара қилганлар. аскарлар ва кўшин раҳбарлари катта бойлик орттирганлар. Ҳатто Фрунзе хазинадаги қимматбаҳо бойликларнинг бир қисмини ўзи учун сақлаб қўйган. Туркистон ҳарбий-инқилобий бюро “учлиги”нинг аъзоси

А.Машицкийнинг 1920 йил сентябрда В.И.Ленинга ёзган маълумотномасида шаҳар маркази яқсон қилинганлиги, Регистон ва арк ёндирилгани, арк ертўлалари ва омборхоналаридаги бойликлар-олтин, кумуш, бриллиантлар талангани, бунда қизил армия бевосита қатнашгани ҳақида хабар берган.

Сентябрь ойининг бошида амирлик хазинаси ва бошқа бойликлар ортилган 2 эшелон юк Самарқанд ва Тошкент орқали Москвага йўл олди. Қарийб 15 сентябргача давом этган Бухоро таловининг гувоҳи бўлган Туркбюро раиси ўринбосари Г.Сафаров қуйидагича ёзган эди: “Бухорога келган қизил кўшинлар энг аввало талончилик билан шуғулландилар. Улар ҳаммани ва ҳамма нарсани таладилар. Умуман қизиллар Бухорони талаш учун келган эдилар”. Бухоро шаҳридан сўнг қизил армия 27 бекликни ҳам бирин-кетин эгаллаб, Бухоро амирлигига барҳам беришди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси-Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати-11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси-Файзулла Хўжаев) тузилди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Файзулла Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), дохилия-ички ишлар (Мухтор Сайиджонов), молия (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), давлат назорати (Нажиб Хусайинов), фавқулодда комиссия (Чека раиси-Юсуф Иброҳимов), адлия (Мукамил Бурҳонов), ҳарбий ишлар (Баҳовуддин Шихобуддинов), ер-сув ишлари-деҳқончилик (Абдулқодир Муҳитдинов), савдо ва саноат (Мирзо Муҳитдин Мансуров) нозирликлари. Бу пайтга келиб инқилобчилик таъсирида бўлган ёш бухороликлар партияси аъзолари Бухоро компартияси сафига киришга мажбур бўлган эдилар. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, асосан жаидлардан ташкил топган Бухоро ҳукумати ўша пайтда маълумотли кишилар йиғилган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Бухоро жаидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи-Ситораи Моҳи хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг

I курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналаридан мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий кўмитаси (Марказий Ревком), Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси-дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати II курултойгача узайтирилди. 1920 йил октябрь-ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий ахдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида иттифок шартномаси имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Иттифок шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет кўшинлари туришини “қонуний” асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуроли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

Бухоро ҳукумати олдида турган энг асосий вазифалардан бири ер-сув масаласини ҳал қилиш эди. 1920 йил 30 сентябрда Бухоро Марказий Ревкоми «Ер тўғрисида»ги декретни қабул қилди. Декретга мувофиқ, собиқ амир, унинг қариндошлари ва амалдорлари кўлидаги бутун ер-мулк камбағал ва ерсиз деҳқонларга берилиши керак эди. Шунингдек, декретга кўра, «хирож», «амлок» ва бошқа солиқлар бекор қилинди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, фақат Эски Бухоро туманлари ва Чоржўй беклигида собиқ амир ва бекларга қарашли 10000 таноб ер мусодара қилиниб, камбағал деҳқонларга тақсимлаб берилди.

Аввал бошида Бухородаги янги тузум ва унинг ижобий чора-тадбирларини аҳоли маъқуллаб кутиб олди. Бироқ янги ҳокимият томонидан мулкдорлар табақасига нисбатан кўрилган қаттиқ чоралар, уларга тегишли бутун мол-мулкнинг мусодара қилиниши, сарой аъёнлари ва амир амалдорларининг ёппасига ҳибсга олиниши ва отиб ташланиши, амир хазинасининг Москвага олиб кетилиши, мажбурий озиқ-овқат развёрсткаси, унинг қаттиққўллик билан амалга оширилиши, ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсати, республика ҳудудида

турган қизил армия таъминотининг аҳоли зиммасига юклатилиши бунинг устига, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончилик фаолияти ҳаққоний равишда халқнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Республикадаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам кескинлашди. Бухорода амир ҳокимияти ағдариб ташланган дастлабки ҳафталардаёқ мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши бошланган курулди қаршилик ҳаракати авж олиб кетди.

Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан, Бухоро компартияси ичидаги сўл ва ўнг коммунистларга қарши ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси ёш мустақил давлатнинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан Ф.Хўжаев, У. Пўлатхўжаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мухтор Сайиджонов, Саттор Хўжаев, М.Мансуров, А. Мухитдинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустақил бўлиши, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари унда ўз ифодасини топди. БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди.

II қурултойда Бутун Бухоро МИК ташкил қилиниб, унинг раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1887-1968) сайланди. 1922 йил августда бўлган III қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади.

Бухоро Республикасидаги иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислохотлар зиддиятли тарзда кечди. Бухоро инқилобий қўмитасининг 1921 йил 2 февралдаги декрети ҳамма ерларни умумхалқ мулки деб эълон қилди. Вақф ерлари

тугатилади, айрим тоифадаги хўжаликларнинг чорва моллари ва мулклари мусодара қилинди. Суғориш тизими издан чиқди. Экин майдонлари қисқариб чорва молларининг сони камайиб кетди. Шу билан бир вақтда кўплаб ижобий ишлар ҳам амалга оширилди. 1921 йил кузида ерни тортиб олиш бекор қилинди. БХСР МИКнинг умумий авф тўғрисидаги 1922 йил 25 май декрети вақфларни тугатишни тўхтатиш, қозихоналар ишини, шариат кўрсатмаларини тиклаш ва бошқаларни эълон қилди. Ўша йилнинг ноябр ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш эълон қилинди. Бухоро давлат банки тузилиб, «пул ислоҳоти» амалга оширилди. Деҳқонларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Бу қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига олиб келди. 1923 йили суғориладиган ерлар майдони 1913 йилдаги даражага яқинлашиб қолди. Темир йўл тикланиб, завод ва фабрикалар қайтадан ишга тушди. Бу пайтга келиб Бухоро Республикасида 19 та корхона, 500 дан ортиқ бозор ишлаб турди. Хусусий сармоя 12000 савдогарлар маблағидан иборат бўлди.

1923 йил март ойида Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилди ва уни бошқариш учун Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) тузилди. БХСР ҳукумати раиси Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни бошида кўллаб-қувватламади. Чунки у иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истиқболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган барча ишлар марказ кўлига ўтаётганлигини англаб, бу сиёсатнинг машъум оқибатларини мушоҳада қила олган эди. Бухоро ҳудудида жойлашган совет Россияси кўшинлари Бухоро давлатининг озиқ-овқати ва ем-ҳашаги билан таъминланар эди. Ҳукумат бошлиғи Ф.Хўжаев совет кўшинлари сонини 15000 кишигача қисқартириш тўғрисидаги масалани Москва олдига бир неча марта қўйди.

Бироқ Бухоро республикасидаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қуролли кучларининг Бош кўмондони С.С.Каменев, Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси А.И.Корк, РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятдан қониқмаётганликларини очиқ айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай

12 июнда РКП (б) МК Сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукумати советлаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Совет ҳукумати ўз буйруқларини тез ва қаршиликсиз амалга ошириш учун РКП (б) МК котиби Я.Э.Рудзутакни Бухорога жўнатди. 23 июнда БКП МК ёпиқ пленумида Рудзутак иштирок қилиб, Бухоро ҳукумати раҳбарлари ва маҳаллий коммунистлар олдига қатъий талабларни қўйди. Файзулла Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари бўлган собиқ ёш бухоролик жадидлар Отаулла Хўжаев (ташқи ишлар нозири), Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (Бухоро ЭКОСО раиси) лавозимларидан четлаштирилиб, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Қори Йўлдош Пўлатов, Абдурахим Юсуфзода, Музахар Махсум Бурҳонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошев ҳам маъсул лавозимлардан олиб ташланди. Бухоро ҳукумати Москва ва Тошкентнинг “коммунистча сабоғи”ни олган “тажрибали совет ходимлари” билан тўлдирилди.

Бухоро ҳукуматида Туркистондан юборилган эмиссарларнинг таъсири тобора кучайиб борди. Коммунистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан 14 августда бўлган Бухоро МИК фавкулудда сессиясида Конституция матнига ўзгартириш киритишга ҳам муваффақ бўлдилар. 1923 йил 11-17 октябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV қурултойи Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва касибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултой жамиятда ижтимоий беқарорликни кучайтирадиган “Совет курилиши тўғрисида” номли махсус қарор қабул қилди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислохотларнинг тақдири хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. Республикадаги бу кескин вазият қуролли мухолифат ҳаракатининг кучайишида ҳам ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, 1923 йил ёзида мустабид совет тузуми Бухорода ўзига хос давлат тўнтаришини амалга оширди. Миллий қўшин ва миллий валюта большевиклар томонидан тугатилди. Бу ҳолат Бухоро мустақиллигига катта хавф туғдирди. Бироқ Хоразм

республикасида фарқли равишда, фақат 1924 йил кузидан бошлаб Бухорода социалистик тараққиёт томон йўналиш бошланди.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакиллариининг V курултойида БХСР Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантирилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ходиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиши танланди. Марказдаги большевик раҳбарларининг Бухоро ва Хоразм республикаларини социалистик республикаларга айлантиришдан кўзда тутган асосий мақсади маҳаллий халқларни тезроқ советлаштириш, халқ онгига коммунизм мафкурасини мажбуран сингдириш эди. 1924 йил ноябр ойи охирида худди Хоразм республикаси сингари Бухоро ССР ҳам тугатилиб, унинг ҳудуди 1925 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ССР (1929 йилгача таркибида Тожикистон АССР ҳам бўлган) ва Туркманистон ССРга киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Хоразм Халқ республикаларининг демократик ислохотлар томон босиб ўтган йўли ўша давр учун ҳам, бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам машаққатли бўлди. Бухоро ва Хоразм республикалари атиги 4-5 йил ичида дунёвий ислохотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана бошлаган эди. Лекин, бу жараёнлар мустабид совет тузуми томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига ҳам барҳам берилди.

Савол ва топшириқлар

1. 1917 йил февраль- октябрь ойлари оралиғида ўлкада рўй берган сиёсий жараёнларнинг моҳияти нимада эди?
2. “Шўрои Ислом”, “Шўрои Уламо” қандай ташкилотлар бўлган?
3. 1917 йил октябрь тўнтаришига маҳаллий аҳолининг муносабати қандай эди?
4. Туркистон мухторияти ҳақида нималарни биласиз?
5. Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат сабаблари нимада бўлган?
6. Совет ҳокимиятининг 1917-1920 йиллардаги иқтисодий сиёсат моҳияти қандай эди?

7. “Ҳарбий коммунизм” атамаси нимани англатади?
8. Фарғона водийсидаги қаршилик ҳаракати ва қурбошилар ҳақида нималарни биласиз?
9. “Ёш хиваликлар” ва “Ёш бухороликлар” ҳақида гапириб беринг.
10. Бухоро ва Хива хонликларида совет ҳокимияти қай тарзда ўрнатилди?

13-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди. Асарлар 4 жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996. 302-319 бетлар.
2. Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи. Т., Университет, 2002.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, ”Фан”, 1996.
4. Иброҳим Карим. Мадаминбек. Тошкент. “Ёзувчи”, 1993.
5. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент. Ўзбекистон, 1996.
6. Жадиличлик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент.: Университет, 1999.
7. Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. (тарихи, тақдири, таҳлили). Тошкент: 2008.
8. Отамурод Қўшжонов, Нейматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. (XIX аср Пярми-XX аср биринчи чораги). Тошкент, 2007.
9. Ражабов Қ. Хоразмдаги истиқлолчилик ҳаракати тарихи. Жунайдхон. // Жамият ва бошқарув, №2, 2000.
10. Ибодинов А. Мадаминбек. Т.: Шарқ, 1998.
11. Ўзбекистон тарихи. Р.Х Муртазаевнинг умумий таҳрири остида. -Т., Университет, 2005, 302-330 бетлар.
12. Q.Usmonov, M.Sodiqov, S.Burxonova. O'zbekiston tarixi. Darslik, T.: Iqtisod- moliya. 2006.
13. Хўжаев М. Шермухаммадбек Қўрбоши. Т.: Шарқ, 2008.
14. Долимов У. Туркистонда жадида мактаблари. Т.: Университет. 2006.

Таянч сўзлар.

Февраль инқилоби, буржуа-демократик инқилоби, ўлка, совет, шўро, “Шўрои Исломи”, жадида, қурултой, большевик, мухторият, Туркистон, Фарғона, Хива, Бухоро, Тошкент, қуруллой

қаршилик, қўрбоши, “Ёш хиваликлар”, “Ёш бухороликлар”, нозир, кенгаш, қизил армия, амирлик, хонлик, “ҳарбий коммунизм”, октябрь тўнтариши.

14 – мавзу. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг мустамлакачилик моҳияти.

Режа:

1. Мавзу тарихшунослиги. XX аср 20-йиллари бошларида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ва унинг моҳияти.
2. Туркистон ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашлари ҳамда уларнинг фаолияти.
3. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва унинг асоратли оқибатлари.
4. Ўзбекистонда “Маданий инқилоб” ва унинг оқибатлари.
5. XX аср 20 йиллари иккинчи ярми - 30-йиллардаги сиёсий қатағонлар.

1. Мавзу тарихшунослиги.

XX аср 20-йиллари бошларида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ва унинг моҳияти.

Мавзу тарихшунослиги.

XX аср 20-йиллари тарихимизга ўта мураккаб ва зиддиятли, турли ижтимоий гуруҳ ва кучлар сиёсий қарама-қаршилиги авж олган, совет тузуми мустаҳкамланаётган, ўлкадаги очлик, иқтисодий танглик, вайронага айланган саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини тиклаш, яъни шўроларнинг “тинч социалистик қурилиш” йўлига ўтиш даври бўлиб кирди. Ушбу даврдаги энг долзарб масалалардан бири бу- ҳокимият масаласи эди. Миллий муҳолиф кучлар эса ҳокимият масаласини биринчи навбатда халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашда кўришар эди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг инқирози, очлик, инқилобча зўравонликнинг кучайиши маҳаллий халқ миллий манфаатларининг очикдан-очик инкор этилиши Туркистондаги турли ижтимоий қатламлар орасида совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик ва норозиликни келтириб чиқармоқда эди.

Аҳолининг аксарияти совет ҳокимиятини қизил армиячиларнинг қуроли ёрдамида зўрлик билан олиб кирилган ҳокимият сифатида тан олмас, улар ташкил этаётган советлар ва уларнинг ижроия қўмиталари туб аҳоли орасида обрўга эга эмаслиги совет тузилмаларига қарши чиқишларни келтириб чиқармоқда эди.

Коммунистик партия ўзининг сиёсий позициялари ҳамда совет давлат тузумини мустаҳкамлаш билан бирга советларнинг ижроия қўмиталарини қайтадан тиклаш ишларини олиб борди. Ушбу тартиб жойларда ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни кенгайтириш, халқ ҳокимиятини тиклаш шиорлари остида ўтди. Аммо, аслида бу жараён ташвиқот-мафкуравий характерда бўлиб, жамият ва давлат бошқарувида кенг халқ оммасининг иштирокини кўрсатишдек туюларди. Кўп жойларда маҳаллий аҳоли сайлаш ҳуқуқидан маҳрум эди. Масалан, “БХСРда суд қурилиши ҳақида низом”нинг халқ маслаҳатчиларини сайлаш тартиби ҳақидаги 3-боб 20-моддасида кўрсатилишича тақсимот тахминан маслаҳатчиларнинг 25% ишчилардан, 50% қишлоқлар ва кентлардан, яъни деҳқонлар ва 25% ҳарбий қисмлардан бўлиши лозим эди. Большевиклар кенг ҳуқуқлар ва имтиёзлар берган ишчи ва солдатларнинг мутлақо кўпчилик қисми руслар бўлиб, оқибатда раҳбар лавозимларнинг аксарияти улардан ташкил топган, миллий зиёлиларнинг асосий қисми эса сайлов ҳуқуқидан умуман маҳрум қилинган, бу ерда зиёли табақа умуман одил судловга яқинлаштирилмаган. 1923 йилда Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида сайловга халқ судьяси ва 46624 та халқ маслаҳатчиларининг таркиби 73,5% ишчи, 19% деҳқон ва 7,5% қизил аскарлардан иборат эди. Бундан кўриниб турибдики халқни ҳимоя қилиш керак бўлган судга бирорта мутахассис яқинлаштирилмай, фақат большевикларнинг сиёсатини тўғри, деган кишилар киргизилган. ТАССРда эса 1920 йилда аҳолининг 93-97 %ни мусулмон аҳолиси, 3-7 %ни европалик аҳоли ташкил қилгани ҳолда, халқ судьяларининг 48%ни европаликлар, 52%ни мусулмонлар, суд хайъати аъзоларининг 75%ни европаликлар, 25%ни мусулмонлар ташкил этган.

Совет ҳукумати маҳаллий аҳолига нисбатан беписанд бўлиб, аксарият ҳолларда унга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам у ўз сиёсий тузилмаларига миллий ходимларни ниҳоятда кам жалб қилган эди.

Компартиянинг ушбу мустабидлик йўналиши Туркистон халқи ҳаётига салбий таъсир қилди, маҳаллий аҳоли мустақил ҳуқуқларга эга эмас, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган уринишлар эса “миллатчилик” деб баҳоланиб, қатағонгача олиб келинган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги республика миллий даромадининг асосий қисмини берганлиги, деҳқонлар эса аҳолининг 80 фоизини ташкил этганлиги туфайли совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аграр масала марказий ўринни эгалларди.

Марказдан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиё республикаларининг 20-йиллардаги аграр сиёсатида нисбатан кескин чоралар кўрилган. 1920-1921 йиллардаги ер-сув ислоҳотининг амалга оширилиши янги иқтисодий сиёсат (НЭП) билан бирга олиб борилди. Янги иқтисодий сиёсатдан кўзланган мақсад - маҳсулот ишлаб чиқарувчи яққа деҳқонларнинг манфаатини ошириш, унинг ерга эгаллик қилишини таъминлаш, имтиёзли солиқ олиш ва бозор иқтисодиёти, товар-пул муносабатларига ўтиш эди. Унинг асосий бўғинларини озиқ-овқат развёрткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, эркин савдо, саноатда хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг жорий қилиниши ташкил этди.

Озиқ-овқат развёрткасининг солиқ билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг иқтисодий рағбатларини вужудга келтирди ҳамда деҳқон ҳосилнинг қатъий белгиланган қисмини топширгач, унга ўз меҳнати маҳсулини ўзи истаганича тасарруф этиш ҳуқуқи берилди. Янги иқтисодий сиёсат йўлининг ўзига хос хусусияти - товар-пул муносабатларининг жонланиши, савдо ва айирбошлашда чеклашлардан озод бўлиш эди. Эркин савдонинг соғломлашувига 1922-1924 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берди. Муомалага курси олтинга тенглаштирилган валюта-червонецнинг чиқарилиши бозор ролининг тикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ер-сув ислоҳотини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад-маҳаллий ҳамда Туркистондаги бой рус деҳқонларининг ер ва сувга бўлган ҳуқуқларини тенглаштириш эди. Чунки ўз вақтида мустамлакачи маъмурлари томонидан рус деҳқонларига энг яхши ва ҳосилдор ерлар ажратилган эди.

Ер-сув ислоҳотининг характери 1920 йил сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Советлари IX қурултойининг қарорларида акс этди. Ушбу дастурнинг асосида меҳнат билан шуғулланмайдиган бой-қулоқ хўжаликларини тугатиш ва кўчманчиларни ўтроқ ҳаётга ўтказиш, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаш ва энг асосийси рус деҳқонларининг ортиқча ерларини мусодара қилиш орқали Россия империяси мустамлакачилик сарқитларини енгиш ётар эди. Лекин вақт ўтиши билан кўчириб келтирилган европалик аҳоли ерларини мусодара қилиш билан бир қаторда вақф ерлари тортиб олинди, бойлар, савдогарлар, диний хизматчилар ва қишлоқ ҳамда овулларнинг “меҳнат билан шуғулланмайдиган юқори табақалари” деган бошқа вакилларининг ерлари камайтирилди.

Ер ва сувни тақсимлаш жараёни бир томондан ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлаган бўлса, иккинчи томондан қишлоқдаги сиёсий вазиятни кескинлаштириб, синфий зиддиятларни кучайтирди. Шунингдек, ислоҳот давомида Еттисув ва Жалолобод туманларининг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисини ўтроқ ҳаётга ўтказиш сиёсати салбий оқибатларга олиб келди. Зеро, кўчманчиликдан ўтроқчиликка ўтиш, нафақат хўжалик фаолият шакллари ўзгартирибгина қолмай, балки асрлар давомида шаклланиб келган ушбу ижтимоий гуруҳнинг турмуш тарзи ҳамда касб-хунарининг тамомила ўзгартириб юбориши муқаррар эди. Ислоҳот ўтказишнинг инқилобий-зўравонлик усуллари Туркистон қишлоқларида ижтимоий тангликни вужудга келтирди.

Ер-сув ислоҳоти 1922 йил кузида ўз поёнига етди. Уни амалга ошириш давомида ҳамма жойларда, қишлоқ ва овулларнинг ерсиз ва кам ерли маҳаллий деҳқонларини бирлаштирган “Қўшчи” уюшмалари ташкил этила бошлади. Лекин, таъкидлаш жоизки, “Қўшчи” Туркистон деҳқонлари уюшган биринчи ташкилот эмас эди. 1918 йилдаёқ Тошкентда “Деҳқон” иттифоқи вужудга келган эди. Ўшанда Тошкент ва шаҳар атрофидаги туманлар деҳқонлари ҳамда савдо доираларининг турли қатламлари янги ҳокимиятнинг муайян кескин чораларига қаршилик кўрсатишига ҳамда ўз мулкларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган эди. Ташкилот деҳқонлар оммасининг озчилик қисмини қамраб олган бўлиб, маҳаллий характерга эга эди. 1919 йили Туркистон республика ва Ер

ишлари Халқ Комиссарлигининг кўмаги билан камбағаллар кўмиталари тузилди. “Кўшчи” уюшмаси камбағалларнинг кўмиталари ва иттифоқлари ўрнига вужудга келган эди. Ушбу уюшма қишлоқ ва овулларда совет ҳокимиятининг таянчи, “меҳнаткаш деҳқонларни синфий тарбиялашнинг ўзига хос мактаби” сифатида ер-сув ислохоти давомида “меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар” ҳамда уларнинг мол-мулкини аниқлашда, советлар сиёсатидан норози бўлган деҳқонлар чиқишларини бостиришда ва уларнинг олдини олишда ҳам қатнашди. Уюшма кооперация ишига ўз ҳиссасини кўшган бўлса ҳам, унинг фаолиятидаги асосий эътибор қишлоқнинг бой қатламлари билан кураш олиб бориш ва қишлоқни “социалистик асосда қайта қуриш”га қаратилган эди.

Марказ Туркистон ўлкасига асосий хомашё базаси сифатида қараб келганлиги боис, ўлка қишлоқ хўжалигининг бош соҳаси ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътиборини қаратган. Хусусан, РКП (б) МКнинг 1922 йил 11 январидagi “Туркистон Компартиясига” деб номланган хатида, Туркистон Компартиясининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятида биринчи ўринга суғориладиган ерларда экин майдонларини тиклаш, пахтачиликни ривожлантириш ҳамда мавжуд суғориш тизимини тузатиш масалалари ҳал этилиши лозимлиги таъкидланган эди. Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш ишларига раҳбарлик қилиш учун 1920 йилда Бош Пахтачилик Кўмитаси ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунувчи пахтачилик кўмиталари тузилди.

Туркистон республикасидаги барча ҳайдаладиган майдонлар, селекция станциялари, ирригация иншоотлари, Пахтачилик кўмитаси ихтиёрига ўтказилди. Бош Пахтачилик кўмитаси катта ваколатларга, яъни, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобига чигит экиладиган майдонларни кенгайтириш, пахта харид нархларини белгилаш, марказий давлат органларининг рухсатсиз махсус қабул қилиш ҳуқуқларига эга эди. Пахтанинг нархи ҳукумат томонидан белгиланиши унинг бу масалада якка ҳокимлигидан далолат берар эди. Туркистонлик кўпгина арбоблар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча маротаба кўтариб чиққан эдилар. Хусусан, Ер ишлари Халқ комиссари С.Асфандиёров ва ҳукуматнинг

бошқа аъзолари давлатнинг пахтага бўлган яккаҳокимлигига қарши чиқиб, Бош Пахтачилик кўмитасини тугатиш масаласини ўртага ташлаган эди. Бироқ, Туркистон республикаси ва РСФСР партия-давлат аппаратининг аксарият ходимлари пахта монополияси тарафдори эдилар. 1922 йилнинг 1 январида РСФСР Олий Халқ Хўжалиги Кенгаши (ОХХК) томонидан қабул қилинган қарорда эса “пахтага давлат монополиясини сақлаш” масаласи қатъиян кўтарилган эди.

Пахтачиликни тиклаш ишлари ҳамда республикага дон олиб келтиришни жадаллаштириш мақсадида, ОХХК Еттисув темир йўлини тезроқ тугатишга қарор қилди.

1923 йилнинг январида СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда “Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилинсин” дейилган эди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий нархи бекор қилинди.

Туркистон республикасида пахтачиликни ривожлантириш ишларини суғориш иншоотларини тикламасдан амалга ошириб бўлмасди. Суғориш ишларини тиклашни тезроқ амалга ошириш, деҳқончилик учун яроқли ерларни сув билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда эса пахтачиликни ривожлантириш учун сувдан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, 1921 йилнинг февралда ТАССРдаги барча сувларни республика мулки деб эълон қилган сув тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонунда, сувни тақсимлаш одат (бой ва рухонийларга бериладиган имтиёзлар) бўйича эмас, балки, биринчи навбатда деҳқонлар манфаатини кўзлаган ҳолда берилиши керак деб айтилган эди. 1921 йилнинг ноябрида, аҳолининг даромадларини суғориш ишларини тиклашга сафарбар қилиш мақсадида сув солиғи жорий қилинди.

Шу йилда ТАССРнинг суғорма ер майдони 1920 йилдаги кўрсаткичга караганда 300 минг десятинага кўпайган эди. Пахта экин майдонлари эса деярли 100 минг десятинага ортди.

Иттифоқ ҳукумати аввал бошданок ёш Ўзбекистон республикаси раҳбарияти олдида “Совет Ўзбекистон”ини СССРнинг асосий пахта базасига айлантириш стратегик вазифасини қўйди. “Оқ олтин”нинг аксарият қисми, яъни 90%дан кўпроғи “Советлар мамлақати”нинг тўқимачилик марказларига юборилди. Масалан, 1922 йилнинг бошларида Туркистондан марказга Красноводск йўналиши бўйича 1150 вагон (63470 та той

пахта), Оренбург йўналиши бўйича 1547 вагон (85030 та той пахта), ҳаммаси бўлиб, 2697 вагон (148500 та той пахта) пахта толаси жўнатилган эди. Совет ҳукуматининг пахта мустақиллигига эришишга қаратилган чора-тадбирлари зое кетмади. Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш совет ҳукуматига ҳар йили четдан пахта сотиб олинишга сарфланадиган 100 млн. рубль олтинни тежаш имконини берган эди. 1928 йилда эса, Ўзбекистон пахтакорларининг давлатга топширган 543,7 минг тонна “оқ олтин”и эвазига СССР пахта етиштириш бўйича дунёда 4-ўринга чиқди ва бу пахта мустақиллигига эришиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлардан бири бўлди. Ўша йиллардаги ҳукумат ҳужжатларида расман эътироф қилинишича, “...Совет Иттифоқининг четдан пахта келтиришдан озод бўлишида ва СССР тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёси билан тўла-тўқис таъминланишида Ўзбекистон ҳал қилувчи рол ўйнайди” ҳақиқатан ҳам, агар 1925 йилда СССРга четдан 103,1 минг тонна, 1930 йилда-57,9 минг тонна пахта келтирилган бўлса, 1933 йилда бор ёғи 24,3 минг тонна пахта келтирилди. Ўзбек пахтакорларининг машаққатли меҳнати эвазига эса совет давлати пахтани четдан сотиб олмай, пахта етиштириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринга чиқди. Мана шу тариқа собиқ СССР пахта мустақиллигига эришди.

Пахта яккаҳокимлигини таъминлаш мақсадини амалга оширилиши оқибатида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, чорвачилик инқирозга учради, ғалла тайёрлаш кескин камайиб кетди. Ҳосилдор ерлар миқдори камайди. Дон, полиз экинларининг ҳосилдорлиги қисқарди.

Янги иқтисодий сиёсат туфайли қишлоқ хўжалигида кооператив ва ширкатчилик ҳаракати авж олди. 1923 йилда Туркистон республикасида қишлоқ хўжалиги ва кредит кооперациялар тизими ташкилий жиҳатдан тугал равишда шаклланди дейиш мумкин. Давлатнинг кооператив қурилиш сиёсати икки йўналишда олиб борилди. Бир томондан, кооперация майда товар хўжалигини социализмга жалб қилиш воситаси, шахсий ва жамоа манфаатларининг келишув шакли сифатида баҳоланса, иккинчи томондан кооперацияга хусусий секторни сиқиб чиқарувчи ижтимоий қурол деб қаралди.

Марказ қишлоқ хўжалик кредити – қишлоқ хўжалигининг асосий сармоясини (мол-мулки, уруғ фонди, қурилишларни)

тиклаш учун фойланиш, бу ресурсларни чорвачиликни, пахтачиликни, ирригацияни, боғдорчиликни ва узумчиликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатишга йўналтирди. 1923 йилда Туркистонда 1169 та кредит-кооператив ширкати бўлиб, кредитдан фойдаланадиган хўжаликлар сони 28 мингта эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноатга контрактация (шартнома) асосида етказиб беришда қишлоқ хўжалик кооперативлари воситачилик қилди. Майда товар деҳқон хўжалиги ривожлана бошлади.

Бироқ, ҳар кимни ҳам кооперативга қабул қилишавермасди. Синфий танлов мавжуд эди. Камбағалларга устиворлик бериларди. Аҳолининг ўзига тўқ қатламларига нисбатан қатъий талаблар белгиланган эди. Масалан, “бой”, “қулоқ”лар тоифасидаги шахслар биринчи тўлов сифатида ўрта ҳоллар тўлайдиган тўлов миқдоридан икки баробар, камбағалларникидан эса ўн икки баробар кўп ҳақ тўлашлари керак бўлган. Кооперативларга қабул қилишдаги бундай табақавий ёндашув ўз навбатида, аксарият қишлоқ аҳли фуқаролик ҳуқуқларининг поймол этилишига, ишбилармон деҳқонларнинг иқтисодий ривожланган жамият қуриш ишидан сунъий бегоналаштирилишига олиб келди.

1927 йилдан кооператив уюшмаларини “давлатлаштириш” сиёсати бошланиб, унинг хўжалик ҳисоби асосидаги негизлари тобора кўпроқ кўпорилди. Деҳқон хўжалигини юксалтиришга доир масалаларнинг ҳаммаси давлатга келиб тақаладиган бўлиб қолди (солиқ сиёсати, кредит, нархлар ва бошқалар).

20-йиллар бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг алоҳида хусусияти-бу ўлка маҳаллий аҳолисининг миллий ўз-ўзини англашини ўсганлиги дейиш мумкин. Маҳаллий аҳолининг кескин норозилигига биринчи навбатда Марказнинг унинг миллий манфаатларини ҳисобга олмаслик сиёсати сабаб бўлди. Туркистон туб аҳолисининг кучайиб бораётган норозилиги турли шаклларда намоён бўлди. Шундай норозилик шаклларида яна бири ҳокимият поғоналаридаги миллий раҳбар кадрлардан иборат миллий муҳолифат бўлди. Улар мустабид тузумга, унинг сиёсатиغا очикдан-очик қарши фикр билдириб, маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилдилар, марказнинг шовинистик ва империяча сиёсатиغا қарши фаол кураш олиб бордилар. Мана шундай миллий раҳбарлардан бири давлат ва

сиёсат арбоби, олим ва дипломат Назир Тўрақулов (1892-1939) бўлган. Назир Тўрақулов совет ҳокимиятининг турли лавозимларида ишлаб келди.

Марказнинг сиёсий раҳбарияти ўзининг сиёсий мавқеини сақлаб қолиш мақсадида ўлкадаги вакиллариغا Туркистон Компартиясининг VI (1921 йил 11-20 август) қурултойида миллий муаммоларга эътиборни кучайтиришни, Туркистон компартия, давлат органлари таркибида миллий кадрларни кўпайтиришни тавсия этган эди. Ушбу кўрсатмалар асосида қурултойда Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аъзолари этиб бир қанча маҳаллий раҳбарлар билан бир қаторда Назир Тўрақулов ҳам сайланган эди. Шу билан бирга Назир Тўрақулов ва Абдулла Раҳимбоевлар РКП(б) МКнинг Туркистон бюроси таркибига киритилдилар. Миллий раҳбарлар Марказнинг буюк давлатчилик шовинизмига қарши чиқиб, Турккомиссияни йўқ қилиш талабини бир неча маротаба ўртага ташлаган эдилар. Бу даврда ТКПга бошчилик қилиб турган Назир Тўрақулов ҳам Турккомиссия ва Туркбюронинг ҳатти-ҳаракатларига норозилик белгиси сифатида улар сафидан чиқиш тўғрисида ариза беради.

Лекин миллий раҳбарларнинг ўзига хос чиқишлари Марказнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Марказ уларга қарши сиёсий қувғинни авж олдиради. Қ.Отабоев ва А.Раҳимбоевлар “қўпол хатолари” учун ўз лавозимларидан бўшатилади. Лекин совет ҳукумати бир оз вақт ўтгандан сўнг, уларга “ўз хатоларини тузатиш” имкониятини бериб, раҳбарлик лавозимларида ишлашга рухсат берган эди. Бироқ, миллий раҳбарлар ўлканинг тараққиётини унинг мустақиллигида кўрдилар ва ўз қарашларида мустаҳкам туришда давом этдилар.

Назир Тўрақулов нафақат сиёсий арбоб, балки тилшунос олим сифатида ҳам таниқлидир. У турк, форс, араб, рус, немис ва француз тилларини яхши билган. Республика ва вилоят газеталарида мақолалари билан қатнашиб турган. Унинг ноширлик ва элчилик фаолияти ҳаётининг кейинги даврига тўғри келган. Кўпгина миллий раҳбарлар қатори Назир Тўрақулов ҳам қатағонлик тўлқинидан қутулиб қолмади ва 1939 йилда отиб ташланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 20-йилларнинг бошларида ўлка партия-давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига миллий кадрлар жалб қилинган эди. Улар орасида таниқли давлат

ва жамоат арбоби Қайғусиз Отабоев (1887-1937) ҳам бор эди. Ўз сиёсий фаолияти давомида Қ.Отабоев Марказнинг айримачилик, шовинистик сиёсатига қарши бир неча бор ўзининг дадил фикрлари билан чиқди. У Марказ томонидан юборилган эмиссарларнинг маҳаллий халқларга нисбатан қўллаётган усуллари танқид қилиб, Россиядан келган ходимлар туб аҳолининг ўлкани мустақил бошқара олиш қобилиятига ишонмаётганликлари, ўзлари эса Туркистоннинг турмуш-шароитларини яхши билмасдан туриб, ҳокимиятнинг маъсул лавозимларига даъвогарлик қилишлари ҳақида ТКП Советларининг X қурултойи минбаридан туриб гапирган эди.

Қ.Отабоев миллий раҳбарлардан биринчилар қаторида қаршилик ҳаракатига тўғри баҳо берган. Унинг 1922 йил 18 июлда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг VI пленумида қилган маърузаси кескин танқидий ва очикдан-очик қаршилик руҳида эди. Отабоев қаршилик ҳаракатига ”ҳарбий йўл билан йўқ қилиб бўлмайдиган халқ қўзғолони” деб баҳо беради ва ушбу ҳаракат иштирокчилари билан сиёсий ва иқтисодий усулларни қўллаб, тинч музокаралар олиб бориш таклифини киритади. Шундан сўнг, 1922 йилнинг сентябрида Самарқанд вилоятида большевиклар тузумига қарши курашаётган Баҳромбек кўрбоши билан тенг асосда тинчлик шартномасини имзолагани учун Қ. Отабоев, А. Раҳимбоев, А. Серғозиевлар лавозимларидан бўшатилади.

Қайғусиз Отабоевнинг қисмати ҳам ўша йиллардаги миллатпарварлар сингари аянчли тугади, у 1937 йилда мустабид тузум томонидан ноҳақ қатағонга учраб, отиб ташланади.

Миллатпарвар раҳбарлардан яна бири, етук давлат арбоби Иномжон Хидиралиевдир (1891-1928). Иномжон Хидиралиев ҳам маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилган миллий раҳбарлардандир. У 1922 йилнинг охирида Бутунроссия МИҚга махсус хат билан мурожаат қилиб, “Маҳаллий аҳолининг барча қатламларини совет ишларига жалб қилишга, бу ишларни аҳолининг миллий турмуш тарзига мослаштирган ҳолда амалга оширишга, Туркистонда иш юритишни маҳаллий аҳоли тилига ўтказишга” эътиборини қаратган эди. И.Хидиралиев фикрича, октябрь тўнтаришидан сўнг деярли 5 йил ўтган бўлса ҳам, қўйдан юқоригача бошқарув аппаратларида асосан европалик кишилар ўтирганлиги маҳаллий аҳолида мустамлакачилик

сиёсати советлар даврида ҳам давом этмоқда деган хулосани келтириб чиқармоқда. Бошқарув идораларида ўтирган европаликлар асосан Россия шароитидан келиб чиққан кишилар бўлиб, маҳаллий аҳоли тили, урф-одатини билмайдиган, деҳқончилик ва чорвачиликда машғул бўлган кўплаб аҳоли хусусиятига мос мафкуравий қарашларни тушунмайдиган шахслардир. Бу эса ўз навбатида империя давридаги бюрократик давлат аппаратида ўхшаб қолган бошқарув аппаратини тез орада маҳаллий халқлар руҳияти ва турмушига мослаштиришни тақозо қилади. Хидиралиевнинг ушбу таклифлари билан Марказ қисман бўлса ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлди. 1923 йилдан бошлаб иш юритиш асосан туб миллатлар тилларида олиб бориладиган бўлди.



**Акмал Икромов – Ўзбекистон
Компартияси биринчи котиби**

И.Хидиралиевнинг хаёти 1928 йилда фожиали тарзда тугайди.

Совет тузуми давридаги миллий раҳбарлар устида сўз борар экан, давлат ва сиёсат арбоби Акмал Икромов(1898-1938) фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. А.Икромов совет ҳокимиятига содиқлик билан хизмат қилди.

Унинг ер-сув ислоҳоти ва жамоалаштириш хусусида билдирган фикрлари бунинг ёрқин далилидир. Ер-сув ислоҳотини ўтказишдан мақсад нима деган саволга Акмал Икромов: “ер бир гуруҳ бойлар тўдаси қўлида тўпланиб қилди,...бой хўжаликларни тугатмасдан туриб, пахтачиликни ривожлантириб бўлмайди” деган эди. Шунингдек, у “18лар гуруҳи”, “иноғомовчилик”ка қарши чиқишлар қилиб, уларни миллатчиликда айблайди ва уларга қарши кураш олиб боришга чақиради. 20-йилларнинг охири-30 йилларнинг ўрталаридаги бир қатор катағонлар учун Акмал Икромов ҳам жавобгардир. Лекин мустабид тузумнинг содиқ хизматчиси бўлган Акмал Икромовнинг ҳам 1938 йилда “халқ душмани” сифатида отиб ташланади.



Йўлдош Охунбобоев – биринчи ўзбек совет раҳбарларидан бири

Тадқиқ қилинаётган даврдаги давлат арбобларидан яна бири Йўлдош Охунбобоев ҳисобланади (1885-1943). У 1926-27 йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш марказий комиссияси раиси сифатида иш олиб борган, Фарғона вилояти ҳамда республика қишлоқ хўжалигини тиклашда иштирок этган. Йўлдош Охунбобоев 1943 йилда Тошкентда вафот этган.



**Файзулла Хўжаев –
Ўзбекистон ССР ҳукумати
раиси**

Шу даврдаги кўзга кўринган давлат арбоби - Файзулла Хўжаевдир (1896-1938). 1920 йили инқилобчи Ёш бухороликлар Туркистон марказий бюроси раиси, 1920-24 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Кенгашининг раиси (шунингдек, Ташқи ишлар, Ҳарбий ишлар нозири) бўлиб ишлаган. Файзулла Хўжаевнинг фаолияти ниҳоятда мураккаб сиёсий вазиятда ўтган.

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлардан қониқмаганлигини у ўзининг бир қанча танқидий чиқишларида билдиради. Масалан, 1924 йилдаги большевикларнинг миллий-худудий чегараланишига қарши ўз фикрларини илгари сурган, “Бухоро инқилоби тарихига доир” асарида Файзулла Хўжаев жаҳидчиликка ҳолис баҳо беришга ҳаракат қилган.



Қатағон қурбонлари музейи

Ушбу асардаги жади́дчиликнинг ижтимоий моҳиятига ижобий муносабати ва жади́дчиликни ижтимоий-инқилобий ҳаракат сифатидаги қарашлари хато деб баҳоланди. Файзулла Хўжаев ҳам мустабид тузумнинг қатағон қурбонларидандир.

У 1937 йил Москвада “халқ душмани” сифатида камокқа олиниб, 1938 йилда отиб ташланган.

20-30 йилларда кўзга кўринган миллий етакчи - Абдулла Раҳимбоевдир (1896-1938). Абдулла Раҳимбоевнинг сиёсий фаолияти ерқирра бўлиб, мустабид тузум сиёсатига қарши дадил чиқишлари бунинг ёрқин ифодасидир. Масалан, у 1921 йилнинг декабрида бўлиб ўтган РСФСР Советларининг IX қурултойи минбаридан туриб, совет ҳукуматида очикдан-очик “Туркистондаги советларнинг жазолаш сиёсати ҳар қандай чегаралардан ўтиб тушди. Фарғона вилоятидаги жазо отрядлари эса мутлақо мухтор ҳолатда, ҳеч ким билан, партия органлари билан ҳам, совет органлари билан ҳам ҳисоблашмасдан, турли шубҳали шахсларни хизматга олиб ҳаракат қилмоқдалар” деган баёнот билан чиқди. Лекин, бундай тарзда советлар сиёсатини танқид қилиш кечирилмас эди ва 1922 йилда ишда йўл қўйилган “қўпол хатолари” учун ТАССР МИҚ раиси А.Раҳимбоев лавозимидан четлаштирилди. Бироқ вақт ўтиши билан Марказ унга “ўз хатоларини тузатиш” имконини беради ва яна раҳбарлик ишига жалб қилади.

А.Раҳимбоев РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси ҳамда ТКП МҚнинг маъсул котиби сифатида миллий-худудий чегараланишни ўтказишнинг тепасида турди. 1924 йилнинг феврида у Бухорога юборилади ва бу ердаги БХСР раҳбар ходимларининг кенгашида миллий-худудий чегараланиши тўғрисида маъруза қилди. 1924 йилнинг 10 мартда Туркистон Компартияси МҚси ва Туркистон МИҚ раҳбар ходимларининг кенгашида ҳам маъруза қилиб, Раҳимбоев миллий-худудий чегараланишни “...нисбатан маъқул тарзда, оғриқсиз усуллар” билан ўтказиш кераклигини уқтирди.

Абдулла Раҳимбоевнинг қисмати ҳам миллий етакчиларники каби қатағон тўлқинлари авж олган пайтда ҳал қилинди. У 1938 йилда қурбон бўлди.

Туркистон халқларининг илдизи бир, деган ғоя авлоддан-авлодга ўтиб, миллий етакчилар, жамоат арбоблари ва миллий зиёлилар қарашлари ҳамда фаолиятларида ўз аксини топиб келган. Тарихан таркиб топган учта давлатни тугатиб, ўрнига янги тузилмаларни вужудга келтириш марказ ва ўлкадаги болшевистик раҳбарлар ташаббуси бўлди. 1920 йил бошидаёқ Турккомиссия Туркистон АССРни бўлиб ташлаб, миллий тил белгисига қараб мухтор республикалар ташкил қилиш масаласини қўйган эди. Бу ўша йили июн ойида РКП (б) нинг Туркистонга оид қабул қилган ҳужжатларида ўз аксини топди. Ленин Туркистоннинг “Ўзбекия, Қирғизия, Туркмания” га бўлинган харитасини тузиш кераклигини уқтирди. Бу режанинг амалга ошиши қаршилик ҳаракати туфайли бир оз кечикди. Туркистонни миллий жиҳатдан қайта чегаралаш марказ ва РКП(б) Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда қатъийлик билан амалга оширилди.

1924 йилда миллий-худудий чегараланиш натижасида Ўрта Осиё харитасида иттифоқдош республикалар билан бирга мухтор тузилмалар ҳам пайдо бўлди. Шулар орасида Қорақалпоғистон мухтор вилояти ҳам бор эди. Ушбу вилоят Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибида бўлиб, унга волостлардан иборат Тўрткўл, Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот округлари кирди. 1925 йил 12-19 февралда вилоят маркази Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилояти советларининг биринчи қурултойи “Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил топганлиги тўғрисида Декларация”ни қабул қилди ва “қорақалпоқ миллий давлатчилиги” ташкил этилганлигини қонуний расмийлаштирди. Қорақалпоғистон автоном вилояти ижроия қўмитасининг раиси этиб А.Қудабоев сайланди. Қорақалпоғистонда яшайдиган асосий элатлар қорақалпоқлар-38,5%, ўзбеклар-28,7%, қозоқлар-28,6%дан иборат эди.

Қорақалпоғистон Мухтор вилояти ташкил этилгандан сўнг, совет ҳукумати бу ерда ҳам социалистик қурилишни авж олдириб юбордилар. Жумладан овул ва қишлоқларни советлаштириш кенг миқёсда олиб борилди. Советларга батрак ва камбағаллар сайланиб, уларнинг асосий қисмини коммунист ва комсомоллар

ташкил қилди. Мамлакатда вайрон бўлган саноатнинг турли соҳалари, қишлоқ хўжалиги ва суғориш ишларини тиклаш амалга оширилди. Қорақалпоғистон иқтисодиётининг тараққиёти бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган эди. Масалан, 1933 йилнинг 3 октябрида СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги Қорақалпоғистонни мамлакатнинг беда уруғи етказиб берувчи асосий базаси деб тан олган эди. Бунинг асосий сабаби мамлакат халқ хўжалигида иттифоқдош республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимоотида Қорақалпоғистонга олий сифатли пахта, беда ҳамда балиқ билан таъминлаб туриш юклатилганлигида эди.

Мухтор вилоят саноатининг етакчи тармоқларини пахта тозалаш ва балиқ-консерва заводлари ташкил этар эди. Саноатни юксалтириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди ва бу ерга кўп миқдорда қишлоқ хўжалик анжомлари келтирила бошланиб, бой ва руҳонийлардан тортиб олинган ерлар ҳисобига ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ер билан таъминланди.

1930 йилда Қорақалпоқ мухтор вилояти РСФСР таркибига киритилди. 1932 йилнинг 20-мартида эса, СССР МИҚ Раёсати “Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва уни РСФСРга кириши тўғрисида” қарор қабул қилди. Ўша йилнинг май ойида автоном республика Советларининг I Таъсис қурултойи ҳукуматни тузди. Унда ҚҚАССР МИҚ раиси этиб, К.Нурмухамедов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси этиб эса Қ.Авезовлар сайландилар. 1936 йилда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди ва унга кўра ҚҚАССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бунинг асосий сабаби ҳудудий яқинлик, ягона тарихга эга бўлганлиги деб эътироф этилди. 1937 йил 12 февралда ЎзССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Ўша йилнинг 6 мартида эса, ҚҚАССРнинг янги Конституцияси эълон қилинади. Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибида ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ва унинг моҳияти

Большевикларнинг “ҳарбий коммунизм” сиёсати иқтисодийни бошқаришда номақбул эканлигини кўрсатди. Хусусан, Совет Россияси асосан 1921 йил бошларидан тинч қурилиш йўлига ўтгач, бу сиёсат яроқсиз эканлигини большевиклар партияси раҳбариятининг бир қисми ҳам тан ола бошлади. Асосий мақсадга эришиш учун “тактик ён беришларга уста” бўлган совет давлати ва коммунистик партиянинг раҳбари В.И.Ленин “социалистик қурилиш” нинг янги андозасини жорий қилиш керак, деган фикрга келди. У ўз сафдошларини “чекинишга”, “қайта гуруҳланиш” га, “ҳарбий коммунизм” сиёсати даврида бўлган “штурм ва тазйиқ ўтказиш” нинг кескин усулларидан воз кечишга чақирди. В.И.Лениннинг ўзи ҳам “ҳарбий коммунизм” сиёсати хато бўлганлигини тан олиб, 1921 йил 17 октябрда қилган “Янги иқтисодий сиёсат ва сиёсий – оқартув муассасаларининг вазифалари” номли маърузасида бундай эътироф этган эди: “Қисман бизнинг устимизга ёприлиб келган ҳарбий вазиятлар таъсирида ва ўша маҳалда, империалистик уруш тамом бўлаётган вақтда республика жуда оғир аҳволда қолганлиги таъсирида, мана шу ва бир қанча ҳоллар таъсири билан тўғридан-тўғри коммунистик ишлаб чиқаришга ва тақсимотга ўтишга қарор қилиб хато иш қилган эдик”.

Немис тарихчиси Л.Люкс ўзининг “Россия ва Совет Иттифоқи тарихи: Лениндан то Ельцингача” номли асарида совет Россиясида 1921-1922 йилларда юз берган даҳшатли очарчилик тўғрисида гапириб, бу ҳолатни “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг натижаси деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, большевистик режимни “ҳарбий коммунизм” системасидан воз кечиши жуда қийин бўлди. Деҳқонларни оммавий равишда эксплуатация қилиниши натижасида мамлакат тарихидаги энг йирик очарчилик 1921-1922 йилларда (янги иқтисодий сиёсат даврида) бўлиб, бунинг натижасида тахминан 5 млн. киши ҳалок бўлди. Совет ҳокимияти ўзининг “синфий капиталистик душманлари” дан ёрдам сўрашга мажбур бўлди: ўз кучлари билан 30 млн (баъзи бир манбаларда – 40 млн) очларни у боқишга қодир эмас эди. Режим ҳатто муҳожирликдаги мустақил рус жамоатчилиги қатнашчиларига очарчиликни тугатиш учун иштирок этишларига руҳсат берди. 1921 йил 21 июнда ҳукумат Бутунроссия очларга ёрдам комитети (Помгол) ташкил топганлигини қувватлади. Бу комитетни ташкил қилишда большевиклар томонидан

таъқиқланган кадетлар партияси йўлбошчилари – Е.Кускова, С.Прокопович ва Н.Кишкин марказий роль ўйнашди.

Янги иқтисодий сиёсат даврида очарчилик Россиянинг марказий губернияларидан ташқари Туркистон АССРнинг Фарғона, Самарқанд, Ёттисув вилоятларида ҳам бўлди. Хусусан, Фарғона ва Ёттисув вилоятларида очарчилик даҳшатли оқибатларга олиб келди. Бу пайтда одамхўрлик (каннибализм) учрай бошлади.

Тошкент янги шаҳар. Кадетлар корпуси.



“Социалистик жамиятни барпо этиш” вазифасини амалга оширишга янги тактик ёндошувлар РКП(б)нинг X съездида (1921 йил март) расман қабул қилинган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) да ўз ифодасини топди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш; савдо-сотикни эркинлаштириш; саноат, майда ҳунармандчилик соҳалари ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликка рухсат бериш; бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш; ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди. Озиқ-овқат солиғи 8 та натурал солиқдан таркиб топган эди.

Бироқ янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш жараёнида чуқур зиддиятлар намоён бўлди. Уларнинг энг асосийси янги иқтисодий сиёсат принципларини ҳукмрон коммунистик мафкура ғоясига мос келмаслигида кўринади. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси социализм манфаатларига ва совет тузумини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим эди, бироқ коммунистик таълимотда мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик, иқтисодий ва сиёсий фикр эркинлиги инкор этиларди.

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг зиддиятлари уни Туркистонда амалга оширишда яққол кўзга ташланди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсат бир қатор йўналишлар бўйича марказий Россия губернияларига нисбатан бирмунча кечроқ ўтказила бошланди. Туркистон ўлкасида “ҳарбий коммунизм” сиёсатининг таъсири кучли эди. Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли Туркистон Компартиясининг VI съезди (1921 йил август) ва Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил сентябр) қарорларида тасдиқланди. Уларда ўлканинг иқтисодий ривожланиши совет тузумининг мустаҳкамланиши ва социализм қурилиши билан боғланди. Буларнинг ҳаммаси соғлом бозор муносабатлари намоён бўлиш имкониятларини чеклар, мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларига тўсиқ бўлар эди.

Туркистон АССР МИК 1921 йил апрель-май ойларидаёқ республикада янги иқтисодий сиёсатни ўтказишга оид қатор қарорлар қабул қилган эди.

Хўжалик бошқарувининг янги шароитларига ўтиш бошқарув соҳаларини қайта қуриш ва ташкил қилиш билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Туркистон ўлкаси иқтисодиётини дастлаб ТАССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) бошқарар эди. 1921 йил январ ойида ЦСНХ бошқарувида 857 та корхона мавжуд бўлган. 1921 йил март ойида Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС ёки Турк ЭКОСО) ташкил қилинган. Туркистон АССР МИК ва ХКСнинг 1921 йил октябрдаги қарори билан унга Туркистон Республикасининг хўжалик қурилишига режали раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши қарорлари ўлканинг олий хўжалик органи сифатида барча комиссарликлар ва ташкилотлар учун мажбурий қилиб белгиланди.

Хуллас, 1921 йилнинг февраль ойида Туркистондаги республика иқтисодиётига раҳбарлик қилиш учун Тошкентда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС), областларда эса область иқтисодий кенгашлари тузила бошлаган эди (улар область ижроия кўмиталари бўлимларининг ҳуқуқларига эга бўлган).

1921 йил 14 мартда Туркистон АССР МИК нинг марказий ва маҳаллий иқтисодий органларни бирлаштириш тўғрисидаги қарори чиқди. Бу сана Туркистон Иқтисодий Кенгаши ташкил топган расмий кун ҳисобланади.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсат олиб борилаётган шароитда Туркистон Иқтисодий Кенгаши Туркистон АССР

худуддидаги олий бошқарув органи сифатида ўзига хос маъмурий тизимдан иборат бўлиб, марказий, область ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташкил топган эди.

1921 йил 6 октябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ТЭС фаолиятини кучайтириш мақсадида “Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳақида” Низом қабул қилинди. Унга кўра, Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС) Туркистон халқ хўжалиги курилишида, иқтисодий коммисариатлар фаолиятини умумий бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш учун, шунингдек, ягона халқ хўжалиги режасини ўтказиш ишини РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши билан мувофиқ тарзда тузиш учун ХКС қошида жорий этилди.

У ХКСнинг доимий комиссияси ҳуқуқига эга бўлган ҳолда Туркистон АССР худудидаги олий хўжалик бошқарув идораси бўлиб, фаолияти давомида Туркистон ХКС ва Туркистон МИК олдида жавобгар ҳисобланарди.

Туркистон Иқтисодий Кенгаши тузилганидан кейин қарийиб олти ой ўтгач бўлиб ўтган Туркистон Советларининг X съезди (1921 йил 21-25 август) бу ташкилотнинг фаолиятида ўзгариш ясади ва уни ўзининг асосий вазифасини бажаришга йўналтирди. Бу ташкилот тўлиқ равишда Москванинг фармойишлари асосида иш юритди.

Туркистон Иқтисодий Кенгаши таркибий тузилмасини Туркистон АССР областлари: Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Туркман (аввалги Закаспий), Етисув ҳамда Амударё бўлими иқтисодий кенгашлари ташкил қилар эди. Область иқтисодий кенгашлари ўз навбатида уезд иқтисодий кенгашларига бўлинган.

1921 йил 20 апрелда Туркистон АССР МИК озиқ-овқат, е-хашак ва хом ашё развёрсткасини натурал солиқ билан алмаштириш тўғрисида декрет қабул қилган эди. Аста-секин қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Россиядан маҳаллий саноат учун асбоб-ускуналар кела бошлади. Шаҳарларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўрта ва майда корхоналар, савдо шохобчалари ва бошқалар ижарага берилди. Иқтисодиёт либераллаштирилди, укладлараро алоқалар қайтадан тузилди. 1921 йил ёздан ер-сув ислоҳоти ўтказила бошланди. Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хом ашё етказиб берувчи соҳаларни, шунингдек, йирик корхоналарни

давлат тасарруфида қолдирди. Хусусий капитал билан акционерлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рухсат берилди. Лекин шундай бўлишига қарамадан Туркистон саноатида давлат секторининг улуши бу пайтда мутлоқ кўпчилик - 93.1 фоизни ташкил қиларди.

Туркистон халқ хўжалиги инқироздан жонланиш томон аста-секин юз бурди. Бунда совет ҳукуматининг либераллаштириш сиёсати анча таъсир қилди. Янги иқтисодий сиёсат муносабати билан Туркистон республикаси иқтисодиётида пайдо бўлган силжишлар, ижтимоий хўжалик соҳасидаги ўзгаришлар бу ерда большевиклар сиёсатининг бир оз юмшаганлигидан далолат беради.

Янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки натижалари Туркистон АССР МИКнинг II сессияси (1922 йил февраль)да муҳокама қилинди. Сессияда Туркистон Иқтисодий Кенгашининг иқтисодий сиёсат ва ягона хўжалик режаси тўғрисидаги маърузалари тингланди. Туркистоннинг иқтисодий аҳволини муҳокама қилиш республиканинг хўжалик ҳаётида айрим силжишларга эришилганлигини кўрсатди.

Бу даврда Туркистон ўлкаси ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўла-тўқис равишда Марказга бўйсундирилди. Бу ҳол Бутун Россия МИК томонидан Туркистон республикаси учун чиқарилган ушбу декретда ҳам яққол кўзга ташланади. “Туркистон АССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги ўрнатган режа асосида иш олиб боради. Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши раиси ва Озиқ-овқат комиссари РСФСР нинг тегишли халқ комиссарлари розилиги билан Туркистон МИК томонидан тайинланади”.

Хўжалик ташкилотларининг Марказга бўйсундирилиши 1921 йилдаги Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашининг таркибий тузилиши схемасида яққол кўринади. Унда хўжалик қурилишидаги энг қуйи ташкилот – уезд Халқ хўжалиги кенгашлари (уезд совнархозлари) дан тортиб то Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашигача бўлган барча бўғиндаги функцияларни бажарувчи хўжалик ташкилотлари РСФСР ХКС ва Халқ Хўжалиги Олий Кенгашига бўйсунуши акс этган.

Туркистон республикасида халқ хўжалигини тиклашда янги иқтисодий сиёсат даврида ҳам бир қатор жиддий хатоларга

йўл қўйилди. Аввало янги иқтисодий сиёсат Туркистон АССР да нотекис амалга оширилди. 1921 йили Туркистонда экин майдонлари олдинги йилдагига қараганда анча кенгайтирилди. Бироқ кейинги уч йилда (1922-1924 йиллар) экин майдонлари яна қисқарди. 1924 йили Туркистон АССР нинг асосан ўзбеклар яшайдиган учта области (Фарғона, Самарқанд, Сирдарё)да экин майдонлари ҳам, суғориладиган экин майдонлари ҳам урушдан олдинги давр (1913 йил)нинг 60 фоизи атрофида эди. Хуллас, янги иқтисодий сиёсат дастлабки йилларда ўлка халқ хўжалигининг асосий соҳаси - қишлоқ хўжалигига суёт таъсир кўрсатди.

Туркистон республикасида саноат асосан икки йўл билан ривожланди: эски заводларни тиклаш ҳамда янги корхоналар ва соҳа тармоқларини ташкил этиш. Бунда биринчи галда пахтани қайта ишлайдиган корхоналар ва хом ашё тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

1921 йил 40 та пахта тозалаш ва 2 та ёғ заводи қайта тикланди. Тошкентда йилига 120.000 пуд канакунжут етказиб берадиган завод қурилиши тугалланди. 1923 йилга келиб, Туркистон республикасида 23 та, 1924 йили эса 95 та пахта тозалаш заводлари ишга туширилди. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот 57,8 млн рублни ташкил қилди. Тиклаш ишлари ёғ-мой саноатида ҳам юқори суръатлар билан борди. 1923 йил бу саноат корхоналари 61.000 пуд тоза мой ишлаб чиқарган бўлса, 1924 йилга келиб бу миқдор 201.000 пудни ташкил этди.

Бироқ шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Россия империяси даврида бошланган Туркистон ўлкасида пахта яккаҳоқимлиги сиёсати совет даврида янгича кўламда ривожлантирилди. Ўзбекистон ҳудудида пахта яккаҳоқимлигининг узил-кесил шаклланиши янги иқтисодий сиёсат даврига тўғри келади.

Туркистон ўлкасида 1922 йилнинг иккинчи ярми – 1923 йилнинг бошларидан эътиборан хўжаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби янги иқтисодий сиёсатни янада амалий тарзда рўёбга чиқаришга қаратилган чоралар бўлди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлаш соҳасидаги қонунчилик мажмуида Туркистон АССР Советлари МИК нинг 1922 йил 11 апрелдаги “Натура солиғи ҳақида” ги

қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарорга кўра деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди. Лекин орадан кўп ўтмай хўжаликнинг катта - кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий қилинди. Бу нафақат қишлоқдаги хўжаликнинг турли тоифалари, айниқса, камбағал батрақлардан олинадиган солиқни камайтирди, шу билан бирга ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий омиллардан фойдаланишга уриниб ҳам кўрилди.

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Лекин бу ўзгаришлар чекланган тарзда эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг чинакам моҳиятини намоён қилиш йўлидаги асосий тўсиқ Москвада 1921 йил 12 сентябрда ташкил этилган РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ҳузуридаги Пахта Бош Қўмитаси (Главхлопком) бўлди. Главхлопкомнинг пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта қўмиталари таъсис этилди. Туркистон пахтачилик қўмитаси (Туркхлопком) ҳам унинг таркибига киритилди. Туркистонлик маҳаллий раҳбар ходимлар пахтачиликда давлат монополиясини тугатиш зарурлигини бир неча марта кўтариб чиқдилар. Мазкур монополия пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлиш имкониятларига тўсиқ бўларди. Хусусан, Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссари Санжар Асфандиёров ўлкада пахтанинг давлат монополиясини тугатиш масаласини фаоллик билан ўртага қўйди. Янги иқтисодий сиёсат шароитида бу ишни амалга ошириш мантиқан тўғри бўлишини большевиклар тан олишга мажбур бўлди.

Туркистон АССР ХКСнинг 1922 йил 8 июндаги 121-сонли қарорига мувофиқ, Туркистон Республикасидаги барча пахтани қайта тиклаш корхоналари, ёғ-мой ва совун заводлари ҳамда пахта саноати маҳсулотлари ва пахта қабул қилиш пунктлари Туркистон пахтачилик Қўмитаси ихтиёрига ўтказилди. Қарорга биноан, пахтачилик қўмитасига катта ваколатлар берилди. Унга кўра, республикадаги маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳеч бир органи, ҳаттоки Марказнинг ваколатли органлари ҳам пахтачилик қўмитасининг хўжалик ишига ҳалақит қилмаслиги ва унинг кўрсатмаларини бажариши шарт эканлиги қатъий қилиб белгилаб қўйилди.

Умуман олганда, Пахта Бош Қўмитаси ва унинг маҳаллий қўмиталари ташкил этилиши натижасида пахта етиштиришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ягона ташкилот доирасида марказлаштирилди. Бу бошқарма ўз фаолияти давомида пахтачиликни қайта тиклаш ишлари баробарида давлат пахта яккаҳокимлигини амлда жорий этиш ва уни ривожлантириш ҳамда Марказ манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари билан ҳам узвий равишда шуғулланди. Шу билан бирга, у янги иқтисодий сиёсат шароитини ҳам ҳисобга олишга мажбур бўлди.

1923 йил январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда: “Республика ичида пахтани харид қилиш давлат монополияси бекор қилинсин”, дея белгиланди. Шу билан бир вақтда пахтанинг қатъий давлат харид нархи бекор қилинди, чунки у пахта етиштириш харажатларини қопламас эди. Пахтакор деҳқонларни саноат товарлари билан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Уларга ёлланма меҳнатдан фойдаланишга руҳсат этилди, улар сув билан биринчи навбатда таъмин этиладиган бўлди, от-улов солиғидан, айрим ночор хўжаликлар озиқ-овқат солиғидан озод қилинди.

Туркистон республикаси раҳбарларидан бири И.Е. Любимов совет ҳокимиятининг пахта сиёсатини куйидагича ифодалаган эди: “Туркистон ёппасига пахта майдонига айлантирилиши лозим, бунинг учун ғалла экиладиган майдонлар ниҳоятда қисқартирилиши зарур”.

1921-1922 йилларда Туркистон АССР да ўтказилган ер-сув ислоҳоти қишлоқ аҳолисининг аҳволини яхшилашга айтарли ижобий таъсир кўрсатмади. Бунинг устига бу йилларда аҳолидан озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш давом этди. Аҳолидан озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни зўрлаб йиғиб олиш натижасида Туркистонда 1922-1923 йилларда очарчилик қайтадан бошланди. Масалан, Фарғона областида 500.000 киши, Самарқанд областида 30180 киши, умуман, республикада 600.000дан ортиқ киши очарчилик ва қашшоқликни ўз бошидан кечирди. Кўплаб хўжаликлар вайрон бўлди. Шунинг учун ҳам Фарғона областидаги аҳволни ўрганиб чиқиш ва кўмак бериш учун 1922 йилнинг ёзида махсус комиссия тузилди. Махсус очарчилик солиғи жорий қилинди. Улар томонидан аҳолига турли даражада ёрдам кўрсатилди. Аммо шаҳар ва туман марказларидан олисдаги қишлоқ аҳолисига бу гал ҳам ҳеч қандай

мадад берилмади. Шу боис қишлоқларда портлаш юз бермаслигини олдини олиш мақсадида очарчилик солиғи 1923 йил январда бекор қилинди.

Солиқ ишлари тартибга солиниб, хилма-хил кўринишдаги озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтила бошланди. 1923 йил ўрталарида Фарғона областидаги деҳқон хўжаликларидан олинадиган ягона қишлоқ хўжалик солиғи ҳажмини ярмига қисқартириш, майда чорвадор хўжаликларни солиқдан батамом озод қилиш ва бир мунча йирикроқ хўжаликларга солинадиган солиқлар суммасини 50 фоизга камайтириш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Хусусий ва хўжалик фаолиятининг ижара, ёллаш, артелларга бирлашиш ва ҳоказолар сингари хилма-хил шакллари бўлиши тан олинди.

Янги иқтисодий сиёсатни амалга оширишда банклар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Совет ҳокимияти бундай банкларни Марказий Россиядан ташқари Ўрта Осиё республикаларида таъсис этишига тўғри келди.

1921 йил 12 январда РСФСР ХКСнинг декрети билан РСФСР Давлат банки ташкил қилинган эди. 1921 йил ноябрда Тошкентда Давлат банкининг Ўрта Осиё контораси (идораси) иш бошлади. 1922 йилда Ўрта Осиё конторасининг йиллик сармояси 25 млн рубль бўлган.

1923 йилнинг май ойида РСФСР ҳукумати Давлат қишлоқ хўжалик банкини таъсис этди. Тез орада унинг филиаллари Туркистон АССРда ҳам таъсис этилди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки (Сельхозбанк) деб номланган бу банкнинг олтин ҳисобидаги капитали 3 млн. рублни ташкил этган. Бу пул кредит ширкатларига бирлашган деҳқонларга қарз бериш учун мўлжалланган эди. Қишлоқ хўжалик банки кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали амалга оширар эди. Бундай ширкатларнинг сони ортиб борди. 1923 йил охиридаёқ улар 3 баробар кўпайиб, 1169 тага етди ва унинг маблағлари олтин ҳисобида 58, 8 млн. рублни ташкил этди. Хуллас, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки кредитларидан фойдаланадиган барча хўжаликларнинг сони 28.000 дан ортиқ эди.

1924 йил 31 январда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Ўрта Осиё Коммерсия (тижорат) банки (Средазкомбанк)ни таъсис этди. Бу банк айрим ҳужжатларда қисқача қилиб Осиё банки деб ҳам юритилади.

Бундан ташқари Тошкентда СССР Савдо-саноат банкининг Ўрта Осиё контораси, Бутунроссия Кооператив банкининг Ўрта Осиё контораси (Всекобанк) каби банклар ҳам фаолият кўрсатган.

Янги иқтисодий сиёсат ислохотларини саноат соҳасида қўлланишининг таркибий элементларидан бири “давлат капитализми” ғояси эди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шакллари вақтинча тиклашни назарда тутарди, бироқ муҳим воқеалар, биринчи навбатда оғир ва йирик саноат социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлган давлат қўлида шаклланаётган эди.

Саноат ишлаб чиқаришининг социалистик секторида етакчи бўлган янги иқтисодий сиёсат йўналиши саноатда ва корхоналарда қатъий режалаштиришни ва хўжалик ҳисобини жорий этиш асосида бошқарувни кенг миқёсда қайта қуришга қаратилди.

1921 йилга келиб саноатни пул билан таъминлаб туриш учун зарур маблағлар етишмай қолганлиги сабабли соҳага раҳбарлик қилиш қайта ташкил этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад йирик ва давлат аҳамиятига молик бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришни марказлаштириш, аниқ хўжалик ҳисобини ўрнатиш ва уларни хом ашё билан таъминлаш, фойда келтирмайдиган корхоналарни ёпиш, ижарага бериш ва майда ҳунармандчилик саноатини ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат эди.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари сифатида марказлаштирилган трестлар давлатнинг саноатни қайта ташкил этиш сиёсатида энг мақбул шакл деб эътироф этилди. 1921 йилда ана шундай трестлардан 10 таси ташкил этилиб, уларга хўжалик ҳисобига ўтказилган 99 та йирик корхона бирлаштирилди. Бу трестлардаги ишчилар сони 5557 нафарни ташкил этган.

1921 йилда Хилково цемент заводи қурилиши якунланди. Фарғона пиллачилик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектростанция барпо этила бошланди. Шу билан бирга бу вақт ичида РСФСР ХКС қарорига биноан Россиянинг марказий саноат районларидан Туркистон ўлкасига пиллачилик, тўқимачилик, қоғоз фабрикалари учун асбоб-ускуналар, тери ва совун заводлари учун керакли нарсалар келтирилди. Айни вақтда

уларнинг ишини йўлга қўйиш учун ҳудудга ишчи ва мутахассислар юборилган эди.

Иқтисодий ўсиш суръатлари 1923 йилнинг бошидан бошлаб саноатда айниқса кўзга ташлана бошлади. Туркистон АССР да 1923 йил нефть ишлаб чиқариш олдингига қараганда 60 фоиз, ун ишлаб чиқариш 66 фоиз, виночилик 70 фоиз, қанд ишлаб чиқариш 90 фоиз кўпайди.

Саноатни қайта тиклаш даврида саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган муайян корхоналар ташкил этиб борилди, бюджетдан маблағлар ажратилди, шу билан бирга, Марказ саноат фабрикаларининг ёрдами билан ишчилар синфини шакллантириш ҳаракатларини амалга оширди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳукмрон большевиклар партияси ва Марказ манфаатларига қаратилган эди. Ўзбек халқининг табиий бойликлари, унинг меҳнати доимий равишда совет тузумига хизмат қилишга томон йўналтирилди. Туркистон ўлкаси арзон пахта хомашёси ва саноат учун керакли бошқа хом ашё турлари етказиб бериши, сўнгра бу хом ашё турларидан тайёрланган турли саноат маҳсулотларидан олинадиган фойда эса Марказда қолиши керак эди. Бу ҳолат Ўзбекистон ССР тузилгач ҳам , ўзгармасдан давом этди.

Ўзбекистон раҳбарияти Марказнинг тарғиботчилик ваъдаларига ишонса-да, ўз халқининг туб манфаатларидан келиб чиқиб, дарҳол республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги, Россия империяси давридагидан фарқли равишда шаҳар ва қишлоқдаги ишлаб чиқаришни техникавий асосда тубдан қайта қуриш масаласини қўйди. Хусусан, маҳаллий хом ашёни, аввало пахтани қайта ишлашга мўлжалланган саноат тармоқларини вужудга келтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун биринчи галда тўқимачилик саноатини вужудга келтириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси II съездида (1925 йил ноябрь) республика раҳбарияти съезд минбаридан фойдаланиб, ўз саноатини биринчи навбатда, тўқимачилик саноатини тиклаш зарурлигини ошкора маълум қилди, бу “маҳаллий аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шунингдек, уларни кейинчалик қўшни мамлакатларга ҳам етказиб бериш”га мўлжалланган эди.

Ёш республиканинг Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумати асосли равишда ўйлаганидек, тегишли иқтисодий ёрдам кўрсатилган тақдирда Ўзбекистон ўзида етиштирилган хом ашёни мустақил равишда қайта ишлаб, ундан тўлақонли тайёр маҳсулот тайёрлашга, бевосита ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатишга қодир бўларди. Биринчи қарашда, саноатлаштиришнинг бошланиши билан гўёки бу долзарб вазифани ҳал қилиш бўйича амалий қадамлар қўйилаётгандай эди. Масалан, “фактик тенгсизлик”ни бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларга биноан, биринчи навбатда, Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш дастурини ресурс билан таъминлаш сезиларли даражада кўпайди. Бироқ ўзининг иқтисодий ва ижтимоий тақдирини ўзи белгилашга, ишлаб чиқариш тармоқлари ва турларининг мувозанати ва нисбатларини тартибга солиш муаммоларини мустақил ҳал этишга бундай интилиш Иттифоқ раҳбариятининг шовинистик манфаатларига бутунлай зид келарди. Иттифоқ раҳбарияти шиор даражасида эмас, балки реал ҳаётда ўлкадаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг мустақиллаштириш тизимини мустақамлашга асосланарди.

Совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ҳамда иқтисодий марказлаштириш сиёсатида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ташкилоти муҳим ўрин тутди. Бу ташкилот Марказнинг иқтисодий сиёсатини Ўрта Осиё республикаларида амалга оширди.

РКП (б) МК 1921 йил октябрь ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини хўжалик томонидан қайта тузилишини, бу республикалар билан совет Россиясининг хўжалик йўналишларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. 1922 йил 13 февралда РКП (б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йил 9 мартда РКП (б) МК Туркистон бюросининг 18-сонли мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини тайёрлаш учун С.И.Гусев раислигида комиссия тузилди. Бу конференция Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириши ва РСФСРдан юборилган фармойишлар асосида уни бошқариш режасини белгилаши керак эди.

1923 йил январ ойида РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий фаолиятини бошқариб туриш таклифини ишлаб чиқди. 1923 йил 5 мартда Тошкентда шу таклифлар асосида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I-иқтисодий конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда олий бошқарув масалаларида иштирок этиш учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаси ҳукуматлари томонидан вакиллар конференция фаолиятига Туркистон комиссияси номидан И.Е.Любимов раислик қилди. Конференцияда сўзга чиққан Н.Паскуцкий ўз маърузасида тўлиқ Марказ манфаатларини ҳимоя қилиб, Туркистонни Марказнинг хом ашё билан таъминловчи базасига айлантириш зарур, деган фикрларни баён қилди.

Конференция раиси И.Е.Любимов ўз нутқида конференция олдида турган мақсад ва вазифалар тўғрисида гапирар экан: “Бизнинг олдимизда турган асосий вазифа хўжалик соҳалари, ташқи савдо, ахборот ва алоқа йўллари, молия каби соҳаларни бирлаштириш ҳамда ягона бошқарувни жорий этишни талаб этади”, деб таъкидлади.

Конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлиб ўтган охириги мажлисида уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) ташкил қилинди. Конференцияда шу вақтдан бошлаб уч республиканинг иқтисодий фаолияти ва хўжалик режаларини ягона иқтисодий сиёсат доирасида бирлаштиришга қарор қилинди. Ўн кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (И.Любимов), Туркистондан 4 вакил (Т.Рискулов, Прибитков, И.Хидиралиев, Н.Паскуцкий), Бухородан 3 вакил (Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев ва б), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сайланди. Шундай қилиб, анжуманда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси этиб ТЭС нинг раҳбари Н.А.Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилганидан сўнг 1923 йилнинг апрель ва июнь ойларида БХСР ва ХХСР Нозирлар Шўроси қошида янгидан иқтисодий кенгашлар ташкил қилинди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши эса ўз фаолиятини давом эттириб, Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши

билан тенг ҳуқуқ асосида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг раҳбарлигида ишлай бошладилар.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз фаолиятида СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши олдида жавобгар ҳисобланган ва унинг ташкилий структурасига кирган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС)нинг ташкил қилиниши билан совет ҳокимияти Туркистон ўлкасини (Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларини) иқтисодий жиҳатдан бошқариш учун марказлашган иқтисодий ташкилотга эга бўлди. СЭС ўз фаолияти давомида Марказ топшириқларини бажарди ва унга хизмат қилди.

Ўрта Осиёда миллий - ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида дастлаб Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари иқтисодий кенгашлари ўз фаолиятини тўхтатди. 1924 йил 25 ноябрда эса Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) тугатилди ва унинг вазифалари СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллик бошқармаси ихтиёрига ўтказилди. Бироқ 1926 йил июль ойида бу бошқарма тугатилгач, 1926 йил 30 июлда СССР ХКС ҳузурида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО) қайтадан ташкил қилинди. Ўрта Осиё республикалари (Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон АССР) билан СССР ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишда, уларни Иттифок иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилашда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ўрни катта бўлди. Марказнинг мустамлакага асосланган иқтисодий бошқарув органи – СредазЭКОСО Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бошқарув тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнади. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бу вазифани бажариб бўлгач, 1934 йил 3 октябрда СССР ХКС ва ВКП (б) МК махсус қарори билан тугатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССРда 1925-1926 йилларда ЎзССР Иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) ҳам фаолият кўрсатган. Бу пайтда Ўзбекистон ССР нинг пойтахти Самарқанд шаҳрида бўлганлиги учун бу ташкилот ҳам шу ерда жойлашган эди. Ўзбекистон ССР Иқтисодий Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев бўлган.

1925-1928 йилларда янги иқтисодий сиёсат аста-секин бузила бошлади. Саноат ва қишлоқ хўжалигида қийинчиликлар кўпайиб қолди, режалаштирилган индустрлаштириш учун

маблағлар етишмас эди, товарлар танқислиги кескинлашди. Бу ҳолатни бутун Совет Иттифоқи бошидан кечираётган бўлса ҳам бироқ у Ўзбекистон ССР да яна ҳам кескинроқ намоён бўлди, чунки республика деҳқонлари саноат молларини олишда кўплаб қийинчиликларга учрар эди. Товар танқислигининг кучайиб бориши нарх-навонинг ошиб кетишига, рубль курсининг ўзгариб туришига олиб келди. Саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларининг ўртасида катта тафовут бўлиши деҳқонларнинг кучли норозилигига олиб келди.

1927 йили ғалла тайёрлашдаги қийинчиликлар муносабати билан баҳоларни тартибга солиш муаммоси яна кўндаланг бўлиб қолди. Бу нарса шаҳар билан қишлоқ, ишчилар билан деҳқонлар ўртасида катта зиддиятлар пайдо бўлиб қолганлигини кўрсатар эди. Совет давлати қишлоқ аҳолиси томонидан истъмол қилинадиган саноат молларига нисбатан юқори ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эса нисбатан паст баҳоларни қўйиб, деҳқонларни индустрлаштириш учун маблағ берадиган ўзига хос устама солиқ тўлашга мажбур қилди.

1928 йил 15 январь - 6 февралда ВКП (б) МК Бош котиби И.В.Сталин Сибирь ўлкасида ғалла тайёрлашнинг аҳволини назорат қилиш учун бу ерда бўлади. У Новосибирск, Барнаул, Омск ва бошқа шаҳарларда бўлиб, ғалла тайёрлаш компаниясига қаршилик қилаётганларни аёвсиз жазолашга чақиради.

Хуллас, Совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсатдан аста-секинлик билан бироқ қатъий равишда воз кеча бошлади. Хусусан, мамлакатда саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида бу сиёсат бутунлай тугатилди. СССР давлати ва большевиклар партиясининг раҳбари И.В.Сталин 1929 йил 3 ноябрда ёзган “Буюк бурилиш йили” мақоласида СССР да социалистик жамият қурилиши жараёнида давлат секторининг ҳал қилувчи роли тўғрисида ўз қарашларини баён қилди.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, янги иқтисодий сиёсат даврида Туркистон ўлкасида вайрон бўлган иқтисодиёт тикланди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида жонланиш юзага келди. Совет давлати раҳбарияти иқтисодиётни либераллаштириш ва сиёсий ён беришлар орқали мамлакатда социалистик давлат мулкидан ташқари мулкчиликнинг бошқа шакллари мавжуд бўлишига йўл қўйиб берди. Хусусий мулк ва бозор муносабатлари жамият

ҳаётига қайтадан кириб келди ва муҳим роль ўйнай бошлади. Туркистон АССР да ҳам бу даврда саноат корхоналари қайта тикланди. Янги завод ва фабрикалар қурилди, саноатнинг мутлақо янги тармоқлари вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига озиқ-овқат солиғининг жорий этилиши, бозорларнинг очилиши ва эркин савдога рухсат берилиши қишлоқ аҳолиси бўлган деҳқонлар турмушини анча яхшилади.

Бироқ совет ҳокимияти янги иқтисодий сиёсат давомида ҳам ўзининг пировард мақсадларидан воз кечмади. У иқтисодиётни марказлаштириш сиёсатини олиб борди. Туркистон ўлкасидаги саноат корхоналари Марказ манфаатларига хизмат қилиши керак эди ва шундай бўлди ҳам. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва унинг 10 йилдан ортиқ давом этган фаолияти натижалари шуни кўрсатадики, минтақадаги олий иқтисодий орган бўлган бу ташкилот Марказнинг кўрсатмалари асосида иш юритди ва унинг талабларини бажарди. Ўрта Осиё республикалари иқтисодиёти Марказ манфаатларига бўйсундирилди.

14. Аграр сиёсат. Коллективлаштириш.

Ўзбекистон ССРда “аграр инқилоб”нинг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон Компартиясининг 2-съезди (1925 йил ноябрь)да тасдиқланган эди. Бу жараён ЎзССР МИК нинг “Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида” ва “Ер-сув ислоҳоти тўғрисида” декретлари (1925 йил 2 декабр) билан бошланган эди.

1925-1929 йилларда ЎзССРда ер-сув ислоҳотининг 2-босқичи ўтказилди. Бу ислоҳот жойларда шарт-шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлди. Иккинчи босқичда 1927 йил Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи босқич - 1928-1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислоҳот амалга оширилган эди. Қабул қилинган декретлар асосида белгиланганидан ортиқ ерлар, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуролилари тортиб олинди. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар

ва бошқа мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки мусодара қилинди.

1929 йил кузидан СССРда қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбозлик усули билан коллективлаштириш (жамоалаштириш)га киришилган вақтда Ўзбекистонда аҳвол ана шундай эди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг “Ёппасига жамоалаштириш тўғрисида”ги қарори ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида”ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январ) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қулоқлаштириш компанияси 1930 йил февралдан бошлаб авж олган.

Айни пайтда қулоқларни синф сифатида тугатиш 1930 йил 1 февралда СССР МИК ва ХКС қарорларида ҳам расман қонунийлаштирилди. Қулоқларга қарши курашда уларнинг мол-мулкларини мусодара этиш ва ўзларини бошқа хуудларга сургун қилиш учун тегишли ташкилотларга ҳамда республикалардаги партия ташкилотларига тегишли ҳуқуқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси раҳбарларидан бирининг ВКП(б) МК Бош котиби И.В.Сталинга ёзган хатида Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёни ва колхозларни ташкил қилиш суръатлари ҳаддан ташқари ошириб юборилганлиги кўрсатилади. Ҳатто Андижон ва Қўқон (Фарғона) округларида ёппасига колхозлаштиришни 1931 йил баҳорида 100 фоизга бажариш эълон қилинади. Бундай натижаларга маъмурий босим ва деҳқонларни кўрқитиш орқали эришилган. Деҳқонларга қуйидагича дағдаға қилинган: “Овозингни чиқарма, агар колхозга кирмасанг нон ҳам, саноат моллари ҳам ололмайсан, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, райондан кўчириб юбориласан”.

Натижада деҳқонларни мажбурий рўйхатга олишга қарши фақат Фарғона водийсида эмас, балки бутун Ўзбекистон ССР ҳудудида оммавий норозиликлар ва кўзғолонлар бошланди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, жойларда райком ва қишлоқ совети ходимлари калтакланиб, ўлдирила бошланди.

Бундан ташқари колхозлар (жамоа хўжаликлари)ни ташкил қилиш жараёнида жуда катта хатоларга йўл қўйилди. Айрим совет ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилди. Бошқа бир

архив хужжатида келтирилишича, Ўрта Зарафшон округидаги Хатирчи районида 3 ойда фақат битта колхознинг раиси 20 марта алмаштирилган. Бундай аҳвол бошқа районлардаги ўнлаб колхозларда ҳам учраб турган.

Ўзбекистонда колхозлар ва совхозлар (давлат хўжаликлари) ташкил қилиниши даврида чорва молларини умумлаштириш жараёнининг бошланиши билан чорва молларининг миқдори кескин камайиб кетди, уларнинг бозордаги нархи тушиб кетди. Чунки аҳоли хонадонидида мавжуд бўлган чорва молларини кўп миқдорда оилавий эҳтиёж учун сўя бошлади, уларни оммавий сотиш бошланди. Бундан ташқари кўшни Афғонистон давлатига чорва моллари кўплаб ҳайдаб ўтилди.

Ўзбекистонда партиянинг коллективлаштириш сиёсатига барча масъул ходимлар хайрихоҳлик билан қарашмаган. Айрим раҳбар ходимлар ўша пайтларда ҳам бу сиёсатнинг нотўғри жиҳатларини тўғри кўра билганлар, унинг мудҳиш оқибатларидан келажак авлодларни огоҳлантиришган. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев колхозлаштириш борасидаги танқидий фикрларини шундай баён этган: “Биз ўзимизни кучимизга мос бўлмаган суръатда иш юритдик. Ўрта Осиё районлари, хусусан, Ўзбекистонга хос хусусиятларни ҳисобга олмадик. Ўзимизнинг тайёргарлигимизга ортиқча баҳо бериш, колхоз шаклларини қориштириб ва ошириб юборганимиз ҳам кўшилиб вазият янада чуқурлашиб борди. Бизда яна носоғлом мусобақалашиб ҳам бўлиб ўтди. Деҳқонлар бу суръатларга тушунмади ва умуман колхозлаштириш тузукроқ ташвиқот ҳам қилинмади. Буларнинг устига деҳқонларни колхозга мажбурловчи маъмурий чоралар ҳам кўшилди. Натижада камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг ҳам оммавий норозилигига эга бўлдик. Бундай ҳолат Бухоро, Фарғона, Андижон, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа барча округларда бўлиб ўтди”.

Колхозлаштириш сиёсатининг оқибатлари ўзини кўп куттирмади. СССР ҳудудида совет тузумига қарши оммавий равишда деҳқонлар кўзғолони бошланиб кетди. Бу кўзғолонлар бир вақтда ташкилий уюшган ҳолатда кўтарилмаган бўлса ҳам у ўзининг ҳақли талабларига эга бўлган, интизомли халқ норозилиги эди.

1930 йил кузидан деҳқонларни жамоа хўжаликларига киришга мажбурлаш яна авж олди. 1931 йил ёзига келиб, барча деҳқон хўжаликларининг 56,7 фоизи колхозларга бирлаштирилган эди. 1932 йил охирида совхозлар сони 62 тага етди. Якка хўжаликларга катта солиқ солиш билан тазйиқ ўтказиш давом этди.

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш расмий равишда 1932 йилда тугатилди. Бироқ бу даврда деҳқонларнинг қарийиб 92 фоизи колхозларга кирган эди. Якка хўжаликларга турли чоралар қўлланиши натижасида коллективлаштириш 1939 йилда 99,55 фоизга етди.

Хуллас, ЎзССРдаги жамоалаштириш қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди. Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди. РСФСРнинг марказий губерниялари, Волгабўйи ва Қозоғистонни қамраб олган очарчилик 1932-1933 йилларда Ўзбекистонда ҳам юз берди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида Ўзбекистон бутунлай аграр ўлкадан аграр – саноатлашган ўлкага айланиши борасида муҳим қадам қўйилганлигини эътироф этиш лозим. Бунинг натижасида Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикада саноат корхоналари сони 1445 тага кўпайди. Ўрта Осиё республикаларини аграр – чорвачилик минтақаларига айлантиришга қарор қилинди.

Ўзбекистонда янги саноат корхоналарини барпо этилиши ва қишлоқ хўжалигини экстенсив йўл билан ривожлантирилиши ҳам бу даврда ишсизликка барҳам бера олмади. Ўзбекистонда ишсизлик XX аср 30-йилларининг охиригача ўткир муаммо бўлиб турди.

Ўзбекистонда мустамлакачиликка асосланган иқтисодий сиёсатнинг оқибатлари.

Республика иқтисодиёти табиатан аграр тусга эга, саноати асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисмини пахтачилик саноати ташкил қилар эди. Ўлканинг ишлаб чиқариш ҳаётида кустар-ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳамон олдинги ўринни эгаллаб, аҳолининг пойафзал, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжларини қондираар эди. Ҳунармандлар

бозорга чиқарилган пойафзалнинг 86%ни, ошланган терининг 76%ни, кийим-кечак ва бош кийимларининг 85%ни, идиш-товоқларнинг 60%ни ишлаб чиқарар эдилар. 1925 йилнинг охирига келиб собиқ СССРда халқ хўжалигини тиклаш ишлари асосан ўз ниҳоясига етказилди. 1925 йилнинг декабрида бўлиб ўтган ВКП(б) XIV съезди социализм ғалабасининг асосий шарти сифатида шўролар мамлакатада “социалистик индустрлаштириш”ни авж олдиришга эътиборини қаратди.

Саноатлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик билан амалга оширилди. Чунки косиб-хунармандчилик устувор соҳа эди. Мамлакатни жадал индустрлаштириш учун маблағ масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди. Индустрлаштиришни жадаллаштириш тарафдорлари маблағни қишлоқ хўжалиги ҳисобидан олиш режасини илгари сурдилар, муҳолиф тараф эса, саноатлаштириш сиёсатини ёқлагани ҳолда уни аҳолининг моддий аҳволи, турмуш шароитини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни аста-секин ихтиёрий равишда амалга ошириш билан биргаликда олиб боришни таклиф қилди. Кескин сиёсий баҳс мунозаралардан кейин маблағни аграр сектордан олишга қарор қилинди. Ўзбекистон иқтисодиёти аграр характерда эди. Зеро, 1927-28 йилларда иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 61,6%ни, саноатники эса 38,4 %ни ташкил қиларди эди. Республикадаги мавжуд саноатнинг 90%и қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлашга ихтисослашган, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг 60%ни пахтачилик саноати ташкил қиларди.

Биринчи беш йиллик (1928-1932)да 289 та янги саноат корхонаси, жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Қувасой цемент ва оҳак заводлари ишга туширилди, Чирчиққурилиш, Олмалиққурилиш, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши давом этди. Фарғонада тўқимачилик фабрикаси ва ёғ заводи, Тошкент, Бухоро, Марғилон ва бошқа шаҳарларда тикувчилик фабрикалари ишга туширилди. Саноатлаштириш йиллари республика пахта тозалаш заводларининг техник имкониятлари ошиб, 1927-28 йилларда 3363 тонна пахта толаси етиштирилди ва пахта тозалаш саноатининг ялпи маҳсулоти эса 165,7 млн. рублни ташкил этган эди.

Республикани саноатлаштиришда электрлаштириш ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллаганлиги тугайли, электростанциялар қурилиши авж олдирилди. Масалан, Тошкент яқинида қуввати 4 минг киловатни ташкил этган Бўзсув ГЭСи барпо этилди. 1932 йилга келиб эса, электр станцияларининг сони 49 тага етди. Шунингдек, республикада нефть саноати ҳам жадал суръатлар билан ўсди, 1925-26 йилларда нефть ишлаб чиқариш 5,6 тонна бўлган бўлса, 1927-28 йилларда бу кўрсаткич 47,7 тоннани ташкил этди.

Айрим саноат маҳсулотлари бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқда етакчи ўринга чиқди. 1932 йилда пахта толасининг 89,7 %, цементнинг 54,2%, ўсимлик мойининг 56,4%, хом ипакнинг 42% ишлаб чиқарилди.

Фақатгина биринчи беш йилликнинг ўзида йирик саноатдаги ишчилар сони деярли 3,5 баравар кўпайди. Лекин улар орасида маҳаллий миллат вакиллари озчиликни ташкил қилганлиги боис, уларни тайёрлашга ёрдам тариқасида иттифоқдош республикалар, асосан Россиядан кўплаб саноат мутахассислари кела бошлади. 1926 йилдан 1940 йилгача Ўзбекистон аҳолиси янги келганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10%дан ортиқроқ кўпайди. Марказнинг русийзабон аҳолининг кўчириб келтиришда миллий ўлкаларда ўзининг таянч ижтимоий қатламини вужудга келтириш ҳамда руслаштириш сиёсатини амалга ошириш манфаати ётар эди.

Саноатни жадал ривожлантириш натижасида Ўзбекистон Марказга рангли ва нодир металллар, олтингугурт, озокерит, волфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан таъминлайдиган ва шўролар мамлакатини хом ашё қарамлигидан халос этишга ёрдам берадиган йирик хом ашё минтақасига айланди. Ўзбекистоннинг олтин саноати бутун мамлакатнинг тўлов балансини мустаҳкамлаш учун катта маблағлар бериб турди. Бироқ, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари назар-писанд қилинмади, унинг моддий фаровонлигига эътибор берилмади, бу эса турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди.

Бу даврда советлар мамлакатада шахар ва портларни бирлаштирувчи янги темир йўл линиялари қурилишига ҳам эътибор берилди. Фарғона (Искобил)-Қувасой (1922), Қарши-Китоб(1924), Амударё (Самсоново)- Термиз (1925). 1928-29 йилларда пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Асака-

Шаҳрихон, Сирдарё-Пахтаорол темир йўллари қурилди, шунингдек, Қорасув-Ўш (1935) ва бошқа темир йўл линиялари қурилиб фойдаланишга топиширилди. 1929-1931 йилларда узунлиги 1452 км бўлган Туркистон-Сибирь (Турксиб) темир йўли қурилди.

20-йиллардан Ўзбекистонда автомобиль траспорти вужудга келтирилди. 1921 йилда республика автомобиль транспорти ихтиёрида 40та енгил ва 15та юк автомобили ҳамда Тошкент автомобиль таъмирлаш устахонаси бор эди. 1940 йилгача Ленин номидаги катта автомобиль йўли (710 км), Фарғона автомобиль йўли (343 км) қайта таъмирланди ва бир қанча янги йўллар қуриб битказилди.

1924 йилга келиб республикадаги автомобиль корхоналарида 223 автомобиль бўлиб, 145 минг тонна юк ташилди. 30-йилларда автомобиль транспортининг ривожланиши билан каттиқ қопламали йўллар қурилиши бошланди, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхоналари, кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари очилди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) туфайли Ўзбекистон қишлоқларидаги аҳвол нисбатан яхшиланди, деҳқонлар ўз маҳсулотини сотиш, ғўза ва бошқа экин майдонларини кенгайтириш орқали турмуш даражасини яхшилаш имкониятига эга бўлишди. Бироқ, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан ЯИС (НЭП) ўз моҳиятини йўқотиб, эркин савдо ва хусусий тадбиркорликка чек қўйила бошлади. Совет ҳукумати бойларнинг ерларини мусодара қилиш ҳисобига камбағал деҳқонларни ер билан таъминлаш орқали қишлоқда “социалистик ижтимоий тузум” нинг асоси бўлган жамоа бўлиб хўжалик юритишни ривожлантиришни кўзлаб, кенг миқёсли аграр ислоҳотини авж олдирдилар. 1925 йил 2 декабрдаги ЎзССР МИҚнинг фавқулодда сессиясида қабул қилинган “Ер ва сувни национализация қилиш” тўғрисидаги декрети қабул қилинди.

Йирик ер эгаларидан тортиб олинган ерларда 60603 деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Булардан ташқари, янги ва тикланган суғорма ерларида яна 14751 батрак ва ерсиз деҳқонлар хўжаликлари тузилди.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги ер-сув ислоҳоти давомида суғориладиган лалми ерлар, собиқ амир ва хон хизматчилари, руҳоний ҳамда савдогар, судхўрларнинг

хўжаликлари мусодара қилинди. Умуман, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислоҳотини ўтказиш натижасида Ўзбекистонда помешчик туридаги 4801 хўжаликлар тугатилди, 23036 хўжаликларнинг ортиқча ерлари мусодара қилинди, ер жамғармаси 474893 десятина ерга эга бўлди, 89729 хўжаликлар ер билан таъминланди. Ер билан бирга кўпгина хўжаликлар мол-мулк, уруғ, асбоб-ускуналарга ҳам эга бўлдилар.

Бирок, ислоҳот ўтказишнинг репрессив-мажбурий усуллари, бой деҳқонларнинг давлат томонидан террор қилиниши ўз навбатида уларнинг кескин норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Шу тариқа, ер-сув ислоҳоти қишлоқда синфий курашнинг кескинлашувига олиб келган эди. Давлат ўз навбатида “бой-қулоқ унсурлари”нинг қаршиликларини бартараф этиш учун ўзининг бор кучини ишга солди. Тортиб олинган ерларнинг асосий қисми колхоз ва совхозлар ихтиёрига топширилган эди.

Ислоҳотнинг жиддий салбий оқибатлари – қишлоқ иқтисодий ҳаётининг қашшоқлашиши, фермерлик куртакларининг бўғиб қўйилиши ва бозор-савдо муносабатларининг ривожланишининг тўсиб қўйилиши ҳамда ижара имкониятларининг чекланиши бўлди.

Шундай қилиб, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислоҳоти совет ҳукуматининг мулкдор синфларни тугатиш, синфсиз жамият куриш учун қилган чора-тадбирларидан бири бўлди. Ушбу жараён кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини мажбурий жамоалаштиришга замин яратган эди.

1929 йил советлар тарихига “буюк бурилиш йили” деб ном олган йил бўлиб кириб келди. Бу деҳқонлар синфини ижтимоий қатлам сифатида мақсадли йўқ қилишнинг бошланиш даври эди. Бунда “қулоқлар” ва “бойлар” тоифасига асосан янги иқтисодий сиёсат шароитида ўз хўжаликларини оёққа турғазиб олган ўрта ҳол деҳқонлар киритилди. Чунки бирмунча бадавлатроқ қатламлар олдинги йилларда тугатилган эди. 1929 йилнинг ёзида “қулоқлар”ни жамоа хўжаликларига (колхоз) киритишини таъқиқловчи қарор қабул қилинади. Ўша йилнинг 7 ноябрида “халқлар отаси” Сталиннинг матбуотда босилиб чиққан “Буюк бурилиш йили” номли мақоласи ҳамда 27 декабрда қишлоқ хўжалик ходимларининг илмий конференциясида сўзлаган нутқи “қулоқлар”ни синф сифатида тугатиш ва жадал жамоалаштириш сиёсатини бошлаб берди. Ёппасига жамоалаштириш бу-бой ва

ўрта ҳол деҳқонларга тегишли ишлаб чиқариш воситалари, моллар, уй-жой, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уруғ заҳираларини тортиб олиниши ҳисобига колхозлар тузиш дегани эди.

Ўзбекистонда жамоалаштириш ЎзКП МҚнинг 1930 йил февралда қабул қилган “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш” тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг бошлаб юборилди.

Ўзбекистонда ёппасига жамоалаштиришни тезлаштириш ҳамда “қулоқлар” билан кураш олиб боришни кучайтиришга ёрдам тариқасида Марказ 25 минг ташкилий–сиёсий тажрибага эга бўлган европалик ишчиларни юборди. “25 мингчилар” асосан Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск ва СССРнинг бошқа саноат марказларидан Ўзбекистонга 433 ишчи юборилди. Улардан тузилган бригадалар ўзбек қишлоқларида колхозлар тузиш ҳамда “қулоқ қилиш” кампаниясида “фаол” иштирок этдилар.

1930 йилнинг ўзидаёқ республикада 2648 та бой ва “қулоқ” хўжалиklари тугатилиб, қишлоқ аҳлининг тадбиркор қисми оёғига болта урилди. “Қулоқ қилиш” сиёсати деҳқонларда ишончсизлик ва хавотирни кучайтирди. Кўплаб деҳқонлар ўз хўжалиklarини ташлаб қочдилар. Чорва сони кескин камайиб кетди. Республикадаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. Деҳқонларнинг норозилиги 1930 йил 25 февралда Фарғона округида ғалаёнга айланди. Норозилик чиқишлари Андижон, Тошкент, Хоразм, Самарқанд округларига ҳам ёйилди. Масалан, Чуст ва Олмосда бой деҳқонлар чорва молларини ёппасига сотишни авж олдирилди. Жамоалаштиришга қарши бу ҳаракат баъзи жойларда совет ҳокимиятига қарши чиқишларга айланди. Мана шундай норозилик чиқишларининг олдини олиш учун 1930 йилда Ўз МҚ КП(б) қошида “қулоқ” ва бойларни йўқ қилиш бўйича махсус республика комиссияси тузилади ва “қулоқ қилиш” сиёсати янада шиддатлироқ тус олади.

Ўзбекистонда жамоалаштириш асосан 1932 йилнинг охири 1933 йилнинг бошларида тугалланди. Бу даврга келиб республиканинг 79 дан 61 туманида барча деҳқон хўжалиklarини колхозларга бирлаштириш ниҳоясига етказилган эди. Жами Ўзбекистонда жамоалаштирилган хўжалиklar 74,9%ни ташкил

этди. Биринчи беш йиллик(1928-1932) охирларида республикада 9734 колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилган эди.

1930-33 йилларда Ўзбекистонда 5550 деҳқон хўжалиги аъзолари ҳибсга олиниб, қулоқ қилинди ва Украина, Сибирь, Қозоғистон ва бошқа жойларга зўрлик билан кўчирилди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бунда нафақат ўзига тўқ, мол-мулкка эга деҳқонлар, балки ўрта ҳол, айрим ҳолларда эса батрак хўжаликларга мансуб кишилар ҳам “қулоқ” сифатида сургун қилинди.

Совет давлатининг бундай ғайриинсоний сиёсатини амалга оширишдан мақсади, биринчидан, қишлоқдаги ўзига тўқ кишиларнинг ер-суви, мол-мулкни тортиб олиш, иккинчидан, тортиб олинган бойлик ва ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига жамоа ва давлат хўжаликларининг дастлабки моддий базасини яратиш, учинчидан, камбағал деҳқонларнинг бу хўжаликларга “ўз ҳоҳишлари” билан киришларига эришиш ва уларнинг арзон меҳнатидан фойдаланиш, тўртинчидан, “қулоқ” бўлиб сургун қилинган кишилар ёрдамида масалан, Украинанинг иқлими Ўзбекистонга яқин зонасида пахтачилик совхозларини ташкил этиш ва пировардида пахта ёрдамида СССРнинг моддий имкониятларини яхшилаш эди. Совет давлати бу мақсадларга асосан эришди. Қулоқлар ҳисобига қаддини тиклади, социалистик қурилишнинг моддий базасини яратди. Пахта мустақиллигига эришди.

Мажбурий жамолаштириш сиёсати қишлоқнинг мустақил ривожланишини барбод қилди, қишлоқ аҳли онгига салбий таъсир кўрсатди, деҳқонларнинг ерга эгалик туйғусини йўқ қилди.

Ўзбекистон учун сув иншоотлари қуриш муҳим эди ва шунинг учун 1939 йилдан бундай қурилишлар умумхалқ ҳашар йўли билан амалга оширила бошлади. 1939 йил 1 августда бошланган 270 км узунликдаги Катта Фарғона канали халқнинг машаққатли меҳнати эвазига 45 кунда барпо этилди. Канал қурилишида 160 минг киши иштирок этди ва асосан қўл меҳнати билан қурилди.

Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳалари қаторида советлар даврида ҳам муҳим ўрин эгалалаб келди. Хусусан, 1932 йилдан 1937 йилгача йирик қорамоллар сони 150 мингга, қўйлар 230 мингга кўпайди. Лекин, шунга

қарамасдан чорвачилик қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига қараганда орқада эди. Бунинг асосий сабаби пахтачиликка эътиборнинг кучайтирилганлиги ва чорвадорларнинг моддий рағбатлантирилмаганлиги бўлди.

Ўзбекистон КПнинг 1934 йилда бўлиб ўтган VI қурултойидан сўнг, республикага кўп миқдорда қорамол келтирила бошлади.

Пиллачилик республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бир эди. 1922 йилда Тошкентда “Туркипак” акционерлик жамиятининг ташкил этилиши пиллачиликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 1927 йилда Тошкент ипакчилик станцияси негизда Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. 1930 йилларда тут кўчати етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Биринчи ва иккинчи беш йилликларда Ўзбекистон ипак ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда эди. 1932 йилда 5674 тонна пилла етиштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 1937 йилда 11 422 тоннага кўпайди.

Республика қишлоқ хўжалигида мевалар ва узум етиштириш қадимдан озиқ-овқат ҳамда саноат хом ашёси берадиган асосий тармоқлар қаторига киради. 20-йилларнинг иккинчи - ярмидан ихтисослаштирилган боғдорчилик ва токчилик давлат хўжаликлари барпо этила бошлади, тоғ ва тоғ этаклари зоналарида жойлашган жамоа хўжаликларида ҳам бу тармоққа катта эътибор берилди. Меваларнинг нав таркибини яхшилаш мақсадида олма, нок, узум ва бошқаларнинг янги навлари келтирилиб экилди. Ўзбекистоннинг 1937 йилда етиштирган мева ҳосили 800 минг центнерни ташкил этди. Шунинг учдан бир қисми собиқ иттифоқнинг турли вилоятларига юборилар эди.

2. Туркистон ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашлари ҳамда уларнинг фаолияти.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати туфайли совет ҳокимияти инқирозли ҳолатга келиб қолган бўлиб, большевиклар бу вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўлини иқтисодиётни ҳам бир жойдан туриб бошқариш ва тақсимотни ҳам бир жойда амалга ошириш зарурлигида деб билдилар. Бу йўналишда большевиклар

раҳбари В.Ленин совет давлати органларининг амалий фаолиятини социализм куриш истиқболига боғлаган ҳолдаги ғояларини ишлаб чиқиб, қуйидагича таъкидлади: “Маҳаллий хўжалик органлари ишини мувофиқлаштириш, шунингдек, назоратни амалга ошириш учун маҳаллий иқтисодий кенгашлар тузиш таклиф этилади. Иқтисодий Кенгашлар маҳаллий органларга партия ва ҳукумат кўрсатмаларини, қарор ва директиваларини амалга ошириш, жойларда Марказнинг назоратини кучайтириш имконини беради”.

Лениннинг бу кўрсатмаси асосида барча ҳудудларда Иқтисодий Кенгашлар тузиш бошланди. Жумладан, 1920 йилнинг феврал ойида Тошкентда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТИК) – Турк ЭКОСО ташкил этилди. Вилоятларда эса, вилоят иқтисодий кенгашлари тузила бошланди.

ТИК раиси Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланиб, ХКС раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланган. ТИКнинг биринчи раислигига Н.А.Паскуцкий, унга ўринбосарлар қилиб эса А.Асаткин ва Шерғозиёевлар тайинланди. ТИК турли хўжалик тадбирлари, маъмурий назорат вазифаларини бажаришда, барча иқтисодий комиссарликлар идоралари билан бир қаторда, зарурият юзасидан Туркистон АССР марказий ва маҳаллий муассасалар идораларидан фойдаланарди. ТИК ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлар доирасида ўлка ҳаётининг барча жабҳаларини ўз назоратига олди.

1921 йил 14 мартда Туркистон АССР МИҚнинг Марказий ва маҳаллий иқтисодий органларини бирлаштириш тўғрисидаги қарори чиқди. Унда шундай дейилган эди:

1. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари қошида комиссия ҳуқуқига эга бўлган “Иқтисодий Кенгаш” ташкил этилсин.

2. Иқтисодий Кенгаш таркибига Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари кичик кенгаши ва қуйидаги халқ комиссарлари киради: меҳнат ва ерни қайта ишлаш, алоқа йўллари округи, касаба уюшмалари кенгаши раиси, Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ҳамда маслаҳат бериш овози билан Туркистон Республикаси статистика бошқармаси бошқарувчиси.

3. Иқтисодий Кенгашга хўжалик қурилиши соҳасидаги идораларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолиятни кучайтириш топширилсин.

ТИК таркибига вилоят ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташқари турли соҳаларда иш олиб борувчи 19та комиссариат мавжуд бўлиб, шулардан 10таси моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳага, 9таси номоддий соҳага тегишли бўлиб, жумладан, почта ва телеграф, статистика, соғлиқни сақлаш комиссарликлари ва бошқалар фаолият кўрсатган. Бир қатор комиссарликлар (асосан, моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳада) ҳамда уларнинг вилоят ҳамда уездлардаги бўлимларида Давлат режа қўмитаси (Госплан) мавжуд бўлган.

1921 йил 6 октябрда Туркистон МИК ва Туркистон ХКС ТИКнинг фаолиятини кучайтириш мақсадида “Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳақида” Низом қабул қилди. Ушбу Низомга кўра, ТИК қуйидаги ҳуқуқларга эга эди:

1. Туркистон АССРнинг ягона хўжалик режасини ишлаб чиқиш учун дастлабки топшириқларни белгилаш, ХКС ва ТМИҚ томонидан буткул тасдиқлангунига қадар, уларни алоҳида қисмларда тасдиқлаш.

2. Совет ҳукуматининг марказий ва маҳаллий идораларига уларнинг раҳбарлари шахсий жавобгарлиги остида, хўжалик қурилиши бўйича мажбуриятлар белгилаш.

3. Ягона халқ хўжалиги режаси асосида республиканинг юқори хўжалик идораларига тегишли кўрсатмалар бериш ҳамда халқ комиссарликлари берган таъминот ва моддий маблағ ажратиш режаларини тасдиқлаш.

4. Туркистон АССР хўжалик қурилиши бўйича ягона режага зарурят туғилмаганда тегишли тарзда ўзгаришлар киритиш, унга асосан моддий ресурсларни, ишчи кучи ва пул маблағларини қайта тақсимлашни амалга ошириш.

5. Хўжалик фаолияти соҳасида мажбурий қарорлар ва кўрсатмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини таъминламаганларни жавобгарликка тортиш.

6. Ўз ихтиёрига кўра тафтишлар ва назорат ишларини ўтказиш (ишчи-деҳқон инспекцияси ва фавқулодда ҳолат идораларини жалб қилган ҳолда).

7. Мулкни хатлаш, мусодара қилиш, завод, фабрика, бошқа саноат ва мол айирбошлаш муассасаларини национализация

қилиш, шунингдек, биринчи тоифали муассасаларни ижарага бериш масалаларини кўриб чиқиш.

8. РСФСР ва Туркистон АССР мулкый хўжалик режасига мувофиқ концентрация, трестлаштириш, синдикатлаштиришни амалга ошириш.

Умуман олганда ТИК ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлар доирасида ўлка ҳаётининг барча жабҳаларини ўз назоратига олди. Аммо, Марказ ТИКга ҳеч қандай эркинликлар бермади. Хусусан, Иқтисодий кенгашларнинг жойлардаги қуйи тармоқларини ташкил этиш РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси В.Лениннинг қатъий кўрсатмалари асосида белгилаб берилган эди.

Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши барча иқтисодий кенгашларнинг ҳисоблари, статистик маълумотлари, мажлис баённомалари ва ҳатто хабарларини қаттиқ текшириб борди. Бу вазифани амалга ошириш ХКС ҳамда Меҳнат ва Мудофаа кенгаши ишлари ёрдамчиси большевик Смольяниковга топширилган. Бундан кўринадики, жойлардаги маҳаллий ва марказий иқтисодий кенгашлар иши тўла Марказ ихтиёри ва мунтазам кузатувида бўлган ҳамда унинг фаолиятига катта аҳамият берилган.

Шу тариқа Марказ бутун мамлакатни, хусусан, Туркистон АССРни иқтисодий жиҳатдан “жиловлаб” олиш учун қуйидан то юқоригача иқтисодий кенгашлар ташкил қилди. ТИК аслида Турккомиссия, Тукрбюро каби совет давлатининг ўлкани Марказнинг хом ашё базасига айланттирувчи яна бир муҳим “қуроли” бўлиб, Туркистонда РСФСР Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг умумий қоидаларига мос келувчи ўзгаришларни амалга ошириши, бу билан бирга, Марказнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда ўлкани ягона халқ хўжалиги режаси асосида бошқариши лозим эди. Айнан шунинг учун ҳам Туркистонда совет давлатининг иқтисодий ислохотларини амалга оширишда ТИКнинг роли катта бўлди.

ТИК 1921 йилнинг феврал ойидан то октябр ойигача бўлган фаолияти даврида 35 та мажлис ўтказиб, унда 160дан зиёд масала кўриб чиқилган. Кенгаш бу жараёнда асосий эътиборни ишлаб чиқариш (46,2 фоиз) ва саноат (24,4 фоиз)га қаратган. Кейинги ўринда қурилишни ташкил қилишга (21,1 фоиз), яъни,

меҳнат таъминоти, қурилиш, кооперация ва маҳсулот айирбошлаш каби бошқа масалаларга эътибор қаратилган.

Умуман олганда, Туркистон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатдан чиқиш, айниқса, саноат ва ҳунармандчиликда юз берган айрим ижобий тикланишлар Иқтисодий Кенгашлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Большевиклар “ижоди” бўлган Иқтисодий Кенгашлар Марказ манфаатларини қанчалик ҳимоя қилган бўлмасин, Туркистон ўлкаси саноатининг қисман тикланишига, маҳсулот ишлаб чиқаришига, маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланишига имкон яратди. Бу Туркистон халқлари ижтимоий – иқтисодий аҳволининг ижобий томонга силжишига олиб келди.

Иккинчи томондан эса, Иқтисодий Кенгашлар Туркистонни совет Россиясининг асосий хом ашё етиштирувчи, саноат маҳсулотларига бирламчи ишлов бериб, ярим хом ашё маҳсулотлари тайёрлаб берувчи ўлка сифатида Марказга боғлаб берди. Шу даврдан бошлаб Туркистонла унинг аҳолиси истаган саноат марказлари эмас, балки, Марказ истаган, унинг эҳтиёжларига мос келадиган, зарурий хом ашё етказиб берадиган саноат корхоналари барпо этишга киришилди.

1921 йилнинг бошларидаги амалдаги вазият тақозоси билан совет ҳокимияти ва унинг раҳбари В.Ленин жамиятда юзага келган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий танқисликдан тезда чиқиб кетиш мақсадида “ҳарбий коммунизм”дан янги иқтисодий сиёсат (ЯИС - НЭП) йўлига ўтиш зарурлигини тушунди. 1921 йил мартда бўлиб ўтган РКП (б)нинг X съезди янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу йўл мамлакатда “большевикча диктатурани амалга ошириш” ҳамда “социалистик жамият барпо этиш” вазифасини амалга оширишда янгича тактик ёндашув бўлиб, у янги иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топди. Ушбу сиёсатнинг асосий моҳияти озиқ-овқат тақсимотини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотиқни эркинлаштириш, саноатда, хизмат кўрсатиш ва майда ҳунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка рухсат этиш, бозорни тартибга солиш, ижарага олиш ҳамда ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат эди.

Озиқ-овқат тақсимотининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши деҳқон хўжалигининг давлат билан йил охирига қадар тузиладиган шартномасини кўзда тутиб, давлат билан

деҳқон хўжалиги ўртасида маҳсулот етказиб беришга қаратилган эди. Натижада деҳқонлар ўзларининг шартномадан ортиқча маҳсулотларини бозорларда эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу ҳолат деҳқонларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгаришига олиб келди. Ундан ташқари, нархларни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ҳам кўрилди.

Янги иқтисодий сиёсат иқтисодий соҳаларнинг қисман бўлса-да, силжишига олиб келди. “Ҳарбий коммунизм” сиёсати даврида давлат ички ва ташқи бозорни ўз қўлига олган бўлса, янги иқтисодий сиёсат ички бозорга эркинлик берди. Аммо, ташқи бозор давлат ҳукмронлиги таъсирида қолди. Бу сиёсат шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга, яқинлаштиришга, иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, 1922 йилнинг иккинчи ярми – 1923 йилнинг бошларида маҳаллий хўжаликлар ҳаётида сезиларли иқтисодий ўзгариш кўзга ташланди. Бу жараёнда иқтисодиётни жонлантиришдаги қарорларнинг аҳамияти катта бўлди. Мисол учун, Туркистон советлари МИК 1922 йил 11 апрелда “Натура солиғи ҳақида” қарор қабул қилди. Янги иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу қарорга кўра, деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлган озиқ-овқат тақсимоти ўрнига ялпи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида озиқ-овқат солиғи белгиланди. Аммо, орадан кўп ўтмай деҳқон хўжаликларининг катта-кичиклигидан келиб чиқиб солиқни табақалаштириш жорий этилди.

Солиқ йилнинг охирида олинган ҳосилга қараб эмас, балки экин экиладиган майдон ҳажмига қараб белгиланган эди. Солиқлар қўйидаги ҳажмда олиниши белгилаб қўйилган: 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлардан ҳосилнинг 5 фоизи, 2-4 десятинагача – 10 фоиз, 4-6 десятинагача – 12 фоиз, 6-8 десятинагача – 14 фоиз, 8-20 десятинагача – 16 фоиз.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсат асосида халқ хўжалигининг аосий тармоғи ҳисобланган саноатни ривожлантиришга қаратилган ишлар йўлга қўйила бошланди. Кичик ва ўрта бўғиндаги саноат тармоқлари билан қаторда Хилково цемент заводи, Фарғона пиллакашлик фабрикаси қурилиб, Хилково-Қизилқия темир йўл шахобчаси барпо этилди.

Хоразм Республикасида саноат корхонлари (асосан хунармандчилик усталари) давлат ихтиёрига ўтказилиб, давлат назоратига олинди. Манғит, Гурлан, Тошховуз каби пахта тозалаш заводлари давлат ихтиёрига ўтказилди. 1923 йилда Хива шаҳрида 120га яқин темирчилик устахоналари, 131та дурадгорлик устахоналари, 50та бўёқчилик ҳамда 136та терини қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда 2058 нафар хунарманд иш билан таъминланган эди. Бухоро Республикасида ҳам бир қанча саноат корхоналари давлат тасарруфига олинди. Хусусан, 1923 йилда Бухорода 23та саноат корхонаси давлат ихтиёрига ўтказилди. Аммо, улардан атиги бтаси фаолият кўрсатар эди.

Янги иқтисодий сиёсат асосида чеклашлар билан бўлса-да, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачилик соҳасида ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Адабиётларда берилишича, маҳаллий раҳбар ходимларнинг талабларига кўра, қийинчиликлар билан бўлса-да, 1923 йил январь ойида Иттифок Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қабул қилган қарорда “Республика ичида пахтани харид қилишда давлат монополияси бекор қилинсин”, деб кўрсатиб ўтилган эди. Шунга кўра, пахтачининг қатъий нархи бекор қилинди. Чунки, пахта етиштиришдаги харажатлар ўзини қопламас эди. Деҳқонларни керакли қишлоқ хўжалик воситалари билан таъминлаш, от-улов солиғини бекор қилиш, баъзи камбағал хўжаликларни эса озиқ-овқат солиғидан озод этиш тартиби жорий этилди.

Хоразм советларининг 1923 йил 18-20 октябрда бўлиб ўтган кенгаши ерга нисбатан хусусий мулкчиликни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорга кўра, ер-сув ислохотини большевиклар андозаси бўйича синфий ёндашув асосида кескин тусда амалга ошириш бошланди. Натижада 1923 йил охирига келиб Хоразмдаги 64 минг таноб ер ўз эгаларидан тортиб олинди.

Шунингдек, 1923 йилнинг октябрида Бухоро республикасида советларнинг умумбухоро IV курултойида янги Ер кодекси тасдиқланди. Бу кодексга кўра, “барча ерлар, улардан ким фойдаланишидан қатъий назар, ишчи-деҳқон давлатининг мулки”, деб эълон қилинди. Ерга ким ишлов берса, унга “эгаллик қилиш ҳукуқи” берилди. Битта хўжаликка мўлжалланган чекланган ер нормаси 30 таноб (7,5 десятина) қилиб белгиланди. Ўрта Осиё республикаларида фаолият кўрсатаётган Иттифок Бош

Пахта Қўмитаси баъзи ўзгаришларни амалга оширган бўлса-да, ўзининг асл мақсади бўлган монополия сиёсатини сақлаб қолди.

Аста-секинлик билан ўлка иқтисодиёти, унинг қишлоқ хўжалиги Иттифоқ манфаатларига бўйсундириб борилди. Ўлканинг барча бойликлари асосан пахта ва бошқа хом ашёлар, мустамлака даврида бўлгани каби, ташиб кетила бошланди. Ўлка иқтисодиётининг тобора қарам бўлиб бориши унинг издан чиқишига, халқнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволининг янада оғирлашувига олиб келди. Туркистон ўлкасига четдан ғалла, металл буюмлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар келтириш камайиб кетди. Бунинг асосий сабаби, Ўрта Осиё республикаларида тоталитар тузумининг маъмурий буйруқбозлик бошқарув усулининг кучайиб бориши эди. Айнан шунинг учун ҳам янги иқтисодий сиёсат ўзининг асл моҳиятини йўқотиб борди. Бу эса 1920-йилларнинг охирларига келиб, янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилишига олиб келди.

1923 йил 5-9 март кунлари Тошкентда Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференциянинг 9 март куни бўлиб ўтган охириги мажлисида уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилиниб, Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) ташкил этилди. Конференцияда шу вақтдан бошлаб учала республиканинг иқтисодий фаолияти ва хўжалик режаларини ягона иқтисодий сиёсат доирасида бирлаштиришга қарор қилинди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси этиб ТИК раҳбари Н.А.Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё ИК тузилганидан сўнг 1923 йилнинг апрел ва июн ойларида БХСР ва ХХСР Нозирлар Шўроси қошида ҳам иқтисодий кенгашлар ташкил этилди. Маълумотларга кўра, “Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тўғрисидаги” Низомда унинг асосий вазифаси этиб, “Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикаларининг хўжалик ҳаётини ривожлантириш ва бошқариш, шунингдек, уч республиканинг хўжалик ҳаётига раҳбарлик қилиш ҳамда бошқариш ва уларга кўрсатмалар бериш” белгилаб қўйилган. Ўз навбатида Ўрта Осиё ИК ўз фаолиятида СССР Меҳнат ва Мудофаа кенгаши олдида жавобгар ҳисобланар эди.

Ўрта Осиё ИК ташкил этилиши билан унинг қошида Ўрта Осиё давлат режа комиссияси ва ҳакамлик суди комиссияси

тузилди. Давлат режа комиссияси таркибига қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, бюджет ва кредит ҳамда умумий бўлимлар мавжуд бўлиб, ҳар бир бўлим ўз соҳасига кўра, ўзига юклатилган вазифа бўйича уч республика миқёсида иш олиб борди. Ҳакамлик суди комиссиясининг асосий вазифаси эса, Ўрта Осиё республикаларидаги давлат идоралари ва корхоналараро мулк масалалари бўйича юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, шунингдек, СССР иқтисодий сиёсати ва қонунчилигининг Ўрта Осиё республикаларида ўрнатилиши, уларнинг ижросини назорат қилиш эди.

Шу тариқа Ўрта Осиё ИК ташкил этилиши Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ томондан бошқариш йўлидаги биринчи қадам бўлиб, бу ташкилот орқали уч республика халқ хўжалиги маъмурий буйруқбозлик усулида бошқарила бошланди. СЭС ташкил этилган вақтидан бошлаб ўзига юклатилган вазифалар асосида уч республиканинг иқтисодиётини Марказнинг эҳтиёжини қондириш учун мослаштиришга ҳаракат қилди.

Янги тадқиқотларга кўра, большевиклар аввал бошданок яккахоқимликда марказлашган давлат тузишни асосий мақсад қилиб қўйган эдилар. Совет ҳукумати кўзланган мақсадга эришиш учун турли маъмурий бошқарув бўғинларини кўпайтириб, йирик бюрократик давлат аппаратини вужудга келтирдилар. Иқтисодий Кенгашлар мамлакатнинг энг нозик ва муҳим бўғинини бошқарувчи, миллий республикалардаги Иқтисодий Кенгашлар эса туб ерли аҳоли яратган моддий бойликларни “оқилона” тарзда Марказга етказиб берувчи воситага айландилар.

Иқтисодий Кенгашларнинг ҳаракатлари туфайли Бухоро ва Хоразм республикаларининг мустақиллик рамзларидан бири бўлган валютаси бекор қилиниб, совет пули муомалага киритилди. Шунингдек, ҳар иккала республикада мавжуд бўлган солиқ тизими бекор қилиниб, советларнинг солиқ тизими жорий этилди. БХСР ва ХХСР ташқи алоқалар масаласида ҳам мустақилликни бой берди. Уларнинг ташқи алоқалари фақат Марказ орқали ёки унинг рухсати билан олиб бориладиган бўлди.

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига эътибор берадиган бўлсак, Иқтисодий Кенгашлар Туркистон, Хоразм ва Бухоро республикаларининг ўша даврдаги оғир

иқтисодий аҳволини тиклаш борасида бир қанча ишларни амалга оширган эди. Бунинг натижасида миллий республикаларнинг иқтисодиёти бирмунча интеграциялашиб, бир-бирига ёрдам бериш асосида иқтисодиётнинг қийин ва оғир жабҳалари ривожланиб, изга тушди. Афсуски, Иқтисодий Кенгаш бутун фаолияти давомида иқтисодий ва сиёсий жараёнларни биринчи галда Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказ андозалари асосида олиб борди. Бунинг натижаси ўлароқ, миллий республикалардаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий соҳаларни бошқариш маҳаллий раҳбарлар қўлидан Марказ ихтиёрига ўтди.

Ўрта Осиёда миллий-худудий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўрта Осиё ИК ўзининг 1924 йил 24 ноябрда бўлган охириги мажлисида 25 ноябрдан эътиборан ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақида қарор қабул қилди.

3. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва унинг асоратли оқибатлари.

Ўзбекистон ССРда эса “аграр инқилоб”нинг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон Компартиясининг 2-съезди (1925 йил ноябрь)да тасдиқланган эди. Бу жараён ЎзССР МИК нинг “Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида” ва “Ер-сув ислоҳоти тўғрисида” декретлари (1925 йил 2 декабр) билан бошланган эди.

1925-1929 йилларда ЎзССРда ер-сув ислоҳотининг 2-босқичи ўтказилди. Бу ислоҳот жойларда шарт-шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлди. Иккинчи босқичда 1927 йил Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи босқич - 1928-1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислоҳот амалга оширилган эди. Қабул қилинган декретлар асосида белгилангандан ортиқ ерлар, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари тортиб олинди. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва бошқа мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки мусодара қилинди.

1929 йил кузидан СССРда қишлоқ хўжалигини маъмурий-буйруқбозлик усули билан коллективлаштириш (жамоалаштириш)га киришилган вақтда Ўзбекистонда аҳвол ана шундай эди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг “Ёппасига

жамоалаштириш тўғрисида”ги қарори ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида”ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январ) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда “Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида” қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қулоқлаштириш компанияси 1930 йил февралдан бошлаб авж олган.

Айни пайтда қулоқларни синф сифатида тугатиш 1930 йил 1 февралда СССР МИК ва ХКС қарорларида ҳам расман қонунийлаштирилди. Қулоқларга қарши курашда уларнинг мол-мулкларини мусодара этиш ва ўзларини бошқа хуудларга сургун қилиш учун тегишли ташкилотларга ҳамда республикалардаги партия ташкилотларига тегишли ҳуқуқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси раҳбарларидан бирининг ВКП(б) МК Бош котиби И.В.Сталинга ёзган хатида Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёни ва колхозларни ташкил қилиш суръатлари ҳаддан ташқари ошириб юборилганлиги кўрсатилади. Ҳатто Андижон ва Қўқон (Фарғона) округларида ёппасига колхозлаштиришни 1931 йил баҳорида 100 фоизга бажариш эълон қилинади.

4. Ўзбекистонда “Маданий инқилоб” ва унинг оқибатлари.

XX аср 20-30 йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият республика маънавий-маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Совет давлатининг “маданий инқилоб” тадбири жамиятнинг барча жабҳалари қаторида илм-фан, маданият, санъат, маориф, олий таълим соҳаларини ҳам ўз измига солган эди. Таълим-тарбиянинг ўчоқлари бўлган миллий мактабларга ҳам бу сиёсат ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ анъанавий таълим тизимини йўқ қилиш авж олдирилди.

Давлат “пролетариат диктатураси”нинг мавжуд барча кучларидан фойдаланиб, совет сиёсий раҳбарияти қисқа муддат ичида Туркистонда Россия империяси ўрнатган таълим тизимини таг-томири билан йўқ қилишга эришди. Бир вақтнинг ўзида анъанавий мактабларга нисбатан ҳам маъмурий-репрессив ҳамда

иқтисодий чоралар кўрилди. Бироқ, кенг халқ оммаси анъанавий мактаб тарафдори бўлиб қолаверди. Туркистон мусулмонларига ўзининг мафкуравий таъсирини кенгайтириш мақсадида, совет “миллий” мактаблари тармоғини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид давлат муқобил ўқув масканлари фаолиятининг барча имкониятларини чеклаб қўйди. 1927 йил июндаги Ўз КП МК VI пленуми қарорлари бошлаб берган, дин асосларини емириш бўйича янгидан авж олган ҳаракат эски мактабга етказилган асосий зарба бўлди. Пленумнинг “Мусулмон руҳонийлари ва мактаб тўғрисида”ги резолюциясида: “ислоҳ қилинган мактаблар зарарли эканлигини ҳисобга олиб, бундан буён вақф мактабларини ислоҳ қилишга асло йўл қўйилмасин, шу вақтгача ислоҳ қилинган мактабларга келганда эса шу районда янги совет мактабларини очиш, шунингдек ислоҳ қилинган мактабларда диний фанларни ўқитишни ҳамда умуман руҳоний шахслар ўқитишини таъқиқлаш йўли билан ҳам уларни ёпиш учун бутун чоралар кўрилсин” деб таъкидланган эди.

Айниқса, 1927 йилнинг декабрида ВКП (б)нинг XV съездида қабул қилинган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тўғрисидаги қарордан кейин махсус маърифий хайрия мулклари бўлмиш вақф мулклари тугатилиб, бунинг оқибатида анъанавий мактаблар ҳам иқтисодий асосдан маҳрум бўлдилар. Ушбу чоралар камдек, уларга дин-хурофот ўчоқлари тамғаси ёпиштирилиб, ўн асрдан ортиқ тўпланган анъанавий кадриятлар кераксиз, зарарли, янги тузумнинг тараққиёт этишига тўсиқ бўлувчи ижтимоий институтлар сифатида изсиз тугатиб юборилди. Охир оқибатда 1920 йилга келиб, ТАССРда “социалистик” турдаги 2080 мактаб фаолият кўрсатиб, улардаги ўқувчилар сони эса, 174820 ни ташкил қилар эди.

Анъанавий мактаб ва мадраса ҳамда жаид мактабларини йўқ қилиш билан бирга совет органлари маҳаллий аҳоли фарзандлари мактабларига ҳам жиддий эътибор беришмаган бўлса-да, совет ўқув масканларини ўқитувчи кадрлар ҳамда керакли маблағ билан таъминлай олиш имкониятларини топа олишган. Чунончи, совет таълим тизимига мос ўқитувчи кадрларнинг миқдорий ўсишини таъминлаш кенг йўлга қўйилиб, 1917 йилнинг ўзидаёқ Тошкент, Андижон, Самарқанд, Кўқонда дастлабки ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар

ташқил этилган эди. 1920 - йилларнинг бошларига келиб, мана шундай курслар орқали 3 минг маҳаллий миллат ва 802 та европалик ўқитувчи тайёрланди.

Мана шундай шароитда маҳаллий зиёлилар замонавий миллий олий таълим тизимини яратиш, дунёвий билимлардан дарс бера оладиган ўқитувчилар тайёрлаш давр талаби эканлигини теран ҳис этиб, замонавий миллий университет яратиш ишига бел боғладилар. Миллий университет ҳақида гап борар экан, шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёнинг биринчи университети ҳисобланмиш ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети 1918 йил 12 майда жаҳид зиёлилари томонидан ташқил этилган.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов ташаббуси билан Мусулмон Халқ университети (дорилфунуни)ни ташқил этиш гуруҳи сайланади ва 1918 йилнинг 9 апрелида унинг ҳовлисида шу дорилфунунининг 9 кишидан иборат ташқилий ҳайъати таъсис этилади. Мусулмон Халқ дорилфунуни 1918 йилнинг 12 майда Тошкент шаҳрининг эски шаҳарида тантанали равишда очилди. Унинг 13 та мактаби 14 майдан очила бошлади, энг охиргиси эса 17 июнда тарқиб топди. Улардан 4 таси аёллар мактаби эди.

1918 йилнинг 31 майда эса, Мусулмон Халқ дорилфунуннинг олий таълим босқичи - мусулмон дорилмуаллимини ташқил этилади. Лекин советлар сиёсий ва ижтимоий муҳитининг мураккаблиги ва Россиядаги сиёсий воқеаларни рўқач қилиб, 5 йиллик ўқишга мўлжалланган дорилмуаллимини фақат 4 ойлик ўқитувчилар курслари билан чегаралаб қўйдилар. Дорилфунуннинг "Халқ дорилфунуни" номли газетаси биринчи сонининг чиқиши ҳам айна шу кунга тўғри келган эди.

Мазкур ўқув даргоҳида машғулотлар 1918 йилнинг 1 июнида қуйидаги ўқитувчилар тарқиб билан бошланди: Абдурауф Фитрат, Иброҳим Исмоил, Бурҳон Ҳабиб, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Раҳимбоев, Абдурахмон Исмоилзода, Хайдар Шавқий, Анна Поройкова, Владимир Сергеев. Институт мудирини қилиб Иброҳим Исмоилов ва котиб Абдулла Раҳимбоев тайинланди.

Мусулмон дорилмуаллимини Туркистон Халқ университети маблағ билан таъминлаганлиги сабабли, моддий томондан

тамоман унга бўйсунган эди. Олинган маблағ кўп ҳолларда ночор аҳволда яшаган ўқитувчиларнинг ҳаётини бирмунча бўлса ҳам энгиллаштиришга сарфланар эди. Мана шу муаммоларнинг барчаси кўрсатиб турганидек, мусулмон ўқитувчилари тайёрлайдиган курслар эмас, олий таълим маскани-институт ниҳоятда зарурлигини тушуниб етган мусулмон зиёлилари қанчалик ҳаракат қилишмасин уларнинг талаблари турли баҳоналар билан эътибордан четда қолаверди. Тез орада Туркистон Халқ университети бошқармаси дорилмуаллиминда 1918 йил 15 августдан 1 сентябргача ўқиш тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилади ва шу йилнинг кузида дорилмуаллимин иккинчи даражали ташкилот қаторида ёпиб қўйилади.

Мусулмон Халқ дорилфунуни 1918 йилнинг кузигача, бор йўғи 100 кун фаолият кўрсатган бўлса ҳам, Туркистон мусулмонларининг саводини чиқариш, илм-маърифатли қилиш, олий малакали миллий зиёлилар етиштириш каби ижобий ва ҳимматли, ўша давр учун ниҳоятда муҳим ишларни амалга оширишга, юртимизда маориф соҳасини ривожлантиришга эришди. Ўлкада миллий зиёлиларни етиштиришда муҳим аҳамият касб этган Мусулмон Халқ дорилфунуни фаолияти совет даври адабиётида мутлақо ёритилмаган, у ерда дарс берган 300 га яқин ўқитувчиларнинг номлари ҳозирги кунга келиб аниқланди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг советлар шарқ аёлларини озодликка чиқариш учун кураш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда янги ҳаёт қурилишига жалб қилиш кампаниясини авж олдириб юбордилар. Ушбу жараённинг энг чўққиси 1927 йил бўлиб, у тарихга “Ҳужум” ҳаракати номи билан кирди. Яъни, совет адабиётлари талқинида бу эски турмуш тарзига ҳужум қилиш маъносини англатар эди. Ҳужумнинг олдига қўйилган биринчи навбатдаги вазифаларидан бири бу - кўп хотинликни, балоғатга етмаган қизларни турмушга бериши ва қалин пулини йўқ қилиш эди.

Бироқ, советлар шиддатли тус берган ушбу ҳаракат асрий анъаналарни ҳисобга олмаган қарорлар, кўрсатмалар асосида олиб борилди, кўп ҳолларда зўрлик ишлатилди. Қайси вилоят, қайси туманда, шаҳар ва қишлоқларда қанча хотин-қизлар паранжисини ташлаганлиги ҳақидаги маълумотлар мунтазам талаб қилина борди.

Ишда бебошлик тус олганди: кўчаларда аёлларнинг паранжисини тортиб олишар, бир жойга йиғиб ёқиб юборишарди.

Шарқ аёлларининг асрлар давомида муайян урф-одатлар ва шариат мезонлари билан шаклланган ижтимоий мавқеини уларни озодликка чиқариш ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш шиори остида фавқулодда ва шиддат билан ўзгартирилиши кўп тўқнашувлар ва қурбонлар бўлишига сабаб бўлди. Масалан, 1928 йил 8 мартда Ўзбек давлат концерт ва этнография гуруҳи иштирокчиси Тўпахон сахнанинг ўзида ўлдирилади, бир йилдан сўнг эса Нурхон исмли актриса халок бўлди.

Шубҳасиз, “Ҳужум” шарқ аёлларига бирмунча эркинлик, ҳуқуқлар берди. Лекин, ушбу ҳаракат босқичма-босқич, зўравонлик усулларини ишлатмасдан, ўта нозиклик билан кенг халқ омма онгини ушбу жараёнга тайёрлаб амалга оширилганда норасмий никоҳлар, ажралишлар, ёлғиз оналар, демографик жиҳатдан аёлларнинг эркакларга нисбатан кўплиги сабабли жамиятда оила қуриш ҳуқуқидан маҳрум бўлган “ортиқча” аёллар кўпайиб кетмас, эркаклар билан аёллар ўртасида “тенглик” ўрнатилиши оқибатида аёллар ўзининг шарқона нозиклик латофатини йўқотиб қўймаган бўлар эди.

Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорида ҳам ўз аксини топди. Бунинг сабабини совет ҳукумати “маданий ўсишда техник хусусиятга эга тўсиқлардан бири бу қолақ транскрипсиядир” ҳамда “анъанавий арабча ёзув фақатгина диний мусулмон анъаналари нуқтаи назаридангина қимматлидир” деб уқтириб, араб ёзувининг мавқеини пасайтиришга ҳаракат қилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон коммунистларининг III -қурултойи (1927 йил ноябр) “янги лотин алифбосига янада шиддатлироқ йўл билан ўтиш керак” деб таъкидлади ва 1929 йилда ўзбек ёзуви лотин графикасига ўзгартирилди. Чунки, Ўрта Осиёни араблар истило қилган VIII асрдан бошлаб нафақат диний китоблар, балки фаннинг барча соҳаларида ўн уч аср мобайнида яратилган ёзма маданият ёдгорликлари, ўлка аҳолиси амал қилиб келган ҳуқуқ манбалари ана шу ёзувда яратилган эди. Шу сабабдан бу маҳаллий халқни нафақат динидан балки маданияти, миллийликдан ажратиб, совет қолипига мажбуран солиш эди.

1940 йилда эса лотин графикасининг кириллица билан шошилишч алмаштирилиши, Ўзбекистон аҳолисининг билим даражасининг ўсишига, ўзбек тилининг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳолат саводсизлар сонининг сунъий ўсишини келтириб чиқарди. Лекин энг ачинарлиси, маънавий ҳаёт тўла руслаштирилиб, ҳамма жойларда ўзбек тили имкониятларининг чекланишига олиб келди.

Мустабид тузум советларча саводли шахсларни шакллантириш, “саводсизлик”ни тугатиш борасида шиддатли курашни авж олдириб юборди ва 1920 йилнинг 17 сентябрида ТАССР Маориф халқ комиссарлиги томонидан аҳоли орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет қабул қилинади. Унга мувофиқ, 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган барча фуқаролар ўқиш ва ёзишни ўрганишлари шарт бўлган. ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида эса саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи фавқулодда комиссия таъсис этилади. “Саводсизликни тугатиш” (ликбез) мактаб ва курслари тармоғини яратиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1920 йилнинг охирига келиб, “ликбез”ларнинг сони бир мингдан ошиб кетади. Уларни битирганлар эса 70 мингта эди. Ушбу мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилиб, қисқа муддатда маҳаллий миллатга мансуб 2000 та ўқитувчи тайёрланди.

1924 йилнинг бошида эса “Битсин саводсизлик!” жамияти вужудга келади. Унинг ўзагини ўқитувчилар, талабалар ташкил қилган. Саводсизликни тугатиш бўйича ушбу жамият томонидан дастлабки пайтда 35 мактаб очилиб, 10200 киши ўз саводини чиқарди. Расмий статистик маълумотларга кўра, 1937 йилга келиб, республикада саводсизлик тугатилиб, камсаводли кишилар сони 2 млндан зиёд бўлган. Аҳолининг советлар идрокидаги умумий саводхонлиги 67,8% га этган эди.

Шу ўринда айтиш муҳимки, совет социалистик давлатчилиги ўзбек халқининг туб маънавий, ахлоқий қадриятларига мос келмас эди. Тарбиявий ишлар ҳам миллий манфаатларни акс эттирмас эди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, 20-йилларда адабий-маданий ҳаёт қизғин тус олди. Жаҳид адабиёти аср бошидан 20 йиллик ривожланиш тажрибасига таянган ҳолда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан

баркамоллик касб этган ҳамда мазмун моҳиятига кўра 20-йилларда янги бир босқичга кўтарилиб, умумтуркий бадий тафаккурнинг забардаст сиймолари сифатида этироф этилган Фитрат, Қодирий, Чўлпонни маънавият майдонида чиқарди.

Абдурауф Фитрат (1886-1938) истеъдодли санъаткор, адиб бўлиши баробарида ижтимоий-сиёсий фаолият билан ҳам чуқур шуғулланган давлат арбобидир. Масалан, биргина “Бухоро халқ шўролар жўмҳуриятининг Конституцияси” Фитрат таҳриридан кейингина қурултойда қабул қилиниши унинг сиёсий-ижтимоий соҳада нечоғли катта ҳурматга эга бўлганини кўрсатади. У Бухоро халқ жумҳуриятида масъул вазифаларни адо этди. Фитрат совет ҳукумати белгилаган йўлдан эмас, ўз йўлидан боришга ҳаракат қилди. Бу эса, Москвага маъқул келмади. Уни тухматлар билан Бухоро жумҳуриятидаги барча лавозимлардан озод этадилар.

Фитрат Бухородаги жаҳидчилик ҳаракатида фаол иштирок этибгина қолмай, бу ҳаракатга раҳбарлик ҳам қилди. Бу борадаги ўз қарашларини “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи қиссаси” сингари асарларига сингдирди. Фитрат “Сайҳа”, “Ҳинд сайёҳи”, “Беғижон”, “Оила” сингари асарларида “мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилди, унинг барча камчиликларини аёвсиз фош этиб ташлади”, деган эди бу ҳақда Файзулла Хўжаев.

Журналистик ва муҳаррирлик Фитрат фаолиятида муҳим ўрин тутди. У ўзи муҳаррирлик қилган “Ҳуррият” газетасида “Юрт қайғуси” умумий сарлавҳаси остида учта сочма шеър эълон қилди. “Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти улоғи, ўчоғи, Турони ёт кўлларга тушди” деб ёзган эди шоир.

Фитрат матбуот билан бирга, бутун умр маориф соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатди. Ҳатто Туркияда ўқиб юрган кезлари у юртдошларининг ўқишига кўмак бериш мақсадида “Бухоро таълими маориф жамияти”ни ташкил этишда ташаббус кўрсатди. Фитрат 1921 йилнинг баҳоридан Бухорода маориф ишларини ташкил этиш ҳайъатига раҳбарлик қилди шу вақтда Бухоро жумҳуриятида туркий тил давлат тили деб эълон этилиши бевосита Фитратнинг жонбозлиги натижасидир. У ислоҳ қилинган лотин алифбосига ўтиш ишларининг ташкилотчиларидан биридир.

Бирок, совет давлати сиёсати ва коммунистик мафкура миллатпарвар адиб дунёқараши ва асарларини баҳолашга аста-секин ўзининг омонсиз тазйиқини ўтказа бошлади. Абдурауф Фитрат барча асарлари ва буткул фаолияти билан истиқлол учун курашди.

Абдулла Қодирий (1894-1938) ўзининг ноёб истеъдоди, жасорати билан халқимиз маданияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожига туб бурилиш ясаган, янги босқични бошлаб берган романлар яратди. Адиб “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди.

“Ўтган кунлар” романи билан ўзбек адабиётида янги давр бошланди. Роман қаҳрамонлари қисмати ифодаси орқали адиб жамият ҳаёти, ахлоқини, рус босқини арафасидаги халқнинг аҳволи, кайфиятини теран тадқиқ қилди. Буюк тарихга, қудратли давлатчилик, маданий, маънавий анъаналарга эга Туркистон ўлкасининг таназуллига юз тутиш, Россия империясининг мустамлакасига айланиш сабабларини очиб берди.

Қодирийнинг асарлари XX асрнинг кўплаб бало-офатларига, қора булутли кунларига дуч келди ва улардан эсон-омон чиқди. Бу ўлмас асарлар ҳозирда ўзбек адабиёти осмонида қуёшдек порлаб, одамлар вужудини, қалбларини чароғон этмоқда.

Чўлпон (1897-1938)-кўп қиррали истеъдод соҳиби эди. Чўлпон эҳтиросли асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, унинг янгича маънавиятини шакллантиришда катта хизмат қилди. 20-йилларда Чўлпон большевиклар олиб борган сиёсатга нисбатан муҳолифатга ўтгани ва бу қарашларини яширмай, шеърларида ошқора қуйлагани туфайли, уни миллатчига чиқариб қўйдилар. Қўйилган айбномаларини исботлаш учун асосий далил сифатида “Бузилган ўлкага” шеърини келтирдилар. Чиндан ҳам бу шеърда совет воқелигини мадҳ этиш йўқ. Бу том маънода ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган шеър. Шеърда улуг ўлка бошига тушган фожеалар, ҳақсизликларга, адолатсизликка қарши, анна шу юртнинг эрки ва озодлиги учун курашга ундовчи мисралар бор. Адибнинг “Кеча ва кундуз” романида Туркистоннинг зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла ҳаётини очиб берилган.

Туркистоннинг туганмас дардларини, жароҳатларини англаш ва англатиш, уни бирликка, эрқка, мустақилликка чорлаш

ва бу йўлдаги фидойилик ҳар уч адиб ижодининг муштарак жиҳатини ташкил қилади.

Ҳамза ўз шеърларида фақат маърифатга чақириш билан чекланмайди, у қадимий Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий аҳволини ўйлайди, мухторият ғояларини улуғлайди. Масалан, унинг “Туркистон мухториятига” деган шеърида “ислом давлати”ни бир санжоқ остида бирлашишига чакиради, “араб, турк, қобил, ҳиндистон” каби халқлардан ташкил топган “ислом миллатини аҳилликка, иттифоқ бўлиб иш юритишга” ундайди.

Мустабид тузум йиллари республикамизда адабиёт билан бир қаторда миллий санъат ҳам ривожланди. 1918 йилда Ҳамза Фарғонада “Ўлка Сайёр” сиёсий труппасини ташкил этди. М.Қори-Ёқубов, Й.Эгамбердиев, Ҳ.Исломов, М.Кузнецовалар шу театр қалдирғочлари бўлдилар. Ўша йили Маннон Уйғур Тошкентда “Турон” жамияти қошида театр тузди. Бу гуруҳ кейинчалик Ўлка Давлат намуна театрига айланди. Театрнинг биринчи актёрлари-Аброр Ҳидоятлов, Музаффар Муҳамедов, Обид Жалилов, Фатхулла Умаров, Сайфи Олимов, Маъсума Қориева, Босит Қориев, Зиё Саидлардир. Маннон Уйғур ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган Фитрат, Ғулом Зафарий, Чўлпон, Қодирий, озарбайжон драматурги Ҳусайн Жовид асарларини сахналаштирди.

Шу йилларда Қори Ёқубов томонидан биринчи бўлиб ўзбек халқ мусиқа ансамбли ташкил этилди. 1926 йилда эса юзага келган биринчи ўзбек давлат концерт этнографик ансамблига атоқли ўзбек хонанда, актёр, созандалари жалб этилиб, 1929 йилда унинг заминида Самарқандда Ўзбек давлат мусикали театри ташкил топди. Айнан ўша даврларда атоқли ўзбек ижрочилари чет эл гастролларида бўлишган: Тамарахоним ва Қори Ёқубовлар Париж ва Берлин(1925)да катта муваффақият қозонишган. 1936 йилда Ўзбек давлат филармониясининг ташкил этилиши ижрочилик санъатини маълум даражада тизимланишига асос бўлди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбллари, хор капелласи, симфоник оркестр унинг таркибида иш бошлади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг, республикамизда бир қанча илмий ва ўқув муассалари ташкил этилди. Хусусан, 1918 йилда ташкил этилган Туркистон Халқ Университети қошида бир қанча илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсата бошладилар.

Тупроқшунослик ва геоботаника, биология, зоология, педагогика ва психология, физика-математика, экология илмий-тадқиқот институтлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, республикада 20-йиллар охири-30 йиллар бошида Тропик тиббиёт институти, Тиббий паразитология ва гелминтология илмий-тадқиқот институти, Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар ташкил қилинди.

30-йилларда республикада хамда минтақада илм-фан раўнақига муносиб ҳисса қўшган маҳаллий миллатга мансуб олимлар этишиб чиқдилар. Улар: Т.Қори-Ниёзий, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов, О.Содиқов, Н.Долимов, Т.Зоҳидов, У.Орипов, С.Умаров ва бошқалардир.

Илмий-тадқиқот муассасалари тармоғи ва илмий кадрлар сонининг жадал ўсиши, олимлар олдига янги вазифаларнинг қўйилиши, илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириб туриш ишларини такомиллаштиришни тақозо қилди. 1932 йилда Фан қўмитаси таъсис этилиб, 1940 йилда унинг негизида Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) тузилди. Шу даврдан ЎзФАН Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот марказига айланди. Унинг таркибига геология, ботаника, кимё, сув хўжалиги муаммолари, тарих, тил ва адабиёт институтлари; тупроқшунослик, зоология, физика ва математика секторлари; Тошкент астрономия обсерваторияси; иқтисодий тадқиқотлар ва картография бюроси киритилди.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси (ЎзФА) ташкил этилди, унинг биринчи президенти этиб академик Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий сайланди.

Ўзбек математика атамашунослиги асосчиси, таниқли математик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий замонавий ўзбек математик тафаккурининг шаклланиши ва ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. Унинг Беруний мукофотига сазовор бўлган уч жилдлик “Асосий математик анализ курси” номли асарининг илмий қиммати олий математикадан биринчи ўзбек тилидаги оригинал қўлланма эканлигидадир. Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаёти тарихига оид илмий ишлар, ўзбек математика ва астрономия илмлари тарихи, хусусан, Улуғбекнинг астрономия мактабига оид асарлар ҳам Қори Ниёзий қаламига мансубдир.

5. XX аср 20- йиллари иккинчи ярми - 30-йиллардаги сиёсий қатағонлар.

1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР қудратли унитар (қўшма) давлат бўлиб, унда расмий федерация субъектлари суверен ҳуқуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум эдилар. Ўзбекистон ҳам фақат номигагина СССР таркибидаги суверен руспублика ҳисобланган, аслида эса иттифоққа ҳар томонлама қарам эди. СССРда қарор топган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими жамиятнинг барча соҳаларини ўз мақсад ва вазифаларига бўйсундирган, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўта сиёсийлаштирилиб, ўзгача фикрлашларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилар эди.

20-30 йилларда мустабид тузумга қарши фикр билдирганларни таъқиб остига олиш авж олди. Айни шу пайтда “18 лар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик” каби сиёсий ишлар тўқиб чиқарилган эди.

Ўзбекистондаги ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари масаласи тадқиқ этилганда ўн саккизлар гуруҳининг фаолияти ва қисматини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, асосан ҳукумат аъзолари кирган ўн саккизлар гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сиёсатига қарши чиққан эдилар.

1925 йил ноябрда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган миллий раҳбар ходимлардан 18 киши (улар тарихий адабиётларда “ўн саккизлар гуруҳи” деб аталарди) 1925 йил 19-22 ноябрда Самарқандда бўлган Ўзбекистон Компартияси Маказий Комитети пленумига қуйидаги ариза билан мурожаат қилган эдилар:

“ЎзКП(б) МК пленумига

Ариза

Дўстона ва самарали ишлаш учун тоқат қилиб бўлмайдиган шароит юзага келганлиги муносабати билан бизни Ўзбекистондаги ишдан бўшатишни ва РКП(б) МК ихтиёрига жўнатишингизни сўраймиз.

Агар лозим бўлса, сабабини янада муфассалроқ баён қилишимиз мумкин”.

Ариза остида Ўзбекистонда фаолият олиб борган 18 нафар масъул миллий ходимларнинг фамилияси ва лавозими ёзилиб, имзолари қўйилган. Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзолари, айрим округлар, вилоятлар, уездлар, туманлар ва шаҳарлар раҳбарлари, йирик хўжалик бошлиқлари ва партия ходимларидан иборат бўлган ва мазкур аризага қўл қўйган 18 нафар миллий ходимлар қуйидагилар бўлиб, улар ариза ёзилган 1925 йил ноябрда қуйидаги расмий лавозимларда фаолият кўрсатишган:

1. Абдурахим Ҳожибоев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Фарғона округи партия комитети масъул котиби.

2. Нуритдин Қориев - ЎзССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоси; Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми масъул котиби.

3. Баходир Мақсумов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; “Ўзбекхлопком” бошқармаси раисининг ўринбосари.

4. Раҳимжон Раҳимбобоев - Ўзбекистон ССР Ички ишлар комиссари ўринбосари.

5. Иномжон Хидиралиев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссари.

6. Мирзахўжа Ўринхўжаев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Самарқанд вилояти ижроия комитети раиси.

7. Мухторжон Саиджонов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети масъул котиби.

8. Исмоил Бозорбоев - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Қашқадарё округи партия комитети ташкилий бўлими бошлиғи.

9. Раҳмат Рафиқов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари.

10. Зокир Ҳасанов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; “Қизил Шарқ” тўқимачилик корхонасининг Самарқанд бўлими бошлиғи.

11. Муҳаммаджон Каримжонов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳар касаба уюшмаси раиси.

12.Обид Мақсудов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Тошкент шаҳри 1-район партия комитети масъул котиби.

13.Ҳайитдин Эшонов - Конибодом район партия комитети котиби.

14.Абдурашид Мукамилов - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига номзод; Зарафшон округи ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

15.Раҳматулла Музаффаров - Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси; Зарафшон округи партия комитети тарғибот ташвиқот бўлими бошлиғи.

16.Абдумажид Зокиров - Ўзбекистон Компартияси обкоми (область партия комитети) аъзоси; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети захирасида турган.

17.Насм Ширинов - коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Самарқанд уезди партия комитети масъул котиби.

18.Ўринбой Ашуров - коммунистик партия, яъни Ўзбекистон Компартияси аъзоси; Марғилон уезд - шаҳар партия комитети масъул котиби.

Ўзбекистон Компартияси МК пленуми ушбу аризани кўриб чиқишини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига топширган. Мазкур аризадан сўнг пленум ва Ўзбекистон Компартияси МК котибиятига ўн саккизлар аризасини қўллаб қувватлаб, 21 ноябрда яна 8 киши (Абдурахмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Саидхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, Қурбонов, Исамухамедов)дан иккита ариза тушган. Бу аризаларнинг биринчисини Зарафшон вилояти делегатлари ва айрим ходимларидан Абдурахмонов, Қодиров, Мирхўжаев, Саидхонов, Мусахўжаев, Олимжонов, иккинчисини Ўратепа уезди ижроия комитети раиси Қурбонов ва Ўзбекистон ЛКСМ МК ташкилий ишлар бўлими бошлиғи ва Ўзбекистон ССР МИК аъзоси Исамухамедов каби масъул ходимлар беришган.

Ариза берганлар билан РКП(б) МК Ўрта Осиё биринчи котиби И.А.Зеленский ва Марказдан юбрилган бошқа масъул ходимлар суҳбатлашган. Бу суҳбат аслида тергов тусини олган. Партиянинг ички интизомига қатъий амал қилиш, партия сафларида ҳеч қандай гуруҳбозликка ўрин бўлмаслиги каби талаблар ва турли тазйиқлардан сўнг 18 нафар кишидан 8 киши

(А. Ҳожибоев, И.Хидиралиев, М. Ўринхўжаев, Ў.Ашуров, Ҳ.Эшонов, А. Мукамилов, А.Зокиров, Н.Ширинов) хато қилганликларини “тан олиб”, аризадаги ўз имзоларини қайтариб олганликлари хусусида ариза берганлар. Қолган 10 нафар киши (Н.Қориев, А.Музаффаров, М. Саиджонов, Р.Рафиқов, Б.Мақсумов, И.Бозорбоев, О. Мақсумов, М. Каримжонов, З.Ҳасанов, Р.Раҳимбобоев) қайтадан ариза ёзишиб, ишларини Ўрта Осиё бюросида кўриб чиқишни талаб қилишган.РКП(б) Марказий Контроль Комиссияси Президиуми аъзоси М.В. Косарев, РКП (б) Марказий Контроль Комиссияси аъзоси Д.Манжара ва Ўрта Осиё бюроси ташкилий – тақсимлов бўлими бошлиғи А.Здобновдан иборат махсус комиссия 1925 йил 22- 29 ноябрда ариза берувчи ҳар бир киши билан алоҳида савол-жавоб, аслида ўзига хос сўроқ ўтказиб, ариза ёзишининг сабабларини текширган. Декабрь ойининг бошларида бу савол - жавоб яна такрорланган.

Мазкур комиссиясининг хулосаларига таяниб тарихчи Қ.Ражабовнинг ёзишича, ўн саккизлар гуруҳининг ҳаракатларини Ўзбекистон ССР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаев фаол қўллаб- қувватлаган. Хужжатда қайд қилинишича, Файзулла Хўжаев бу гуруҳнинг расмий аъзоси бўлмаса ҳам, аслида уларнинг ғоявий илҳомчиси бўлган. Ўн саккизлар гуруҳи аъзолари ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистондаги шовинистик сиёсати ҳамда бу сиёсатни юритувчилари бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиблари Владимир Иванов ва Акмал Икромовнинг ўлкада олиб бораётган сиёсати ва иш юритиш услубига қарши норозилик изҳор этиб, мазкур аризага имзо чекканлар.

Энг қизиғи шундаки, сўроқ қилинган раҳбарларнинг барчаси маҳаллий миллатга мансуб кишилардан иборат бўлиб, сўроқ қилган комиссия аъзоларининг бирортаси ҳам ўзбек тилини билмаган. Шу боисдан сўроқ қилиш ва стенограмма рус тилида олиб борилган. У даврда хали сўроққа тортилган маҳаллий миллатга мансуб раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам рус тилини бирдек мукамал билавермаслиги, русчани сал-пал тушунганлари ҳам ўз мулоҳазаларини мазкур тилда эркин ифода эта олмасликлари сўроққа тортилган ходимларда катта қийинчилик туғдирган. Шу боисдан уларнинг баъзилари ариза ёзишдан мақсадлари нима эканлигини олдиндан қоғозга ёзиб

олиб, унга таянган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилишган. Комиссия аъзолари эса бу ҳолатга сиёсий тус бериб, ушбу “шпаргалкалар” гуруҳбозлик курашининг ғоявий раҳнамолари томонидан махсус тайёрлаб берилгалиги хусусидаги хулосага келганлар.

Ўн саккизлар гуруҳи иштирокчилари ариза беришларига партия ичида гуруҳбозлик курашининг давом этаётганлиги, бунинг натижасида эса самарали ишлаш учун шароитнинг йўқлиги, раҳбарларнинг ходимларга ишонмаслиги асосий сабаб бўлганлигини кўрсатиб ўтганлар. Буни улар Ўрта Осиё бюроси мажлисида берган кўрсатмаларида ҳам таъкидлаб ўтишган. Масалан, Раҳмат Рафиқов мулоҳазаларида шундай дейлади: “Республика партия ташкилотидаги гуруҳбозлик кураши тўхтамаётганлиги ариза ёзишга мажбур қилди. Мен тўраларча ишлашни хоҳламайман, балки ҳалол партия кишиси сифатида ишлашни хоҳлайман. Иванов ва Икромовнинг гуруҳбозлик кураши масаласи бўйича ходимларни қабул қилиш ва эшитиш учун вақтлари йўқ эди, улар томонидан дўстона маслаҳатлар бериш ҳам амалда йўқ эди”.

Муҳаммадjon Каримжонов кўрсатмаларида эса қуйидаги фикрлар мавжуд: “Мен бу гуруҳбозларнинг тугатилганлигини кўрмайман, аксинча улар кучайиб бормоқда. Агарда уларнинг нуфузи олдин партия аъзоларининг 25 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирда улар 90 фоизга етган. Марказий Комитет раҳбалигининг мустаҳкамлиги ва яхшилигини тан олган ҳолда айтиш керакки, барибир МК бу борада ҳеч қандай чора кўрмади, мен шахсан дўстона ишлаш ва гуруҳбозларни тугатиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман”. Зокир Ҳасанов эса яна ҳам кескинроқ фикр билдирган: “Марказий Комитет лозим даражада яхши ва керагича раҳбарлик қила олмади”.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумида (1925 йил 22 ноябрь) сўзга чиққан РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И.Зеленский қуйидагича фикр билдирган эди: “Мен ўртоқларга (ариза берган ўртоқларга) янги хўжалик йили бошланаётганда МК раҳбарияти тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиш барча соҳадаги ишларга салбий таъсир қилишини, шунингдек, ҳозир раҳбариятни алмаштириш партия ва совет органларининг қуйи бўғин раҳбарларини ҳам алмаштиришга сабаб бўлишини тушунтирдим”. Демак, бундан

кўришиб турибдики, ўн саккизлар гуруҳи аъзоларининг талабларидан бири Марказ манфаатларини Ўзбекистонда амалга ошираётган республика коммунистик ташкилотининг раҳбарлари В.Иванов ва А.Икромовни ўз вазифаларидан озод қилишдан иборат бўлган.

РКП(б) Мк Ўрта Осиё бюроси комиссияси хулосасига кўра, Файзулла Хўжаев, Абдурахим Ҳожибоев ва Баҳодир Мақсумов ўн саккизлар гуруҳининг гоъвий раҳнамоси ва ташкилотчиси деб топилди. Бундан ташқари хулосада таъкидланишича, Файзулла Хўжаев, А.Ҳожибоев ва Р. Исломов Ўзбекистонда учта группа тузиб, гўёки Марказий Комитетга қарши биргаликда ягона жабҳада туриб кураш олиб борганлар.

Ўн саккизлар гуруҳи аъзолари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси комиссияси ва Ўзбекистон Компартияси МК иккинчи чақириқ 1 пленуми қарорига кўра 1925 йил декабрда қуйидагича жазоланди: Раҳмат Рафиқов, Мухторжон Саиджонов, Иномжон Хидиралиев, Нуритдин Қориев ўз вазифаларидан олиб ташланди, Раҳмат Рафиқов ва Баҳодир Мақсумов партия аъзолигидан чиқарилди, Зокир Ҳасанов ва Обид Мақсумовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди, Раҳматулла Музаффаровнинг иши кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Компартияси МККга топширилди, Раҳимжон Раҳимбобоев ва Абдурахим Ҳожибоевга танбеҳ берилди, ўз хатоларини “тан олган” 8 кишини шахсий ишига эса гуруҳбозлик курашида иштирок этганлиги ёзиб қўйилди.

Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1927 йил март пленумида сўзлаган нутқида айтган фикрлари ўша йилларда партиядо вужудга келган аҳволни тўла - тўкис таърифлаб беради: “Биз ўтган вақт давомида мазкур аризининг сиёсий вазифалари ёки амалий мақсадлари нимадан иборат бўлганлигини билишга бирор марта ҳам уриниб кўрмадик”.

Бироқ ўн саккизлар гуруҳи аъзоларининг кейинги тақдири аянчли кечди. Иномжон Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвада фожиали ўлим топди, айрим кишилар 1930 йили Б. Мавлонбеков гуруҳида иштирок этганликда айбланди ва жазоланди, қолганлари эса 1934, 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонларнинг қурбони бўлишди. Фақат умрининг катта қисмини сургун ва қамоқхоналарда ўтказган Мирзахўжа

Ўринхўжаев 1958 йилда туғилган юрти Самарқандга қайтиб, кейинчалик ўз ажали билан вафот этди



Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топгач, ҳукумат ва партия органларининг ваколатлари доираси қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзолари ҳамда Марказнинг бошқа вакиллари мадади ва кўрсатмасига таяниб, республикадаги совет ва хўжалик органлари ишига, хусусан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети фаолиятига беписандлик била қарадилар. 1925-1926 йилларда партия сафлари ўртасида қатъий тартиб ва интизом йўқлиги турли гуруҳбозлик ҳолатларини келтириб чиқарди. Марказий Комитетдан ўртак олган жойлардаги партия ташкилотлари соғлом рақобат ва ўзаро танқид муҳитида ишлаш ўрнида совет ва хўжалик органлари фаолиятига билар-билмас аралашиб, уларнинг мустақил иш кўришига монелик қилди.

Партия ташкилотлари раҳбар коммунистларни хўжалик, ижтимоий ва маданий қурилишининг барча соҳаларига мутасадди қилиб қўйган эди. Маъмурий – буйруқбозлик усуллари билан иш олиб борган партия ташкилотлари корхоналар ва муассасалар раҳбарлари ҳамда меҳнат жамоаларининг мустақиллигини чеклаб, уларнинг ташаббусини бўғар, улар фаолиятидаги демократик жиҳатларни йўққа чиқарар эди.

Ҳукумат ва партия органларининг функциялари конституция ва турли қонунларда кўрсатилган бўлишига қарамасдан, партиявий ваколатлар доираси тасоғат кенгайиб, кейинчалик жамиятнинг барча соҳалари устидан ҳукмрон кучга айланди. Бу ҳолатга қарши чиққан миллий раҳбар ходимлар (ўн саккизлар гуруҳи, Р.Иноғомов ва б.) муҳолифатда айбланиб, улар аввал ғоявий жиҳатдан, сўнгра жисмоний жиҳатдан маҳв этилди. Совет режимининг репрессив хусусияти Ўзбекистонда ҳам яққол намоён бўла бошлади.

“Иноғомовчилик” 1926-1931 йилларда мустабид тузум томонидан миллий раҳбар ва зиёлиларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлган уйдирма. “Иноғомовчилик”- ўша йилларда ЎзССР Маориф Халқ Комиссари вазифасини бажариб келган Раҳим Иноғомов (1902-1938) номи билан боғлиқ.

Р.Иноғомов ва унинг тарафдорлари халқ таълими ва маданиятини пролетарлаштиришга қарши чиқиб, ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси фаолиятини тугатиш талабини кўтариб чиқадилар. Шунингдек, Р.Иноғомов ўзбек меҳнаткашларининг октябр тўнтаришига тайёр бўлмаганликлари ва унинг европалик пролетар кучлар томонидан амалга оширилганлиги ҳамда рус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни

фақат зиёлилар ўйнаган, бизда эса ҳали пролетариат йўқ деган дадил фикрларни билдиради.

Махсус уюштирилган вилоят пленумларида “иноғомовчилик” қораланиб, у билан аёвсиз кураш олиб боришга даъват этилади. Ҳатто “иноғомовчилик” ни партия сафларидаги буржуазия агентураси деб баҳолашади.

“Иноғомовчилик” ка қарши кураш матбуотда ҳам давом этади. Ўрта Осиё бюросининг “За партию” деган журналида И.Зеленский “иноғомовчилик” ни қаттиқ танқид қилиб, унинг коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги, унга қатъий зарба берилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Раҳим Иноғомовга шу каби асосиз “айбномалар” қўйилгандан сўнг, уни Қашқадарё вилоятининг энг чекка қишлоқларининг бирига ишга юборишади. Қувғин ва таъқиблар таъсирида Р.Иноғомов матбуот орқали тавба-тазарру мазмунидаги “очиқ хат”и билан чиқади.

Иноғомовнинг қарашлари хусусида Мустафо Чўқаев қуйидаги фикрларни билдирган: “...Биз русларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлишни истамаймиз.. Мана шу ҳақиқатни коммунист бўлишга шошилган туркистонлик ёшлар англай бошлади.. Р.Иноғомов бошлиқ гуруҳ ўзбекларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш, Туркистон устидан Ўрта Осиё бюроси назоратини бекор қилинишини талаб қилган.”

“Қосимовчилик”-1929-1930 йилларда миллий анъанавий суд ва ҳуқуқ соҳасидаги кадриятларни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган ватанпарвар руҳдаги ҳуқуқшунос мутахассисларни мустабид совет тузумига мажбуран бўйсундириш йўлидаги (репрессия) қатағонга қарши ҳаракат бўлди.

1929 йилда ЎзССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимовнинг “қосимовчилик” деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланади.

С.Қосимов, Б.Шарипов, судьялар М.Мирзокиров, И.Хўжаев, суд идораси ходими Спиридонов устидан 1930 йилнинг мартида бошланган суд жараёни натижалари олдиндан тайёрланган ёлғонга айлантирилган эди. Давлат ва жамоат айбловчилари С.Қосимов ва маслакдошларининг ҳақиқий жиноий ишларини исбот қила олмадилар. Бироқ, уларнинг Мунаввар Қори Абдурашидхонов томонидан ташкил этилган “Турк одами

марказияти” партияси билан алоқалари, С.Қосимовнинг Султон Сегизбоев ва адвокат Убайдулла Хўжаев (Асадуллахўжаев), Япониядаги Туркистон миллий қўмитасининг мухтор вакили (аслида бундай қўмита бўлмаган) Ҳасанхон Қори Каримов билан дўстона муносабатда бўлганлиги бир неча маротаба эсга олинди. С.Қосимов ва унинг тарафдорлари “босмачилар”ни қўллаб-қувватлашда, “аксилинқилобчи миллатчи ташкилотлар” аъзолари билан алоқа боғлаганликда, ислом динини ҳимоя қилишда айбландилар. Ҳолбуки, С.Қосимов ва Б.Шарипов ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида туб миллат манфаатларини имконият доирасида ҳимоя қилишган эди. С.Қосимов тергов ва суд жараёнида СССР Олий суди томонидан Ўзбекистоннинг суверенлик ҳуқуқи ва миллий манфаатлари поймол қилинаётганлигини очиб ташлашдан чўчимасди.

1930 йилнинг 22 июнида хукм эълон қилинади. Уларнинг ҳаммаси ёт синф манфаатларини ҳимоя қилганликларида, Шарипов эса босмачиларга фаол ёрдам берганликда айбланадилар. Катанян сўнгги суд жараёнида: ”...адолатли қонун ғалаба қилсин ва қон тўкилсин!” деб хитоб қилади. Қосимов ва унинг 3 тарафдори отиб ташланадилар.

Бу жараённинг асл моҳияти кўзга кўринган маҳаллий арбобларни тугатишга қаратилган эди.

Минглаб зиёлилар йўқ қилинишининг чўққиси 1937-39 йилларга тўғри келди. 1937 йил декабр-1938 йил январиди ХКС ва ЎЗ КП (б) МҚнинг “ЎзССР Халқ Маориф Комиссарлиги тизимида зиёнчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилингандан сўнг, халқ таълимининг барча соҳаларида, айниқса маҳаллий тилда дарс бериладиган мактаблар, педагогик билим юртлири ва институтларида ўқитувчи кадрлар ва талабаларни “тозалаш” ишлари авж олдириб юборилди.

Халқ таълими тизимидаги маорифпарвар зиёлиларга қарши олиб борилган қувғин ва қатағонларга “халқ душманлари, чет эл жосуслари”-А.Икромов, Ф.Хўжаев, Н.Каримов ва бошқалар ўзларининг Маориф комиссарлигидаги “одамлари”- Усмонов, Рўзиев, Сорокин, Кожуховлар орқали халқ маорифига катта зиён этказишган, деган бўхтонлар “асос” қилиб олинди: “Улар турли чоралар билан ўзбек халқини социалистик маданиятнинг илғор вакили-буюк рус халқидан ажратмоқчи бўлдилар, ёшларни

миллатчилик билан заҳарлашга ҳаракат қилдилар... Улар бир томондан, ўзбек мактабларида Ленин ва Сталин асарларини ўрганишга имкон берувчи рус тили ўқитилишига қаршилик кўрсатиб, иккинчи томондан, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилинишига тўсқинлик қилдилар.”

Абдулла Қодирий



Ғафур Ғулом



Юнус Ражабий



Обид Содиқов



Айни пайтда истиқлол ва эрк куйчилари, ўзбек халқининг машхур ёзувчиларидан Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир Сталин истибдодининг бегуноҳ қурбони бўлдилар. 30-йилларда ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпон каби “кекса” авлоди вакилларининг эркин ижод этишига йўл қўйилмади. Фитрат 1938 йил 4 октябрда “...совет ҳокимиятига қарши

аксилнқилобий, пантуркистик ишлар олиб борганликда” айбланиб, отиб ташланади.

Чўлпон 1932 йили Ф.Хўжаевнинг маслаҳати билан Москвага бориб, СССР ХКС ва СССР халқлари марказий нашриётида таржимон бўлиб хизмат қилаётганида, Тошкентда **бадриддиновчилар** устидан суд бошланади. “Бадриддиновчилик”-Ўзбекистон ССР Олий судининг прокурори Шамсутдин Бадриддинов номи билан боғлиқ иш. Ш.Бадриддиновга “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари ва босмачилар билан алоқа боғлаган, Мунаввар Қори ва С.Қосимовнинг яқин дўсти ва ҳам фикри бўлган деган айблар қўйилган Ш.Бадриддинов ва унинг 5 тарафдори устидан суд жараёни 1932 йил 5 май-15 июнда Тошкентда бўлиб ўтади. Ана шу судда фош этувчи нутқ билан сўзга чиққан Олимов исмли гувоҳ Чўлпоннинг ҳам номини ғайрли ниятда тилга олади. Бу унинг 1937 йилда қамоққа олинишига сабаб бўлади. Чўлпон ўз олдида совет ҳокимиятини қурол билан ағдариб ташлаш ва Ўзбекистон музофотида буржуа давлатини барпо этиш мақсадини қўйган, аксилнқилобий миллатчилик ташкилот аъзоси бўлган..., совет ҳокимиятига қарши кураш учун миллий кадрлар тайёрлаган..., ташкилотнинг топшириғига мувофиқ аксилшўровий-миллатчилик руҳидаги шеърларни ёзган. Хорижий разведка органларининг айғоқчилари Шоҳид Эсон Мусаев, Фитрат ва Ғози Олим Юнусов билан доимий алоқада бўлган...” деган сохта айбномалар асосида советларнинг жазо органлари томонидан 1938 йил 4 октябрда қатл этилади.

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий 20-йилларда “Ўткан кунлар” дан кейин, “Меҳробдан чаён” асарларини яратиб, ўзбек романчилигини жаҳон маданияти даражасига олиб чиқди. Бироқ, совет режими унинг “Ўткан кунлар” асари китобхонларни совет воқелигидан узоклаштиради ва унда миллатчилик қарашлари очик акс этган деб танқид остига олишади ва бу унинг 1937 йилда қамоққа олиниши учун асос бўлиб хизмат қилади. Адабиётимизнинг энг сара арбоблари қаторида А.Қодирий ҳам 1938 йил 4 октябрда отилади.

Таниқли ўзбек шоири, драматург ва таржимон Усмон Носир ўзининг “Юрак”, “Меҳрим”, “Норбўта”, “Нахшон” ва бошқа шеърлий дostonлари билан шухрат қозонган. Шунингдек, у Добролюбов, Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима

қилган. Усмон Носир ҳам 1944 йилда совет режимининг бегуноҳ қурбони бўлган.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, республика НКВДси “учлик” лари томонидан 1937-39 йилларда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олиниб, улардан 6 минг 920 таси отиб ташланган эди.

Миллатнинг илғор таракқийпарвар зиёлилари қатағон қилиниши оқибатида халқимиз уларнинг ноёб асарларини ўқишдан узоқ вақт маҳрум бўлди.

Маълумки, совет ҳукмронлиги даврида дин давлатдан ажратилган, деб эътироф этилган, номигагина виждон эркинлиги эълон қилинган бўлса-да, аслида диний эътиқод гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тарзда таъқибу тазйиққа олинар эди. Ҳолбуки жамиятсиз дин, динсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Совет тузумида бунга мутлақо эътибор берилмас эди. Балки, иложи борича, динга, диний тарбияга тўсқинлик кўп бўлиб, жамиятдан уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинган. Советларнинг эътиқоди даҳрийлик эди. 30-йилларнинг боши диндор ва эътиқодли кишиларга зўравонлик ва сиёсий қатағонликнинг чўққиси бўлди.



Хатто Аллоҳ таолонинг уйи ҳисобланмиш масжидлар худосизлар уйига, атеизм музейига айлантирилган. Ушбу сиёсат оқибатида кўплаб кўҳна масжидлар узоқ вақтгача қаровсиз қолиб кетди, янги масжидлар қуриш тўғрисида эса хатто сўз бўлиши мумкин эмас эди. Бу даврда Ўзбекистондаги диний уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жўнатилди. Инсон ҳуқуқлари амалда поймол этилди. Қамоқхоналарда маҳбуслар шафқатсиз жисмоний жазоларга маҳкум этилдилар.

20-30 йиллардаги мустабид тузумнинг қатағонлик сиёсати жиддий ва фожиали оқибатларга олиб келди. Миллий зиёлиларнинг жисмонан йўқ қилиниши оқибатида миллий маданият тўла-тўқис ривожлана олмади. Миллатнинг ақл-идрокли кишилари маҳв этилгач, ҳамма “йўлбошчи”нинг итоаткор қулига айлантирилди. Шундай қилиб, ҳар қандай ўзгача фикрни куч билан бўғадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик билан Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишиларни қириб ташлаган мустабид тартибот қарор топди ва кучая борди.

Савол ва топшириқлар

1. 20-йиллар бошларида ўлкадаги иқтисодий-ижтимоий аҳволни характерлаб беринг.
2. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) моҳияти нимада эди?
3. Миллий-давлат чегараланиши деганда нимани тушунасиз?
4. 20-йилларда амалга оширилган ер-сув ислохотлари мазмун-моҳиятини сўзлаб беринг.
5. Ўзбекистонда жамоатлаштириш жараёни қандай кечган?
6. Қулоқлаштириш сиёсати қандай кечган?
7. “Маданий инқилоб” ҳақида нималарни биласиз?
8. “Хужум” кампаниясига эҳтиёж бўлганми?
9. 20-йиллар охири - 30-йиллар қатағонликлари ҳақида гапириб беринг.
10. Совет диний сиёсат қандай бўлган?

14-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Ғалаба учун жон фидо қилган юртдошларимизни хотирлаш, бугун ҳаёт бўлганларни кадрлаш-биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Т.: Ўзбекистон. Асарлар, 13 жилд, 287-305бетлар.
2. Каримов И.А. Шаҳидлар хотираси-мангу барҳаёт.»Шаҳидлар хотираси»ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ,2000 йил 12 май. Т.: Ўзбекистон. 2000. Асарлар 8 жилд. 475-479-бетлар.
3. Каримов И.А. Хотира чироғи ўчмайди. Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўз.1999 йил 9 май Т.,Ўзбекистон. Асарлар 8 жилд.407-414 бетлар.
- 4.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1996.
- 5.Каримов Ш. Ғалабага қўшилган ҳисса. Т., 1995.
- 6.Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонликлар Сталинград жанглирида. Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси.(1941-1945й). Т.: Фан.1996й.
- 7.Тарих шохидлиги ва сабоқлари.Т.: Маънавият, 2002, 285-294 бетлар.
- 8.Воробьев В.П.Деятельность Туркестанского легиона в источниках и исторической литературе, опубликованной в Германии.Т.,1991, стр.54-55.
- 9.Джураев П.Д. Узбекистанцы-участники партизанской войны. Т.: Узбекистан, 1975.
10. Ўзбекистон тарихи. Р.Х.Муртазаеванинг умумий тахрири остида. – Т.: Университет, 2005, 372-387 бетлар.
11. Q.Usmonov, M.Sodiqov, S.Burxonova. O'zbekiston tarixi.Darslik, Т.: Iqtisod-moliya, 2006.

Таянч сўзлар.

Янги иқтисодий сиёсат, “Қўшчи”, кооперация, саводсизлик, миллий, давлат, мухтор, республика, ер-сув ислохот, жамоалаштириш, кулоқ, саноатлаштириш. Кенгаш, маориф, маданият, “Хужум” ҳаракати, маъмурий-буйруқбозлик, катагонлар, жадид, “18лар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”, иқтисодий кенгаш.

14-мавзу. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.

Режа:

- 1. Мавзу тарихшунослиги. Урушнинг бошланиши. Умумий ҳарбий сафарбарлик.**
- 2. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги.**
- 3. Уруш йилларида фан ва маданият.**
- 4. Ўзбекистонликларнинг уруш жангоҳларида кўрсатган жасоратлари.**

1. Мавзу тарихшунослиги.

Урушнинг бошланиши. Умумий ҳарбий сафарбарлик

Мавзу тарихшунослиги.

Инсоният жуда кўплаб урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 млндан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган, XX аср фожиаси бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябр-1945 йил сентябр) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган ҳудудни ўз ичига олган 61 та мамлакатни қамраб олди.

Иккинчи жаҳон урушини Англия, Франция ва СССР каби йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, хусусан, пайдо бўлган дастлабки дамлариданоқ ташқи сиёсат стратегияси “жаҳон пролетар инқилоби” мафқурасига таяниб, бутунжаҳон коммунистик империясини тузишга қаратилган совет давлати ҳамда Германия ва Япония каби агрессив кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарди. Урушнинг асосий айбдорлари жаҳонга ҳукмронлик қилиш даъвоси билан майдонга чиққан Адолф Гитлер ва Иосиф Сталин юргизган агрессив сиёсат бўлди. Франция ва Англия сиёсий етакчиларининг жавобгарлиги шундан иборат бўлдики, улар большевизм хавфига қарши турувчи кучни ташкил қилиш ғояси билан Германияда гитлерчилар партиясининг мустаҳкамлашувига ёрдам берибгина қолмасдан, Австриянинг Германия таркибига қўшиб олинишига (1938й март) ва Мюнхен битимига (1938 й сентябр) йўл очиб бердилар. Бу эса, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

30-йиллар охирларида халқаро кескинликнинг ва иккинчи жаҳон урушининг бошланишида Сталин бошлиқ совет раҳбарлари капиталистларни ўзаро уриштириб, уларнинг кучи камайиши билан қизил армия кучларининг қақшатқич зарбасини беришга интилишлари ва айнан шу мақсадда 1939 йил 23 августда Германия билан 10 йил муддатга ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномаси уларнинг жавобгарликларини ташкил қилади. Совет-герман битимининг махфий қўшимча баённомасига кўра, Германия билан СССР таъсир доираларини бўлиб олишган эди. Уларнинг манфаатдор ҳудудлари чегараси Полшадан ўтган бўлиб, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудлари ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари СССР таъсир доирасидаги ҳудуд эканлиги Германия томонидан тан олинган эди.

Энг сўнгги тарихий тадқиқотлар ”август битими” мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаб, совет-герман урушининг бошланишини орқага сурган эмас, балки, иккинчи жаҳон урушини ва унга СССР нинг тортилишини тезлаштирган ҳужжат бўлганлигини кўрсатади. Чунки Германия давлатининг ҳам, Совет давлатининг ҳам стратегик мақсадларини акс эттирган бу шартномага мувофиқ Германия билан СССР Полшага бир вақтда қўшин киритишлари лозим бўлган. Шунга кўра 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси Полшага бостириб кирди. 3 сентябрда эса Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилдилар ҳамда иккинчи жаҳон уруши бошланди. Натижада Германия икки фронтда уруш ҳолатида бўлиб қолди. Гитлер жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ҳалокатли уруш ёнғинининг асосий айбдори бўлиб намоён бўлди. Сталин эса айнан шуни кутган эди. У совет қўшинларини 17 сентябрдагина Полша ҳудудларига кирита бошлади ва Шарқий Европанинг «халоскори» сифатида Ғарбий Белоруссия ерларини босиб олиб, кейинроқ расмий равишда СССР га қўшиб олди.

1939 йил охири-1940 йил бошларида бўлган совет-фин уруши натижасида Финландия Ленинград ва Мурманск оралиғидаги ўз ерларини СССРга беришга мажбур бўлди. Совет давлати 1940 йил июнда Эстония, Латвия ва Литва давлатларини босиб олиб, август ойида ўз таркибига киритди. Ўз ҳудудларини бундай кенгайтириш сиёсати Германия ва СССРни 1939-1940 йилларда янада яқинлаштирди. Ғарбий Европада фашистлар

Германияси Полша, Норвегия, Франция, Белгия, Голландия, Дания, Люксембург каби давлатлар пойтахтларини босиб олганда, советлар ҳукумати немис қўмондонлигини табриклар борган.

Капиталистлар ўзаро уруш натижасида заифлашишини кутаётган Сталин бошлиқ советлар ҳукумати бир зарба билан Европани советлаштиришга тайёрланар, буни зимдан ҳис қилган Гитлер ҳукумати Сталиндан хавфсирар, уларнинг ҳар бири “ҳужум қилмаслик ҳақидаги битим”ини ўзи учун қулай бўлган пайтда бекор қилишни оқилона иш деб ўйлардилар. Айнан шу нарса иккита “дўст” давлат ўртасидаги муқаррар урушни тезлаштирди.

1941 йил 22 июн якшанба куни тонготарида август шартномасини бузиб, фашистлар Германияси СССР га ҳужум бошлади. Германия билан унинг иттифоқчилари-Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам Совет Иттифоқига қарши урушга кирдилар. Бу урушга мажбуран тортилган Совет Иттифоқи халқлари мустамлака асоратида бўлган барча республикалар шу жумладан, Ўзбекистон халқлари учун оғир синовлар вақти ва уларнинг немис фашист босқинчиларига қарши фидокорона кураши бошланди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам партия ташкилотлари томонидан митинглар ва йиғилишлар ташкил қилинди. 1941 йил 22 июндаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ана шу дақиқадан бошлаб ўзларини Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган деб ҳисоблашларини билдирдилар. 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги йиғилишларда Ватан ҳимояси учун ҳар қандай вазифани бажаришга шай эканликларини билдирган ўзбекистонликлар ҳарбий комиссарликларга фронтга кўнгилли сифатида жўнатишларини сўраб аризалар бера бошладилар.

Урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига 14 мингдан ортиқ ариза тушган. Бу ўзбекистонликларнинг ўз ватанпарварлик бурчларини, ҳар бир уруш инсоният бошига келган офат эканлигини юксак даражада англаб, уруш оловини ёқувчиларга қаттиқ нафрат билан қараганликларини кўрсатади. Чунки бошланган уруш юқори ҳокимият раҳбарлари орасида

саросималикни келтириб чиқарган бўлиб, фақат 29 июндагина Халқ Комиссарлари Кенгаши номидан жойларга кўрсатмалар жўнатиб, унда уруш аҳволни кескин ўзгартириб юборганлиги, Ватан жиддий хавф остида қолганлиги, барча ишларни ҳарбий изга солиш учун тез ва қатъий равишда қайта куришни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилиб, “ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” чақириғи талаб даражасига кўтарилган эди.

1941 йил 30 июнда И.В.Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Қўмитаси ташкил этилиб, давлат, ҳарбий ва партиявий ҳокимият унинг қўлига ўтди. Сталин ҳукумат номидан 3 июлда радио орқали халққа мурожаат қилиб, ҳақиқий аҳволни баён қилди. Қуролли кучларга стратегик раҳбарликни амалга ошириш учун Олий Бош Қўмондон Қароргоҳи ташкил этилиб, 8 августда Сталин Олий Бош Қўмондон лавозимини қабул қилди. Барча муҳим ҳарбий-сиёсий қарорларни қабул қилиш ҳақиқатдан унинг қўлида тўпланган бўлиб, бу қарорлар ДМҚ ёки ВКП (б) МҚ Сиёсий бюросининг қарорлари сифатида расмийлаштирилган.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет халқи-ўзбекистонликлар ҳам босқинчилар устидан ғалабага эришишга бутун кучларини бахшида этдилар. Мустабид тузум зулми остида эзилаётган халқлар қандайдир ғояларни эмас, балки она-юрт-Ватанларини ҳимоя қилдилар. Ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак даражада ҳис қилган ўзбек халқи фашизмдан фақат СССРни эмас, энг аввало Ўзбекистонни ҳимоя қилишни, уни яна бир босқинчидан сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйган эди. Чунки халқимиз социализм ниқоби остида қилинган босқинчилик сиёсий қатоғонлар захмини ҳали унутмаган бир даврда гитлерчи босқинчиларнинг босиб олинган ҳудудларда қилган ашаддий жиноятлари, улар ўрнатаётган тартиб тўғрисидаги хабарларни эшитиб фашизмнинг мустабид тузумдан ҳам даҳшатлироқ, инсоният бошига келган офат эканлигини англаб етган эди. Яъни, халқ ўзини душманни тўхташишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан бир куч деб ҳис қилди. У коммунистик тизим фойдасини эмас, балки фашизмга қарши курашнинг адолатли эканлиги ғоясини танлади. Шу жиҳатдан ҳам И.А.Каримовнинг “уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратларини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни... камроқ айтиш” га доир чақириғи ниҳоятда долзарб бўлиб жаранглайди. Президент ҳақли равишда бундай деб таъкидлаган эди: “Иккинчи

жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз!” Чунки ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасорати, фронт орқасидаги фидокорона меҳнати мустабид давлат машинасининг тазйиқи, эрксиз ҳаракат тарзида эмас, балки онгли, асл ватанпарварликнинг манбаи бўлган Ватанга муҳаббат туйғусининг юксак даражадаги кўриниши бўлди.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг барча моддий ва маънавий кучлари, ресурслари фронт учун сафарбар қилина бошланди. Умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи резервига 86 дивизия ва бригада жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқди. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартигача 14 та миллий ҳарбий қўшилма, жумладан, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жўнатилди. Умуман, уруш бошларида 6,5 миллион кишидан иборат бўлган Ўзбекистон аҳолисининг 1.433.230 нафари урушга сафарбар этилган. Уларнинг кўпчилиги мардлик намуналарини кўрсатиб, жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Чунки ота ва оналар, Ўзбекистон халқи ўз ўғлонларини фронтга жўнатар эканлар, уларга босқинчиларга қарши шараф билан курашиш, ўтмишда босқинчиларга қарши курашларда ғолиб чиққан қаҳрамонларнинг жанговар жасоратларидан намуна олишни, мард, ботир аскар бўлиб, душманлар устидан ғалаба қозонишларини тилаб қолгандилар.

Ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўришни талаб қилди. Халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга тушириш умумий дастурнинг таркибий қисми бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб зудлик билан фронт манфаатларига бўйсундирилди. Республика саноат корхоналари уруш бошланиши биланоқ қайта қурилиб, мудофаага зарур

маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Қайта қуриш граждандар уруши йилларида синовдан ўтган ҳарбий-коммунистик усуллар билан амалга оширилди. 26 июндан бошлаб мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди. Катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Аслида иш куни 12-14 соатга чўзиларди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Бу ҳол ишчи хизматчилар сонини кўпайтирмасдан туриб ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмини тахминан 1-3 га ошириш имконини берди.

Ишчи кучининг етишмаслиги натижасида идора хизматчилари, уй бекалари, ўқувчилар ишлаб чиқаришга жалб этилди. 1941 йил декабрда ҳарбий корхоналарнинг барча ходимлари сафарбар деб эълон қилинди ва мазкур корхоналарга бириктириб қўйилди. Корхоналардан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлар 5 йилдан 8 йилгача муддат билан қамокқа ҳукм қилинарди. Бироқ одамлар мамлакат ичкарисида-Ўзбекистонда ҳам “юқоридан” ортиқча қистовсиз озодлик ва мустақиллик йўлида фидокорона меҳнат қилдилар.

Республика ҳукумати 1941 йил сентябр-декабрда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни ҳарбий изга мослаб қайта қуришнинг умумий режаларини белгилаб берди. Қабул қилинган қарорларда халқ хўжалигини қайта қуришга доир аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, саноат корхоналарининг мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтиш муддатлари белгиланиб, ички имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Кадрлар, хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари танқислигига қарамасдан 1941 йил декабрдаёқ республикадаги 30 га яқин корхона мудофаа учун маҳсулот бера бошлади. Корхоналарда фронт бригадалари номини олган бригадалар тузила бошланди. Бундай бригадалар дастлаб 1941 йил октябрда “Ташселмаш” заводида ташкил этилган бўлса, 1942 йил бошларида уларнинг сони 1,5 мингга етган. 1942 йил ўрталарига келиб халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга ўтказиш Ўзбекистонда асосан охирига етказилди.

Ўлка аҳолиси анъанавий ватанпарварлигининг ажойиб намуналаридан бири фронтга умумхалқ ёрдами кўрсатиш эди. Ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданоқ мудофаа жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этдилар.

Мудофаа жамғармасига ишчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, “коммунистик шанбалик”ларда ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Урушнинг дастлабки кунларида республика аҳолисидан 30 миллион сўмлик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар тўпланди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649, 9 млн. сум пул ва 55 кг.га яқин олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар топширди. Бу жамғарма ҳисобига танк колонналари, эвакуация эскадрилялари, бронепоездлар қурилиб фронтга жўнатилди.

Аҳоли томонидан иссиқ кийимлар тўплаш ва тайёрлаш кенг авж олди. Республика аҳолиси урушнинг дастлабки олти ойи мобайнида 421,5 мингта турли иссиқ кийимлар фронтга юборди. Жангчилар учун тўпланган буюмлар, озиқ-овқатларни ЎзССР Олий Совети Президиумининг раиси Й.Охунбобоев (1885-1943) раҳбарлигидаги делегация фронтнинг олдинги марраларига етказиб берди.

Мустабид тузум тазйиқи, қатағонларга қарамасдан ўзбекистонликларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган юксак ватанпарварлик намуналари бу халқнинг кўп минг йиллик тарихга, бой маънавий меросга эга эканлиги, умуминсоний ва миллий қадриятларни бир хилда ҳис қилишини кўрсатади.

Урушнинг оғир йилларида ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлди. Яъни, Юртбошимиз айтганларидек: “тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади”.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат ва саноат моллари камайиб кетди. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашди. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш “чипталар” бўйича амалга оширила бошланди. Ишчилар ва хизматчилар кунига фақат 400-500 гр. паст навли нон оларди, Уларнинг қарамоғидагилар эса, юқоридаги миқдордан 1,5 баробар камроқ олишарди. Аҳолига гўшт, балиқ, ёғ, ёрма, макарон сотишда ҳам меъёрланган тақсимот жорий қилинди. Меъёрланган тақсимот

қишлоқ аҳолисига умуман тадбиқ этилмаган. Қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат кунларига оладиган натура (маҳсулот билан) тўлови ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланишлари лозим эди. Лекин бу маҳсулотлар жуда чекланган миқдорда эди. 4 йил уруш мобайнида колхозлар деҳқонларга амалда пул тўламаганлар ва меҳнат кунларига ниҳоятда кам миқдорда маҳсулот берганлар. Уруш туфайли қийин ва оғир шароитда қолганига қарамасдан кўчириб келтирилганларга, ярадор ва ногиронларга, фронтга кетганларнинг хотинлари ва болаларига кўрсатган ғамхўрлиги ўзбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, улкан ахлоқий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи бўлди.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги уруш йилларида намоён бўлди. Россиянинг босиб олинган районлардан-Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Аҳоли уларга турар-жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охириги бўлак нонини ҳам бўлиб берди, улар пойафзал, кийим бош тўплади. Уларга 135 минг кв.м турар-жой майдони ажратиб берилди. Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 1941-1942 йилларда қарийиб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Кўчириб келтирилган болаларни қабул қилишни тартибли йўсинда ташкил этиш мақсадида республика ҳукуматининг қарори билан 1941 йил октябрда эвакуация қилинган болаларни қабул қилиш учун марказий пункт ташкил этилиб, жойлаштириш бўйича республика, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари тузилди. Фақат 1941 йил 25 ноябрдан 1942 йил октябрга қадар республиканинг эвакуация пунктлари орқали 15649 нафар бола ўтди. Кўпгина оилалар икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик Шомахмудовлар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Ф. Қосимова 10, М. Жўраева ва Ашурхўжаевалар 8 болани ўз оилаларига олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда

4672 бола, қишлоқларда эса, 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйида 12 минг бола тарбияланаётган бўлса, 1945 йилга келиб, уларнинг сони Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 263 та болалар уйида 31300 болага етди. 1943 йилда болалар боғчаларида тарбияланаётган 53072 боладан 15108 нафари эвакуация қилинган болалар эди. Юқоридаги аниқ далиллар халқимизнинг бошқа миллатларга бўлган меҳр-муҳаббатини, бағрикенглик фазилатларини акс эттиради.

Уруш йилларида Ўзбекистонга фронтда ярадор бўлган жангчилар кўплаб келтирилди. Уруш бошлангандаёқ республика ҳукумати госпитал базасини ташкил қилишга киришган эди. 1941 йил 1 октябргача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Фақат Москва, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 ўринкароватга эга бўлган 48 госпитал республикамизга кўчириб келтирилди ва ишга туширилди. Эвакуация қилинган госпиталларга Тошкентдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарлардаги энг яхши бинолар ажратиб берилди. 1942 йилнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 39140 ўринга эга бўлган 113 та эвакуация госпиталлари жойлаштирилди. Уруш йилларида бу госпиталларга 164382 ярадор келтирилган бўлиб, улардан 87 фоизи даволаниб чиқди. Даволанаётган жангчилар учун тўлақонли овқатланишни ташкил қилиш учун 750 дан ортиқ корхона, ташкилот, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталиққа олди ва бутун ўзбек халқи ярадорларга ғамхўрлик қилди.

2. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги.

Яшин тезлигида уруш олиб бориш режасига эга бўлган немис-фашист кўшинлари шиддат билан Шарққа қараб ҳаракат қилар эди. Фронт яқинидаги шаҳар ва қишлоқлардан юз минглаб аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва бошқа моддий бойликларни мамлакат ичкарасига-Шарққа кўчириш бошланди. Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 104 таси (Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, “Қизил-Оқсой”, “Росселмаш”, Сумск

компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги “Электрокабел” ва “Подъёмник” заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Чкалов номидаги авиация заводи, “Красный путь” заводи, Киевдаги “Транссигнал” заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар) Ўзбекистонга; улардан 55 та корхона Тошкент ва Тошкент вилоятига, 14 та завод ва фабрика Самарқандга, 22 таси Фарғона водийсига, иккитаси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. Бу корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш ва ғоят қисқа муддатларда ишга тушириш вазифасини ташкилий жиҳатдан таъминлаш иши билан махсус комиссия шуғулланди.

Эвакуация қилинган завод ва фабрикаларни тиклашда талабалар, ўқувчилар, уй бекалари, фан ва маданият ходимлари, хизматчилар ва колхозчилар катта куч ғайрат билан тиним билмай меҳнат қилдилар ва қисқа кунларда, яъни “Росселмаш” 25 кунда, “Қизил Оқсой” заводи бу ерга етиб келганидан кейин орадан 29 кун ўтганда ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. 1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди. 1942 йил биринчи ярмида эса барча келтирилган саноат корхоналари маҳсулот чиқара бошлади.

Электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқариш, кўмир, қора ва рангли металл базаларини ташкил этиш, кимё саноатини ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш уруш йилларидаги Ўзбекистон саноатининг асосий йўналишлари эди. Ҳарбий ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш зарурати саноат қурилишини кўпайтиришни талаб қилар эди. Асосий қурилиш ишлари ҳашар усули билан олиб борилди. Электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 7 та йирик ва 30 га яқин кичик ГЭСлар қурилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектростанцияси бўлиб қолган Фарҳод ГЭСи қурилиши умумхалқ қурилишга айланиб, 10 ой ичида Сирдарё тўсилиб, ГЭС ишга туширилди. Салар, Қуйи Бўзсув, Товоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари ҳам муддатидан олдин қурилиб ишга туширилди. Бу республикада электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Электр энергияси 1940 йилга қараганда 1943 йилда 3,5 бароварга ошди, 1945 йилда эса 1187 миллион киловатт соатга кўпайди.

Республикада кўмир, нефт конларидаги иш суръатларини кўпайтириш, янги конларни очиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилди. Натижада 1945 йилга келганда 1940 йилдагига нисбатан 30 марта кўпроқ, яъни 103 миллион тонна кўмир қазиб олинди. Уруш йилларида республикада “Чуқурлангар”, “Толмозор”, “Наймон”, “Шаҳрихон-Хўжаобод”, “Жанубий Оламушук” ва бошқа янги нефт конлари ишга туширилиши билан бирга Фарғона водийсида ишлаб турган “Андижон”, “Полвонтош”, “Чангартош”, “Чимён” нефт конларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари натижасида республикада нефт ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди.

Волфрам, молибден, мис ва олтин захираларининг топилиши натижасида Ўзбекистонда рангли металлар саноати яратилди. Олмалиқда мис кони, Лангарда молибден фабрикаси ишга туширилди. Чирчиқ электр кимё комбинатининг иккинчи навбати, Қўқон тукқориш (аралаш менерал ўғитлар) заводининг суперфосфат заводига айлантириб ишга туширилиши билан республика кимё саноатида ҳам сезиларли ривожланиш кўзга ташланди.

ЎзССР ХКС нинг 1942 йил 17 июнда Бекободда металлургия заводини қуриш тўғрисидаги қарорини бажаришга 30 мингдан кўпроқ киши жалб этилиб, 1944 йил 5 мартда Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи ишга туширилди. 1945 йил февралда Бекобод металлургия заводининг иккинчи навбати ҳам маҳсулот бера бошлади.

Уруш йилларида қурилиш материаллари, тўқимачилик ва пойафзал, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат тармоқлари ҳам ривожланди.

Саноатнинг янги йўналишларининг пайдо бўлиши, завод ва фабрика тармоқларининг кенгайиши кадрларга бўлган талабни ҳам оширди. Шунингдек, кўп минглаб тажрибали ишчиларнинг фронтга кетиши ҳам завод ва фабрикаларда ишчилар сонининг қисқаришига олиб келди. Натижада касбга эга бўлмаган кишиларни ҳам ишга жалб қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида касб ўргатила бошланди. Айниқса 1942 йил 13 февралдаги ЎзССР Олий Совети Президумининг фармони билан ишламаётган меҳнатга лаёқатли аёллар, ўсмир ёшлар, нафақахўрлар ҳисобига ишчилар сафи тўлдирилди. 1942 йилга келиб республика саноат корхоналарида ишлаётган хотин-қизлар

63,5 % ни ташкил қилган. Республика ишчилар синфининг ўсишида салмоқли ўрин тутган ёшларни касбга ўргатиш учун 1942 йил охирида 31 та ФЗО (фабрика-завод таълими) мактаби очилди. Умуман 15 та ҳунар мактаби ва 45 та ФЗО мактаблари ёшларга касб маҳоратларини ўргатди. Айниқса қисқа курсларда ишчиларни оммавий тайёрлаш, яқка тартибда ва бригада усулларида шогирдларни тайёрлаш бу даврда кенг ёйилди. Натижада урушнинг икки йили давомида Ўзбекистонда 105673 нафар оммавий касбдаги саноат ишчилари тайёрланган бўлиб, шундан 73 минг нафари бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ҳунар эгаллади. Ишчилар синфининг умумий сони уруш охирларига келиб 196,2 минг кишига етди-ки, бу уруш бошлангандаги сонидан 54,6 мингга кўпдир. Очлик, чарчок, толиқиш, қийин шароитларга қарамасдан илғор ишчилар кунлик нормаларини 300-400, ҳатта 500 фоизга қадар бажарган вақтлари ҳам бўларди. Буларга: Қирғизбоев, Ҳамроев, Юсупов, Нишонов каби “Янги турмуш” артелининг ишчиларини санаб ўтиш мумкин.

Республика ишчилари фронт орқасидаги оғир меҳнатда ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатдилар. Шароит оғир, озик-овқат етишмас, сиёсий вазият оғир, берилган режани қаттиқ талаб қилиш кўпчилики толиқтирар, баъзилар бардош беролмасдан ҳалок бўлардилар. Шунга қарамасдан 1943 йилга келганда СССР ҳарбий ишлаб чиқаришда Германияга етиб, ҳатто ўтиб кетишида мамлакат ичкарасидаги ишчиларнинг хизмати жуда катта бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистонда вужудга келган ҳарбий саноат комплекси томонидан фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотлар, 2318 минг дона авиабомба, 17100 та миномёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60 мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн. дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн. радио лампа, қарийиб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий санитария ва ҳаммом кир ювиш поезди, 2200 дона кўчма ошхона ва 7518,8 мингта гимнастёрка, 2636,7 мингта пахтали нимча, 2861,5 мингта армия этиги тайёрлаб бердилар. Бу ўзбекистонликларнинг фашист-босқинчиларини тор-мор этишга, ғалабага қўшган катта ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларида республикамизда 280 та янги корхонанинг курилиб ишга туширилиши натижасида 1945 йилга келиб, саноат ишлаб чиқариши уруш арафасидагига нисбатан деярли икки барабар ортди, нефт қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 барабар, кўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 кўпайган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикада транспорт ва алоқа воситаларининг узлуксиз ва унумли ишлашини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди. Муҳим ва асосий транспорт воситаси ҳисобланган темир йўл ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди. Жорий қилинган поездлар ҳаракатининг янги графигига асосан ҳарбий юкларни биринчи навбатда тўхтовсиз ўтказиб юбориш кўзда тутилди.

Мамлакат шарқи ва Ўрта Осиё республикаларини Марказ билан боғлаб туришда Тошкент темир йўли катта аҳамият касб этди. Кўчириб келтирилаётган саноат корхоналарнинг асбоб ускуналарини Ғарбдан Шарққа, Шарқдан Ғарбга эса қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, озиқ-овқат, қўшинларни етказиб беришда у катта рол ўйнади.

Ўзбекистон темир йўллариининг фидокорона меҳнати натижасида 1941-1942 йиллар давомида кўчирилган саноат корхоналарининг асбоб-ускуналари ортилган 17,5 минг вагон ташиб берилди. Фронт орқаси билан фронт ўртасидаги асосий аёлоқа воситаси бўлиб хизмат қилган темир йўл тармоқлари 1941-1945 йилларда 2 барабар узайди. Автотранспорт воситаси ҳам уруш йилларида юк ташиш ва алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. 1945 йилда республика автотранпортида ташилган юкнинг ҳажми 1940 йилдагига нисбатан 2 барабар ўсди.

Уруш йилларида фронт орқасида оғир, қийин шароитда меҳнат қилишларига, ишчи кучининг етишмаслигига қарамасдан Иттифоқнинг мудофаа курилишлари ва саноат корхоналарига 155 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жалб қилинган. Улар РСФСР нинг Урал, Сибирдаги заводлари, курилишда, асосан тошкўмир, қора ва рангли металлургия корхоналарида меҳнат қилишган. Бу ўзаро ёрдам халқларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Немис-фашистларни тор-мор келтириш учун олиб борилган умумхалқ курашига ўзбек деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар олдида фронт ва мамлакат ичкарасидаги аҳолини

қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан, саноатни хом-ашё билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини ҳам ҳарбий изга ўтказиш, дон, картошка, сабзавотлар ва техника экинларини кўпайтириш лозим эди. Чорвадорлар ҳам армия, ҳам аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашлари зарур эди.

Марказ кўрсатмалари билан асосан пахта экишга мослаштирилган, қишлоқ хўжалигидаги яхши техника воситалари, отлар фронт учун олиб кетилган, тажрибали деҳқонларнинг кўпчилиги фронт ва фронт орқасидаги ишларга жалб қилинган бир пайтда юқоридаги вазифани бажариш янада мушкуллашар эди. Сталинча маъмурият Ўзбекистонга озиқ-овқат билан “ўз-ўзини таъминлаш” вазифасини қўяр экан, мудофаа саноати учун ғоят муҳим бўлган хом ашё-пахта етиштиришни камайтирмасликни талаб қилди. Бунинг устига деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш тўхталиши билан бир пайтда механизаторларнинг сони ҳам қисқарди, яъни уруш арафасида Ўзбекистонда 27 888 механизатор бўлган бўлса, 1942 йилда уларнинг сони 2775 кишига тушиб қолди, кейинчалик янада камайди. Улар ўрнида аёллар, болалар, кексалар меҳнат қила бошладилар. Кетмон ва оочлар асосий иш қуролига айланиб қолди. “Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш” соҳасида ҳаддан ошишлар авж олди. 12 ёшдан бошлаб меҳнат куни белгиланиб, уни бажармаганларнинг оиласи судга берилган. Лекин қаттиқ қийинчиликларга қарамай ўзбек деҳқонлари ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан бажардилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, сувдан фойдаланишни яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Уруш йилларида ҳашар йўли билан Ўзбекистонда шимолий Тошкент, юқори Чирчиқ, шимолий Фарғона, Сўх-Шоҳимардон, Учқўрғон каналлари, Рудасой, Каттақўрғон сув омборлари қурилиб ишга туширилиши янги ерларни ўзлаштиришга имкон берди. 1942-1943 йилларда Ўзбекистонда суғорилиб экин экиладиган ерлар майдони 546 минг гектарга кўпайди.

Уруш йилларида Ўзбекистон деҳқонлари қанд лавлаги, кунгабоқар каби озиқ-овқат экинлари, зиғир ва каноп каби техника экинларини етиштиришни ўзлаштирадилар, маккажўхори, кунжут экишни кўпайтирдилар. Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳосилдор ва сув билан яхши

таъминланган янги ерлар ҳам қанд лавлаги етиштиришга ажратилди. Қишлоқ меҳнаткашлари 1565 минг центнер қанд лавлаги етиштирган 1945 йилда республикадаги Зирабулоқ, Красногвардейск, Қўқон, Янгийўл қанд заводларинигина эмас балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлаги билан таъминлаш имконига эга бўлди. Бу билан Ўзбекистон мамлакатда етиштириладиган қанднинг тўртдан бирини ишлаб чиқаришга эришган бўлса, 1942 йилда СССР даги кунжут экиладиган майдоннинг 50 фоизи Ўзбекистонга тўғри келган эди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ипакчилик, қоракўлчилик алоҳида аҳамият касб этган бўлса, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам салмоқли ўринга эга эди. 1942-1943 йилларга келганда сабзавот майдонлари уруш арафасига қараганда 12,5 минг, узумзорлар майдони 5,1 минг гектарга кўпайди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш уруш йилларидаги Ўзбекистон деҳқонларининг олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди. Объектив сабабларга кўра 1942-1943 йиллардаги пахта топшириш режалари бажарилмай қолди. Лекин уруш даври шароитидаги техника воситалари, ишчи кучининг етишмовчилиги, минерал ўғитларнинг камлиги сабабли рўй берган бу ҳолатни Марказ тан олишни истамади ва ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов қаттиқ огоҳлантириш олди 1944 йил январида ўтказилган республика пахтакорларининг биринчи қурултойида пахтачиликни юксалтириш вазифалари тўғрисидаги фикр алмашув ва кўрилган чора тадбирлар натижасида Ўзбекистон йиллик пахта тайёрлаш режасини 101,4 фоизга бажарди.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т мева, 36 минг т. қуруқ мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан душман устидан қилинган ғалабага муносиб ҳисса қўшган бўлса, немис-фашист оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда қишлоқ хўжалигини тиклаш ишлари учун техника ва ишчи кучлари билан ёрдам бериб, ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлик, дўстлик, биродарлик туйғуларини намоён этди. 1943 йилда Ўзбекистондан озод қилинган туманларга 1152 та трактор, 25 та комбайн, 1138 та плуг, 379 та сеялка каби

техникалар, Украина ва Ставропол ўлкасига 1596 нафар комбайнчи, 41 нафар механик, 30 нафар агроном, 11 нафар бухгалтер юборилди. РСФСР, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларининг халқ хўжалигини тиклашда минглаб ўзбекистонликлар фаол иштирок этдилар.

3. Уруш йилларида фан ва маданият.

Ўзбекистон ишчи ва меҳнаткашлари билан бир қаторда фан, маориф ва маданият ходимлари ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар. “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” шиорига “лаббай!” деб жавоб берган кўпгина олимлар урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетдилар. Улар орасида Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан - У.А.Орифов, Я.Х.Тўрақулов, И.Исмоилов, Х.Усманов ва бошқалар бор эди. Т.Н.Қори-Ниёзов, В.И.Романовский, Т.З.Зоҳидов, И.А.Райкова, О.С.Содиқов каби олимлар натижаси халқ хўжалиги ва фронт зарурияти учун хизмат қилган муаммоларни ҳал қилишда катта куч билан меҳнат қилдилар.

Ўзбек математик, механик ва астрономлари эвакуация, ўқ-дори, ҳарбий техника сифатини оширишга алоқадор бўлган бир қанча муҳим илмий муаммоларни ҳал қилдилар. Бунда Т.А. Саримсоқов, В.И. Рамоновский, М. Камолов, Н.Н. Назаров ва бошқа олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси соҳасидаги ижодий изланишлари артиллерия отишмалари ва бомба ташлаш аниқлигини, жанговар самолётларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга, республикада ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техниканинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берди.

Геолог олимлар фойдали қазилма бойликларни қидириб топиш, саноатни зарур хом ашё билан таъминлаш вазифаларини бажаришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон тоғлари ва чўлларида 1943 йилнинг ўзидагина 35 та геология экспедициялари иш олиб борди. Ўзбекистонлик кимёгарлар пахта чиқиндисидан халқ хўжалигида фойдаланиш таклифини, этил спиртини, сирка кислотасини, қамишни қуруқ қайта ишлаш натижасида кўмир брикетини олишнинг янги усулларини ишлаб

чикдилар. Бунда академик О.С. Содиков бошлиқ гуруҳ ишлари алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ўсимликларининг алколоидлик хусусиятини ўрганиш юзасидан академик С.Ю. Юнусов раҳбарлигида катта ишлар олиб борилди. Ўрта Осиё давлат университети (ЎЗМУ)нинг кимё факултетида уруш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган наркоз эфири, хлорли калций, кофеин, стрептоцид, сулфидин, никотин кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Факултет базасида Тошкент фармацевтика заводи ташкил этилди. Ўзбекистонлик фармацевтлар маҳаллий хом ашёдан 15та янги дори препаратларини ишлаб чиқариш усулларини кашф этдилар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари-тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришга, оммага инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдиришга қимматли ҳисса қўшдилар.

Илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштиришни дастлаб 1940 йилда ташкил этилган СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали (УзФАН), кейин 1943 йил ноябрда очилган ЎзФА амалга оширди. ЎзФА нинг биринчи президенти қилиб Т.Н.Қори Ниёзов сайланди. Бу ўзбек халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1943-1945 йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан ЎзФА Иттифокда танилган илмий марказга айланди. Бу пайтда академия таркибидаги 22та илмий муассасада 818 илмий ходим фан оламининг турли жабҳаларида тадқиқот ишларини олиб бордилар. ЎзФАнинг фаолиятида кўчириб келтирилган илмий ходимларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларининг қийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистонда Олий ва ўрта махсус юртлари ва маориф муассасаларининг фаолияти ҳам тўхтаб қолмади. Ўзбекистонда 29 та олий ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди, уларнинг сони марказдан кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия ҳисобига яна ортиб борди. Бу ўқув юртларида уруш йиллари мобайнида 11.750 нафар юқори малакали мутахассис ва 6.673 нафар кадрлар тайёрланди.

Халқ таълими соҳасида ҳам ўқитувчиларнинг фронтга кетиши, кўпгина биноларнинг госпиталларга, болалар уйи ва

ҳарбий-ўқув пунктларига берилиши, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг, мутахассис кадрларнинг етишмовчилиги анчагина қийинчиликларни келтириб чиқарган эди. Шундай бўлса ҳам уруш йилларида ўқитиш ишлари мунтазам олиб борилди. Ўқувчилар мактабда ўқиш билан бирга ярадорларга, фронтга кетганларнинг оила аъзоларига, уруш ногиронлари оилаларига ёрдам бердилар.

Ўзбек адабиёти ҳам халқимизнинг ёвуз душманга қарши кураш йилларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғофур Ғулом, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ каби шоир ва ёзувчилар уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлари ва мақолалари билан халқни ғалабага руҳлантирдилар. Ойбекнинг “Ёвга ўлим!” шеъри, “Навоий” романи, Ғ.Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеъри, Ҳамид Олимжоннинг “Йигитларни фронтга жўнатиш”, “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари” ва бошқа асарлар уруш йилларидаги ўзбек адабиётининг ёрқин намуналаридир. М. Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н. Сафаров, Иброҳим Раҳим, З. Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам каби ёзувчи ва журналистлар фронтда иштирок этиб, “Қизил армия”, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Суворовчи”, “Ватан шарафи учун” каби фронт газеталарида хизмат қилиш жараёнида, Ҳамид Олимжон, Ойбек, А.Умарий, Ғофур Ғулом, Раъно Узоқова ва бошқа шоир, ҳам ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб, ўз қаҳрамонлари билан танишдилар, юртдошларининг жасоратларини тараннум этдилар.

А.Ахматова, И. Вирта, С. Городетский, А. Дейч, К. Зелинский, Я. Колас, Н. Погодин, А. Толстой, В. Ян каби ёзувчи-шоирлар ҳам Ўзбекистонда яшаб, ўзбек адабиётчилари билан ҳамкорликда ажойиб асарлар яратдилар. Бунда республика Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган Ҳ. Олимжоннинг хизмати катта бўлди. Драматургия соҳасида Н. Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдуллалар ёзган “Ўзбекистон қиличи” ва А. Умарийнинг “Қасос”, Яшин ва Собир Абдулланинг “Даврон ота” каби асарлари билан бирга Уйғун ва Иззат Султон “Алишер Навоий”, Ҳамид Олимжон “Муқанна”, Мақсуд Шайхзода “Жалолиддин Мангуберди”, Ойбек “Маҳмуд Таробий” каби драматик асарларини яратдилар-ки, уларда ўзбек халқининг босқинчиларга қарши кураш саҳифалари акс эттирилди.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонда таъсирчан восита ҳисобланган театр ва санъат анча ривожланди. Театр ва санъат арбоблари фронтнинг олдинги марраларида бўлдилар. Бу даврда Ўзбекистонда 35 та маҳаллий ва 16 та кўчириб келтирилган театр жамоаси фаолият кўрғазиб, бутун уруш давомида 203 та янги постановка тайёрладилар ва 6 667 303 томошабинга 13.568 та спектакл ва концертлар кўрсатдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамизда 30 дан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталдаги ногиронларга 26 мингта концерт кўйиб бериб, жангчиларни руҳлантирдилар, уларни фашизм устидан ғалабага ундадилар. Айниқса, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик бахшида этган. А. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, Ў. Тансиқбоев каби рассомлар уруш лавҳалари, бадиий йилномаларни яратиб, халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатини маҳорат билан тасвирладилар.

Қисқа метражли филмлар ва 10 та овозли бадиий филмларини яратиш билан И. Аъзамов, К. Ёрматов, Н. Ғаниев, С. Муҳамедов каби ўзбек режиссёрлари уруш йилларида киномотографияни ривожлантирдилар. Бу даврда ишланган “Насриддин Бухорода”, “Тоҳир ва Зухра” каби филмлар “Ўзбекфилм”нинг олтин фондига айланди.

Умуман олганда урушда қўлга киритилган ғалабага ўзбекистонликлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан катта ҳисса қўшдилар.

4. Ўзбекистонликларнинг уруш жангоҳларида кўрсатган жасоратлари.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг ботир, мард, кўркмаслик хислатларини намоён қилиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Совет сиёсий раҳбарларининг разведка маълумотлари етарли бўлишига қарамасдан 1941 йилда Германия СССРга ҳужум қилмаслигига ишончи, ғарбий фронтда чарчаб қолган

капиталистлар устига ҳужум қилиш мақсадида чегарада қўшин ва қуроолларни тўплаш билан мудофаа иншоатларини барпо этмаганлиги, 1937 йилда армиядаги оммавий қатағонлар натижасида совет қуроолли кучларининг жанговар қобилиятига берилган зарбанинг ўрни тўлдирилмаганлиги, қўмондонлар касбий тайёргарлигининг паст даражадалиги сабабли урушнинг дастлабки кунларида шиддат билан бостириб кирган душман қўшинлари тўхтатиб қолинмади ва кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлди. Бунинг учун Сталин бошлиқ совет ҳукумати раҳбарлари жавобгардирлар.

Чегара қўшинларида хизмат қилаётган совет жангчилари орасида ўзбекистонликлар ҳам кўпчиликти ташкил қилар эди. Улар ўз заставаларини ҳимоя қилишда қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, охириги ўқлари қолгунча душманга қарши жанг қилдилар. Улар ҳалок бўлганларидан кейингина душман заставаларига кириш имконига эга бўлди. Гродно яқинида лейтенант Усов, сиёсий раҳбар Шарипов, Брест қалъаси мудофаасида Аҳмад Алиев, Дониёр Абдуллаев, Бобокомил Кашанов, Узоқ Ўтаев, Нурум Сиддиқов, Мадамин Ҳожиёв, Е.Я.Лисс, Раҳимбой Арслонбоев, Сайидахмад Бойтемиров, Ф.И.Лаенков каби ўзбекистонларнинг кўрсатган жасоратлари Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона жасоратининг рамзи бўлиб қолди.

Душманнинг шиддатли ҳужуми, ягона фронтни ташкил қилиш, умумий алоқанинг йўқлиги, тартибсизликлар, мудофаа жангларидаги қаҳрамонликларни қўллаш имконини бермади. Немис-фашистлар суткасига 30 км суръат билан ҳужум қилиб, қисқа вақт ичида мамлакатнинг марказий районларига етиб келди. СССР қуроолли кучлардаги 2 млн. дан ортиқ одами, 43,3 мингта тўпи, 8,3 мингта танки, 8,2 мингта самолётидан маҳрум бўлди. Бу жуда катта йўқотиш эди. Сталин маъмурий-қатағон воситалари билан армия таркибидан қўрқитиш чораларини амалга оширди. 1941 йил 16 август қарорида асирга тушганларни ҳарбий хизматни ташлаб кетган, уларнинг оиласини “Ватанни сотганларнинг оиласи сифатида қамаш” каби кўрсатмалар берилди. Тўсиқчи отрядлар ва жарима батальонлари ташкил этилиб, улар сафида 1,5 млн.дан ортиқ жангчи бўлди. Лекин бу усуллар ўзини унча оқламади.

Иккинчи жаҳон урушида Смоленск, Одесса, Ленинград, Москва мудофаалари совет жангчиларининг ҳақиқий қаҳрамонлик мўъжизалари бўлди десак, хато қилмаймиз. Бу жанглар душманни тўхтатиб қолиш имконини берди. Гитлернинг яшин тезлигида уруш олиб бориш режаси барбод бўлди.

Москва мудофаасига етиб келган, Туркистон ҳарбий округида тузилган, генерал-майор И.В. Панфилов кўмондонлик қилган, таркибида 180 дан ортиқ ҳарбий ва ҳарбий сиёсий билим юртларини тамомлаган командирлари бўлган 316-ўқчи дивизия Волоколамск, Дубосеково, Ново-Петровск ёнидаги жангларда қаҳрамон курашди. Ўзбекистонлик Абдулла Тоғаев, Мамадали Мадаминов, Лейтенант Пилюгин бошлиқ тўққизта жангчи жасоратларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқининг қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган Зебо Ғаниева Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Москва остонасида фашист кўшинларини тор-мор қилишда кўрсатган жасоратлари учун 1753 ўзбекистонлик жангчи “Москва мудофааси учун” медали билан тақдирланди. С. Қосимхўжаев Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди.

Москва ёнидаги ғалаба совет раҳбарларида 1942 йилдаёқ урушни якунлаш, мамлакатни озод қилиш фикрини вужудга келтирди ва бутун фронт бўйлаб ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берилди. 1942 йилдаги қишки ҳужумларда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, маҳорат билан жанг қилган Кўчқор Турдиевга 1942 йил май ойида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди. Жангчиларимизнинг жасорати ҳали ўз ҳарбий кучининг асосий қисмини сақлаб душман кўшинларини тамомила йўқ қилишга, совет раҳбарларининг хатолари ўрнини қоплашга камлик қилар эди. Бунинг учун душманниқидан кучли ҳарбий-техника яроғ ва тактика керак эди.

1942 йил май-июн ойларидаги совет кўшинларининг ҳужумкор операцияларини тўхтатган душман 25 июнда Волга ва Шимолий Кавказ йўналишида ҳужумга ўтди. Мамлакатда яна қалтис вазият вужудга келди. Ана шундай бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига очик мактуб билан мурожаат қилиб, ўз фарзандларини ватанга содиқлик ва жангда кўрқиб нималигини билмасликка чақирди. Бу чақириққа ўз қаҳрамонликлари билан жавоб берган жангчиларимиздан 1974 нафари “Кавказ мудофааси учун” медали билан мукофотланди.



Генерал Собир Раҳимов

Волга бўйидаги Сталинград муҳофазасини ёриб, душман устидан катта ғалабани қўлга киритилиши урушнинг боришида туб бурилишга асос бўлди. Бу жангларда кўрсатган жасоратлари учун 2733 та ўзбекистонлик жангчилар “Сталинград муҳофазаси учун” медалига сазовар бўлди. Кавказ учун олиб борилган жангларда Тошкентда тузилган Собир Раҳимов қўмондонлигидаги

дивизия жиддий муваффақиятларни қўлга киритиб, 8 мингдан ортиқ душман жангчиларини кириб ташладилар. Бу дивизия юртдошимиз қўмондонлигида Шарқий Пруссиягача жанговар йўлни босиб ўтди. Кейинчалик Полша ерларини озод қилишда Собир Умарович Раҳимов раҳбарлигидаги 37 гвардиячи Речитск ўқчи дивизияси алоҳида ажралиб турди. Данциг шаҳрига биринчилардан бўлиб киришди. Оғир ярадор бўлган С.У. Раҳимов 1945 йил 25 мартда ҳалок бўлди. 1965 йил 6 майдагина тарихий ҳақиқат тикланиб, С.У. Раҳимовга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берилди.

1943 йилда Орёл-Курск йўналиши бўйича олиб борилган жиддатли жангларда кўрсатган жасоратлари учун Аҳмаджон Шукуров, В. Шаландин, М. Абдуллин, А. Солиҳовлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовар бўлдилар. Днепрни кечиб ўтишдаги қаҳрамонликлари учун 100га яқин ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирландилар. Улардан Ж.Усмонов, В.Набиев, Х.Аминов, Ш.Шоимов жасоратларини алоҳида қайд этиш мумкин.

1944-1945 йилларда Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқ бўйи республикалари ва Россия Федерациясининг ғарбий вилоятларидаги партизанлик отрядларида фаолият кўрсатган ўзбекистонлик жангчилар фаолияти иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига битилган бўлиб, уларнинг номлариёқ душман кўнглига қўрқув солган эди. Булар орасида

М.Топиболдиев, Ж.Отабоев, И.Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов ва бошқаларнинг мардлик намуналарини таъкидлаш мумкин.

1944 йил кузига бориб СССР чегаралари бутунлай тикланди, совет кўшинлари Европа мамлакатларига озод қилувчи сифатида кириб борди. Полша, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Австрияни озод қилиб, Берлинни эгаллашда совет кўшинлари таркибида ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг байналминаллик туйғуларини намоён қилиб, Европа халқларининг фашистлар асоратидан озод бўлишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу мамлакатларни озод қилишдаги жасоратлари учун Б.Бобоев, П.Нурпексов, Т.Назаров, А.Раҳимов, М.Фаёзов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 2430 нафар ҳамюртимиз “Будапештни озод қилиш учун” медали, 1706 киши “Берлин олингани учун”, 109208 киши “Германия устидан ғалаби қозонганлиги учун” медали билан тақдирланганлар.

Ўзбекистонлик жангчилар Европадаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол иштирок этиб, немис-фашистлари устидан қозонилажак ғалабага ва Европа халқларининг озод бўлишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Полша, Югославия, Италия, Франция, Норвегия, Австрия, Германия давлатларида ташкил топган озодлик армиялари сафида, партизанлар тузилмаларида иштирок этган, 40 мингдан ортиқ совет фуқароларининг орасида ўзбекистонликлар ҳам кўпчиликни ташкил қилар эди. Масалан, Югославия халқ озодлик армиясида 260 дан кўпроқ ўзбекистонлик бўлган. Л.Колантаров, У.Холмабоев, А.Мамажонов, О.Бердиев, Р.Раҳимов, Ҳ.Жабборов, Ҳ.Исмоиловлар қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол иштирок этган ҳамюртларимиздир.

Ҳозирги кунда “Туркистон легиони” тўғрисида турли фикрлар мавжуд бўлиб, бу масала муфассал тадқиқотни талаб қилади. Маълумки, Сталин бошлиқ совет ҳукумати Коммунистик Интернационал аъзоларидан, умуман чет эл коммунистларидан Европадаги мавжуд сиёсий ҳукуматга муҳолиф куч сифатида фойдаланган. Гитлер ҳам “оқ” муҳожирлардан советларга қарши куч сифатида фойдаланишга ҳаракат қилиб, 1941 йил декабрда асир олинган совет генерали Лукинга ҳарбий асирлардан сталинизмга қарши кураш олиб боришни ташкил этувчи русларнинг муҳолиф ҳукуматини тузишни таклиф этади. Бундай таклиф 1941-1942 йиллар бўсағасида миллий ваколатхона тузиш

учун интилаётган қувғиндаги Туркистон миллий зиёлиларига ҳам қилинди. Натижада 1942 йил ноябрда Вали Қаюмхон раҳбарлигидаги “Туркистон миллий қўмитаси” ташкил топди. Бу қўмита 1941 йил кузида ташкил топган Туркистон батальони базасида тузилиб, ҳарбий асирлардан “Туркистон легиони”ни ташкил қилиш тўғрисида 1942 йил декабрда Вермахтнинг Олий қўмондонлиги расман фармойиш эълон қилди. Шунингдек, бу даврда “Арман”, “Грузин” легионерлари ҳам тузилиб, А.А.Власов раҳбарлигидаги рус озодлик армияси таркибига киритилди. Лекин бу, миллий ”тузилмаларга урушнинг охирига келиб 1 млн. га яқин киши ёзилган бўлса ҳам, улар гитлерчилар кутгандай зарбдор кучга” айланмадилар. Чунки бу тузилмаларга кўпинча мажбуран ёзиб қўйилган ҳарбий асирлар, фронтга юборишса, ўзимизникилар томонга ўтиб оламиз деган умид билан қарар, буни сезган немислар ҳар бир ротага асосан немис зобитларини қўйган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам “Туркистон легиони”да ташкил топган яширин гуруҳлар қаршилик ҳаракати жангчилари ва партизанлар билан алоқа боғлаб, немис-фашистларнинг бир қанча режаларини барбод қилганлар. 1943 йилда Десна дарёси ёнидаги Купчиха қишлоғи худудида жанг қилаётган 74-дивизия томонига Абдулла Отахонов бошчилигида тўла қуролланган, 370 кишидан иборат Туркистон батальони ўтган. Кейинчалик совет қўмондонлигининг ишончсизлиги билан улар фронтдан четлатилади. 1944 йилда Черногорияга юборилган “Туркистон легиони” бирлашмалари фашист командирларини ўлдириб, тоғдаги партизанлар олдига чиқиб кетишган. Ўзбекистонликлар партизан отрядлари ва қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол қатнашиб, душманни тор-мор қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ советлар давлатида парокандалик авж олиб кетишига умид боғлаган гитлерчилар турли хил миллий тузилмалар тузиш, совет халқлари орасида сохта ташвиқотлар олиб бориб бунга асос ҳозирлашга интилган бўлса, Сталин бошлиқ совет сиёсий раҳбарлари ҳам миллий келишмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин бўлган халқларни мажбуран кўчириш, бутун-бутун халқларга “сотқин” тамғасини босишдек чораларни амалга оширганлар. Шундай тамға билан 1944 йил мамлакат бўйлаб 2.230.500 киши мажбуран

кўчирилган. Шулардан Ўзбекистон худудига Қримдан-151604 қрим татарлари, Грузиядан-110 мингга яқин месхети турклари, Шимолий Кавказдан 20 мингдан ортиқ ингуш, 4,5 минг арман ва греклар кўчириб келтирилган.

Улар НКВД назоратида, репрессив режимга қатъий риоя қилган ҳолда яшашга маҳкум этилиб, миллий давлат тузилмалари ва конституцион ҳуқуқларидан маҳрум этилган эди. Кўчириб келтирилган жойлардаги маҳаллий аҳоли билан боғланиш каби ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилинган эдилар. Лекин ўзбекистонликлар кўчириб келтирилганларни ўз уйларига қабул қилиб, охириги бурда нонларини бўлишиб еб, ўзларининг юксак маънавияти, буюк инсонпарварлигини намоён қилди.

Собиқ иттифоқ халқларининг фидокорона меҳнатлари, жангчиларнинг қаҳрамона жасоратлари сабаб, немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган, 43 куни кам 4 йил (1941 йил 22 июн-1945 йил 9 май) давом этган уруш ғалаба билан яқунланди. Лекин иккинчи жаҳон уруши давом этарди. Иттифоқчи давлатлар билан бўлган келишув ва Шарқда хавф бўлиб турганлиги сабабли 1945 йил 9 августга ўтар кечаси совет ҳукумати Японияга қарши уруш бошлади. 2 сентябргача давом этган бу жангда 6770 нафар ўзбекистонлик жангчилар иштирок этиб, Квантун армиясини мағлубиятга учратишда, Япониянинг таслим бўлишида ўз ҳиссаларини кўшдилар. Н. Латипов, А. Каримов, У. Дониёров каби кўплаб ҳамюртларимиз юксак ҳарбий маҳорат ва жанговар фаолликларини намоёиш этдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона яқунланишида ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт орқасидаги жасоратлари катта ҳисса бўлиб хизмат қилди. 120 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар СССРнинг ордени ва медалларига сазовор бўлди. «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига эга бўлган 300 дан ортиқ жангчидан 75 таси ўзбек ўғлонлари эди. Ўзбекистонлик 82 та жангчи «Шухрат» орденининг учала даражаси билан тақдирланди. Италия, Англия, Франция, Югославия, Полша, Чехославакия, Венгрия каби мамлакатларининг орденилари билан тақдирланган ҳамюртларимиз бир неча минг кишини ташкил этади.

Ўзбекистон урушдан катта йўқотиш билан чиқди. 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши фронтларига

сафарбар қилинган 1433230 кишидан 263005 киши ҳалок бўлди, 132.670 киши ногирон бўлиб қайтди.

Уруш йилларида асирга тушган 6,2 млн. кишидан 4 млн. киши ҳалок бўлган, 1 млн. киши “Власовчилар”га қўшилган, тирик қолган 1 млн. киши эса немис лагерларини совет лагерлари билан алмаштиришга мажбур бўлдилар. Улар орасида ноҳақ жазоланганлардан юртдошларимиз ҳам бор бўлиб, С.Абдуллаев, Л.Попов, К.Абрамович, П.Рустамов ва бошқалар шулар жумласидандир.

1945 йилга келиб мамлакатда яхшилик сари қатъий ўзгаришларни кутаётган халқ яна мустабид тузум асоратида қолди. Ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар яшириниб барқарорлик вужудга келтирдик, улар бу тузумнинг муқаррар қулашини кўрсатарди.

Катта қурбонлар эвазига бўлса ҳам ўзбекистонликлар инсониятни фашизм балосидан қутқаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсадида “Хотира” китоблари тузилди, пойтахтимиз марказида Хотира майдони ва мотамсаро аёл ёдгорлик мажмуаси тикланди. Бу ишларга бошчилик қилган юртбошимиз фармони билан 9 май “Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилинди. Ҳозирги кунда ҳаёт бўлган меҳнат ва уруш фахрийлардан ёш авлод ҳамиша миннатдордирлар.

Савол ва топшириқлар.

1. Иккинчи жаҳон урушининг сабаблари нимада эди?
2. Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳарбий изга солиниши жараёни қандай кечган жди?
3. Ўзбек халқининг бағрикенглиги нималарда намоён бўлди?
4. Ўзбек халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ҳақида сўзлаб беринг.
5. “Сен етим эмассан” ибораси моҳияти нимада?
6. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати қай аҳволда бўлган?
7. Ўзбекистонлик жангчиларнинг фронтдаги жасоратлари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Уруш йилларидан фан ва маданий ҳаёт ҳақида нималарни биласиз?

9. “Хотира ва кадрлаш куни” мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.

14-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Инсон хотираси-муқаддас, инсон қадри улуғ-Асарлар, 4 жилд, Т.: Ўзбекистон. 2006. 213-221бет.
2. Азизхўжаев.А.Чин ўзбек иши. Т., 2003.
3. Турсунов И.Истиқлолга интилган қалблар нидоси. Тошкент,1995.
4. Иброхим А, Султонов Х, Жураев Н. Ватан туйғуси. Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. Т. “Ўзбекистон”. 1995.
6. Усмомонов К. Қайта қуриш ва интеллегенция. Т.Ўзбекистон, 1998.
7. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлари ва сабоқлари. Т., Шарқ, 2000
8. Ўзбекистон тарихи.Р.Х Муртазаеванинг умумий таҳрири остида.-Т.: Университет, 2005, 338-372-бетлар.
9. Ўзбекистонинг Янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т., II жилд, 2001.
- 10.Q.Usmonov, M.Sodiqov, S.Burxonova. O'zbekiston tarixi. Darslik, Т.: Iqtisod- moliya, 2006.

Таянч сўзлар

Иккинчи жаҳон уруши, армия, сафарбарлик, ҳарбий, жанговор, фронт орти, жангоҳ, қаҳрамонлик, аскар, кўмандон, фашизм, совет, жанг, хтира, эвакуация, натура, пункт, госпиталь, корхона, саноат, фан, маданият, адабиёт, труппа.

15-мавзу. Совет давлатида маъмурий-буйруқбозлик тузумининг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон (1946-1991 йй.)

Режа:

1. Мавзу тарихшунослиги. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти.
2. Республикада 1946-1990 йиллардаги маънавий – маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Қатағонликнинг янги тўлқини.
3. 50-70 йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ҳаёт.
4. Ўзбекистондаги демографик жараёнлар. Сохта “урбанизациялаштириш”.
5. Ўзбекистонда экологик ҳолатининг оғирлашиши. Орол фожаси.
6. 50-80 йилларда маданий ҳаёт. Мафкуравий чеклашлар.
7. Ўзбекистон “қайта қуриш” йилларида.
8. Ўзбекистонда қатағонликнинг янги босқичи. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” номли сохта ишлар.
9. Ислом Каримов – Ўзбекистон раҳбари.

1. Мавзу тарихшунослиги.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти

Мавзу тарихшунослиги.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши мураккаб халқаро вазиятда кечди. Уруш даврида умумий душман фашизмга қарши кураш антифашист давлатлар ва халқларни бирлаштирган бўлса, уруш тугагандан кейин бу иттифоқдаги давлатлар орасида ажралиш юз берди ва икки ўртада совуқ урушлар муносабати бошланиб кетди.

Урушдан сўнг фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшган Ўзбекистон халқлари олдида ҳарбийлашган халқ хўжалигини тинч қурилиш йўлига солиш, уни урушдан олдинги даражага етказиш ва ривожлантириш каби мураккаб вазифалар турарди.

Уруш давридаги ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик тажрибаси урушдан кейинги вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантиришда ҳам ғарб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўрсатди. Лекин ҳаддан ташқари мафкуралашган совет тизими Республикаларни хорижий мамлакатлардан “темир қўرғон” билан ажратиб, мамлакатни ортиқча қийинчиликлар ва

курбонга маҳкум этди. Собиқ Иттифоқ бошқа мамлакатлардаги тикланишнинг илғор тажрибаларидан, чет эл сармояларидан фойдаланишни истамади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов II -жаҳон урушида вайрон бўлган Европа, Япония, Жанубий Корея мамлакатлари биринчи навбатда, албатта, “ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суяниб юксак тараққиёт даражасига кўтарилди”, -дейди. Лекин, уларнинг бу ютуқларида четдан келган сармоялар ҳам катта ўрин эгаллаган. Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган “Маршалл плани” асосида ажратилган тахминан 50 млрд. доллар Европа мамлакатларининг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, илғор технологияларни жорий этишда ҳал қилувчи куч бўлди. Совет давлатининг ғоят мафкуралашган иқтисодий сиёсати эса яққаланиб қолди ва бу халқимизнинг бошига ортиқча кулфат олиб келди.

Ўзбекистон урушдан кейинги йилларда ўз халқининг арзон кучидан, бой хомашё манбаларидан чексиз равишда фойдаланишига асосланган, компартия чизиб берган беш йиллик режаларни бажаришга киришди. Бир томонлама, Марказ манфаатига бўйсундирилган Республика иқтисодиётини урушдан олдинги даражага етказиш ва янада ривожлантиришга қаратилган вазифани бажаришда ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, сабр-тоқатли ва тинчликсеварлиги каби фазилатлардан фойдаланилди.

Иқтисодиёт олдиға қўйилган энг муҳим вазифалар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1946 йил августида чақирилган 8-сессиясида қабул қилинган 1946-1950 йилларга мўлжалланган режада белгиланди. Бунга кўра, халқ хўжалигининг барча соҳаларига 3 млрд. 900 млн. сўм капитал маблағ ажратилди. Саноатни ривожлантириш ишлари республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди. Електр қуввати ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. 5 йилда 8 та йирик ва ўрта ҳажмдаги электростанциялар, шу жумладан 300 000 кв. соат кучга эга бўлган Фарҳод сув электр станцияси ишга туширилди. Бу станция собиқ иттифоқда учинчи ўринда бўлиб, урушгача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электр қувватига тенг қувват берадиган бўлди.

Қисқа давр оралиғида, 20-30 йиллардаги “социализм қуриш” азоблари, айниқса иккинчи жаҳон уруш даври

қийинчиликларини, машаққатларини бошдан кечирган Ўзбекистон халқи иқтисодни тиклаш ва ривожлантириш йўлида ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилди. Беш йилда саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 71 фоизга кўпайди, бу урушдан олдинги даражадан 1,9 баробар кўп эди. Саноатнинг халқ хўжалигидаги салмоғи 47,7 фоизни ташкил қилган эди. Шу йилларда Фарҳод, Оққовоқ-2, Бўзсув-2 электростанциялари, жами 150 та янги саноат корхоналари ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиёти режалари Иттифоқ марказида ишлаб чиқарилиб, аксарият ҳолларда маҳаллий шароит, ижтимоий аҳвол ҳисобга олинмасдан иқтисодни бир томонлама, яъни ўлкани хом-ашё базаси сифатида сақлаб қолишга қаратилди. Саноат, халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари пахтачиликни ривожлантиришга бўйсундирилди. Совет ҳукуматининг 1946 йил 2 февралдаги Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда пахта яккахокимлигини кучайтириш учун асос бўлди.

Иқтисодиётни тиклаш ишлари қишлоқ хўжалигида айниқса пахтачиликда қийинчилик билан ўтди. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида совет ҳукуматининг урушдан кейин қабул қилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ўнлаб қарорлари изчиллик билан амалга оширилмади, шунинг учун ҳам кутилган натижаларни бермади. 1947-1948 йилларда пахта тайёрлашнинг давлат режаси бажарилмади. 1949 йилдан бошлаб аҳвол бирмунча ўзгарди. 1950 йили 2 млн. 222 минг тонна пахта етказиб берилди, ҳосилдорлик гектаридан 20,7 сентнерга етди. 1950 йилдан пахтанинг харид нархи оширилиб, 1 тоннасига 2200 сўм яъни аввалгидан икки баравар кўп ҳақ тўланди. Лекин деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида экин майдонининг қисқартирилганлиги оқибатида ғалла ва сабзавот тайёрлашда урушдан олдинги даражага етмади.

Иқтисодни режали равишда ривожлантириш билан бир қаторда баъзи ижтимоий масалаларга ҳам эътибор қилинди. Жумладан, иш ҳақи оширилди, ҳарбий солиқ, карточка тизими бекор қилинди. Пул ислоҳоти ўтказилди, қисқартирилган иш соати жорий этилди, кундалик истемол маҳсулотларининг нархи арзонлаштирилди. Бу тадбирлар пулнинг харид қувватини ошириш имконини туғдирди. Лекин шунга қарамасдан нарх наво

ҳали анча юқори эди. 1950 йили Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари 1940 йилга нисбатан деярлик икки баробар қиммат эди.

Кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш тобора камайди. Улар асосан четдан келтириладиган бўлди натижада Республика аҳолисининг енгил саноат, озиқ-овқат молларига эҳтиёжи кучайди.

Жумҳурият аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил қилган қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволи ачинарли эди. Уларнинг ойлик даромади ўртача 20 сўмни ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич ишчиларда 64 сўм эди. Ваҳоланки, урушдан кейинги хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришнинг асосий оғирлиги қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига тушди. Ўзининг боғ ва мевалари билан машхур бўлган Ўзбекистон аҳолиси ҳаддан ташқари кўп олинадиган солиқ туфайли боғларидан воз кечди. Чорвадорлар шу сабабга кўра мол боқиб фойда кўрмади. Аҳвол шу даражага етдики, аҳолининг шахсий моллари солиқ ҳисобига давлат ва жамоа хўжаликлари фойдасига олинди. Сотишдан бош тортганлар жинойий жавобгарликка тортилди. Оқибатда шахсий хўжаликларда чорва молларининг сони кескин камайди. Бундай зўравонликлар уруш оқибатлари, вақтинчалик, ўткинчи ҳолат деб тушунтирилди.

50-60 йилларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга ва шу асосда пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилди. Ўзбекистонда уч йил ичида (1953-1955 йй.) 130 минг гектар янги ерлар очилди. 1956 йили Мирзачўлнинг ўзида суғориладиган майдон 205.000 гектарга етди.

Шу йилларда Марказий Фарғонани ўзлаштириш муносабати билан Катта Фарғона канали қайта таъмирланди. Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг 2-навбати, Юқори Чирчиқ сув тармоғи, Бухоро вилоятида Қуйимозор сув омбори, Сирдарё вилоятидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали қурилиб фойдаланишга топширилди. 1960 йили республикада суғориладиган ер майдони 2.571 минг гектарга етди.

Пахтачиликни ривожлантириш учун минерал ўғитлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Республикада 1951 йилда 0,9 млн т. минерал ўғит ишлатилган бўлса, 1980 йилда унинг миқдори 5 млн. тоннадан ошиб кетди. Ғўза барглари тўкиш ва зараркунандаларга қарши курашда ишлатилган ўта

заҳарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва б.)дан ҳаддан ташқари кенг миқёсда фойдаланиш, аҳоли соғлигига кескин ёмон таъсир қилди.

Дуний бўйича пеститсидлар ҳар бир кишига 300 гр.дан, АҚШ да 800 гр.дан тўғри келган бўлса, республиканинг пахта экиладиган ҳудудларида ҳар бир кишига 1989 йил 25-45 кг.дан тўғри келади. Республика бўйича бўлса, бу ҳар бир кишига 7-8 кг.ни ташкил этди.

Пахта хом-ашёси етиштириш 1946-1985 йилларда 5,5 баровар кўпайди, пахта экиладиган майдонлар 1 млн. га. дан ортди. 1966-1986 йиллар мабойнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 45 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 17,1 млрд. сўми суғориш тармоқларига сарфланди. Шу даврда 1,5 млн. га. ер ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларда янги 160 та совхозлар ташкил этилган бўлиб, 20 йил давомида бу ерларда 10,4 млн тонна пахта хом ашёси етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши, тоталитар режимнинг суғориш технологиясига қўпол аралашуви оғир экологик ва бошқа турли нохуш ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарди.

1985 йилга келиб республикада 900 та суғориш тармоғи 92 минг гидротехник қурилмалар, 10 млрд м³ ҳажмда сув тўплайдиган 23 та сув омборлари мавжуд эди. 70-80 йилларда сувнинг табиий мувозанатини бузилиши ер, сув, ҳаттоки ҳавонинг заҳарланишига олиб келди.

Мавжуд сув заҳираси имкониятларидан ортиқ ерларнинг ўзлаштирилиши, тоғ ён бағирларига экин экилиши, ўрмонларни шафқатсизлик билан кесилиши, дарё ва кўл сувларининг ифлосланиши ҳайвонот оламида ҳалокатли ўзгаришларни юзага келтирди. Орол денгизи яқин ўтмишда дунёдаги энг катта кўллардан ҳисобланиб, балиқчилик, овчилик, транспорт соҳаси яхши йўлга қўйилган эди. Бироқ бир авлод умри давомида бир денгиз қуриди. Бир мустабид тузум раҳбариятининг республикадаги пахта якка ҳокимлиги сиёсати, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт, Орол атрофида фавқулодда ҳалокатли экологик хатарни келтириб чиқарди.

Орол денгизининг қуриши 1960-70 йилларда йилига-18 см, 1971-1980 йилларда-53 см, 1981-1985 йилларда-78 см, 1985 йилга келиб эса-87 см.га етди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажи 3

баравар қисқарди, денгиз ўз қирғоғида 75-80, баъзи жойларда 100 км.га чекинди. 1980 йилларнинг бошида Орол денгизига сув келиши деярли бутунлай тўхтаб, нодир сув макони қурий бошлади. Бу ерларда 2 млн. га туз ва қумдан иборат майдон очилиб қолди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида юзаки ислохотлар халқнинг турмуш аҳволида деярли ўзгариш ясамади. Айниқса, собиқ иттифокдагина эмас, балки меҳнат шароити энг оғир бўлган ўзбек пахтакорларининг турмуш даражаси айниқса ачинарли аҳволда бўлди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари “социализм узил-кесил ғалаба қилган” даврда аҳолининг жон бошига ҳисоблаганда қуйидагича эди: гўшт 29 кг, сут 150 литр, тухум 78 дона, қанд-шакар 21,2 кг, картошка 28, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 66 килограмдан тўғри келди. Бу миқдор умумиттифок даражасидан анча паст эди. Қишлоқ аҳолисининг истеъмол даражаси бу ўрта ҳисобдан кўра яна ҳам ачинарли эди.

Пахта яккаҳоқимлигининг кучайиши қишлоқ хўжалигини бошқа соҳаларини қоқликка олиб келди, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот-мевага аҳолининг талаби қондирилмади. Бунинг устига томорқага нисбатан нотўғри сиёсат олиб борилди. 50-йилларнинг бошларида республика раҳбарларининг ташаббуси билан суғориладиган ерларда томорқа ҳажми 25 сотихдан 13 сотихга туширилди. Бу кўрсаткич жойлардаги раҳбарларнинг ўзбошимчалиги билан 10 сотихгача, Фарғона, Тошкент вилоятларида эса, ҳатто 6-8 сотихгача камайиб кетди. Бу ҳолат республика қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ғоят оғир қилиб қўйди.

1990 йил бошига келиб республикада 9 млн. ёки республика аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ҳисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга эди. Бу эса кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражадагидан ҳам камдир. 80-йилларда кундалик ҳаётда ҳаммага керак бўлган мебел гарнитури, холодильник, сифатли чанг юткич ва бошқаларни топиш муаммога айланиб қолди.

50-йилларда саноат ва қурилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги тарқоқликнинг республика иқтисодини комплекс ривожланишига тўсқинлиги янада кучайди. Республиканинг саноат ва қурилиш ишлари учун ҳуқуқи ва маъсулияти

чекланганлиги сабабли, 1953 йили республика Ихтиёридаги корхоналар жами саноат маҳсулотларининг 31 фоизни ишлаб чиқарган бўлса, иттифоққа бўйсунган корхоналарга 69 фоиз тўғри келди. 1956 йилида эса саноат маҳсулотларининг салмоғи 55% фоизга кўтарилди.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда хатоларга ҳам йўл қўйилди. Хусусан Тошкент ва Тошкент вилоятида йирик саноат корхоналари қурилиб, саноат ишлаб чиқариш жойлаштиришда номуносибликни келтириб чиқарди. 1955 йил декабрда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби лавозимига аввал Вазирлар Кенгашининг раиси вазифасида ишлаган Нуриддин Муҳиддинов сайланди. Шу даврдаги кўплаб ижобий ўзгаришларда Н.Муҳиддиновнинг шахсан ҳиссаси катта бўлди. Унинг ташаббуси билан Марказ қармоғидаги юзлаб саноат корхоналари республика ихтиёрига ўтказилди. 1960 йилларда Ўзбекистон саноатида бир қанча ўзгаришлар юз берди. 1959-65 йиллар 450 дан зиёд саноат корхоналари (шундан 150 йирик) ва сеҳлар ишга туширилди. Тошкент (биринчи навбати) Навоий, Тахиатош иссиқлик электростанциялари, газли газ кони шулар жумласидандир.

1953 йили Сеталонтепа, 1955 йилда Жарқоқ, 1956 йилда Газли нефт конларининг очилиши натижасида газ саноатининг моддий базаси яратилди. 1958-1960 йилларда Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент магистрал газ қувури қурилиши билан республика саноат корхоналари, шаҳар ва айрим қишлоқларни газлаштириш бошланди.

Республика аҳолисининг аксарият кўпчилиги табиий газга муҳтожлигини қондириш ва бутун иқтисодий ишлаб чиқаришини газлаштириш асосида қайта қуриш мумкин бўлган шароитда четга табиий газни олиб кетиш авж олди. Ўзбекистон табиий газини собиқ иттифоқнинг Европа қисми, Урал, Қозоғистон, Тожикистон, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва бошқа минтақаларга узлуксиз жўнатиб турилди. Ваҳоланки, табиий газ етиштириш Республикада йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, 1960 йилда 447 млн м³ ҳажмда табиий газ олинган бўлса, 1970 йилга келиб бу миқдор 32 млрд. м³ ни ташкил қилди.

Рангли металлургия саноати соҳасида Оҳангарон, Олмалик ҳавзаси ва Зарафшон тизма тоғлар конлари ўзлаштирилди.

Машинасозликнинг қишлоқ хўжалигига IX тисослашган соҳаси 1959-1965 йилларда 1952-58 йилларга нисбатан кескин ошиб кетди.

Собиқ СССРнинг 50-60 йилларда фан-техника соҳасидаги эришган ютуқларида Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Маҳаллий аҳолининг машаққатли меҳнати ҳисобига етиштирилган қимматбаҳо маҳсулотлари совет мамлакатининг иқтисодий ва ҳарбий куч қудратини оширишга бўйсундирилди. Урушдан аввалги йилларда ҳам, Фарғона водийсида ураннынг бир неча манбалари очилган бўлиб, урушдан кейин барча уран конлари иттифоқ ихтиёрига ўтказилган эди. 1948 йил январидан Ўрта Осиёдаги уран қидириш ташкилотлари ягона-Красногорский экспедитсиясига бирлашди. 1951 йил ана шу “10-корхона” деб ном олган ташкилот базасида Краснохолм экспедитсияси тузилиб, иттифоқ геология вазирлигига бўйсундирилди. Қизилқумда 50-60 йилларда жами 27 комплекс уран конлари очилди. Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод шаҳарларида бир неча юз километрни ташкил этган темир йўл, автомобил йўллари қурилди.

Урушдан кейинги қийин шароитда транспорт қурилишига алоҳида эътибор берилди. Амударёнинг чап қирғоқлари бўйлаб 400 км масофага Чоржўй-Урганч темир йўли қурилди. Бу билан Ашхобад, Самарқанд, Душанбе, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан товар, йўловчи поездлари Россия орқали Европа мамлакатларига йўл олди.

1966-1970 йилларда саноатда зўраки жадаллаштириш натижасида янги (олтин, уран, нефт ишлаб чиқарувчи) соҳалар ривожланди. Республикада кимё толаси, органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бошқаришнинг буткул марказлаштирилиши кўп ўтмай самара бермай қўйди. 70-йиллардан бошлаб йилдан-йилга саноат ва қишлоқ хўжалик режалари бажарилмай қолди.

70-80 йилларнинг биринчи ярмида халқ хўжалигини ишчи кадрларга бўлган талаби илмий асосланган тарзда ўрганилмади. Натижада кадрлар тайёрлашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди, баъзи соҳаларда керагидан ортиқ ишчи кадрлар тайёрланди, бошқа соҳаларда, айниқса техника

тараққиётини белгилайдиган тармоқларда маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар танқислиги сезилиб қолди.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисининг сони ва таркибига, республика иқтисодий тараққиётига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатган. Лекин, 1971 йилдан - 1985 йилларга қадар Ўзбекистон халқ хўжалигида ишчи ва хизматчилар сони 2641,5 мингдан 4833,5 минг нафарга кўпайди. Бироқ, бу ўсиш сунъий равишда, яъни республикамизга ташқаридан кўплаб кишиларни кўчириб келтириш ҳисобига рўй берди.

Аҳоли таркибида ишчилар сони анчагина ўсганига қарамай, республикамиз бу кўрсаткич бўйича собиқ Иттифок республикалари ичида 1979 йилги маълумотга кўра, 13 ўринда турар эди. Ўзбекистон ишчилар синфининг миллий салмоғи жиҳатидан орқада қолмоқда эди. Масалан, ўзбеклар 1973-1983 йилларда саноатда 51,1 фоизни, қурилишда 46,5 транспортда 38,6 алоқада-40,6 кимё ва нефт кимёсида 24,9 фоизни ташкил қилар эди.

Тошкент шаҳрида 1985-1986 йилларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги 200 минг киши бўлишига қарамай, республикага ташқаридан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар жалб қилинди.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли сони ортиб борди. Уларнинг сони 1983 йилда 836 минг нафарни ташкил қилди.

Саноатнинг замонавий тармоқларида “ўзбек халқи гўё ишлашга қодир эмаслиги” ва шу муносабат билан кўп ёшлар ишсиз юрганлиги ҳақида асоссиз турли мулоҳазалар кенг тарқалди. Дарҳақиқат республикамизда 80-йиллар охирида бир млн.га яқин ишсизлар бор эди. Бироқ, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигидан эмас, балки юқорида таъкидланганидек, асосан марказнинг махсус ёналтирилган сиёсати туфайли ва қолаверса баъзи маҳаллий мутасадди раҳбарлар томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари яхши йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини етарлича ярата олмаганидандир. Ўн йиллар давомида маҳаллий ёшлар орасидан ишчи кадрлар тайёрлаш билан астойдил шуғулланиш

ўрнига миллий ғурури топталган ҳолда Россия ва Украинадан тайёр кадрлар келтириш сиёсатини маъқул кўрдилар.

Республика иқтисодиётини аҳволи, жамиятни бошқариш усулларини қайта кўриб чиқишни, уларни янги шароитга мослаштиришни талаб қилса ҳам Ўзбекистон коммунистик партия, унинг кўмиталари, уруш даврининг иш тажрибасини давом эттириб, марказда ва жойларда ҳокимиятни ўз қўлида маҳкам ушлаб, маъмурий буйруқбозлик тизимини яна ҳам кучайтирди.

Урушдан кейинги йиллари партия ва ҳукумат раҳбарлигига назарий жиҳатдан кам тайёрланган, иш тажрибаси етарли бўлмаган ходимлар келди. Давлатни бошқарув тизимида маҳаллий халқ вакиллари фақат 47 фоизни ташкил қилди. Партияга қабул қилишга юзаки, тўраларча ёндашув натижасида қабул қилинганларнинг кўпчилигини ишчи ва деҳқонлар ташкил қилиб, илғор зиёлилар, малакали мутахассислар раҳбарлик ишларидан четлаштирилди. Ўзбекистон ССР Олий ва маҳаллий кенгашларига сайловлар юзакилашиб, олдиндан тузилган рўйхат ва режа асосида депутатликка номзодлар кўрсатилди. Сайловчиларнинг 99,9 фоизи овоз беришда қатнашиб, “якдиллик” билан коммунистларнинг вакилларига овоз берди. Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри келади, тушуниш қийин эмас. Советлар фаолиятида юзакичилик, қоғозбозлик кучайди. Олий Советнинг, айниқса маҳаллий советларнинг сессиялари вақтида чақирилмасдан ундаги масалалар кўпинча муҳокама қилинмай ёки ҳурфикрликсиз қабул қилинарди. Сайланган советлар вазифасини унинг ижроия кўмиталари бажарадиган бўлди. Советларга депутат бўлиб сайланганларнинг аксарият қисми жамият тараққиётининг қонунларидан хабарсиз, умуман ҳокимиятни бошқариш масалалари билан қизиқмайдиган шахслар эди. Айниқса олий советларга сайланган депутатлар рус тилида олиб борилган сессия мажлисларида республика манфаатларини ҳимоя қиладиган даражада фаолият кўрсата олмасди. Партия ва жамоат ташкилотларининг олий органларига аъзо бўлиб сайланганлар, бу ташкилотларнинг анжуманларига делегат бўлиб борганлар орасида ҳам ўз вазифаларини тушунмайдиган, тушунса ҳам уни рўёбга чиқаришни билмайдиганлар, лоқайдлар кўпчиликни ташкил қилар эди.

Бундай депутатлар ва делегатлар ичида Республикамиз номига доғ туширганлар ҳам оз бўлмади.

Республика Олий Кенгашининг I чақириқ депутатларидан 158 депутат, II чақириқ депутатларидан эса 167 нафари қайта сайланган. Булар партия, маъмурий хўжалик ходимлари, жамоа хўжалиги раислари бўлган. Бундан кўринадикки, маъмурий буйруқбозлик тизими даврида депутатлик номенклатура ходимларига имтиёз бўлиб хизмат қилган. Йиллар ўтиши билан бундай депутатлар ишга тўғаноқ бўла бошладилар.

Партия, совет ходимларининг саводхонлик даражасини кўтаришга қанчалик уринишмасин депутатлар орасида ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар сони салмоқли эдики, бу республика Олий Кенгаши фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Баъзи депутатлар ўрта маълумот билан Олий Кенгашининг доимий кўмиталари аъзоси ҳам бўлди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан 1959 йилгача Советларга Марказдан келган раҳбар партия ва совет ходимларини сайлаш йўлга қўйилди. IV чақириқ Олий Кенгашининг 294 депутатидан 16 таси марказ вакиллари эди. Бундай иш юритиш 70 йиллардан қайтадан йўлга қўйилди.

Урушдан кейинги йилларда дунё халқлари ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшди, унинг хорижий мамлакатлар билан савдо ва маданий алоқалари кенгайди. 1958 йили Ўзбекистон дунёнинг 32 мамлакатига саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқарган бўлса, 1970 йил 76 мамлакат билан савдо алоқаларини ўрнатди. Чет давлатларга маҳсулот чиқаришда Ўзбекистон собиқ Иттифокда РСФСР ва Украинадан кейинги учинчи ўринда турди. Қорақўл тери ва пахта толасидан бошлаб, машинасозлик маҳсулотларининг 250 тури тўрт қитъанинг деярли ҳамма мамлакатларига чиқарилди. Минг афсуски, бу маҳсулотлар Ўзбекистон номидан эмас “СССРда ишланган” деган тамға билан дунёга танилди.

Андижон машинасозлик заводининг маҳсулотлари 44 мамлакатга, Тошкент кабел заводининг маҳсулоти 27, Чирчиқ электрохимкомбинати 20, Самарқанддаги “Кинап” заводи 30 мамлакатга ўз маҳсулотини чиқарди. Кўп йиллар давомида пахта ташқи бозорга чиқарилган асосий маҳсулот бўлиб, 1953 йилдан бошлаб Ўзбекистон пахтаси Америка Қўшма Штатлари,

Мексика, Сурия каби пахта етиштирувчи мамлакатларнинг рақобатини енгиб йирик капиталистик давлатлар бозорига чиқди ва жами 35 давлатнинг бозорини эгаллади.

1960-70 йиллари Ўзбекистон Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун минглаб Олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ва малакали ишчи кадрлар тайёрлаб берди. 1961 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) қошида чет элликлар учун тайёрлов бўлими очилди. Ўзбекистоннинг минглаб мутахассислари кўпгина мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшди. Ўзбекистонлик машинасозлар, пахтакорлар, сув хўжалиги иншоатлари ва ипакчилик мутахассислари кўп мамлакатларда ўзларининг бой тажрибаларини ташвиқот қилдилар. Мисрдаги Асвон ва Хелвонн сув иншоатлари, Афғонистондаги Жалолобод канали ва Кубадаги саноат қурилмаларида Ўзбекистон мутахассислари ҳам иштирок қилдилар.

“Феодализмдан социализмга сакраб ўтиш” мумкинлиги тўғрисидаги марксистик таълимотни Ўзбекистон мисолида исботлаш мақсадида, Осиё ва Африка давлатлари учун социализмнинг тажриба мактаби сифатида унинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгайтирилди, делегациялар алмашиш борасида ишлар жонлантирилди.

1947-1955 йиллари дунёнинг 46 мамлакатларидан, шу жумладан илғор тараққий этган давлатлардан 180 делегатсия Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ана шу даврда собиқ иттифокнинг делегатсиялари таркибида 200 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари хорижий мамлакатларда бўлиб қайтди. Бундан ташқари саънат ва адабиёт ходимлари ўртасида делегатсиялар алмашилди. Бу тадбирлар натижасида бизнинг ўлкада “казарма социализми” ўрнатилгани ҳам ошқора бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Олий судининг аъзоси Уилям Дуглас Ўзбекистонда бўлиб қайтгандан кейин “Лук “ журналида Ўрта Осиё республикаларидаги ҳаётда Франциянинг мустамлакачилик тамғаси кўринаяпти деб ёзади. Маҳаллий матбуотда бунга тухмат деб қарайди.

Ўзбекистон халқаро биродорлашган шаҳарлар уюшмасига аъзо бўлди. Тошкент, Покистоннинг Карачи, Ливиянинг Триполи, Ҳиндистоннинг Патиала, АҚШнинг Сиетл, Марокашнинг Марокаш, Югославиянинг Скопле шаҳарлари билан биродорлашди. Ўша даврнинг муҳим муаммолари бўйича Тошкентда халқаро йиғинлар, учрашувлар ва илмий кенгашлар чақирилди. Жумладан, 1959-72 йилларда ўттиздан ортиқ илмий сессия ва кенгашлар бўлиб ўтди. 1958 йилни кузида Тошкентда 37та Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжумани ўтди ва бу ерда “Тошкент руҳи” юзага келиб, халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг мавқеини оширди.

Ўзбекистон чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини кенгайтириш, уни самарали олиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлса ҳам бу имкониятдан тўла фойдалана олмасди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76, 77, 112, 122 моддаларига кўра Ўзбекистон чет давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, дипломатлар ва элчилар тайинлаш ва чақириб олиш ҳуқуқларига эга ва халқаро ташкилотлар билан мустақил алоқалари ўрнатиш мумкин. Лекин, амалда республиканинг халқаро муносабатлари марказда режалаштирилиб, чизиб берилган доирада олиб борилди. Чет давлатлардан бирорта делегатсиянинг қабул қилиниши, жумҳуриятда ўтадиган учрашувлар, кенгашлар, анжуманлар учун “марказдан” рухсат шарт эди. Иттифоқчи республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллиги тўғрисидаги қонунлар аслида қоғозда қолди.

2. Республикада 1946-1990 йиллардаги маънавий – маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Қатағонликнинг янги тўлқини.

Тоталитар тизим шароитида маданий-маърифий муассасалардан оммага ғоявий таъсир ўтказиш мақсадида кенг фойдаланилди. 1960 йиллар республикада 2.977 клуб бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 3.441 тага етди. Шу йиллари кутубхоналар сони тегишли равишда 3.418 тадан 5.822 тага; музейлар сони 14 тадан 26 тага; киноқурилмалар сони 2.178 тадан 3.988 тага ошди. Лекин, буларнинг кўпчилиги статистик ҳисоботларда ошириб

кўрсатилган бўлиб, аслида ўзларининг бевосита вазифаларини самарали бажариш учун ҳаётининг имкониятга эга бўлмади. Уларнинг моддий техника базаси паст даражада бўлиб, молия билан етарли таъминланмади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон собиқ совет республикалари ўртасида энг қуйи поғонада турди.

1969 йилда Россияда аҳолининг 10 минг нафарига 14 клуб муассасаси тўғри келса, Белоруссияда 11 та, Ўзбекистонда эса атиги 4 та эди. Маданий-маърифий муассасаларга давлат томонидан ажратилган маблағ аҳолини жон бошига Естонияда 21,3 сўмни, Арманистонда-17,9 РСФСРда-9,7 сўмни ташкил қилса, Ўзбекистонда 4,5 сўмни ташкил қиларди. Республика кутубхоналарининг китоб фонди 1950-1970 йилларда ўн баробарга кўпайган бўлса, лекин уларнинг кўпчилигини мафкуравий тарғибот учун зарур бўлган марксизм-ленинизмга оид асарлар ташкил қилар эди. Олинган китобларнинг 8-10 фоизгина республикада нашр этилган бўлиб, қолганлари четдан келтирилиб, уларнинг аксарияти рус тилида эди. Маданий-маърифий муассасалар молиявий жиҳатдан давлат назорати четда қолганлиги учун бундай муассасалар кўпинча жамоатчилик асосида қурилди. Масалан: 1961 йили Ўзбекистон қасаба уюшмалари ташкилотлари томонидан жамоатчилик асосида 45та маданият ва техника университетлари, 5 та халқ театрлари, 1.258 жисмоний тарбия жамоалари иш олиб борди.

Ўзбекистонда таълим тизимини яхшилаш учун ўнлаб қарорлар қабул қилинарди. Бироқ, бу қарорлар миллий мактабларда тўлиқ бажарилмасди. Мактаблар урушдан кейин ҳам дарсликлар билан тўлиқ таъминламади. Моддий ўқув базаси русийзабон мактабларникидан анча паст эди.

Ўрта мактабни битирувчилари орасида эрта турмушга берилиши туфайли қизлар камчиликни ташкил қилар эди. Маорифни ривожлантиришда маҳаллий миллатларга паст назар билан қараш совет тузуми сиёсатининг пинҳона фаолиятига яширинган эди. Кейинги йилларда очилган архив маълумотларида собиқ иттифоқдаги республикаларда онгли, маданиятли, ҳурфикрли кишиларни бўлишига йўл қўймаслик ҳақидаги маҳфий кўрсатмалар бежиз эмас эди. 1985 йилда олий ўқув юртлари сони 42 тага етди.

1946-47 ўқув йилида республикада 4483 мактаб бўлиб, 212.000 ўқувчи ўқиган бўлса, 1965-66 ўқув йилида 9716 га ундаги

ўқувчилар сони 2.476.000 кишига етди. Олий ўқув юртларида талабалар сони 21.190 дан 168.800 тага етди. Бу микдор “маҳаллий миллат йигит қизлари билим учун эмас, диплом учун қизиқсин” деган ақидага асосланганлигини кўрсатади. Шундай бўлишига қарамай Ўзбекистонликларни, хусусан ўзбекларни илмга чанқоқлиги ҳар қандай сунъий тўсиқларни енга бошлади.

Ўзбекистонда фан ва техниканинг ҳамма соҳаларида йирик олимлар етиштирилиб, фан номзодларини ва докторларини тайёрлаш бўйича собиқ СССРда олдинги қаторларга чикди.

1950 йил Ўзбекистонда 1760 фан номзоди 180 фан докторлари илмий иш олиб борди. 1965 йилда эса, фан номзодларининг сони 4000 ва фан доктори 324 га етди. 50-60 йиллари Республика Фанлар Академиясининг олимлари айниқса математика-механика, тиббиёт, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлар олиб борди. Бир қанча илмий-текшириш институтлари травматология ва ортопедия, энергетика, математика, онкология ва радиология, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш ва электрлаштириш, кибернетика ва бошқа бир қанча институтлар шу йилларда ишга туширилди. Фанлар Академияси қошида Фалсафа ва Ҳуқуқ институти ташкил этилиб, Шарқшунослик институти фаолияти кенгайтирилди.

50-йиллардан бошлаб республикада илмий-тадқиқот ишларида атом қувватидан фойдалана бошлади. Дастлабки пайтда атом қуввати Тошкент ва Самарқанд Давлат Университетлари лабораторияларидан Фанлар академиясининг физика-техника институтида, Политехника ва медитсина институтларида ишлатилди. Лекин техника базаси етарли бўлмаганликдан атом қувватидан фойдаланиш доираси тор бўлди. 1956 йил бошларида Тошкентдан 30 км йироқда, 750 штат бирлигида мўлжалланган илмий-тадқиқот ядро инситути ва барча қулайликларга эга бўлган шаҳарча қурилиб, 1958 йили ишга туширилди. Унинг биринчи директори этиб йирик физик олим, академик Убай Орифов тайинланди.

1951-1954 йиллари республикада яна бир йирик илмий марказ бунёд этилди. 80 гектар майдонда, иттифоқда ягона тиббий шароитда ўсадиган, Тошкент ботаника боғи яратилди. 1956 йили 5 ноябрда Ўрта Осиёда биринчи Тошкент телемаркази ишга туширилди. Кейинчалик 1962 йил Урганчда, 1964 йил Нукусда ҳам телевизион марказлар иш бошлади.

Ўзбекистонлик олимларнинг бир қанчаси, айниқса табиий фанлар соҳасида, ўзларининг илмий ютуқлари билан нафақат собиқ Иттифоқ доирасида, балки жаҳон миқёсида тан олинди ва юқори даражадаги давлат мукофотларига сазовор бўлдилар. Ўзбек олимларидан математиклар-Т.Н.Қори-Ниёзий, Т.А.Саримсоқов, С.Х.Сирожиддинов, физиклар-У.О.Орифов,С.А.Азимов, химиклар-О.С.Содиқов, С.Ю. Юнусов, М.И.Набиев, геологлар-Х.М.Абдуллаев, И.Х.Хамрабоев, Г.А.Мавлонов, биологлар- А.М.Музаффаров, К.З. Зокиров, Т.З.Зоҳидов, техника соҳасида М.Т.Ўразбоев, Х.А.Раҳматуллин, Х.Файзиев, жамиятшунослик фани соҳасида И.М.Мўминов, Ҳ.Сулаймонова, Я.Ғ.Ғуломовлар шулар жумласидандир.

Республика зиёлилари каторида 125 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар бўлиб, шулардан 25 мингдан кўпроғи муҳандис ва техниклар, 10 минг қишлоқ хўжалик мутахассислари, 24 минг врачлар ва 60 мингдан ортиқ ўқитувчилар, юздан ортиқ ёзувчи, шоир, драматурглар, рассомлар уюшмасида 105 киши, композиторлар уюшмасида 26 нафар аъзолари бор эди. 1956 йилнинг охирларида республика зиёлиларини биринчи қурултойи бўлиб ўтди.

Партиявий ғоявий тизгинга қарамасдан адабиёт ва санъат соҳасида кўзга кўринарли асарлар яратилди. Ғафур Ғулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Туроб Тўла, М. Бобоев, Мирмухсин ва бошқаларнинг тинчлик мавзусига бағишланган шеърлари юзага келди. Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар”, Парда Турсуннинг “Ўқитувчи”, Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана”, “Оғриқ тишлар”, Б.Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” драмалари катта шуҳрат қозонди. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий қатағонликдан озод бўлган ижодкорларнинг асарлари юзага чиқа бошлади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи, Миртемирнинг “Сурат” достони, Шайхзоданинг “Тошкентнома”си нашрдан чиқди.

60-йиллардан адабиётда янги авлод пайдо бўлди. Одил Йўқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ҳусниддин Шарипов, Озод Шарафутдиновлар билан изма-из янги ижодий тафаккурга эга бўлган истеъдодли Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Омон Матжон, Рауф Парпи каби ёш адабиётчилар

майдонга чиқди. Ўзбек адабиётининг ривожланишида адабиётга мафкуравий таъсир ўтказишнинг қуроли сифатида қараб, ижод эркинлиги бўғилди ва партиявий синфий ақидалар тиқиштирилди. 50-80 йилларда аҳён-аҳёнда бўлса ҳам озодликка интилувчи фикрлар кўзга чалинарди. Бироқ бунга дарҳол танқидлар, маъмурий жазолар тўсиғи қўйиларди.

80-йилларнинг ўрталаридан адабиёт халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттириш йўлида янгича қадамлар қўя бошлади. Бадиий асарларнинг мавзуи доирасига Орол фожеаси, ўзбек деҳқонининг машаққатли тақдири, табиат, тил, маданият ва тарихимизга оид муаммолар шиддатлироқ кириб келди. Янги мазмун ижодда янгича замонавий шакл, халқона оҳангларда кенг йўл оча бошлади.

50-60 йилларда Республика санъатида, хусусан театр ва рақс санъатида илгари силжишлар юз берди: 1947 йили Тошкентда хореография билим юрти очилди. 1957 йили машҳур раққоса М.Турғунбоева томонидан “Баҳор” ўзбек халқ рақс ансамбли, 1958 йили Г.Раҳимова раҳбарлигида-Хоразм ашула ва рақс ансамбллари тузилди. Бу жамоалар ўзбек сахна рақсларини бойитди. Республикада театр санъатининг ривожланишида Самарқанд Давлат ашула ва балет театрининг (1964 йил) Тошкентда “Ёш гвардия” (1990 йилдан Аброр Хидоятлов номидаги) ўзбек драма театрининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Муסיқа ва театр соҳасидаги бу ўзгаришлар бир томонлама бўлиб жаҳон санъати даражасига тезроқ етиб олиш учун ўзбек миллий маданиятидан узоқ бўлган опера, балет, симфоник муסיқага асосий эътибор берилиб, миллий драма театрларимиз эътибордан четда қолди. “Шаклан миллий мазмунан социалистик” шиори остида ривожланган совет адабиёти ва санъатининг асл мақсади “байналмилаллаштириш” бўлиб бадиий асарларда миллийлик йўқола борди.

Урушдан кейинги чорак аср мобайнида Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги, маданияти ва фани ривожланишида маълум натижаларга эришди. Лекин бу ривожланиш зиддиятлар билан тўла бўлди, демократиялаштириш йўлида олиб борилган тадбирлар етарли натижаларни бермади.

Маъмурий буйруқбозлик тизими кучайиб бораётган Ўзбекистонда халқнинг турмуши, аҳолига кўрсатиладиган

майиший хизмат жиҳатидан Республика собиқ Иттифокда охириги ўринларда эди. Таълим тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги баланпарвоз кўрсаткичлар социалистик тизимнинг ташвиқот-тарғиботи учун фойдаланилди. Умуман олганда, жамиятнинг инкироз томон йўл тутиши кучая борди.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизимида партиянинг якка ҳукумронлиги кучайиб борди. Сиёсий катағонликнинг янги босқичи бошланди. Агар 30-йилларда катағонликни ички ишлар халқ комиссарлари (НКВД) олиб борган бўлса, эндиликда бу мудҳиш ишларни коммунистик партиянинг марказий комитети ва унинг қўйи ташкилотлари бажарди. 1949 йилнинг мартада чақирилган Ўзбекистон коммунистларининг X съезди республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда заҳарлаш, миллий кадриятларга, “диний хурофот”га қарши курашни кучайтириш вазифаларини қўйди. Бу билан жамиятда социалистик мафкурани вайронкорлик роли яна ҳам кучайтирилди.

1949-1952 йилларда кўпгина машҳур ўзбек ижодий зиёлилари асоссиз равишда айбланиб, катағон қилинди. Ўзкомпартиянинг 1949 йил 25 июндаги бюро мажлисида бир гуруҳ ёзувчилар миллатчиликда, эски феодал маданияти олдида бош эгиш, ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Шайхзода каби ўзбек ёзувчилари бадном қилинди. 1951 йили августда бир гуруҳ атоқли ижодкор зиёлилар “миллатчилар” деб матбуотда ноҳақ танқид қилинди, “бузғунчиликда” айбланди. Кейинчалик ёзувчилардан Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Сайид Аҳмад ва бошқалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Хуршид, Чустий, Ғайратий ва бошқалар ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалди. Буни эшитган Ғ.Ғулом куйиниб “Токайгача ўзбекнинг ақли кирганда бошини чопиб ташлайдилар” деган эди.

1951 йил апрелида Ўзкомпартия бюро мажлиси “Муסיқа санъатининг аҳволи ва уни янада яхшилашнинг чоралари тўғрисидаги” масалани муҳокама қилди.

Мажлисида санъат ишлари бўйича бошқарма кўп йиллар давомида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра” каби афсонавий мазмунда опера, балет ва муסיқали драматик спектаклларни яратиб, зарарли ишларни амалга

оширяпти деб қайд этилди. Мажлис қарорида жанр репертуарлари ва радио эшиттириш программаларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Мазкур спектакллар сахнадан олиб ташланди. Қатағонликлар тўлқини бу билан тўхтаб қолмади. 1983 йилдан бошлаб собиқ КПСС Марказий қўмитаси раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошқора қатағонга йўл очилди. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши”, “Шарқий фронт” деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида минглаб бегуноҳ кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Москва юборган генераллар, прокурорлар, терговчилар истаган одамларни ҳибсга олишарди.

Машъум номлар билан аталган компаниявозлик даврида йўл қўйилган хатолар, порахўрлик қўшиб ёзиш, мансабни суистеъмол қилиш каби иллатлар очиб ташланди. Бироқ бу нуқсонлар собиқ Иттифоққа, мавжуд чириган тузумга қолаверса Марказга ҳам тегишли эди.

Марказий матбуотнинг баъзи бир муаллифлари Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг юзига қора чаплашга ҳаракат қила бошладилар. Бу ҳудудларда яшаган миллатлар ўз вақтида мавжуд жиноий гуруҳлар фаолиятига қарши курашганлар. Улар социалистик қонунчиликни бузилаётгани ҳақида Москвага арз қилишган, бироқ уларнинг ўзлари, яъни “сувни лойқалатувчилар” қувғинга учраганлар!

1983 йилнинг охирида республикада жуда оғир вазият вужудга келган эди. Биринчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ниқоби остида собиқ марказдан кетма-кет турли тергов гуруҳлари ташланди. Республикамиздаги раҳбарлик лавозимларига собиқ Иттифоқнинг ҳар хил жойларидан кадрлар кела бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиблигига Анишчев, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Огарок, Олий Кенгаш Президиуми раисининг ўринбосари этиб Романовскийлар тайинланди, Тошкент шахрининг тақдири Сатинга топширилди.

Республика прокурори этиб Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бошлиқлигига Лаптев, Ички ишлар вазирлигига Дидоренко тайинланди. Барча вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлиб, улар республикадаги ҳукмронликни тўла қўлга олган эдилар.

“Пахта иши” ва “Ўзбеклар иши” деб юзсизларча номланган терговлар бошланиб кетди. Гдлян гуруҳи ўзбекистонликларга

нисбатан қонунсиз, бешафқат ишларни бошлаб юборди. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқара бошлади.

1989 йилгача бу ишлар бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланди. Ўша пайтда республикадаги қамоқхоналарда жой қолмагани учун судланганларнинг мингдан ортиғи жазони ўташ учун Сибир қамоқхоналарига жўнатилди.

Гдлян гуруҳи Ўзбекистон худудида чекланмаган ваколатларга эга бўлди. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қамоққа олиш, жисмоний ва руҳий қийноққа солиш авж олди. Ҳибсга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари беҳад топталаётганлиги ҳақида Москвага минглаб хатлар жўнатилди. Афсуски, бу хатлар текширилмасдан, ҳатто жавоб ёзишга эп кўрилмади. Аксинча Гдлян ва унинг гумашталарига кетма-кет унвонлар берилди.

1989 йил 23 июн куни республика раҳбарлигига Ислом Каримов сайланди. Янги раҳбарнинг фаолияти Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, топталган ҳуқуқларини тиклаш каби олийжаноб ва хайрли ишдан бошланди.

“Пахта ишлари”ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия иш фаолиятига 40 минг томдан иборат ишни кўриб чиқиш топширилди. 1990 йилнинг июн ойига келиб, комиссия энг муҳим бир хулосага келди. 1990 йил 13 июн куни Москва шаҳрига СССР Бош прокурори, СССР Олий судининг раиси ва СССР Адлия вазири номига ёзилган хатда комиссия хулосалари батафсил кўрсатилди. Бу хатда “Пахта ишлари” чуқур таҳлил қилиниб, судланганларни оқлаш масаласи қўйилган эди. Бироқ юқоридаги ташкилотлар кўмак ўрнига тайзикни кучайтирдилар.

Республика раҳбарининг қатъиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Комиссия икки йилдан кўпроқ вақт орасида 40 минг томлик ишни кўриб чиқди. 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, бир қисми Президентимиз томонидан авф этилди.

Пахта комиссияси фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, пахта ишлари бўйича судланганларнинг кўпчилиги ҳаётлигида оқланди, юзлари ёруғ бўлди, топталган

ҳуқуқлари тикланди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мулки қайтарилиб, бошқа етказилган моддий зарарлар қопланди.

Ўзбекисистон Республикаси мустақилликка эришгач, хусусан, республика раҳбариятининг қатъиятли ҳаракати билан ноҳақлик барҳам топди. Минглаб бегуноҳ фуқороларнинг номлари оқланди.

КПСС МК Апрель (1985 й) пленуми совет жамиятини “қайта қуриш”, бу жамият ҳаётининг барча соҳаларини “чуқур ислоҳ қилиш” йўлини эълон қилди. Бунда аввало ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан техника ютуқларига таяниб жадаллаштиришга қарор қилинди.

Бироқ узоқ йиллар тоталитар режимга мослашган давлат монополияси, идоралари бюрократик аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади.

80-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатдаги иқтисодий тараққиётни чуқур таҳлил қилмасдан 90-йилларнинг охирига бориб, собиқ СССР да миллий даромадни 2-2.5 баробар ўстириш, аниқроғи аввало 70 йил ичида амалга оширилган ишларни кейинги 15 йил ичида бажариш вазифалари қўйилдики, булар мутлақо ҳақиқатдан узоқ эди. Бу ҳол табиий равишда 70-80 йиллар бошларида жамият олдидаги муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан эмас, балки қўшиб ёзиш, пора бериш, ошна-оғайнигарчилик билан осонгина ҳал қилишга олиб келди.

Давлат режалаштириш тизими мураккаб ижтимоий ва хўжалик вазифаларини маъмурий-буйруқбозлик йўли билан ҳал қилишга қодир бўлмай қолди. Натижада иқтисодий ўсиш ҳар йилига камайиб борди. Республика халқ хўжалигида умумий ижтимоий меҳнат унумдорлигини пасайиши ҳисобга мўлжалдагидан 4,3 фоиз ёки 850,4 миллион сўмга кам миллий даромад олинди. 1989 йилда Ўзбекистондаги ҳар бир кишига собиқ иттифоқдаги ўртача даражадан бир ярим баравардан кам капитал маблағ тўғри келди.

Шу даврга келиб республика қишлоқ хўжалигида кўплаб муаммолар тўпланиб қолди. Совет тузумининг навбатдаги ислоҳоти ҳам йўл қўйилган хатолар туфайли барбод бўлди.

Ушбу муаммолардан халқ эътиборини чалғитиш учун кўп йиллар давомида йиғилиб қолган миллий норозиликлардан

фойдаланилди. Коммунистик мафкура ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳатто айрим республикаларда миллатлараро низоларни уюштира бошлади. 1989 йилда Тошкент, Фарғона, Андижонда рўй берган миллатлараро можаролар, Кавказдаги қуролли тўқнашувлар, қувғин қилинган халқларни норозиликларидан разилона манфаат йўлида, республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда пайдо бўлаётган ҳурлик овозини бўғиш учун фойдаландилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортатсия қилинган бир қатор халқлар қаторида месхети турклари ҳам бўлиб, улар асосан аҳоли зич яшайдиган Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларига жойлаштирилган бўлиб, бунинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммоларни юзага келтирган эди. Бу муаммога совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида (Р. Нишонوف таърифича, “бир банка қулпуной учун”) бўлган безорилик миллатлараро (махаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмагани учун, ёшларнинг оммавий чиқишлари, миллатлараро тўқнашувлар содир бўлди.

Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларига “кўникмаган” мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намоёнчиларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намоёнчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди. Натижада, 50 дан зиёд намоёнчида қатнашган аҳоли ҳалок бўлди (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиғи эса ярадор қилинди. Умуман 3-12 июн кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган. 1009 киши ярадор бўлган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон қилинган.

Фарғона фожиаларига тааллуқли маълумотларнинг (лекин маълумотлар йўқ даражада) таҳлили шуни кўрсатадики, месхети турклари учун бу можаро мустабид тузум айби билан уруш даврида мажбуран ташлаб чиқилган она ватанларига қайтиб боришлари учун баҳона сифатида керак бўлган. Маҳаллий аҳоли

эса бу можарога табиий равишда қўшилиб кетган. Чунки жойларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига эътибор берилмаган, маҳаллий ёшлар ўртасида ишсизлик кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб борган, аҳоли уй-жойлар билан таъминланмаган, уй қуриш учун участкалар ажратилмаган, пахта яккаҳоқимлиги, экология, муаммолари ҳал қилинмаган, порахўрлик, кўзбўямачилик, қонунбузарлик авж олган.

Мудҳиш воқеалардан кейин берилган расмий баёнотларга кўра, республикада вужудга келган ижтимоий-иқтисодий кескинликдан оммавий тартибсизликларни, миллатлар ўртасида нифоқ ва тўқнашувларни келтириб чиқаришга уринган экстремистик кучлар турган. Бу атайлаб уюштирилган сиёсий ифвогарлик эди. Фарғонадаги мудҳиш воқеа Сумгайит, Боку, Тоғли Қорабоғ, Ўш-Ўзган ва бошқа минтақаларда худди шундай тарзда уюштирилган ифвогарлик билан бир қаторда турар эди. Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистоннинг И.Каримов бошлиқ сиёсий раҳбарияти бу масалада принципал мавқеини эгаллади. Республика зиёлилари ва сиёсий кучлари ана шу таҳликали кунларда сиёсий ва маънавий жиҳатдан юксак мавқеда турди. Фожеанинг асл сабабларини очиб ташлаш, ўз халқининг шон-шуҳрати ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш йўлидаги ўзларининг машаққатли уринишларида улар республиканинг энг кескин муаммоларини биринчи бор ошқора равишда муҳокамага қўя бошладилар.

Республикада кенг мунозарага сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Маълумки, шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида ўзбек тилининг мавқеи қўлланиш доираси жуда ҳам торайиб кетди. Ўзбек тили давлат идораларида ҳам, мажлислар, йиғилишларда ҳам деярли ишлатилмай қўйилди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб СССРнинг парчаланиши реал объектив ҳақиқатга айланиб қолди. Миллий онгни ўсиши, ўзбек тили масаласини кун тартибига қўйилди. Р. Нишонов бошчилигидаги республика раҳбарияти бу ҳаракат ўртага ташлаган муаммони ҳал қилишга эмас, аксинча бу ҳаракатни “жамиятга қарши” деб, уни барҳам топтиришга, қонунчилик, ошқоралик ва оммавий талабларга риоя қилиш оқимига буриб юборишга уринди.

Демократик тараққийпарвар кучлар қўйган масалани И.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият ўз вақтида англаб етди ва уни ҳал этишга киришди.

3. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти.

XX аср иккинчи ярми (40-80 йиллар охирлари)да мамлакатда кечган мураккаб ва зиддиятли давр тарихи юзасидан Р.Ҳ.Муртазаева, Д.Бобожонова, Б.В.Ҳасанов, Ю.А.Эргашева, А.Маврулов, Х.Э.Юнусова ва бошқалар эътиборга молик тадқиқот ишларни амалга оширганлар.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ҳам республиканинг хом ашё табиий ресурслари аёвсиз эксплуатация қилинган ҳолда, унинг ўзига хос иқтисодий манфаатдорлиги ҳеч қандай эътиборга олинмади. Урушдан кейин ҳам совет давлатида кўп укладлилиқ мажбурий равишда тугатилди, фақат давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари “социалистик корхона” сифатида тан олинди. Хусусий мулк эгалари йўқолганлиги боис, бутун мамлакатда инсонпарвар жамият эмас, аксинча маъмурий - буйрукбозлик тизими янада мустаҳкамланиб борди.

Бу даврда саноатни тинч ҳаётга мослаб қайта қуриш катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлди, у халқнинг ҳисобсиз моддий ва жисмоний ҳаражатларини талаб қилар эди. Ўзбекистон саноати эса халқ хўжалигининг алоҳида тармоқларини ривожлантиришга қаратилган ва пахтачилик манфаатларига боғланиб, республика иқтисодиётини кўтариш учун ҳаракатлар "пахта учун кураш"нинг таркибий қисмига айланди ҳамда Ўзбекистон Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди.

Пахтачиликнинг кетидан қувиш натижасида республикадаги кўпгина ҳаётий манфаатларга зиён етказилди. Хусусан, пахта майдонлари йилдан - йилга кенгайиб, бошқа экинликларни бирин - кетин суриб чиқада бошлади, илмий асосланган алмашлаб экиш бузилиб, сув манбааларининг имкониятлари тобора камайиб, қишлоқ хўжалигига халокатли таъсир кўрсатди. Бундай шароитда пахтачилик ва ирригация қурилиши учун машиналар, маълумотларга кўра, шу жумладан, культиваторлар, ўғитлагичлар, чигит экиш сеялкалари, кўрак териш машиналари, экскаваторлар, бульдозерлар ҳамда бошқаларни ишлаб

чиқарадиган машинасозлик заводларини қайта куриш ва янги заводларни яратиш юзасидан катта ишларни авж олдириб юбориш кўзда тутилди.

Урушдан кейинги йилларда саноатга ташланган маблағнинг 20 фоизи қишлоқ хўжалигига ташлансада, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чекланиб, тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳоли талабини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг беш йиллик режаларини тузиб чиқиш вақтида хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ижара принциплари, хўжалик фаолиятига ташаббус ва ижодкорлик жиҳатларини таъминлайдиган, ижобий натижалар берадиган бошқа шакллари ҳаракатга келтирилмаган ва ҳисобга олинмаган эди. Аслида пахтанинг кетидан қувиб, дунёдаги давлатларга "социалистик жамият" қураётган мамлакатда мавжуд қишлоқларнинг атиги 20 фоизи электрлаштирилган, ГРЭСларга уланиш давлат мулкини талон-тарож қилиш деб ҳисобланганлиги сабабли колхозларга электр симлари ўтмаган эди.

Мустабид тузум ва унинг зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг қаттиқ марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Совет давлатининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл-йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Урушдан кейинги беш йилликлар ана шундай тарзда режалаштирилган бўлиб, уларга маҳаллий шароитда республика раҳбарияти томонидан баъзи аниқликлар қиритиш ҳам марказнинг руҳсати билан қилинар эди. Халқ хўжалигида амал қилиб келинган усул экстенсив тараққиёт маҳсули бўлиб, у ўзида иқтисодий заруратни эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий бошқаришни ва режали ривожланишни акс эттирар эди. Қатъий режа асосида режалаштирилган иқтисодиёт ишлаб чиқариш монополизмини шакллантирар эди. Иқтисодчи олим Н.Тўхлиевнинг таърифига кўра "монополизм истеъмолчидан танлаш ҳуқуқини тортиб оладиган, шу тариқа бозорда якка ҳукмронликни қўлга киритадиган даҳшатли ялмоғиздир".

Қабул қилинаётган қарорлар, ажратилаётган маблағлардан кейин ҳам ўзини ўнгламаган мамлакат қишлоқларидаги аҳвол,

колхозчиларда моддий манфаатдорликнинг йўқлиги, шахсий манфаатлар билан жамоат манфаатлари келишмаслиги борган сари кучайиб борди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларга белгиланган нархларни қўйиш, марказдан режалаштиришга барҳам бериб, пастдан режани белгилаш, солиқ сиёсатини тартибга солиш, колхозчилар моддий манфаатдорлигини кўтариш мақсадида колхозчиларни нафақа беришни ташкиллаштириш учун паспорт тизимини йўлга қўйиш муҳим вазифалар қилиб белгиланди. Бу вақтда мамлакатда дон танқислиги ҳал этилганлиги ҳақида эълон қилинади. Бундай баландпарвоз маърузалардан сўнг бутун мамлакатда жўхори экишни кўпайтириш масаласи кўндаланг қўйилади ва 1960 йилларнинг бошига келиб мамлакатда ўзлаштирилган ерларнинг 4/1 қисмига жўхори экилади. Бу умумий ерларнинг 80 фоизини ташкил этар эди.

Бироқ, 1962 йилга келиб бутун мамлакатда дон танқислиги сезила бошланди. Умуман олганда совет давлатида 1955-1964 йиллар давомида ғалла етиштириш уч маротаба 1956, 1958, 1964 йилларда бажарилди холос. 1961 йилдаги ғалла танқислиги туфайли режа ҳориждан ғалла сотиб олиш ҳисобига бажарилди. Шунингдек, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кучайиб, очарчилик хавф солмасада, лекин озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик доимо сезилиб турди. Нон маҳсулотларини ҳарид қилиш учун навбатга туриш ҳолатлари юзага келди. Мана шундай ҳолатлар натижасида 1979 йилнинг январ ойида "Правда" газетасига халқдан 16 та хат ҳам келиб тушган.

Режанинг бажарилишини қатъий талаби маҳсулот сифатини оширишга имкон бермас, маҳсулот ишлаб чиқарилиши арафасида сифатга эътибор берган тақдирда ҳам буни тўғирлаш учун кўп вақт сарф бўлар эди. Озиқ-овқат саноатида ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати жуда паст эди. Масалан, 1980- йилларда СССР қишлоқ хўжалигига бюджетдан 20 фоиз маблағ, АҚШ қишлоқ хўжалигида 7-8 фоиз сарфланган бўлса ҳам, 1983 йилда СССРда 16 млн. тонна гўшт етиштирилди, янги технологиялар билан таъминланган АҚШда эса 27,8 млн тонна гўшт етиштирилди. Лекин сифат жиҳатидан маҳсулотлар текширилганда ҳам режали иқтисодиёт сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир эмаслиги маълум бўлар эди. Бундай

хўжасизлик оқибатида 1980-йилларга келиб қишлоқ хўжалигида етиштирилган жами маҳсулотлар 509 млн. рублга камайди.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун эса ҳукумат амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим эди. Шу боис колхоз ерларни кўпайтириш, қорамол сонини ошириш масалалари кўндаланг кўйилди. Манбалардан маълум бўлишича, бутун мамлакатда 1958-1964 йиллар мобайнида колхозларда томорқа ерлари 12 фоизга (29 сотих), совхозларда 28 фоизга (18 сотих)га камайди, шахсий хўжаликларда гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш 20 фоизга тушиб кетди. Шундай бўлсада, халқ хизматлари эвазига 1953 йил КП МК, сентябрь пленумидан сўнг мамлакатда дон етиштириш 20 фоизга, картошка 48 фоизга, лавлаги 75 фоизга, сабзавотлар 79 фоизга ўсди, қорамол етиштириш 48 фоизга кўпайди. Тухум 65 фоизга, хайвон ёғи 68 фоизга, сут ва сут маҳсулотлари 90 фоизга ўсди.

Ўзлаштирилган ерларда барпо этилган хўжаликларда эса маҳсулот етиштиришнинг моддий базаси мустаҳкамланиб, керакли мажмуалар қуришилишини амалга оширилгани билан, бошқарув тизимининг қатъий марказлаштирилганлиги хўжаликлар фаолияти самарадорлигини пасайтириб юборган эди. 1958 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳосилдорликни янада ошириш мақсадида давлат тракторларни колхозларга ажратилган пул ҳисобидан сотишни бошлади. Партия ташкилотларининг сиқуви остида саноат корхоналарига давлат белгилаган нархда ҳом ашё сотган колхоз ва совхозларга бошқа республикалардан анча қиммат нархда сифатсиз, охиригача тугалланмаган техника, қишлоқ хўжалик машина ва асбоб ускуналари зўрлаб берилар, уларга кўшиб эса умуман керак бўлмаган машиналар эҳтиёт қисмлари ҳам мажбуран сотиларди. Бундай техник эҳтиёт қисмлари ишлатилмасдан колхоз ва совхоз омборларида сақланиб, маълум вақт ўтгач, металл чиқиндиси ҳисобида давлатга топширилар эди. Бироқ, колхозлар бу қарзни 5-10 йилда тўлаганда ҳам колхозларда иш ҳақи 7 мартага камайиб кетар эди.

Ҳукуматнинг 1958 йил 18 апрелдаги қарорига кўра эса, колхозлардан қарзни қисқа муддатда ундириш белгиланди. Натижада колхозларнинг давлатдан қирзи 25 фоизга ошиб кетди. Ундан ташқари 1965-1985 йиллар мобайнида хўжаликларнинг давлатдан сотиб олаётган техника ва минерал ўғитларининг нархи беш марта ошди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг

нархи эса фақатгина икки мартаба ўсган. Оқибатда хўжаликларнинг молиявий аҳволи оғирлашиб, сарфланган маблағлар ўз-ўзини оқлай олмади. Бундай ҳолатлар «қарздор» бўлган хўжаликлар сонини ҳам ошириб юборар, кейинчалик бу қарзлардан гўёки, деҳқонларга «ғамхўрлик» сифатида кечиб юборилар, ёки ўзини оқлай олмаган 3-4 колхозлар бирлаштирилиб тараққиётнинг "янги йўли" сифатида совхозларга айлантирилиб юбориларди. Бир қатор муҳим сарф – ҳаражатлардан «озод қилинган» бу хўжаликлар ҳаражатлари давлат бюджети ҳисобидан қоплансада, бу ҳол пахта маҳсулоти таннархида акс этмаган эди.

1959 йилга келиб КПСС МК, Бош секретари Н.Хрушев партиянинг XXI съездида "СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 -1965 йилларга мўлжалланган назорат рақамлари ҳақида" номли маърузасини қилди. Унда мамлакатда "коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш ва шу асосда СССР аҳолисининг турмушини дунёда энг юксак даражага кўтаришни таъминлаш" дастури ишлаб чиқилди ва бу дастурнинг бажарилиши 7 йилга мўжалланди. Маърузада таъкидланишича СССР 1965 йилдан тахминан 5 йил кейин АҚШдаги ишлаб чиқариш даражасига етиб олиши ва бу даражадан ўзиб кетиши лозим эди. Маълумотларга кўра, ушбу 7 йиллик режада СССРнинг асосий вазифалари мамлакатда енгил саноат соҳасида: кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қарийиб 3 бараварга ошириш, сунъий тола ишлаб чиқаришни 3,8-4 баравар ошириш, пластмасса ва бошқа синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 6,7 баравар ошириш белгиланди. Бу режаларда Ўзбекистоннинг ҳам иштироки бўлиб, кимё соҳасида республикада ялпи маҳсулот 1965 йилда 1958 йилдагидан тўрт баравар кўпайтириши режалаштирилган эди. Ҳудди шундай вазифалар енгил саноатда ҳам белгиланиб, 1958 йилдагига нисбатан 1965 йилда 65 фоиз кўп бўлиши лозим эди.

Айни пайтда бу режалаштирилган йўл-йўриқлар одатдагидек жадаллаштириш ва "қисташ" сиёсатига асосланган бўлиб, Ўзбекистон учун саноатни ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларида белгиланарди. Одатда, режа йўналишларини ҳаракатга келтирувчи механизм давлат томонидан ажратилган ёпирилма капитал (70 фоизгача) бўлиб, улар асосан оғир индустрия тармоқларига мўлжалланарди.

Бу нарса оғир саноатда янги техникани, ишчи кучларини, малакали мутахассисларни жамлаш имконини берарди.

Бироқ, саноат қувватларини ошириш эса экстенсив усуллар билан, яъни, асосан янги саноат объектларини қуриш, шунингдек, ишлаб турган саноат объектларини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига амалга ошириларди. Айти пайтда, партия хўжжатларидаги "социализмни ҳар томонлама режали ривожлантиринг ғояси, "бунёдкорлик дастури" бўлиб ҳизмат қилувчи партия дастурлари социализм қурилишининг назарий томондан асосланиши ҳам ягона ҳусусиятга-марказлашган давлат раҳбарлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, партия съездларида белгиланган баландпарвоз режаларда, "режа бажарилди" деган ҳисоботларда сунъий рақамлар берилсада, аслида бу мамлакатдаги реал ҳаёт билан тўғри келмас эди. Масалан, 1959 йилнинг биринчи ярмида Андижонда ишлаб чиқариш режаси 105,5 фоиз бажарилган, шаҳар саноат корхоналари эса режани 106,6 фоиз бажарган, бироқ вилоятда тўла автоматлаштирилган бирорта корхона бўлмаган, оғир меҳнат қиладиган жараёнларни механизациялаш масаласи жуда секин ҳал қилинган. Биргина Андижон строймаш заводида 16 нафар кишидан иборат ихтирочилар бюроси бўлган бўлса, унда бирорта ҳам янги машина яратилмаган, айти пайтда биргина шу вилоятнинг ўзида оҳирги икки йил мобайнида ишлаб чиқариш бўйича киритилган таклифларнинг ўзи давлатнинг 42 млн. сўм маблағини тежаб қолишга имкон берган эди.

1950-1960 йилларда хўжаликни бошқаришнинг яна янги услуби ишга солина бошланди. Ишлаб чиқаришни марказий бошқарувдан четлатиш мақсадида халқ хўжалиги советлари тузила бошланди ва улар иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига бўйсундирила бошланди. Мана шундай советлар РСФСРда 70 та, Украинада 11 та, Козоғистонда 9 та, Ўзбекистонда 4 та, қолган республикаларда биттадан халқ хўжалиги советлари очилди. Бир вақтда 141 та иттифоққа, республикага қарайдиган баъзи вазирликлар қискартирилди. Бу советлар минтақаларда қишлоқ хўжалигини изга солиб олишга имкон берсада, лекин кейинроқ маҳсулотларни тақсимлашда, давлат белгилаб берган режани бажаришда, тажриба алмашишда муаммолар сезилиб қола бошлади.

Умуман олганда, 1960-йилларга келиб инқирозий ҳолатлар кучайиб, совет иқтисодиётини ислоҳ қилишга эҳтиёж сезила борди. Ислоҳотлар ўтказишга асосий сабаб биринчидан, саноатнинг илмий-техник ривожланиши жиҳатидан орқада қолиши, иккинчидан, корхоналар, колаверса бутун тармоқларда иқтисодий оқсашнинг юқорилиги сабаб бўлган ва бу муаммолар мана шу иқтисодий ислоҳотларда ҳал этилиши керак эди. Иқтисодий ислоҳот ўтказиш билан машғул бўлган совет иқтисодчилари эса бу ислоҳотлар товар - пул муомаласига эркин бозор иқтисодига хизмат қилиш ўрнига социализм йўлида хизмат қилиши керак эди, бу ўз навбатида "социалистик хўжалик тузумидан янада унумлироқ фойдаланиш" деб таърифланди.

1970-йилларда СССРда турғунлик даврининг бошланиши, яъни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш суръатининг пасайиши ҳақида била туриб сукут сақланди ва бу даврдаги кўрсаткичлар иложи борича кўзбўямачилик ва кўшиб ёзиш орқали бўрттирилди. Ўз-ўзини мақташ билан эшилган натижалар ҳақида ёлғон рапортлар бериш, қабул қилинган қарорлар устидан тегишли назоратнинг йўқлиги халқ хўжалигида хўжасизлик ҳамда сарф-ҳаражати кўп иқтисодиётни шакллантирди.

Шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида порахўрлик, тамагирлик, чайқовчилик, ўғрилик каби иллатлар ҳукм сурди. Бажарилиши лозим бўлган масалалар аввал партия ташкилотларида кўрилиб, сўнгра ижрочи ташкилотларга топширилган, натижада мамлакат хўжалиги функцияси бутунлай коммунистик партиянинг қўлида қолган эди. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги "социалистик мусобақа" деб аталган йўл ҳам ташқи томондан муваффақиятли кўринсада, бироқ режалаштирилган йўналишлар аслида "жадаллаштириш ва мажбурлаш" сиёсатига асосланган эди.

Юқоридан пастга қараб режали раҳбарлик қилиш, ривожланишда сарф-ҳаражатдан иборат бўлган ёндошув, республикаларда ишлаб чиқаришнинг бир соҳага ихтисослашиб, иқтисодий мажбурият даражасига кўтарилиши халқ хўжалигининг барча тармоқларига, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга, ижтимоий-маданий жабҳаларга таъсир этиб, иқтисодий ўсишнинг умумий динамикасини издан чиқариб юборганди.

1981 йилда Ўзбекистон енгил саноат вазирлигига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нархи 22 млн. рублга ортсада, бу маҳсулотлар савдо ташкилотларига келиб тушгач, сифати жиҳатидан паст бўлганлиги сабабли кўп ҳолларда нархи арзонлаштирилган ҳолда сотиларди. Ўша йили савдо вазирлигига қарашли ташкилотларнинг 2,9 фоизида давлат белгилаган нархлар пасайтирилди. Шу боис республикада халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган минтақаларнинг имтиёзи устун келар, энг зарур кундалик эҳтиёж молларини ҳам четдан олиб келтириш мазкур даврнинг хусусиятларидан бирига айланган эди.

Четдан келтириладиган истеъмол маҳсулотлари республика эҳтиёжларининг 50 фоизига тенг эди. 1983 йилда ана шундай маҳсулотлар ичида олий навли маҳсулотлар фақат 9,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич мамлакатда 15,7 фоизни ташкил этар эди. 1988 йилга келиб эса Ўзбекистонга Удмуртия ва Татаристондан 300 мингта болта, Горькийдан 10 мингта паншаха, Свердловскдан ўроқ, чалғи, кўй юнгини қирқадиган қайчи олиб келинди. Почта кутилари Бошқирдистондан, сабзаот солинадиган саватлар узок Хабаровскдан, пластмасса воронкалар шимолдан - Архангельскдан келтирилди.

Бундай ҳолатларда аҳоли моддий, маънавий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмас эди. Агар республикада 1988 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари обороти 768 рублни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич мамлакат бўйича 1282 рублни, Туркманистонда 860 рублни. Қирғизистонда 879 рублни, Арманистонда 1035 рублни, Козоғистонда 1071 рублни, Грузияда 1163 рублни, Молдовада 1172 рублни, Украинада 1213 рублни, Белоруссияда 1414 рублни, Литвада 1609 рублни, Латвияда 1851 рублни, Эстония да эса энг юқори 1965 рублни ташкил этарди.

Белгиланган ишларни дарҳол бажариш, белгиланган вақтда топшириш амалда тўлиқ бажарилмас эди, қўшимча қоғозбозлик кучайиб, берилган топшириқлар ўз вақтида корхоналарга етиб келмас эди. Масалан, 1959 йилда Фарғона водийси енгил саноат корхоналарига келган ҳужжатлар 8.585 тани ташкил этса, бошқармадан чиқаётган ҳужжатлар сони ҳам шунчани ташкил этар эди. Бу ҳужжатлар ҳам ўз вақтида белгиланган ерга етиб бормас ёки рўйхатхонада ойлаб қолиб кетар эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши қоғозбозликни

йўқотиш, қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан ходимларнинг масъулиятини ошириш, буйруқларни бажарилишини текширувчи доимий комиссиялар тузиш ҳақида фармон чиқарди. Унга кўра М.М.Мўминов, Е.С.Трофимук, П.Цойлардан иборат комиссия ташкил этилиб, халқ хўжалиги советларида, хусусан, Фарғона вилояти халқ хўжалигига қарашли енгил саноат бошқармаси ва озик-овқат саноати бошқармаси ҳам текшириладиган бўлди. Текширув давомида юқорида таъкидланган кўплаб хатолар учраган, ҳатто телефонда ёки учрашув асосида тезда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳам ўз вақтида бажарилмасдан қолиб кетаверганлиги аниқланган.

4. Ўзбекистонда демографик жараёнлар. Сохта "урбанизациялаштириш".

Совет давридаги урбанизация жараёнини таҳлил қилиш бу масаланинг мураккаблигини ва кўп қиррали эканлигини кўрсатади. Иккинчи жаҳон уруши туганидан сўнг Ўзбекистон саноатининг ривожланиш даражаси эвакуация қилинган ва шу ерда қолдирилган корхоналар ҳисобига анча ошди. 1945-1950 йилларда Оҳангарон кўмир хавзаси, Фарҳон ГЭСи, Оҳангарон металлургия комбинати ишга туширилди, кўпгина корхоналар кенгайтирилди ва реконструкция қилинди. Кейинги йилларда ишга туширилган корхоналар орасида Олтинтопган мис комбинати, Оҳангарон цемент, Попдаги резина буюмлари заводи, Чирчиқдаги кийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлургия комбинати, Фарғона ва Навоий азот ўғитлари заводларининг биринчи навбати, Оҳангарон ГРЭСи, табиий газ билан ишлайдиган Тошкент ва Навоий ГРЭСлари қурилиши авж олдирилди. Чирчиқ электрокимё комбинати, Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводлари ишга туширилди.

Бундай корхоналарнинг барпо этилиши натижасида, саноатнинг янги ва мавжуд тармоқларида ишлаш учун совет республикаларидан кўплаб ишчи, техник ва мутахассислар кўчириб келтирилди. Биргина 1959-1962 йиллар мобайнидаги миграция натижасида Ўзбекистон аҳолиси меҳнатга қобилиятли эркак ва аёллар ҳисобига 133226 кишига кўпайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида республикада меҳнат ресурсларининг кўпайишига, турли миллат ва элат вакиллари сонининг ўсишига сабаб бўлган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган шаҳарлар ўзига хослиги билан ажралиб турар эди. Совет ҳокимиятининг иқтисодиёти умумиттифоқ манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистонни ҳам ашё етказиб берувчи ҳудудга айлантирди. Натижада катта ҳудудларда кўрик ва буз ерлар ўзлаштирилиб, пахта майдонларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик асосий тамоққа айлантирилиб барча ҳудудларда пахтани дастлабки қайта ишловчи саноат корхоналари ишга туширилди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон иқтисодий ҳудудларга ажратилган ва булар жумласига: Тошкент иқтисодий ҳудуди (Тошкент, Сирдарё), Фарғона иқтисодий ҳудуди (Фарғона, Андижон, Наманган), Жанубий-ғарбий иқтисодий ҳудуд (Бухоро, Самарканд, Қашқадарё, Сурхондарё), Қуйи Амударё иқтисодий ҳудудига (Хоразм, Қорақалпоғистон) киради.

Ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити, жойлашиши, табиий бойликлари, аҳолисининг миллий ва жинсий таркиби ҳисобига олинган ҳолда янги шаҳарлар қурилди. Совет ҳокимиятининг шаҳарлар қуришдаги асосий хусусияти аҳолиси 100 минг кишидан иборат бўлган кичик ва ўрта шаҳарларга эътибор қаратилганидир.

1970 йилга келиб шаҳарларнинг 90 фоизини кичик ва ўрта шаҳарлар ташкил этган. XX аср 50-йилларида Мирзачул ўзлаштирилиб Янгиер шаҳрига, Қизилқум чўлида эса Навоий шаҳрига асос солинди. 1959 йилларда вужудга келган шаҳарлар асосан халқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий ва тармоқ соҳалардаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бунёд этилди. Республикада шу йилларда вужудга келган шаҳарлар сони 10 тага кўпайди.

Мирзачўл ҳудудида маъмурий марказ Гулистон шаҳри 1959 йилда вужудга келди. 1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил этилиши билан қайта ташкил топган Гулистонда саноат корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шаҳарда пахта тозалаш, ёғ-экстракция, сут заводлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрловчи завод ва фабрикалар ишга туширилди, Шунингдек, Сирдарё вилоятида Ширин ва Бахт шаҳарларига асос солинди.

Умуман, Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги йилларда бунёд этилган шаҳарлар совет ҳокимияти

саноатлаштириш сиёсатининг узвий давоми бўлди. 1939-1959 йиллар аҳолини рўйхатга олиш оралиғида 54 та шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келганлиги аниқланган, Бу даврда шаҳар типидagi шаҳарчалар сони 1939 йилгача бўлган даврда 110 тани, 1959 йилгача бўлган даврда эса уч баравар кўпроқни ташкил қилди. 1959-1969 йиллар оралиғида таркиб топган шаҳарлар саноатлаштириш жараёнида вужудга келган. Ўзбекистонда 1970 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш якунига асосан катта шаҳарларнинг ўсганлиги кўринади. Уларнинг умумий сони 5тадан 8тага кўтарилди. Тошкентдан ташқари (1385 минг) Самарқандда (267 минг), Андижон (188 минг), Қўқон (133 минг), Бухоро (112 минг), Фарғона (110 минг), Чирчиқ (107 минг) кўп аҳолига эга шаҳарлар вужудга келди. Ўзбекистонда шаҳарлар сони 70 йилларда 1,5 бараварга кўтарилди, 50 та янги шаҳарлар вужудга келди.

Мазкур шаҳарлар ташкил этилиб Ўзбекистонда шаҳарлашиш жараёнини кучайтирган бўлса-да, лекин улардаги ишлаб чиқариш марказ манфаатларига бўйсундирилган эди. Республиканинг аграр минтақа бўлганлиги ҳам бу шаҳарлар атрофида янги ерларнинг ўзлаштирилишига замин ҳозирлар ва бу ерда асосан пахтачиликни устаси булаган туб жой вакиллари жойлашган эдилар.

Маълумки, Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар орасида демографик жараёнлар тез суръатлар билан ўсиб бораётган республикалар қаторига кирар, бу аҳвол миллий сиёсатга ҳам жиддий таъсир этар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлагандек, "Россия империяси, сўнгра эса совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада ҳилма-ҳил бўлишига олиб келди". 1989 йилда ўтказилган бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистон ССРда 120 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилган. Республика аҳолиси 1979 йилда СССР аҳолисининг 5,9 фоизини, 1989 йилда эса 6,9 фоизини ташкил этган. Шу йиллар ичида РСФСР, Украина, Белоруссия аҳолиси ўрта ҳисобда бир фоиздан камайган. Республика аҳолиси ичида нисбатан кўпчиликни ташкил этувчи миллатларнинг салмоғи эса қуйидагича бўлган:

Ўзбекистон ССРнинг миллий таркиби. 1979-1989 йй.

Миллатлар	1979		1989		1989 йилда 1979 йилга нисбатан % ўзгариши
	сони	%	сони	%	
Ўзбеклар	10569007	68,7	14142475	71,4	133,8
Руслар	1665658	10,0	1653478	8,3	99,2
Қорақалпоқлар	297788	1,9	411878	2,1	136,3
Тожиқлар	594627	3,9	933560	4,7	157,0
Қозоқлар	620136	4,0	808227	4,1	130,3
Украинлар	113826	0,7	153197	0,8	134,6
Туркманлар	92285	0,6	121576	0,6	131,7
Қирғизлар	142182	0,9	174907	0,9	123,0
крим татарлари	117569	0,8	188772	1,0	160,5
Корейслар	163062	1,1	183140	0,9	112,3
Турклар	46726	0,3	106302	0,5	210,0
Уйғурлар	24104	0,2	35762	0,2	122,3
озарбайжонлар	59779	0,4	44410	0,2	74,3
Арманлар	42374	0,3	50537	0,3	119,3
Яҳудийлар	73920	0,6	65493	0,3	88,6

Алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли сонининг ўсишига ўзбек хонадонларидаги урф-одат, анъаналар, халқимизнинг болажонлик ва кўп фарзандлилик хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатган. Шунингдек, турмуш тарзлари анча уйғунлашиб кетган байналмилал оилалар сони ҳам нисбатан кўпайган. Маҳаллий миллат йигитларининг Россия, Украина, Белорус, Татаристон ва бошқа ўлкаларга бориб ҳарбий ҳизматдан оилали бўлиб келишлари ҳам бу жараёнга таъсир этган эди. 1989 йил аҳоли рўйхати маълумотларида кўрсатилишича, турли миллат вакилларига мансуб оилалар сони 1979 йилдаги 233,7 мингдан 435,1 мингга етган ёки 186,2 фоизгача кўпайган ва уларнинг салмоғи республикадаги жами оилалар миқдорида 10,9 фоиздан 12,7 фоизга етди.

Аралаш никоҳли оилалар, айниқса, шаҳарларда кўпроқ бўлган. Тадқиқотчи, М.Бўриеванинг маълумотларидан маълум

бўлишича, бундай оилалар салмоғи Ўзбекистонда шаҳар оилаларининг 20,1 фоизини ташкил этса, қишлоқ оилаларида бу кўрсаткич 6,5 фоизни ташкил этган. Гарчи, буларнинг барчаси аҳолининг миллий таркиби ўзгаришига ва асосан маҳаллий миллат вакилларининг қишлоқларда жойлашиб қолишига сабаб бўлсада, бироқ демографик вазиятни фақат бу билан изоҳлаб бўлмайди.

5. Ўзбекистонда экологик ҳолатининг оғирлашиши. Орол фожаси.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари ҳақиқатда пахта ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлди. Республикада мамлакатда ва бир қатор хорижий давлатлардаги пахта етиштирадиган минтақалар эҳтиёжини қондирадиган даражада қудратли пахтачилик машинасозлиги барпо этилди. Ўзбекистон жаҳондаги энг йирик пахта етиштирувчи ҳудудга айланди. Лекин, буларнинг барчаси бутун мамлакат манфаатлари, иттифоқнинг иқтисодий ва сиёсий қудрати ривож учунгина эди. Пахта экин майдонларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши, ҳар қандай йўл билан ҳосилдорликни оширишга ружу қўйиш, бошқарувни маъмурий-буйруқбозлик тарзида кўр-кўрона ташкил этилиши ҳамда, иқтисодиётнинг экстенсив тарздаги инқирозий ҳолатларининг чуқур қўлами республиканинг чекка хомашё захира ўлкаси сифатидаги ўрнини аниқ белгилаб берганди.

Экин экиладиган ерлар асосан бўз ерлардан, оддий тупроқ, баъзи жойларда эса туз аралашган ерлардан иборат эди. Шу боис Ўзбекистонда ер кўпроқ ўғитланар эди. Қадимдан маҳаллий аҳоли ерларни дарёлардаги сувлар билан суғорганида, лойқа сув билан унинг таркибида ўсимликлар учун фойдали турли моддалар ҳам оқиб келган. Булар ернинг қувватига қувват қўшган, тупроқ қатлами ҳам лойқа ҳисобига ўсиб борган. Каналлар қурилиши билан улар орқали суғорилган ерларга сув омборларида обдон тинган муздек сувлар келиши ҳам ернинг таркибини ўзгартириб юборганди.

Вақт ўтиши билан майдонлар ориқлаб, ернинг ҳосилдорлиги имкониятлари камайиб, ер эрозияси кучайди. Охир-оқибатда кўпроқ минерал ўғит солинмаса ердан ҳосил олиш мумкин бўлмайдиган даражага келиб, тупроқдаги йўқолган моддаларни ўрнини минерал ўғитлар билан қоплаш зарурияти кучайди. 1984 йилга келиб республикада 600 минг га ер тезда мелиоратив ишлар олиб борилишини талаб қиладиган ҳолатга тушиб қолди. Ўзбекистонда ҳар гектар ерга ишлатилаётган минерал ўғитларнинг миқдори ўрта ҳисобда 600 кг ни ташкил этди, бу эса жаҳонда қабул қилинган нормадан 20-30 марта юқори даражада бўлди. Холбуки, бу ўғитларнинг деярли 60 фоизи аксарият

ўзлаштирилмай, тупроқ саҳнида қолиб кетди ва ер таркибини бузиб юборди.

Асосан серҳосил бўлган Фарғона ва Зарафшон водийларида шўр ювиш зарурати келиб чиқди. Шўрхок ерлар республиканинг Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида, ҳамда Қорақалпоғистоннинг катта қисмини ташкил этди. 1985 йилга келиб республикада шўрланган ерлар суғориладиган майдонларнинг жами 25 фоизини ташкил этди. Ўша йилнинг ўзидагина ҳаддан ташқари шўрланиб кетгани боис беш минг гектардан кўпроқ ер қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариб ташланди.

Мазкур ҳолат ўсимликларнинг табиий йўл билан ўзини ҳимоя қилиш иммунитетини камайтириб, далаларда турли ҳашоратлар кўпайишига сабаб бўлди. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтазорларни заҳарли кимёвий моддалар билан дорилашда авиациядан кенг фойдаланиш усулини қўллаш кучайди. Биргина 1980 йилнинг ўзида пахтазорларни дорилаш учун 6,03 минг тонна заҳарли моддалар ишлатилди. Пахта экиладиган майдонлар турли кимёвий моддалар билан шунчалик заҳарландики, бу ҳолат, энг аввало, аҳоли соғлигига салбий таъсир кўрсатди. Ҳар гектар ерга солинадиган пестицидлар миқдори ҳам ҳавфли даражадан ошиб, тупроқ таркибидаги гумус миқдори камайиб кетди. Ғўзага ишлов бериш учун солинган бу моддаларнинг 45-50 фоизи фойдали таъсирга эга бўлган ҳолда, қолган 50-55 фоизи тупроқдан ювилиб ҳавога учиб, инсонларга, атроф-муҳитга салбий таъсир этди. Хўжаликлар эса режалаштирилган ҳосил ҳам олмади. Тупроқ таркиби эса зарарли тузлар, айниқса оғир металл бирикмалар - фтор, хром, марганец, кобальт, никель, мис, рух, кадмий, симоб, кўрғошин, сурма ва бошқалар билан ифлосланиб кетди. Тупроқнинг бу йўл билан заҳарланишининг манбалари металлургия саноати чиқиндилар, баъзи бир техноген маҳсулотлар, чиқинди газлар қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган пестецид, гербецид ва бошқалар бўлди.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида ҳосилдорлик камайиб борди. Масалан, 1980 йилнинг ўзида пахтанинг ҳар бир гектар еридан олиннадиган ҳосил 1975 йилги даражага тушиб қолди, йиллик режага нисбатан шу йили 350 400 минг тонна кам хомашё олинди. Агар республикада ҳар гектар суғориладиган ердан

олинган даромад 1980 йилда 1.337 рублни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, 1982 йилга келиб 1.241 рублга тушиб қолди. Фақат Қашқадарё вилоятининг ўзида 1984 йилда янги ерларга 685 миллион рубль маблағ сарфланган бўлса, ҳар бир гектар ердан 15 центнер ҳосил олинди, давлат белгилаган пахта тайёрлаш режаси фақат 55 фоизга бажарилди. Олинган ҳосил эса 1980 йилдагига нисбатан 37 минг тоннага кам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пахта яккаҳокимлигининг кучайиши озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак етиштириладиган ерларга, чорвачиликка ҳам таъсир этди. 1980-1985 йилларга оид бўлган маълумотларда кўрсатилишича шу давр ичида Ўзбекистонда 64,3 минг бош йирик қорамоллар (республикадаги қорамолларнинг 20 фоизи), 872,1 минг бош қуй - эчки (барча майда молларнинг 3,7 фоизи), 215,1 минг бош чўчка (мавжуд чўққаларнинг 11,5 фоизи) заҳарланиш, касалланиш натижасида нобуд бўлган. Булардан келган зарар эса беш йил ичида 85,6 миллион рублни ташкил этди. Айти пайтда шу йилларда бундай йўқотишларнинг сабаби ветеринария ишларининг ёмон йўлга қўйилганлиги деб кўрсатилди.

Натижада, аҳоли турмуш тарзининг пасайиб, генофонд бузила бошлади, болалар ўлими ва турли касалликлар таркалиши авж олди, экологик вазият оғирлашиб, (*табiiий жабҳалар - сув, ҳаво, тунроқнинг заҳарланиши.*), ишсизлик, қамбағаллашиш ва бошқа ижтимоий салбий иллатларни юзага келиши айнан бир томонлама - пахта якка ҳокимлигига асосланган иқтисодий сиёсатнинг Ўзбекистондаги фожеали яқунлари эди.

Республика агросаноат комплексини кенгайтириш партиянинг озиқ-овқат дастури билан боғлиқ ҳолда амалга оширилса-да, бундай катта тармоқни бошқариш ва ҳамма усулларни ишга солиш қийин эди. Иш асосан экстенсив усулда олиб борилар, режани бажаришга интилиб, бу комплекс хўжаликларда ҳар гектар ерга қилинаётган харажатларни 22 фоизга ошириб, 1980-1985 йиллар давомида агросаноат комплексига қарашли бўғинларда меҳнат унумдорлигини 11 фоизга, ҳосилдорликни 6 фоизга камайтириб юбор-ганди. Ҳар 100 рубль сарфланган капитал маблағлардан тушган маблағ 1980 йилда 75 рубль бўлган бўлса, 1985 йилга келиб бу кўрсаткич 54 рублга тушди. 1980-1985 йиллар давомида агросаноат комплексига қарашли 245,9 минг гектар янги ерлар

ўзлаштирилиб, бу комплексга қарашли корхоналарда сабзавот етиштириш 2,8 фоиз, узум - 2,8 фоиз, тухум - 7 фоизни ташкил этди, иш ҳақи фақат 1,8 фоизга кўпайди.

Умуман, шу йилларда агросаноат комплексига қарашли корхоналар берилган режаларни бажармасликдан кўрган зарарининг 624 миллион рубль Қашқадарё вилоятига, 153 миллион рубль Бухоро вилоятига, 81 миллион рубль Жиззах вилоятига тўғри келди. Бу комплексда сабзавот, картошка, меваларни ташиш ва сақлаш ҳамда уни қайта ишлаш ҳам қийин масалалардан бири бўлган. Республикада сабзавот ва мевалар сақланадиган омборхоналар билан хўжаликларнинг атиги 50 фоизи таъминланган эди. Омборларда санитария-гигиена ишлари орқада қорган, меваларни яхши сақлашнинг тўлиқ, имкони ҳам йўқ эди. Бундай аҳволда етиштирилган маҳсулотнинг сифати бузилиб, истеъмолчига тезда етиб бориш имконини бермас эди. Холбуки бутун СССРда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича собиқ иттифоқдош республикалар орасида энг юқори ўринда турарди.

Ўзбекистон XX асрнинг 60-йилларидаёқ иттифоқдош республикалар орасида минерал ўтитлар ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллаган, 1980 йилларга келиб мамлакатдаги бутун кимё корхоналарининг бешдан бир қисми Ўзбекистонда жойлаштирилди. Бу корхоналар ҳам мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариб, республика атроф-муҳитига тузатиб бўлмас даражада зарар келтирди. Бунинг устига бундай корхоналар асосан аҳоли зич яшайдиган, намлик жуда тез сўрилиб кетадиган ерларда қурилди. Масалан, Қўқондаги янги кимё заводи ҳам ана шундай ерда қурилган бўлиб, бу корхонада техник тартибга риоя этилмаслиги ва ускуналарнинг аҳволи ёмонлиги оқибатида режада белгилангандан 3 марта кўп захарли моддалар ҳавога чиқарилди. Ўз навбатида бу захарлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва очик сув ҳавзалари орқали аҳоли организмига ўтиб, соғлигига салбий таъсир қилди. 1985 йилда Қўқон атрофида текширилган озиқ-овқат маҳсулотларининг 3,8 фоизида, ичимлик сувининг 4,9 фоизида, атмосфера ҳавосининг 18,8 фоизида инсон саломатлигига зарар келтирадиган даражада кўп захарли кимёвий моддалар борлиги аниқланган эди.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш мақсадида кимёвий моддалардан фойдаланиш, айниқса 1986 йил КПСС МКнинг кўрсатмалари асосида қишлоқ хўжалигини кимёлаш кенг кўламда бошланди. Шу йиллар давомида кимёвий модда етказиб бериш икки барабар ошди ва пестецидлар, гербецидлар ва олтингугуртли дориларни сарфлаш суғориладиган ҳар гектар ер ҳисобига 11,6 кг га етди. Пахта майдонларига сепилаётган заҳарли кимёвий моддалар ва дефолиантларнинг миқдори мамлакатдаги ўртача миқдордан 10-15 марта кўп бўлди ва 80 дан ортиқ тури қўлланилди. Гербецид ва пестецидлар билан заҳарланган далаларда ишлашга "интернационал бурчни бажариш учун" аёллар ҳам чиқдилар. Туғилган болаларнинг 30-40 фоизи ҳар турли касалликларга чалинди. Мева ва полиз маҳсулотлари таркибидаги пестециднинг энг кичик миқдори ҳам ҳавфли ўсма ҳосил қилиши ва асаб системасини ишдан чиқариши мумкин эди.

Ўзбекистонда экологик фалокатнинг оғирлашиб бориши жуда кўп омиллар билан боғлиқ бўлиб, саноат корхоналарида ишлатиладиган сувни тежаш ва ундан қайта фойдаланиш технологиясининг мутлақо йўқлиги ҳам шулар жумласига кирарди. Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод даштларининг куриқ ерларида, Марказий Фарғонада ва Амударёнинг қуйи оқимида барпо этилган янги хўжаликларда ҳам сув ва ер ости ресурсларидан фойдаланишда жиддий ҳатолар мавжуд эди. Комбинатлардан чиқаётган, янги ўзлаштирилаётган ерлардан чиққан оқава сувлар қумликларга оқизилиб, янги қўллар пайдо қилар, эскилари катталашиб, чорва боқиладиган катта майдонларни босиб кетарди.

Масалан, Зарафшон шаҳаридаги тоғ-кон металлургия комбинатида ҳам ҳудди шундай аҳвол мавжуд бўлиб, ҳар кун и сувни тозаламай қумларга оқизиб юборилган. Бу ерда масала фақат фойдаланилган сувларнинг ифлос бўлишида эмас, балки унинг оқибатларида ҳам эди. Комбинатдан сахрога оқизиб юборилган ифлос сувлар Қизилқумдаги ер ости сувлари таркибини ҳам бузиб юборди, кўп ерлар шўрланиши ва боткоққа айланишига олиб келди.

1976-1985 йиллар давомида республикада 555,2 минг гектар ер шўрлашиб кетган. Хоразм вилоятида шўрланмаган ерлар 1970 йилда 86 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йилга келиб бу

майдонлар 68 фоизга тушиб қолди. Қорақолпоғистонда эса шўр босган ерлар умумий экин майдонларининг 54 фоизини ташкил этди. Ваҳоланки, бу вилоятларда ҳар гектар ерни суғориш учун сарфланган сув ўртача 36.000 куб. метрга етиб, бу илмий асосланган суғорув нормативдан 4 март кўп эди. Лекин бу сувлар ҳам қумликларга оқизилди. Натижада қумликларга, чўлларга оқизиб юборилган сувлардан ҳосил бўлган Арнасой, Айдаркўл каби кўллар Оролга ҳар йили оқиб бориши лозим бўлган 5-8 куб.км сувни ушлаб қолди. Умуман, Амударё атрофларида ерлардан фойдаланиш, уларни ўзлаштиришдаги тутуруқсизликлар натижасида танг экологик вазият юзага келганди.

Бунинг оқибатида дарё атрофида ўсадигаи дарахтлар, қушлар ва ҳайвонларга бошпана бўлган катта тўқайзорлар қуриб, Амударё сувлари, аниқ ўзани бўлмагани сабабли Қорақум канали орқали қумли саҳролардан ўтиб, Каспий денгизига қараб оқди. Дарёнинг тоза сувлари Келиф-Узбой ботиғини тўлдириб, шўрлашиш жараёни тезлашди. Хоразм ва Қорақолпоғистонга ўтадиган сув бўлса йил сайин камайиб кетди.

Сирдарё ва Амударё атрофлари Марказий Осиё минтақасидаги асосий индустриал-аграр ҳудудлардан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун Сирдарё сувидан 100 фоиз, Амударё сувидан 80 фоиз миқдорида фойдаланилар эди. Айниқса Сирдарё атрофларида турли корхоналар, 47,9 миллион гектар ер мавжуд бўлиб, бу ерларнинг 1,5 млн. гектари Наманган, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Тошкент ва Жиззах вилоятларига тўғри келган. Бу ердаги корхоналардан ва экин экиладиган майдонлардан чиққан 400 миллион куб.м. ифлос сувлар Сирдарёга қуйилган. Республиканинг саноат марказлари Тошкент, Бекобод, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ каби шаҳарларида тўпланган ифлос сувлар ҳам асосан шу дарёга қуйилган. Умумий тарзда Сирдарё сувлари нефть маҳсулотларидан 30-60 марта, фенолам билан 6 марта, цинк билан 13 марта, симоб билан 1,2 марта кўп зарарланди.

Бунинг устига 1965-1970 йилларда республикада суғориладиган ерларнинг ҳажми 7 фоизга кўпайгач, фақат Сирдарё оқимида умумий сатҳи 1,6 минг кв.км.ни ташкил этган сув омборлари қурилганди. Сирдарёга сувнинг кўп қисми Фарғонадаги энг серсув бўлган Сўх дарёсидан келиб қуйилган.

Тоғлардаги ирмоқлардан сув олган бу дарёнинг ёз ойларида суви кўпайиб, ерларни суғориш учун имкон берган. Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш йўлида Сўх дарёсида сув омбори қуриш ишлари бошланиб, бунга катта маблағ, техника ҳам жалб этилган эди.

Бироқ, сув омбори қуриб битирилмасидан Риштон шаҳрининг аҳоли истиқомат қиладиган жанубий томонларида ер ости сувлари кўтарилиб, ботқоқлаш ҳолатлари юз берди.

Ўрта Осиёда юзага келган экологик тангликнинг энг оғири Орол денгизи қуриб бориши, унинг атрофидаги ҳудудларда оғир ижтимоий, иқтисодий вазият юзага келиши эди. Республикада қуриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш, хусусан қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтириш, ҳосилдорликни ошириш биринчи навбатда ирригация ва мелиорация ишлари билан ҳам боғлиқ эди. Бундай ҳолат ўз навбатида Орол денгизининг қуриб боришига ҳам таъсир этган эди. Орол денгизи сувни асосан Амударё, Сирдарёдан олган. Оролнинг суви пасаймаган вақтларда денгиз сатҳига ҳар йили 7 миллиард тонна шартли ёқилғи қувватига тенг қуёш нури тушган. Бу эса мамлакатда қазиб олинadиган жами ёқилғилар қувватига баробар эди. Қуёш нурининг тахминан 40 фоизини денгиз суви ютиб, катта радиусда қишлоқ хўжалиги учун қулай илик иқлимни юзага келтирар эди.

1960 йилларда Оролнинг чуқурлиги 53 метр бўлиб, унинг умумий майдони 66,1 минг кв. км. ни ташкил этган. 27 йилдан сўнг 1987 йилга келиб, унинг акваторияси 20.000 кв.км.га камайиб кетди. Сувнинг умумий ҳажми икки марта, қирғоқ 30 км дан 80 км гача қисқарди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Орол денгизи ер қуррасининг чўл минтақасида жойлашган энг йирик, суви шўр ва оқмайдиган кўллардан ҳисобланиб, катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи, иттифоқда Каспий денгизидан кейин иккинчи ўринда турган. Бу денгизнинг қуриб бориши бутун жаҳонни ташвишга солиб турган вақтда, қуриган Оролнинг тубида яхши экинзорлар яратамиз деган ғайри илмий тасаввурларга берилиб, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация шаҳобчаларини қуриш масаласини илгари сурилди.

6. 50-80 йилларда Ўзбекистонда маданий ҳаёт. Мафкуравий чеклашлар.

70 йилдан зиёд давом этган совет мустабид тузуми ва Коммунистик партия якка ҳукмронлиги даврида Ўзбекистондаги миллий урф-одатлар ва анъаналарга қаттиқ зарба берилди. КПСС мафкуравий сиёсатининг СССР халқлари маънавиятига жиддий салбий таъсири натижасида жамиятда маданий-ахлоқий муҳит заифлашди, маънавий қашшоқлик совет жамиятини инқирозга етакловчи кучга айланди. Бу ҳолат охир-оқибатда миллий тилларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини пасайишига, узоқ йиллар давомида шаклланиб келган қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни «ўтмишнинг зарарли сарқити» сифатида таърифлашга, маънавиятнинг узвий қисми бўлган динни "хурофот ва бидъат" деб талқин қилинишига ва шу асосда миллатларни қарамлик ҳолатида сақлаб туришга асос бўлди. Бу йўл ўз навбатида "ягона маданият" барпо этишга қараталган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан эди.

Табиийки, СССРда истиқомат қилган турли халқ ва элатларнинг маданияти шакли жиҳатидан ҳар хил эди. Шубҳасиз, ҳар бир халқнинг забардаст маданият арбоблари - атоқли олимлари, ёзувчилари, рассомлари, бастакорлари каби ўзига хос жиҳатлари кўпдир. Улар ўз навбатида жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса кўшиб келганлар. Гарчи, бу ютуқларнинг аксарияти социалистик руҳ бериб турувчи байналмилал маданият бўлса-да, унинг кўп жиҳатлари юқори савияга мутлақ жавоб берар эди.

Таъкидлаш жоизки, совет турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган совет қонунлари ўз андозасига мос анъана ва урф-одатларни фаол тарғиб этиши оқибатида умумсовет маросимлари ва байрамлари анъана тусига айлана бора бошлади. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздаи кўпи асосан қишлоқ жойларида истиқомат қилганлиги боис, қишлоқ аҳолиси учун ўйлаб топилган мафкуравий характерга эга байрамлар ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1956 йилги қарорига биноан пахта теримини бошлашдан аввал, яъни, август ойининг охириги якшанба кунлари "Қурултой", "Уруғ қадаш маросими", "Ёшларни пахтакорлар сафига тантанали қабул қилиш", "Биринчи гул байрами", "Илк маош", "Қизил карвон" ("Биринчи оқ олтин карвони"), "Пахта байрами" ("Ҳосил байрами") нишонланди.

Қишлоқларга "Комсомолча тўйлар" кириб келди. Янгича тўйлар деб талқин қилинган тўй маросимлари ҳам маҳаллаларда тузилган тўй комиссиялари иштирокида ўтказиларди. Бундай комиссиялар республиканинг бир қанча вилоятларида тузилди. Мазкур комиссиялар томонидан урф-одатга айланиб кетган "Эшик очди", "Тугун қайтарди", "Хордик", "Идиш қайтди", "Фотиҳа тўйи", "Ҳорманг" маросимлари, "Тўй берди", "Куёв чақирди", "Маъзар еди", "Ота кўрди" каби расм-русумларга барҳам бериш борасида турли чора -тадбирлар кўрилди.

Масалан, Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам янгича тўйларни ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этилган бўлиб, бу комиссияларнинг кенгаши ва семинарлари клубларда, "Бахт уйларида" мунтазам ўтказиб туриларди. Уларда "Тўй ўтказиш тартиби", "Тўй дастурхони", "Меҳмон кутиш", "Тўй маблағи", "Тўйларимиз-уйларимиз" каби мавзуларда маърузалар ва суҳбатлар ўтказиларди. Шу ҳол эътиборга сазоворки, бу ҳаракатлар аҳоли орасида "комсомолча" тўйларни кўпайиб боришига ҳам сабаб бўлаётган эди.

1970 йилда Ўзбекистон ССР Компартияси МК қошида меҳнаткашлар турмушига янги урф-одат ва маросимларни ташвиқот қилиш совети ташкил этилди. Совет янгича урф-одатларни жорий қилиш бўйича партия, совет, касаба уюшмаси комсомол ташкилотлари республикада олиб борган ишларни назорат қилди. Шунингдек, республикадаги барча илмий ва ижодий кучларни янги урф-одатларни ишлаб чиқаришга, байрам дастурларини, урф-одат, кўшиқ ва рақсларни яратишга сафарбар этиш ҳам мазкур совет вазифасига кирган. Одамлар турмуш тарзи ва онгида ўзгаришлар олиб келиши лозим бўлган байрамларнинг характерини ўзгартирилиши умумий қонуният даражасига кўтарила бошлади ва бу сунъий байрамлар даражаларга бўлинди. Масалан, умумхалқ байрамлар: Октябрь давлат тўнтариши ва 1 май Меҳнаткашлар бирдамлиги куни, СССР Конституцияси куни, В.И. Ленин туғилган куни, Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти куни, Ғалаба куни мафкуравий характерга эга бўлса, "Касб байрамлари", "Илк маош", "Тантанали пенсияга кузатиш", "Ўроқ ва Болга" каби тантаналар ўйлаб чиқарилган байрамлар сафидан ўрин олган эди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон миқёсига нишонланадиган Янги йил, кўпчилик давлатларда ҳақли равишда тан олинган 9 май - Ғалаба байрами ҳамда Хотин-

қизлар халқаро куни 8 март ҳам хамиша умуминсоний характерга молик бўлган байрамлар сифатида нишонланиб келинди.

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган, узоқ йиллар давомида нишонлаб келинган "Наврўз" байрами ҳам айнан мана шу йилларда таъқибга учради. Тарихдан маълумки, "Наврўз" байрами деҳқонлар учун янги меҳнат йили бошланганини билдирар, бу байрам анъанага мувофиқ баҳорда кун ва тун тенглашганида нишонланар эди. "Наврўз" байрами асрлар давомида кишиларда она ерга, табиатга муҳаббат туйғусини уйғотган, кишиларни бир -бирига нисбатан меҳр-мурувватли ва оқибатли бўлишига чорлаган. Бироқ, XX асрнинг 80-йилларнинг ўрталарида "Наврўз" байрамини Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида нишонлаш масаласида пайдо бўлган тўсиқлар қаттиқ тортишувларга ҳам сабаб бўлди. "Наврўз" байрамига қарши ҳаракатлар ҳам миллий маданиятларни қоралаш ва чеклашга қаратилган тадбирларнинг бири эди. Ўзбекистон ССР Компартия пленуми (1984)дан сўнг юзага келган вазият И.Ўсмонхўжаев ва Р.Абдуллаеванинг "мафкуравий бўшлиқни" юзага келтирмаслик борасидаги саъий-ҳаракатлари натижасида, 1986 йилга келиб "Нўвруз" байрами бекор этилди. Ислом динига алоқаси бўлмаган байрамга "диний" деган тамға босилди.

1985 - 1986 йилларда республика оммавий ахборот воситалари ҳам бу байрамни ўз саҳифаларида ёритмади. Гарчи, "Наврўз" байрами совет ҳукумати томонидан эътиборга лойиқ дея ҳеч қачон рағбатлантирилмаган бўлса-да, лекин совет ҳокимиятининг барча даврларида бу байрам халқ орасида яшаб, анъанавий тарзда ҳам нишонланиб келинган.

Дастлаб бу байрам, апрель ойининг ўрталаридан сунъий ўйлаб топилган "Навбахор" номли байрам билан алмаштирилди. Бироқ, бундай байрамларнинг таъқиқлаб қўйилиши халқ норозилигига сабаб бўла бошлаганлиги учун миллий анъаналар, маросимлар ва байрамларни қайта тиклаш жиддий масалага айланди. "Навбахор" деб аталган янги байрам моддий заминга эга бўлмаганлиги сабабли узоқ яшай олмади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Наврўз" байрамини таъқиқлаш ҳақида республикада аниқ, бир қарор қабул қилинмасада, лекин республика раҳбарияти турли йиғинларда бу байрам ва унинг «зарарли» томонлари ҳақида маъруза қилиб,

янги маданиятни шакллантиришда асосий тўсиқ деб таърифлаб келдилар.

XX асрнинг 80-йиллари шунингдек, Ўзбекистонда динга ва диний қадриятларга қарши янги ҳаракатлар бўлганлиги билан ҳам характерланади. Бу йилларда мамлакатда диний идораларни қаттиқ назорат остига олиш, уларнинг сонини камайтириш ва фаолиятини доимо назорат остида олиб туриш кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов диннинг маънавий, ижтимоий, тарихий илдизлари, инсон камолотидаги ўрни ва аҳамияти устида тўхтаб, мустақил тараққиётимизнинг илк босқичларидаёқ қуйидаги теран фикрларни айтган эди: "Ислом инсон покляниши, руҳий қудрат олиши, қалбан уйғониши манбаидир. Шу пайтгача бизга дин афъундир, деб келишди. Диндорлар қувғин қилиндилар. Ота-онасига жаноза ўқиганлар жазога тортилдилар. Хуллас, не хунарлар кўрсатмасинлар ислом яшашдан тўхтамади. Нега? Чунки у бизнинг онгимиз, шууримиз. ҳаётимиз, борлигимиздир. Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусаффолик, дилимизга иншооллоҳ поклик қириб келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонларимиз файзига, одамлар ҳислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда".

Ўтмиш ва маънавиятга бўлган салбий муносабат мустабид совет тузумининг динга бўлган муносабатида яққол ўз аксини топди. Бу ҳолни жумладан, иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши даврида стратегик мақсадларга кўра динга вақтинчалик "ён бериш" сиёсати, уруш тугагандан кейин тез орада коммунистик мафкура асосдаги давлатнинг у билан «ҳамжихат» бўлиши мақсадага мувофиқ эмаслиги яна бир қарра намоён бўлди.

1944 йил 20 майдаги СССР ХКСнинг 919 - қарорининг ижроси сифатида ташкил этилган Ўзкомпартия ҳузуридаги диний ишлар кенгаши вакиллиги республикадаги барча диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назорат ўрнатган эди. СССР ХКСнинг 1944 йил 19 ноябрдаги "Диндорларнинг ибодатхоналарини очиш тартиби тўғрисида"ги қарорида "Диний ишлар бўйича кенгаш вакили рўйхатга олган ибодатхона очилган деб ҳисобланади", дея таъкидланган. Кенгаш руҳсатисиз ишланаётган ёки маҳфий бўлган масжидлар ноқонуний деб топилган ва ёпилган.

1950-йиллардан бошлаб совет ҳукуматининг динга нисбатан муносабатида янада кескинлик юзага келди. 1950 йилдан Москвада партия топшириғи билан Д.Бонч-Бруевич муҳаррирлиги остида "Дин тарихи ва атеизм масалалари" даврий нашри чоп этила бошланди. Кейинчалик ушбу нашрнинг 12 жилдлик тўплами ҳам чоп этилди. Жойларда диннинг "зарарли" томонларини турли жиҳатдан тадқиқ этиш, унга қарши тарғибот - ташвиқот ишлари ҳар томонлама авж олдирила бошланди. Совет давлати ва коммунистик партия ўз мафкуравий қарашларини мустаҳкамлашда динга қарши атеистик тарғибот ва ташвиқотни муҳим омил деб ҳисобларди. Шу боис ҳам КПСС МКнинг 1954 йил 7 июлда қабул қилган "Илмий атеистик тарғибот соҳасидаги катта камчиликлар ва уларни яхшилаш чора -тадбирлари" ва 1954 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Аҳоли ўртасида илмий атеистик тарғибот олиб боришдаги хатоликлар тўғрисида"ги қарор ва совет давлатининг динга нисбатан муноабати ўзгармаслигини кўрсатиб, амалда унга қарши янги кураш палласи бошланганини намоён этди.

Ушбу қарорларда атеистик тарғиботни кучайтириш, унинг амалий воситаларидан фойдаланиш, "Наука и религия" журналинини нашр этиш, динга қарши атеистик адабиётлар туркумини чоп қилиш, таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини атеистик мазмун билан бойитиш, комсомол ва касаба уюшмаларинини мазкур ишга кенг жалб этиш ва бошқа масалалар кенг ўрин олган эди. Республика миқёсида ҳам шу масалаларни амалга ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Тегишли диний ибодатхона масканлари — масжид, черков, синагоглар устидан кучли назорат ўрнатилди. Қадамжолар сони камайтирила бошланди, руҳсатсиз очилган ибодатхона масканлари тугатилди. Диний муассаса маблағлари ўрганиб чиқила бошланди. Барча диний байрам ва маросимлар Ўрта Осиё ва Қазоғистон мусулмонлари диний бошқармаси руҳсати билангина ўтказилиши белгилаб қуйилди. Бу борада ўзбошимчалик қатъий қораланиб, бунинг учун тегишли диний арбобларга солиқ ва уларни маъмурий жазога тортиш белгилаб қўйилди.

КПСС МКнинг 1960 йил 13 январда қабул қилинган шу асосда Ўзкомпартия МК томонидан 4 февралда қабул қилинган "Руҳонийлар томонидан қонунчиликнинг бузилиши

олдини олинг тўғрисидаги” қарори кейинги давр совет диний сиёсати стратегиясини белгилаб берди. Тез орала "Илмий атеизм асослари" курси олий ўқув юртлари дастурига киритилди.

Ўша даврда республикада 74 та муқаддас қадамжолар бўлган бўлса, уларнинг фаолияти доимо партия ташкилотлари ва маъмурий идоралар диққат эътиборнда бўлиб келди. Ҳайит байрамлари яқинлашиши билан бу муқаддас қадамжолар тегишли давлат органлари томонидан назорат остига олинарди. Маҳаллий советлар қошидаги комиссиялар ҳам бу жойлардаги вазиятни муттасил кузатиб турган. Улар диний байрамлар яқинлашиб келиши билан муқаддас жойларга сиғинишнинг зарарли оқибатлари хусусида турли маърузалар ўқиганлар, ташвиқот ишлари олиб борганлар, байрам яқинлашгани сари бирдан уларни таъмир учун ёпиб қўйиш ҳоллари содир бўлган. Комиссиялар иштирокида бу жойларда турли атеистик бурчаклар совет давлати «доҳий»ларининг ҳаётини ёритувчи музейлар ҳам ташкил этилган эди.

Масалан, биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида тадқиқ этилаётган йиллари 647 та "ёш тарихчи", "ёш атеист", "ёш маърузачи" тўғарақлари фаолият олиб борди. Таъмирланиб, ён-атрофи ободонлаштирилган баъзи ёдгорликларга турли муассаса ва идоралар жойлаштирилди. Маҳаллий аҳолининг маданияти, маънавиятини юксалтиришда хизмат қилиши мумкин бўлган обидаларнинг аксариятига "эскилик сарқити" сифатида қаралди ва асосан хўжалик эҳтиёжлари мақсадларида фойдаланилди.

Мустабид маъмурият сиқуви остида тарихий обидаларнинг аҳамиятини пасайтириш, камситиш учун улардан миллий эътиқод ва руҳиятга ёт бўлган марксча-ленинча ғояларни тарғиб этишда фойдаланиш мақсадида чойхона, дўқон, меҳмонхона сифатида ҳам фойдаланилди. Масалан, 1978 йил Хивада ўзбек киноси асосчиси Х.Девонов яшаган ва ижод қилган уйни музейга айлантириш тўғрисида буйруқ чиққан бўлиб, бу буйруқ тўлиқ бажарилмай, унинг бир қисми хўжалик омбори вазифасини ўтаб келган. Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси меҳмонхонага айлангирилган. Оллоқулихон карвонсаройида савдо-сотик ишларини амалга ошириш учун савдо расталари ишга туширилган.

1979 йилда пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш баҳонаси билан Иштихон туманидаги Алпомиш тепанинг бир

қисми, 1980 йилда ободонлаштириш ишлари баҳонаси билан Эски Термиз шаҳарчасидаги XI-XIII асрларга оид бўлган меъморий ёдорликлар бузиб ташланди. Ўзбекистон ССР Прокуратураси ўтказган текширувлар ҳам бу ишларда жиддий ҳатоларга йўл қўйилганини, кўплаб тарихий ёдгорликлар ҳароб аҳволга тушиб қолгани ва қаровсизлик оқибатида йўқ бўлиб кетиш арафасида эканлигини кўрсатган.

Шу уринда таъкидлаш лозимки, совет ҳукуматида тил масаласи ҳукмрон партия дастурларида ўз аксини топган бўлиб, «ягона совет халқи» юзага келиши хусусида концепция илгари сурилган эди. Аижуманларда белгиланган вазифаларга кўра, рус тилини мактабларда ўқитишни кучайтириш, "рус тили - иккиичи она тили" деган шиорларни илгари сурилганди, «миллатлар ва элатларнинг улуғ тарихий баҳти, бутун жаҳон диққатини ўзига тортган рус тили умумий фикр алмашиш воситасига айланганди", рус тили "бутуниттифоқ тил" сифатида СССР халқларини бирлаштирувчи кучга айланиб бўлган эди.

XX асрнинг 50-60-йиллардан бошлаб ўзбек тили давлат идораларида, йиғилиш ва мажлисларда деярли муомаладан чиқиб кетди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида эса унинг роли тушиб кетди. Ўзбек тилида чоп этиладиган дарсликлар, ўзбек ва совет адабиёти намоёндалари, ҳатто Навоий асарларини нусхаси тобора камайиб борди. Турли муассаса ва корхоналарда кўпинча ерли аҳоли аксарият кўпчиликини ташкил этгани ҳолда турли доирадаги йиғилиш ва мажлислар фақат рус тилида ўтказиладиган бўлди. Миллий кадрларнинг маълум қисми эса, баъзи сабабларга кўра, она тилида ёзиш ва сўзлашдан маҳрум эдилар.

Ўзбек тилига бўлган эътиборсизлик шу даражага бориб етган эдики ҳатто, Маданият институти ва Театр рассомчилик институтидаги ўзбек тили кафедралари ҳам тугатилиб, баъзи олий ўқув юртларидаги ўзбек тили кафедралари "Ўзбек тили кафедраси" деб аталмасдан «Тиллар кафедраси» деб юритила бошланди. Маҳаллий зиёлиларни бирлаштирувчи ижод уюшмаларда ҳам ишни асосан рус тилида олиб боришар эди. Ўзбек китоблар чоп этиш мушкул аҳволга тушиб қолиб, республика фанининг маркази бўлган Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясида ҳам илмий асарлар рус тилида чоп этилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Тарих

институтида тайёрланган илмий асарларнинг 80 фоизи рус тилида, 16 фоизи хорижий тилларда, атиги 4 фоизи ўзбек тилида нашр этилди.

Бундай мафкуравий биқиқлик аслида таълим муассасаларда бошланган эди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, рус терминологияси мукамал ишланган, собиқ СССРда миллатлараро фикр олماшиш воситаси учун қулай эди. Лекин йиллар давомида «ривожланган социализм» ғоясининг ўқувчилар онгига сингдириш ҳисобланган рус тили ва адабиётига имконият кенг эди. Масалан, ўзбек тилида таълим берадиган мактабларнинг ҳар бир синфига рус тили ва адабиётини ўрганиш учун 3390 соат ажратгани ҳолда рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун ўзбек тили ва адабиётни ўрганишга атиги 560 соат ёки қарийб 6 баравар соат кам вақт берилганди. Хатто, 1988 йилга келиб республикада рус ва бошқа миллат вакиллариининг ўзбек тили ўқув китобига, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатларга бўлган талабларини ҳам қондирилмади.

Албатта, маданий қурилишнинг совет вариантыдаги салбий ҳодисалар ўзанида намоён бўлган 20-50 — йилларнинг ютуқлари орасида таълим даражасининг сезиларли даражада кўтарилганини, кенг тармоқ отган мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тизиминиш яратилишини, мутахассисларнинг катта авлоди шаклланганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, 1959 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республиканинг 9 ёшдан 49 ёшгача бўлган аҳолиси орасида саводхонлар 98,1 фоизга етди.

Таълим инфратузилмасининг анча кенгайиши мутахассис кадрларни тез кўпайишига ёрдам берди. Республикада мавжуд бўлган бир неча олий ўқув юртлари Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги учун хизмат қиладиган мутахассисларни ҳам етиштириб берди.

Масалан, 1988 йилда фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 19 та олий ўқув юрти бўлган бўлса, унда 162,9 минг нафар талаба таҳсил олди. Лекин "коммунизмга интилиш"да синфийлик, партиявийлик руҳидаги тарбия мактаблардаги миллийликни сиқиб чиқарди, олий таълим тизимида масъулиятсиз, ташаббуссиз, лоқайд, «ўртамиёна» мутахассислар тайёрлаш механизми юзага келди.

Мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳар йили ўрта ҳисобда юз мингдан ортиқ мутахассис тайёрланган. 1984 йилга келиб, Ўзбекистонда 1 миллион 300 минг нафар олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар бўлган ҳолда, 5-6 йил ўқиб олий маълумот олган кадрларнинг анчагина қисми ўзлари мутахассис бўлган соҳаларда ишламади. Сиртки ўқув тизимида чуқур билимга интилишдан кўра диплом олиш учун ҳаракатлар кучайиб кетди. Масалан, 1982 йил Ўзбекистон ССР Халқ Назорат Кўмитаси ва Ўзбекистон ССР Прокуратураси ўтказган текширувлардан маълум бўлишича, Қашқадарё вилоятидаги 251 ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан 117 мутахассис вилоятнинг Чироқчи туманидаги Москва совхозини ва Оҳунбобоев номи колхозларига юборилган. Лекин уларнинг атиги 6 нафари ўз соҳаси бўйича ишлаган, 73 нафари бўлса тайинланган жойига келмаган.

Бундай аҳвол саноат шаҳарларида ҳам мавжуд бўлган. Ўзбекистон ССР енгил саноатининг ўзида дастгоҳлар ва машиналарга ҳизмат кўрсатишнинг тармоқдаги нормаларини ўзлаштириш шаҳарлардаги йирик комбинатларникига нисбатан кўп куч талаб қилган ҳолда, бу соҳада ҳам мастер ёрдамчилари, электриклар, сантехниклар етишмаган. Коммунистик мафкура ўз ҳукмронлигини таъминлаб боришида маданият ҳам айниқса муҳим эди. Ҳукмрон мафкура маҳаллий маънавий-маданий мероснинг тарбиявий аҳамиятини эътиборга олмас эди. Давлат томонидан қабул қилинган қатор қарор ва режалар ҳам вазиятни тушунмай, реал имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинганлиги учун ўзбек маънавий маданиятида амалга оширилган ишлар ҳам ўзига хос йўналишдан борди ва маданият соҳалари сиёсийлашган маданий йўлга мослашди.

Айни пайтда таълимда, маданиятда коммунистик ғоялар устунлик қилиб, умумсовет маданиятининг меъёр ва мезонларини кенг тарғиб этилгани билан бу даврда ўзбек маданияти ривожини фақат таназзуллар ва тушкунликлардан иборат бўлди деб эътироф этиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Маданият ва санъат арбоблари ижодидаги ўзгаришлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар билан биргаликда давом этди. Театр, рассомчилик кўшиқчилик, хусусан миллий кўшиқчилик, айниқса мақом йўлларида ижод қилишда кўплаб истеъдодли хонандалар етишиб чиқди. Ўша йилларда адабиёт майдонига кириб келган

иктидорли ижодкорлар асарларида нисбатан эркин, ютук ва камчиликларни кўрсатиб берувчи ижодий фикрлар пайдо бўлди. Хусусан, А.Мухторнинг "Илдизлар", П.Қодировнинг "Олмос камар", Ў.Умарбековнинг "Бўрибосар", Ш.Холмирзаевнинг "Табассум", "Кимсасиз ҳовли", М.Муҳаммад Дўстининг "Истеъфо", Т.Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" каби асарларида қисман бўлсада, давр мафкурасидан холи бўлишга, жамиятдаги баъзи камчиликларни очиб ташлашга, қадриятлар кирраларини кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Ҳ.Ғуломнинг "Қорадарё" романи XX аср 80-йилларининг ўртадарига келиб жамиятдаги юзага қалқиб чиққан турли салбий ҳолатларни Кампирравот дарасидаги улкан сув иншооти қурилиши мисолида кўрсатиб берди. Мазкур асар ўша йилларда совет мафкураси билан боғланган, Ўзбекистон Компартияси XVI пленумидан сўнг юзага келган вазият билан боғлиқ деб таҳлил этилган бўлсада, лекин кишилар аста-секин содир бўлаётган ўзгаришлар ҳаётга янгича қараш, жамиятни инсон омили деган тушунчалар билан биринчи навбатда туриши лозимлигини англаб келаётганлигидан далолат берар эди.

Талил этилаётган йилларда Э.Эшмуҳамедов ва кинодраматург О.Агишевнинг Даҳонинг ёшлиги" фильми СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. К.Камалованинг «Аччиқ данак» фильми халқаро кинофестивалида соврин билан таҳдирланди. Д.Садимовнинг "Ленинградликлар жигарбандларим менинг", А.Қобуловнинг "Бўйсунмас" Р.Ботировнинг "Лейтенант Некрасовнинг хатоси", М.Абзаловнинг "Суюнчи", "Келинлар кўзғолони", А. Ҳамроевнинг "Водиллик келин", Л.Файзиёвнинг ҳинд киночилари билан ҳамкорликда суратга олган "Али бобо ва қирқ қароқчи" ва "Севги афсонаси" каби фильмлари суратга олинди. Бироқ, ошкоралик йиллари (1985) ҳам маданиятни ривожлантиришдаги бу эркин ҳаракатларни янада кенгрок олиб бориш ўрнига студиянинг режасини бажариш орқасидан қувиш ҳолатлари юқори эди. Масалан, СССР Кинематография Давлат Комитетининг Ўрта Осиё бўйича муҳаррири И.Раздорский ва А.Медведевлар ўзбек халқининг бой маданий турмушини, қолаверса ички дунёсини тушунмаган ҳолда марказий студиялар қабул қилмаган ўртамиёна ва бўш сценарийларни «Ўзбекфильм»га мунтазам жўнатиб турдилар. Натижада Н.Рожков, Л.Макаров, Б.Сааков, Л.Ғалиев,

Я.Филиппов каби бир қатор кинодраматургларнинг маҳаллий халқ маънавияти ва қадриятларга ёт бўлган жўн сценарийларига кенг ўрин берилди.

Гарчи "Ўзбекфильм" жамоаси ҳозирги кунга қадар халқ қалбидан муҳим ўрин олиб келаётган "Алишер Навои", "Мафтунингман", "Маҳаллада дув-дув гап", "Насриддин саргузаштлари" каби фильмларни яратган бўлса-да, бироқ бу жамоадаги кадрлар асосан марказда таълим олиб келганлиги сабабли, улар орасида ўзбек тилини билиб, тушунадиганлар сони жуда озчиликни ташкил этар эди.

1980-йилларга келиб Ўзбекистонни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салбий вазиятда партия кўрсатмаларига тўла амал қилмаганликда зиёлилар ҳам айблана бошланди. Улардан совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар талаб этилиб, ижодий уюшмалар фаолияти эса қаттиқ мафкуравий назорат остига олинди. Бундай ёндошув Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1986 йил октябрда бўлиб ўтган учинчи пленумида яққол намоён бўлди. Унда адабиёт, санъат ва тарихни сохталаштириш, миллий тарих ва маданиятни илоҳийлаштириш авж олиб кетганлиги, тарихий шахсларга баҳо беришда синфий ёндошув, илмийлик, объективлик тамойилларига эътибор берилмаётганлиги кескин танқид остига олинди. Айниқса, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда мафкуравий манфаатларини инкор этилаётганлигига урғу берилди.

1986 йил 10 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси мафкуравий ишлар бўйича котиби Р.Ҳ.Абдуллаеванинг маърузаси тингланди. Р.Ҳ.Абдуллаева республикада юзага келган салбий иллатлар, жумладан, кўшиб ёзиш, давлатни алдаш, порахўрлик, кадрлари танлашдаги маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик республиканинг аввалги раҳбарияти томонидан йўл қўйилган камчиликлар эканлигини алоҳида таъкидлаб, бунда мафкуравий ишлар тўғри йўлга қўйилмаганиги, зиёлиларнинг фаолияти партия талаблари асосида олиб борилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда пахта саноати, кўриқ ерларни ўзлаштириш, республикада юзага келган демографик жараёнлар, миллий муносабатлардаги муаммоларни ҳал этишда, ривожланишнинг ўзига хос бўлган йўналишларида Ўзбекистон ССР ФА

олимларининг аниқ таклиф ва мулоҳазалари йўқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси МК котиби ёшлар таълим тарбиясида мафкуравий жараёнларнинг етарли эмаслигини кўрсатилган ҳолда, Амир Темур, Бобур Мирзо шахсига берилган ижобий таърифларга ўзгартиришлар киритилмагани ва бу ўтмишни улуғлаш ҳолатларига олиб келаётгани, республика олимлари бу ҳолатларини олдини олиш учун ҳеч қандай чоралар кўрмагани алоҳида таъкидланиб ўтди.

Умуман, кишилар онгини шакллантириш, миллий, диний анъаналар ва қадриятларга муносабат масаласи жамият тараққиётидаги инсон омили ролини белгилаб берувчи асосий шартлардан бири бўлиб келганлиги учун собиқ совет давлатининг сўнгги ўн йиллигида эътиқодларга муносабат масаласи жуда чуқурлашиб кетди. Айнан мана шу йиллардаги ҳаракатларни кишиларнинг онги ва турмуш тарзидаги ўтмиш "сарқитларига" қарши курашиш, "реакцион" деб аталмиш урф-одатлар, маросимларга амал қилишга барҳам бериш, байналмилал тарбияни кенг кўламда амалга ошириш халқимизнинг мустаҳкамланиб келаётган миллий онгига зарба бериш учун ҳаракат сифатида изоҳласа бўлади. Чунки халқнинг онги, эътиқодига, турмуш тарзига чуқур сингиб бораётган диний мерос ва қадриятларга қарши кураш ҳам ўша йилларда олиб борилаётган мафкуравий-тарбиявий ишларнинг асосий йўналиши бўлиб қолди.

7. Ўзбекистон “қайта қуриш” йилларида.

СССРдаги "қайта қуриш" жараёни аввал бошданок сиёсий соҳани қамраб олди. Иқтисодий ислохотлар эса унга бўйсунувчан аҳамият касб этди. Орадан кўп ўтмай, жадаллашиб бораётган сиёсий жараёнлар (ошкоралик, демократия) билан суст ривожланаётган иқтисодиёт ўртасида катта фарқ кўзга ташлана бошлади. Бу пайтда СССРнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон ССР ҳам қайта қуриш гирдобига тортилди, унинг қонуниятларига амал қилди.

Қайта қуришнинг биринчи босқичи (1985-1986 йиллар) асосан маъмурий-ташқилый тадбирларнинг анъанавий усулларда олиб борилиши билан характерланади. Мазкур босқичда кун тартибига қўйилган вазифалардан бири илмий-

техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва униинг асосида инсон омилини фаоллаштиришдан иборат бўлди.

Қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилди. Шунинг учун ҳам 1986 йил 1 март куни КПСС XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети сиёсий маърузаси юзасидан қабул қилинган резолюцияда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласига катта эътибор қаратилган эди.



Хуллас, қайта қуришнинг дастлабки даврларида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилди. Аммо, бундай жараёни ижтимоий муносабатларни такомиллаштирмасдан амалга ошириш мумкин эмаслиги тезда аён бўлди. Шунинг учун 1986 йилда қайта қуриш ва ижтимоий муносабатлар масаласига алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлинди. Бундай сиёсатнинг марказида эса жамиятни демократлаштириш, маъмурий-буйруқбозлик ва бюрократизмга, қонунсизликка қарши кураш турар эди.

Бу даврда бутун Совет Иттифоқида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам дастлаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда маълум ўзгаришлар юз бера бошлади, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошди, демократия сари айрим қадамлар ташланди, миллий ўзликни англаш жараёни бошланди. Аммо, туб ўзгаришлар ва барча соҳаларда ҳақиқий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги ўринишлар муваффақият қозонмади. Статистик кўрсаткичларда қайд этилишича, 1986 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий аҳволи баттар ёмонлаша бошлади, 1987 йил январдан ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасая борди, иқтисодиётда инқирозли ҳолат юзага келди. Қайта қуришнинг биринчи босқичи шу тарзда мағлубиятга учради.

Қайта қуришнинг иккинчи босқичи (1987-1990 йиллар) жамиятнинг барча жабҳаларини комплекс тарзда ислох қилишни кун тартибига қўйди. Бундай вазифа коммунистик мафкура томонидан 1987 йил январда янада аниқлаштирилди. Москва шаҳрида 1987 йил 27-28 январда бўлиб ўтган КПСС МК Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М.С.Горбачёв "Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида" маъруза қилди. Унда сиёсий ислохотларнинг асосий

мақсади ошкоралик ва кадрлар сиёсатини тўғри юритиш асосида совет жамиятини тўлиқ демократлаштиришга эътибор қаратилди. Кейинчалик М.С.Горбачёв ўзининг қайта қуриш ҳақидаги машҳур китобида бу ғояларини давом эттирди. Бироқ сиёсий тузумни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, кенг халқ оммасининг сиёсий ва тарихий жараёнларда иштирок этиши Марказ учун қутилмаган оқибатларга олиб келиши натижасида Москва томонидан сиёсий ва иқтисодий ислохотлар боши берк кўчага киритиб қўйилди. Оқибатда 1990 йил нафақат қайта қуришнинг иккинчи босқичи, балки СССР аҳолиси, балки бутун дунё умид кўзи билан қараётган қайта қуриш сиёсати бутунлай мағлубиятга учради. Бу ҳолат ҳам СССР инқирозини тезлаштирди ва унинг парчаланишига олиб келди.

**ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИДА 1987
ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
МАҲСУЛОТЛАРИ (ХЎЖАЛИКНИНГ ҲАММА ТУРЛАРИ; 1983
ЙИЛ ҚЎЙИЛГАН НАРХ ҲИСОБИДА)**



Мамлакатда туб демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бошланган ислохотлари охирига етказиш мумкин бўлмади. Бу куйидаги уч сабаб билан изоҳланади: биринчидан, қайта куришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикаси ҳамда ягона дастури йўқ эди. Иккинчидан, коммунистик партия раҳбарлари (партократия) қайта куриш ғалабасидан манфаатдор эмас эди. Улар ҳар қандай демократия ва ошкоралик тоталитар тузумнинг кушандаси эканлигини яхши билишарди. Учинчидан, М.С.Горбачёв ғояси асосида қайта куришни амалга ошириш мумкин эмас эди. Социализмга ҳос синфий муносабатлар, давлат мулкчилиги, миллий ва ижтимоий соҳадаги сиёсат яккапартиявий раҳбарлик, коммунистик мафкура, мустабид бошқарув усули ҳеч қачон демократия билан келиша олмас эди.

Маълумки, қайта куриш юқоридан бошланди. Мазкур жараённинг бошланиш пайтида жамият аъзолари унга жуда катта умид боғладилар. Рўй бераётган ўзгаришлар, айрим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар кишиларда эртанги кун ва порлоқ келажакка ишонч руҳини яна уйғотди. Дастлабки даврда қайта куриш раҳнамолари, яъни, юқорининг қуйи билан муносабатларида маълум келишувчилик, хайрихоҳлик сезилди.

Лекин, кейинчалик вазият буткул ўзгарди. 1986-1987 йиллардан бошланган иқтисодий инқирознинг кучайиши, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги ўқувсизлик демократик жараёнлар ва ошкораликнинг ярим йўлда қолиб кетиши - буларнинг барчаси жамият аъзоларида қайта куришга бўлган муносабатни ўзгартирди. Қайта куришнинг учинчи йилида унинг тўлиқ мағлуб бўлиши аниқ кўзга ташланиб қолди. Амалий ишлар, фойдали тадбирлар ўрнига сиёсий жабҳадаги турли тадбирлар: сиёсий сафсатабозлик, қуруқ ваъдалар, сўз билан иш бирлигининг йўқлиги жамиятдаги лоқайдлик ҳолатини янада кучайтирди. Ижтимоий фаоллик ўрнини сусткашлик, давлат ва фирқа сиёсатига ишонмаслик, бефарқлик ва совуққонлик эгаллади.

Қайта куриш ошкоралик, демократия за фикрлар ҳилма-ҳиллигининг маълум маънода кучайишига имкон яратди. Шу билан бирга, бундай жараёнларни маданий шаклда халқаро андозалар асосида олиб бориш имкони бўлмади. Бунинг устига Иттифоққа нисбатан Ўзбекистонда республика раҳбарияти

демократия ва ошкораликнинг кучайишига турли тўсиқлар қўйди. Бунга кўпроқ коммунистик мафкуранинг яккахокимлиги, маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратлари таъсир қилар эди. Натижада том маънодаги ошкораликка эришиб бўлмади, демократия эса амалда навбатдаги сиёсий ўйинлар кўринишини олди. Фикрлар ҳилма-ҳиллигининг турли кўринишлари эса юқорининг сиёсий ва ғоявий масалаларда ҳурфикрлик ва демократияни таъкиб этиши асносида юз берди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги сиёсий раҳбарияти Марказ олдида ўзининг нўноқ ва ношудлигини кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитета раҳбарияти Марказдан қочиш, уни инкор этиш сиёсати ўрнига кўпроқ унга яқинлашиш ва мустаҳкам бирлашиш йўлини танлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитет биринчи котиблари И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонова қатъий журъат, Иттифоқ доирасида республиканинг тутган ўрнини очиқ-ойдин айтиш учун мардлик ва ирода етишмади. Аксинча, бу раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари Марказ вазифаларини тезроқ уйдуралаш, республиканинг Иттифоққа боқиманда эканлиги тўғрисидаги сохта фикрларни тасдиқлаш ва такрорлашдан нарига ўтмадилар. Ижтимоий ва маънавий соҳада миллийликнинг ҳар бир кўриниши интернационализм моҳиятига ёт эканлигини исботлашга ҳаракат қилинди. Бу нарса ўзбек тилига муносабат, ислом дини, миллий урф-одатлар, анъаналар ва диний маросимлар, хусусан, Наврўз байрамига муносабатда яққол кўринди.

8. Ўзбекистонда қатағонликнинг янги босқичи. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” номли сохта ишлар.

Маъмурий-буйруқбозлик ҳамда коммунистик мафкурага асосланган совет давлати ўз ички сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида маълум даврларда зўравонлик сиёсатини амалга ошириб турди. Тазйик, зўравонлик ва қатағонлар бошқа халқлар ичида миллий руҳ ва ўзликни йўқотишга, лоқайдлик каби кайфиятларни юзага келишига сабаб бўлди. Совет давлати томонидан бошланган қатағонларнинг оҳирги даври Ўзбекистонда XX аср 80-йилларида "пахта иши", кейинроқ

"Ўзбеклар иши" деган маъшум ном остида тарихга кирди. Совет давлатини қамраб ола бошлаган инқирозий ҳолатларни мавжуд тузум негизда эмас, балки «юзага келган салбий иллатларда» деб билган марказ, Ўзбекистонни тажриба-синов майдони сифатида танлаб олди.

Мустабид тузумнинг маъшум “Пахта иши” ва “Ўзбек иши” деб номланган қатағонлик сиёсати



1982 йил ноябрда КПСС МҚ Бош котиби Л.И.Брежнев вафотидан сўнг мазкур лавозимни эгаллаган Ю.В.Андропов мамлакатда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсатида таъкиб ва тазйиққа асосланган қаттиқ қўллик йўлининг тарафдори сифатида майдонга чиқди. Ю.В.Андропов ўзининг Давлат хавфсизлик қўмитасидаги узок йиллик тажрибасидан

келиб чиққан ҳолда, мамлакатнинг тобора оғирлашаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётига доир бўлган барча маълумотлардан, жумладан раҳбар-кадрлар фаолиятидаги нуқсон ва камчиликлардан хабардор эди. Марказдаги сиёсий раҳбарият мамлакатда юзага келган чуқур инқирозий ҳолатларнинг сабаблари ечимини аксарият кадрлар сиёсатида йўл қўйилган камчиликлар, тартиб-интизомнинг бўшаши, мафкуравий хушёрликни йўқотиш билан изоҳлади. Ҳукмрон партиянинг 1983 йил июнь пленумида ҳам айнан партия идеологик, оммавий сиёсий ишининг муҳим масалалари кўриб чиқилди ва жамиятдаги порахўрлик иллатларининг асосий сабабларини бирон-бир ходимнинг хатоларидан, ривожланишнинг аниқ муаммоларидан ва қийинчиликларидан қидириш лозимлигини таъкидланди.

Республика ижтимоий ҳаётида катта «бурилиш» ясаган Ўзбекистон КП МҚ 1984 йил XVI пленуми ҳам марказнинг республикадаги «соғломлаштириш» борасида кўрсатаётган ва белгилаётган тадбирларини қўллаб-қувватлади. Бундай тартиб республиканинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётига салбий таъсир этаётган бўлса-да, кадрлар билан ишлашни партиянинг асосий «вазифаларидан» бирига айлантириб олганларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаган эди. Мазкур пленум марказнинг "Ўзбекистонда турғунлик даври иллатларига қарши кураш"ини қўллаб-қувватлаган ҳолла маҳаллий раҳбар кадрларни турли йўллар билан тазйиқ кўрсатиш ва жазолаш жараёнларини бошлаб юборди.

Бундай ҳолатлар Ўзбекистон совет мамлакатидagi «порахўрликлар, қўшиб ёзишлар, ўғрилиқ кучайиб кетган ягона ҳудуд», деган тушунча пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон КП МҚ XVI пленуми ва XXI съезди қарори билан Ўзбекистонга марказдан кадрлар жўнатила бошландики, Ўзбекистон Компартияси МҚ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Министрлиги каби муҳим бошқарув бўғинлари шундай кадрлар қўл остига тушиб қолди. Улар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янада кескинлашишининг асосий сабабчиларига айлана бордилар. Қисқа муддат ичида Ўзбекистон прокуратурасининг энг юқори, энг муҳим лавозимларидан тортиб, область, район

прокурорларигача марказдан доимий ишлашга юборилган вакиллари билан алмаштирилган. 1984 йилда Ўзбекистон ССР Прокурори, унинг муовинларидан учтаси, энг катта бошқармаларнинг бошлиқлари лавозимларига марказдан юборилган ходимлар қўйилди. Натижада, Бухоро вилоятига Г.Н.Матюшов, Самарқанд вилоятига В.И.Еременко, Хоразм вилоятига А.Д.Титоренко, Навоий вилоятига А.П.Сухарев, Сурхондарё вилоятига В.М.Желтков, Қорақалпоғистон АССРга В.В.Донцов, Тошкент шаҳарига Г.П.Филиппенковлар прокурор этиб тайинландилар.

Бу ҳол аслида республикадаги асосий масъулиятли лавозимларга марказдан юборилган "десантчиларни" жойлаштириш сиёсати бошланганлигидан дарак берар эди. Улар иттифоқ марказининг республикадаги таянчи бўлиши ва республикада советча усулдаги «тартиб-интизом»ни янада мустақамлашлари лозим эди. Шубҳасиз, маҳаллий раҳбарият «илтимосига биноан» юборилган кадрлар ноқонуний тарзда ҳибсга олинганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ҳам қийин эди. Аксинча «десантчилар» қатағонлик сиёсатининг давом этишида, республикада ноҳақлик ва қонунбузарлик, мансабни суистеъмол қилишнинг авж олишида, зўравонлик ва тазйиқни кучайишида "фаол" рол ўйнадилар. Ўз навбатида улар марказнинг республикадаги таянчи бўлиб қолди ва республика ҳуқуқ-тарғибот органларига эҳтиёжни "десантчилар" орқали тўлдириб боришди.

Айни пайтда ўзи эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб «ҳисобланган» кадрларга нисбатан таъқиб бошланиб, етилиб келаётган иқтисодий инқироз "гуноҳкорлар"ини топиш, уларга партиявий жазо бериш билан, гўёки, муаммоларни олдини олиш бошланди. 1983 йилда СССР Бош Прокурори А.М.Рекунков топшириғига кўра, СССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т.Гдлян бошчилигида мамлакатнинг турли минтақаларидан тўпланган 200 кишидан иборат тергов гуруҳи тузилади ва Ўзбекистонга юборилади. Бу "пахта иши"ни амалдаги бошланиши эди.

«Пахта иши» уйдирмаларидан бошланган вақтда халқ хўжалигида «жиной ишларга қўл урган» ходимлар жавобгарликка тортилиб, улар халқ хўжалигида "қўшиб ёзишларга" йўл қўйилганликда айбландилар. Қўшиб ёзишларни

текширишдан бошланган тергов гуруҳининг фаолияти аста-секинлик билан раҳбарлик лавозимида ишлаётган кишиларни ҳам торта бошлади. “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” номини олиб келган қатағонга кейинроқ миллий тус берилиб, тўлиқ “Ўзбеклар иши”га айлантирилди. Натижада маҳаллий раҳбар ходимлар, зиёлилар ҳам таъкиб остига олина бошлади. Ўзбекистондаги бу ҳолатлар ҳақида марказий матбуот саҳифаларида шунчалик кўп мақолалар чоп этилдики, улардан «халқимизнинг тарихи, маданияти, пахта ва пахтакорнинг машаққатли меҳнатларидан беҳабар одамларда гўё, ўзбеклар турли нопок йўллар билан даромад ортириб, енгил - елпи ҳаёт кечиради», деган нотўғри тасаввур туғилишига сабаб бўлди.

Тергов гуруҳига кирган терговчиларнинг асосий қисми катта билим ва тажрибага эга бўлмаган, ноқонуний ҳолатлардан кўз юмадиган, топшириқдарни кўр-кўрона тарзда бажарадиган кишилар бўлган. Тергов гуруҳига катта ваколат ва имтиёзлар берилган. Улар соҳта айбловлар билан қонунсизлик йўлига ўтиб, тергов жараёнларида тухмат, ифволар уюштириш, фактларни сохталаштириш, кишиларни соҳта маълумот беришга мажбур этиш, ўзларига ёқмаган кишилардан ўч олиш воситаси сифатида фойдаланганлар. Т.Гдлян олиб бораётган жиноят-тергов ишларининг барчаси очикдан очик айблов йўналишида бўлган. Кўплаб жисмоний ва маънавий азоблардан сўнг қамоққа олинганлар ўз айбларини бўйинларига олишга мажбур бўлганлар.

Гуноҳи ҳали исботланмаган кишиларни қамоқдарда ашаддий жиноятчилар билан бирга бир камераларда ушладилар, уларни шафқатсиз калтаклаб, руҳий азоб бериб, кўрқитиб, терговчилар аввалдан тайёрлаб қўйган хўжжатларга имзо чекишга мажбур этдилар.

Мана шундай қабих йўллар билан тергов гуруҳи гувоҳлик берувчилардан ўзларига керакли маълумотларни олган. Ноқонуний қамоққа олинган кишилар орасида кўп болали оналар, хомиладор аёллар, ёш болалар ҳам бўлган. Бу ишлардан кўзланган мақсад иқтисодий “жиноятчилик”ни фoш этиш эмас, балки мамлакат ҳаётидаги умумий салбий ҳолатларнинг аниқ бир кўриниши бўлган қўшиб ёзишга қарши ҳаракатларни тўхтатиш, “темир интизом” билан миллий кадрларни жазолаб, эркин фикрлайдиган зиёлиларни жиловлаш, республикаларда юзага келаётган ижтимоий-сиёсий кучларни бўғиб ташлаш, миллий онг,

фуқаронинг фаоллигини ҳам бир тизгинда ушлаб туришдан иборат эди.

Т.Гдлян гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти давомида Ўзбекистон ССР прокуратураси ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирликларининг 20 нафар раҳбар ходими, Ўзбекистон Компартияси МҚнинг тўрт нафар котиби, вилоятлардаги кўмиталарининг саккиз котиби, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми Раиси, Ўзбекистон Пахта тозалаш саноати вазири ва бошқа бир қанча маъсул ходимлар, умуман 62 нафар маъсул шахс пора олишда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар. 1989 йилнинг май ойига қадар жавобгарликка тортилган 35 нафар айбланувчининг иши судга оширилди. 1984-1989 йиллар давомида Т.Гдлян гуруҳи томонидан 800 дан кўпроқ "жиноий" иш кўрилиб, жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 600 нафари раҳбар ходимлар, 10 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бўлган. Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати вазири В.Усмоновга эса 1986 йилда ўлим жазоси белгиланган, ҳукм 1987 йилда амалга оширилган.

XX аср 80 - йилларига келиб кўшиб ёзишлар, порахўрлик, мансабни суитеъмол қилиш ҳоллари иттифоқдош республикаларнинг барчасида кучайган эди. Шунингдек, бу иллатлар фақат маҳаллий раҳбар кадрлар йўл кўйган хато, камчиликларнигина эмас, балки мамлакатда ўтган йиллар ичида шаклланган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг натижаси эди. "Пахта иши" уйдирмалари бўлса, ўзбек халқининг кучайиб келаётган иқисодий инқирозлардан чалғитиш, бунда бирор бир халқни "айбдор" қилиб кўрсатиш орқали халқ эътиборини бошқа томонларга буриб юборишдан иборат эди. Аслида шундай ҳам бўлди, бутун мамлакат бўйлаб Ўзбекистондаги «улкан ўғриликлар», «порахўрликлар» муҳокама этилди. Натижада, "турли миллат халқларининг бузилмас иттифоқи ташкил топган" бу улкан давлатда "дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик" бир четда қолиб, бутун мамлакатга ўзбек халқига нисбатан "боқиманда" деган ёрлик ёпиштирилди. Бутун бир миллатни айблаш йўлига ўтиб олган сиёсий раҳбарият "пахта иши"ни "ўзбеклар иши"га айлантириб юборди. Ўзбекистон мустақил равишда "пахта иши"ни текшириш бошланганда ишни маҳаллий раҳбарларга беришни истамай, текширув ишларига тўсқинлик

қилишга, ҳақиқий айбдорларни яшириб туришга, барча айбловларни яна ўзбек халқи елкасида қолдиришга интилди.

Мустабид тузумнинг республикани пахта хом-ашё базасига айлантириш сиёсатининг асоратли оқибатлари





9. Ислом Каримов - Ўзбекистон раҳбари.

XX асрнинг 80-йиллари собиқ совет давлатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан яққол туназзул ҳолати юзага келиб қолган давр эди. "Қайта қуриш" сиёсати барбод бўлиши, маъмурий-буйрукбозликка асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари рақобат асосида сақланишни инкор этган мавҳум сиёсий, синфий, умумий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйган, ягона партия иш ҳукмронлигига таянган мустабид тузум бутунлай истиқболсиз эканини амалда яна бир бор кўрсатган эди. Бу вақтда Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти жуда оғир аҳволда, хусусан, саноатнинг бирёқлама ривожланиб, "пахта" саноат комплексига мослашиши, экологик аҳволнинг оғирлашиб, оналар ва болалар ўлимининг ошиб кетиши, миллатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар юзага келиб, миллий можаролар янада кучайиб, миллий урф-одатлар, қадриятлар таъкиб остида қолиши республикани танг аҳволга солиб қўйган эди.

Айни пайтда Ўзбекистон республикаси давлат сиёсатининг жабҳаларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар ва уларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар

биринчи навбатда турар эди. Шундай вазиятда тинч ҳаётни таъминлаш учун давлатни бошқара оладиган, бўлиб ўтган ва ўтаётган иқтисодий, сиёсий жараёнлардан тўғри хулоса миллат раҳбари раҳбар раҳбарни бошлаб бера оладиган раҳбар республика учун зарур эди. 1989 йил 24 июнда И.А.Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб сайланиши билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашда сўзланган нутқида: "Ҳозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларнинг сабабларини турлича изоҳлашмоқда. Мен ҳам бутун барча сабабларни санаб уларнинг энг асосийларини қайд этмоқчи эмасман. Лекин, барча воқеаларнинг илдизи - Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади," деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида иш бошлаган И.А.Каримов "Ўзбекистон етакчиси сифатида узоқ вақтлар давомида ечилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлайди, мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдинга қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимайди".

И.А.Каримов ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан йирик давлат арбоби ва моҳир сиёсатчи, бунёдкор ва ташкилотчи, катта тажрибага эга бўлган амалиётчи ва теран назариётчи сифатида серқирра ва самарали фаолият билан республикада миллатидан ва динидан қатъий назар, одамлар Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблашларига нафақат даъват этди, балки улар учун шарт-шароит яратиш қайғуси билан яшади. 1989 йил сентябрда КПСС МҚнинг навбатдаги пленумида ҳам И.А.Каримов Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатида республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол танг вазиятга тушиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бироқ, марказ республикалар миллий манфаатларини ўйлашдан йироқ эди. Республикада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар авваллари марказни қанчалик эътиборидан четда қолган бўлса эндиликда ҳам уни мамлакатда иқтисодий инкирозлар кучайиб турган вақтда бу ҳол умуман қизиқтирмас

эди. Мана шу вақтда республика раҳбарининг ҳақиқий миллий раҳбар сифатидаги ўрни яққол намоён бўлган эди.

Узоқ йиллик тарих давомида дунёнинг кўплаб давлатларида халқлар миллатларнинг озодлик курашлари тарихида она халқининг миллий озодлик курашига бошчилик қилган кўплаб йўлбошчилар маълум. Ўзбекистон тарихида ҳам XX аср 90-йилларига келиб Ислом Каримов ҳам миллатнинг лидери, улуғ йўлбошчи сифатида майдонга чиқди. У аввало республикадаги танг аҳволни қалбан сезган ҳолда марказдан холи халқ манфаатларини кўзлаб иш олиб бориш лозимлигини англаб, оғир ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишни бошлади. Фарғона водийсида кучайиб кетган месхети-турклар ва ўзбеклар ўртасида турли ифволар ва бўхтонлар натижасида бошланган можароларга эҳтиёткорона ва босиқлик билан, можаролар илдизини билиб, можаролар яна кучайиб кетишининг олдини олиш чораларини белгилаган ҳолда сиёсат юритди. Унинг сиёсий етакчиликка хос фазилатлари, масалага ёндошиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини ўта нозик ва чуқур англай олиш салоҳиятига эга эканлиги мана шу ерда яққол кўзга ташланди. 25 июнь куни Фарғона водийсига борган И.А.Каримов саросимага тушган одамлар билан чин дилдан суҳбатлашди. Хавфсизлик ҳизматининг қаттиқ қаршилига қарамай Қўқон шаҳрига борди, йўл-йўлакай бир-икки жойда тўхтаб, одамларнинг рўй бераётган воқеалар ҳақидаги фикрини билиб олди. Можаролар туфайли зарар кўрганлар савдога чиқариладиган захира ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланди.

Фарғона водийсида тинчлик ўрнатилгач, совет давлати миллий сиёсати ўзини оқлай олмайдиган даражада саёз эканлигини англаган Ўзбекистон раҳбари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан она Ватанларидан мажбуран кўчирилган халқларни 74 йил давомида таъкиб остида ушлаган сиёсатдан ҳимоя қилиш, уларга миллийлик ҳиссини бериш, ғурурни шакллантириш мақсадида республикада миллий маданий марказлар тузиш учун ҳаракатларни бошлади. Бу марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ССР Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди ва уларнинг сони 1989 йилда 12 та эди. Ушбу марказга миллий

маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилиши, турли миллатларнинг урф-одат, диний қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришда кўмак бериши асосий вазифа қилиб белгиланди. Ўша йиллари бутун мамлакатда бўлганидек, миллий маданий марказлар фаолиятида кўп нарсалар биринчи мартаба содир бўлди.

Бундай марказлар, хусусан, поляк миллий маданий маркази "Светлица Польска", корейс миллий маданий маркази "Возрождение" (Тикланиш), озарбайжон миллий маданий маркази "Гардашлўк" (Дўстлик), немис миллий маданий маркази "Видергебурт" (Тикланиш, Wiedergeburt), кабилар республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқлар ўртасида дўстлик, қардошлиқни мустаҳкамлашда шарафли хизматни ўтади. Масалан, Ўзбекистонда "Wiedergeburt" немис миллий-маданий маркази 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистонда истиқомат қиладиган немис халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, ўсиб келаётган немис ёшларига немис тили, халқ байрамлари, халқ кўшиқ ва рақсларини ўргатишни йўлга қўйди. Ушбу миллий-маданий марказ ташаббуси билан биринчилардан бўлиб Рождество - "Weihnachten" байрамини қайта тикланди, 1990 йилда Тошкентда немис Евангелист-Лютеран черкови қайта таъмирланди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармойиши билан Евангелист-Лютеран черкови Ўзбекистонда истиқомат қиладиган немис халқига топширилди. 1992 йилдан эса "Wiedergeburt" номи билан расмий рўйхатга олинди, бутун республика хусусан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғон, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларидаги немис миллий-маданий марказлари очилиб ўз фаолиятини давом эттириб борди. Шунингдек, республиканинг умумтаълим ўрта мактабларида тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилида ўқитиш даражасини кенгайтириш, республика олий ўқув юртларида қозоқ, тожик, қирғиз тилларида ўқитиш бўлимлари ва уларни дарслик ҳамда ўқув кўргазмалари билан қуроллантириш вазифаси ҳам белгиланди.

Республикада кучайиб кетган бу жараёнлар ўз навбатида иқтисодий танглик билан боғлиқ эканлиги маълум эди. Аввал миллий манфаатлари топталган халқларга ўзлигини англашга йўл очган Ўзбекистон энди бутун республикада иқтисодий танглиқни олдини олиш чора-тадбирларни кўриши керак, уларни изга

солиш учун чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш йўллари ишлаб чиқиш ҳам муҳим эди.

Республикадаги вазиятни яхши тушунган Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан 1989 йил 17 августда “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой куриш учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақида” қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг ўтган бир йил мобайнида 60 мингдан зиёд оилага ер участкалари ажратиб берилди. Республикада мавжуд бўлган томорқалар бутун экин майдонларининг 5 фоизини ташкил этган ҳолда, жами 200 минг гектар ерни ташкил этди. Айни пайтда бу ерларнинг ҳар гектаридан кўплаб даромад олинди.

1990 йил 1 ноябрга келиб қишлоқда яшовчи 2.220.129 оиладан 1.327.149 оила янги томорқа участкалари олиш ва мавжудларни кенгайтиришга муҳтож бўлган ҳолда уларнинг 394.098 нафар оиласи янги ер участкалари олишди. Уларга фойдаланишлари учун 55.036 гектар ер ажратиб берилди. Ўз участкаларини кенгайтиришга муҳтож бўлган 933 164 оиладан ҳаммасининг талаби қондирилди. Уларга кўшимча равишда 101.117 гектар ер ажратилди. Натижада, қишлоқ меҳнаткашларининг давлат томонидан олган ерлари 156.153 гектарга етди. Бундан ташқари бу қарор бажариб бўлингандан сўнг янги ташкил топган оилаларга ҳам майдони 11.009 гектар бўлган 87.515 та томорқа участкаси ажратиб берилди. Мазкур ташкил топган хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадида давлат 1990 йилда 765.862 та шартнома тузди.

Ер участкалари йириклаштирилган ҳолда деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг оиласидан орган қисмини бозорга чиқариш имконига ҳам эга бўлди. Натижада, майда товар ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошлади. Бундай ёрдамчи хўжаликлар бозор муносабатларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга муайян ҳисса қўша бошладилар. 1990 йил 28 июлда Президент Ислон Каримовнинг “Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида”ни Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонинг қабул қилиниши қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда яшовчи фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш борасида ташланган яна бир муҳим қадам эди.

Бу ҳаракатлар замирида мустақил тикланиш, миллий давлатчиликни тузиш учун ҳаракатларни сезиш мумкин эди. 1989 йилнинг охирларига келиб ўзбек тилига ҳам Давлат тили макomini бериш учун ҳаракатлар миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг бир йўли эди. Ўзбек тилига давлат тили макomini бериш ҳаракатлари 1988 йилдан бошланган бўлсада, ҳали-ҳануз бир қарорга келишнинг имкони йўқ, матбуотда эса бу ҳақида турли қарашлар ва фикрлар билдирилди, аниқ бир натижа белгиланишнинг имкони бўлмас, марказнинг таъсири ҳам кучли эди. Республикада раҳбарликни бошлаган И.А.Каримов алоҳида комиссия тузиш ҳақида кўрсатма беради. Ушбу комиссия халқ фикрини ўрганиб, ўзбек тилига давлат тили макomini берувчи қонун лойиҳасини тайёрлаши керак эди. Янги тузилган комиссия таркибига норасмий ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилган эди. Лойиҳа муҳокама қилинаётган тўрт ой давомида комиссияга жами тўрт мингга яқин мактуб келиб тушди, бу хатларга жами 150 мингдан ортиқ киши имзо чеккан эди.

Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бу таклифлар ўрганиб чиқилди ва тезда қонун лойиҳасининг янги уч варианты юзага келди. Булар комиссия лойиҳаси, ёзувчилар уюшмаси тузган лойиҳа, норасмий ташкилотлар вакиллари тузган лойиҳалардан иборат эди. Барча лойиҳалар очиқ, холис муҳокама этилди ва уларни ўрганиш, умумлаштириш асосида янги лойиҳа тайёрланиб, у 1989 йил 11 октябрь куни матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрда бўлган 11 сессиясида "Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида" Қонуни қабул қилинди. Шундан сўнг давлат тилини изчил такомиллаштириш мақсадида кенг ҳаракатлар бошланди. Қонунда белгилангандек, Республикада қонун лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар аниқ белгиланган ҳолда фақат раҳбар ходимларгина эмас, балки турли миллат вакиллари билан мунтазам алоқада бўлувчи кишилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ижтимоий таъминот, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа, транспорт, коммунал хўжалик, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ўз вазифаларини бажариши учун етарли даражада давлат тилини билишлари кераклиги таъкидланганди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон раҳбарияти ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтаришда республикада истиқомат қиладиган бошқа халқларнинг миллий манфаатларини ҳам ҳисобга олди. Давлат тили ҳақидаги қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожлашпчи бошқа миллий тилларнинг манфаатларига зид келмаслиги белгиланган эди. Қонунга республикада яшовчи барча халқ ва миллат вакиллари тенг ҳуқуқли эканини кўрсатувчи модда ҳам киритилди.

Бундай ёндашув асосида 1995 йил 24 августда "Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Бу қарор Давлат тили ҳақидаги Қонунни тўлдирди. Шундан сўнг республикадаги русийзабон аҳолининг давлат тилини эгаллашлари учун янада кўпроқ имконият яратиш, шу муносабат билан мактаблар, мактабгача таълим, мактабдан ташқари муассасалардаги ўзбек таълимини янада яхшилаш, такомиллаштириш, улар учун янги дастур, дарслик ҳамда бошқа ўқув қўлланмаларини яратиш, давлат тилини жадаллаштириб ўргатишнинг зарур услубиётини тезкорлик билан ишлаб чиқиш, бу муҳим тадбирда ана шу соҳа мутахассисларининг кенг ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бир қатор вазифалар ҳам амалга оширилди. Шунингдек, ҳарбий, диний ва бошқа соҳаларда керакли тил белгиланишига урғу берилди.

Ўзбек тилининг ижтимоий - сиёсий ва илмий-техникавий атамаларини тартибга келтириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузурида махсус Атамалар қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита олдида тегишли вазифалар қўйилди. Қўмита дастлабки вақтдан бошлаб матбуотда берилган, радио ва телекўрсатувларда қўлланган атамаларни, 15 та вазирлик, қўмита ва идоралардан келган, шу идораларга таллуқли атама ва номланишларни тўплаб, муҳокама этди. Масалан, тиббиёт бўлими соғлиқни сақлашда қўлланиладиган энг долзарб атамаларни тўплаб ўз секциясида муҳокама қилди. Атамалар қўмита бюросида муҳокама қилиниб, яна муҳокамага 22 ташкилотга юборилди.

Умуман, 1989 йилда қабул қилинган давлат тили ҳақидаги қонун айрим камчиликлардан холи бўлмаса-да, бироқ бу қонуннинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда қабул қилинганини ҳисобга олсак, бундай камчиликларнинг

сабабларини тушуниб олиш қийин эмас эди. Мазкур қонун халқ маданий мероси, миллий қадриятларини ўрганиш, тарихий хотирани тиклаш, шу асосда миллий онг, руҳият мустақамлиги, ижтимоий фаоллик кучайишига ҳам йўл очиб берди. Шу маънода миллий тилларга давлат мақоми берилиши социалистик тузумга қарши олиб борилаётган мустақиллик йўлидаги ҳаракатларнинг кучайишига ҳам ижобий таъсир этди. Давлат тили ҳақидаги қонун миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикадаги яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий қадам бўлди ва миллий мустақилликнинг маънавий пойдеворига асос бўлди. Ўз-ўзидан, ушбу Қонун ўзбек халқининг мавқеини тиклашга, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўла амал қилишига катта имкон яратди.

Ўзбекистон аҳолиси хоҳиш-иродасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқнинг чинакам тараққиёти ва гуллаб-яшнашини таъминлаш, унинг маънавий имкониятларини бойитиш зарурлигига асосланиб, Ўзбекистон Президентининг "Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунларн тўғрисида" ги 1990 йил 3 майда қабул қилинган Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар йили 21 мартни дам олиш куни ва умумхалқ Наврўз байрами куни деб эълон қилинди. Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши қўшничилик, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари қудратли омил бўлди.

Маъмурий-буйруқбозлик авж олган миллий ҳис-туйғуларни поймол этиш эвазига шовинистик руҳ билан шаклланган коммунистик тузум XX аср 80-йилларида бутун Ўзбекистон халқини таъна-дашном ва тухматлар домига тортган, "пахта иши" ёки кейинчалик "ўзбеклар иши" номини олган уйдирмалар совет тузуми катағонининг янги босқичи бўлган эли. Юзага келган турли ижтимоий ва иқтисодий характердаги муаммолар мавжуд салбий вазиятни кескинлаштириб юборган, бироқ 1989 йилнинг иккинчи ярмидан республикадаги ўзгаришлар "пахта иши" катағонлари билан боғлиқ бўлган Т.Гдлян гуруҳига нисбатан муносабатли ҳам ўзгартириб юборди. 1989 йилга қадар республика аҳолиси орасида қўрқув ҳиссини уйғотиб келган

"пахта иши" ёки "ўзбеклар иши" уйдирмаларига ҳам 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб барҳам берила бошланди.

Халқнинг прокуратура органларига ишончини уйғотиш, биринчи навбатда халқ ва юрт манфаатларидан келиб чиқиб иш ташкил этиш, Гдлян-Ивановлар томонидан содир этилган қонунбузарликларга барҳам бериш, уларга нисбатан жиноий иш кўзғаш, ноқонуний жазога тортилганларни озод қилиш, марказдан келган "қонун посбонларини" келган жойига қайтариб юбориш, марказ билан алоқани аста-секин узиш ишлари энг муҳим вазифага айланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда "пахтачиликдаги кўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида хўжжатлар тайёрлайдиган" комиссия ташкил этди. Ушбу комиссия тайёрлаган ҳужжатларга таяпиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми жиноий жавобгарликка тортилган 43 кишини гуноҳидан ўтишни Ўзбекистон ССР Олий Советидан сўради. Унда кўплаб шахсларга белгиланган жазо муддатларини енгиллаштириш чоралари сўралган эди. Маълум бўлишича, шу вақт оралиғида "пахта иши"да судланганлар сони 4018 кишини ташкил этган бўлса, республикада бошланган ижобий ўзгаришлардан сўнг реабилитация қилинганлар сони 2940 кишини, қайта терговга юборилганлар 63 кишини, асоссиз судланганлар 1016 кишини ташкил этди.

1990 йил 31 октябрга келиб Олий Советнинг 12-чақирик учинчи сессиясида Ўзбекистон Президентга тавсияси билан республика прокурорининг иттифоқ прокурорига қарамлигига барҳам бериш ва бу тизимнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Прокурори Республика олий органи томонидан тайинланди. Умуман, 1990 йилга келиб совет давлатининг ҳукмронлиги инқирозга учраётган, иттифоқдош республикалар ўз миллий мустақиллиги учун кенг ҳаракатларни олиб бораётган даврлар бўлди. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти ҳам мустабид тузум учун буткул ёт бўлган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан майдонга чиқди. Айнан мана шу давр республиканинг мустақиллик сари йўл олиши билан ифодаланди. Ўзбекистоннинг раҳбари И.А.Каримов бошчилигида бошланган бу йўл тарихий-маънавий тикланиш, марказ томонидан олиб борилган қатағонлик сиёсатига чек

қўйиш, ўзбек халқи шаънини ҳимоя қилиш, иқтисодий таназзул ҳолатини чеклаш, ички бозорни ҳимоялаш, буткул янги ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, марказ таъсирини камайтириш ва бошқа кенг қамровли тадбирлардан иборат бўлди.

1990 йил баҳорида Ислом Каримов горбачёвча қайта қуриш боши берк кўчага кириб қорғанини англаб етди. Ўша вақтда СССР сиёсатчилари орасида бундай одамлар камдан-кам эди. Россияда ва бошқа иттифоқдош республикаларда тобора кучайиб бораётган тартибсизликлар Ўзбекистонда ҳам юз бермаслиги учун қатъий чоралар кўриш керак эди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг озгина заифлашуви ҳам республикада миллатлараро низолар янгидан бошланишига, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли Горбачев ва унинг атрофидагилар норози бўлишига ва қаршилик кўрсатишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Олий республика Президентлигини жорий этди.

1990 йил 23 мартда эса Ўзбекистон Компартияси МКнинг Пленуми ҳам республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиққан ва унда Ўзбекистон ҳокимиятнинг Президентлик бошқаруви шаклига ўтиши республика суверенитети ва давлатчилигида моҳиятан янги босқич эканлиги таъкидланганди. 1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ 1 сессиясида СССР доирасида биринчи бўлган сиёсий ҳужжатни - "Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви таъсис этиш тўғрисида"ги қарорни қабул қилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. Шу тариқа, Ўзбекистон - СССР республикалари ичида биринчи бўлиб ўзининг миллий ҳуқуқий ва демократик давлатига мустақам замин яратди. Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг ўзиёқ президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришишида кўйилган яна бир муҳим қалам бу 1990 йил 20 июнда "Мустақиллик Декларацияси" қабул қилиниши бўлди. Мазкур қонун Ўзбекистон қонунларининг Иттифоқ қонунларидан устуворлигини таъминлади. Декларацияда ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларига ва демократия

тамойилларига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат суверенитети эълон қилинди. 1990 йил 1 октябрда “Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг таркиби тўғрисида” Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони эълон қилинди. Фармон асосида Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашнинг 14 кишидан иборат аъзолари тайинланди.

Ўзбекистон Президентининг бевосита кўрсатмаси билан республика ички ишлар вазирлигининг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрлар қўйилди. Бу тадбирларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб. 1990 йил 31 октябрда Президент имзолаган "Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида"ги ЎзССР Қонуни, 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

1991 йил 31 августга келиб "Мустақиллик Декларацияси" Ўзбекистоннинг мавжуд бўлган бошқарув, ҳуқуқий фаолиятини таъминлаш, барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди. 1991 йилга келиб Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш борасида дадил ишлар бошланди. 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши "Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида" махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, республикада қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунинга мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганлиги билан ажралиб тура бошлади. Хусусан, 1991 йил 21 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг "Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсинувчи давлат корхонлари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш" тўғрисида қабул қилган қарори ҳам Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий - иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар ташланганлигининг исботи бўлиб қолди.

1991 йил 18 августда Москва шаҳрида бир гуруҳ авантюристлар М.Горбачевни раҳбарликдан четлаштириб,

Фавқулудда ҳолат давлат комитетини тузади. Бу воқеа “ГКЧП воқеаси” номи билан тарихга кирди. ГКЧП раҳбарларининг асосий мақсади мустақиллик сари интилаётган миллий республикаларга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни кучайтириб, тобора заифлашиб бораётган қизил империяни сақлаб қолишдан иборат эди. Шу мақсадда улар бутун СССР ҳудудида фавқулудда ҳолат жорий этмокчи, миллий республикаларнинг ўз халқи манфаатларини ўйлаб қилган қонун ва қарорларини бекор этмокчи бўладилар.

Ўзбекстоннинг раҳбари бу вақтда Ҳиндистон сафарида бўлиб, Республика раҳбарининг йўқлигидан фойдаланган Ўзбекистон ССР вице-президенти ва Ўзбекистон Компартиясининг иккинчи котиби Ўзбекистон ССР ҳудудида СССРда Фавқулудда ҳолат давлат кўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида кўрсатма бериб юборадилар. И.Каримов Фавқулудда ҳолат эълон қилинганини эшитиб, зудлик билан Тошкентга қайтади ва Ўзбекистон ССР ҳудудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма беради. 1991 йил 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Совети, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида мажлис ўтказади. Унда сўзга чиққан И.Каримов ҳар биримиз оғир ва вазмин бўлишимиз кераклигини, бошимизга тушган синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан, авваламбор, ақл ва идрокимизни бир жойга йиғиштириб, инсоф ва виждонни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз кераклигини" алоҳида таъкидлаб ўтади. 1991 йил 21 август куни Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Фармони билан Фавқулудда ҳолат давлат кўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонига биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва давлат хавфсизлиги кўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси, прокуратураси, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон

ҳарбий округи қисмлари ва қўшинлари партиядан бутунлай холи қилинди.

Умуман, XX асрнинг 80-йиллари рўй берган улкан сиёсий воқеалар жаҳон тараққиётини кескин ўзгартириб юборди, қарама-қаршиликка, синфий зиддиятга, ўзаро камситишларга ва зўравонликка асосланган, бесамар «социалистик тараққиёт» йўлини маҳкам ушлаган, дунёнинг олтидан бир қисмида умумбашарий ғояларни рад этиб, фақат куч ишлатиш ва халқларни қарамликда сақлаб туриш йўлини амалга ошириб келган йирик ва сўнгги империялардан бири бўлган СССРнинг парчаланиб кетиши дунёда янгича сиёсий, ижтимоий, маънавий қиёфа касб этди. Мустамлакачиликнинг услубига асосланган мустабид империя ўрнида умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва демократия тараққиётининг асосий йўналиши килиб олган мустақил давлатлар пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган МДХ давлат ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий тараққиёт янги босқичига қадам қўйдилар. Ўзбекистон Республикасининг қарамлик асоратидан қутилиб, давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги халқимиз тақдирида буюк ўзгаришлар ясади.

Мустақиллик Декларацияси.

Ҳап Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида борганда, шубҳасиз, Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиш лозим. Зеро, бу муҳим ҳужжат Ўзбекистонинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Декларацияни қабул қилишда республика Олий Совети депутатлари фаоллик кўрсатдилар. Ўзбекистондаги тарихий шарт-шароит ва вазиятни ҳисобга олган 200 дан ортиқ депутат XII чақириқ республика Олий Советининг иккинчи сессияси **(1990 йил 18 июнда)** бошланишидаёқ мустақиллик Декларацияси қабул қилишни кун тартибига киритишни ва кечиктирмасдан шу сессияда уни қабул қилишни қатъий талаб этдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати аъзолари, комиссия раислари ва муовинлари «Мустақиллик Декларацияси» хусусида

фикрлашиб, депутатлар фикрини олиш ва сўнг уни сессияга олиб чиқиш лозим деб топдилар.

19 июнь куни 40 дан ортиқ депутат, доимий комиссияларнинг раислари, ҳуқуқшунослар тайёрлаган Декларация матни батафсил кўриб чиқилди. Натижада бу масала 20 июнь куни сессияда кун тартибига киритилди.

«Мустақиллик Декларацияси» депутатлар томонидан моддама-модда, бандма-банд муҳокама қилинди, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қондаси билан кафолатланиши қайта-қайна таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида кўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олиниши уқтирилди. Сессияда қабул қилинган «Мустақиллик Декларантjаси» кириш қисмига қуйидагича ёзиб қўйилди:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қондалари, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади”.

Шунингдек, биринчи моддада: «Ўзбекистон ССРнииг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир” – деб белгилаб қўйилди. Сессия қабул қилган «Мустақиллик Декларацияси» халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган, Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсин. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар. Ўзбекистон Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ката аҳамиятга эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевосита қаратила бошлади.

1991 йил 22 июлда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини «Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилиб, жумладан, унда «Ўзбекистон ССРнинг «Мустақиллик Декларацияси»га амал қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат жамоалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хўжалик мустақиллигини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида жойлашган иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтади», деб қайд қилинди.

Шунингдек, ушбу қарорда «Ўзбекистон ССР Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР ҳуқуқий тобелгига ўтиши тартибини белгилаш вазифаси топширилди».

Шундай қилиб, ўтган аср 90-йилларнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар қўйдилар. Бу қадамлар халқ томонидан ҳам қониқиш билан кутиб олина бошлади.

Савол ва топшириқлар.

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонда халқ хўжалигини тиклаш жараёни қандай кечди?
2. XX аср иккинчи ярмидан то мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон маданий-маънавий қарамлик қандай оқибатларга олиб келди?
3. 40-йиллар охирлари - 50-йиллар бошларидаги қатағонлик мазмун-моҳиятини изоҳланг.
4. 50-80- йиллар республика иқтисодий ҳаётидаги бир томонлик ва унинг оқибатларини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистонда кечган демографик жараёнларнинг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди?
6. Республикада экологик ҳолатнинг кескинлашиши сабаблари нимада эди?
7. XX аср 50-80 йиллардаги маданий жараёнлар ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
8. Ш.Рашидов фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
9. 80-йиллардаги қатағонлик хусусида сўзлаб беринг.
10. “Қайта қуриш” сиёсати ва унинг Ўзбекистондаги салбий оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
11. 80-йиллар охирлари - 90-йиллар бошида республикадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт қай йўсинда кечди?

15-мавзу бўйича адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2004.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, Асарлар, 13 жилд, 174-222 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Вазирлар маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август. Т.: Ўзбекистон. Асарлар 16 жилд. 3-56 бетлар.

- 4.Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Асарлар, 13 жилд, Т.: Ўзбекистон, 2005 йил. 133-155бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
- 6.Юсупов Э.Истиқлол йўлида.Т.: Фан, 1996.
7. Усмонов Қ. Ўзбекистон мустақиллик одимлари. Т., 1994
8. Ўзбекистон Республикаси:мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т.: Ўзбекистон. 1992.
9. Усмонов Қ., Абдуғаниев А. Ўзбекистон-сиёсий ва ҳуқуқий ислохатлар сари. Т.: Ўқитувчи, 1996.
10. Ўзбекистон тарихи.Р.Х Муртазаеванинг умумий таҳрири остида.-Т.: Университет, 2005, 413-449; 479-502 бетлар.
11. Q.Usmonov, M.Sodiqov,S.Burxonova. O'zbekiston tarixi. Darslik, Т.: Iqtisod-moliya, 2006.
12. Ўзбекистонинг Янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., III жилд, 2000.

Таянч сўзлар.

Ўзбекистон, ССР, совет, съезд, компартия, қарамлик, катагонлик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, демографик, урбанизация, маданий ҳаёт, мафкура, “қайта куриш”, концепция, экологик фожеа, Фарғона, Тошкент, Марказ, мустақиллик, декларация, Президент, марказий комитет, социалистик, агар сиёсат, саноат, пахтачилик, хом ашё.

ГЛОССАРИЙ

Аграр сиёсат – Россия империяси Туркистонни босиб олгач ер-сув масалаларига доир олиб борилган сиёсат. Туркистонни пахта хом ашёси етиштирадиган мутсамлакага айлантириш, Туркистон ҳисобига пахта мустақиллигига эришиш Россия аграр сиёсатининг бош мақсади қилиб белгиланган. Россия империясининг Туркистонда юритган аграр сиёсатида Россиядаги “ортиқча аҳолини” кўчириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чор ҳукумати олиб борган аграр сиёсат туфайли, тез орада ўлканинг барча ҳосилдор ерлари Россия империясининг улкан даромад манбаига айланди.

Америка пахтаси – XIX асрнинг биринчи ярмида Россия саноатини таъминлаб турган пахта нави. 1861-1864 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли Россияга пахта етказиш кескин камайиб кетди. Чор маъмурияти саноатчилари Туркистондаги АҚШга нисбатан арзон пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга ўлкада Америка навини жорий этиш чора-тадбирларини ҳам кўрдилар. Бу пахта нави 1875 йилда Тошкент яқинида, Бухоро хонлигида, 1878 йилда Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда экилган. Россия тўқимачилик корхоналаридаги синовдан яхши ўтган бўлсада, бу нав кам ҳосиллик бўлгани учун, XIX асрнинг 80-йилларидан кўп ҳосилли ва сифатли Америка пахтасининг «Упланд» нави маҳаллий шароитга мослаштирилди.

Амирилашкар Алимқули – Ватан озодлиги ва эрки йўлида жонини тиккан, унинг ҳар бир қарич ерини мақаддас билиб, душман қўлида қолдирмаслик учун фидокорона кураш олиб борган давлат арбоби. 1862 йилда Қўқон хони Шохмурдбек Алимқулига Амирилашкар олий унвонини берган. Алимқули 1865 йилда руслар билан Тошкент учун бўлган жангда оғир яраланиб, ҳалоқ бўлган.

Бекович-Черкасский экспедицияси – 1817 йилда рус императори Пётр I томонидан Хива хонлигига юборилган ҳарбий қўшин. Бу экспедицияга асли ватани Қабарда (Кавказда) бўлган Искандарбек, кейинчалик насроний динини қабул қилиб Александр Бекович-Черкасский номини олган Преображенск полки поручиги раҳбарлик қилган. Бековичга Пётр I томонидан махфий йўриқнома берилган бўлиб, унда Амударёнинг Каспийга

куйилган эски ўзанида истехком куриш, Хива хонлигини Россия тобелигига ўтказиш, Каспий денгизи орқали Ҳиндистонга борадиган йўлларни аниқлаш, Хива ва Бухоро давлатлари ҳақида маълумотлар тўплаш алоҳида таъкидланган эди. Бекович 1817 йил май ойида 6 000 кишилик қўшин билан Гурьевга етиб келади ва бу ердан 3000 кишилик қўшин билан Хива томонга юради. Хива хони Шерғозихон Черкасский билан музокаралар олиб бориб уни қўшинни беш қисмга ажратишга кўндиради ва уларни алоҳида кириб ташлайди.

Биринчи жаҳон уруши – 1914 йил 28 июлда Австрия-Венгриянинг Сербияга уруш эълон қилиши билан бошланган. 29 июлда Сербиянинг иттифокчиси сифатида Россия ҳам урушга кириб ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди. Россия 1918 йил март ойида (Брест сулҳи) катта йўқотишлар билан урушдан чиқишга мажбур бўлди. Бу уруш Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Уруш йиллари минг-минглаб тонна пахта маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар, гўшт маҳсулотлари, минглаб чорва моллари ўлкадан фронтга жўнатилди. Айниқса, 1916 йилги “Мардикорликка олиш” ҳақидаги фармондан сўнг Туркистоннинг деярли барча ҳудудларида миллий-озодлик ҳаракатлари авж олди.

Вабо исёни - 1892 йилнинг ёзида Тошкентда бўлиб ўтган, тарихда «Вабо исёни» ёки «Тошотар воқеаси» номини олган кўзғолон. XIX асрнинг охиридаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлган бу кўзғолон совет даври адабиётларида ўлкада вабо касалини олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик курашининг бир босқичи эди. Бу ҳаракат қурол кучи билан шафқатсизларча бостирилиб, қўлга олинган 60 кишидан 8 киши ўлим жазосига, қолганлари қамоқ ва сургунга ҳукм қилинган.

Вилоят бошқаруви – Туркистон генерал-губернаторлигидаги бошқарув усули. Ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси томонидан амалга ошириб борилган. Ҳарбий губернатор–ҳарбий ва ҳарбий-фуқаролик мақомига эга бўлган. Унинг қошида амалдорлар ва вилоят бошқармаси мавжуд бўлиб, вилоят бошқармасига ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси раислик

қилган. Вилоят бошқармасида учта фармон берувчи, хўжалик ва суд бўлимлари мавжуд бўлган. Бўлим бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган ҳамда вазифасидан озод этилган. Маҳаллий маъмурий бошқарувнинг бўлиниши куйидагича бўлган – вилоят-уезд-волост-қишлоқ-овул.

Дашт комиссияси - 1865 йилда император Александр II фармони билан махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс раислигида тузилган. Ушбу комиссия Оренбург ва Ғарбий Сибирь генерал-губернаторликлари ҳамда Туркистон вилояти турмуш тарзи ва умумий аҳволини ўрганиш учун Ўрта Осиёга жўнатилган. Комиссиянинг асосий вазифаси босиб олинган ҳудудлардаги шароитни ўрганиш ҳамда уларни қандай бошқариш ҳақида низом тузиш учун маълумотлар тўплаш, мустамлакачиликка асосланган ўлка бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди.

Дукчи Эшон кўзғолони – Россия империяси мустамлакачилигига қарши қаратилган XIX асрнинг охирларидаги энг катта ҳаракат. Тарихда “Андижон кўзғолони” деб номлаган. 1898 йил май ойида Андижоннинг Мингтепа қишлоғида бошланган. Кўзғолон атрофлича ва пухта тайёрланмай, режасиз, яхши қуролланмаган ҳолда бошланган бўлса-да, чор маъмурларини қаттиқ ташвишга солган. Мустамлакачилар кўзғолончиларга қарши катта ҳарбий кучларни ташлаб, уларни шафқатчизларча бостирди. Кўзғолон раҳбари дорга осилди. Бу ҳаракат Фарғона водийсининг Асака, Қува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳар ва қишлоқларида кенг ёйилди. Аммо, рус кўшинлари барча ҳаракатларни ваҳшийларча бостирдилар.

Ер фонди бошқармаси – Россиядан Туркистонга кўчиб келувчилар тобора кўпайиб борганлиги боис XX асрнинг бошларида Туркистонда тузилган ташкилот. Ушбу бошқарма рус мужикларини уй-жой, ер, дехқончилик воситалари билан таъминлаб турган. Шунингдек, бу ташкилот асосан суғориладиган ерларни кейгайтириш ҳамда маҳаллий аҳолига тегишли бўлган ерларни турли сабабларни баҳона қилиб тортиб олиш ва мусодара қилиш билан машғул бўлган.

Ер ҳақидаги Низом – 1873 йилда К.П.Кауфман томонидан ишлаб чиқилган. Бу Низомга кўра, фақат қонуний ҳужжатлари бўлган кишиларгина ўзларига тегишли ерларни хусусий мулк қилиб олишлари мумкин эди. Аммо, маҳаллий аҳолининг катта

қисмида бундай ҳужжатлар йўқ бўлиб, уларни бериш ёки борларини тасдиқлаш чор маъмурларининг хоҳишларига боғлиқ эди. Бу ҳолат эса мустамлакачи маъмуриятга ҳужжатлари бўлмаган деҳқонларнинг ерларини осонгина тортиб олиш учун қулай имконият берар эди. Маҳаллий аҳоли ерларининг тортиб олиниши, ерларнинг мулкдорлар қўлида тўпланиши шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг ижтимоий-қатлам ва табақаларга ажралишига олиб келди. Улар йирик ер эгалари, шаклланиб келаётган қишлоқ буржуазияси, ўрта ҳол ва қамбағал деҳқонлар, чорапорлар ва мардикорларга бўлина бошладилар.

Жиззах қўзғолони – 1916 йил ёзида “Мардикорликка олиш” ҳақидаги фармонга қарши бутун Туркистон ўлкасида кўтарилган. Қўзғолоннинг энг кучли маркази Жиззахда бўлган. 1916 йил 13 июлда бошланган бу қўзғолон 18 июлга келиб янада кенгайиб кетди. Подполковник Афанасьевнинг жазо отряди бу қўзғолонни бостира олмади. Туркистон генерал-губернатори 21 июлда Жиззахга полковник Иванов бошчилигида катта жазо отряди юборди. Эски Жиззах аёвсиз тўпга тутиб, ёндириб юборилди. Аёвсиз бостирилган бу қўзғолонда ўн минглаб маҳаллий аҳоли, қўзғолон йўлбошчилари Назирхўжа Эшов ва Абдурахмон Жевачилар ҳалоқ бўлдилар. Маҳаллий аҳолидан 1810 десятина ҳосилдор ерлар тортиб олиниб, уларнинг эгалари чўлга қувғин қилинди.

Зобитлар - Ўрта Осиё ҳудудларини Россия томонидан истило этилишида қатнашган ҳарбийлар. Оддий зобитдан олий даражали зобитгача бўлган ҳарбийларнинг катта кўпчилиги ҳарбий хизматдан истеъфога чиққач, Туркистонга муҳим ўрнашиб қолиб, бу ерда катта-катта ер-мулкларига, завод ва фабрикаларга эгалик қилганлар ҳамда йирик саноатчиларга айланганлар. Уларнинг асосий мақсадлари ўлка бойликларини талаш, ўзлаштириш ва Россияга ташиб кетиш эди.

Иккинчи жаҳон уруши - Инсоният жуда кўплаб урушларни бошидан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси, 50 млндан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган, XX аср фожиаси бўлмиш иккинчи жаҳон урушидир. Олти йил (1939 йил сентябр-1945 йил сентябр) давом этган бу уруш ер шарининг 80% аҳолиси жойлашган ҳудудни ўз ичига олган 61 та мамлакатни қамраб олди.

Кенесари Қосимов – XIX асрнинг 30-40-йилларида қозоқларнинг русларга қарши кураши йўлбошчиси. Хива хонлиги ҳудудларида яшаган қозоқлар К.Қосимов бошчилигида русларга

кўплаб хужумлар уюштирганлар. 1840 йилги Перовский экспедицияси тор-мор этилгач қозоқларнинг мустақиллик учун курашаётган К.Қосимов ҳаракати янада кенг ёйилди. Хива хони бу ҳарактни доимо қўллаб-қувватлаб турди. 1842 йилда К.Қосимов ўзаро низомлар натижасида ўлдирилгач унинг 20.000 кишилиқ тарафдорларининг кўпчилиги Қўқон хонлиги, бир қисми эса Хива хонлиги ҳудудларига ўтиб кетдилар.

Камолон дарвозаси – 1865 йил 15 июн тонг соҳарда рус босқичилари бостириб кирган Тошкент дарвозаси. Манбаларга кўра, хоиларнинг маълумотларидан фойдаланган руслар даставвал деворнинг бир киши ўтадиган жойидан киришиб, дарвоза атрофидаги мудофачиларни ўлдирганларидан сўнг, дарвозани очиб, полковник Абрамов бошчилигидаги 250та аскар биринчи бўлиб шаҳарга кирган. Шундан сўнг Қорасарой ва Қўқон дарвозалари ҳам очилиб, минглаб мудофачиларнинг ҳалоқ бўлиши эвазига Тошкент русларга таслим бўлди.

Кўчириш сиёсати – Россия империясидаги ишсиз, ерсиз аҳолини Туркистон ўлкасига кўчириш. 1875 йилда фон Кауфман томонидан бошланган. Бу сиёсатнинг моҳияти – Туркистонда стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш, мустамлакачилик тартибларини изчиллик билан ўрнатиш, маҳаллий аҳолини руслаштириш, ўлкани ҳом ашё базасига айлантириш, ўлкада империянинг таянч пунктларини мумкин қадар кўпайтириш зарурияти билан изоҳланади. Кўчириш сиёсатида дастлаб катта имтиёзлар (ер-сув, моддий ёрдам, озиқ-овқат ва б.) берилиши туфайли ихтиёрий кўчиб келувчилар сони кўпайиб борди. Шу сабабли 1886 йилда махсус Кўчириш комиссияси тузилган. Фақатгина Еттисув ва Сирдарё вилоятларида 1914 йилги ҳолат бўйича 82 864 нафар киши кўчиб келган.

Қўнғиротлар – Хива хонлигида ҳукмронлик қилган сулола. 1763 йилдан бошлаб Хивада амалда қўнғирот уруғи иноқлари ҳокимият тепасига келган бўлса-да, 1804 йилга қадар Хива хонлари ҳукмдор сифатида бошқа шахсни (сохта хон) хон деб эълон қилганлар. 1804 йилда Элтўзархон ўзини расмий хон деб эълон қилгач, Хивада қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги расмий қарор топди. Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлигидаги Хива хонлигининг нисбтана кучайиши Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 йй.), Сайид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) (1864-1910 йй.)

даврларига тўғри келади. Қўнғиротлар сулоласи 1920 йил 2 февралда большевиклар томонидан ағдарилди.

Мардикорликка олиш – 1916 йил 25 июнда рус подшоси Николай Пнинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районларида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш» ҳақида эълон қилган фармонининг маҳаллий халқ ичидаги атамаси. Ушбу фармонга кўра, Сибир, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказorti халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши сафар қилиниши режалаштирилган. Жумладан 50 минг нафар Фарғона вилоятидан, 87 минг нафар Сирдарё вилоятидан, 88 минг нафар Самарқанд вилоятидан мардикор олиш эълон қилинди. Натижада 1916 йил 4 июлдан бошлаб мардикорликка олишга қарши маҳаллий аҳолининг оммавий ҳаракатлари бошланди.

Манғитлар – XVII асрнинг иккинчи ярмидан Бухоро давлатида ҳокимият тепасига келган сулола. Бу сулоланинг асосчиси Раҳим бий ибн Ҳақимбий ибн Худоёрхон бўлиб, у 1756 йилда саййидлар, хўжалар ва руҳонийлар томонидан Бухорода хон қилиб кўтарилган бўлса-да, ўзини “ноиб ул-ҳукумат” (ҳоким ўринбосари) деб атаган. 1875 йилда Шоҳмурод «амир (ул-мўминин)» унвони билан Бухоро тахтига ўтирган. Амур Шоҳмуроддан сўнг Бухоро тахтини амир Ҳайдар, амир Ҳусайн, амир Умар, амир Насруллоҳ, амир Музаффар, амир Абдулаҳад, амир Олимхонлар бошқарганлар. Амир Музаффар даврида Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига (1868 й.) айланди. Охирги ҳукмдор амир Олимхон 1920 йилда большевиклар томонидан тахтдан туширилди. Олимхон 1944 йил 29 апрелда Афғонистоннинг Қобул шаҳрида вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

Миллий озодлик ҳаракатлари – замонавий адабиётларда Россия империяси босқини ва зулмига қарши олиб борилган курашларнинг умумий атамаси. Россия империяси ўлкани босиб олган дастлабки даврдан бошлаб то 1917 йилга қадар кўпдан-кўп миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтган. Уларнинг энг йириклари, чор ҳукуматини ҳам ларзага солганлари қуйидагилар: 1878 йил Андижондаги Етимхон кўзлағони, 1873-1876 йиллар Қўқон хонлигидаги Пўлатхон кўзғолони, 1885-1890 йиллар Андижоннинг Қўрғонтепа уездидаги Дарвешхон тўра

ҳаракатлари, 1892 йил Тошкентдаги “Вабо исёни”, 1898 йил Андижондаги “Дукчи Эшон” кўзлағони, 1904-1907 йиллар Самарқанд вилоятидаги “Намоз ботир” ҳаракатлари, 1916 йилги “Жиззах кўзлағони” номини олган бутун ўлкада ёйилган ҳаракатлар. Ушбу миллий-озодлик ҳаракатлари маҳаллий халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши стихияли (ўз-ўзидан) норозилиги сифатида шаклланиб борган бўлса, кейинроқ бу ҳаракатлар империя мустамлакачилигига бутунлай барҳам бериш, янги мустақил Туркистон давлатини барпо этиш ғоялари билан боғланадики, бундай ғояларнинг шаклланиши ва ёйилишида жаидлар алоҳида жонбозлик кўрсатган эдилар.

Минглар - XVIII асрнинг бошларида аштархонийлардан мустақил Қўқон хонлигини ташкил этган сулола. Сулола асосчиси Шоҳруҳбий ибн Ашур Муҳаммад (1709-1710 йй.) Чодак хўжалари қўлида бўлган сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олиб, 1709/1710 йилда Фарғона водийсидаги минглар сулоласига асос солди. Шоҳруҳбийдан кейинги ҳукмдорлар Абдурахимбий, Абдукаримбий, Норбўтабийлар даврида олий ҳукмдор «бий» ва “бек” унвонлари билан аталган бўлса, Олимхон давридан (1805 йй.) ҳукмдорлар расман “хон” деб юритила бошланди. Минглар сулоласининг кучайган даври Умархон (1810-1822 йй.) даврига тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ва ички низолар оғирлашиб, бунинг устига Россия истилоси бошланди. 1876 йил 19 февралда 150 йилдан кўпроқ ҳукм сурган Қўқон хонлигидаги минглар сулоласи тугатилиб, унинг ўрнига Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти ташкил топди.

Мустамлакачилик сиёсати - XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси Туркистонла олиб борган сиёсат. Бу сиёсат Туркистон халқларининг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бу сиёсатнинг моҳияти – бошқарув соҳасида шафқатсизликка асосланган найранглар, ўлкани руслаштириш, ўлкани хом ашё манбаи ва рус саноати маҳсулотлари бозорига айлантириш, миллий ҳурфикрликни буғиб қўйиш ва йўқотиш, саноатни Россия манфаатларига мос равишда ривожлантириш, миллий-маданий қадриятларига хизмат қилувчи ҳар қандай жараёнларга йўл бермаслик кабилар эди.

Намоз Пиримқулов – ХХ аср бошларида, аниқроғи, 1904-1907 йиллар Самарқанд вилоятида рус мустамлакачиларига қарши норозилик ҳаракатларига бошчилик қилган. Халқ орасида “Намоз ботир” номи билан танилган. Намоз Пиримқулов ҳаракати Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах ва Хўжанд туманлари, Бухоро амирлигининг чегара ҳудудларида кенг ёйилган. Ҳаракат қатнашчилари волост бошлиқлари, оқсоқоллар, чорвадор бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб камбағалларга бўлиб берганлар. Қасоскорлар чор маъмурияти вакиллари ва уларнинг тарафдорларини аёвсиз жазолаганлар. Намоз Ботир 1905 йил октябрда сотқинлар туфайли қамоққа олиниб, 1906 йил 2 февралда турмадан қочишга муваффақ бўлди. Унинг гуруҳига қарши Туркистон жанговар казак дивизияси қисмлари юборилади. Туркистон генерал-губернатори «ўзбек Дубровскийси» бўлмиш Намоз ботирни қўлга олишни ташкил қилиш операциясига Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг ёрдамчиси полковник Сусанинни шахсан жавобдан қилиб тайинлаган. Намоз ботир 1907 йил 3 июнда (яна бир тахминда 1 июнда) хиёнаткорона ўлдирилди.

Низомлар – Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш учун жорий этилган қонун лойиҳалари. Бошқарув тизими Россия ҳукумати учун жуда муҳим бўлиб, босиб олинган жойларда мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам 1865-1916 йиллар оралиғида ўнта (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар) Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган. Уларнинг моддаларидаги адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгаришлар Туркистон маъмурияти бошқарувининг кескин ҳарбийлашгани билан ажралиб туради.

Олой маликаси – Қурбонжон Мамат қизи. «Олой маликаси» номи билан доврўғ қозонган бу аёл 1811 йилда Ўш яқинидаги Модди қишлоғида қирғиз чўпони оиласида туғилган. Андижон ҳокими Олимбекнинг рафиқаси бўлган. Қурбонжон Қўқон хони, сарой ҳаёти, хон амалдорлари билан яқиндан танишиб, Нодирабегим, Увайсий ва бошқалар билан мулоқотда бўлганлиги боис, эри Олимбекка Андижон вилоятини бошқаришда кўмаклашиб турган. У эри Олимбек каби от чопиш, ўқ отиш, қиличбозлик соҳасида кўпчиликни ҳайратда қолдирган.

1863 йилда Олимбек фитна орқали ўлдиргач, Қурбонжон кўп ўтмай ўз юртига қайтиб келади ва у ерда «Олой маликаси» деган ном олади. 1865 йилда Бухоро амири билан Қўқон хони тарихда биринчи марта аёл кишига «Додхоҳ» - саркарда унвонини бердилар. Худоёрхон бу аёлни бутун Олой водийсига ҳоким этиб тайинлади. Рус истилочиларининг Қўқон хонлигини босиб олишига қарши курашда Қурбонжон додхоҳ ва унинг ўғиллари ҳам фаол иштирок этдилар. Ўзаро урушни тўхтатиш ҳақидаги музокаралардан сўнг генерал Скобелев Қурбонжон додхоҳ билан учрашиб, унинг елкасига зарбоф чопон ёпди. Рус кўмондонлиги уни генерал сифатида тан олди. Қурбонжон додхоҳ 31 невара, 57 чевара, 6 эвара кўриб, 1907 йилда Ўшда вафот этган.

Перовский экспедицияси – Россия императори Николай I томонидан 1839 йилда Хива хонлигига юборилган. Бу экспедицияга Оренбург генерал-губернатори Василий Перовский бошлик қилган. Перовский 1839 йилнинг охирларида 5 мингдан зиёд қуролланган кўшин билан Хива хонлиги устига юриш бошлади. Аммо, йўлдаги оғир шарт-шароитлар рус кўшинларининг юришини қийинлаштирди. 1840 йилнинг бошларида Хива хонлиги чегараларига етиб келган Перовский кўшинлари Хива хони Оллоқулихоннинг ўзбек, қозоқ ва туркманлардан иборат бирлашган кўшинлари томонидан тор-мор этилди. Перовский қолган-қутган аскарлари билан орқага чекинишга мажбур бўлди.

Полковник Шауфус – Туркистон генерал-губернаторлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида 1868 йил 13 февралдаги шартномага асосан Қўқонга ҳам элчи, ҳам жосус бўлиб тайинланган шахс. У ўзи тўплаган маълумотлари асосида, Худоёрхон Россия империяси маъмурияти томонидан эканлиги, бироқ унга қарши иккинчи гуруҳ мавжудлиги ва бу гуруҳ Шерали додхоҳ билан Абдурахмон офтобачи томонидан бошқарилаётганини Туркистон генерал-губернаторига етказган. Шунингдек, Шауфус хонликдаги иқтисодий ва ҳарбий – стратегик вазият ҳақида ҳам маълумотлар бериб турган.

Пўлатхон - ҳақиқий номи Мулло Исҳоқ мулло Ҳасан ўғли. У Марғилон шаҳрига яқин Уҳна деган қишлоқда яшовчи Бўстон қабиласига мансуб оилада туғилган. Мулло Исҳоқ Қўқон хонлигининг нуфузли амалдорларидан бири Абдулмўмин додхоҳ билан дўстлашиб, унинг таклифига кўра сохта Пўлатхон (Қўқон

хони Олимхоннинг набираси) номини қабул қилади ҳамда Худоёрхон зулми ва Россия босқинига қарши курашга, жумладан, 1873-1876 йилларда Қўқон хонлигида рус босқинчиларига қарши олиб борилган курашларга бошчилик қилади. Хонликдаги обрули амалдорлар Исо Авлиё, Абдурахмон офтобачи, хоннинг укаси Султон Муродбек, ўғиллари Насриддинбек, Муҳаммад Аминбек ҳам Пўлатхон томонидан туриб курашдилар. Узоқ, муросасиз, тенгсиз ва шафқатсиз курашлардан сўнг Пўлатхон кўзғолони бостирилиб, 1876 йил 1 мартда Мулла Исҳоқ (Пўлатхон) Марғилонда дорга осилди.

Россияда ўтказилган ер ислохотлари – 1861 йилда ўтказилган бу ислохотга қадар рус деҳқонлари давлатга, дворян ва помещикларга қарам бўлган крепостнойлар эдилар. Ислохотдан кейин деҳқонларга эркинлик берилиб, қишлоқ хўжалигидан бўшаган аҳолининг катта қисми шаҳарларга кўчиб кета бошладилар. Аммо, Россия шаҳарлари саноат соҳасида тажрибасиз бўлган собиқ деҳқонларни иш билан таъминлашга қодир эмас эди. Натижада, рус маъмурлари «ортиқча» нотинч аҳолини кўчириш сиёсатини олиб бордилар.

Рус қишлоқлари – Россия империясининг кўчириш сиёсати туфайли пайдо бўлган, рус аҳолиси яшайдиган қишлоқлар. Биринчи рус қишлоғи 1875 йилда Авлиё ота туманида пайдо бўлиб, ўша йили уларнинг сони Авлиё отада 8тага етди. Маҳаллий аҳолининг минглаб гектар ералри ҳисобига кўчиб келганларнинг янги қишлоқ, посёлкалари бунёд этилди. 1875 йилдан 1890 йилгача ўлкага 1300та оила кўчиб келиб, 19та рус қишлоғи пайдо бўлган. 1891-1892 йилларда Россиядаги очарчилик туфайли бу қишлоқлар сони 25тага етган. 1910 йилга келиб Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 124 та рус қишлоғи мавжуд бўлиб, уларда 70мингга яқин рус аҳолиси яшарди. 1906-1913 йиллар давомида эса Туркистон ўлкасида 116 та рус посёлкаси барпо этилган.

Рус мужиклари – Россия империясининг кўчириш сиёсати натижасида XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб Туркистонга келган рус аҳолиси қатлами. Империя маъмурияти ҳар қандай қилиб бўлса ҳам унумдор ерларни рус мужикларига ажратиб беришга ҳаракат қилган. Рус мужикларининг аксарият қисми ҳозирги Қозоғистон ва Қирғистон ҳудудларига жойлаштирилиб, уларга катта имтиёз ва имкониятлар берилган. Маҳаллий

аҳолининг кўплаб кўзғолонларини бостиришда ҳарбий кучлардан ташқари кўчиб келган рус мужиклари ҳам иштирок этганлиги манбалардан маълум. Айнан шунинг учун ҳам 1898 йилги Андижон кўзғолонидан сўнг рус мужиклари кўплаб миқдорда милтиқ ва ўқ-дори билан қуроллантириб турилган.

Руслаштириш – Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсатида асосий эътиборда бўлган жараён. Бу жараённинг асосий моҳияти – маҳаллий аҳолини миллий-маданий кадриятларини унутишга мажбур этиш, рус-тузем мактаблари орқали маҳаллий аҳоли орасидан рус маъмурларига содиқ хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш, рус аҳолисини ўлкага кўчириб уларга турли-туман имтиёзлар бериш, кўчирувчилик тадбирлари орқали ўлкада русийзабон аҳолини кўпайтириш ва уларнинг иқтисодий мавқеини кучайтириш, маҳаллий аҳолини истаганча хўрлаш ҳамда камситишдан иборат эди. Бу жараён эса, буюк рус шовинизмининг ижтимоий-иқтисодий заминини яратди.

Рус-тузем мактаблари – Россия империяси руслаштириш сиёсатининг маорифдаги тадбирларидан бири. 1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини рус аҳолиси болалари билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилиб, генерал-губернатор фон Кауфман томонидан “руслар ва туземецлар болаларини биргаликда тарбиялаш” таклифи киритилди. Генерал-лейтенант Н.О.Розенбах эса ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар бўлган “рус-тузем” мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Биринчи рус-тузем мактаби 1884 йилда Тошкентда очилди. Маориф соҳасидаги бу сиёсатдан кўзланган асосий мақсад – империя маъмуриятига садоқатли амалдорларни тайёрлаш ва келажакда сиёсий аҳамиятига эга бўлмаган бошқарув ишларигагина маҳаллий аҳолини жалб қилиш эди.

Саноат маҳсулотлари кўрғазмалари – дастлаб Петербургда, кейин эса, Тошкентда ўтказилган. 1870 йилда Тошкент, Ўратепа ва Хўжанд усталари тайёрлаган пичоқлар, сопол идишлар, ўйма нақшлар билан безатилган эшиклар Петербургдаги кўрғазмаларда намоиш қилиниб, 42та туркистонлик уста мукофотланади ва уларнинг 9таси бронза медали билан тақдирланади. 1886 ва 1890 йилларда Тошкентда биринчи ва иккинчи Туркистон кўрғазмалари очилган. Бу кўрғазмаларда маҳаллий хунарманд усталар ҳамда саноат

корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш қилинди. Бу ерда намойиш қилинган гилам тўқувчилар, қуролсозлар, заргарлар ва тўқувчиларнинг тайёрлаган маҳсулотлари кўرғазма иштирокчиларида яхши таасурот қолдирган эди.

Скобелев – Россия империяси генерали. Скобелев ўтакетган ёвуз, шовинист, босқинчи ва бешафқат шахс бўлган. Кўплаб қирғин-барот ва босқинчиликлар ташаббуси билан Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, розилик олган. Скобелевнинг ёвузлиги Андижон, Марғилон, Асака, Наманган каби шаҳарларни босиб олишда мисли кўрилмаган даражада намоён бўлган эди. Ушбу “хизматлари” туфайли Скобелев 1876 йил 19 февралда янги ташкил этилган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланиб, унинг номи янги Марғилон (Скобелев-Искобил) шаҳрига берилди. Скобелев 1879-1881 йилларда Каспий орти вилояти (Ахалтака, Кўктепа) ҳудудларини босиб олишда бошлиқ қилиб тайинланган.

Суд ва халқ суди – Туркистон ўлкасида жорий этилган ҳуқуқий тизим. 1867 йилги “Муваққат Низом”га кўра, Туркистон ўлкасининг суд ва полиция тизими – ҳарбий суд, империянинг умумий қоидалари асосида суд ва халқ судидан иборат бўлган бўлса, 1886 йилги “Низом”га кўра, уларга ўзгартиришлар киритилиб, қуйидагича бўлган: судлов палатаси, округ судлари, қўшимча мировой (сулҳпарвар) судьялар, фахрий мировой судьялар. Маҳаллий аҳолининг судлари алоҳида тартиб асосида тузилиб, халқ судлари деб номланган. Халқ судлари – халқ томонидан сайлаб қўйилган бийлар томонидан амалга оширилган. Ўтроқ аҳоли учун қози судлари амал қилган.

СССР (Совет Социалистик Республикалар иттифоқи) – жаҳон сиёсий харитасида бу ном 1922 йил 30 декабрда пайдо бўлиб, РСФСР, УкССР (Украина), БССР (Белоруссия) ва ЗСФСР (Закавказье Социалистик Федератив Совет Республикаси)ларининг иттифоқи сифатида ташкил этилади. Кейингир йилларда уларнинг таркибига бирин-кетин қатор “иттифоқчи” совет республикалари киритилади. ЎзССР 1925 йил майда иттифоқ таркибига қабул қилинади. 1940 йилга келганда унинг таркибидаги республикалар сони 15 тага етади. Зўравонликка асосланган бу сунъий давлат жуда қисқа умр кўриб, 1991 йилга келиб, парчаланиб кетади.

Темир йўллар – уларни қуриш учун ҳаракат XIX асрнинг 70-йилларида бошланган. Бу йўналишда қисқа муддат ичида 40га

яқин лойиҳалар ишлаб чиқилган ҳамда темир йўл қурилишини Красноводскдан бошлаш мақсадида мувофиқ деб топилган. 1880 йил 26 августда Михайловское кўрфазидан Қизил Арватгача бўлган 217 чақирим масофада қурилиш ишлари бошланиб, 1881 йил 1 сентябрда ишга туширилган. 1886 йилда Марв-Чоржўй темир йўл қурилиши бошланган. 1888 йилда Амударё-Самарқанд темир йўли қурилди. 1887 йилда Қўқонга, 1889 йилда Тошкентга, 1900 йилда Андижонга биринчи поездлар келиб, магистрал йўлга “Ўрта Осиё темир йўли” деб ном берилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли фойдаланишга топширилди.

Тошкент мудофааси – 1865 йил 28 апрелдан, Черняевнинг Ниёзбек қалъасини эгаллаб, Бўзсув тўғонини бузиб юборишидан бошланган. Юрт фидойилари Амирилашкар Алимқули бошчилигида Тошкент мудофааси учун барча зарур чораларни кўрганлар. Мудофаа кўқонликлар, анжидонликлар, наманганликлар, ўратепаликлардан ташқари, тошкентлик сарбозлар, оддий фуқаролар, муллавачалар қатнашганлар. 2 май куни русларнинг биринчи хужуми қайтарилган. 9 май куни Салор оралиғи бўйидаги жангда Алимқули яраланиб, ҳалоқ бўлди. Оғир жанглардан сўнг Тошкент мудофаачиларининг қаттиқ қаршилиги сингдилди ва 15 июн куни истилосилар Тошкентни забт этдилар.

Тошкент шаҳар Думаси – Умумроссия шаҳар низомига кўра Тошкентда ташкил этилган. 1877 йил 16 августда Тошкент шаҳар Думасига сайловлар бошланиб, 30 августла очилиши бўлиб ўтган. Думада Сирдарё ҳарбий губернатори бошчилигида махсус ҳайъат тузилиб, у сайловчилар рўйхатини тузиш, шаҳар жамоатчилик бошқарувига сайлов ўтказиш бўйича иш олиб борган. 4 йилда бир марта ўтказиладиган сайловда 25 ёшга тўлган фуқаролар, асосан, савдогарлар, йирик корхоналар ва уй эгалари иштирок этганлар. Тошкент шаҳар ҳокими бир вақтнинг ўзида Дума раиси ҳам бўлган. Янги ташкил этилган Думанинг асосий мақсади шаҳарни мустамлакачилар қўлида сақлаб туриш ва Думага сайланган маҳаллий аҳоли вакилларини ҳокимиятни таянчига айлантириш эди.

Тузем халқлар – Туркистон ўлкасининг маҳаллий халқларига нисбатан ишлатилган атама. Россия империяси маъмурияти ўлкадаги қишлоқ бошқарувини “ерли” (маҳаллий, тубжой) – “туземное” ва “рус” каби икки тоифага ажратган. Рус

амалдорлари “туземец” (“ерлилар”) атамаси билан хинд, араб, уйғур, дунган кабиларни тушунган. Турмуш тарзига кўра эса, рус амалдорлари барча аҳолини иккига: “қирғизлар” ва “сартлар” бўлишган. Қирғизлар деганда кўчманчи, сартлар деганда эса ўтроқ аҳоли назарда тутилган.

Туркистон вилояти – 1865 йилнинг ёзида Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган. Ҳарбийлашган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган бу вилоятга генерал-майор М.Г.Черняев губернатор этиб тайинланади. 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги Низом” қабул қилиниб, унга кўра ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳарбий губернатор қўлида бўлимларга бўлиниб, уларни бўлим бошлиқлари бошқарган. Бўлим бошлиқларига маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчилар бўйсунган. Вилоят маркази Тошкент шаҳри бўлиб, Авлиё ота, Чимкент, Пишпак, Туркистон, Верний, Тўқмоқ, Казалинск, Перовск каби уездларга бўлинган. Чор маъмурияти бошқарув манфаатларига мос келмаганлиги боис, Туркистон вилояти 1867 йилда тугатилган.

Туркистон генерал-губернаторлиги – Император Александр Пнинг фармонига кўра, 1867 йил 11 июлда ташкил этилган. Биринчи генерал-губернатори фон Кауфман. Ушбу маъмурий бирлик дастлаб 2та – Сирдарё ва Еттисув вилоятларида иборат бўлиб, кейинчалик босиб олинган ерлар ҳисобига Фарғона, Самарқанд, Каспиорти вилоятлари ва Амударё бўлими ташкил этилган. Бошқарув соҳасида генерал-губернаторга чекланганмаган ҳуқуқлар берилган. Генерал-губернатор ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштириб, бир вақтнинг ўзида у подшо ноиби, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари атамани, бош миршаб ва бош прокурор вазифаларини ўтаган. Генерал-губернатор император томонидан ишга тайинланган ва вазифасидан озод этилган бўлиб, у ҳарбий вазирга бўйсунган. Генерал-губернаторлик марказий бошқарув, вилоят бошқаруви, шаҳар бошқаруви, қишлоқ бошқарувига бўлинган. 1867-1917 йиллар давомида 15та генерал-губернатор ҳокимиятни бошқарган. 1897 йилги тўла бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, генерал-губернаторликда 5281 минг киши истиқомат қилган.

Ҳарбий халқ бошқаруви – мустанлака даври Тошкентдаги бошқарув тизими. 1868 йил 27 февралда Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмида ҳарбий халқ бошқаруви тузилиб, статистик маслаҳатчи Россицкий унинг бошлиғи этиб тайинланган. Ушбу бошқарманинг дастлабки қарорига кўра, Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисмида режа тузиш, уйлар қурилиши, кўча ва майдонлар барпо этиш, солиқларни тартибга солиш, даромад ва харажатлар сметасини тузиш, ирригация тизими ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Хонликлар – XVIII аср бошлари, XIX аср охири ва XX аср бошларга қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги давлатларига нисбатан ишлатиладиган умумий атама. Хива ва Қўқон хонликларини хон унвонидаги ҳукмдор, Бухоро амирлигини эса амир идора қилган. Уларнингш бошқарув тизими бир-биридан фарқ қилувчи айрим унвонлар ва мансабларни ҳисобга олмаганда таркибий тузилиши бир-бирига ўхшашлиги билан изоҳланади. Илмий адабиётларда юқоридаги давлат бирлашмаларини умумий тарзда хонликлар, улар мавжуд бўлган даврни эса, хонликлар даври деб аташ қабул қилинган.

Фон Кауфман – немис дворянларидан чиққан генерал. Россия империяси маъмуриятининг содиқ ва ишончли хизматкорларидан бири. Барча лавозимларда подшо сиёсатини кўнгилдагидек амалга оширган шахс. 1868-1876 йилларда Туркистондаги ҳарбий юришларда истилочи сифатида танилган. 1867-1882 йилларда Туркистон генерал-губернатори. Туркистонда генерал-губернаторлик бошқаруви Кауфманнинг чекланмаган истибдоси асосида амалга оширилган.

Черняев – рус ҳарбийлари орасида чўрткесарлиги ва ўта жангарлиги билан машҳур бўлган. Маҳаллий аҳолига нисбатан ўта салбий муносабатда бўлган шафқатсиз полковник Черняев 1864 йилда Авлиё ота шаҳрини эгаллагани учун генерал-майор унвонини олган. У 1865-1866 йилларда Туркистон вилоят ҳарбий губернатори, 1882-1884 йилларда Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бўлган.

Шаҳар низоми – 1870 йил 16 июнда аҳолининг ўсиши ва шаҳарлар ҳудудининг кенгайиши муносабати билан Россияда қабул қилинган. 1872 йилда Сирдарё вилояти бошқармасининг умумий раёсати ушбу низомни Тошкентда ҳам қўллаш

масаласини кўтариб чиққан. Шунга кўра, мустамлакачилар манфаатларига мос ҳолда махсус лойиҳа тайёрланиб, ушбу лойиҳа махсус комиссия томонидан атрофича муҳокама этилган бўлса-да, бу масала 1877 йилдагина ҳал бўлган. Россия империясида шаҳарга оид иккита низом (1870, 1892 йй.) қабул қилинган бўлиб улар Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Верний (Алмати) шаҳарларининг фақат руслар яшайдиган «янги» қисмларида қўлланилиб, бошқа шаҳарларга жорий этилмаган.

Элчилар – турли даврларда давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар ўрнатилишида давлат бошлиқларининг ишончли вакиллари. Элчилар давлат бошлиғи номидан музокаралар олиб борганлар. Юборилаётган давлат манфаатлари нуқтаи назаридан элчилар ўз вазифаларидан ташқари жосуслик вазифасини ҳам бажарганлар. Россиянинг Ўрта Осиё хонлиқларига элчилари XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб ташриф буюра бошлаган бўлса, XVIII аср давомида хонлиқларга 9та элчи келган. Бекович Черкасский, Ф.Беневени, Хўжа Нафас, Эрназар Мақсуд ўғли, Никифоров, Н.Игнатъев кабилар кейинги даврларда фаолият юритганлар.